

Гүрөб Мақсуд

Қайтмас тұлқилар



Туроб Мақсуд

Қайтмас тулқинлар

*Беш китобдан
ибораъ роман*



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2014

УЎК: 821.512.133
КБК 84 (5Ў)6
М 36

Мақсуд, Туроб

М 36 Қайтмас тўлкинлар / Т. Мақсуд. – Тошкент:
О‘zbekiston, 2014. – 520 б.

ISBN 978-9943-28-046-5

Дунёнинг энг буюк тилсими, энг буюк мўъжизаси –
Инсон! Бу тилсимнинг, бу мўъжизанинг гўдаклик, бола-
лик, ўсмирлик, ўспиринлик, ёшлик даврлари қандай
кечади? Камолот йўлида қандай азиятлар чекади? Ўз
умр йўлини англаб мудом олға интилиб яшаш осонми?
Китоб шу хусусда. У ўқувчини руҳ оламининг ёруғ
йўлларига етаклайди.

УЎК: 821.512.133
КБК 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-28-046-5

© «О‘zbekiston» НМИУ, 2014

РОМАН ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ

Азиз китобхон! Қўлингиздаги роман муаллифи Туроб Мақсудни кўндан бери орқаворатдан танийман, ижодини кузатиб бораман. «Катталар ва мен», «Муножот», «Бешик», «Парига ошиқ ўсмир», «Муаллим ишқи», «Юракка қасида» каби китоблари, айниқса, «Илинж» романи менда яхши таассурот қолдирган. Бугунги насримизда ўзигагина хос йўлдан бораётган бу камтарин қаламкаш билан яқиндан танишиш, суҳбатлашиш иштиёкида юрардим. Ниҳоят, муаллифнинг кўп йиллик ижодий изланишлари самараси бўлиш «Қайтмас тўлқинлар» романи қўлёзмаси мутолааси асносида шу эзгу ният рўёбга чиқди.

Беш китобдан иборат бу асар эндиgina ўрта мактабни тугатиб она қишлоғидан шаҳарга отланган — олий ўқув даргоҳида ўқиш гамида юрган Қуддус исмли йигитнинг саргузаштларидан иборат. Асар айни шу илк ёшлик босқичига қадам қўйган йигитнинг 17–18 йиллик умр йўли, аниқроғи, шу босқичга қадар босиб ўтган йўлнинг беш палласи — гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, илк ёшлиги ҳақида; воқеалар айни шу йигит тилидан ҳикоя қилинади. Йигит умрининг ҳар бир палласи алоҳида қисм — китоб шаклида тақдим этилади.

Биламизки, шу пайтга қадар бизда Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровлар қаламига мансуб ўша атоқли адибларимизнинг болалик, ёшлик йиллари эсдаликларига оид асарлари бор эди. Кейинги авлод адибларидан ўз болалик, ёшлик хотиралари асосида яратилган Худойберди Тўхтабоевнинг «Жаннати одамлар», «Беш болали йигитча» романлари, Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони айни шу йўналишдаги асарлардир. Мана энди гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, илк йи-

гитлик даври Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кечган қаламкашнинг кенг қўламли беш китобдан иборат автобиографик-мемуар асарини ўқиб турибмиз.

«Қайтмас тўлқинлар»нинг юқорида тилга олинган асарлардан фарқли жиҳати шундаки, бу романдаги ҳикоячи қаҳрамон муаллифнинг ўзи эмас, ҳаттоки номи ҳам Туроб эмас, Қуддус! Айни пайтда роман мутолааси чоғида қаламга олинган воқеа-ҳодисалар муаллифнинг кўрган-кечирганлари, ўз ҳаётий тажрибалари, шахсий тафаккур тарзи самараси эканлиги ҳам шундоққина сезилиб, кўриниб туради. Шахсан ўзим ҳам муаллиф билан «Қайтмас тўлқинлар» қўлёзмаси устидаги гурунгларимиз чоғи Қуддус кўп жиҳатдан Туробжонга яқин эканига иқрор бўлдим.

Туробжон исми жисмига мос ўта хокисор, камтарин инсон. Эҳтимол, у ўз қисматини бутун бошли роман бош қаҳрамони қилиб кўрсатишдан иймангандир. Маълумки, бир неча йиллардан бери Туроб Мақсуд Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими масъул котиби бўлиб ишласа-да, ўзини намоёиш этишдан қочиб, нуқул ўзгалар ташвиши, юртдош қаламкашлар манфаати илинжида юради, ўз асарлари ҳақида гапиришдан ийманади. Камина учинчи, тўртинчи, балки бешинчи бор учрашувдан сўнг Туробжоннинг сардафтарини қисман варақлаб, унинг ўйчан, маъюс кўзлари тубига чўкиб ётган туғёнлардан огоҳ топгандай бўлдим; қатор асарлари, жумладан, «Илинж» ва «Қайтмас тўлқинлар»даги одамларнинг дарди-дунёси, оху зорлари илдизлари менга аён бўла бошлади. Ҳаётда кўпни кўрган бу ҳамсухбатим кўнглида яна бир эмас, бир неча асарларга етгулик бой бисоти бор эканига иқрор бўлдим. Ўзи туғилиб ўсган Жиззахнинг қадимий, айниқса, кейинги юз йиллик тарихини миридан-сиригача яхши билади; шу билан баробар, у бирмунча фурсат Фарғона вилоятида яшаган, меҳнат қилган. Ўша кезлари вилоятда юз берган воқеалар, ўз даврининг машҳур кишилари ҳақидаги хотира, ҳикояларини тинглаб лол қолдим; очиги, фарғоналик бўлатуриб уларнинг кўнидан беҳабар эканимдан хижолат чекдим...

Боз устига, унинг фақат миллий адабиётимиз эмас, жаҳон адабиёти, санъати, фалсафаси, рухшунослигига доир нодир асарлардан хабардорлиги, «Қайтмас тўлқинлар» устида ишлаш чоғи кейинги икки аср давомида Фарбу Шарқда яратилган автобиографик-мемуар асарларнинг деярли барчаси билан танишганлиги, улар ҳақидаги ўз шахсий фикр-мулоҳазалари – булар мени лол қолдирди. Ўзининг эътироф этишича, XIX аср рус файласуф ёзувчиси, публицисти А.И. Герценнинг «Кечмиш ва ўйлар» мемуар романи «Қайтмас тўлқинлар»нинг туғилишига туртки берган. Очигини айтиш керак, «Қайтмас тўлқинлар»да «Кечмиш ва ўйлар»дан кўчиб ўтган нималардир бор, аммо унда тақлиддан асар ҳам йўқ. «Қайтмас тўлқинлар» фақат Туробжоннинг табиатига, қаламигагина хос содда, самимий, биров хокисор, тўпори, деҳқонча рух билан йўғрилган. Асарнинг ифода йўсинида эсдалик, хотира-мемуар, насрий баён ва драма усуллари қоришиқ ҳолда келади, лирик-фалсафий чекинишлар, тарихий-афсонавий талқинлар, шеърий парчалар, публицистик талқинлар ўрин алмашиб туради. Шу хил ифода йўсинлари баробарида ўзга санъат турлари, чунончи, рангтаъсир намуналарига ҳам дуч келамиз: матнда воқеаларга мос суратлар берилган. Замоनावий жаҳон адабиётида шу хил таъриба бор, муаллифнинг аввалги асарлари, чунончи, «Илинж»да қўлланилган бу усул «Қайтмас тўлқинлар»да изчил тус олган.

Романнинг илк китоби – «Гўдаклик»да бу ёруғ дунёни энди таний бошлаган гўдак – Қуддус теъарак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни айни шу ёшдаги таъаввури даражасида идрок этса, кейинги қисмларда у улғая борган сари тафаккур-идрок даражасига мос тарзда ифода, талқин тарзи ҳам ўзгариб боради. Ўрни келганда айтиб ўтай, бу хилдаги асар учун ўта нозик, мушкул ижодий изланиш чоғи гоҳ маромига етмай қолган ўринлар, ҳолатлар ҳам учрайди. Бу ҳол «Гўдаклик»да яққол сезилади.

Асарнинг «Болалик» қисми нисбатан марокли чиққан. Давр руҳи – жамиятда, бинобарин, болакай мансуб бўлган муҳит-шароитдаги «кўрқув салтанати», уруш хотиралари, асоратлари, фожиявий ва кулгили воқеалар, фаройиб саргузаштлар ифодаси ўқувчида завқ-шавқ уйғотади. Учинчи

китобдаги машҳур халқ ҳофизлари Маъмуржон Узоқов, Орифхон Хотамовлар билан боғлиқ лавҳалар, орадаги аския, кишлоқ турмушига оид ачинарли воқеалар, мактаб ўқувчиларининг меҳнати, пахта теримидаги иштирокига оид воқеалар тасвири яхши чиққан. «Илк ёшлик» китобидаги бригадир Зумрад опа фожиаси, шунингдек, туркий қавм тарихига оид ҳикоя, ривоят, маълумотлар, энг муҳими, Қуддус шахсияти камолотидаги ўзгаришлар ифодаси муаллифнинг ютуқларидандир.

Хар бир китоб охиридаги умрнинг алоҳида палласи хусусидаги қаҳрамон тилидан келтирилган фалсафий-лирик, публицистик кечинма-хулосалар бамисоли қўшиқдай янграйди. Ровий-қаҳрамон балоғат ёшида туриб гоҳ гўдак, гоҳ болакай, гоҳ ўспирин, гоҳ ёш йигитча бўлиб дил розларини изҳор этади. Чунончи, ровий гўдаклик билан хайрлашув чоғида «Ўшанда инсон умрининг энг беғубор онлари – гўдаклигим тугаётганини сезмас эдим, сезмайгина қолмай, балки гўдакликдан тезроқ қутулишни, бирор мўъжиза рўй бериб каттариб қолишни, дашномлардан, беписанд қарашу камситишлардан қутулишни шундай хоҳлайманки...» деб дил розларини тўкиб солади. Ўсмирлик интиҳосида уни мана бундай мушоҳадалар оғушида кўрамиз: «Ўсмирлик – инсон умрининг ажиб бир сирли, мураккаб, зиддиятли, фаол, вале тарқоқ, хом интилиш, чираниш, иккиланишларга бой, юрагида севги ғунчаси уйғонган ажойиб бир даври. Унинг тўлқинлари руҳимни сирли-сирли китиклайди... Кекирдагим олмаси бўртиб, овозим йўғонлашгандан, муртим сабза ургандан бери вужудим қизийди, баъзан юрагим гумириб-гумириб кетади...»

Нихоят, Қуддус, эсини таниганидан буён кўнглидан кечган, эндиликда хотирага айланган кунларини ортда қолдириб шаҳарга отланар экан, пайти келиб туғилган юртига қайтса ҳам, энди у асло ўша беғубор дамларга қайта олмаслигини, ўтган кунлар умри дарёсининг қайтмас тўлқинлари эканлигини юракдан хис этади. Умрнинг хар бир палласи, дақиқаси хар бир инсон зоти учун жамики қувончу ташвишлари ила бениҳоя азиз, қадрли, Аллоҳнинг беназир эҳсони, имкони... Даҳо шоиримиз ҳазрат Навоий бежиз айтмаган:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Хар неники севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

«Қайтмас тўлқинлар» моҳият-эътибори ила ана шу шоҳ байтларга ҳамоҳанглиги билан қимматлидир.

Нихоят, романнинг яна бир ибратли жиҳати устида тўхталиб ўтсам. Асардаги воқеалар муаллифнинг ўзи туғилиб ўсган юрти — Жиззах яқинидаги қишлоқларда, қисман, Фарғонада бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон туғилиб ўсган оила аъзолари ҳам оддий қишлоқ одамлари. Табиийки, оила даврасидаги гурунглarda сўз аксари кундалик турмуш ташвишлари, гоҳо кимларнингдир ғийбати устида боради. Шуниси ҳақиқатки, ўзбекнинг олис қишлоқ оилалари ҳам маърифат зиёсидан, аҳли донишлар иштирокидаги гурунглardan ҳеч қачон бебаҳра қолмаган. «Қайтмас тўлқинлар» қаҳрамони Қуддус гувоҳлигида гоҳо юрт тарихи, қайғуси, диний-исломий ақидалар, умумбашарий муаммолар устида қизғин баҳс-мунозаралар кетади, муқаддас китоблар ҳикматлари, улар қатори «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек хожининг юрт қайғуси ҳақидаги оташин дил сўзлари ҳам тилга олинади, уларни ёш қаҳрамонимиз жон қулоғи билан берилиб тинглайди. Биргина мисол. Даврада «омин» сўзининг маъноси устида сўз очилади. Шунда гурунг иштирокчиларидан бири — Тоға «омин» қадимий жухудча сўз бўлиб, «Худо борлигига бешак ишондим, тамом вассалом», деган маънони билдиради. Мана, эътибор қилинг, иуддан тортиб, насроний мусулмон ҳам эзгу дуосини омин сўзи билан якунлайди!.. Бу — бари диннинг илдизи бир эканини кўрсатмайдими? Бу — бари диннинг нияти холис эканлигини билдирмайдими? Бу — жамики миллату элатнинг томири бир эканидан дарак бермайдими?» дея ўз қарашларини ўртага ташлайди. Шунда қаҳрамонимизнинг отаси Мусожон полвон Тоға сўзларига илова қилиб қалбидаги армон-ўкинчларини тўкиб солади: «Биз бўлса, баъзан сен ўзбек, сен тожик, сен туркман, сен қозоқ, қирғиз деб бир-биримиз билан ейишамиз! Ота-бобо-

ларимиз эса бир-бирига қандай ҳурмат билан қараган?! Нимага ўзбек ўзининг ўғлини Қирғизбой, Қозокбой, Туркманбой деб атаган? Нимага қозок, қирғиз ўғлининг отини Ўзбек қўйган? Бу бирликка ингилиш эмасми? Ана шундай туркий бирлик ҳар қалба садо берган Туркистонни парча-парча қилиб ташлашди».

Ана сизга оддий меҳнаткаш қишлоқ одамнинг дил сўзлари, қалбидаги оҳу зорлари, орзу-умидлари!.. Шахсан ўзим болалигимдан оддий одамлар оғзидан шундай сўзларни такрор-такрор эшитганман, бугун ҳам эшитиб тураман. Мана шундай халқона бағрикенглик, донишмандлик руҳи асарга ўзгача фойда бахш этган.

Романда келтирилган асарнинг ёзилишига оид саналарга кўра муаллиф асар устида чорак асрдан кўпроқ (1972–1996 йиллар) меҳнат қилган. Ўшандан бери ўтган ўн беш йил давомида унга сайқал бериш бетиним давом этади. Демак, асар қирқ йиллик ижодий меҳнат маҳсули. Аминманки, роман тўла ҳолда китобхонлар қўлига етиб борганидан кейин ҳам Туробжон «Қайтмас тўлқинлар» устидаги ишни тўхтатмайди, азиз, куюнчак китобхонлар далдаси, истак-мулоҳазалари асосида унга сайқал беришда давом этаверади. Чунки муаллифнинг ҳам, камина қатори мунаққид ва китобхонларнинг ҳам бу асардан умиди катта, «Қайтмас тўлқинлар» Туробжоннинг бош китоби бўлиб қолса ажаб эмас.

Умарали Норматов,
2012 йил 15 август

*Кавбаки, оламнинг ўлиб қибласи,
Қадри йўқ ондоқким, кўнгил кавбаси.*

Амир Алишер Навоий

Муаллифдан

Бўйлаким, умр — тоғнинг тош бағридан сирқиб-сирқиб чиққан булоқ ирмоқчаси! Эҳ, унинг долғалари, долғалари ...Дастлаб милдираб-милдираб оқади, ўзича шошилади, сўнг бошқа булоқ сувларига қўшилиб, тошдан-тошга урилиб, хубоблари қайнаб-қайнаб гупиради, баъзан сирли-сирли шивирлайди — шилдирайди, баъзан шарқирайди — ғоят сурурли, ғоят бахтиёр; вале оқимида минг бир тошга, не бир дов-дарахту хас-чўпга қоқинади, қоқинмаган-юқинмаганида тиникиб жимирлайди, шаррос ёмғир қуйганда лойқаланиб, селни бағрига олиб бешик-бешик долғалари ила қирғоқларини емириб, соҳилларидан тошиб, хайқириб, кучи етган нарсани оқизиб, асов ғалаён кўтариб сўнг яна тиниб, ўзанида сокин жимирлаб оқиб, агар ета олса денгизга қуйилиб (Ҳакка етиб), йўқса тупроққа ёхуд кумга сингиб кетади; гўёким: «Алвидо, алвидо! Эссиз, эссиз!» — дегандек. Эвоҳ, бу долғалар ортга қайтмайди, қайта олмайди...

Бўйлаким, дунё — бир сиёҳдон! Бу сиёҳдонга Инсоннинг илк йиғисию севинч, изтироб, ҳасрат, армон, ишк, рашк, хижрон, жудолик, муножот, эхтирос, алданиш, адашиш, фиғон ашклари сиёҳ бўлиб қуйилур. Ҳа, умр — сиёҳ! Шул сиёҳнинг оқ қоғознинг ватан қилишидан ушбу битик туғилди.

Эҳ, дунёнинг энг буюк тилсими инсон экан! Бул илоҳий тилсимнинг тагига етишга кўп уриндим – узоқ изландим. Аммо ҳар қандай муддат ҳам бу йўлда жуда оз туюлди. Қораламамда буюк устозлар сулукидан бориб инсон умрининг беш даври – гўдаклик, болалик, ўсмирлик, ўспиринлик, илк ёшликнинг руҳини ҳаёт уммонида машаққат билан уфқ томон сузаётган ўзбекнинг бир оқюрак боласи – Қуддуснинг дор дунёсини зохир этишга интилдим.

Бешликка кирган китоблардан парчалар эълон қилинғач, баъзи ўқувчилар: «Асарни айнан ўз ҳаётингиздан олиб ёзганмисиз?» – дея мурожаат этишди. Тўғри, бадий тўқима саннаҳини кечмишдан олганман, аммо у менинг фарди ҳаётим эмас. Мабо-до, битикларимни ўқиб: «Бу менинг ҳасби ҳолимга ўхшаб кетаркан», – десангиз ўзимни ғоят бахтиёр ҳис этардим. Яна ёш дўстларим учун бешликда бир эзгу сирни қулфладим ва умидимга етгайманки, улар бу қулфни оча билурлар...

Ўқувчим, қалам ва унинг ёзганлари ҳақи қасамёд қиламанки, ниятим эзгулик, холос.

Ўқиганлар муродига етсин, дея эхтиром ила

Туроб Мақсуд.



ГҶДАКЛИК

Биринчи китоб

Ишком тагида мушукчаларнинг бир-бири билан олишишини кузатавериб зерикдим; зоғчам кўринмайди – чигиртка овлагани боққа кетган, «аямнинг соати»га қарадим – уйнинг сояси супага етмаганди: демак, опамнинг мактабдан қайтишига ҳали анча вақт бор. Саодат опам мактабдан келгач, тушлик қилади-да: «Хўш Қуддусжон, тайёرمىсан?» – дейди. Мен варақланаверганидан сийқаси чиқиб муковаси юмшаб қолган «Алифбо» китобини олиб ёнига бораман. У эринмай менга ўқишни ўргатади, кейин ёзишни машқ қилдиради. «Алифбо» менинг энг севимли китобим, уни еру кўкка ишонмайман, эҳтиёт қилиб, кўрпалар орасига тикиб қўйганман, дафтарим эса унинг орасида.

Бугун негадир шу пайтгача Ширин ҳам келмади. Ширин – кўшнимиз Мўмин маслаҳатнинг қизи, Мўмин амаки ҳар икки гапининг бирида: «Маслаҳатлашайлик, маслаҳатлашайлик» деявергани учун унга шундай лақаб такашган. Дадам уни «Жон қўнатим» дейди, уйимизда исиган сувдан биринчи бўлиб уни йўқлайди. Шириннинг аяси Тухфа хола қизининг мен билан бирга ўйнашига қаршилиқ қилмайди. Унинг айтишича мен «юввош-мўмин», Қўлдош эса «шум-доғди» эмиш.

Мен рангпар, бироз чўзик юзидаги кулдиргичи чуқур бўлгани учун мудом жилмайиб тургандек кўринадиган, ғозбўйин, сузик кўзли, қора сочини қирқ кокил қилиб ўрдириб юрадиган бу чиройли

қизчага ўрганиб қолганман, ҳатто, қиз бола бўлатуриб, мени «жўра» деб чақирса ҳам аччим чикмайди. У билан кун бўйи бирга ўйнаса-да, уришмаймиз. Лекин, орамизга Қўлдош қўшилиб қолса, иноқлигимиз узоққа чўзилмайди. Қўлдош хумкалла, қора қошлари туташган, қиррабурун, ияги олдинга бўртиб чиққан, чайир бола, у Мўмин амакининг укаси Муҳаммад аканинг ўғли, Ширинлар боғининг кун чиқиш томонидаги уйда туришади. У негадир Ширин билан чиқишмайди, агар мен ҳам Қўлдошга қўшилиб Ширинни «Аччикмисан, чучукмисан» деб калака қила бошласам, Ширин йиғлаганча уйига жўнаб қолади, шунда ҳам Тухфа хола мени уришмайди. «Ҳамма ишни манави шумтака қилган», деб Қўлдошни қойийди.

Деворнинг қулаган жойидан қўшнимизнинг боғига қарадим, Ширин кўринмади, ўтган куни кувурга ҳашак тикилиб қолди-ю, девор нам тортиб бир қисми кулаб тушди. Энди Ширин ҳовуз бўйидан айланиб юрмай, тўғри ана шу деворнинг қулаган жойидан ўтиб келади.

Кун исиб кетганди, ишком ости соя бўлишига қарамай, ҳавоси дим, нафасни бўғади. Супадан тушдим, айвондаги шолчани кўтариб, узумзоримизнинг четидаги сада томонга кетаётгандим, кичик уйда кувпишаётган аям ланг очик турган деразадан қараб сўради:

– Ҳа, отажон, сўригами?

Аям ўзи рўзғорбоп деб айтадиган карамгулли қўйлагини кийган, қирмизи дуррачасини маҳкам танғиб олганди, у пишгакни қўйиб енгини шимарди, сўрига келаётганимни билса-да ўсмоқчилаб сўради.

Мен «ҳа» деган маънода бош ирғаб, чиллаки тоқлар орасидан юриб кетдим.

– Яна ёлғиз ухлаб қолмагин, уйқунг келса, дарров уйга келгин-а, хўпми, гиргиттон, – деб қолди аям.

«Сўрида ухлаб жинни бўлибманми? Агар у ерда ухлаб қолсам, ажина чалиб кетади-ку!»

Ток жўяклари орасидан юриб борарканман, аям янтоқ билан ўраб қўйган чиллаки токнинг очикрок жойидан мўраладим, ҳар йилгидек унинг бошлари бошқа чилгиларга қараганда тезроқ чумак ура бошлаган.

Аям бу токни кеч кузгача сақлайди: «Абдурахмон тоғанг келиб қолади, тоғангнинг, қолаверса, акангнинг насибаси», — дейди.

Акам Масковдан келгач, ана шу узумни ўзи узиб, карсиллатиб-карсиллатиб маза қилиб еди, аммо тоғам ҳеч келмади, келмади... Аям барибир шу токни янтоққа ўраб қўяверади.

Кейинроқ эса опаларимнинг кераксиз дафтарларидан халталар тикиб аввал ана шу ертокдаги, сўнг вайишдаги узум бошларига кийдириб оғзини боғлайди, энди узум бошларини ари ҳам талай олмайди, қуш ҳам чўқий билмайди.

Аям узумдангина эмас, балки палов қилсаям бир капгир, суюқ ош пиширсаям бир чўмич, албатта қозонда қолдиради:

— Ғойибнинг ҳақи — дейди у.

...Янтоқ билан ўралган токдан мўралаб қизара бошлаган узумни чўкилагим келди, бироқ аямнинг эскартируви ёдимга тушиб қўлимни тортдим, ёнидаги оқ чиллакининг сарғая бошлаган шингилидан чўкилаб яна йўлимда давом этдим.

Чуғурчуқларнинг қулоқни қоматга келтираётган чуғурлашларини эшитиб сергак тортдим.

Оҳо, келибди-да, деб ўйладим. Дадамнинг айтишича чуғурчуқлар тут пишиғида бир келади-ю кетиб, узум пишиғида яна қайтади. Келибди, энди хушёр бўлиш керак!

Дадам узумзоримизнинг чеккасидаги саданинг соясига сўри куриб берган, бу ерда биз узумга тушган чумчук, чуғурчуқларни кўриб ўтирамиз. Шолчани сўрига ташладим-да, устунга илинган тартаракни олиб, тариллатганимча бир кўлим билан саданинг пастрокдаги шохига боғлаб қўйилган ишни тортиб юбордим, токларга ўрнатилган қалдироқлар жаранг-журунглаб, боғ шовқин-суронга тўлди, бундан ваҳимага тушиб, жон ҳолатда пириллаб учаётган чуғурчуқлар, чумчукларни кўриб, завқланганимдан «Ҳо-ой! Ҳо-ой!» деб бакирдим; сўнг, шолчани ёзиб устига чалқанча ётиб олдим. Бу ер ҳовлимизга қараганда анча салкин. Хиёл эсаётган шабада сададан сал наридаги наъматакнинг ёқимли хидини димоққа уради, кўйлагимнинг енгидан, очиқ ёқамдан баданимга намхуш ҳаво пуфлайди. Бундай роҳатижон жойда ухлаб қолиш ҳеч гап эмас, лекин ажинадан кўрққанимдан уйқум келмайди.

Ажинани шу пайтгача кўрмаганман, бироқ негандир қачон бўлса-да, кўришимга ишонаман. У ҳамманинг отини билади, опангнинг ёки акангнинг товушига ўхшатиб чақира олади. Агар ўшанда «Хув-в» деб қўйсанг борми, нақ оғзингни қийшайтириб кетади-я! Жамол қийшиқни ажина чалгани учун оғзи қийшайиб қолган! Яна ажина хоҳлаган қиёфасига кира оларкан, дадамга эшакка ўхшаб, аямга оппоқ тутундек бир нарса бўлиб кўринган. Менга қанақа бўлиб кўринаркин-а? Ажина деганда, кўз олдимга соч-соқоли ўсган, ирkit қийимли, мудом қовоғи солиқ, озғин, хуштак чалган болаларни қувиб юрадиган Чилгаш тентак келади.

Шунинг учун кўчада уни кўриб қолсам, болаларга қўши-



либ, тош отгани кўрқаман. Менга шу тентакка ўхшаб кўринса-я!

Шу чоқ ўтлар шитирлаб, қадам товуши эшитилди, кўрққанимдан ирғиб ўрнимдан турдим:

– Б-б-бис...

Хайрият, опам экан. У кўрққанимни билиб, қотиб-қотиб кулди.

– Оббо Қуддусжон-ей, мени ажина деб ўйладингми? – деди опам кулгидан ўзини зўрға тийиб. Сўнг пешонамдан ўпди, кўлидаги китобни сўрига қўйди. Саодат опамнинг қоп-қора, эгилган қошлари, чиройли қўй кўзлари менга жуда ёқади. Опам ҳам мени яхши кўради. Бу йил у ўнинчи синфни битираётганди. Шунинг учун доимо дарс тайёрлагани-тайёрлаган. Бу эса менга унча хуш келмасди, чунки у илгаригидек мени кўп эркалатмайди, китоб ўқиётганида ёнига борсам, «Халакит берма» деб қувади.

– Қуддус, қани кел, тойчоқ ясаб бераман, – деди.

Саодат опам икки ўрим қоп-қора сочларини ўзига жудаям ярашган алфозда бошига чамбарак қилди, оқ шоҳи кўйлагининг енгларини шимариб, сўридан анча наридаги гилослар томонга юрди, мен ҳам эргашдим. У тоқнинг ҳали яхши қуримаган ариғидан лой олдида, гилослар соясига ўтириб, тойчоқ ясашга киришди. Ҳар куни китобдан бошини кўтармайдиган опам бугун бирпасда тойчоқ ясаб, устига чавандозини ҳам миндирди, ҳатто бир дона наъматакгул олиб, чавандознинг қўлига ушлатиб ҳам қўйди. Шундан кейин супага ўтириб, китобини очди. Мен хурсандлигимдан теримга сиғмай ўйинчоқ билан овора бўлдим.

Бир маҳал опамга қарасам, у китоб ўқимай, наъматак гулларига термилиб ўтирибди.

– Опа, кўзингиз йўл кўряпти, меҳмон келади, – дедим-у, яна халакит берганим учун уришадими деб кўрқдим. Йўқ, уришмади, жилмайиб қўйди-ю, менга қарамади. Қўлига китобини олиб секин ўқий бошлади:

*Кошки, сени кўрмагай эдим,
Тушмаганди кўзга оташинг.
Яшар эдим беташвиш ва жим,
Юрагимни ёндирмас гаминг.
Оқизарсан ҳали ёшимни,
Ўт кўзларинг қўймас саломат.
Булут каби қуршар бошимни,
Ҳали қанча-қанча ҳасратлар,
Ҳали қанча-қанча маломат.
Ёш қалбимга бўлурлар меҳмон!'¹*

Унинг ўқишига бироз кулоқ солиб турдим-да, сўнг яна ўйинга берилдим. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир пайт девор орқасидан:

– Саодат... – деган товуш келди. Чўчиб тушдим, опам ирғиб туриб, «Хув-в» деб юборса бўладими! Кейин ўзиям сизди шекилли, қўли билан оғзини беркитиб олди. Мен опамнинг олдига югурдим, икки кўзим унинг оғзида... Ачиниш билан оғзининг қийшайишини кутиб турибман. Ҳозир... ҳозир... йўқ, қийшаймаяпти. Бир пайт деворимиз олдида новча, дўпписини пешонасига бостириб кийган одам пайдо бўлиб қолди!

– Опа, ажина!.. – дедим-да, ўзимни опамга ташладим, оёғини кучоқлаб, юзимни яширдим, опам эса кўркмасдан қикирлаб кулди. Унинг кулгисига бегона кулги қўшилди. Мен чўчинқираб у томонга қарадим, бояги одам бизга яқинлашиб, менга қўлини узатди, мен опамни янада қаттиқроқ кучоқладим.

– Қуддус, аканг билан кўриш, – деди опам.

Аста бегона кишининг юзига қарадим, ўсиқ қошлари туташган, от юзли, бесўнақай бу йигит акамга ҳам, Чилганш тентакка ҳам ўхшамас эди.

– Йўқ, акам эмас! – деб у билан кўришмадим.

¹ Ҳ. Олимжон сатрлари.

Улар яна кулишди. Мен ҳайрат билан бегона одамни кузатардим. У сўрига ўтириб, опамнинг китобини варақлай бошлади. Опам ҳам ўтирди, мен пинжига тикилдим, ҳали ҳам у кишининг ҳақиқий одамлигига ишонмасдим, дадам ўргатган дуо энди ёдимга келди: «Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳил аълиюл азим»ни такрорлаб у одамга қарадим, йўқ бўлиб қолмади, шундан кейин бироз кўнглим тинчиди.

Ие, тойчам! Югура кетдим, борсам, бир капалак лой чавандознинг қўлидаги наъматак гулига кўниб турган экан, мендан чўчиб кетди.



Бироз ўйнаганимдан сўнг, отча ҳам кўнглимга тегди. Сўрига қарасам, бояги одам ҳалиям опамнинг юзига термилиб ўтирибди, опамнинг кўзи яна йўл кўряпти. «Бор-е» деб уйга кетдим. Боришим билан тандирга ўтин қалаётган аямга сўрамаса ҳам:

– Опам сўрида бир одам билан ўтирибди, – дедим.

– А? Қанақа одам?!

Аям жавобимни ҳам кутмай, косовни ташлаб сўрига қараб жадал юриб кетди. Назаримда кизик бир воқеа содир бўлаётгандек туюлдию мен ҳам ўша томонга шошилдим. Олдинма-кейин сўри ёнига етиб борганимизда улар ҳали ҳам ўтиришган экан. «Бегона одам» аямни кўриб саросимага тушиб қолди, ўрнидан ирғиб туриб деворга тирмашганди, ушлаган кесаги кўчиб наъматаклар устига йиқилди, жон ҳолатда ўрнидан турди-да, яна деворга тирмашиб, нариги томонга сакраб тушди. Унинг наъматаклар орасига қулаганини кўриб, юрагим ачишди,

хаммаёғига тиканлар кириб кетгандир... Шу тобда аям ранги-кути ўчиб ўтирган опамнинг юзига бир тарсаки туширди.

– Қўшмозор бўлгурлар! – дея қарғай кетди.

Опам эса ҳеч нарсa демай, бошини эгганча пиқиллаб йиғлади. Нега аям уни уришади? Нима, опам бировнинг боғига кирибдими? Анави одамнинг аламини опамдан оладими?

– Ҳали шошмай тур, кечкурун даданг келсин!

Аям шундай деди-да, изига қайтди. Опам бечора менга ўкрайиб қараб қўйдию йиғлаганча китобларини йиғиштира бошлади. Мен «Сенинг чақимчилигинг учун аямдан тарсаки едим» деб уришса керак, дея хавотирда эдим. Агар аям опамни уришишини билганимда сираям оғиз очмаган бўлардим.

Опам китобларини қўлтиқлаб уйга жўнади. Мен унинг олдида ўзимни гуноҳкор ҳис қилиб, ичимдан эзилганча орқасидан эргашдим, бош эгиб борарканман, унинг боягидек гулчирой бўлиши учун ҳамма ишга тайёр эдим.

«Нима қилсам опам кулиб юбораркин? Нима қилсам гуноҳимдан кечаркин?» – деб ўйладим, эҳа, бугун мен пойлоқчиман. Опам боғда бегона одам билан гаплашиб ўтирганини дадамга айтсаммикан? Айтмасам-чи! Шунда опам мени кечирармикан? Аммо аям айтиб қўяди-да!

Аям

Қуёш ботишига бир кулочча қолган, у ҳориган-дек кўринади.



Бизнинг кундалик кечки ишларимиз бошланади: Саодат опам аямга қарашади, Зухра опам супага шолча солиб, кўрпачалар тўшайди, Умри опам билан мен ҳовлига сув сепамиз, синглим Каромат бўлса инжиқлик қилиб аямга эргашиб юради.

Аям: «Тез-тез бўлинглар, даданг келиб қолади», – дейди. Назаримда аям, дадам келиб: «Нега шу пайтгача, у ишни қилмадиларинг, бу ишни қилмадиларинг?» – деб уришадигандек опаларимни шоширади, ўзи ҳам илдам кимирлайди. Дадам келишига ҳамма нарса тахт бўлиши керак, ниҳоят, Саодат опам сигирни соғиб, қўшқулоқли хурмани кўтариб ҳовлига қайтаётганда отга икки боғ ўт ортиб аям икки тавақасини ҳам ланг очиб қўйган боғ дарвозасидан дадам кириб келади; уни кўриши билан кўрадаги қўйлар, сигир, бузоқларимиз қимирчилашиб маърай бошлашади, дадам ўтни отдан тушириб арқонни ечиб юборади-да, ўтдан бир-бир қучоқ сигир-бузоқлару қўйларнинг охурига ташлайди. Қўра олдида алоҳида боғлаб боқиладиган қўчқор орқасига тисланиб дадамни шохламоқчи бўлади, дадам унинг бошига кафти билан бир уриб: «Ўла!» –

дейди-ю ўтиб кетади. Кейин отни қозикқа боғлаб ҳовлига қараб юради, йўлакда қўноққа чиқаётган товукларни олдида кеккайиб турган бабак ҳўроз бирдан дадамга ташланади – икки оёғини жуфтлаб бир сакраб тепиб қолади. Дадам кулиб ура қочади.

– Тавбангдан кетай, бу ҳайвонларнинг барисини циркка бериб юбориш керак, – дейди кулиб. – Минг қилса ҳам аянгнинг тарбиясини олган-да!

Аям мийиғида кулганча индамай ошхона томонга кетади. Шунда дадам айтган ривоят-топишмоқ ёдимга тушади...

«Бир куни Сангзор қишлоғига айик ўйнатувчи келиб қолади. Унинг айиғи жуда оппоқ, чиройли эди. Айик ўйнатувчининг топшириқларини сўзсиз бажариб ҳаммани кулдиради. Шу қишлоқда Ашраф деган бой бор эди. Айик унга ёқиб қолади. У айик эгасига дейди:

– Айик ўйнатиб бир йилда қанча топасан?

Айик ўйнатувчи ўйланиб жавоб беради:

– Ўн минг сўм.

Бой шартта ёнидан пул чиқаради.

– Мана сенга ўн минг сўм, айиғингни менга сот!

Айиқнинг эгаси шошиб қолибди, ҳеч қачон бунақа катта пул кўрмаган экан. «Аттанг, кўпроқ айтсам бўларкан!» деб ўйлабди, аслида у бир йилда беш минг сўм ҳам топмас экан, у бойга дебди:

– Майли сотаман, аммо айиғимнинг онасини бир айби бор эди – дарёдан етаклаб ўтаётганимда нақ ўртасига борганда сувга ётиб оларди, аммо боласининг бунақа одати йўқ.

Ашрафбой унинг гапига парво қилмай сотиб олибди. У бир йил айиқни ўйнатиб маза қилибди, бир куни қўшни қишлоққа дарёдан кечиб ўтаётган экан, айнаи оқимнинг ўртасига келганда айиқ сувга ётиб

олибди. Ашрафбой бир хайрон қолибди, бир аччиғи чиқибди, сўнг айикни бир амаллаб сувдан чиқарибдида, етаклаб орқасига қайтибди. Ховлисига кирибдию айикни боғлаб катта ўғлини чақириб дебди:

– Ўғлим бор, аянғни онасиникига қўйиб кел!»

– Хўш, қани топинглар-чи, Ашрафбой ўғлига нега бундай деди?

Хамма бош қотириб турлича жавоб айтди, аммо ҳеч кимнинг жавоби дадамга маъқул келмади. Охири дадамнинг ўзи деди:

– Болаларим, уйдаги мушукдан тортиб жамики хайвону бола тарбияси аёл измида! Чунки болачакамга нон топай деб эркакнинг умри кўчада ўтади. Агар аёл қобил бўлса, унинг хонадонидаги мушук дастурхонга чанг солмайди, ити экинини пайҳон қилмайди, балки бир четдан юради, боласи чин тарбия олиб вояга етади. Агар аёл ноқобил бўлса, хайвону одам ҳар қанча тарбия кўрган бўлсаям бир йилдаёқ бузилади. Шунинг учун Ашрафбой ўғлига: «Онанғни онасиникига олиб бориб қўйки, уйдаги хайвону боланинг тарбиясини бузмасин!» – деган.

Дадам айтгандек аям қобил бўлса керак. Мош овқатланаётганимизда Каромат билан аямнинг орасига суқилиб олиб хуриллаганча ҳаммамизга қараб-қараб ўтиради, дастурхондаги неъматларга тегинмайди, Олапар ҳам экинларни пайҳон қилмай бир четдан юришини кузатиб хайрон қолганман, аям товукларнинг донини, молларнинг еми, хашагини бериб бўлганимиздан кейин, албатта, Мош билан Олапарни тўйдиради, шундан сўнггина бизга овқат сузади...

Кечқурун. Тўлин ой нақ супамизнинг тепасига келиб боққанча атрофни шундай ёритадики, чирок ёқишга ҳожат қолмайди. Ойга тикилиб қарасам юзидаги доғлар қошу кўзга ўхшаб кўринади, у менга қараб жилмаяди.

Ниҳоят дадам ювиниб қизғиш шопмўйловини бураб-бураб, ўсик қошларини силаб, ҳаммадан илгари супага чикиб ўтиради. Худди шу пайтда Шириннинг Нозик опаси товоқ кўтариб чиқади. Дадам Нозик опани кўриши билан кулиб-кулиб қироат билан дейди:



– Бор товоғим, кел товоғим,
Агар борсанг-да, келмасанг,
Ора йўлда син товоғим!

Айни овқат сузиладиган пайтда дадам ҳаммамизни бир кулдиради, айниқса, дадамнинг ўзи роса нашъа қилиб кулади.

Нозик опа қайтиши билан унинг орқасидан ё Зухра опам, ё Умри опам товоқда овқат кўтариб, уларникига югуради, дадам завқ билан:

– Борақол-ей, товоғим! – деб қолади.

Супада мен дадамнинг ёнидан жой оламан. Бизнинг ўнг томонимиздан аям билан Каромат (Каромат оппоқ, лўппи юзи сийрак сепкилли, бурни чигитдеккина, мовий кўзли сингилчам, у кенжа, мен эса ўғил бола бўлганим учун аям, дадамга шундай яқин ўтирамиз), қолган жойларга опаларим жойлашишадди, ўртага куруқ дастурхон ёзилиб, овқат қўйилади. Дадам дастурхонга разм солиб:

– Қалампир! – дейди.

Умри опам ўрнидан туриб зипиллаб ошхонадан толқон қалампир, унинг устига уч-тўрт дона бутун, кўк қалампир солинган тақсимчани олиб келади-ю, дадамга узатмасдан дастурхоннинг бир четига қўяди, дадам мийиғида кулади. Бир гал Умри опам унга қалампир узатганда: «Қайси ўзбек аччиқ нарсани – қалампирни қўлга узатади?!» – деб койиб берганди.

– Қани, таомга марҳамат! – деб дадам биринчи бўлиб бошлаб бермагунча сабр қиламиз.

У меҳмонга борганда ҳам давранинг улуғи бошламагунча кутиш зарурлигини уқтиради, сўнг суюқ овқатни, чойни хўриллатиб ичмаслик, таомни чапиллатиб емаслик хусусида танбеҳ беришни албатта унутмайди ёхуд мен дадамнинг танбеҳини унутиб қўйиб овқатни хўриллатиб ичаётган бўлсам, бир йўталиб қўяди-да:

– Қаранглар, Қуддусжон қандай одоб бирла овқатланияпти, – дейди.

Мен дарҳол ўзимга келаману дадам ўргатгандек тановул қила бошлайман; баъзан дадамнинг ўзи қандай овқатланиш кераклигини кўрсатиб беради, унинг қилиғини аям кулиб кузатиб ўтиради:

– Олмонияда бўлгансиз-да, Обишқажон¹ – дейди у.

– Ўрол, бизнинг отамиз ҳар гал овқатланаётганимизда шундай дерди, немисларни айтмай қўя қолай. Ҳайронман бу одамлар кейинги пайтда овқатланиш назокатини унутиб қўйишди.

Дадам аямни акамнинг номи билан «Ўрол» деб чақиради. Аям ҳам «Ўрол», баъзан эса гоҳ олдида, гоҳ орқасидан «Обишқажон, Обишқам» деб атайди. Дадам баъзан секингина: «Эҳ, немисларда ҳам яхши одамлар жуда кўп! Билмайсизлар-да, сизлар!» деб қўяди. Шунда мен ҳайрон қоламан, чунки колхоз идораси олдидаги деворга оқ сурп ёзиб



кино қўйишганда, бир кўзига қора латтани мана бундай боғлаб олган немис бешафқатлик бирла асирларни отишга буюради, ҳамма уни: «Фашист-фашист», деб ёмон кўради. Дадам эса

¹ Обишқа – эр.

Ўзини даволаган бир немис аёл ҳақида илиққина гапиради; шунда мен жуда кўп нарсаларни сўраб билгим келади, аммо аямга негадир бу ҳикоя ёкмайди, сўнг дадам гапни қисқа қила қолади, мен ҳам бошқа савол беролмайман.

Ҳамма қизиқ гаплар, кулги, гурунг овқатдан сўнг бошланади. Дадам йиғилишга раислик қилади. У бу кунги «назоратчи»нинг, бу сўзни айтишга тилим келишмагани учун «пойлоқчи» дейман, гапларини гоҳ кулиб, гоҳ жиддий қиёфада тинглайди, аям эса пойлоқчининг ҳар қандай гапидан завқланиб кулиб ўтиради.

Пойлоқчи ким нима ёмонлик қилди, ким кўшни болалари билан уришди, шунга ўхшаган қилмишларимизни кузатиб юриб, кечқурун овқатдан кейин айтиб беради. Бу вазифани Кароматдан бўлак ҳаммамиз навбати билан бажарамиз. Дадам билан аям эса дадам айтганидек умумий раҳбарлик қилишади. Бу тартибни дадам ўйлаб чиқарган.

Мен пойлоқчиларнинг, дадам билан аямнинг гапларини эшитиб ўтириб, ҳар ким ҳар хил гапиришини билиб олганман, Зухра опам бўлган воқеаларни тез-тез гапириб қўя қолса, Саодат опам ўйлаб, салмоқлаб, аямга гўё: «Нотўғри гапирмаяпманми?» дегандек қараб-қараб сўзлайди. Умри опам эса воқеаларни қисқа, кесиб-кесиб айтади. Пойлоқчининг гапи тугагандан кейин дадам билан аям бизга танбех беришиб, сўнг қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилишади. Абдурахмон тоғам — аямнинг укаси. Бўйи мирзатеракдек, елкалари қирдек-қирдек, юз-кўзи мудом кулиб, одамга ёниб-яшнаб боқади. Юрса тор кўчалар кенгайиб кетади. Дутор чертса борми, қушлар жим бўлиб қолади. Ҳамма уни яхши кўради, у ҳаммани яхши кўради.

Исожон домлага каерда дуч келса, отидан ир-
ғиб тушади-ю домлани даст кўтариб отига мин-
газади – кўзлаган манзилга етказади. У урушга
учувчи бўлсам бораман дейди, учувчиликка қабул
қилдик, дейишади, фронтга жўнайди.

Кейин мана бу расми келади (аям уни сандикда
сақлайди).



Бу кулоқчин учувчиникими,
ё танкчиникими – билишмайди.
Кўпчилик қайтади, у қайтмайди –
хат-хабар йўқ, аммо аям у келади,
дейди.

Аям тоғам ҳақида, ўзининг
бошидан кечирганлари хусусида
ажиб бир мунгли оҳангда сўзлайди,
уруш бошланган йили зим-зиё тун-
да бўриларнинг увуллаши шундай
эшитилиб турган чўлдан акамни
етаклаб, Умри опамни кўтариб дадамни кузатишга
чиққанидан гапирса этимни жимиллатиб юборади.
Айниқса, у дадамнинг билдирмай фронтга жўнаб
кетмоқчи бўлганини эшитиб қолгандан сўнг уч кеча-
кундуз вокзалда пойлаб, кўриб қолганини шундай
куюниб гапирадики...

Дадам эса ўз кўрган-билганларини қизиқарли
хикоя қилиб, ҳар бир воқеанинг охирида кўпинча
кулгили бир хулоса чиқаради. Унинг марварид тут
ҳақидаги хикояси ёдимга ўрнашиб қолган; боғ де-
воримизнинг орқасида шохлари бундай тарвақайлаб
кетган марварид тут бор. Бир йили кўкламда, дадам
мендек бола бўлганда, бобом қаттиқ оғриб тўшакда
ётиб қолибди, унинг эти суягига ёпишиб тамом мадо-
ри кетибди. Дадам бир куни бир коса марварид тут
териб бобомга бермоқчи бўлибди, лекин қўшнимиз
Эргаш бобо (Мўмин бобонинг отаси): «Йўқ, тутни
берма, баттар бўлади» дебди. Бобом эса зўрға бо-

шини кўтариб: «Майли, Мусожон, олиб келавер, армонда қолмай шу тутдан татиб кетай», деб тутни қафтлаб-қафтлаб ебди, шундан кейин дадам унга одамлардан яшириб марварид тут териб бераверибди, бобом эса уни еб, борган сари қувватга кирибди, охири батамом тузалиб кетибди.



Бу ҳикояни тинглар эканман: «Агар дадам касал бўлиб қолса, мен ҳам марварид тутдан териб бераману у тузалиб кетади», – деб ўйлайман.

Аммо марварид тут энди ҳосил қилмай қўйганди, чунки уни ҳар йили ипак қурти учун қирқиб кетишади. Бундан аччиғи чиққан дадам ўтган йили кўкламда қизиқ бир хийла ўйлаб топди. Одамлар тутни қирқиш учун йиғилган эдиларки, дадам:

– Шу тутни кесмасаларинг дуруст бўлардида! – деди. – Айтаман деб эсимдан чиқибди. Бу тут қандайдир бир авлиёнинг тути, дер эди отам раҳматли. Уни ким кесса бир балога учраяпти. Ўтган йили Бердининг бир оёғини трактор чайнаб кетди, аввалги йили Солининг қўли шол бўлиб қолди. Менга-ку барибир-ов, аммо сизларга бир касофати урмасин, дея хавотирдаман!

Йиғилганлар жим бўлиб қолишди. Аммо Босим ака бироз ўйланиб турди-да, сўнг қўлини илкис силтаб:

– Эй, нима бўлса пешонамдан кўраман, барг қидиравериб жонимга тегиб кетди! – деб тутга тирмашди.

– Ўзингиз биласиз, ишқилиб яхшилик бўлсин, – деди дадам.

Одамлар орасидан яна бир довюраги чикиб, тутга томон юрган эди, эндигина бир-икки новда кесган Босим ака додлаб юборди, пастрокдаги бутокқа осилди-ю ўзини ерга отди. Одамлар: «Ҳа нима бўлди?» – деб унинг бошига йиғилиб боришган эди, кўкрагига туфлаб, калима қайтариб, кўзларини ола-кула қилганча хикоя қила бошлади:

– Энди икки новдани қирққан ҳам эдимки, шундай қаршимда тилини бир қарич чиқарган, шу билагимдай келадиган бир оппоқ илон пайдо бўлди. Товба, кичиклигимда кўргандим, шу илонни! Бориб дадамга айтсам: «Ийи шу Собир оқсоқолнинг хотини бир оқ илонни ун бериб боқиб юарди, шу бўлса керак», деганди. Товба, худди ўша илоннинг ўзи, фақат катта бўлиб кетибди. Яна кимлардир тўрт томондан кесак ота бошлашди.

У бўйни, пешонасини ушлаб кўрарди, Рашид ака:

– Э-ҳа, чиндан ҳам кесак теккан жойларинг кизариб кетибди! – деди.

Шу бўйи тутни қирқишга ҳеч ким журъат этолмади, дадам ўйлаб топган ҳийласидан мамнун бўлиб, бизга дейди: «Илоннинг кўринганлиги қанчалик рост эканлигини билмайман-у, аммо новдани кесаётганда қушларга отилган, лекин бутоқ ораларига кисилиб қолган кесаклар бошига тушган, шу Босимга жин-ажиналар отган кесак бўлиб туюлган. Тутни Оллоёрбек бобом эккан. Бу тут менинг бобом, бобожоним!»

Энди қишлоқда биргина шу марварид тут қирқилмай қолади, унинг мевасидан ҳамма татийди, биз эса унутила бошланган шинни, тутқоқиларни қиши билан маза қилиб еймиз. Бироқ дадам тутнинг тагига ёқиб кетиладиган шамлару новдаларга боғланадиган латталарни йиғиштиравериб чарчайди, қандайдир бир фолбин тутимизнинг тагида катта авлиё шахид бўлганидан фол очибди.

Дадам билан боғда
ишлаш ҳам гаштли. У
ўтларнинг, дарахтлар-
нинг ҳам тилини тушуна-
ди. Ўтган ҳафта Саодат
опам, мен, дадам бодринг
палакларини йиғиб ер
чопаётган эдик, ғумай,
ажриқларни битта қол-
дирмай териб ташлаш-
га ундади:



– Лайлакнинг инида қирқ йил ётган ғумай:
«Бир ёним намга тегса бас!» дейди.

Ғумай илдизига ёпишган нам тупроқни қоқиб
тозалаб унга тикиламан, чиндан ҳам бу илдизда
тетик бир куч бордек!

Токнинг тагидаги ўтларни юлишга ўтдик:

– «Ток менга соя ҳам, ҳамсоя ҳам керак эмас!» –
дейди.

Туш пайтида уйга бормай наъматак ёнидаги жий-
да тагида ўтириб тушлик қилдик. Саодат опам сопол
товокка солиб келган шавлани маза қилиб едик. Да-
дам пиёладаги чойни ҳўплаб-ҳўплаб жийдага қараб
ўйланиб деди:

– Кара, Қуддусжон, жийда гуллаб бўлибди.
Энди гултуганаги кўзга кўринмай қолади. Шу
пайтда у Аллоҳ хузури – меърожга кўтарилиб
юзига Аллоҳ сўзини ёзиб тушади. Жийда кўп
хосиятли.

Опам қўшилди:

- Ҳа, уруғидаги ёзувни кўрсатган эдингиз.
- Қуддусга сен кўрсат!
- Ҳўп.

Опам жийдадан бир дона данагини олиб ҳали
яхши пишмаган бўлса-да, сўриб еб, уруғдаги чизик-
ларни кўрсатди.



– Мана Аллоҳ номи – деди.

Дадам шигил мева солиб новдаси эгилиб турган кип-кизил гилосга қараб деди:

– Бир ўзбек Астраханга борганда ўша ердаги гилосдан новда олиб келиб ўзимизнинг гилосга пайванд қилган экан. Бизнинг гилос аччиқроқ. Пайванди эса нордон-ширин. Буни шунинг учун ўрис гилос дейишади.

Анжирнинг тагини ковлаб сув қуйишга мослаётган эдик, дадам мен билан Кароматга қараб:

– Қаранглар-чи, анжир гуллабдими? – деди.

Каромат мендан олдин анжир новдасини эгиб:

– Йўқ хали гулламабди, дада! – деди.

Умри опам кулиб юборди:

– Ҳар қанча қарасанг ҳам анжир гулини кўра олмайсан, у гулламай тугади.

Мен ҳайрон қолиб дадамга қарадим, у Умри опамнинг гапини маъқуллаб кулиб турарди.

Дадамни «пахтанинг ҳам тилини билади», дейишади, шунинг учун колхозга ҳосилот раиси қилиб сайлашган.

Дадам баъзан тоби қочиб колса, устига эски чопон кийиб айвонда осиглиқ турган катта, тўлинойсимон кетмонни олади (дадам бу овир, ўртаси чуқурроқ кетмон билан далада ишлаган, ишлатилаверганидан яраклаб кетган бу кетмонда баъзан коса топилмай колса бемалол бир коса овқат солиб ҳам ичаверган). Сўнг майдон четидаги сув ичмай қақраб ётган заякни¹ қарсиллатиб чопа бошлайди, баданидан чиққан тер чопонни жикқа терга ботиради, у то чарчагунча шу зайлда ишлаб, сўнг аям тайёрлаган иссиқ

¹ Заяк – дастлаб экин экилиб, кейинчалик ташлаб қўйилган ер (шева).

шўрвани ичиб, кўрпага ўралиб ётади, эртаси куни отдек бўлиб ишга кетаверади.

Кечки суҳбат пайтларида баъзан дадам эскича китобдан ҳикоятлар ўқиб беради, мен дадамнинг китоб ўқишини ёқтираман. Дадам китобни кўзидан узоқроқ ушлаб, шошилмасдан, дона-дона қилиб ўқийди, гоҳида менга ҳам арабча ўқишни, ёзувни ўргатади. «Аммо буни ҳеч кимга айтма!» деб таъинлайди. Суҳбатлар, айниқса, киш пайтлари узоқ чўзилади, меҳмон келганда ёки бирор тасодиф юз бергандагина канда бўлади, холос.

Дадамни «Мусожон полвон, елкаси ерга тегмаган курашчи» дейишади, аммо мен унинг курашга тушганини кўрмаганман, кейинчалик у курашмай қўйган. У асли жуда хушчақчақ киши, лекин аччиғи чиққанда бақувват бўйнининг томирлари шишиб, юзидан қон томгудек бўлиб қизариб кетади. Дадамнинг бу ҳолатидан жуда қўрқаман. Бугун кечқурун аям дадамга бояги воқеани айтганда ўшандай аччиғи чиқишини кўз олдимга келтириб, опамга юрагим ачиб ўтирардим.

...Мана косалар бирин-кетин бўшаб, дастурхонга фотиҳа ўқилди, дадам сочиқ билан оғзини, қўлини артди, мўйловини бураб-бураб ёстикқа ёнбошлади-да, менга шўх назар ташлаб:

– Хўш назоратчи, нима гап? – деди.

Хушимни йиғиб олишга мажбур қилган бу саволни боядан бери қўрқибгина кутиб ўтирардим, нима бўлсаям, аям гапирса ҳам, Саодат опам бегона одам билан гаплашиб ўтирганини айтмайман, унда нима-ни гапирсам экан, деб ўйланиб бошимни кўтарсам менга аллақандай хавотирланиш билан қараб турган аямга кўзим тушиб, хайрон қолдим, кейин гапларим унча қовушмай Зухра опам билан Умри опамнинг молларга қарашни бир-бирига солиб жанжаллашганини айтдим.

– Ҳм... яна нима бўлди, қизлар? – деб дадам икки опамга танбеҳ бера бошлади.

Мен яна аямга қарадим, ҳозир: «Ие, Ўрол, уларни қўя туринг, бу ёқда гапнинг каттаси бор», дея кундузги воқеани тўкиб сочишини кутгандим. Бироқ аям негадир хотиржам, гапиргиси келмагандек бепарво бир ҳолда ўтирарди. У Саодат опамга:

– Сен идиш-товоқларни йиғиб олақол, – деди.

Саодат опам эса косаларни олиб секин сирғалиб туриб ўчоқ бошига кетди. Шундан сўнггина кундузги галва қайта қўзғалмаслигига кўзим етиб бироз енгил тортдим.

3

Дадам супадан тушиб кетишга тараддудланар экан, аямга кулиб қаради:

– Соатинг неча бўлди, Ўрол?

Мен дарҳол аямни кузата бошладим, аям аввал уйга (хали уй сояси йўқ эди), сўнг райҳонлар ёнига ўзи эккан ажрикгулларга (ажрикгуллар юмила бошлаганди), кейин вайиш ариғи пуштасидаги очилиб турган момақаймоқларга, кўм-кўк бўлиб очилган сачратқига тезгина бокди, пуштадаги печак гулига назар солди, кўзини кисиб қуёшга ҳам қараб қўйди.

– Соат саккиз!

Дадам қаҳ-қаҳ уриб кулди:

– Ҳай, сенинг соатинг Тошканд курантидан ҳам аниқ ишлайди-я! Кечикибман, қўйларга ўзинг ем берарсан!

Дадам вайишнинг устунидаги михга осилган қамчисини олдию тезгина майдонга қараб юрди.

Мен ҳар гал дадам соатни сўраганда аямнинг нималарга қарашига зеҳн соламан, мен ҳам аямга ўхшаб вақтни аниқ айтиб беришга уринаман-у, аммо қўлимдан келмайди, адашиб кетаман. Дадам ҳам,

опаларимам ҳеч қайсиси аямдек вақтни аниқ айтиб бера олмайди, ҳатто мактабни медаль билан битирган Бурҳон акам ҳам...

Аям райҳонни чумчуқлардан кўриш учун ўринатган пилдиروقчаларни ўйнаётган мушукларга:

– Ҳой ўлгурлар, райҳонни синдирасанлар! – деб пўписа қилиши билан мушукчалар ура қочиб супа орқасига ўтди.

Аям мушукчаларга, Олапарга, сигиру қўйларга, хўроз-товуқларга ҳам худди одамга гапиргандек гапираверади, жониворлар ҳам аямнинг гапларига тушунади, аям: «Бўлди энди ўтлаганинг, бу ёққа кел», деб оғилга қараб юриши билан майдонда юрган говмиш лапанглаганча унинг олдига етиб келади; «Пуфай, хай-хай, қани қўрага» деса, қўйлар гуриллаб қўрага югуради, «Жим бўл» деган захоти хуриётган Олапар ғингиб бошини қуйи эгади.

Аямнинг бир сўзини икки қилмайдиган бу жониворларни мен калтаклаб ҳам йўлга сололмасдим, фақат Олапаргина мен билан соз.

Аямнинг яна бир қизиқ одати бор: агар ҳовлимизда мол сўйиладиган бўлса, уйга яшириниб олади, уйимизда сўйилган молнинг гўштидан бир парча ҳам емайди, ола бузоғимизни сўйишганда уйда йиғлаб ўтирганини кўрганман.

Аям ҳовлини, дарвозанинг олдини чиннидек ялтиратиб супиртириб қўяди, ҳар куни чой дамлашдан олдин, албатта чойнакни куллаб ювади... У соч олишга ҳам уста, қайчи билан сочимни шундай қиртишлайдики, кўрганлар: «Устарада олдирибсан-а», дейишади. Рўзғор ишида аямнинг энг ишонган ёрдамчиси Умри опам, у ҳам худди аямга ўхшаб ҳар бир ишни зерикмасдан, пухта бажаради. Зухра опам буюрилган ишни бирпасда палапартиш адо этади, Саодат опам эса китоб ўқишга берилиб кетиб, аямнинг айтганини унутиб қўяди, оқибатда

иккаласи ҳам мудом гап эшитиб юради. Негадир аям ҳам, дадам ҳам опам қаерга борса мени ҳам қўшиб юборишади, дастлаб аям ё дадам қўшиб юборса, энди опамнинг ўзи: «Кетдик Қуддусжон», – дейдию қаерга борса, мени эргаштириб жўнайди. Зухра опамга ўхшаб: «Мен бирга олиб бормайман!» деб тутун қайтармайди. Опам қаерга ҳам борарди: холамникига, аммамникига, дугонаси Зумрад опаникига. Айниқса, Зумрад опаникига бориш менга жуда ёқади.

Бугун ҳам уларнинг боғидамиз.

Зумрад опа шолча устига атлас кўриначаларни тўпаши билан хилватдаги бу жой янада чиройли бўлиб кетди.

– Қани бошлаймизми, севгилим! – деди Зумрад опа опамга шўх-сирли назар ташлаб.

– Ҳозир... жоним Нурхон.

Опам бекасам тўнни кийиб, белини белбоғ билан маҳкам танғиди, дўши таҳини ёзиб бир уриб бошига бостирди, шунда у чиройли бўз болага ўхшаб қолди, унинг бу кўриниши Зумрад опага ҳам ёқиб кетди, шекилли, у опамнинг билагидан ўймалаб олди:

– Ўзим айланай, Хайдаримдан!

Опам ҳам уни бағрига босди.

Зумрад опанинг гапиришлари, ҳаракатлари жуда ёқимли эди, мен ундан кўз узмасдим, у буни сездими, бетимдан чимчиб, қўлимдан секин тортиб кўрпачага ўтқазиб қўйди.

– Мана томошабин ҳам бор.

– Ўзимча такрорлаётганда ҳеч адашмайман-у, сахнага чиқсам қийналаман, тавба.

– Салимжон домла айтганидек, томошабин йўқ деб ўйла, фақат сен севгилинг Нурхонни кўряпсан, холос!

– Хўп, бошладик. Комил Яшин. «Нурхон» драмасидан бир кўриниш!

Опам боғ томонга чекиниб бир зум тўхтаб турдида, сўнг гулларни ҳидлаб бир донасини узиб олди, бағрига босиб сўрига қараб юрдию сўрининг бир четида хаёл суриб ўтирган Зумрад опани кўриб севиниб кетди.

Опам:

– Нурхон!

Опам шундай деб хитоб қилганча Зумрад опага яқинлашди.

Зумрад опа:

(чўчиб тушди.)

– Вой, Ҳайдар ака! Сиз шу ерда эдингизми?

Опам:

– Сизнинг келишингизни кутиб интику зор эдим. Ана шу боғни отангиз учун эмас, балки (ўрикзору гулзорни кўрсатиб) сиз учун гуллатдим. Мана, бу баҳмалгул юрагим қони билан суғорилган!

(У гулни Зумрад опага узатди.)

Зумрад опа:

– Раҳмат.

(Зумрад опа гулни олиб меҳр билан хидлади, бағрига босди.)

– Ох, мунча хушбўй!

Опам:

– Нурхон! Мен сизни шундай яхши кўраманки... сизни... сизни кўрсам кўнглим тонгдек ёришади!

Зумрад опа:

– Ёлғон!

Опам:

– Рост...

Зумрад опа:

– Ёлғон! Рост бўлса фақат кўкламу ёзда эмас, кузу кишда ҳам йўқлар эдингиз!

Опам:

– Ахир эсингиздами, мен сизни ана шу елкамга кўтариб, опичлаб катта қилганим! Эсингиздами, ҳали қор кетмасидан чор атрофга изғиб бойчечак териб келганим. Оёғимга тиканлар қадалса-да юғуриб ниначи, капалак тутиб берганларим!..

Зумрад опа:

– Эсимда, эсимда... Мен ҳам сизни ҳар куни кўргим келади, аммо отам...

Опам чуқур хўрсинди, Зумрад опанинг қўлини ушлади.

– Қўркмагил отанг қаҳридан, мен ахир ёрман...

Ҳар қачон «Ҳайдар десанг», ёнингда борман.

Зумрад опа:

– Боғ ичида яйраб, кулиб холинг сўролмадим.

Опам:

– Парвонадек бошингдан, э Нур, ўргилолмадим.

Ширин қўшиқларингга, жоним, тўёлмадим.

Иккови:

– Ёрим юзингни кўргали муштоқу зорман.

Опам:

– Синдир кафасни, йирт пардани, оромижоним ўл.

Кўнглим уйига меҳмону жисмимда жоним ўл...

Кел, навбаҳорим ўлгилу жону жаҳоним ўл.

Зумрад опа:

– Қани эди... Отам ризо бўлсаю...

Опам:

– Қўркма отанг қаҳридан, мен сенга ёрман...

Гунча вужудингга боғбону хорман.

Иккови:

– Ҳусни жамолинг кўргали муштоқу зорман.

Иккиси бирлашиб айтганда овозлари баралла таралиб юрагимни зириллатди, ширин бир кайфиятда оғзим очилиб ўтирдим.

Бироз жимлик ҳукм сургач, Зумрад опа деди:

– Дадангинг аччиги ёмон-а!

– Ҳа.

– Аям ҳам дадангдан жуда қўрқади. Ёшлигида даданг аямни отган экан, аммо Аллоҳ паноҳ бериб, ўқ шундай қулоғи тагидан сочини куйдириб ўтиб кетибди.

– Шунини айтиб берса юрагим орқага тортиб кетади.

– Ўқ агар аямга текканида борми? Уни... уни билмайдими?

Зумрад опа опамга ғалати, сирли бокди.

– Йўқ.

– Агар билиб қолса, нақ!

– Ҳа, шунинг учун унча уйимиз атрофида ўралашма десам ҳам қулоқ солмайди. Кеча девор ошиб бокқа кирди.

– Вой аҳмоқ-ей!

– Шундай қўрқиб кетдим!

– Вой, эҳтиёт бўл!

4

Аям бегона йигит бокқа киргани учун опамни бир тарсаки урган кунининг эртасига мени бир четга чакириб, опамни пойлаб юришим, агар ўша йигит яна келса, дарҳол хабар қилишим ҳақида махфий топшириқ берган эди.

...Саодат опам билан яна сўрида узумни чуғурчуқлардан кўриб ўтирардик, худди шундай бизнинг қаршимиздаги девордан кечаги йигитнинг боши кўринди. Мен у тиканлар устига йиқилиб роса азоби-ни тортган, энди бу ерга иккинчи қадам босмайди, деб ўйлаб, аямнинг топшириғини ҳам унутиб юборгандим. Бироқ, у яна пайдо бўлди ва опамнинг: «Бу ёкқа ўтманг, аям келиб қолади», деб ёлворишларига қарамай, девордан ошиб ўтди.

У менга кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилиб:
– Ҳа шпиончик, ўғил бола бундай чақимчи бўлмайди, – деди.

Сўнг эса ялингансимон оҳангда:

– Агар бу ерга кирганимни ҳеч кимга айтмасанг, сенга Мирза кулолнинг хуштагидан олиб бераман, – деди.

Мирза кулолнинг хуштаги... Кулол жуда чиройли, мана бунақа хуштак ясайди. Агар унга сув солиб,



сўнг пуфласанг худди булбулдек жўшиб сайрайди. Дадам ундан олиб берганди, мириқиб чалиб юрдим, аммо бир куни Қўлдош: «Чалиб кўрай» деб қўлимдан тортиб

олмоқчи бўлди-ю, хуштак иккига бўлиниб, боши унинг, думи менинг қўлимда қолди.

Хуштак ҳақидаги ваъдаси менга ёқса-да, у сабабли опамнинг тарсаки еб йиғлагани, аямнинг махфий топшириғи ёдимга тушдию қовоғимни солиб: «Сиз нима дейсиз?» дегандек опамга қарадим, опам эса кизарганча ер чизиб турарди.

Улар яна сўрига ўтиришди, мен ўйланиб қолдим: агар аямга айтгани уйга қараб юрсам, улар билиб қолишади, бир зум нима қилишимни билмай турдим, улар мени унутиб юборишгандек эди: шу тобда миямга бир фикр келиб қолдию нашвати томон юрдим. У ерда нашватининг соясида Олапар ўзи тирнаб очган ковагида тилини осилтириб, ҳарсиллаб ётарди, мени кўриб севингандан ирғишлай бошлади, мен унга кўпинча овқат олиб келаман, баъзан кечкурун занжиридан бўшатиб юбораман: шунда итнинг бўйинбоғини икки қўллаб ушлаб ўзимга

тортаман, у эса олдинги оёқларига тиралиб калласини орқага тортадию осонлик билан бўйинбоғдан қутулади.

Олапар бугун жуда эрта бўшатаётганимдан севиhib ирғишлаб атрофимдан бир айланди, сўнг уйга томон югура бошлади, Олапар сўри олдида албатта тўхтаб ўтади, чунки у сўри олдида қолган нонларни еб ўрганган. Ишни аямга айтмай ҳам бошлайдиган бўлдим, Олапар у кишини боққа иккинчи бор қадам босмайдиган қилиб қўяди. Мен севиhib итнинг орқасидан югурдим.

Ана Олапар ўтларни ҳидлай-ҳидлай сўрига яқинлашди, у сўрида ўтирган бегона кишини кўриб қолди, бир зум кулоқларини динг қилиб турдию акиллаганча у одамга ўзини отди. Шу отилишида у бегона одамнинг сонидан бир парча гўштини узиб оларди. Бироқ Олапарнинг акиллашини эшитиб қолган опам йигитга ташланган Олапарни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди:

— Ёт Олапар, ёт дейман!

Олапар опамни ҳам яхши кўради, шунинг учун думини ликиллаhib бўйнини қисиб ётиб олди, йигитдан кўз узмай аламли гингшиди. Йигит эса бундан фойдаланиб деворга сакраётганда Олапар юлқиниб опамнинг қўлидан чиқиб кетдию йигитга отилди, аммо у девордан ўтиб кетишга улгурган эди, аламзада Олапар акиллаганча девор олдида у ёқ-бу ёққа зир югурарди.

На илож, томоша ўйлаганимдек зўр чиқмади. Мен, Олапар уни роса пийпалайди, йигит тавбасига таянади, деб кутгандим. Олапарни тинчитмокчи бўлаётган опам менга бир ковоғини солиб қаради-ю, сўнг кулиб юборди. У мени қучиб пешонамдан ўпиб деди:

— Қуддусжон бошладинг, ўзим ҳам қандай қувишни билмай турувдим.

Қандай яхши! Опам хурсанд бўлди!



Эрталаб зоғча қағилаб сочимдан тортаётганда уйғониб кетдим. Хайрон қолдим, дадам ишга бормабди, шекилли. Кўз очсам, бошимда зоғча қанотларини пирпира-тиб: «Тур, тур!» дегандек қағиллаяпти. Зоғчани дадам дала-

дан олиб келганди, кимдир уни отган экан.

Дадам унинг қаноти орасига кириб қолган сочма ўқ соққачасини чиқариб ташлади, дори қўйиб даволади, кейин еб қўймасин деб, мушукнинг қулоғидан чўқитиб қўрқитди, аста-секин мушук зоғчани қўрса ура қочадиган бўлди, Олапар билан эса зоғчанинг ўзи соз, ҳатто устига чиқиб, чўкиласа ҳам индамайди. Агар зоғчани дадам ётган жойимда олдимга қўйвориб: «Қуддусни уйғот» деса қағиллаб сочимни торта бошлайди, шунинг учун бугун дадам ишга бормаган бўлса керак, деб ўйлагандим.

Дарҳақиқат, токзордан дадамнинг овози эшитилди:

– Турмайсанми, Қуддусжон, зоғчанг оч қолибди.

Ирғиб туриб зоғчамга бармоғимни тутдим, у «қағ» деб тумшуғини катта очди, кулдим: у ҳар кун чигиртка ушлаб берганимдан тумшуғини шунақа очишга ўрганиб қолган. Дадам тоқлар орасидан ўт ўраётган экан, юзимни ювиб ўша ёққа бордим-да, чигиртка излай бошладим, кўп ўтмай каттасидан топдим, қанотини, оёғини юлиб зоғчани чакирдим, у қанотларини ёзиб бир учиб, бир йўрғалаб етиб келдию чигирткани лўққа ютиб юборди. Шу пайт тандирдан нон узаётган аям:

– Ўрол, келишяпти, – деди.

Ховлига Исожон тоға, Акрам амаким, Абдусалом тоғам, Абдурауф элликбоши киришди, дадам ўтларни ўша ерда қолдириб ховлига юрди, мен ҳам унга эргашдим, зоғчам тоқзорда қолди. Аям катта уйни йиғиштириб, кўрпачалар солиб қўйган экан, дадам меҳмонларни тўғри ўша ёққа бошлади. Мен кўлимни ювиб ичкарига кираман, деб турган пайтимда неча кундан бери бизникига серқатнов бўлиб қолган кўнғиз мўйлов киши чақириб қолди, мен уйдан дадамни айтиб чиқдим.

– Келинг, тақсир, ассалому алайкум, – деди дадам.

– Ваалайкум ассалом, яна остонангизни супургани келдик, – деди кўл олиб куюқ кўришаркан, кўнғиз мўйлов.

– Кўряпсиз-ку Раҳим ака, остонамиз тоза, – деди дадам жиддий оҳангда. – Қани, ичкарига!

– Энди элчига ўлим йўқ, полвон.

Мен улар нима ҳақида гаплашаётганларини тушуна олмай ҳайрон эдим, бу қизиқ гап уйда давом этса керак, деб уларнинг орқасидан уйга кирдим, ўртадаги катта дастурхонга ноз-неъматлар тузалган, Исожон тоға яқинига ёзилган алоҳида дастурхонга тўртта патир, турли чучукликлар қўйилган. Исожон домла Абдурауф элликбошига қараб деди:

– Хўш элликбоши, издиҳомдан мақсад нима?

– Мусожон аканинг қизи Саодатойга Соҳиб ўғли Неъматдан қулчиликка келишибди.

– Ёшлар кўришишганми?

– Кўришишган, – деди Абдурауф элликбоши. Дадам индамади.

– Қудалар келишишганми?

Бу саволга ҳам элликбоши жавоб берди:

– Келишишган.

Исожон тоға йўталиб нафасини ростлаб деди:

– Биродарлар, маълумингиз бўлмайки, Мусо қизи Саодат Соҳиб ўғли Неъматга тааллуқлидир, омин Аллоху акбар!

Ҳамма омин дея гуриллаб фотиҳа ўқиди.

Исожон тоға патирнинг иккитасини олиб аввал икки бўлиб, сўнг эса икки ярмини тўрт бўлиб синдирди, Қуръони каримдан тиловат қилди, шундан кейин Абдурауф элликбоши ўрнидан туриб дадам узатган атлас белбоғлардан одамларнинг олдига биттадан қўйди, ўтирганлар белбоғни олиб олдиларига ёзиб қўйишди. Элликбоши бу белбоғларга иккитадан нон, патирларни ҳам синдириб бир бурдадан патир, алоҳида дастурхондаги чучукликларни аралаштириб икки пиёладан ташлаб чиқди, ҳамма «Табаррук, табаррук. Илоҳим тўйга етказсин!» деб белбоғларни тугиб қўйди.

Шу пайт даҳлиздан аямнинг мени чақирган овози эшитилди. Чиқиб аямдан кишилар нега бундай қилишаётганини сўрадим, аям кулиб: «Саодат опангни тўй қияшмиз», деб жавоб берди-да:

– Бор Қуддус, Бувинисо аммангни айтиб келгин, – деди.

Ичкарида яна нималар бўлишини билгим келаётган бўлса-да аямнинг топшириғи менга ёқиб тушди, ахир дадам, аям менга иш буюришларини истайман, баъзан Зухра опам буюрса аям:

– Қўйсанг-чи, қўй Зухра, Қуддус уйда қилолмайди, – дейди. Шунда менга алам қилиб кетади, мени гўдак деб камситишаётгандек, писанд қилишмаётгандек туюлади.

Алҳол бу ишни қойиллатаман, деб ўйладим, аммамни айтиб, қайтиб келаётганимда Қўлдош, Достон, хатто, касалманд ўртоғимиз Файбулланнинг бувиси Қўйсин холани ҳам ўзимча тўйга айтдим. Ўз билгимдан қилган бу ишимни аямга айтганимда у:

«Вай жинниво-ей, қачон мен сенга уларни тўйга айтгин дедим», деб қойиб берди. Мақтов ўрнига қойиш эшитганим менга алам қилди.

Уйимизнинг сояси супанинг яқинига келиб қолганди, демак яқинда мактабдан опам келади. Тўйи ҳақида хабар бериб, суюнчи оламан, деб то у келгунча кўча эшиги олдида кутиб ўтирдим. Опамни узоқдан кўришим билан у томонга чирпирак бўлиб югурдим. У сумкасини ерга қўйиб ўтириб, менга қучоғини очди. Мен опамнинг қучоғида нафасим бўғзимга тикилиб хушxabар айтдим:

— Опа-чи, опа... Бугун кишилар сизни тўй қилишди, — дедим. Мен опамни жуда хурсанд бўлиб кетади, мени бағрига босиб эркалайди, деб ўйлагандим. У эса худди бир нарсадан чўчигандек бирпас жим қолди-да, мени қучоғидан бўшатиб, уйга қараб юрди, ҳовлига кираётиб бирдан ўкириб йиғлаб юборди. Сумкасини супага отиб, йиғлаганча кичик уйга кириб кетди. Мен тамоман хайратга тушиб қолдим, эшик олдида келдим-у, ичкарига киришга юрагим бетламади. Шу пайт уйдан аям чиқиб қолди. Унинг ҳам кўзлари ёш... У мени кўриб қолдию «тарс» этиб бетимга шапалоқ тортди. Мен усиз ҳам биров бир оғиз қаттиқ гапирса дод, деб юборгудек бўлиб тургандим, аямнинг тарсакиси жуда оғир ботди, хўрлигим келди, шайтонлаб йиғладим. «Суюнчи» ўрнига шапалоқ еганим алам қилган шу пайтда мен ноҳақ ургани учун аямнинг раҳмини келтирмоқчи бўлардим. Агар шу тобда аям мени бағрига босиб: «Бўлди қўзичоғим», деса йиғини бас қилардим. Лекин аям парво қилмай, паришон ҳолда уйга кириб кетди. Умри опам мени етаклаб, супадаги кўрпачага ўтқазиб қўйди.

– Бўлди энди Қуддус! Йиғламасанг сенга тўйнинг ҳолвасидан бераман, – деди мени овутмоқчи бўлиб. Мен эса унга қулоқ солмадим. Йиғлай-йиғлай супада ухлаб қолибман.

* * *

– Тўйдан олдин ҳашар қилиб, томларни суваб олсак яхши бўларди, – деди аям эртаси куни супада нонушта қилаётган дадамнинг олдига ҳавончани суриб туриб. – Туймоч¹ ея қолинг, ширгуруч қилишга улгурмадим.

– Туймочни қишда емаймизми? – деди дадам томдаги кўкламги майсаларнинг қовжираб қолган бутоғига қараб.

Ўтган йили сувалмай қолгани учун бу йил кўклам томимизда исмалоқ, жағ-жағ, буғдой, лолақизғалдоқлар барқ уриб ўсган эди. Лолақизғалдоқлар роса очилганда ҳамқишлоқларимиз: «Мусожон полвоннинг томи гуллабди!» – деб юришди. Исмалоқни айтмайсизми? Умри опам иккимиз уч уйнинг, офилнинг тоmidан бир қопчиқ исмалоқ териб тушдик. Аям унга бироз хилва ва отқулоқ қўшиб, бир тандир буррай² пиширди. Роса маза қилиб едик.

Аям жавоб кутиб, супанинг зихига омонат ўтирди, пахта гулли пиёлага чой қуйиб узатди. Дадам пиёлани олиб, бир хўплаб дастурхонга қўйди.

– Агар бу йил ҳам том шу аҳволда қолса, янаги йили кўкламда уйимиз чаккахона бўлиши турган гап, – деди аям сал маъюс ҳолда.

Дадам чойни босиб-босиб хўплади:

– Ҳали том сувашга вақт эрта эмасми?

– Пахта терими бошлангандан кейин сизни ушлаб бўладими? Ўтган йили ҳам шундай деб қолдириб юборгандингиз.

¹ *Туймоч* – сариёғда козуриб сақланадиган гўшт.

² *Буррай* – кўк сомса.

Дадам ўйланиб қолди. Индамасдан икки пиёла чой ичди-да, аямга деди:

— Тўғри айтасан! Кейин бош қашишга фурсат етмайди. Бўлмаса, сен сомонхонадан бир-икки қоп сомон олиб чик. Мен тупроқ ўйиб кетай. Бугун лой қилсак, бозоргача икки кун бор, лой яхши пишади. Бозор куни эса ҳашар қиламиз. Қуддус сен ўрик тагидаги кетмонни олиб кел! Қизлар томни супуриб қўйишсин. Акрамиддинга айтасан, тушдан сўнг лойни бир ағдариб қўяди.

— Хўп бўлади, — деди аям.

Мен топшириқни бажаргани физилладим. Кетмонни олиб келганимдан сўнг дадам енг шимариб ишга киришди. У лой олиनावерганидан анча чуқурлашиб қолган лойхонадан тупроқ ўйди, бу тупроқни аям олиб келган сомон билан қўшиб ағдарди. Мен эса бориб, сомон қоплашда аямга ёрдамлашиб турдим.

— Ана энди сув очиб қўйсанг, тупроқ ивиб туради, — деди дадам лойхонадан чиқиб, пешонасидаги терларни сидириб ташлар экан. Аям эса кўнгилдагидек иш бўлаётганидан севиниб, яна икки қоп сомон олиб чикди:

— Тандир-ўчоқларни ҳам суватиб оламан, — деди ўзига-ўзи.

Дадам ювиниб кийинди-да, оғил орқасидан якка қозиққа боғланган саман отини эгарлади. Аям муддаосига эришганидан хурсанд бўлиб, дадам атрофида гиргиттон бўлиб турди. Дадам от миниб дарвозадан чиқиб кетаётганда яна бир ишни тайинлаш ҳам ёдидан чиқмади:

— Уста Файзи бобони ҳашарга айтиб қўйиш эсингиздан чиқмасин-а?

— Яна бирор ишингиз бўлса айтиб қолинг, бугун жуда кўнгилчанман, — деди дадам от жиловини тортиб.

– Уста бобога айтиб қўйсангиз хурсанд бўлади. Доим одам лойга тушганда совқотадиган вақтда хашарга чакириб бечорани хуноб қилардингиз.

Дадам кулиб юбордию отни оёқлари билан никтаб жиловини қўйди. От бир текис йўрғалаб кетди. Аям унинг орқасидан қараб:

– Уста бобо яхши одам, соғ бўлса етиб келади, – деб қолди.

Уста бобонинг қизиқ одатлари бор: бир куни дадам билан бозордан келаётган эдик, йўлда терга пишиб, шошиб кетаётган Уста бобони қўриб қолдик.

– Ха, Уста бобо, жуда шошилиб кетяпсиз, тинч-ликми? – деди дадам салом-аликдан сўнг.

– Эй-й-й... полвон! Эсим қурсин, Ўрол носвой-чидан ўн тийинлик нос олибман-у, пулини бермай келаверибман-да. Шунга кетяпман, – деди у йўлга шайланиб.

– Уста бобо худонинг куни бир кунми? Эртага борарсиз. Ўролни биласиз-ку, сизнинг ўн тийинингиз билан камбағал бўлиб қолмайди.

– Э-ха, бир соатнинг ўзида ўлиб бўлдим-ку, эртагача қандай чидайман! – деди Уста бобо йўлида давом этиб.

Яна бир куни дадам: «Бор, тешасини бериб турсин», деб мени Уста бобоникига жўнатди. Уста бобо: «Тешага ким жўнатди?» деб сўради. «Дадам» деган эдим, ўзича кулиб қўйди, кейин тешасини олиб чиқиб кўрсатди: «Даданга Уста бобонинг тешаси бор экан, лекин беролмас экан, деб айтди, дегин, укдингми?» деди. Хайрон бўлиб, келиб дадамга айтсам, у қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди-да, кўчага чиқиб кетди, бироздан кейин янги теша кўтариб келди.

Уста бобонинг соқоли оппоқ, офтобда қизарган юзи мудом шундай кулиб туради.

Уста бобони бир воқеадан кейин жуда яхши қўриб қолганман. Бувимниқидан келаётгандим, эша-

гим мени йиқитиб қочди.
Ҳар қанча қувласам ҳам
уни ушлай олмадим, нима
қилишимни билмай, йиғлаб
келаётган эдим, қаршимдан
Уста бобо чиқиб қолди. Нега
йиғлаётганимни тушунди-да,
салласи ва яктагини ечиб
менга бердию эшакни қувлаб
кетди. Мен чол одамнинг
шуичалар тез югуриши мум-
кинлигини ҳаёлимга сиғдира
олмай, анграйиб қолдим, у
эса бир зумда эшакка етиб



олди, бироз илгарилаб, бирдан эшакнинг нўхтасидан
ушлади. Эшак яна қочиб кетмоқчи бўлди-ю, кучли
қўлга тушганини сезиб, тинчланди. Шу куни Уста
бобо уйгача кузатиб қўйиб, сўнг ўз йўлига кетди.
Бу воқеани аямга айтганимда, у Уста бобони анча
алқаб, уни «Фариштали одам» деганди. Чиндан ҳам
доим оппоқ, тоза уст-бош киядиган, чўққисоқол,
хушсурат бу кишини ёмонлайдиган бирор киши
қишлоқда топилмасди. Уни ҳашарга айтишганда,
ҳаммадан эрта келади, шунчалар тез ишлайдики,
ўн-ўн беш одамни шошириб қўяди. Бошқа усталар
уч кунда қиладиган ишни бир кунда бажаради, уй
эгаси нима берса, шунга рози бўлиб, «Тўйга буюр-
син» деб кетаверади.

6

Якшанба куни том суваш ҳашари бўлди. Ҳам-
мадан аввал Акрам амаким келиб лойни бир-икки
ағдарди, кейин бир чошиб, бир кетмоннинг орқаси
билан уриб-уриб пишитди.

– Мусожон полвон ҳашарга айтибди, эртага сув музлайди-ёв, девдим, хайрият, эрталаб турсам кун иссиқ экан, – деди уста Файзи бобо ховлига кираккан.

Бирин-сирин Исожон тоға, Эргаш бобо, Абдусалом тоғам, Рашид ака, Мусулмонкул ака, Сайид ака, Мўмин амаки, улардан сал кейин Босим ака келишди. Дадам билан уста Файзи бобо қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олди.

Ҳашарга келганлар супада ўтиришиб, сутга ловия, атиргулнинг гулбаргидан солиб пиширилган оқчойни мақтаб-мақтаб ичишди, сўнг тезгина туришмоқчи бўлишганда дадам:

– Шошмасдан яхшилаб ичиб олинглар, – деб уларни қайта ўтиргизмоқчи бўлди.

Унинг бу ҳаракати учун уста Файзи бобо қойиб берди:

– Полвон, сиз одамларнинг баданини совитманг. Улар ошга эмас, ишга келишган. Қани, турдик бўлмаса. Мулла ака, фотиҳа беринг!

Исожон тоға ҳашарчиларни алқаб дуо қилди.

Ҳамма фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Кейин у бир зумда одамларни ишга таксимлади. Эргаш бобо, Уста бобо катта уйга дераза қуриб бўлгунча томга чиқиб андавани тортиб турадиган бўлди. Соли ака ҳам томга лой ташишга тайинланди. Қўшнимиз Мўмин амаки кекса бўлгани учун енгилроқ ишга қўйилди: у челақларни лойдан тозалаб тагига оз-оз сув солиб туриши керак эди. Мусулмонкул ака лойга тушди, чунки фақат угина Уста бобонинг кўнглидагидек лой қила олади. Полвон келбатли Сайид ака уста айтиб ўтирмасданок, лойни тортиб олиш учун томга чиқа бошлади. У бу вазифанинг барибир ўзига қолишини билади. Ахир у ҳақда одамлар «Мачитнинг томига ҳам бир силтовда лой чиқарган» деб гапириб юришади-да. Лойни челақ-

ларга солиб, айвоннинг олдигача олиб бориш дадамининг, Рашид аканинг зиммасига тушди. Уста бобо мени ҳам ишсиз қолдирмади, челақларни илгакка илиб юбуровчи бўлиб тайинландим.

Уста бобо «Мени нима ишга тайинлайсиз?» дегандек кўзлари ёниб турган Босим акага қаради:

– Босимбой, қани томга чиқинг, сизга паст хавфли!

Қаҳқаҳа портлади. Чунки гап тагида гап бор: Босим ака кимникига ҳашарга бормасин, бир-икки соат ишламасдан қизи ёки ўғли бориб, уйга меҳмон келгани ёки бошқа бир сабаб айтиб чақириб кетаркан, аслида Босим ака ҳашарга кетиш олди-дан болаларга шундай деб тайинлаб келаркан. Ўзи иш ёқмас эмасми, шу баҳонада анча вақт йўқолиб кетиб, яна ҳашарга қайтаркан. Дастлаб одамлар бунин билсалар ҳам билмасликка олишибди. Бу одатини ташлайвермаганидан сўнг бир-икки марта юзига ҳам айтишибди. Лекин Босим акада ўзгариш бўлмабди. Бир куни Босим ака ҳам ҳашар қилибди. Одамлар энди иш бошлаган ҳам экан, Рашид аканинг ўғли: «Уйга меҳмон келди» деб отасини эргаштириб кетибди. Яна бироздан сўнг бошқасининг қизи келибди. Хуллас, барча ҳашарчилар кетавериб, охири ҳеч ким қолмабди. Шундагина Босим ака ўзининг ёмон одатини тушуниб етибди. Одамлардан узр сўраб, бу одатини ташлабди.

Шу пайт Рашид аканинг товуши эшитилди:

– Ҳой Босим ака, ўғлингиз кўриняпти, уйга меҳмон келди-ёв?

Яна қаҳқаҳа портлади. Бу қаҳқаҳага Босим аканинг ўзи ҳам қўшилиб, завқи ошганидан тиззаларига уриб-уриб куларди.

– Босимбой, элга қайишганининг бели қайишмайди, томга чиқаверинг, – деди Исожон тоға кулиб.

– Хўп бўлади, – деди Босим ака қўлини кўксига қўйиб.

Мен баъзан арзимаган нарса учун бир-бирлари билан жигиллашиб қоладиган бу одамларнинг ҳашар пайтида худди ака-укадек бўлиб, ҳазил-мутойиба гаплар айтишиб, жон-дилдан берилиб ишлашларига қойил қолиб турардим.

Мана, Уста бобо бирпасда иккита деразани ўрнатиб бўлиб, томга чикди. Ҳашарчилар: «Тезроқ кимирланглар! Уста бобо томга чикди!» – деб, бир-бирларини шошилтира бошладилар. Уста бобо енгларини шимариб, андавани қўлига олди. Рашид ака Мусулмонкул акага кўз қисиб қўйди. Мусулмонкул ака унга жавобан қош учирди. Исожон тоға дадамнинг «Сиз чой ичиб ўтирсангиз бўлди» дейишига қарамай ҳар замонда сув олиб келиб лойхонага ташлайди, Мўмин амакининг олдидаги пақирни сувга тўлдириб қўяди.

7

Рашид ака билан Мусулмонкул ака бир-бирига ҳазил қилмаса, бир-бирига тегишмаса туришолмайди. Бир куни Рашид ака Мусулмонкул аканинг отаси билан ғалла олиб келгани Зоминга боришган экан, нима бўлибди-ю Мусулмонкул аканинг отаси Берди баққол Зоминда ушланиб қолибди. Рашид ака отига миниб эртароқ Жиззахга қайтибди. Шундай Жиззахга кириб келаётганда рўпарасидан отлик Мусулмонкул ака чиқиб қолибди. Уни кўриб Рашид ака ўкириб юборибди:

– Вой биродарим, отагинангдан айрилиб қолдик. Мусулмонкул ака хангу манг бўлибди.

Рашид ака бўзлаганча дебди:

– Нега анграясан, аҳмоқ?! Дадангни ғалла қоплари босиб қолди. Бечоранинг пешонасига битилгани шу экан. Бир оғиз васият ҳам айта олмади. Уйдагиларингга тез хабар бер. Ҳозир олиб келиб қолишади. Мен сенга эртароқ хабар айтай, деб қичаб келдим.

Мусулмонкул ака уввос тортиб уйга кириб борибди. Уй йиғи-сиғига тўлибди, бири қариндошуруғларга хабарга кетибди. Товачи энди жанозага чақираман, деб турган экан, отаси уйга тирик кириб келибди. Қиёмат йиғи-сиғи бўлибди. Мусулмонкул ака пешонасига бир урибди: «Вой мен аҳмоқ шу Рашиднинг гапига ишониб юрибманми-я?!»

Эртаси куни эрталаб Рашид аканикига икки пудлик қозонни аравага ортиб эл ошпази етиб келибди, Рашид ака: «Нима гап?» демасиданоқ қозонни ўчоққа осиб, «Мойни олиб чиқинг» дебди. Бир пайт элликбоши, домла, сўфи етиб келибди, ҳамма обрў-эътиборли одамлар йиғилаверибди. Мусулмонкул ака «Эрталаб Рашидникига худойига» деб ҳаммани айтиб чиққан экан. Рашид ака ноилож қолиб, шартта қўй сўйдириб худойини бошлаб юборибди.

Ҳаммадан кейин Мусулмонкул ака билан отаси Берди баққол кириб келишибди.

– Рашидвой, худойимни ўзинг ўтказиб берадиган бўлдинг-да, ўғлим! – дебди Берди баққол.

Ҳамма роса қахқаха отиб кулибди. Рашид ака бошини қашиб дермиш:

– Мен сенинг ўзингни йиғлатгандим, сен эса ҳамёнимни йиғлатдинг.

Иттифоқо пахта режаси тўлганда бригадага Орзикул раис вилоятдан келган Ислон Юсуф деган рахбар билан бирга бориб қолади. Озгина кайфи бор Мусулмонкул ака раисга шартта ҳарбийчасига рапорт бериб юборибди. Меҳмон қотиб кулиб:

– Дал маршал экан-ку бу йигит! – дейди, кул-гисини зўрға босиб, – вой-бўй, бу Жиззахда зап кизик одамлар бор, а!

– Фақат кизик одамлар эмас, ранг-баранг одамлар бор, – дебди Мусулмонкул ака жиддий оҳангда.

– Айтчи, ранг-барангинг нимаси? – дебди Ислом ака.

– Мана Жиззахнинг Равотлигида Абдурахмон кизил, Окқўрғонида Сулаймон сариқ, Ўратепаликда Холмат кора, Бегарикда Расул оппоқ бор.

Раҳбарлар яйраб кулишади.

– Дуруст, кўкидан йўқ экан-да! – дейди Ислом ака.

– Нижонликда кўк Сайид бор.

– Вой, дод-ей. Аммо зангориси бўлмаса керак-ов!

– Унисидан ҳам бор тақсир, – деб ёнидаги дўстига ишора қилибди.

– Рашид барра, барра дегани зангори дегани.

Яна қотиб-қотиб кулишибди.

– Кейин бу жиззахликларнинг юзига Аллоҳимнинг ўзи мана мунақа муҳр босиб қўяди!

Мусулмонкул ака Рашид аканинг ўнг юзидаги, ўзининг пешонасидаги, раиснинг иягидаги пашша-хўрда¹га ишора қилади.

– Ё тавба, жиззахликларнинг шунақа тамғаси бўлади-я, – деб кулади Ислом ака. – Ўн мажлисининг захрини чиқарди-да, бу азамат!

Алҳол Мўмин амаки уларга қараб:

– Ўзаро қаттиқ ҳазил-мазах қилишгани билан бир-бирларини бир кун кўришмаса туролмайдилар. Уларнинг бирига бошқа одам тегишсин-чи, иккиси бирлашиб еб ташлайди-я!

Рашид аканинг овози эшитилди:

– Уста енг шимаряпти, ўлдим деявер, маршал!

¹ Лейшманиоз, хомушак чақишидан қолган яра ўрни, ўтмишда бу фақат Жиззахда, Марғилонда учраган.

– Барра, сен қўрқма, лой ташиб чарчаб қолсанг кетмон билан лойхонадан туриб отиб томга чиқариб юборавераман. Қани пақирдаги лойни ол, барра! – деди Мусулмонқул ака, тўлдириб устига сомон ҳам сепиб қўйилган икки катта челақка ишора қилиб. – Аста, яна...

Рашид ака: «Бу челақларинг менга чўт эмас. Бу билан мени қўрқитишга уриниб овора бўласан!» деб икки челақни азот кўтарган эди, челақлар енгил кўтарилиб кетиб, ичидаги сув шалоқлаб Рашид аканинг шимига, туфлисига қуйилди. Мусулмонқул ака лой ўрнига сув солиб, юзига сомон сепиб қўйган экан. У:

– Баррага сув сепиб турмасанг сўлиб қолади, – деди қаҳ-қаҳлаб.

Хамма қаҳқаҳа уриб кулди.

Рашид аканинг ўзи ҳам қўшилиб кулиб Мусулмонқул акага қовоқ солиб бир қарадию шартта шимини шимариб туфлисини ечиб ташлаб ялангоёқ бўлиб олди.

Уста бобо том сувашни бошлаш олдидан дадамга деди:

– Полвон, келинга айтасиз-да, тушликка ўша зўр шўрвадан бўлсин.

– Хўп бўлади, Уста бобо, – деди дадам.

Аям тайёрлайдиган шўрва кишлокқа машҳур. У шўрвага ошқовоқ, лавлаги, картошка, нўхат солиб шундай бошлаб пиширадики, уларнинг ҳеч қайсиси эзилиб кетмас, кейин яна аллақандай ўтларни эзиб солар, шўрванинг таъми ичган одамнинг оғзидан бир умр кетмасди. Уста бобонинг гапи бу шўрвадан тез-тез татиб турган Мўмин амакига жуда ёқиб тушди.

– Ичимсизда, уста, ичимсиз, – деди у. – Маслаҳатлашсанг, шўрва ҳам пишади.

– Мулла Мўмин, хотиржам бўлинг, маслаҳатлашсак сиз ҳали шўрвага лойиқ иш қилаётганингиз йўқ, – деди Уста бобо.

– Ҳой уста, кўряпсизми, мен бу ерда қандай ўлиб-тириляпман! – у ўзини кўрсатмоқчи бўлди, ўрнидан

туриб челақларга чаққонлик билан сув қуяётган эди, боядан бери ўзи сув тўкавериб сирғанчиқ қилиб юборган лойхонанинг четида сирпаниб кетди, мувозанатини сақлаш учун қаддини тиклашга ҳаракат қилди-ю, ўзини ўнглаб ололмай, бор бўйи билан шалоплаб лойхонага йиқилиб тушди. Ҳамма қаҳқаҳа отиб кулиб юборди.

Мўмин амаки оғзига кирган лойни зўр бериб туфлаб:

– О, баччағар! О, баччағар! – дерди.

Мусулмонқул ака овозини баралла қўйиб деди:

– Ҳой одамлар! Маслаҳат билан Мўмин амакини қандай қилиб лойхонадан чиқариб оламиз! Ҳа-ҳа...

– Ҳа-ҳа...

– Сайид сиртмоғингни ташла, қайнотангни боғлаб берай! Ўзи лаби билан бурни халфана ўйнаб қолибди!

– Ҳа-ҳа...

Мўмин амаки кулги садолари остида апил-тапил лойхонадан чиқиб, кийимларидан лой оқизганича уйига жўнаб қолди.

Ҳашарчилар кула-кула ишни ҳам жадаллатиб юбордилар, уст-бошлари, юз-қўллари лой бўлишига қарамай, Уста бобонинг қўлини бўш қўймайлик деб, бир-бирларини шошириб ишлашарди. Мана Мўмин амаки ҳам кийиниб келиб, ўз ўрнини эгаллади...

Тушлик пайти супага жойлашаётганда Рашид ака Акрам амакимга тегишди, унинг ёнига ўтираркан:

– Шу десанг, лой денг, зўр бўлибди-да, денг!

Мусулмонқул ака ҳам унга қўшилди:

– Ахир денг, лойни Акрам денг пишитган-да!

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб қолди.

(Акрам амаким гапига мудом «денг» сўзини қўшиб гапиргани учун Акрам денг дейишади.)

Мусулмонқул ака: Барра, Акрам денг акамнинг формуласи қанақа?

Рашид ака: (Ҳавога кўрсаткич бармоғи билан ёзиб). А баробар Б кўпайган П тақсим Бч.

$$A = \frac{B \cdot P}{Bч}$$

Мусулмонқул ака: Мундай тушунтириб айт.

Рашид ака: А – Акрам денг, Б – боғ, П – пул, Бч – бола-чақа!

Яна кулишди.

Босим ака: Масковда қойил қилганингизни бир гапириб беринг, Акрам ака!

Абдусалом тоғам: Ҳа, шўрва келгунча бир мирикайлик.

Кизариб-кулиб ўтирган амаким Уста бобога қаради.

Уста бобо: Айтсангиз айта қолинг, энди қўймайди булар.

Акрам амаким: Бир йили денг, эски деворларнинг кесагини ғалтак билан ташиб денг, ток жўякларга солдиму тўйдириб денг, сув бердим денг, вай, ток новдаси кўкка сапчиб кетди денг, узум бошининг доналари бир-бирига жой бермай денг, сиқилиб-сиқилиб пишганки денг, донасини зўрға ажратиб оласан денг. Раисга бир бошини олиб бордим денг, икки ярим кило чикди денг. Кейин раис денг, аллакимга сим коқди, мактанди, кейин денг, менга «Бўлди, Масковга борасиз», деди денг. Шу денг, ҳазиллашяпти, десам чин экан денг, ўзи бош бўлиб тўрт жомадонга денг, узумни жойлаб денг, бир жомадонини денг, бир ўрис оғайнимга денг, элтасан деб денг, поездга чиқариб юборди денг, кечаси билан узумни шамоллатиб-шамоллатиб денг, бир ҳафтада етдим, денг. Акам Ўролжонга телеграм берган экан денг, Ўролжон мени кутиб олди, денг. Бир

жомадонини раиснинг денг, оғайнисиникига денг, олиб бордик денг, вай, хотини, қизига денг, байрам бўлди денг, раиснинг оғайнисининг денг, димоғи чоғ денг, «Эртага кўргазмага денг, борасан», деди денг, айтган кўргазмасига денг, бир жомадон узумни денг, олиб бордик денг, узумни кўриб ҳаммаси ёқасини ушлади денг, эртаси куни мухбири ёғилди денг. Масковнинг ҳамма газетларида расмим чиқди денг, мўйловни бураб, узумни ушлаб турибман денг, икки жомадонни бозорга олиб бордим, денг. Ўролжон қўйинг деса ҳам қўймадим денг, жомадонни очиб сотяпман денг, ғазал қилиб айтаман, денг:

*Сладкий виноград,
Сто процент мёд.
Бери на здоровье,
Еш на здоровье.*

Ўролжон кулади денг.

Босим ака: Ўрисчани ҳам қийворибсиз-да!

Мўмин амаким: Ҳа-я, нима бало ичингизга ўрининг боласи кириб олганми?

Амаким жўшиб кетиб шеърни яна бир қайтарди.

Акрам амаким: Шу денг, бирпасда икки жомадон узумни пулладим денг, чўнтак пулга тўлди денг. Бориш-келиш харажатим денг, чиқиб кетди, денг. Кўргазмага бордим, бир пайт денг, бели боғлоғлиқ йигирма беш сўмлик беришди денг. Биринчиликни олибман денг, кўкрагимга тилла медаль тақишди денг. Уйга келиб денг, уч юз сўмга денг, сигир сотиб олибман денг.

Рашид ака: (кулиб) Энди уйга тош кўтариб келганингизни айтинг!

Акрам амаким: (қўл силтаб) Қўйсангиз-чи...

Мусулмонқул ака: Бир куни тутзорга сув тараётган эдик, бозордан келаётган Акрам ака кўчага тўкилган бир уюм шағал олдида тўхтаб атрофга аланглади, тутлар панасида бизни кўрмади. Беш-олтита катта тошдан қопига солган ҳам эдики, шартта чиқиб ушладик: «Нега тош ўғрилаяпсиз?» деб. Битта арокқа пул бериб зўрға қутулди.

Ҳамма кулди.

Акрам амаким: (дўпписини орқага суриб бошини қашлаб): Биласиз, навқонимни бозорда тераман денг. Бир куни денг, ҳеч ишим юришмади денг. Ҳеч қачон денг, уйга қуруқ қўл билан келмаганман денг, мазам бўлмай қолади денг. Ўша куни денг, ҳафсалам пир бўлиб келаётиб денг, тошга кўзим тушиб қолди денг, олтитасини танлаб қопчиққа солсам денг, иккови чиқиб ёпишди денг, барибир тўкмадим денг.

Сайид ака: Тош ҳам қимматга тушибди-да!

Акрам амаким: Қайда денг, уйга олиб келиб денг, ҳовлига тўксам денг, хотин додлайди денг: «Вай даданг жинни бўлиб қолибди», деб денг. Мен: «Ўчир овозингни! Бу қайроқтош», дедим денг. Чиндан ҳам денг, қайроқтош чикса денг. Ҳозиргача ишлатамиз денг.

Мўмин амаки: Ўшанда тилла деганингизда тилла бўлиб қолармиди!

Мусулмонқул ака: Ҳа-я!

Исожон тоға: Бола-чақам деб сидқидилдан интилсангиз, тош ҳам тилла бўлади.

Рашид ака: Акрамиддин денг ўйин-кулги, улфат нима билмайди, бир култум ҳам арок ичмаган, бирор-бир жононга ола қарамаган – жазман нима билмайди, хотин, бола-чақаси, уйидан бўлак дарди йўқ, ҳаммаёққа узум, анор экиб чиқади.

Босим ака: Акрамиддиннинг бир оёғи пул боғда, бир оёғи чорбоғда!

Мусулмонқул ака: Акрам ака, шу денг қачон ухлайсиз?

Ҳамма қаҳқаҳа урди.

– Кечаси билан денг қачон кун ёришаркин, деб пойлаб чиқади, денг.

Уста бобо: Акрамжон тўғри айтади. Яхшилик қилиш учун жонни қийнаш керак. Аллоҳим, намоз ўқиб одамларни яхшиликка ундайсиз. Ўзингиз-чи, ўзингиз яхшилик қилмайсизми? Энг аввал болачақангизга яхшилик қилмайсизми, демаганми? Яхшилик қилиш учун эса жонни қийнаш керак!

Акрам амаким: Ҳа, жонни шундай қийнангки денг, жон ордона қолгур денг, сизнинг танингизга жон бўлиб денг, кирганига мингбад пушаймон есин денг!

Абдусалом тоғам: Акрамиддин, мунча пулни нима қиласиз?

Уста бобо: Қаёққа олиб кетади? У ёққа орқалаб кетармиди? Ўзимизга тўй қилиб беради-да!

Шўрва тортилди. Мақтаб-мақтаб ичишиб, дарҳол тура қолишди. Аям тандир-ўчоқларни ҳам суватиб олди, ҳаммадан ҳам у хурсанд эди: «Ховлимизга файз кириб қолди», дейди. Чиндан ҳам катта уйга янги деразалар ўрнатилиб, атрофи сувалиши уй-ховлимиз чиройига чирой қўшган эди.

8

– Энди фақат иккимиз ўйнаймиз-а-а, Қўлдошни қўшмаймиз-а-а... – деди Ширин бокка қараб юрганимизда. У баъзан шунақа «А»ни чўзиб ялингансимон гапиради. Бу менга ёқади, ҳозир ҳам шу оҳангда гапиргани, бош кимирлатиб маъқуллаб қўяқолдим.

Ширин билан мен гилоснинг шох-шаббаларидан уйча қуриб олдик, Ширин иккита қўғирчоғини олиб чиққан, бу қўғирчоқларга мен – ота, Ширин – она.

– Ўғилми, қизми? – деди Ширин шундай яқинидаги қизғалдоқнинг кўсагини узиб менга кўрсатиб.

Кўсакнинг бўлиқлигига қараб:

– Қиз! – дедим.

Ширин кўсакни пешонасига бир уриб ёриб кўрди.

– Топдинг, қиз экан.

У қизғалдоқнинг қатланиб ётган қип-қизил гулбаргларини ёзиб қора хошияларига қараб севиниб:

– Вой, қорақош қизғалдоқ экан! – деди.

Мен бош ирғаб маъқулладим.

Сўнг Ширин қизларини жойлаштириб ўтқазиб қўйди.

Мен мўйловимни (бурним ва юқори лабим орасига қистирилган буғдойикни) дадамга ўхшаб силаб, сиёсат билан ўтирибман. Шириннинг бўларбўлмасга «ҳи-ҳи»лаб куладиган одати бор, аммо ҳозир ўйинга астойдил берилгани учун ўзини жуда жиддий тутяпти.

Шириннинг кичкина қизи дастурхон устига йиқилиб тушиб нону какаларни сочиб юборди.

– Мен сенга жим ўтир дедим. Ҳадеб қакага ёпишаверасанми? Ахир томоғинг оғриб қолади-ку? Ўзи сен гапимга кирмайдиган бўлиб қоляпсан. Ё дадангга айтайми?

Ширин аччиқ билан қизини ўрнаштириб ўтқазди. «Дадангга айтайми?» деганидан қиз жуда кўрқиб кетди, шекилли, дами ичига тушиб ўтириб қолди, энди менинг аралашишимга ҳожат қолмаганди.

– Мана бу катта қизингиз билан ўзингиз тузукроқ гаплашиб қўймасангиз бўлмайди! – деди Ширин куюнганича иккинчи «қизини» менинг рўпарамга турғизиб.

– Яна нима бўлди, – дедим мўйловни эҳтиёткорлик билан силаб, лабимни ҳар қанча юқорига

чўччайтирсам ҳам буғдойиқ тушиб кетаётганди, Ширин бунга эътибор бермай бидиллаб кетди:

– Бу қизингиз куёвингиз билан аччиқлашиб келибди. Мен ўзи бошида айтувдим-а, бу Сайид етим, бебош, қизиққон бола бўлса! У сенинг тенгинг эмас, деб! Айтдим-а, бу кулоқсизга! Йўқ, шунга тегаман, деди. Мана энди уришиб келиб ўтирибди, энди нима қиламиз?

Мен катта «қизим»га нима дейишни билмай ҳайрон бўлиб қолдим, чунки биз келишиб олган ўйинда бунақа гаплар йўқ эди-да! Ширин эса ўзини Тухфа холадек тутаетганига маҳлиё бўлиб, менинг қай аҳволга тушиб қолганим билан иши бўлмай гапида давом этди:

– Мана энди кўз ёши тўкиб ўтирибди, ўзинг пиширган ошни...

– Тўхта! Нима деб бидиллаяпсан?! – деб бақириб юбордим тоқатим тоқ бўлиб.

– Ҳа, мана шу Тўти қизингиз-да! У билан ўзингиз бир гаплашиб қўймасангиз бўлмайди!

У яна бидиллаб кетмоқчи бўлди, лекин менга қараб авзойимдан биз ўйлаган ўйинда бундай гаплар гапирилмаслигини сезиб қолди, бирдан «катта хотин»ликдан асл ҳолига қайтиб:

– Эйи, хи-хи... Қуддус биласанми, Тўти опам-чи Сайид аканг билан уришиб уйимизга қайтиб келди.

Менинг ҳам «мўйловим» тушиб кетди. Бир зумда дада қиёфасидан ўз ҳолимга қайтдим, Ширин айтган хабар ўйинимиздан қизиқроқ эди, дарҳол Ширинни саволга тутдим:

– Нимага уришиб қолишибди?

– Билмасам, аямнинг айтишича, Сайид аканг жуда ёмон бир гап айтиб юборганмиш.

– Нима деганикин-а?

– Билмадим, энди Тўти опам Сайид акангникига бормади, менга маза! У қўғирчоқларимга қўйлак тикиб беради. Сенинг Саодат опангни эса поччанг олиб кетиб қолади, билдингми?!

– Йўқ, опам поччамникига бормади!

– Ия, уни тўй қилишди-ку?!

– Опамни шу ерда тўй қилишади, шунинг учун хашар қилиб уйимизни тузатдик, билдингми?!

– Поччанг ҳам шу ерга келадими?

– Ҳа, у бизникига келади, – дедим бу ҳақда ҳеч нарсa билмасам-да.

– Сенга маза бўларкан-ку, хи-хи...

– Бўлмасам-чи!

Шу тобда мен Шириннинг ҳам катта бўлиши, опамга ўхшаб уни ҳам тўй қилишлари ҳақида ўйладиму Шириндан:

– Ширин катта бўлсанг, сен ҳам эрга тегасанми? – деб сўрадим.

– Бўлмасам-чи, ҳамма кизлар катта бўлгандан кейин эрга тегишади-ку! – деди Ширин хотиржамгина қиёфада.

– Бўлмасам, сен менга тегмайсанми?

Ширин ялт этиб менга қаради, негадир хиёл қизариб ҳам кетди, бироз ўйланиб турганидан сўнг деди:

– Поччамга ўхшаб уришмайсанми, хи-хи...?

– Сираям уришмасдим.

– Сайид ака айтган ёмон гапни айтмайсан-а, а?

– Қанақа ёмон гап?

– Тўти опамга айтгандақа ёмон гап-да!

У қанақа гаплигини билмасам-да кўна қолдим:

– Йўқ, айтмайман.

– Тўй бизникида бўлади-я?

– Майли.

– Қўлдошни тўйга айтмайсан-а-а?

– Хўп.

– Кейин пашмак, ҳолва ҳам олиб берасан-а-а, хи-хи...

Мен Шириннинг барча шартларини қабул қилдим-у, ҳолва хусусида ўйланиб қолдим, Юсуф ҳолвачи тайёрлайдиган бу хуштаъм ширинликни доим топиб бўлавермас, биз уни байрам кунларигина татиб кўрардик, холос. Мен Шириннинг саволига нима деб жавоб қайтаришни билмай яна бироз ўйланиб турдимۇ тўй куни ҳамма нарса мўл-кўл бўлишига кўзим етиб, бу шартини ҳам қабул қилдим:

– Майли ҳолва ҳам олиб бераман.

Ширин хурсанд бўлди, шекилли, дув қизариб кетди.

– Хўп сенга тегаман, хи-хи...

Шунда Ширинни қўлидан ушлаб ўзимга тортдимۇ бетидан ўпиб олдим.

У янаям қизариб кетди.

– Сайид ака ҳам кеча боғда Тўти опамни ўпиб олди, хи-хи... – деди у сирли оҳангда.

Юрагим ғалати бир ширин, сирли туйғуга тўлиб хурсанд бўлиб ўтирардим, аммо шу пайт кимдир юзимга шундай тарсаки туширдик...

– Юзингни тескари қилиб юборайми?

Қарасам, Нозик опа! Бошқа пайт бўлганда шайтонлаб йиғлашим турган гап эди, аммо ҳозир негадир йиғлай олмадим, ирғиб ўрнимдан турдимۇ ловиллаётган юзимни силаганча нари қочдим. Нозик опа мени ушлаб яна урадим деб ўйлагандим, бироқ у Ширинни қўлидан тортиб силтаб турғизди:

– Қани сенинг у билан иккинчи бирга ўйнаганингни кўрай!

Ширин йиғлаб юборди, Нозик опа уни силтаб-силтаб уйига етаклаб кетди, мен шумшайиб қолавердим. Ширинга раҳмим келди: ҳозир Нозик опа

бориб айтса, Тухфа хола ҳам, Мўмин амаки ҳам Ширинни роса уришади-да! Кейин мени дадамга айтиб беришади, дадам... Уф...

Қани эди, шу иззали ҳол рўй бермаса! Рўй берса ҳам тезгина сенинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ёдидан чиқа қолса! Бироқ айна шу иззали ҳол ҳеч ёдимдан чиқмайди, қайта-қайта эсга келади, яна ўзимча изза бўламан.

Шундан сўнг бир-икки кун Ширин кўринмади. Мен боғдаги гапларни дадаси ёки аясига айтиб берган бўлса уришишганмикан, мени ҳам уялтиришса керак, деб хавотир олиб юрдим. Бироқ, орадан икки-уч кун ўтса ҳам, «Сен Ширинга шундай дебсан!» деб мени ҳеч ким уришмади, аммо барибир Ширинникига боргани юрагим бетламади.

Алҳол деворнинг қулаган жойидан қараб ўзларининг боғида ўйнаб юрган Ширинни кўриб, яна ўша иззали ҳол ёдимга тушди: Ширинни роса уришишган, шунинг учун у бизнинг бокқа ўтмай ўзлариникида ўйнапти! Унга ичим ачиди, ерда ётган гувалалар устига ўтириб, уларнинг боғини, ховли тарафини кўздан кечирдим: ҳеч ким йўқ! Сўнг секин чақирдим:

– Ширин, Ширин!..

У югуриб келди:

– Ҳа жўра, нима дейсан?

У ўзини орадан ҳеч нарса ўтмагандек тутарди.

– Сени ёмон уришишдимми?

– Уришишмади, ҳи-ҳи... – деди у кулиб.

– Йўғ-ей?!

– Аям қайта Нозик опамнинг ўзини уришди: «Бунча пийпаламасанг, бу бола бечорани!» деб. Кейин (у қизариб кетди) Нозик опам: «Манави жинни қизингиз Қуддусга ўптириб ўтирибди!» девди, аям: «Қўявер, барибир ўша супоғвойга

берамиз, ахир қулоғини тишлаган, бор йўқол», деди. (Ҳа, аям, опаларим Ширин бешикда ётганида менга унинг қулоғини тишлатишганини кўп гапиришади.)

Мен бирдан енгил тортдим, бироқ барибир уларнинг боғига ўтгани юрагим бетламади, Ширинга:

– Бўлмаса бизнинг боққа ўт, бирга ўйнаймиз, – дедим.

– Майли, ҳи-ҳи...

У деворнинг қулаган жойидан эҳтиёт бўлиб юриб, ўта бошлади, мен югуриб бориб унинг қўлидан ушлаб олдим.

9

Кўрпа қавиб ўтирган аям зоғчани қувиб қолди:

– Ҳа, жувонмарг бўлгур! Ангишвона қани?

Зоғча ангишвонани тумшуғидан туширмай, худди аям билан ҳазиллашаётгандек, қанотларини пирпиратиб, чап бериб югургилади. Охири ангишвонани ҳовлига ташлаб токзорга қараб учиб кетди.

У нукул аямнинг нина, ангишвонага ўхшаган нарсаларини токчадаги, уйдаги бирор тешиқларга беркитиб қўяди, ўтган гал нина, ангишвоналарини излаб-излаб охири токчадаги бир ковакдан топиб олгандик. Ҳозир яна йўқ экан, «Буни албатта шу зоғча ўлгур яширган!» деб зорланса, дадам завқ билан кулади:

– Нина, ангишвонангни сандиққа кулфлаб қўйда!

– Сизга кулги бўлса! – деди аям супанинг лабига қўниб, сўнг:

– Ўрол, камчилигимиз кўп-у, – деди ҳазин бир оҳангда.

– Қанақа камчилик?

Дадам ёстиқни бир четга суриб қўйиб чордана курди.

– Бобожон, бор сен Сайид акангга совуқ чой олиб бор, ана дераза олдидаги чойнакда! – деди аям.

Билдим, аямни дадамга мендан яшириб айтадиган гапи бор. Бўлмаса мени Сайид акага совуқ чой олиб бориш бахонасида супадан қувмасди, Сайид ака эндигина иш бошлади, ҳали чанқагани ҳам йўқ, эриниб, кўнглим оғриб супадан тушдиму чойнакни кўтариб Сайид аканинг олдига кетдим.

...Унинг оппоқ яктагига, юзига лой сачраган, уста Аминнинг устараси дастидан ошлатилган тери-га ўхшаб қолган бошини милдир-милдир тер босган, қўйлаги жиққа ҳўл бўлиб баданига ёпишганди, Сайид ака новчадан келган, яғриндор, ингичка қошлари мудом чимирилиб юрадиган, келишимли йигит. У бизнинг қандайдир қариндошимиз, отонаси дунёдан ўтишган, дадам уни ёктиради, шунинг учунми, бизникига тез-тез келиб туради, дадам унга бирор иш буюрмаса ҳам, ўзича молларга қараб, ҳовуздан сув ташиб, ўтин ёриб дадам билан аямни жуда миннатдор қилади; мана ҳозир ҳам унга ҳеч ким «Деворнинг қулаган жойини кўтариб қўй» демаса-да, ўзича лой қориб, гувалак қўймоқчи, тўйдан олдин деворни ҳам тиклаб оладиган бўлдик, деб аям жуда мамнун.

Лойхонадан лой чиқараётган Сайид ака:

– Чойни сояга қўй, Қуддус, – деди-да, кетмонни тоғорадаги сувга ботирди. Мен чойнакни деворнинг соясига қўйдим. Сайид ака деворнинг қулаган жойидан қўшни чорбоғга тез-тез қарарди. Мен Сайид ака чиқарган лойдан лўмбозлар ажратиб гувала қуйишга ҳаракат қила бошладим.

Худди шу пайт боққа сигир етаклаб ўтаётган Тўти опа кўриниб қолди. Тўти опанинг икки бети кип-қизил, қоп-қора қошлари қалдирғоч қанотидек қайрилган, икки ўрим йўғон сочи тақимиға тушади. Тўти опа билан Сайид ака унаштириб қўйилгандан сўнгги қизиқ воқеаларни хануз эслаб кулишади. Бизнинг одатга кўра унаштирилган ёшлар тўйгача бир-бирларининг қариндош-уруғларидан ўзларини четга олиши – қочиши керак, аммо эскилик билан ҳисоблашишни истамаган Сайид ака ҳеч кимдан қочмас, аксинча, Мўмин амаки билан Тухфа хола ўзларини четга олиб юарканлар.

Сайид ака билан Тўти опа жуда иноқ яшашарди. Қисқа вақтда ўзларига янги уй қуриб олишганди, қачон қарасанг бирга ишлаётганини кўрардинг, уларга қараб: «Эр-хотин қўш ҳўкиз деб шуни айтади-да», дейишарди. Шунинг учун Ширин уларнинг уришиб қолишганини айтганда унча ишонмагандим. Тўти опага қараб қолдим, у энди анча семирган, юзини доғ босган, у Сайид акани кўриб қолдию бирдан юзини тескари буриб ўтиб кетди.

Сайид ака:

– Қуддус, мен ҳозир келаман, – деб деворнинг кулаган жойидан Ширинларнинг боғига ўтди.

Лойдан лўмбозлар ажратиб гувалак шаклига кирита бошладим, лекин бу ишдан тезда зерикдим, бир неча бор боғ тарафга қараб қўйдим, Сайид ака кўринмасди, охири боққа қараб юрдим.

Тутлар орасидан ўтиб борарканман, девор ортидан – қўшнимизнинг чорбоғидан қулоғимга қизиқ гап-сўзлар чалинди:

– Ҳим-м... Қўйворинг! Қўйвор...

– Тўти!.. Кечир мени! Сен бугуноқ уйга қайтишинг керак!

– Тегманг, энди уйингизга бормайман, сиз менга номахрамсиз!

– Йўқ, сен менинг маҳрамимсан, қонуний хотинимсан! Аҳмоқона сўзим учун фақат сенинг ўзингдан узр сўрайман. Домла билан даданг айтганига эса амал қилмайман, билиб қўй! Бугун Мусожон тоғамга ҳам айтаман, сени зўрлаб бўлса ҳам олиб кетаман!

– Қўлингизни тортинг! Мен ўзи аҳмоқ эканман, аямнинг гапига ҳам қулоқ солмай, камбағал демай, етим демай, мен сизни девдим! Мана, Мусулмонкул ака, хотинининг егани олдида, емагани орқасида. Хотинини кафтида кўтариб юради. У бечора ҳам менга қанча совчи қўйганди!

– Тўти!

– Бир оғиз: «Ичманг, ароққа кетган пулингизга қайта дурустроқ яшайлик!» десам, «Қонингда феодаллик бор-да!» деб сўкиндингиз. Бобом бой ўтган бўлса мен айбдорми?

– Тўти!

– Ахир менинг бобом сизнинг отангизга ўхшаб қишлоқ одамларини Шўрога сотиб, қулоқ қилдириб қон қақшатмаган-ку!

– Бўлди, Тўти!

– Солиқчи бўлиб одамларнинг тагидаги гилами-гача олиб кетган, биттагина сигирини ҳам давлатга топширтирган сизнинг отангиз эмасми?

– Тўти, яна ҳаммасини бошидан бошлама!

– Мана, ўзиям жувонмарг бўлиб кетди! Қони бузуқ экан!

– Тўти, деяпман!

– Сиз мени феодал деб хоҳлаганча ҳақорат қилинг-да, мен индамайми? Шуни айтсам, мени уч талоқ қўйдингиз. Энди жазосини тортаверинг!

– Тўти, бўлди! Бу шунчалар ёмон сўз эканини билмасдим!

– Энди билдингизми? Сиз билан яшай олмас эканман.

– Қўйсанг-чи! Мастликда оғзимдан чиқиб кетди-да!

– Мастлик – ростлик, деди дадам!

– Уф-ф!..

– Зумрад, Зумрад, деб ўлиб юрардингиз, у мактабни битиряпти ўшанга уйлана қоларсиз! Маст бўлиб уларникига кирибсиз-у!

– Тўти!

– Тўғримми? Мен аҳмоқ...

Тўти опанинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди:

– Қўйворинг... Ҳим...

– Тўти, жоним, кечир!..

Сайид аканинг титроқ товуши билан кечирим сўраб ёлворишлари, иккисининг энтикиб нафас олишлари аниқ эшитилиб турарди. Бир пайт ўтлар шитирлаб, сўнг кимдир гурсиллаб йиқилгани, Тўти опанинг: «Йўқ, йўқ, вай! Жинни бўлманг!» деб зорлангани эшитилди.

Шу тобда у ерда нималар бўлаётганини жуда ҳам кўргим келарди, аммо орада баланд девор бор! Деворга бир сакрадим, қўлим девор тепасига етмади, аксига олиб девор текис бўлиб чирмашиб чиқадиган жойи ҳам йўқ эди, юрагимни жунбишга келтираётган воқеани кўриш истагида девордан туйнук излаб ҳам тополмадим. Эҳ, қани эди ҳозир шу девор бирдан йўқ бўлиб қолса!

Мен бўйим етмас девордан бир туйнук излаб, бу хис-ҳаяжонга қоришган сирли гапларга қулоқ соларканман, бир пайт биров қулоғимни бураб қолди. Оғриқдан юзимни буриштирар эканман, қарамасдан ҳам бу қўл аямнинг қўлилигини билиб олдим. Қулоғим ҳовли томонга тортила бошлади, жоним оғримасин, десам ўша ёққа тезроқ югургиланшим керак, ниҳоят аям қулоғимни қўйиб юбориб:

– Агар яна шунақа гап пойлаб юрадиган бўлсанг, шартта қулоғингни кесиб ташлайман! Тушундингми? Бор ўйна! – деди.

Мен аямнинг юзига қарай олмасдим, энди роса кўргилигимни кўраман, деб ўйлагандим. Унинг бундай озгина уришиб, «Бор ўйна» дейишини сира кутмагандим. Назаримда аямнинг ўзи ҳам девор ортидан эшитилган гаплардан ҳаяжонга тушган эди. Мен хижолатли ҳолдан тезроқ қутулиш учун Қўлдошларникига жўнаб қолдим. Йўлда яна хаёлимни Сайид ака билан Тўти опанинг гаплари эгаллаб олди: «Нега Сайид ака бунчалик ёлворади? Нега уларнинг иккиси ҳам шунчалар изтиробда?» Мен саволларимга жавоб топа олмай қийналардим.

Шу куни кечаси эса тасодифан аям билан дадамнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улар бизни ухлаб қолишган, деб қўшни хонада бемалол гаплашишарди. Мен нафасимни ичимга ютиб, уларнинг гапига кулоқ солиб ётдим.

Аям: Сайид жаҳл устида оғзидан чиқиб кетган гапидан пушаймон. Тўтининг дарди ичида. Мўмин ака маслаҳатлашайлик, деб домлага борган экан, домла: «Ҳалала қилиш керак, бошқа йўл йўқ!» дебди. Бу гапни эшитиб Сайиднинг фигони фалакка чиққан. «Мен эскича билан ҳам, домла билан ҳам ҳисоблашмайман, Тўти менинг қонуний хотиним», деб олиб кетмоқчи. Бунга эса Мўмин ака йўл қўймади.

Дадам: Эскича билан ҳисоблашмас экан, нима қилиб унақа бемаза сўзни оғзига олиб юрибди?

Аям: Ким билади?

Дадам: Бўлмаса жазосини тортсин-да!

Аям: Ўзлари ҳам жуда пушаймон бўлишган.

Дадам: Арзимаган нарсага фижиллашаверса, турмуш бўладими? Эр-хотиннинг уришига остона ҳам кулармиш.

Аям: Тухфа опа уларга сизнинг ёрдам беришингизни сўраяпти. Мусожон полвон аралашган иш битмай қолмайди, дейди.

Орага жимлик чўкди.

Дадам: Пулдан борми?

Аям: Юз сўмга чой, қанд, мой олиб келдим, тўрт юз сўм қолган.

Дадам: Қолган пулни сақлаб тургин, яраш ошига керак бўлади. Домла билан ўзим гаплашаман.

Аям: Бу пулга ун олмаймизми? Унимиз ҳам охирлаб қолган.

Дадам: Ун тугагунча бир гап бўлар. Бу бандалар овора бўлиб юрмасинлар.

Улар жим бўлиб қолишди.

10

Орадан бир кун ўтиб аям тушдан кейин ошга уннади, опаларим супага гилам, янги кўрпачалар тўшаб қўйишди. Дадам ҳам ишдан эрта қайтди. Одатда уйга меҳмон чорланса ана шундай тайёргарлик кўрилади. Ҳамма иш битгандан сўнг дадам меҳмонлар учун ҳозирланган жойга разм солади, аямни чақиради, бирор нарса ёқмаса, секин бурилиб аямга қарайди, аям эса дадамга нима ёқмаганини дарҳол сезади унинг қўнглига мос иш тутди. Мана ҳозир ҳам чақириб жойга разм соларкан, устунга илиб қўйилган бироз кир сочиққа, дастшўйга қараб қолди. Аям зипиллаб уйга кириб кетди, янги сочиқ олиб чиқиб, кир сочиқ ўрнига илди:

– Умри дастшўйни ювиб кел, – деди.

Дадам мийиғида кулиб қўйди, аям хотиржам бўлди.

Бироздан кейин оппоқ, курак соқоли чўзиқ юзига ярашган, тўғри, гўштдор бурунли, ўсиқ қошларига ҳам оқ оралаган басавлат киши – Исожон домла,

янги, йўл-йўл беқасам тўн кийган Мусулмонкул ака, оқ кўйлак кийиб, енгларини шимариб олган Рашид акалар кириб келишди. Дадам Исожон тоға билан қўшқўллаб кўришди, мен уларнинг қўлларига сув қўйдим, артиниб супага чиқишди. Улар озгина гурунглашиб, бир-икки пиёла чой ичишганди ҳам, Сайид ака келиб қолди. Бирдан ҳовлига кирган Сайид ака супада ўтирган меҳмонларни кўриб шошиб қолганидан бир неча бор салом берди, ялт этиб дадамга қаради.

– Кел, ўзи сени кутиб турувдик, – деди дадам. Сўнг ошхонага қаради:

– Ўрол, Тўтини чақириб келинглар!

Ошхона томондан аямнинг: «Хўп!» деган овози эшитилди.

Гарангсиб турган Сайид ака шундан кейингина ўзига келиб, қўлини ювди-да, сочиққа тез-тез артиб супага чиқди.

Кўп ўтмай, Тухфа хола билан ёпинчиқ ёпинган Тўти опа келишди, салом беришиб, катта уйга кириб кетишди.

Дадам вазминлик билан гап бошлади:

– Исожон тоға, сизнинг хабарингиз бор, Сайид хотинига уч талоқ айтиб қўйибди.

– Уч талоқ? – деб юборишди бирдан Мусулмонкул ака билан Рашид ака.

– Астаффируллоҳ, астаффируллоҳ! Талоқ сўзи айтилса, Аллоҳимнинг ҳузури – меърож ҳам бир-бир қалқиб тушармиш! – деди домла бош чайқаб.

Сайид аканинг эса боши эгилди.

Дадам: Бунинг устига Тўти ҳам эри мастлигини била туриб сабр қилмай у билан айтишган, эридан баланд келаман деган, мана энди Тўти ота-онасини ҳам эрига қарши қилиб қўйди, совуқлик тушди. Муҳаммадзоҳид домлани биласиз-а!

Исожон домла: Албатта, устозим бўлади.

Дадам: У киши бир куни қизиникига борсалар, қизи билан куёви айтишиб туришган экан, домла борган заҳоти иккиси ҳам жим бўлишибди. Домла нима гап деб сўрабди, аввалига эр-хотин айтишмабди, кейин эри: «Ота, қизингизнинг фалон дугонаси менга ёқмайди, у суюгоёқ жувон, шуникига бормагин, десам қизингиз уникига бораверади, шунда менинг кўнглимга турли гумонлар келиб қийналаман!» – дебди. Шунда домла қизига: «Тур нарсаларингни йиғиштир, болаларингни ол!» – дебди. Қизи ҳайрон бўлган экан, «Эрнинг раъйига юрмасликнинг ўзи бир талоқ тушгани, эрдан баланд келаман деганинг иккинчи талоқ тушгани, қолаверса, эр рози бўлмаса, беш вақт намоз ўқиганинг, беш фарз бажарганинг билан Аллоҳ рози бўлмайди. Эр рози, Аллоҳ рози!» – деб қизини ажратиб олган экан (дадам Тўти опам эшитсин, дегандек атайлаб овозини баландлади). Эр-хотин кейин қанча ялинишса ҳам уларнинг никоҳига розилик бермаган. Ул кишидек бир аллома шундай иш тутибдики, бунинг тагида катта маъни, ҳикмат бор!

Исожон домла: Жуда тўғри!

Дадам: Сайид «уч талоқ» айтганда маст экан, унинг уч талоғидан қайтмоғи вожибми?

Сайид акага жон киргандек бўлиб дадамга қаради.

Исожон домла соқолини панжалари билан тараб анча маҳал хаёлга толиб қолди, Сайид ака умидворлик билан унга тикилди.

Исожон домла: Анча ичганмидингиз, Сайидвой?

Сайид ака: Таксир энди йигитчилик, озгина...

Исожон домла: Уйга сизни қўтариб олиб келишдими?

Сайид ака: Йўқ.

Исожон домла: Ўз оёғингиз билан юриб келдингизми?

Сайид ака: Шундай тақсир.

Исожон домла: Уйга кирганда хотинингизни танидингизми?

Сайид ака: Ҳа, танидим, тақсир.

Исожон домла: Мажнун эмасмидингиз?

Сайид ака: У нима деганингиз, тақсир?

Дадам: Телба, ё жинни эмасмидингиз, деяпти.

Мусулмонкул ака: Шундай хотинни уч талок қўйгач, албатта жинни бўлади-да!

Сайид ака: (Мусулмонкул акага еб қўйгудек бўлиб қараб домлага жавоб берди) Худо асрасин, тақсир!

Исожон домла: Бул сўзни босинқираб айтганингиз йўқми?

Сайид ака: Йўқ тақсир.

Исожон домла: Қайси маҳалда айтдингиз?

Сайид ака: Ўша чойхонадан келган пайтимда энди куёш ботаётган эди, гап талашиб қолиб, шу сўзни айтворибман-да!

Исожон домла узоқларга тикилганча дадамга му-рожаат этди:

— Мусожон полвон, Сайид маст бўлса-да, хотинини таниган, мажнун бўлмаган, босинқирамаган, айтган вақтини аниқ билади, бинобарин унинг уч талоғи вожиб бўлибдир!

Дадам «ух» тортиб юборди. Сайид ака тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўшашиб ўтириб қолди.

Рашид ака: Эй Сайид аҳмоқ, ҳеч бўлмаса аввал бир талок демайсанми?

Исожон домла: Тўғри, мунга йўл бор. Бир талок берилган аёл уч хайз ўтгунча бошқа эрга тега олмайди. Юкли эканлиги маълум бўлмагунча. Аммо бу муддатда алар сулҳ талаб бўлсалар эр хотинини қайтариб олмокқа бошқадин зиёд ҳақлидур.

Рашид ака: (Сайид акага қараб) Ана!

Мусулмонқул ака: Домла, мабодо икки талоқ айтилган бўлса-чи?

Исожон домла: Ҳа, талоқи ражъийдур. Бунда эр хотинини қайта никоҳга олиши мумкин. Эмди магар эр хотинга уч талоқ берса, бундин кейин хотин эрга ҳалол бўлмас, токи бошқа эрга никоҳ қилинмаса. Магар ул эр ҳам талоқ берса, эр-хотин қайтадан топишсинлар.

Дадам: Хўш, унда нима қиламиз, энди?

Исожон домла: Бу ўринда Сайиднинг хотинини, албатта бошқа эрга никоҳлаш, ул эр хотинни ватий қилиши зарур.

Рашид ака: Ватий деганингиз нимаси?

Мусулмонқул ака: Эр-хотиндек бирга бўлади, дегани-да, домла!

Исожон домла: Худди шундай. Холис одам гувоҳлигида ватий қилади. Ана шундан кейин иккинчи эр хотинни талоқ қўяди, шундан сўнг, Тўтининг иддаси ўтгандан кейингина Сайидга никоҳланади.

Мусулмонқул ака: (у Рашид акага «Билдингми?» дегандек маънили бокиб, сўнг домлага қараб). Иддаси деганингиз нимаси?

Исожон домла: Аёлнинг бўйида бўлиб қолганига гумон бўлмаслиги учун аёлнинг уч бор ҳайз кўриб тозаланиши кутилади.

Мусулмонқул ака: Бўйида бўлиб қолган бўлса-чи?

Исожон домла: Унда аёл туғиб чилласи чиққунча кутилади.

Мусулмонқул ака: Ҳим-м...

Дадам: Хуллас, ҳалала қилиш керак экан-да!

Исожон домла: Шундай, полвон!

Сайид ака ижирғаниб, типирчилади.

Мусулмонқул ака: Буни манави Қуддусдек бола ҳам билади-ку!

Сайид ака ялт этиб унга қаради.

Дадам: Тоға, Тўтини Мусулмонқулга никоҳласангиз.

Эйи, Мусулмонқул аканинг ўзини куёвдек тутиб ясаниб келганининг боиси бор экан-да, деб ўйладим. Нахотки, у энди Тўти опани олса? Унда Сайид ака нима бўлади? У кечагина Тўти опага нималар деганди? Жуда қизиқ!

Дадам бирор нарсани баҳона қилиб мени даврандан чиқазиб юбормасин, деб нафасимни ичимга ютганча жойимга қапишдим.

Саид ака дадамга қараб анграйиб қолди.

Дадам давом этди:

– Мусулмонқул билан Тўтига мана катта уйни хозирлаб қўйдик. Рашидвой гувоҳликка ўтади. Сайиднинг ўзи ҳам шу ерда.

Сайид аканинг ранги қум ўчди.

Рашид ака: Мусожон ака, Мусулмонқул маршал Тўтига Сайиддан илгари совчи қўйганди. Энди унга никоҳласаларинг, у Тўтини талоқ қўймаслиги мумкин. Анави Ваҳоб чўлоқ ҳам шундай қилиб икки хотинлик бўлиб қолган-ку! Яхшиси, менга никоҳлаганларинг дурустми, дейман.

Мусулмонқул ака: Эй барра, ошга тушган пашшадек зинғиллама! Тўтидек жувондан қайси аҳмоқ эркак воз кечади! Нима қилибди, мен ҳам Ваҳоб чўлоққа ўхшаб икки хотинлик бўлсам?!

Сайид ака дадамга қараб нимадир демоқчи бўлди, аммо бўғзига бир нарса тикилгандек кекирдак олмаси ўйнади.

Исожон домла: Йўк, йигитлар ҳалалада «талоқ» қўйиш шарти билан иккинчи эрга никоҳи саҳиҳ ўқилади.

Рашид ака: У ҳолда маршалдан ҳам кўра менга никоҳ қилганингиз дуруст. Чунки ана ўзи айтяпти-ю «Талоқ қўймаслигим мумкин», деб.

Мусулмонқул ака: Барра, овозингни ўчир, де-
япман!

Дадам: Бас қилинглар йигитлар, бошида Мусул-
монқулга ният қилувдик, шу айтганимиз бўлади.
Хўп, тоға, энди гапни чўзмай, ишга ўтайлик.

Сайид ака ўтирган жойида типирчилаб, атрофда-
гиларга эмас, балки гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка қараб
пишқириб нафас оларди.

Исожон домла: Бир коса сув даркор.

Дадам: Ана олдингиздаги косада.

Исожон домла: Маъкул.

Дадам катта уйга қараб товушини баландлатди:

– Қани Тўтини чақиринглар!

Дадамнинг овозини эшитиши билан аям уйдан
рўмолини янада паст тортган, боши қуйи эгил-
ган Тўти опани етаклаб чиқиб Рашид ака сурилиб
бўшатган жойга – Мусулмонқул аканинг яқинига
ўтқазди, ўзи ҳам ёнига чўкди. Сайид аканинг ранги
қум ўчганча кўзининг пахтаси чиқиб Тўти опага,
атрофдагиларга қаради.

Исожон домла ўрнида қимирлаб нимадир деб га-
пиришга шайланиб оғзини очган ҳам эдики, Сайид
аканинг ҳайқириви ҳаммаёқни зириллатиб юборди:

– Ҳой, тўхтанглар!

У хонтахтани мушти билан бир урди, хонтах-
та устидаги пиёлалар сакраб тушди, косадаги сув
тўкилиб кетди. У шашт билан ўрнидан турди, Ра-
шид ака сув тўкилган жойга сочикни босди.

– Инсоф борми, сизларда Рашид ака, Мусулмон-
қул ака?! Мени шу ниятда чойхонага судраганми-
дингиз?!

Рашид: Ие, биз хотинингни «уч талоқ» қўй деб-
мизми?

Сайид аканинг кўзларидан ёш оқа бошлади.

Сайид ака: Келиб-келиб дардимни сизларга
айтдимми? Шариатни пеш қилиб, одамни шунча

хўрлайсизларми, Мусожон тоға! Бир сизгина мени тушунасиз, менга ёрдам берасиз, деб ўйлабман! Раҳмат ҳаммаларингга! Хай, Мусулмонқул ака! Ҳали сиз хотинимга харидор бўлиб қолдингизми?! Белингизда белбоғингиз борми? Мард бўлсангиз чиқмайсизми, майдонга?! Бир бармоғим билан ишингизни тўғрилаб қўяман! Аллоҳга шукр, бошимда дўппим, белимда белбоғим бор экан, Тўтининг тирноғига ҳеч ким қўл тегиза олмайди! Рашид ака, шум ниятда мени чойхонага судраган экансиз-да! Хоҳлаганларингча менинг устимдан кулдиларинг! Куллуқ! Куллуқ!!! (У дадамга бурилди) Тоға, сизга ҳам минг раҳмат! Жирканч йўл топганингиз учун раҳмат! Офарин! (Сўнг Исожон домлага қаради) Домла, сизга ҳам куллуқ! Сиз шариат пешвоси бўлиб шу йўлни ўғлингизга ё қизингизга раво кўрармидингиз!

Исожон домла. Астафтуруллоҳ!

Сайид ака: Ҳа баракалла, аввал пичоқни ўзингга, оғримаса бировга ур! Ўзим ҳам маънисига етмаган бир оғиз сўз учун мени шунча хўрлайсизларми? Бас! Мен ҳаммаларингни судга бераман. Агар суд билан ҳам иш битмайдиган бўлса, кимки Тўти билан бирга яшашимга қарши турадиган бўлса чавақлаб ташлайман! Ҳа, чавақлаб ташлайман!

Сайид ака кўзининг пахтаси чиққанча бўйнини ғоздек чўзиб домлага шундай ёмон бокдики...

Дадам эса ундан баланд келиб бақириб берди:

– Ўтир жойингга, учдикепак!

– Йўқ, раҳмат тоға! Энди мени ўз ҳолимга қўйинг! Гапларингдан мана шундай тўйиб кетдим, тўйиб кетдим (У қорамалдоғини бўйнига тортди)!

Дадам яна ҳайқирди:

– Сайид, ўтир жойингга! Оғзингдан чиқаётган сўзга эрк беришнинг, ўз оғзига ўзининг кучи етмасликнинг оқибати шул бўлади. Мен сени оғир, ваз-

мин йигит деб юардим, сен енгилкапалак экансан!
Мусулмон одам бундай бўлмайди. Қани ўтир!

Сайид ака дадамнинг гапини жуда малол келган бир ҳолда икки қилмай жойига чўкди, кўз ёшларини кафтларига артди.

– Мен сенинг мусулмонлигингга ҳам шубҳам бор. Қани калимаи шаҳодатни қайтар-чи?!

Сайид ака дудуқланиб қолди:

– Ло илоҳи, лои илоҳи...

– Ўзингни босиб ол, шошмасдан қайтар, – деди дадам.

Лекин Сайид ака шу икки сўздан бошқа ҳеч нарсга айтолмади.

– Ана айтмадимми, тоға, бунинг мусулмонлигига ҳам шубҳам бор!

Дадам домлага боқди, сўнг яна Сайид акага қараб давом этди:

– Мусулмончиликнинг беш шартини биласанми?

– Йўқ.

– Беш вақт намоз ўқийсанми?

– Йўқ.

– Закот тўлайсанми?

– Закот? Закот нима?

– Ишлаб топган фойдангнинг бешдан бир улушини берасанми?

– Кимга?

– Мактабга.

– Йўқ.

– Рўза тутасанми?

– Йўқ.

Дадам: Тоға, беш фарзга амал қилмаган инсонни, мусулмон деб бўладими?

Исожон тоға: Йўқ.

Дадам: Ота-онаси мусулмон бўлгани билан боласига мусулмончилик мерос бўлиб ўтадимми? Агар беш фарзга амал қилмаса ҳам!

Исожон домла: (ўйланиб) Йўқ, мутлақо мерос бўлмайди, полвон!

Дадам: Унда Сайид кофир экан-да!

Мусулмонқул ака: Фирт кофир.

Рашид ака: Минг қайтгани!

Дадам: (домлага қараб) Унда Сайид айтган уч талоқ вожиб эмасдур.

– Тўғри мусохаба! – деб юборди Исожон домла ҳайрон қолиб.

– Ахир ўша шариат китобларида: «Кофир чоғида никоҳланган эр ва хотин исломга кирсалар, никоҳларини янгиламай шу никоҳда қолурлар», деб ёзилмаганми, тақсир.

Домла шошибгина деди:

– Шундай полвон!

– Айнан шундай экан, унда бу Сайидвойга аввал мусулмончилик фарзларини ўргатсангиз, фатвоингизни билдириб, сўнг бир яхши фотиҳа берсангиз, маъкулми, тақсир?

– Маъкул, – деди домла яна тезгина.

Мен ичимдан енгил тортдим, бошқалар бир-бирларига қараб ўтиришарди. Сайид аканинг юзига қон югургандек бўлдию дадамга анграйиб қараб қолди, сўнг негадир яна кўзидан ёш оқа бошлади.

Тўти опанинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди.

11

– Гувалалар қурибди, бугун деворни кўтараман, – деди Сайид ака дадамга қараб, нонуштадан сўнг.

– Раҳмат, биздан қайтмаса, Аллоҳимдан қайтсин, жиян, – деди дадам.

Сайид ака дастурхон каштасини ўйнаганча жим ўтириб қолди. Опаларим, аям Сайид акага қараб қўйишди, дадам деворнинг қулаган жойини кўрсатиб салмоқ билан деди:

– Жиян, бу деворни тикласа, қайта қурса бўлади, лекин хушёр бўлинг, тиклаб бўлмайдиган девор ҳам бор! Совуқ шамоллардан, бало-қазолардан пана қилиб турган, инсон зурриётини абадул-абад сақлайдиган бу девор қуласа, одамнинг қалби вайрон, тани сарсон, руҳи забун бўлади! Хотининг, боланг, сенинг қўлингга қараган, заиф, ҳимоясиз. Мард йигит уларни хўрламайди, уларга нисбатан ҳар қанча ғазабинг жўшиб тошса ҳам, ҳаргиз ўзингни қўлга олсанг, Аллоҳдан ажр оласан, ажр оласан, онгласанг!

Дадам жим бўлиб қолди, Сайид акага тепадан назар ташлади.

Сайид аканинг боши яна қуйироқ эгилди, дадам унга синовчан назар ташлаб турарди. Улар бир зум шундай ўтиришгач, дадам:

– Эртага Мўмин ака билан Тухфа опа Тўтини уйингга олиб боради, ҳурматларини жойига қўйиб кутиб ол. Майли, ишингга боравер!

Сайид ака қўлини кўксига қўйиб қуллуқ қилди-да, ўрнидан турди. У шу куннинг ўзидаёқ деворни кўтарди, сомонли лой билан суваб қўйди, у ишни тугатиб, лой сачраган юзини, қўлини ювар экан, менга қараб: «Бу девор жуда мустаҳкам бўлди-да, юз йилда ҳам қуламайди!» – деди...

Шу куни кечкурун аям гўшт, лавлаги, сабзи қайнатиб ҳамирни юпқа ёйиб пишириб, алоҳида-алоҳида тўғраб сўнг ҳаммасини аралаштирадиган жуда мазали таом – тўғрама тайёрлади. Сайид ака бу таомни жуда ёқтиради. Овқатдан сўнг, дадам Қуръондан тиловат қила бошлади:

– Аузи биллоҳи минашшайтонир рожим, бисмиллаҳир роҳманир роҳим...

Дадам кўзларини юмиб, қироатиға тебранганича пайғамбарнинг, азиз авлиёларнинг, ота-оналарнинг номларини тилға олиб, ихлос билан фотиҳа ўқиди.

– Илоҳи омин, – деб юзимизга қўл тортдик.

– Иттифоқо Исожон тоғам ота-онасининг қабрини зиёрат қилгани қабристонға борса, бир қабрдан олов чиқиб ётганмиш. Тоғам дарҳол қабр ёниға ўтирибди: «Эй, шойистаи жаннат бўлгур инсон, мен сенинг кимлигингни билмайман, не сабадан қабринг оташда ёнаётганини ҳам тушунмадим, сен бечоранинг охиратингни обод қилсин, гўрингда тинч ётгин!» деб дуойи фотиҳа қилибди ҳамки, қабрдан гуриллаб ўрлаётган олов ўчмабди. (Гуриллаб ёнаётган қабр кўзимға кўриниб кетди.)

Исожон тоғам нима қилишини билмай таажжубда қолган экан, ғойибдан овоз эшитилибди:

«Бу қабрда ётган зот ўз устозига шак келтирди, ўзидан илгари ўтган улуғларнинг тирноғидан кир кидирди, ота-онасини ёд этмади, инсоният орасига ҳасад, кек, ўзаро душманлик уруғини сочди, ўзини жазолаган бир бекнинг гўридан суяқларини қаздириб олиб, минг дарра урдирди. Мана бугун у дўзах ўтида куймоқда. Бу Золча қишлоғидаги Тўранинг отасининг қабри. Ўғли ҳам отасидек худотарс, тескаричи. Ўзию отаси учун Аллоҳдан мағфират тиламайди! Шу сабаб бул кас қабр азобида ёнмоқда!»

Бу гапни эшитган тоғам отаси қабрини зиёрат қилишни ҳам муддатга суриб, Золчаға йўл олибди, Тўрани топиб, бор гапни унга айтибди. Тўра изиллаб йиғлаб отасининг арвоҳига дуойи фотиҳа ўқибди. Қирки ўтгандан бери ота арвоҳини йўқламас экан.

Исожон тоғам орқасига қайтиб қабристонға борсаки, олов ўчибди.

Дадам негадир кўпроқ бу гапларни Сайид акага қараб гапирарди. Сайид ака эса кўзиин олиб қочиб, жонсарак ўтирибди.

– Болаларим, кимки ота-онаси қазо қилган бўлса, уларни эслаб, дуойи фотиҳа ўқимас экан, ота-она қабр азобида ана шундай ёнади, – деди.

Отам қазо қилди, онам ўлди, тамом. Энди улар менинг қилғиликларимни билмайди, деб ҳаргиз ўйламанг, отагинанг, онагинанг изғирин, қор, ёмғир, жазирама иссиқ демай, қабристондан чиқиб келиб мўлтираб сенга термилиб туради. Фақат сен уларни кўрмайсан! Агар яхши иш қилаётган бўлсанг, хурсанд бўлади, аммо ҳаром, ёмон амалга қўл урсанг, бечора ота-онанг димсиз, зор-зор йиғлайди, қабрига қайтиб азоб чекади – куйиб-ёнади!

Қабр азобининг энг ёмони шу!

Мард йигит, оқила қиз ота-онасига қабрида ҳам азоб бермайди.

Назаримда қабрдан келган одамлар бизга термилиб тургандек этим ғалати жимирлаб сескандим, ҳовли томонга қарагани кўрқдим.

Дадам бобом, акалари, бувим ҳақида қизиқ-қизик ҳикояларни гапириб ўтиради. Мана ҳозир ҳам Сайид акага қараб ҳикоя қила бошлади:

– Бир куни Шукуржон акам (у дадамнинг энг катта акаси) тижорат иши билан Қизилқум орқали Бухородан келаётган экан, «туф» деса тупук музлайдиган даражада аёз пайти изғирин турибди. Жиззах ҳали олис, зим-зиё тунда бир чироқ кўриниб қолибди, акам раҳматли шамоллаб қолган, иситмаси баланд экан, шу чироқ кўринган ердан бошпана топиб, исиниб оларман, деб ўйлаб, ўша томонга юрибди. Чироқ кўринган жой бир ўтов бўлиб, дадам: «Ким бор?» деб овоз чиқариб, ўша ёққа юриши билан итлари роса акиллабди. Ўтовдан бир қозоқ аёл чиқиб итларни тинчитибди.

– Ўтовда эркак борми? – деб сўрабди акам.

– Жўк, мол айдаб кетган, – дебди жувон.

– Эсиз, – дебди акам.

Жувон қўлидаги шамни акамнинг юзига тутибди:

– Вой-буй, совқотиб қолибсанғуй, қайга кетажа-ётирсан? – деб сўрабди жувон.

– Жиззахга, – дебди акам.

– Вой-буй, Жиззах жуда узоғғуй, отдан туш, исиниб ол, сўнг кундузи ҳаво жилийди, шунда жўлга тушарсан, – дебди жувон.

– Йўк, мен эркаксиз ўтовга қўнолмайман, – дебди акам.

– Тўхта бўлмаса, – деб ичкарига кириб кетибди, бироздан сўнг жувон ковок кўтариб чиқибди:

– Ма, қимиз, пўстининг орасига салда, жўлма-жўл иша кет!

Акам ичиб кўрса, қимиз илиққина экан, жони кирибди, аммо Жиззахга етиб келибдию йиқилибди, оти қаришиб ўлибди, акам узок ётиб қолибди. Ҳа, илгари одамларнинг орияти ана шунақа кучли бўлган, бугунгилар эса эркак, аёлнинг фарқига ҳам бормай қолишяпти! (Дадам бу гапни овозини баландлатиб Сайид акага қараб гапирди).

Бобом ҳақидаги ҳикояларни эшитганимда оппоқ соқоли нуроний юзига ярашган, қошлари ҳам оқарган, чорпахил елкали чол кўз олдимга келади, у қўлини орқасига қилиб салмоқлаб юарди, мен унинг ортидан худди унга ўхшаб қўлимни орқага қилганча юрганимни кўриб қолган Ўрол акам билан аям завқ қилганча кулганди, бобом дарвозадан кириб келганда югуриб бориб икки оёғига қулочим етмай бир оёғини қучоқлаб олардим, бир куни Зайнаб бўвим чўзма-чалпак пиширди-да, «Арвоҳларни йўқлаб бир Қуръон туширинг, дадаси!» деб ток қирқаётган бобомни чақирди, менга жўмракли сопол қўзачани узатиб: «Бобонгнинг қўлига сув қуйиб юбор!» –

деди, мен бобомнинг қўлига сув қуяман деб сувни маҳси-кавушига, кулранг шимига тўкиб юбордим, бобом пўписа қилиб: «Хап сеними, қулоғингдан ушлаб ҳовузга ташлаб юбормасам!» – деган эди, кўзачани ташлаб унинг йиқилиб суви тўкилаётгани билан ҳам ишим бўлмай ура қочдим (Умри опам тушиб кетган бу ҳовуздан жуда қўрқардим), орқамдан иккиси қўшилишиб кулганини кечагидек эслайман.

– Мен бобомни биламан, худди Уста бобога ўхшарди!

Хамма гуриллаб кулиб юборди, биргина дадам жилмайиб ўтирди.

– Вой сен, унда жуда кичик бўлгансан-ку! – деди Зухра опам.

– Бобомни мен ҳам зўрға эслайман-у, – деб унинг гапини маъқулади, Умри опам.

– Эҳтимол Қуддус эслар, – деди Сайид ака.

Яна кулишди. Мен бу катталарга бобомни яхши эслашимни тушунтира олмай хуноб эдим. Дадам менга бир қараб қўйди.

– Хақиқатан ҳам дадам раҳматли жуда басавлат, қорувли бўлса ҳам феъли худди Файзи акам феълининг ўзи эди, чехраси ҳам ўхшаб кетарди, – деди дадам.

Кўрдиларингми, дегандек икки опамга қараб қўйдим, аммо дадам бувим ҳақида гап бошлаши билан кўз олдимга бувимнинг супада ётгани, ажин босган, буришган, аммо нуроний чехраси, «Мартабанг улуғ бўлсин!» деб дадамни қайта-қайта алкашлари, елкамдан олиб мени «Бобожонимдан айланай» деб эркалаши (унинг айтишича мен худди қуйиб қўйгандек бобомга ўхшарканман), дўппимга жийда қоки, туршак тўлдириб бериши ёдимга келади.

Дадам бувимнинг сўнгги кунлари ҳақида гапираётган эди, ана шуларни ўйлаб ўтириб:

– Зайнаб бувим мени яхши кўрарди, менга дўппимни тўлдириб жийда берарди, – дедим.

– Бувингни ҳам эслайсанми, эҳ, қани эди, қўлимдан иш келадиган шу кунларда улар ёнимда бўлишса... – деди дадам енгил ух тортиб.

– Бувим қазо қилганларида Қуддус каттагина эди-ку, – деди Саодат опам.

Умри опам эса ўзича ҳисоблай бошлади, у ҳисоблашларни жуда яхши кўради.

– Бувим бобомдан беш ой кейин, эллик биринчи йили ёзда қазо қилган, Қуддус қирқ тўққизинчи йили кузда туғилган, ўшанда икки ярим ёшда бўлган, – деди Умри опам.

– Ё товба, икки ярим ёшли бола эслай олармикан-а? – деб ёқасини ушлади Сайид ака.

Дадам билан аям эса кулиб қўйишди.

12

Худди шундай катталарни лол қолдирувчи ишлар қилгим, гаплар айтгим келади, шунда мен жуда кичиклигимдаёқ рўй берган воқеаларни зўр бериб эслашга ҳаракат қиламан: аям менга юкли бўлганда қимизга бошқоронғи бўлган экан, кейин мен беҳининг тагида, ҳусайни узумимиз пишганда туғилибман.

– Ўғил! – дебди доямомолик қилган Бувинисо аммам.

Сочлари тўзғиб юзи терга пишганча тирсагига таяниб бошини кўтарган аям доямомомнинг гапини эшитибдию лаби буржида мамнунлик балқиб бошини ёстикқа ҳорғин қўйибди.

– Тўққиз кадоқча бор, бўйи ҳам уч қарич, дуруст-дуруст, умри билан берган бўлсин, – дебди аммам.

Дастлаб бешик дасталигига осилган бир шода кўзмунчоққа тикилиб жимгина ётарканман, гоҳида бешикда шундай ҳолда ётганим ўзимнинг ҳам кўзимга кўриниб кетади...

Тўрт ойлигимда бешикда ётишдан безибман, мажбур қилиб белашса йиғлаб кўкариб кетарканман, кейин тезда ечиб олишаркан, шунинг учун бошимнинг орқа томони чиқиб қолган. Бешикдан беланчакка ўтибман. Беланчакда шундай ётганимни эслагандек бўламан.

Ишқоннинг устунларига йўғон арқон билан тортилган беланчак менга ёқиб қолди, арқонни ҳаволатиб-ҳаволатиб тортса юрагим орқага тортиб-тортиб кетади – маза. Айниқса Зухра опам ҳаволатиб-ҳаволатиб тортади, бир куни шундай ҳаволатибдики, беланчакдан отилиб кетибман, бахтимга садарайҳонлар устига тушибман, Саодат опам Умри опамни роса уришибди; аям-дадам билишмабди, мен чинқириб-чинқириб йиғлабман.

Ёшимга етмасдан аввалига ўзимча ғулдираб-чулдираб юрарканман, бир ёшимда ая, дада, опа дейдиган бўлибман, кейин эса ким қайси сўзни айтса дархол илиб олиб, такрорлар эканман.

– Вай-буй, бу бола нақ тўти-ку! – дебди Зайнаб бувим.

Бу воқеаларни аям, дадам, опаларим гапириб берганидан худди ўзим кўриб-билиб қолгандек бўламан. Мана бу воқеани эса аниқ эслайман.

Тўрт қўшни – Исожон тоға, Мўмин маслаҳат, Акрам амаким ва бизнинг ўртамизда катта ҳовуз, ҳовузнинг тўрт томонида алоҳида йўлак орқали бориладиган тўрт дарвоза бор, кун чиқишдаги бизники, ўнг томонимиздаги Мўмин маслаҳатники, чап тарафимизда Акрам амакимники, кун ботишдаги эса Исожон тоғаники. Ҳаммамиз шу ҳовуздан сув оламиз, шунинг учун уни тоза сақлаймиз, ҳар кўкламда

хашар қилиб ковлаб балчиқларни чиқариб ташлашади. Бу ерда бақалар кўп, кўклам кириши билан тинмай қуриллаб, вақиллаб сайрашади, бир куни сув юзини пичоқ билан тилгандек из қолдириб сузиб кетаётган илонни кўриб сесканиб тушдим, иккинчи бир куни эса хонқизидек катталиқдаги сувтинитарлар ҳовузнинг зилол сувини майда мавжлантириб сузишларига қараб ўтиргандим, бирдан саданинг сув очиб кўйган йўғон томири яқинида бақанинг бир оёғидан бошлаб ютаётган илонни кўриб бақага ичим ачиди, чўп олиб бақани илондан кутқармоқчи эдим, аммо илону бақа кўздан ғойиб бўлди. Ҳовузнинг атрофида бақатерак, қоратол, сада, қайрағочлар баланд-баланд ўсган, бир гал Ширин иккимиз тош отиб уларнинг йўғон таналарининг сув сатҳидаги акси билтанғлаб кетишини томоша қилаётган эдик, Акрам амаким чиқиб қолиб, уришиб бизни қувиб юборди. Бу соясалқин жойда катта болалар маза қилиб ўйнашади, аммо биз гўдакларга рухсат беришмайди, «Ҳовузга тушиб чўкиб кетасан!» деб қўрқитишади, бир куни эса шундай ходиса рўй берди.

Ёзнинг иссиқ куни эди, Умри опам иккита пақир олиб ҳовуздан сув олгани чикди, менга у: «Сен ҳовлида ўйнаб тур, мен ҳозир келаман» дейишига қарамай орқасидан эргашдим. Опам ҳовузга сув олиш қулай бўлиши учун қилинган пиллапоядан тушиб пақир билан сув юзини чайқатиб юбориб сувга тўлдирди, уни бир четга қўяётганда пиллапояга сув тўкилиб кетди, иккинчи пақирни тўлдириш учун пиллапояга оёқ қўйиши билан сирпаниб кетдию қўлида пақир билан ҳовузга йиқилди. Опам менга қараб қўлини чўзиб йиғи аралаш:

— Қуд... Қуд... — дедию сув юзига сочлари ёйилиб калласи бир кўриниб, бир кўринмай қола бошлади.

Мен чинқириб йиғлаб ҳовлига югураётган эдим, рўпарамдан Акрам амаким чиқиб қолди, у:

– Нима бўлди? – деди шошиб.

– Опам! Опам! – дедим ховузни кўрсатиб.

Амаким чошиб бориб калиши билан дўпписини бир ёнга отиб ўзини ховузга ташлади, опамнинг калласи сув сатҳида кўринмай қолган эди, амаким пуфакчалар чиқаётган жойни мўлжаллаб молтиб бордию бир шўнғиб опамни кўтариб чиқди.

Опам бошдан-оёқ хўл, хушсиз эди, амаким анча маҳал бошини пастга қилиб икки оёғидан кўтариб турди, опам бечоранинг оғзидан, кийимларидан сув оқарди, сўнг опамни чалқанча ётқиздию кўкрагидан босиб-босиб қўйиб юборди, бир маҳал опамнинг инграган овози эшитилди.

– Хайрият! – деди амаким пешонасидан сув аралаш терни сидириб ташларкан.

Ўша куни мен ҳаммадан мақтов эшитдим, «Аллоҳ кўнглига солган, бўлмаса муштдек бола опасини кутқара олармиди!» дейишди, аямнинг мени алқаб эркалаганлари, Умри опам тузалиб кетгач пешонамдан ўпиб: «Укажонимдан айланай!» деганлари кечагидек ёдимда.

Яна бир куни супада ўтирган эдим, дадамнинг тоғасининг ўғли Абдусалом тоға ҳовлига кириб келди, атрофга аланглади, ҳеч ким йўқлигини билиб менга қаради ва қорамалдоғи билан имо-ишора қилиб: «Даданг қани?» – деди.

– Дадам йўқ, ишга кетган, – дедим.

Абдусалом тоға чўчиб тушди, ёқасига туфлади:

– Ё тавба, сен гапира оласанми-я? Ё менга гапиргандек туюлдими? Мени танийсанми?

– Сиз – Апсалам тоға!

Абдусалом тоға яна ёқасига туфлади:

– Ё тавба, тавба, бўйинг бир қарич бўлиб-а?! Вай, менинг отимни ҳам билади-я?! Сенинг отинг нимаиди?

– Қуддус.

– Ҳа, Қуддус, ха-ха. Ё тавба. Ҳали гапираман, дегин. Даданг қачон келаркин?

– Кечкурун.

– Ё тавба...

Шу бўйи Абдусалом тоға мен билан ошна бўлиб қолди. Қаерда кўрса мени чақириб олади – гапга солади.

Аям «илигим тўқ бўлсин» деб уч ёшимгача эмизган. Қўшни – Тухфа хола бир куни:

– Аллоҳим оналар болаларини тўла икки сана эмизсунлар, деган. Тойлоқдек қилиб эмизганингиз нимаси? – деб кулганини эслайман.

– Аллоҳим ундан кўп эмизишга монелик қилмаган-ку, – деди аям.

Кейин аям чақирса ҳам эмгани бормасдим, ура қочардим, аям қаҳ-қаҳлаб кулиб қоларди.

Бир куни кичик уйга кирсам, дадам билан аям нима ҳақдадир гаплашиб ўтиришган экан, аям мени кўриб дадамга маъноли қараб қўйди.

– Қани кел, ота ўғил, – деди дадам қучоғини очиб.

Дадамнинг тиззасига ўтирдим, у эркалаб бағрига босди.

– Хўш, бобожоннинг қўлини қачон ҳалоллаб оламиз? – деди аям.

Дадам эса унга жавоб бериш ўрнига завқланиб кулиб юборди.

– Нега куласиз? – деди аям аччиқланиб.

– Биласанми, бир вақтлар ўғлини суннат қилганларни жазолашарди. Ўшанда Назир ака раисга ўринбосар эди. Ўғлини суннат қилдирмабди. Ўғли вояга етиб қолаётган бир пайтда секин раисдан маслаҳат сўрабди.

– Эйи, нима деяпсиз? Биз аллақачон кестириб юборганмиз, – дебди раис.

Назир ака тамом лол қолиб:

– А! Коммунистлар-а, коммунистлар-а, – дермиш нукул.

Алқисса, бечора Назир акам ўғлини ўн тўрт ёшида суннат қилдирган экан.

Дадам яна завқланиб кулди.

– Ха, сизам шундай қилмоқчимисиз? – деб аям ковоғини солди.

Англадимки, гап менинг тўйим ҳақида. Қўлдошни ўтган йили тўй қилишганди. Ўшанда унинг кўк бахмал дўпписи, қизилғижим чолворига жудаям ҳавасим келган эди.

– Янги чолвор, дўппи олиб берасизми? – дедим аямга.

У кулиб юборди:

– Албатта олиб бераман, бобожон!

Дадам ҳам кулди, аямга мойил қаради:

– Бўпти, тўйни шу кузда ўтказамиз. Тайёргарлигингни кўравер!

– Мен-ку тайёрман, яна иккита ювурқонга пахта солиб қовусам бўлди. Аммо сизнинг ишингиз битиши қийин – ҳали ўтоқ, ҳали чопиқ, ҳали сув дейсиз. Ахир болам бечора ҳадемай мактабга боради.

– Хўп, раис билан гаплашаман, пахтага тушишдан илгари бир кунда ўтказамиз-қўямиз.

Аям дадамга ишонқирамай қаради...

Саодат опам билан Зухра опам эски қўйлақларини сўкиб пахта терадиган қўйлақ тикиб қўйишгандан

кейин – бозор куни бизникига кўпчилик йиғилди, ҳовлининг тўрт томонини гиламлар билан тўсишди, тахтадан ўриндиқлар қилиб устига кўрпачалар тўшашди.

Қуёш ботмасданоқ меҳмонлар бирин-сирин кела бошлашди.

Аям қизил чолвор, амиркон этикча, оқ шохи кўйлак, кўк бахмал дўппи кийдириб ясантириб кўйди. Кийимларимни кўз-кўз қилиб кўчага чиқдим. Кўча тўла бола, ҳаммаси менга ҳавас билан қаради. Муҳаммад ака қулоқчўзма совринини улашаётган экан, бир зум тўхтаб менга қаради:

– Қуддус, қани кел, ўзинг ҳам туша қол!

Қўлдошнинг тўйида қулоқчўзмага қўшилиб кўп уриниб ютиб чиқолмаганман, бир гал отилган тугунчани илиб олдим, паккага жон ҳолатда югурдим, аммо болалар бир зумда етиб олишдию қулоғимдан чўза кетишди, оғрикка чидай олмай тугунчани қўйиб юбордим.

Қулоқчўзмага тушсам кийимларим расво бўлади деб ўйлаб:

– Йўқ тушмайман, – дедим.

Муҳаммад ака тугунчани отди, болалар кий-чув кўтариб югуришди. Фақат Файбулла икки юзи қизарганча болаларга қўшила олмай бир четда туриб кузатяпти. У бечора касал. Унга раҳмим келади.

Ҳовлига кирсам даврага анча одам йиғилибди.

Бир маҳал одамлар кўчага қараб:

– О... келишди, – дейишди.

Дарвозахонага ғилофга солинган танбурларини қўлтиқлаб олишган, охори тўкилмаган кулранг костюм кийган ўртадан баландроқ бўйли икки киши кириб келишди. Ён-атрофдагилар бир-бирларига қараб:

– Оҳо, Орифхон Хотам, Жўрахон Султон-ку! Зўр ҳофизлар, маза қиларканмиз-да! – дейишди.

Дадам илдам бориб улар билан қўл олиб кўришди:

– Ассалому алайкум, Орифхон ака, Жўрахон ака, хуш келибсизлар!

Дадам Орифхон ака деб биринчи кўришгани менинг иягимдан ушлаб эркалади:

– Айланайин тўйболадан!

Меҳмонлар давранинг тўрига қўйилган чорпояга чиқишди.

Хофизлар бир-икки пиёла чой ичишгач, танбурларини тингиллатиб созлаб олишди-да, бошлаб юборишди:

– Қароқўзим, кел эй мардумлиғингни эмди фан қилғил...

Икки ҳофизнинг жўрликдаги овози шундай ширали, ёқимли эдики...

– Ҳо дўст! – деб ҳайқирди ҳофизларнинг шундай яқинида ўтирган Мусулмонқул ака.

...Шўх бир куй янграган эди Абдусалом тоғам мени кўтариб олиб даврага кирди, меҳмонлар дўппимни кўтариб пул қистира кетишди...

Эртаси куни одамлар ош еб қайтишаётган бир маҳалда мени катта уйга чорлашди, уйга кириб кетаётганимда кўзида ёш филтиллаганича ранги-қути ўчиб турган аям мени қучоқлаб йиғлаб юборди, Абдусалом тоғам аямдан ажратиб ичкарига етаклади, дўппимни олиб қўлимга ушлатиб қўйди, уйда одам тўла эди, ҳамма дўппимга пул сола бошлади, сўнг мени тўрга олиб боришди, уста Абдурауф дўппимни ёнимга қўйиб қалин қилиб солинган жойга ётқизди.

– Оҳо, роса қўрқмас йигит экан-у! – деди у.

Катта патир нонни тишлатди уста.

– Аллоху акбар, хайда-хайдо-о-ов... – деганию одамларнинг унга қўшилиб:

– Аллоху акбар, хайда-хайдо-ов... – дея гуриллашганини эшитдим-у, нима гаплигини англай олмасимдан уста чолворимни ечди, нон тўсиб турганидан у нима қилаётганини қўролмасдим, бир пайт олатим жизиллаб оғриди, бақириб йиғлай десам оғзимда нон...

Бир ҳафта уйда ётдим, аям, опаларим бошимда парвона. Саодат опам кечкурунлари қизиқ-қизиқ эртақлар ўқиб беради. Кейин эса яна болаларга қўшилиб ўйнаб кетдим...

Ўдаклигимдаги жуда кўп воқеаларни чиндан ҳам ўзим кўриб эслаб қолганманми ёхуд атрофимдагилардан эшитаверганимдан худди кўргандек хотирамда ўрнашиб қолганми? Буни ўзим ҳам аниқ билмайман, аммо бу воқеалар шундай кўз ўнгимда ғоят бир тиниқ ҳолда жонланиб туради. Ана саҳар туриб мис қўнғирокни олиб жаранглатаман-да, бор овозим билан қичкираман:

– Ҳой турунглари! Ғафлат босиб ётаверасизларми? Ахир мағфират вақти бўлди!

Опаларимни уйғотиб, орқа эшикдан қўшни ховлисига ўтиб қичкираман:

– Ҳой, Нозик опа, Тўти опа турунглари! Мағфират вақти бўлди. Ахир умрингиз ғафлатда ўтадимиз, Аллоҳдан беҳабарлар! (Бу гапни дадам ўргатган.)

«Вой бу бола қандай эрта туради-я?» дейишгани сари ҳар куни эрта туришга ҳаракат қиламан, саҳарда қандай уйғониб кетганимни ўзим ҳам билмайман, кўз очганимда дадам энди таҳорат олаётган бўлади, апил-тапил юзимни ювaman, дадам билан аямга келиштириб салом бераман, сўнг ёстиғим тагидаги қўнғирокни олиб жаранглатганимча қичқира бошлаيمان, аям билан дадам завқланиб кулган сари авжига чиқаман.

Баъзан боғданми, қўшниларикиданми ҳовлига кириб келаётганимда супада ёнбошлаб ётган дадам кулиб саволга тутади:

– Хўш, Қуддусвой, қаердан келяпсиз?

Мен худди Абдусалом тоғамдан эшитганимдек жавоб қайтараман:

– Колхоз умум йиғилиши бўлувди, шундан келяпман.

– Йиғилишда нима гаплар бўлди?

– Ийи, бу Ҳалим раиснинг роса пўстагини қокдик. (Мен Ҳалим раисни кўрмаганман, аммо бошқаларнинг у ҳақидаги гапларини эшитавериб уни ёмон кўриб қолганман.)

У раис бўлгач, Амин қилпилламанинг ҳовузи бўйига танда қўйиб олади. Колхозчилар оч-юпун бўлган бир ҳолда, у бу ерда қўй сўйдириб гўшт-ёққа бўқади, толларнинг сояси салқинида хуррак отиб ухлайди. Амин қилпиллама раисдан нафлангани учун тинмай унинг соясига кўрпача солади, дутор чалиб ухлатади. Ҳовуз бўйига шаҳарлик бир қўшортаси – Сарвихон ҳам меҳмон бўлади. Амин қилпиллама ҳеч уялмай қўшмачилик қилади, раис билан қўшортасига меҳмонхонасидан жой ҳозирлаб беради. Ниҳоят Амин қилпилламанинг хотини ошиқ-маъшуқни меҳмонхонага киритмай қўяди.

Ҳалим раиснинг хотини – Гулшан опа содда, оққўнгил жувон, кечаю кундуз беш боласи билан овора. Ҳалим раис энди қўшортасини уйига ҳам олиб кела бошлайди. Гулшан опа Сарвихонга бешигининг ёнидан жой солиб беради.

Амин қилпиллама: «Гулшан болалари билан ботиб қолиб хотинликка ҳам ярамасмиш, энди оғайнилар Ҳалимбойни уйлантириб қўймасак бўлмайди, Гулшанни отасиникига олиб бориб қўййлик!» – дейди.

Кунлардан бир куни эса от аравасини қўшиб, Ҳалим раисникига боради. Гулшан опа индамай

йиғи-сиғи билан бешикни аравага ортиб беш бола-сининг, ўзининг кўзларидан ёш филтиллаганча кетаётган эмиш. Ҳамма кўшнилари чиқиб Амин қилпилламага лаънат ўқиб туришган экан, иттифоқо саманни миниб дадам келиб қолибди. Тўғри Амин қилпилламанинг устига бостириб бориб:

– Тур йўқол, аблаҳ! Тушир буларни аравадан! – дебди.

– Менга нима дейсиз? Раиснинг ўзи отасиникига олиб бориб қўй деди, – деб Амин қилпиллама аравани айланиб қочармиш.

Дадам Амин қилпилламага бешикни аравадан туширтириб ичкарига олиб кирдирибди. Гулшан опани уришибди.

– Бу уйдан бир қадам ҳам жилмайсиз! – дебди унга.

– Отангизга раҳмат, Мусожон полвон, – дебди кўшнилари.

Аравасини шалдиратиб қайтаётган Амин қилпилламани ёшлар кесакпарон қилишибди.

Раис энди Гулшан опага ҳеч нарса дея олмай қаёқдан бўлса ҳам пул топиб, жононига шаҳардан уй олиб берибди. У пулни қаёқдан топарди, албатта эл пулидан ўмарган-да!

– Қандай қилиб? – дадам кулиб сўрайди.

– У Соли ферма билан тил бириктириб, совлик, қўчқорларни пуллаб ўрнига бари қўзиларни ҳисобга киритиб қўйибди.

– Оббо баччағар-ей! Улар Аллоҳни ҳам, иймон келтирганларни ҳам алдамоқчи бўладилар, бироқ ўзлари сезмаган ҳолда бошлаб ўзларини алдайдилар! Алдовлари ўзлари учун чоҳдир, дегансиз-да!

Мен илҳомланиб кетаман:

– Ахир Шарифбой минг қўйини шу умидда колхозга берганмиди?

– Бечора Шариф амаким! – деди аям хўрсиниб. –
Минг қўйини бериб ҳам, Совет балосидан қутула
олмади!

– Нимасини айтасан?

Бирдан аям билан дадам ўзаро гаплашиб кетиш-
ди.

Дадам: Дадам раҳматлининг боғларини ҳам ха-
роб қилишяпти, бир куни тамом қўпориб ташлаш-
маса, деб қўрқаман.

Аям: Тўракул бобо бекорга:

*Совет деган замон бўлди,
Кундан-кунга ёмон бўлди.
Совет, совет, совет, совет,
Ўғилни отадан совит,
Отани ўғилдан совит.
Бекорга ётмасин тобут,
Тирикни ўликдан совут!*

– деб шеър ёзмаган-да!

(Мен нафасимни ичимга ютиб уларнинг гапини
тинглаб ўтирардим, улар чиндан менинг борлигимни
унутиб қўйишганди!)

Дадам: Бечора, бечора ҳамюртларимиз не замон-
ларни бошидан кечирмадилар, хотин...

Бир жонибида тоғлару боғлар, бир тарафида
дашт, чўлу қўллар ястаниб ётган шарқу ғарб, шимолу
жануб йўллари туташган офтобрўй бу маскан – Жиз-
зах тоғлари ғорларида энг қадимги одамлар яшаган –
одамзоднинг илк бешиги бўлган, дейишади.

Пирсиён Кир ҳам бу юртни осонликча ишғол
килолмаган. Искандар қўшинининг илғор қисмини
Жиззахнинг Илонўтди дарасида қириб ташлашади.
Орқадан етиб келган асосий қўшинга ҳам қақшатқич
зарба беришади. Бу босқинчи ҳеч қаерда Жиззахда-

гидек қаршиликка дуч келмаганди. Аламидан бутун қўшинини жангга солиб, зўрға ғолиб бўлади. Омон қолган жангчиларимиз эса Илонўтди дарасининг кунгай томонидаги Туркистон тоғи қояларига чиқиб кўздан ғойиб бўладилар. Бу пайтда шаҳар аҳолиси ҳеч нарсасини қолдирмай тоғларга чиқиб кетишга улгуради. Кейинчалик ҳам босқинчиларга қарши кўзғолон кўтариб то улар бу юртдан чиқиб кетмагунча тинчлик бермайдилар. Булар ҳақида устозим Муҳаммадзоҳид домланинг Жиззах тарихи ҳақидаги китобидан ўқиганман.

Аям: У киши жуда бақувват, юзидан нур томадиган одам-а!

Дадам: Чунки, у кишининг бағрида қуёш бор! Юртини, элини шундай севадики!..

Аям: Нега бу китобни менга кўрсатмагансиз?

Дадам: Тўйимиздан илгари ўқигандим. Кейин устозга қайтариб берганман. О, у китобни ўқисанг маза қиласан! Тарихимиз жуда қизиқ. Юртдошларим мўғул босқинига ҳам қарши тинмай курашадилар. Араблар уч аср давомида ҳам бу юртни тўла бўйсундира олмайдилар. Уларга қарши кейинчалик яширин фаолият кўрсатган оташпарастилار гуруҳи Тупроккўрғонимиздан – Ўрдадан паноҳ топган эди. Унинг оташин раҳбари Ҳайдар Вайс ўз юртининг озод бўлиши йўлида интилиб арабларга хизматкор бўлиб ёлланишдан ҳам ор қилмайди. У ишончга кириб бориб Бош қўмондон даражасига кўтарилади. Аммо у асл режасини амалга оширишга ошкора киришаётган бир пайтда нияти маълум бўлиб қолиб зиндонга ташланади. Бечора зиндонда қазо қилади. Амир Темур юртимиз кўкрагини кўтарди. Абдуллахон Туятортар ариғини қаздириб Жиззахни гуллатди. Аммо кейинги хонлар маишатга берилиб, майдаллашиб ўрис босқинига йўл очиб бердилар.

Бухоро амири Музаффархон 1865 йил 8 майда Иржар жангида шармандаларча енгилгач, руслар ошиғич Жиззахга хужум қилади. Бироқ, Жиззахда қақшатқич зарбага учраб, катта талафот кўриб орқага – Тошкентга қочиб қолади!

Ҳамюртларимиз севинчдан дўппиларини осмонга отишади. Ёш-қари ирғишлаб бир-бирини қучади. Ғалаба ҳақидаги хабар бутун Туркистонга тарқалади. Жиззах умид нуқтасига айланди. Ўрис босқинини шу ерда тўхтатишга, она Туркистонни озод қилишга жуда катта ишонч пайдо бўлиб Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, ён-атрофдаги туманлардан ватанпарварлар Жиззахга ёғилди. Бобом – Жиззах беги Оллоёр уларга бош-қош бўлди. Аммо, амиру хонларимизнинг нобакорликларидан, бурнидан узокни кўролмасликларидан куйиб кетаман! Ўшанда шундай халқ қудратини қўллай билмайдилар! Ҳамма босқинчининг пайини Жиззахда қирқамиз деб ёнди. Ўрислар жосуслари орқали буни билиб туришганди. Шунинг учун ҳам икки йил тайёрланиб, узокқа отадиган тўпларини олиб катта куч билан Жиззахга юришди. Улар Жиззахни ишғол қилиш режасини пухта тузган эдилар. Тўпларни Етимтоққа жойлаштиришди. Тупроққўрғоннинг барча дарвозалари атрофи қўшин билан ўралди. Қўрғонга сув кирадиган ариқни бузиб ташлашди. Қўр сахарда бирдан дарвозалар очилиб, отининг оёғига латта боғлаб олган отлиқ жангчилар гулхан ёқиб мудраб ўтирган душман қўшинлари устига ташланди. Мурти эндигина сабза урган Қассоблик маҳалласидан бир паҳлавон бир қўлига болта, бир қўлига қилич олиб душманни шундай қирдики... Бундайлар минглаб эди. Қўрғонни нишонга олган душман тўпчилари доғда қолди, жанг бораётган жойларга тартибсиз ота бошлашди. Бечора йигитларимизнинг куни қилич

билан болтага қолганди. Милтиқ, ўқ етишмасди. Кучлар тенг эмасди. Бутун Жиззах халқи уч кун қаҳрамонларча жанг қилди, иложсиз мағлуб бўлди. Каттақўрғонлик шоир Мадюн ҳам Жиззах жангида қатнашганди. Унинг «Шаҳиднома» китобини ўқиб қон-қон йиғлаганман. Бу тўкилган қонлар ўрис босқинини Самарқандда бўлса-да тўхтатишга ёрдам берди.

Аям: (кўз ёшларини артиб) Бобом бечора ҳам шу жангда ҳалок бўлган!

Дадам: Бобонгдақалар ўн минглаб эди. Бу шаҳидларни ҳеч ким санаб ўтиргани ҳам йўқ! Ўрис босқинчилари шу зайл Туркистонда ўрнашиб олдилар. Ўн олтинчи йилда қўзғолон кўтариб ҳам ўрис босқинчиларидан қутула олмадик. Ўн еттинчи йил инқилоби кулликни чиройли гаплар билан безаб мустақамлашга хизмат қилди, холос! Амакинг бечора шу алдовга лаққа тушиб бор мол-мулкани советга берди. Айтишларича, амакинг берган бир қопчик тиллани олиб ўрис командир чет элга қочиб кетган. Шарифбой амакингнинг уй-жойини мусодара қилиб, ўзини халқ душмани деб отиб юборишди!

Аям (йиғлаб): Бир инсон: «Шарифбой бор будини советга берувди-ку!» демади-я! Бола-чақаси хорзор бўлиб Сибирда юрибди, на хат бор, на хабар...

Улар анча маҳал жим бўлиб қолишди.

Бир пайт дадам менга «Эйи, сен шу ердамининг, бу гапларни эшитиб қолдингми?» деб қўрққандек бир нигоҳ билан бокди, сўнг эса нигоҳи ўзгарди — эшитиб қўйгани ҳам маъқул дегандек маънида хотиржам қаради. Аямнинг эса кўзи йўл кўряпти. Дадамнинг лаби соҳилида жилмайиш пайдо бўлиб деди:

- Кейин нима қилдиларинг?
- Шармандасини чиқариб ишдан олиб ташладик.

- Шу билан қутулдими?
- Қайда? Ишини судга оширдик!

Омбордаги ғалладан ўмарган. Сут фермасидаги бузоқлар йўқ. Сигир туғмади, деб бузоқни сотиб еган. Нафси ўпқон экан, аблаҳни. Биринчи котиб билан тили, жиғилдони бир, шекилли, раисни кўллашга кўп уринди.

– Ёнингиздаги ишонган амалдорларингиз каззоб, кўли эгри, харомхўр, мунофиқ бўлса, сиз адолатдан лоф урмангиз. Сиз шайтондан ҳам хавфлисиз демаларингми? Ҳақни ноҳақ бирла қориштирмангиз, била туриб ҳақиқатни яширмангиз деган-ку, Аллоҳим!

- Ҳа-да, котибга қулоқ солмадик.
- Боплабсизлар!

Мен яна жўшаман:

– Шу умидда биз социализм қурганмидик?! Раҳбарлар бой, қолганлар лой бўлсин, деганмидик?! Бу аҳволда жаҳон инқилобини қандай амалга оширамиз? Одамлар тўғри айтаётган экан-да, раҳбарлар учун аллақачон коммунизм қурилди, деб. Ишонган раҳбаринг – сўзи бошқа, иши бошқа – мунофиқ бўлса, додингни кимга айтасан? Котибга маъкул келмаса бир одамни депутат қилолмасак? Раис сайлай олмасак?! Шуми демократия?! Бу демократия эмас, ҳокимекратия, ҳокимекратия! Тўрақратия!

– Оббо шоввозлар-эй! Котибни ҳам, раисни ҳам фош қилиб ташлабсизлар-да! Қойил!

– Орзиқул амакини раис қилиб сайладик. Унинг юрагида олови бор. Нафси бузуқ эмас.

Дадам қотиб-қотиб кулади:

– Баракалла, адолат учун курашни бир дақиқа ҳам кечиктирмаслик керак! Ўрол, бунингни раис бўладиган шашти бор-ов!

Сўнг дадам катда чўзилиб ётади, мен устига чиқиб оёқларим билан эзфилаб босаман, унинг айтишича менинг эзфилаб босишим ҳамширанинг

уқалашидан минг бор афзал экан. Баъзан «касал» бўлиб қолади, «бир эмлаб қўйгин, ўғлим» дейди, худди ўзимни дўхтирдек тутиб, қўлимга гугурт чўпини олиб, дадамни эмлайман, у ўша заҳотиёқ тузалиб кетади. Аста-секин бу одатларни такрорлагани уяладиган бўлиб қолдим, илгари завқ билан бажарадиган бу қилиқларимни такрорлагин, дейишса, энди аччиғим чиқади, сен гўдаксан, деб мени мазах қилишаётгандек туюлади...

Ўша пайтда мен тасодифан девор ортидан қулоғимга чалинган гаплардан илк бор ўзим билан катталар ўртасида кўринмас, баланд девор борлигини сездим, бу девор ортидаги ҳаёт жуда қизиқ, жуда сирли туюлди, юрагим ғалати гумурди, бутун вужудим билан ана шу сирли ҳаётга интилдим, гўдаклик ўйинлари мени қизиқтирмай қолди, катталарнинг хатти-ҳаракатларига синчковлик билан қараб, гап-сўзларини хотирамга маржондек териб оладиган бўлдим, бу одатим туфайли кўп дашномлар ҳам эшитдим, катталар даврасида ўтириб уларнинг ҳикояларини тинглаш мен учун жуда мароқли эди.

...Бугун мен бу воқеаларни эслар эканман, кечмишинг сенга ҳалақит беради, уни эслама, унут, бесамар хотиралар сенинг руҳингга, вужудингга юк бўлади, ҳаммасини унуту бугуннинг жilовини маҳкам тутиб келгусингни кўзла, дегувчилар ҳам гўдаклик билан боғлиқ бирор-бир воқеани эслаб беихтиёр жилмайиб қўйиши турган гап, деб ўйлайман. Ана шу жилмайиш остида гўдакликнинг беғубор туйғулари, ширин хотиралар ётади, гўдаклик ёғдуси мудом яшашга ёрдам беради, келажагингга руҳ бағишлайди.

Гўдак – бўйлаким, болари! Ҳаёт эса гул! Болари минглаб гулларга қўниб бол йиққанидек гўдак

хаётда минг бир одамларни кўриб, гапларини эшитиб, туйғуси уйғониб, ақлига, рухига, жисмига ширайиғади. Ўзи интилиб, ўзи азият чекиб сўрган ширанинг қиёми кучли бўлади. Ана шу ширадан умр бўйи татиб вояга етади. Гўдак фақатгина ташқи таъсирдангина камолга етадими? Унинг ички ирс кучи-чи? Гўдакнинг ички кучи-чи? Ахир, гўдак пайдо бўлган муртакнинг туғма ирс кучи жимгина ётмайди. Муртакнинг шиддатли туғма кучи...

Икки жинснинг эҳтиросли қовушувидан ёрғанокда муртак ҳосил бўлди. Шу муртакда нахот инсоннинг бутун умри, дастури муҳраб қўйилган бўлса?! Бу қадар кичик, кўз илғамас заррага тақдир ёзиғини қандай битиш мумкин? Бу фақат Аллоҳнинг қўлидан келадими? Бу Аллоҳнинг кучими ёки табиат кучими? Ёхуд Форобий айтганидек, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ҳажмсиз, вазнсиз, шаклсиз моддий бўлмаган рух кучими? Аммо моддий бўлмаган бу кучнинг таъсири сезилади-ку?! Бу кучнинг тагига етиш мумкинми? Баъзилар муртак ҳосил бўлган лаҳзадан бошлаб то ёрғанокни тарк этгунга қадар инсоннинг бутун тарихий тараққиёт йўлидаги жараёнини қайта бошидан кечириб чиқади дейишади. Эҳтимол тўғридир. Аммо, жараён қандай содир бўлади? Балки шаклланаётган миямда маълум бир излар қолгандир. Бунда жуда катта сир яширинган. Бу сирни оча олиш мумкинми? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди. Қани эди, шу жараённи бошдан кечирган бир инсон сифатида бу ҳақда бирор гап айта олсам?! Бунинг эса иложи йўқ.

Мен чинқириб йиғлаб туғилдим! Нега? Чақалоқнинг бу йиғиси тўққиз ой онанинг иссиққина ёрғаноғида табиий ҳимояда яшаб, туғилгач, ҳимоясиз қолганининг ифодасими? Чақалоқ фарёд солиб

оламга келди, олам шунча кўркинчлими? Эҳ-хе... дунёнинг кўркинчли томонлари кўп! Кант бекорга чакалокнинг йиғиси нафрат туғёнидир демаган. Балки, чакалоқ ҳайқириғи билан дунёни кўрқитмоқчидир? Ахир унинг ким бўлиши ҳали номаълум, балки у бутун дунёни ағдар-тўнтар қилар? Балким бу йиғи – оғиздан бир зарб билан уриб киритилган руҳ кучига жавобдир!

...Кўзимга нур тушди, исмимни дадам қўйибди. Етти кунлигимда Исожон домла қулоғимга азон айтиб такбир туширибди, туйғум, шуурим уйғонди. Тўққиз ойда сут тишим чиқаётганда, кичишига чидай олмай, кўп йиғлар эканман. Бир гал Саодат опамнинг қўлини тишлаб олибман. Тилим чиқиб, эсимни таний бошлаганимдан кейин ана шу ўтган икки ярим йилча давр ҳақида бирор нарсани эслай оламанми? Баъзан ҳар қанча чирансам-да ҳеч бир натижа чиқмасди. Эҳ, инсон шунчалар тилсим экан-да!

Ҳа, нима бўлсаям шу муртак моддий ривожланиб бориб гўдакликда куртаги бўрта бошлайди. Оҳ-о, бу бўртиқда, бўйлаким дулдул биқинида етти газ қаноти яшириниб ётгандек буюк куч биқинган! Ёмони – бу кучни пайқамаймиз ёки назар-писанд қилмаймиз. Гўдакка назар-писанд қилмай қараб бир карра адашсак, унга қўғирчоқка қарагандек қараб икки карра адашамиз, у ўйинга тўйиб олсин, деб ўйлаб яна адашамиз. Биз гўдакка: «Сен гўдаксан, гўдакдек сўзла, гўдакдек ўйла», деб хато қиламиз, табиат ато қилган, гўдак вужудида унаётган буюк куч устига тош бостирамыз. Гўдак учун ҳар қандай ноўрин ман этилишнинг охири иложсизлик, имконсизлик, яъни руҳтанглик. Руҳтанглик – камолотнинг энг ёмон душмани! Муртак ривожланиб бир новдага айланди десак, ана шу новданинг бўртиғи – гўдакда атрофни англашга интилиш нақадар кучли!

Ва уни шу даврда ўқиш-ёзишга ўргатиш болалик даврига қараганда анча қулай. Болаликда эса бола ўйинқарок бўлиб қолади ва уни қайта эгиш керак. Эгиш мудом қийин!

ЎДАКЛИК – БОЛАЛИККА ҚАРАГАНДА ҲАМ ИККИ ҲИССА ШОДУМОНЛИК БИЛАН КЕЧАДИГАН, ҒОЯТ БЕҒУБОР, ҒОЯТ ЭРКА БИР ДАВР! Ҳазрат Навоий ҳам умр палласига бежиз «...туфулийят бахори» деб таъриф бермаган.

Ўдаклигимда мен ман этилишлардан мудом азият чекканман. Энг ёмони мени мактабдан қайтариб юборишгани эди. Бир куни Қўлдошнинг акаси – Маматқул: «Эртага мен мактабга бораман!» – деб мактаниб қолди. Кечқурун аямга, дадамга «Мен ҳам эртага мактабга борай!» дедим. Иккиси ҳам, опаларим ҳам «Йўқ сен ҳали ёшсан!» деб кулишди. Мен эса кечаси Умри опамнинг эски жилдини топиб унга китоб-дафтарларни солиб бошимга қўйиб ётдим, эрталаб бўлиши билан кийиниб Маматқулнинг уйидан чиқишини пойлаб турдим-да, югуриб унга етиб олдим, у хайрон қолди:

– Эйи Қуддус, сен ҳам мактабга боряпсанми?!

– Ҳа.

– Даданг рухсат бердими? – деди уст-бошимга назар солиб.

– Ҳа, – дедим мен ёлғон гапириб.

– Унда нега опанг бирга олиб бормаяпти?

– ...

– Кеча мени дадам олиб бориб муаллим билан учраштирди. Сен яна ўзингча менга эргашиб бораётган бўлма!

– ...

– Даданг яна нега эргаштириб бординг деб мени уришиб юрмасин. Сен қайта қол!

Мен эса қайтмадим. Бориб сафга тураётган эдик, семизгина муаллим менга қараб:

– Эйи, бу кимнинг укаси? – деди киприкларини пирпиратиб.

Ҳеч ким индамади, Маматкул болаларга аралашиб бошқа сафга кетиб қолибди.

– Мактабга келдингми? – деди у менга синчковлик билан тикилиб.

Мен бош ирғаб маъқулладим.

– Кимнинг ўғлисан?

– Мусожон полвоннинг...

– Эҳа, ўзимнинг оғайнимнинг, хомийимнинг ўғли экансан-у, аммо сен ҳали жуда ёшсан-у, хойнахой билдирмай келгансан-ов, бўлмаса менга айтарди, ёким, оғайнимиинг ўзи етаклаб келарди (у болаларни сафга турғизаётган кишига қаради). Абдулла, буни синфда олиб ўтирманг! Хой, Икром, – деди ёши каттароқ болани чақириб.

– Лаббай муаллим, – деди у бола муаллим ёнига келиб.

– Бор, тўртинчи синфда бу йигитчанинг Умри опаси ўқийди, чақириб кел.

– Хўп.

Мен энди сиримни биргина муаллим эмас, балки опам ҳам билиб қолганидан ичимдан қиринди ўта бошлади. Бунинг устига Умри опам югуриб келдию мени кўриб аввал ҳайрон қолди, сўнг уялганиданми қизариб кетди.

– Қизим, уканг ҳали жуда ёш! Сенга эргашиб келаверганга ўхшайди. Бор, уйга қўйиб кел!

– Йўқ ўқийман, – дедим лаб буриб.

– Ҳа-ҳа, ўқийсан, аммо бу йил эмас, янаги йили, уқдингми?

Ҳамма менга қараб кулаётган эди. Мен бирдан ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим.

Муаллим елкамга қоқди:

– Йиғлама, бир йилдан кейин келасан, сени мактабга оламиз, бор, бора қол!

Умри опам қўлимдан маҳкам ушлаб уйга қараб тортди. Мен унинг қўлини силтаб ташламоқчи бўлдим, аммо муаллим яна елкамга қоқиб бурилишимга ёрдамлашиб қўйди.

– Бора қол, агар шунақа йиғласанг янаги йили ҳам мактабга қабул қилмаймиз!

Опам мен учун орият қилиб, қўлимдан тортиб кулоғимга шивирлади.

– Тез юр, кеча сенга бормаيسان дейишди-ю! Агар шунақа йиғлаб мени шарманда қилсанг, дадамга айтман!

У қўлимдан тортди, мен мактабга кириб кетаётган бахтли болаларга қарай-қарай йиғлаганча орқага қайтдим. Йўлма-йўл опам мени уришиб, яниб келарди, у қайта-қайта:

– Шунақа кийимда, кир-чир ҳолда мактабга борадими, одам! Мени ўртоқларим олдида роса шарманда қилдинг! Калишингни қара, шимингу қўйлагингчи. Уф-ф-ф...

Ўша куни аям ҳам мени уришиб кичик уйга қамаб қўйди, аммо кечқурун дадамга айтишмади.

Ўшанда инсон умрининг энг беғубор онлари – гўдаклигим тугаётганини сезмас эдим, сезмайгина қолмай, балки гўдакликдан тезроқ қутулишни, бирор мўъжиза рўй бериб каттариб қолишни, дашномлардан, беписанд қарашу камситишлардан қутулишни шундай хоҳлайманки...

Мен бир воқеани интиқлик билан кутаман: бу – мактабга бориш! Назаримда мактабга боришим билан бирдан каттариб қолаётгандек эдим! Ишқилиб, муаллим яна қайтариб юбормасин-да!



БОЛАЛИК

Ўзбекистон китоби

Саратон забтига олган, кўчада ялангоёқ юролмайсан – тупроғи оёқни куйдиради. Туш пайти. Бу вақтда ҳовуз бўйи салкин бўлади. Сувтинитарлар сузиб майда мавжлантираётган ҳовузнинг зилол сувига қараб бир шўнғиб маза қилиб чўмилгим келади. Аммо сузишни билмайман, Умри опамнинг ҳовузга тушиб кетиб чўкиб кетишига сал қолгани эсимга келиб қўрқаман, иннайкейин беш хонадон сув ичадиган бу ҳовузда фақат суви янгиланаётган пайтдагина хазонларни, хасларни хайдаш учун чўмилишга рухсат этишади. Дадам айтадигандек қўнатларимиз (дадам қўшнилариимизни шундай атайди, ҳовузнинг икки тарафидаги қўшнилариимиз Исожон тоға, Мўмин маслаҳатни ҳам Акрам амакимдан кам кўрмайди, бизга ҳам шуни уқтиради), амаким, дадам навбати билан сув очиб келиб ҳовуз сувини янгिलाшади. Бугун дадамнинг гали эди.

Ҳовуз бўйига ўтсам аллақачон бу ерга биздан ёши катта болалар Содик, Ботир, Беркин, Қўлдошнинг акаси Муҳаммад, Қўлдошлар йиғилиб ўтиришибди, ҳовузнинг тахта новидан шариллаб лойқа сув қуйиляпти, дадам кетмон дастасига суяниб бир ҳовузга, бир «Қачон чўмилишга рухсат этаркин?» деб интиқ бўлаётган болаларга қараб қўяди, у саломимга бош ирғаб алик олди. Беркин қўйлак, майкасини ҳаммадан аввал ечиб олибди, у ўзини жуда ўктам тутади, унинг дадаси туманда қандайдир катта амалдор.

Ховузнинг сув сатҳи кўтарилиб пойнакдан оқиб чиқа бошлагач, дадам рухсат берди. Биринчи бўлиб Беркин ховузга калла ташлади, орқасидан бошқалар... Қўлдош иккимиз мириқиб чўмилаётган болаларга ҳавас билан қараб ўтирардик, дадам бизга қараб:

— Ҳа, сен икковинг молтишни билмайсанларда! — деди.

Сўнг у атрофга бир аланглаб олиб ечина бошлади. Бундай пайтда ховуз бўйига хотин-халаж, қизлар келишмайди.

Дадам:

— Қани кел, — деди.

У илгариги сафар ҳам мени опичиб чўмилтирган эди, мен дарҳол ечиндим. Дадам майкачан ҳолда мени опичиб ховузга тушди, қўриқ дадамнинг бўйнидан маҳкам қучоқладим. Дадам кулиб:

— Қуддус, мени бўғиб қўясан-у, қўркма, ўвил бола молтишни яхши билиши керак, — деди. — Ўрганиб олгач, ўзинг хопитаверасан.

Дадам қишлоғимиз болаларига ўхшаб чўмилишни хопитиш дейди.

Сув муздеккина эди, этим жунжиқиб дадамнинг бўйнига янада маҳкамроқ чирмашдим. Дадам шариллаб сув қуйилаётган нов томонга қараб молтиган эди, сув мени ҳам кўтара бошлади, энди қўркмай қўйдим, ҳатто бир қўлимни бўшатиб бир қўллаб дадамга ўхшаб молтишга ҳаракат қилиб сув юзига шاپиллатиб ураман, хазонларни ҳайдаб, ховуз тўлгунча мени елкасидан туширмади, охирида:

— Қани энди ўзинг молти-чи, — деб елкасидан туширди, — оёғингни ҳам кўтар, кимирлат!

Қўлларимни сув сатҳига чапиллатиб уриб, оёғимни ҳам қимирлатишга ҳаракат қилдим, сув мени бир зум кўтариб турди, аммо кейин чўка бошладим, қулоғимга сув ўтиб пардалари шанғиллади, оғзимга сув кириб ўхчиб йўталиб қолдим, шунда дадам мени кўтариб олди, сўнг мени яна қўйиб юборди, у энди ёрдамга етиб келмай мени кузатиб турди, чўкиб кетмай деб, чираниб, жон ҳолатда оёқ-қўлимни қимирлатиб, оғзимга кираётган сувни пуфлаб, бошимни, кўкрагимни кўтариб бир амаллаб қирғоққа етиб олдим у эгилган тол новдасига ёпишдим – қирғоққа етиб олганимга шукр қилиб, ярим белимгача сувга ботиб нафасимни ростладим; шу зайлда бироз тургач, бояги қўрқув йўқолиб, яна сузгим келди: кўкрагимни, бошимни баланд кўтариб ўзимни сувга ташладим, кафтларимни очиб, панжаларимни бирлаштирганча бир чап, бир ўнг қўлим билан сувни орқага итариб, калламни гоҳ у, гоҳ бу томонга буриб, оёқларимни қўлларим ҳаракатига мослаб букиб-ёзиб (Беркиннинг ана шундай эпчил ҳаракат қилганини кузатиб ҳавасим келган эди) дадамга қараб олға интилгандим сув мени бемалол кўтараётганини сездим дадиллашиб дадамга қараб молтидим, қарасам дадам энди Қўлдошга сузишни ўргатаётган экан, ўзимча шерланиб қирғоқнинг бошқа томонига қараб суздим, уч-тўрт бор шундай қийналдим-у, кейин ўзим бемалол молтийдиган бўлдим. Биз энди Қўлдош билан Бешариқнинг Каттачуқурига бориб бемалол чўмилардик. Алҳол уни чақирсам, у аллақачон чўмилгани кетибди. Тор кўчадан зипиллаб Бешариқ томон шошилдим.

Бешариқнинг Каттачуқурига етиб борсам ҳамма шу ерда. Қўлдош, Мухаммад, Достон, Беркин мириқиб чўмилишяпти, фақат Ғайбулла бир четда чуқурда балиқдек яйраб сувбекинмачоқ ўйнаётган болаларни кулиб кузатиб ўтирибди. У бечоранинг

ўпкаси шамоллаган, чўмила олмайди, унинг отаси йўқ, онаси Нигор опа ким биландир дон олишиб уни туғиб қўйгану онасига ташлаб ўзи бошқага эрга тегиб кетган, болалар Файбуллани тинмай камситишади. Мана ҳозир ҳам Беркин билан Муҳаммад гўёки, мен билан кўришмоқчи бўлгандек қирғоққа чиқишдию секин яқинлашиб бирданига унга ташланиб қўлоёғидан ушлашганча типирчилаганига қарамай сувга отиб юборишди, сўнг ўзлари ҳам шўнғиб Файбуллани сувга пиша бошлашди, менинг «Қўйинглар!» деб бақирганимга парво ҳам қилишмади, энди ечиниб Файбуллага ёрдам бериш учун шошилаётган эдим, оркамдан:

– Қўйвор уни! – деб бақирган таниш овоз эшитилди.

Қарасам Сайид ака. У чуқурдан кўзини узмай мен билан кўришди. Болалар панжасидан қутулган Файбулла тол илдизларини ушлаб қирғоққа чиқдию дир-дир титраганча шалаббо бўлган кийимларини еча бошлади, у ўзини камситишу хўрлашларига қарши ҳеч қачон бир сўз айта олмай чидар эди, ҳозир ҳам кўзлари ёшга тўлганча, нариги қирғоққа чиқиб олиб ўзини хўрлаган Беркин билан Муҳаммадни сўкмасдан ҳам кийимларини сиқяпти, бечорага раҳим келиб кетди.

– Менга қара, ҳей икковинг, яна бир марта унга тегинганингни кўрсам, ё эшитсам, тумшуғингни ерга ишқайман, – деди Сайид ака кўкрагини керганча.

Сўнг менинг кифтимга урганча:

– Қуддус, Мусожонни кўргани бормаи қўйдинг? – деди.

– Катта бўляптими? Бораман, – дедим ўзимни катталардек тутиб...

Ўтган йили бир куни Сайид ака кечкурун бизни-
кига учиб-қўниб кириб келди, хурсандлигидан оғзи
кулоғида! Дадам даладан қайтиб ювиниб эндигина
супага чиқиб ўтирган эди, Сайид ака билан қўри-
шиб деди:

– Ўрол суюнчи олиб чик, полвоннинг умри би-
лан берган бўлсин!

Сайид акамнинг оғзи очилиб қолди:

– Ё тавба, ҳозиргина кўзи ёриди, тўғри бу ёққа
келяпман, ҳали ҳеч кимга айтганим йўғ-у, сиз қаёқ-
дан билдингиз?

– Ҳа, энди, Сайидвой Аллоҳимнинг ўзи хабар
беради, – деди дадам.

– Муборак бўлсин! Тўтининг ўзи яхшими? – деди
аям Сайид аканинг елкасидан олиб қўришаркан.

– Раҳмат, яхши. Тоға... шу... рози бўлсангиз,
отини Мусожон қўйсам!

– Вай, нега рози бўлмасин, рози бўлади, – деди
аям бир дадамга, бир Сайид акага қараб.

Дадам бироз ўйланиб туриб аямга:

– Анави кўк қўйлакни олиб чик, – деди.

Аям кўк қўйлакни тезгина топиб чикди, бу қўй-
лакни дадам қайси бир шаҳарга борганда олиб кел-
ган, ўзига қуйиб қўйгандек ярашади.

– Бу қўйлакни баловатга етганда кияди, – деди
дадам.

– Ҳа, удумимиз шунақа, – деди аям қўйлакни
Сайид акага узатаркан.

Кейин дадам билан Сайид аканинг ўғлига ном
қўйишга борганимизда чақалокнинг кўзига кўзим
тушиб ҳайрон қолдим, менга Сайид аканинг кўзи
тикилиб турарди!

Хусайни узумимиз фарқ пишган палла эди.

Тонготарда Саодат опам барвақт уйғотди. Бу кун жуда ажойиб эди. Қуёш ҳам эндигина уйғонган. Мен кўзларимни уқаладим.

– Қуддусжон, қани туракол, бугун мактабга борасан.

Шошиб супадан тушдим. Ахир бу кунни анчадан бери орзиқиб кутардим-да! Ўзимни бирдан катта бўлиб қолгандек ҳис қилиб, ҳар кунги эринчоклик билан бажарадиган ишларимни зўр иштиёқ билан адо этдим, ишқомнинг устунига миҳланган қўл ювгичда ҳафсала билан ювиндим. Кейин опам кийинишимга ёрдамлашди, янги кийимларим – қалампирнусха зангори дўппим, қора шиму ок қўйлагим бирам чиройли, қора туфлим ярақлайди. Мен кийиниб, чап қўлимда бир даста гул, ўнг қўлимда эса портфель кўтариб шай бўлиб турганимда Зухра ва Умри опам ҳам шошиб кийина бошлашди. Мен уларга ўзимни кўз-кўз қилиб, у ёқдан-бу ёққа бир неча бор юрдим. Сўнг Саодат опам қўлимдан ушлаб «Қани кетдик», деди. У портфелини олмади. Опам энди ўқишни битирган, ҳар куни далага қатнайди, бугун эса мени мактабга олиб бориш учун ишга бормади. Унинг қора чарм портфелига Зухра опам эгалик қилган, пахта мойи билан артиб, ярақлатиб дафтар-китобини солиб олганди. Ҳовли эшигидан чиқаётганимда аям пешонамдан ўпиб, шимимнинг чўнтагига конфет солиб қўйди.

Йўлда борарканмиз, ҳамма менга ҳавас билан қараётгандек туюлади. Қувончим ичимга сиғмайди. Мактаб томонидан келаётган карнай товуши борган сари яқинлашаверди. Катта йўлга чиққанимизда менга ўхшаш етаклашиб келаётганлар кўпайиб

колишди. Ниҳоят, оқ бинонинг ховлисига – кўп болалар тўпланиб турган жойга етдик. Болалар тўпидан бериқроқда бир қўли билан карнайни, бир қўли билан белини ушлаган бола зўр бериб карнай пуфлар, ёнидаги ўртоғи эса ногорани бўйнига осиб олиб, уни иккита таёқча билан савалайди.

Опам болаларнинг олдида турган кишини менга кўрсатиб, қулоғимга шивирлади:

– Муаллимнинг Эрмат Йўлдошга салом бергин-а!

Танидим, бу ўтган йили мени қайтариб юборган одам.

Опам мени унинг олдида етаклаб олиб борди. Мен муаллимга «Ҳали ёшсан!» деб қайтариб юборармикин, деган ўйда хавотирланиб салом бердим.

– Ваалайкум ассалом! Баракалла одобли бола. Мусожон полвоннинг ўғлимисан? – деб кулди у.

Мен бош ирғаб маъқулладим.

– Отлари? А? Қуддус? О, жуда зўр-ку! Ана энди катта бўлиб қолибсан, – деди худди хавотиримни сезгандек.

У елкамга уриб, мени икки қатор турган болаларга қўшиб қўйди.

Энди кўнглим жойига тушди: «Дадам муаллим билан гаплашибди», – деб ўйладим.

Бизнинг сафимизда Қўлдош ҳам бор эди, у менидан илгари келибди. Опам хайрлашиб кетаётганида, бегона болалар орасида қолаётганимдан кўнглим ғаш тортди, лекин муаллимнинг чехрасидаги меҳр мени овута олди. Кейин муаллимни кузата бошладим. У қора шим, оппоқ қўйлак кийган, қўйлаги енгини шимариб олган, қошлари ўсиқ, қисик кўзларининг ёнидаги ажинлари билиниб туради, қизил юзида эса майда қон томирлари қонталашган, айниқса у жилмайганда юзи янада қизариб кетиб, кўзларида ажиб бир нур порлайди, унинг қўлида қўнғирок бор эди.

У бугун худди уйига азиз меҳмон келганда ўзини қаерга қўйишни билмай қолган одамга ўхшаб, ҳар биримизга алоҳида меҳрибончилик кўрсатади.

Бир пайт у менга яқинлашиб, қўлидаги мис қўнғирокни берди-да, мени даст қўтариб олди:

– Чал! – деди.

Муаллим гўё менинг қўнғирок чалиб опаларим, қўшниларимни уйғотиб юрганимни билгандек эди, менга қараб қўйишида худди «мен барчасини биламан», дегандек маъно бор эди.

Мен қўнғирокни жаранглатдим.

Ўқитувчиларнинг «Синфга! Синфга!» – деган овозлари қўнғирокнинг жаранги аралаш аранг эшитиларди.

Муаллимимиз бизни қатор билан юргизиб, оқ бинонинг ичига – синфга олиб кирди, синфдан бўёқ ҳиди анқийди, муаллим бўйимизга қараб новчаларни орқага, паканаларни олдинги парталарга ўтказди.

Мен ўртарокдаги партага, сап-сарик юзига сепкил тошган боланинг ёнига ўтирдим. Ташқаридалигимизда уни муаллим: «Карим новвойнинг ўғлимисан? Исминг нима? Акрам! Ҳа балли!» деб, менинг ёнимга турғизиб қўйган эди. Бу боланинг отини мен шундан билиб олган эдим. Унинг кўк кўзлари нимаси биландир мушукнинг кўзларига ўхшаб кетади. Орқамиздаги партада эса биздан новчароқ бўлган Қўлдош, Нарзикул ўтиришди.

Муаллим ҳаммамизнинг оталаримизни танир, хатто лақабигача билар экан. У дастлаб бизларни бир-бир ўрнимиздан турғизиб таниша бошлади, фамилия билан чақирилишига ўрганмаганимиз учун муаллим фамилиямизни айтганда нима қилишни



билмай жимгина ўтиравердик. Шундан кейин у отамизнинг исми ва лақабини ишга солди.

– Ҳа, болаларим, фамилиямиз руслашиб қолган, – деди муаллим. – Бир кун эмас бир кун илгаридек шарқона ном билан аташга ўтиб қолармиз. Бизда биринчи ўзининг исми, иккинчи отасининг, учинчи бобосининг номи юритилади. Кейинча биласизлар, бутун Шарқ мамлакатларида ҳозир ҳам исм-шарифни шунақа аташади. Масалан, Қуддус Мусожон Собир! Ҳозир эса русчасига отасига «вич», бобосига «ов» қўшилади. Албатта бу қулгили, болаларим! Ахир ўзбекнинг неча минг йилдан бери ўз исми-шарифи бўлган.

У ҳаммамиз билан танишиб бўлгандан сўнг, қоранг ёзув тахтаси олдига бориб, бир зум сукут сақлади, сўнг нигоҳини орқамиздаги деворга тикканча деди:

– Болаларим, гарчи Инсон кўзи очиқ туғилса-да, тамом ғафлатда ётади. Унинг кўзи очилиши нақадар мушкул! Кўзи очилмай дунёдан ўтганлар ҳам неча, неча...

Бир кимарса юз ёшга кирибди, тиши қайтадан чиқибди. У дарвозаси олдида ўтирган экан, иттифоқо бўйи икки қаричча болани етаклаб бир чол ўтиб қолибди.

– Болани қаёққа олиб боряпсан? – деб сўрабди юз ёшли киши.

– Мактабга, – дебди иккинчи чол.

– Ҳой чол, бўйи бир қарич болани мактабга бериб унга зулм қилиш на даркор? У шу ёшида ўқий биладими, ахир, – дебди юз ёшли кекса.

– Таксир, эшитишимча сиз юз ёшга кирибсиз, – дебди бола етаклаган кимса. – Ўқишни биласизми?

– Йўқ.

– Хим. Бу болам саводхон, Хафтиякни – «Қуръони қарим»нинг еттидан бирини ўқийди, ёд билади. Бинобарин, унинг ёши сизнинг ёшингиздан улуғдир.

Кекса мот бўлибди.

Ҳа болаларим, ўқишни қунт билан ўргансаларинг, сизнинг ақл қўзингиз очилади. Ўтмишда бир подшо агар мактабда ўқиб савод чиқармаса, ундай йигит-қизни никоҳдан ўтказмаслик хусусида фармон берган экан. Бунда ҳикмат қўп!

«Демак, ўқишни яхши ўргансам тезроқ катта бўларканман-да», деб ўйладим.

У шу гапларни айтиб бўлганида, ташқаридан қўнғироқ жаранлагани эшитилди, сўнг муаллим та-наффус эълон қилди...

...Шу куни мен уйимизга беҳад қувонч билан қайтдим. Ҳовуз бўйидаги тол соясида Ширин менга ҳавас билан қараб турарди, мени кутибди-да! У бо-шини бир ёнга эгганча деди:

– Янаги йил мен ҳам мактабга бораман, ҳи-ҳи...

– Барибир мендан пастда ўқийсан.

– Майли, ҳи-ҳи... Ўйнагани чиқасанми?

Унга мактаб ҳақида гапириб бергим келаётган бўлса-да, ўзимни жуда банд кўрсатиб:

– Йўқ, дарс тайёрлашим керак, – дедим.

– Ҳа-а, – деди у лабини буриб.

Унинг лабини буриб кўзига хафалик инганини кўриб ичим ачиди, сўнг:

– Бироз дарс тайёрлай кейин чиқаман, – дедим.

Унинг лаб сохиллари яйраб яна кўзи қувончдан ёнди.

Боғда учрашишга келишдик-да, мен уйга кирдим.

2

Саодат опамни янаям яхши кўриб қолдим. У ҳар куни кечқурун дарс тайёрлашимга ёрдамлашиб, билмаганларимни қунт билан ўргатади. У билан дарс тайёрлаш мен учун жуда мароқли, чунки у муаллимимизга ўхшаб мулојимлик билан эринмай

тушунтиради. Зухра опам бўлса: «Э, шуни ҳам билмайди», деб аччиғимни чиқаради. Шунинг учун сира ҳам унинг олдида дарс тайёрламасдим. Зухра опам дарс тайёрлашдан кўра рўмолча, тўр тўкишга кўпроқ қизиқади. Умри опам жуда чиройли ёзади, масалаларни кийналмасдан ечади. Зухра опам му- дом унга «Масала ечишимга ёрдам бер, жон синг- лим, кейин нима десанг бажараман», – деб ёлвориб юради. Шунда Умри опам: «Йўқ, аввал молнинг та- гини тозаланг, қўйларга ўт ўриб солинг, ҳовлини су- пуринг, сўнг майли», – дейди. Зухра опам апил-тапил ҳамма ишни бажариб келгач, Умри опам ручка билан пешонасининг ўнг четини қашлаганча Зухра опамга масала ечишда ёрдамлашади. Умри опам математика тўғарагига қатнашади, ўзидан юқори синфларнинг ма- саласини ҳам еча олади. У шаҳарга бориб, қанақадир математика мусобақасида биринчи ўринни олган.

Умри опамни ҳамма «жуда ақлли қиз», деб мактайди. Унинг ўнг бетида ва нақ сочининг фарқи очиладиган жойида пашшахўрдадан тангадек из қолган, йўғон қора қошлари ўғил болаларникига ўхшайди, қоп-қора кўзлари кишига хотиржам, ақл билан боқади. Уни дадам ҳам, аям ҳам деярли уришмас эдилар. У мудом кўнгилдагидек иш тута- ди, мудом мақтов эшитади. Бизнинг шахсий кутуб- хонамиз ҳам, ёзув столимиз ҳам йўқ. Дарсни дуч келган жойда – гилосларнинг соясида, ишком остида тайёрлаймиз. Мен кўпинча шеърларни эшак устида, дадамнинг олдидан ўт олиб келаётиб ёд оламан.

Шанба куни Саодат опам далага чиқмади. Аям билан ошқовоқ сомса қилишди. Тушдан ке- йин бир товоққа сомса бостириб, опам иккаламиз Бешқувурдаги холамникига меҳмонга кетдик. Хо- ламнинг болалари бошқа-бошқа рўзғор қилиб чикиб кетишганидан, Мурод бобом иккаласигина туриша- ди. Холам ҳар борганимда бағрига босиб, атрофим-

да айланиб-ўргилади, қутисидан турли-туман конфетлар олиб, чўнтагимни тўлдириб қўяди. Унинг чехраси ҳам, товуши ҳам аямга ўхшаб кетади. Янги шаҳарда автобусдан тушдик. Холамлар турадиган кўчага бурилаётгандик, орқамиздан ўша мен «ажина» деб ўйлаган йигит келиб қолди. У опам билан қуюқ сўрашди. Менга меҳрибончилик кўрсатиб, шимимнинг чўнтагига қовурилган писта солиб қўйди.

– Энди итингга талатмайсанми? – деди менга кўзини қисиб.

Мен индамадим, опамга қарадим. Менинг ўрнимга опам жавоб берди.

– Талатавераман дегин, Қуддусжон.

Йигит опамга ўпкаланиб қаради:

– Сиз ишни бузманг. Биз икки йигит ўзимиз келишиб оламыз.

Унинг мени ҳам ўзи қатори йигит санаётгани ёқиб тушдию гапини маъқуллагандек бош қимирлатдим, у эса қулоғимдан чўзиб эркалади, сўнг:

– Кўринмайсиз? – деди опамга қараб.

– Мана, кўриняпмиз-ку, – деди опам ерга қараганча.

У кулди. Улар шу тарзда анча гаплашиб туришди. Мен писта чаққанимча кўчанинг нариги томонидаги ўрдак-ғозларнинг худди сувда сузишаётгандек ҳаракат билан солланиб юришини завқланиб кузатардим. Беихтиёр уларнинг ортидан эргашиб кетибман. Бир маҳал қарасам, холамнинг уйи олдига келиб қолибман. Бунга аввал унча ишонмадим, лекин кўк бўёққа бўялган нақшинкор, катта дарвозани диққат билан кузатганимдан сўнг бу уй холамники эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдим, дарвозанинг кичик эшигини очиб, ҳовлига югуриб кирдим. Қарам гулли, кенг кўйлак кийган холам ҳовли су-пураётган экан. Мени кўриб:

– Вой айланай, катта боладан, – деб қучоқ очди.

У мени ўпиб эркаларкан, хайрон бўлиб:

– Бир ўзинг келдингми? – деди.

– Йўқ, опам билан.

– Опанг қани?

– Хов анави ерда, бир одам билан гаплашиб турибди.

– Қанақа одам? – холам аямга ўхшаб сўради, сўнг мени етаклаб кўчага чиқди. Бу ердан улар кўринишмасди. Яна қайтиб, ҳовлига кирдик. Холам супуриндини бир ерга тўплаётиб, аямдан бошлаб уйдагиларни бирма-бир сўраб чиқди. Ишини битириб, яна кўчага бир чиқиб келди: «Ахмоқ, биров билан шунча гаплашиб турадими?» – опамни қайси бошлади. Кейин уйга кириб, оқ ёпинчигини ёпиниб менинг қўлимдан ушлади-да:

– Қани, юр, у бемаза шу пайтгача нима бало еб юрганикин, кўчада? – деди кенг енг билан юзини артиб.

Борсак, иккови хануз гаплашиб туришибди. Дастлаб опам бизни сезмай қолди. Бир пайт у бошини кўтариб холам билан мени кўрди-ю, кейин ҳалиги йигитга қарамасдан ҳам зипиллаб биз томонга юрди. Холам опам билан кўришмасдан, йигитга бир карадио юзини ёпинчиқ билан пана қилиб, опамни уриша кетди.

– Уялмайсанми? Кўчада шунақа қилиб тургани. Уруфингда йўқ, аймофингда йўқ нафма сендан чиқадими? Марг-э, сендай қизга! – шартга орқасига бурилди. Опам бошини эгганича олдимизга тушиб келарди.

– Шарм-хаёсизнинг поччанг билан туришини қара?! Уйга борсанг айтиб бер. Тўйни тезроқ қилмаса, бу уятсиз ҳаммамизни шарманда қилиб, куёвникига қочиб кетиб қолади!

«Поччам?! Мен ажина деб ўйлаган йигит поччам экан-да, энди билдим!» Холамнинг жиғибийрон бўлиб

койишига кулоқ солмай, поччамни кўрганимдан се-
виниб кетдим.

Уйга қайтганимизда опаларимга, аям-дадамга поч-
чамни кўрганимни айтиб мақтанаман, деб ўйладим.

Шу куни кечқурун холам дастурхонга зира ҳиди
уфуриб турган манти тортди. Чинни товоқдаги ман-
тидан битта олиб еб кўрсам (холам бир неча бор
«Ол, ол!» деб қистагандан сўнггина қимтиниб қўл
чўзган эдим) ғоят мазали экан, жуда уятсиз бола
экан дейишмасин, деб ўйлаб Саодат опам «олавер»
дегандек қараганига ҳам эътибор бермай тортиниб
яна битта олган эдим.

Мурод бобом:

– Вой тавба, шунақа ҳам уятчан бола бўладими?
Катта-катта емайсанми? – деган эди, товоққа узата-
ётган қўлимни тортиб олдим, тамом емай қўйдим,
қисташганига ҳам қарамадим.

Тунда опам бизга холам, бобом ётадиган уй-
нинг ёнидаги хонага жой ҳозирлади, опам тезда
ухлаб қолди, мен эса ухлай олмасдим, қорним очиб
ошқозоним шираси юрагимни гумуртираётган эди,
боя жой солинган хонага кираётганимда холамнинг
дахлиздаги сават тагига нон қўяётганини кўриб
қолгандим, алҳол фақат кўзимга шу нон кўриниб
бир амаллаб ундан бир-икки бўлак олиб, очиқиш
балосидан қутулишни истадим, холам қаттиқ ухлаб
қолсин деб анча вақт кутиб ётдим ва, ниҳоят, журъат
билан ўрнимдан турдим, катдан секин сирғалиб ту-
шиб, сассиз, оёқ учида юриб саватга яқинлашдим,
чўккалаб саватни кўтараётган эдим, худди сават мени
масхара қилгандек читирлаб овоз чиқариб юборди,
қўшни хонадан холамнинг:

– Пишт! Ўла, пишт! – деган овози эшитилди.

Бор туким тиккайиб кетди, гўё холам саватни
мен кўтараётганимни билгандек эди, ҳализамон ўзи

чикиб қолса-я, деб ўйлаб юрагим шифиллаб кетди, саватни аста жойига қўйиб тезгина оёқ учида орқага қайтдимۇ бир амаллаб жойимга чикиб олдим – шунга шукр, шарманда бўлишимга сал қолди-я! Ана яна холамнинг овози эшитилди:

– Пишт!

Хаёлимда холамнинг шипиллаб юрган қадам товуши эшитилгандек бўлди.

Аллоҳга шукр шармандам чиқмади! Қўрқув очиқиш азобини пасайтирган эди, аммо қўрқув пасайиши билан очиқиш азоби кучаярди, ит азобида ётиб ухлаб қолдим...

Ўқовлига кириб, чой кўтариб келаётган аямга дуч келдик. Аям саломимизга алик олиб, опамга сирли қараб: «Сен ошхонага бор», деб уйга кириб кетди. Мен аямнинг орқасидан юрдим.

Катта уйда оқ рўмол ўраган семизгина бир кампир (у куда томондан экан), дадам ўтиришибди. Салом бердим.

– Ваалайкум ассалом, келдингизми, ота ўғил! Холаңглар билан кўриш, – деди дадам.

Мен меҳмон билан қўл бериб саломлашдим, у мени «яхши бола» деб мақтади, кейин дадамнинг олдига ўтирдим. Дадам холам, бобомнинг хола-аҳволини, сўнг эса етказмоқчи бўлган хушхабаримни сезгандек, кимларни кўрганимни сўради.

– Поччамни кўрдим, – дедим севинчимни изҳор қилгани вақт етганини билиб. Қизиқ, бу гап ҳаммани хайрон қолдирди. Мен тутилиб-тутилиб бўлган воқеани айта бошладим. Гапларимни меҳмон хола севиниб тинглар, дадамнинг хурсанд бўлаётганини ҳам, аччиғи чиқаётганини ҳам билиб бўлмасди.

Унинг юзида ҳеч бир ифодани билдирмайдиган – худди сув сатҳининг тиниб жимирламай туришига

Ўхшаш бир ҳол балқидио ўйланиб қолди, аям дадамга хавотирланиб назар ташлади, қуда томондан келган хола севинганнамо бир химралиб, деди:

– Ҳозирги ёшлар шунақа учрашади, бизга ўхшаб чимилдиқдаги кўзгуда биринчи бор бир-бирини кўрмайди. Дугонам қурмагурлар: «Вой, куёвинг сапсарик, бир бесўнақай йигит!» деб кўрқитишарди, бир пайт кўзгуга чўчибгина кўз ташласам ойдеккина, чўлпон кўз йигит қизариб қараяпти. Тилла акангизни биринчи марта кўзгуда кўрибман.

– Йигит қаерда хизмат қилган?

– Ўтган йили куздан бери соллатликка оламан деб чақириб ётибди, ҳар сафар қудангиз бориб тинчитиб келади. Ўзи иккигина ўғли бўлса...

Дадам бирдан сергак тортди:

– Эйи, ҳали йигит армияга бормаганми?

– Бе, нима қилади у совуқ томонларда? Энди қудангиз тўйни тезлатсак, шу баҳона гаплашиб бутунлай қолдирмоқчи. «Уч-тўрт сўм берсам кизил билет ёзиб беради», дейди.

– Бунни қаранг-а, нега илгари суриштирмабман? – деди дадам аччиқ жилмайиб мўйловининг учини бураганча.

Аям дадамнинг хаёлини бўлмоқлик учун пиёлага чой қуйиб узатди, дадам пиёлани дастурхоннинг бир четига қўйиб қудахолага юзланди:

– Гап бундай, Хайри опа! Йигит хизматга бориб келсин, тўй кейин бўлади.

– Вой нима деяпсиз, Мусожон полвон? Айтдимۇ бормаслиги ҳам мумкин деб.

– Йўқ, йигитман деса боради!

Аям бир қудахолага, бир дадамга қараб қўйди-ю, индамади.

– Шундай Хайри опа, шундай!

– Ахир Мусожон полвон...

– Ҳарбий хизматга бормаган йигит йигитми? Нима бало, ё бир иллати борми?

– Вой, нега унақа дейсиз? Тўрт мучаси соғ, – деди хола ёқасини ушлаб.

– Унда хизматга борсин!

– Қизингиз икки йил кутиб ўтирадимиз?

– Нима қилибди кутса? Ўзингиз беш йил кутмаганмидингиз?

– У вақтлар бир бошқа эди...

– Эссиз, бошида суриштирабман, хизматга бормаганини билганимда нон синдиртирмасдим.

– Ха, бизам суриштирабмиз, – деб гапга қўшилди аям. – Тўрт мучаси соғ бўлса нега аскарликка олмабди?

– Айтдим-ку, қудангиз гаплашиб қолдирган деб, – хола аямга қараб бурилди. Ялингансимон нигоҳ билан бокди. – Тўй қилаверайлик, кейин борса бора-верар.

– Йўқ, – деди дадам кесиб. – Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас!

Қудахола ўйланиб қолди, сўнг дадамга бокқанча синик овозда деди:

– Полвон, нон синдирганимизни беш-олти хешдан бўлак ҳеч ким билгани йўқ, бўлмаса фотиҳа тўй ўтказиб элга маълум қилайлик.

– Қани йигит хизматга жўнайверсин-чи, кўрамиз.

– Вой айланай, ўзига қолса бугун кетади.

– Борсин.

– Вой балонгни олай полвон, хизматга борса ҳам «Энди фотиҳа қилинди-ку, айниб қолишмас», деган ишонч билан кетади-да!

– Қани оғайнилар билан маслаҳатлашайлик-чи, – деди дадам ён берган оҳангда.

– Полвон биламан, сиз бир сўзлик йигитсиз, кани кўлни очинглар, Илоҳо иккисининг бахти очилиб кўша қарисин!

Ҳаммага кўшилиб мен юзимга кўлимни тортдим.

Аям ўрнидан илдам туриб қудаҳоланинг кавушини тўғрилаб қўйди...

– Қизингни бу ёққа чақир-чи, – деди дадам аям қайтиб кириши билан.

Аям остонада туриб қолди:

– Кўп қаттиқ уришиб юрманг, ахир унаштириб қўйдик-ку!

– Чақир!

Дадамнинг амрини дарҳол бажо қиладиган аям бу сафар нимагадир шошилмас, дадамга ялинганнамо, эркаланган бир нигоҳ билан боқди:

– Дадажониси ўзингизни босинг, хўпми?

– Чақир, – деди дадам юзини четга буриб.

– Обишқажон, обишқам, ўзингизни босинг!

Аям дадамга қарай-қарай чиқди, бироз ўтмай опамни бошлаб келди.


Дадамнинг аччиғи чиқиб турганини аввалдан билганми, Саодат опамнинг қовоғи солиқ, кўзлари ёшланган, салом берди, бурчакка – аям кўрсатган жойга чўккалаб ўтирди, кўйлагининг этагини тиззасидан пастга тортиб қўйди.

Дадам босиқ бир нигоҳ билан опамни кузатганча бош қимирлатиб алик олди, опам ер чизиб ўтирарди, аям унинг ёнига чўкди.

– Бунингнинг фарқига қара, фарқини қийшиқ очадиган бўлиб қолибди! Нозагини¹ бўяйди!..

¹ Нозак – киирик (шева).

Ха, опам илгари фарқини мана бундай очиб, сочини силлиқ тараб юрарди. Ҳозир эса фарқини сочининг кўп қисмини ўнг томонга қолдириб бунақа, дадам айтганидек кийшиқ очади, фарқини икки хил очиши ҳам опамга ярашади. Бунинг нимаси дадамга ёқмаяпти экан?!



Дадам опамга эмас, балки аямга қараб гапирарди, гўё опамни эмас, аямни уришаётгандек эди.

– Куёви билан ҳали у бурчакда, ҳали бу бурчакда учрашармиш, қуда томондан қочмасмиш... Ҳаммасини билиб юрибман, билиб юрибман-у, индамаяпман...

Опам пиқиллаб йиғлади, аям айб менда дегандек бошини ҳам қилиб ўтирибди.

– Сенга гап қайтарармиш!.. Оқила, оқила деб мактасак, нима бало оқиланинг ҳам ақлини оляптими?

Дадам ўшқириб-ўшқириб охирида аямга:

– Қара қизингга, қара! – дедию ўрнидан шахт туриб чиқиб кетди.

Дадам чиқиб кетиши билан қўшни хонада ўтирган аммамнинг қизи Эркин опа кириб келди, йиғлаётган опамни овутмоқчи бўлди:

– Юринг дугона, ташқарига чиқамиз, дадангизнинг феълини биласиз-ку!

– Қуддус жинни, айни қуда олдида «Поччамни кўрдим» деб мактанмаганда олам гулистон эди, – деди аям мени уришган оҳангда, сўнг опамга бурилди:

– Кўп ҳикиллама, отангнинг сўккани сўк оши, ургани ун оши.

Опам жимиб қолди.

– Иккинчи марта буни ҳеч қаёққа олиб борманг. Шунақа ҳам гап терадиган, чақимчи бола бўладими? – деди Эркин опа қорамалдоғи билан менга пўписа қилиб.

Мен лабимни осилтириб бурчакда ўтириб олдим, ҳамма мени уришди-ю, опамнинг ўзи бир оғиз ҳам аччиқ гапирмади, хабар етказишимдан дадамнинг бундай жаҳли чиқиб кетиб опамни уришиб беришини сира ҳам кутмагандим, қайта дадам севиниб кетса керак, деб ўйлагандим.

3

Эртаси куни уйғонсам опам ҳовли супураётган экан, ётган жойимда секин оразига бокдим, кизик, унинг оразида кечаги ғам-аламдан асар ҳам қолмаганди, опам мени қараётганимни сизди.

– Қуддусжон, қани турмайсанми, мактабга борадиган вақтинг ҳам бўлиб қолди, – деди.

Мен ирғиб турдим: опам, опажоним қандай яхши-я! Мен аҳмоқ эса уни кеча хафа қилиб қўйдим. Энди поччам билан қанча гаплашса ҳам, холам дадангга бориб айт деса ҳам дадамга айтмайман! Шу чоқ бу қароримни опамга айтгим, унинг бўйнига осилиб кечаги ўзим англамаган ҳолда чақимчилик қилганим учун ундан узр сўрашни истадим. Аммо у супуриндини хокандозга солиб тез-тез юриб бокқа ўтиб кетди. Мен енгил тортдим...

Мактабга қўнғироқ чалинмасдан сал илгари етиб бордим. Эрмат муаллим саломлашиб ҳаммамизни бир қўздан кечирди, бир пайт нигоҳи менда тўхтади:

– Қуддус Мусожон ўғли!

Мен ўрнимдан қўпдим.

– Қани, бу ёққа чиқиб тахтага белгиларни ёз-чи.

Муаллим ўтган гал қандай ёзишни ўргатган эди, у курсига ўтириб журналга ёза бошлади.

Тахтадаги чизиклар орасига «А» ҳарфининг ярим белгиси ёзилган эди. Чизиклар орасига ярим белгини ҳафсала билан тўлдиргач, «А» ҳарфини ёзишни билишим билан мактангим келдию чизиклар пастига бир неча қатор қилиб «А» ҳам ёзиб қўйдим, буни кўрган болалар ўзаро шивир-шивир қилишаётган эди, муаллим аввал уларга, сўнг менга бурилиб қаради.

– Эҳа, ҳарфнинг ўзини ёзиб қўйдингми? Яхши! Мен ўзимча гурурланиб индамай турдим.

– Ҳа, сен боғчага борганмисан?

– Йўқ.

– Унда қандай ўрганиб олдинг?

– Саодат опам ўргатган.

– Яхши, яхши... Алифбони ўқий биласанми?

– Ҳа, билади, – деб менинг ўрнимга Қўлдош жавоб берди. Боғда ўйнаганимизда мен унга «Алифбо»ни ўқиб берардим.

– Яхши, яхши...

Муаллим Одилга қаради:

– Халифа, сен бу ёққа чиқиб болаларга ёздир, (сўнг менга боши билан адаб партаси томон иншора қилиб) бу ёққа ўт-чи, – деди.

Мен адаб партасига қарадимю юрагим хиёл орқага тортди, чунки кеча Қўлдошни бу партага ўтказди. Кийимларига, сочи қиртишлаб олинган бошига назар ташлади, сўнг:

– Қўлингни парта устига қўй, – деди.

Қўлдош қўлини парта устига қўйган эди, муаллим:

– Нега тирноғингни олмадинг? – деб таёқча билан қўлига бир урди.

Қўлдош йиғлаб юборди.

– Йиғлама, бундан кейин таёқ емай десанг, қўлингни тозалаб ювиб, тирноғингни олиб юрасан, – деди.

Алхол мен бир зум иккиланиб туриб қолдим,
Одил чикқач, адаб партага ўтирдим.

Муаллим менга ҳам бошдан-оёқ разм солди, гарчи қўлимни совунлаб ювиб, тирноғимни олиб келган бўлсам-да, қўрқибгина қўлимни парта устига қўйдим. Муаллим:

– Яхши, – дедию парта устидаги китобга ишора қилди, – ўқи-чи!

Мен аввал бироз тутилдим, сўнг ўзимни қўлга олгач, дадил ўқий бошладим.

– Дуруст, – деди муаллим. – Энди сен (у китобни варақлаб ярмидан кейинги бетларни очди) мана бу хикояларни ўқийвергин, кейин нимани ўқишни ўзим айтаман...

Муаллим менга ҳали топшириқни тўла тушунтиргани ҳам йўқ эдики, синф эшиги очилиб новча, қорни костюми ичига тарвуз қўйгандек қапмайган, қоп-қора, жингалак сочлари ялтираб пешонасига тушган, қора галстук билан оқ қўйлаги ёқасини маҳкам бўғиб олган киши иккиси ҳам бир хил – қўқ қўйлак устидан оқ фартук таккан, бир хил портфель кўтариб олган қизчаларни эргаштириб кирди; у бақбақасини осилтириб, кўзларини олайтириб муаллимга, сўнг болаларга қаради, ёзув тахтаси олдига келгач, ўрнимиздан қўпдик, бирдек салом бердик. Муаллим у киши билан қўл бериб кўришди, сўнг Одилга ўтиришга ишора қилиб бизга юзланди:

– Болалар, бу киши мактабимиз илмий мудир – Сулаймон Замон!

Сулаймон Замон икки қўлини кўтариб-тушириб «Ўтиринглар!» деб ишора қилди, сўнг домлага қараб деди:

- Болаларингиз нечта?
- Йигирма олтита.
- Хўш... Бўш партангиз борми?
- Йўқ.

Сулаймон Замон мен ўтирган партага қаради. Унинг кўзи шунчалик катта эдики, худди бузукчамнинг кўзига ўхшарди.

– Бу-чи? (у муаллимнинг жавобини кутмай) хим-м... Бу адаб партангиз-да, а? Мунақа ишларни йиғиштиринг, у замонлар ўтиб кетди, демаганмидим?! Алмисокдан қолган усулларни қўллаб ота-оналарнинг калласини заҳарлайсиз-да, ҳамма боласини сизда ўқитаман деб бошимни оғритади! Бу қизча – Калима, Парпи дўхтирнинг қизи (бодомқовоғи туртиб кошининг ўртасини эгиб қўйгандек кўринадиган, ёноғи бўртган, тимқора кўзлари филтиллаб йилтираб турган бу қизча жуда ёқимтой эди, алҳол ўзи ҳақида гапирилаётганда хиёл чўзиқ юзи қизариб кетди, жойида қимирчилади, тиззалари эгилди), бу эса Саҳоб солиқчининг қизи (Калиманинг ёнидаги кўзларини пирпиратиб турган буғдойранг қизга ишора қилди) – Баҳри. Улар сизда ўқийди.

– Улар менинг рўйхатимда йўқ, – деди Эрмат муаллим норози оҳангда.

– Қўшни мактабда экан, сизга ўтказамиз, журналингизга ёзиб қўйинг (мудир менга қараб) сенинг жойинг қаерда?

Мен қорамалдоғим билан жойимни кўрсатдим.

– Ўт жойингга!

Мен жойимга боришим билан қизларга қараб:

– Сизлар мана бу партага ўтиринглар, – деди адаб партани кўрсатиб. – Адаб партангизни йиғиштиринг домла, ўзи парта етишмайди.

Қизчалар апил-тапил адаб партасига ўтириб олишди-да, портфелларини парта тагига қўйишди.

Сулаймон Замон бақбақасини осилтириб викор билан қараб:

– Хайр, – деди.

Биз муаллим ишорасига қараб ўрнимиздан қўпди-гу жўр бўлиб хайрлашдик.

Сулаймон Замон чап қошини кўтариб Эрмат дом-
лага чимирилиб қарадию полни лорсиллатиб юриб
чиқиб кетди.

4

Қўлдош билан мактабдан қайтаётган эдик, катта
йўлдан икки томонига япон тутлари экилган кўчага
ўтишимиз билан тутлар орасидан тўсатдан кимдир
олдимиздан чикди, беихтиёр иккимиз ҳам орқага ти-
сарилдик, у кимса эса менинг номимни атаб чақирди:

– Қуддусжон! Қўркманглар бу мен.

Қарасам – поччам! У сочини устара билан кирдир-
ган, дўппи атрофидан бош териси ялтираб кўриниб
турибди, оқ кўйлагининг енгини шимариб олган.
У биз билан қўл бериб кўришиб кулиб юборди.
Мен енгил тортдим, чунки у олдимиздан чиққанда
«нега дадангга айтдинг, ахир сен билан келишиб
олгандик-ку», деб уришса керак деб ўйлагандим,
кулдими, энди уришмаса керак.

– Оббо Қуддусжон-ей! Яна қовун туширибсан-у!
Ҳа-ха...

Қўлдош бир поччамга, бир менга қаради – хай-
рон қолди.

– Сендан ўғил болача илтимос, мана бу хатни
Саодат опангга бериб қўйгин. Фақат бошқа ҳеч
кимга кўрсатма! Сенга ишондим-а!

У қўлимга липофани тутқазди, мен хатни олиб
портфелимга эмас, балки кўкрак чўнтагимга солиб
қўйдим.

– Эҳтиёт қил!

Поччам қулоғимдан чўзиб қўйди-да, яна тутлар
орасига кириб кетди.

Боядан бери поччамни кузатиб турган Қўлдош
энди тилга кирди.

– Поччанг шу йигитми?

Мен бош ирғаб маъқулладим.

– Жа келишган экан-а! Мушаклари ўйнаб чиқибди.

Поччамнинг Қўлдошга ҳам ёққанидан ўзимча фахрландим.

– Даданг «Хизматга бормаса, кизимни бермайман, дебди-я!»

Мен индамадим...

Ховлига кирсам опам куви пишаётган экан, муаллим ўргатганидек дона-дона қилиб:

– Ассалому алайкум, – дедим.

У кулиб алик олди.

– Келдингми, Қуддусжон? Хўш, бугун нечта беш олдинг?

– Битта.

– Эйи, оз-ку.

Атрофга аланглаб ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач кўкрак чўнтагимдан липофани чиқариб опамга узатдим.

У:

– Бу нима? – деди хайрон бўлиб.

Мен индамадим. У атрофга бир аланглади, дархол липофани олдию ошхонага қараб юрди.

– Ечиниб кийимларингни алмаштир, ҳозир чой дамлаб бераман, – деди чиқа туриб.

Мен кичик уйга қараб юрдим.

* * *

Орадан бир ой ўтди. Эрталаб туриб ташқарига чиқсам оппоқ, паға-паға қор ёғмоқда эди. Бирам чиройли. Ҳали баргларини тўла ташлаб улгурмаган дарахтларнинг шохларига қорлар оғирлик қилиб эгилди. Ёнғоқ, ўрикларимизнинг шохи синмади-ю, пайванд гилосимизнинг шохи синиб кетди, аямнинг ичи ачиб гилос шохидаги қорни қоқиб улгурмага-

нидан афсусланди. Уйдаги ишларимиз ҳам бирдан камайиб қолди, фақат опаларим билан молларга хашак, сув бериб келамиз, сўнг чўғ солинган, бозиллаган танчада маза қилиб ўтирамиз. Аммо шу куни мен учун бир кўнгилсизлик бўлди – зотчам йўқолиб қолди. Саодат опам охири бор айвондаги тандир ёнида босилган гўзапоялар устига қўниб совуқдан қунишиб қолганини кўрган экан.

Ичим ачиб кетди. Гўзапояларнинг тагини, саъйисхонани, оғилни қидирдим, чақирдим, қор кечиб кўмилган тоқлар орасидан ҳам изладим. Бироқ ҳеч қаерда йўқ эди, йўқ эди. Қоронғи тушгунча изладим, совуқдан кўкариб кетсам ҳам қидирдим.

Наҳот аям айтганидек мушукми, итми еб қўйган бўлса-я?! Ё дадам айтганидек шерикларига қўшилиб шаҳар яқинига учиб кетиб қолдимикан, деб ўйладим. Агар мушукми, итми еб қўйганда бирор жойда зотчанинг патларини кўрган бўлардим. Наҳотки, уйимизни, мени ташлаб шерикларига қўшилиб кетса? Ахир мен унга қанча чигиртка ушлаб бергандим, истаганча дон...

Қоронғи тушди, кўнглим ёришмай уйга қайтдим. Ошхона олдида чойнак кўтариб чиқаётган аямга дуч келдим.

– Вай-бўй, кўкариб кетибсан-у!

Ховли чироғининг хира ёруғида ҳам аям афтимга қараб совқотганимни сизди.

– Ма, олиб кир, меҳмонлар келишган.

Мен аямнинг қўлидаги чойнакни олдим, катта уйдан овозлар эшитилмоқда. Пальтомни дахлизда қолдириб ичкарига кирдим.

Тўрда Исожон тоға, унинг ёнида Уста бобо, амаким, Абдурауф ака, кейин Рашид ака, Мусулмонқул акалар, дадам эса пастроқда ўтиришибди. Салом бердим. Алик олишди. Чойнакни дадамнинг олдига қўйдим-да, ёнига ўтирдим.

Исожон тоғам чой қуяётган дадамга назар солиб:

– Полвон ҳам қарияптими, дейман?! – деди.

– Тоға, қаримай осмонга устун бўлармидик, – деди дадам Уста бобога пиёлани узата туриб.

– Булар ёшлигида зап йигит эди-да! – деди уста Файзи бобо дадамга қараб. – Бир куни Тошлокқа борсам хашарга аталган қўйни ўғри уриб кетибди. Мен: «Бир кун гўштсиз овқат бўлса ҳеч нарса қилмас», – деб уй эгасини тинчитдим-да, хашарни қолдирмоқчи бўлганига қарамай, ишни давом эттиравердим. Ўзи бу қишлоқда бир кун бировнинг қўйини ўғрилашса, эртаси куни бошқасининг сигири йўқолар экан. Бизнинг қишлоққа ўғри ҳам ораламайди, нега сизларнинг қишлоқларингиз бунақа нотинч, деб сўрасам, «О, Мусожон полвон, Абдурахмон, Абдусаломлар бор қишлоққа ўғри қайси юрак билан оралайди», – деб жавоб беришди. Шунда жуда хурсанд бўлдим. Борингизга шукр, Полвонжон!

– Бизнинг маҳаллагаям денг, ўғри бир оралаган... – деди Акрам амаким кулиб.

– Шуни айтинг, – деди Рашид ака дадамга қараб.

Сўнг ўзи ҳикоя қила кетди...

Айни очарчилик йили. Етти жўжасини зўрға боқаётган Соҳиб қори сигири билан бузоғини оғилга эмас, балки тўрдаги уйга боғлаб, ўзи этакдаги уйда ётади. Бир куни ярим тунда юзига ниқоб тутган ўғрилар кириб Соҳиб қорини оғзига латта тикиб устунга боғлашади-да, сигир-бузоқни ҳайдаб кетишади. Саҳарда Соҳиб қори бир амаллаб бўшалади-да, тўғри дадамнинг олдига келади, дадам Соҳиб қорининг галини жим эшитади, сўнг отини жадал эгарлаб тўқайга қараб чоптириб кетади. Тўқайда Хидиркал деган ўғрибошининг уяси бор экан, тўғри шу

жойга етиб боради, ўғрилар энди молни сўймоқчи бўлиб туришган экан. Дадам Хидиркалнинг устига отни бостириб бориб ўгрининг елкасига тарсиллатиб қамчи билан солади, ўғрилар дадамга ташланмоқчи бўлган экан, Хидиркал уларни тўхтатади, дадамга қараб:

– Мусожон ака узр, ўлиб қолибмиз! – дебди.

Дадам сигир-бузокни ўзи ҳайдаб келиб Соҳиб қорига топширган экан.

– Абдурахмон акани айтмайсизми? Вай у кишининг савлатидан от хуркарди, – деб қўйди Мусулмонкул ака.

Рашид ака ҳам унинг гапига қўшилди:

– О, Абдурахмон ака! Бунақа зўр йигит бу ўртада йўқ эди-да! Унинг бадани ҳам тош бўлиб кетганмиди, дейман. Баъзан чалқанча тушиб ётиб, мени оёғи билан кўтариб оларди-да, фил суякли пичоғини менга берарди, ўзи бепарво ҳолда дуторини чалиб ётарди-да, менга: «Пичоқни ташла!» – дерди. Мен қўрқиб-қўрқиб пичоқни ташлардим. Пичоқ кўкрагига учи билан тушиб, худди резинкага теккандек сакраб кетарди.

– Дутор чертишни ҳам қотириб юборарди-да! – деди Абдурауф ака. – Бир куни кечаси Абдусалом ака маст бўлиб, бизникига келиб қолди. Дутор чалиб бергин, деди. Ҳа майли, қайси куйни чалиб берай десам, Абдурахмон чаладиганини чал, деди. У қанақа куй эди, десам, билмайди. У куйни чалсам, йўқ, дейди, бу куйни чалсам, йўқ дейди. Из-из йиғлайди. «О, Абдурахмон! Абдурахмон!» деб бошини чангаллаб бўзлайди. Охири «Абдурахмон чалган куйни чала олмадингми?! Сен машшоқ эмассан!» деб сўкиб-сўкиб чиқиб кетди.

– Ха, Абдурахмон «Жазоир» деган бир куйни жуда эзиб-эзиб чаларди-да! Шундай чалардики, одам ўтирган жойида эриб кетарди. Бу куй эс-эс кулоғимда қолган, – деб дадам Абдурауф аканинг гапини тасдиқлади.

– О, ўзиям Абдурахмон ака йигитмисан йигит эди-да! Мен дунёга келиб бундай барваста йигитни кўрмаганман! – деди Рашид ака бошини сарак-сарак қилиб.

– Бир йигит қирқ йилда бино бўлади, Абдурахмон бир келди-да! Майли гаштакни шу жумадан бошлай-веринглар, – деди Исожон тоға. – Йигитлар, энди сизлар суҳбатлашиб ўтиринглар! Мен борай! – Исожон тоға ўрнидан қўзғалди. Ҳамма унинг ҳурматиға ўриндан турди. Исожон тоға олдимдан ўтаётганида мени эркалатиб, қорамалдоғи билан ўнг бетимга тегиниб ўтди. Шунда мен унинг кўзлари ёшга тўлиб турганини кўриб қолдим.

Дадам билан уста Файзи бобо тоғани кузатиб қайтиб келишди.

– Абдурахмонни бекор эсларига солиб юборибмиз-да! Ахир у кишининг жияни бўлади-ку! – деди Уста бобо жойига ўтираркан, – Абдурахмоннинг келбати тоғага тортган эди-я!

Рашид ака ҳам унинг гапини тасдиқлади.

– Тоғамнинг номуси кучли-да. Ташқарига чиқканда менга кўрсатмай кўз ёшларини артиб олишга ҳаракат қилди-ю, барибир илғаб қолдим, – деб унга қўшилди дадам.

– Эсламай десанг ҳам эсларкан-да, киши. Ахир шундай йигит урушга жўнадию ном-нишонсиз кетди-я! Бирор фарзанди бўлганда ҳам одамга алам қилмас эди! – Рашид ака куюниб пешонасини ушлади.

– Уруш бошланганда мен райкомда ишлардим, броним бор эди, – деб ҳикоя қила бошлади дадам. –

Бир куни харбий комиссариатдан фронтга кетаётган йигирма кишини Самарқандга кузатиб борасан, деб топшириқ беришди. Самарқандга кетаётганимизда Ашраф билан Носир деган йигит ўзини поезддан ташлаб қочиб кетишди. Шаҳарга борганимиздан сўнг, харбий комиссариатда «Икковини топиб келасан, ё ўзинг урушга жўнаб кетасан!» дейишди. У номардларни энди қайси ковакдан ҳам топаман, деб ўйладим-да, «Ўзим кетавераман», деб жавоб бердим. Қайтиб, Жиззахдан ўтаётганимизда уйдагилар кимдандир урушга кетаётганимни эшитишиб, вокзалга чикиб, уч кундан бери пойлаб ўтиришган экан, йиғлаб-сиктаб қолаверишди. Хайр-маъзур қилдигу фронтга жўнадик. Қарангки, тўрт йил жангу жадалда бўлиб, қон кечиб, бирор жойимга тиф тегмабди. Хандақимиз устидан душман танки бостириб ўтса ҳам, бошимиз устидан ўқ ёмғирдек ёгса ҳам... Аммо кўркиб бирор ёққа ташлаганимни билмайман. Фронтдан келсам, халиги қочоқ Ашраф шол бўлиб қолибди, Носирнинг эса калласи айнибди.

Дадам анча жимиб қолди.

5

Катта уйга дастурхон тузалиб, атлас кўрпачалар тўшалди. Ҳаммадан аввал Мусулмонқул ака, Рашид, Сайид акалар кириб келишди. Улар гапга тай-ёргарликни кўздан кечиришгач, Мусулмонқул ака дадамга:

– Пишиқроқ матодан берасиз-да, Полвон ака, – деди.

Дадам тоқчадаги йиғилган кўрпачалар устида турган бир қулочча келадиган бўзни олиб кўрсатди. Мусулмонқул ака Сайид акага ишора қилди. Сайид ака матони олиб: «Бўлади», дедию бир зумда бўздан дурра тўқиди.

Биламан, бу дурра билан базм пайтида қарсак чалмаган, яхши тартиб сақлаб ўтирмаганларни боплаб гурсиллатиб туширади. Шунинг учун ҳамма жон-дили билан қарсак чалиб, базмга бирдек хурсандчилик билан катнашиб ўтиради.

ХА, ХАММА ШУНДАЙ ХУРСАНД, ШУНДАЙ ҚУВНОҚ БИР ҲОЛДАКИ!.. ҲОЗИР ҲЕЧ КИМНИНГ ЎЗИ БИЛАН ЎЗИ ОВОРА БЎЛИШГА ЁХУД ҒАМГИН БЎЛИШГА ҲАҚИ ЙЎҚ. АКС ҲОЛДА ДУРРА ЕБ ҚОЛИШИ ТУРГАН ГАП. БИРГА ЎЙНАБ, БИРГА КУЛИШ ШАРТ!

Шўрва ҳам тортилди. Тезроқ базм бошланишини кутиб, Қўлдош, Нарзиқул (Рашид аканинг ўғли), Саъдулла (Уста бобонинг невараси) билан бир бурчакка тикилиб олганмиз.

Худди шу пайт даҳлизнинг эшиги тарақлаб очилиб кетиб, ташқаридан дупур-дупур кадам товушлари эшитилди. Мен пойгакдан ирғиб туриб, ўзимни четга олдим. Даҳлизда бир-бирини суяб олган Абдусалом тоғам, бир қўли йўқ Зокир амаки пайдо бўлишди:

Хамма: «О, келишди!» дейишди гуриллаб, баъзилар ўрнидан туриб уларга жой бўшатмокчи бўлишди. Лекин улар иккаласи ҳеч кимга парво қилмай бир-бирига суяниб пойгакда туришарди. Зокир амакининг юзи кизариб-униқиб кетган, хўнг-хўнг йиғлаб, ғазал ўкий бошлади:

Ёрсиз, бодасиз, Маккага

бормоқ на керак?

Иброҳимдан қолган ул эски

дўконни на қилай!

У шу байтни айтиб бўлиши билан Абдусалом тоғам товуши борица:

– Дод! – дедию байтни такрорлади:

Ёрсиз, бодасиз, Маккага

бормоқ на керак?

Иброҳимдан қолган ул эски

дўконни на қилай!

Улар шу ҳолда бири бошлаб, бири тўхтаб ғазални тугатишди. Зокир амаки сўнгги байтни айтиб бўлдию Абдусалом тоғамга суяниб йиғлаб юборди. Иккаласига юқоридан жой беришди. Зокир амаки кўз ёшларини артиб, деди:

– Мен йиғламай ким йиғласин! Бутун умрим куйиб адо бўлди-ю! Биласизлар, айти қирчиллама йигит эдим. Колхозда ишлардим. Бир ўзим уч-тўрт йигитнинг ишини қиламан, уч норма чопиқ чопаман, ҳар куни ишга чиқаётганда бир қоп гўнг кўтариб кетиб далага соламан. Стахановчи, деб мукофотлар беришади, газеталардан келиб расмга олиб кетишади. Бир куни даладан келсам, аям раҳматлик йиғлаб ўтирибди. Мени кўриб бағримга отилиб яна уввос тортди:

– Болагинам, дадангни милиция олиб кетди!

Юрагим шиф этиб:

– Китобларни топиб олишдими? – дедим шошиб...

Дадам Бухородаги мадрасада ўқиган, ўша ердан олиб келган бир қоп китобини қаерларгадир яшириб юарди. Иккимиз киши билан ўқиб маза қилардик, айби арабча ёзилгани эди.

Коржомамни ташламай, юз-қўлимни ҳам ювмай милицияхонага жўнадим. Аям: «Болажоним, яна милиция билан айтишиб юрма! Такдирда борини кўраимиз», – деди.

Бордим, авзойимни кўриб бир навбатчиси турган экан: «Ҳа, тинчликми, стахановчи?!» деди. «Дадам-

ни ким олиб келди?» дедим. «Нима бунча ваҳима қиласан, участкавой гаплашяпти, жуда тихирлик қилаверса, уч-тўрт сўм берсанг иш битади».

– Дадам одам ўлдирибдими, нима гап ўзи? – дедим.

У елкасини қисди. Сўнг участкавойнинг олдига киритди.

Қарасам, дадам бечора бир бурчакка қисилиб, мушукдек писиб ўтирибди. Участкавой нималардир деб ўшқиряпти экан. Гапини аниқ эшитолмадим. Участкавой мени кўриб сал пасайди:

– Бу стахановчи ўғлингизми? – деди.

– Ёлғиз ўғлим, шу болам, – деди бечора.

– Нима гап катта? Дадамни қишлоқдан сазойи қилиб ҳайдаб келибсиз? – дедим.

– Сиз стахановчиман, деб ҳисоботларда раисларни тергаб юргандан кўра ўз уйингиздаги жинойтнинг олдини олсангиз бўлмайдими?

Мен хайрон қолдим:

– Қанақа жинойт?

– Дадангиз тўйларга бориб никоҳ ўқирканлар?!

– Никоҳ ўқиш мумкин эмасми?

– Мумкин эмас! Ана давлат ЗАГС очиб қўйибди. Даданг никоҳни текинга ўқимайди, пул олади, пул! – деди бармоқларини ўйнатиб, – бу эса ноқонуний даромад.

– Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

– Нима қилардик, қамаймиз, мана ўзиям айтиб берди, ёзиб олдик. Энди актлаштирамиз.

Кўз олдим қоронғилашиб кетди, бирдан миямга қон тепди, столи устидаги қоғозни йўқ қилсам ҳамма нарса тинчиб кетадигандек туюлди. Яна кечаги ҳисоботда раисни танқид қилганим ёдимга тушди, бу участкавой ана шу Исмат раиснинг куёви – Шоди эди. Ўзимни ҳеч тутиб туrolмадим, бир сакраб

стол устидаги қоғозга чангал солиб олдимۇ қоғозни йиртиб-йиртиб милиционернинг юзига отдим. У эса ирғиб туриб, қулоқ-чакамга тушириб қолди, дадам: «Дод!» деб ўртага тушишларига қарамай Шодининг қаршисига бордим-да:

– Уриш бунақа бўлади! – деб энгагидан солдим, бурчакка учиб кетди...

Кейин билсам, ҳисоботда Исмат раисни танқид қилганим бошимга бало бўлган экан, ўша йиғилишда райкомдан Иброҳим ака деган бир вакил катнашган эди, хайъат аъзоларига: «Ақли пеш йигит экан, шуни раис қилиб сайласаларинг дуруст, бу Исмат-вой сизларни хали анча қийнаб қўяди, мен котибга бориб шу фикрни айтаман», дебди. Кейин Исмат билан унинг тарафдорлари дадасини шундай қилиб обрўсизлантирсак, раис бўлолмайди, деб фитна тайёрлашган экан, мен ғофил буни тушунмай Шодини уриб қўйибман. Иброҳим ака дадамнинг чиқишига ёрдам берди. Мени удда қилолмади, раиснинг куёви Шоди бир ой касалхонада ётиб олди. Каминага беш йил иш беришди, шу вақтда уруш бошланиб қолдию штрафной батальон бўлиб урушга жўнадик. Адолатсизликнинг каттасини ўша ерда кўрдим. Бизни энг оғир жойга биринчи ташлайди, биз фашист билан жон аччиғида олишамиз, тутдек тўкиламиз, душманни роса ҳолдан тойдирганимиздан кейин орқадан бошқалар: «Урра, урра!» деб югуришади. Қамокдан борганим учун мени ҳам одам ўрнида кўришмайди. Жангда ишни биз қиламиз, мукофотни эса бошқалар олади. Мен бир озарбайжону бир грузин билан бирлашиб олганман. Дадам, аям хурсанд бўлиб туришсин, деб жангга киришдан аввал мабодо куним битган бўлса ҳам уларни хурсанд қилай, деб олдиндан беш-олтита хат ёзиб қўяман. Борис деган бир белорус батальонга командир бўлиб қолдию мени ҳам оқлаб бир орден олиб берди.

Куним битмаган экан, бир кўлимдан айрилиб бўлса-да қайтиб келдим, дадам бечора йиғлайди: «Болам мен сенинг бахтингга зомин бўлдим!» деб. Исмат раис камалиб кетибди, куёви ишдан бўшабди. Иброҳим ака районга котиб бўлиб келиб қолдию мени чўлдаги совхозга бошқарувчи қилиб қўйди. Бир куни даладан келсам, дадам: «Правда», «Известия» газеталарини ўқиб ўтирибди.

– Русчани биласизми, дада? – дедим хайрон қолиб.

– Ўғлим, тил билган яхши, – деб у киши кулди.

Қаранг, мустақил русчани ўрганиб олган экан. Арабча билан форсчани сувдек ичарди. Аммо бечора отам кун кўрмай ўлиб кетди. Ўша мелицияхонадан келгандан бери бирор тўйга бормабди. Тўй кўрмай ўтиб кетди, отагинам. Биламан, у менга гап тегмасин, деб шундай қилди. Эй, менга бало урармиди? Мен ҳаммасини кўриб келган бўлсам, отагинам, мана бошқарувчилигини ҳам топшириб юбордим. Амални топарман, аммо сизни қайдан топаман, отагинам!

У изиллаб йиғлаб юборди:

– Биродарлар! Менинг қолган умрим фойдага қолган. Уруш тугаб уйга борсам, фақат ўйнайман, куламан, дегандим. Мана, келсам Абдурахмон йўқ! Мурод йўқ! Мен энди ким билан ўйнаб, ким билан куламан! Қани айтинг, ким билан?! Шунинг учун...

Орага жимлик чўқди.

6

– О, урушда нималар бўлмайди, дейсиз. Биз ҳам Кавказда хизмат қилганмиз, – деб қолди оғир хўрсиниб Мамажон ака.

– Эй, ана шундан гапиринг-да! – дейишади атрофдагилар шовқинланиб, Мамажон ака Кавказда ярадор бўлиб ётгандаги бошидан кечирган воқеани илгариги йиғилишларда ҳам айтиб берган, лекин

ҳамқишлоқларимиз шунга қарамай унинг ҳикоясини қайта-қайта тинглашга иштиёқманд эдилар.

Мамажон ака яна бир ҳўрсиниб қўйди-да, ҳикоясини бошлади:

– Уруш бошланганида мен эндигина ўн олти ёшга тўлган йигитча эдим. Ана тугайди, мана тугайди дейишгани билан уруш уч йил ўтса ҳам тугамади. Охири, мен ҳам чақирилдим. Мен урушга жўнаётганимда, Исожон тоға эрталаб уйимизга келди. У мени бағрига босиб, «Йигит пири қўлласин!» деди.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тоғанинг шу гапи то бугунгача дилимга қувват бўлди. Урушда юрагим орқага тортганда, тоғанинг гапи ёдимга келар, гўё йигит номига иснод келтираётгандек эдим. Ростини айтсам, тоғанинг шу гапи мени барча балоқазолардан сақлаб келганга ўхшайди. Гурзуф, Қрим, Ялтада урушдим, қирқ тўртинчи йил ўнинчи май куни Севастополга кириш пайтимизда қаттиқ бир портлашни эшитдим-у, нима бўлганини билмайман. Бир маҳал кўзимни очсам, бошимда бир ўзбек киз турибди. Буғдойранг, миқти, дуркун қоматли бу кизга оппоқ халат қуйиб қўйгандек ярашар, кўзлари қоп-қора, ўсиқ қошлари эса бир-бирига туташган. Мен ўзимни Ўзбекистонга олиб келишибди-да, деб ўйлабман. Атрофга қарасам, касаллар ётибди, бошимни кўтариб оёқларимни кўрмоқчи бўлдим, лекин киз мулойим жилмайиб кўкрагимдан босди. Шунда нуқул «Оёғимни кесишган-ов!» деган ўй мияда чақиндек чакнади! Чунки, ўнг оёғимнинг бор-йўқлигини сезмаётган эдим! Ҳамшира қизни шунинг учун менинг олдимга қўйишган бўлса керак!

– Жон синглим, оёғимни кесишдими? Қани бир кўрай, – дедим зорланиб ўз тилимда. Мен қизнинг ўзбеклигига зарра шубҳа қилмаётган эдим. Унинг меҳрибонлик акс этиб турган юзи бир дамда ўзгарди.

Менинг кўрқиб кетганимни билиб, бошини сарак-сарак қилиб:

– Йўк, Йўк! Қардош, оёғинг бурда! – деб тўшакни кўтарди.

Минг шукрки, оёғим бор экан. Қизнинг гапидан озарбайжон эканини билиб олдим. У мени бир танишига ўхшатиб юборган, шунинг учун тикилиб турган экан. У Ўзбекистондан эканлигимни билиб жуда хурсанд бўлиб кетди. Унинг ота-оналари Фарғона шахрига эвакуация қилинибди. Ўзи ўқишни битириб, уруш бошлангандан бери ҳамшира бўлиб ишлаётган экан. У менинг атрофимда парвона бўлиб, ярам унча оғир эмаслигини, ўнг оёғимга бомба парчаси тегиб, кўп қон оққанини тушунтирди. Биз у билан тез орада шунчалар иноқ бўлиб кетдикки, ҳатто бошқа ярадорлар ҳам ҳазиллашиб:

– Зайнаб, палатада Мамажондан бошқа касалга ҳам қарайсизми? Ё врачга шикоят қилайликми? – дейишади.

Зайнаб эса:

– Нинанинг йўғонини соғинган бўлсангиз, марҳамат! – деб пўписа қилади.

Ўша кунлари ўнг оёғим оғриқдан зиркирайди, калламда қандайдир шовқин ўрнашиб қолган эди-ю, аммо юрагим бошқача уради. Тўрт мучам соғ-саломат бўлганда ҳеч қачон ўзимни бундай ҳис қилмагандим. Қизиқки, шу ҳолга тушиб, бу ерда Зайнабни учратганимдан хурсанд ҳам бўлдим.

Шу жонон қизнинг мадади билан бир ойга бормай оёққа турдим. Болдиримдаги бомба парчаси олиб ташланган жой, товонимдаги яра яхши битиб кета бошлади. Соғайиб қўлтиқтаёқни тарк этганимдан сўнг ҳам Зайнаб менинг олдимдан кетмас, бизнинг қишлоқларни, Фарғонани суриштирарди.

Бир куни у бирдан ўзини бағримга отиб, «Мамажон сени чўх севарам» деди-ку, менинг сулувим! (Ҳамма «Охой» деб қийқириб юборди.)

Аммо дўстларим, менинг бу бахтли дамларим узоққа чўзилмади. Соғайиб кетганимдан сўнг яна фронтга отландим. Жўнаётганимда юракдан бир шеър отилди, уни Зайнабга қараб эзилиб ўқидим:

*Кетаяпман яна жангга – узоққа,
Айрилиқнинг азобиға топиниб.
Иложим йўқ, қалбим сирли тузоқда,
Яшайман мен сени севиб – соғиниб!¹*

(Ҳамма яна «Охой!» – деб қийқириб юборди.)

Зайнаб бечора бағримга отилиб:

– Чўх севарам, хай Мамажон, гетма янимдан! – дея кўзига ҳалқоб-ҳалқоб ёш олиб, кузатиб қолди. Ўша вақтда мен негадир бу аёлни қайта кўришимга шубҳа қилмасдим. Эҳ, ўшанда бу пешонамга нима ёзилганини қайдан билай!..

– Одер дарёси бўйида мен яна яраландим, чап оёғим бироз калта бўлиб қолди. Бу орада Зайнаб билан бирор марта ҳам хат ёзиша олмадик. Уруш тугагач, Зайнаб билан келишиб олганимиздек, уйга ҳам бормасдан тўғри Фарғонага йўл олдим, суриштира-суриштира Чекшўра кўчасини топиб, бир дунё орзу-умидлар билан 128-уйнинг дарвозасини қокдим. Лекин бу уйдан икки дунём қоронғи бўлиб чиқдим. Уруш тугашига бир ой қолганда Зайнабдан ҚОРАХАТ КЕЛИБДИ! ҚОРАХАТ!!

Мен Фарғона кўчаларида ҳаммани ҳайрон қолдириб бўзлаб йиғлаб борардим. Бундай вақтда ётиб ётолмайсан, юриб дунёга сиғмайсан! Бутун вужудим қарахт бўлиб, юрагимда дардли бир тугун пайдо

¹ Олимжон Дўстматдан ёзиб олинган.

бўлганди. Қани энди, ўтқир тиф бўлсаю нақ шу юрагингдаги дардли тугунга шундай санчсанг! (У худди кўксига пичоқ ураётгандек ҳаракат қилди.) Шунда юракдан дард фориф бўладигандек! Ахир Зайнаб мен билан мана шу қишлоққа келиб, сизларнинг хотин-болаларингиз билан эгачи-сингил бўлиб яшайди, менинг кулбамни кундек ёритади, деб орзу қилгандим-да! Энди эса у йўқ!..

...Бу гапларим сизларга кулгили бўлиши мумкин. Майли кулсаларинг кулаверинглар! Лекин шу воқеани ҳар сафар сизларга айтиб берганимда, юрагим анча ёзилади.

Биродарлар, мана олти болали ота бўлибманки, ҳамон Зайнабни эслайман, унинг:

– *Чўх севарам, ҳай Мамажон,*

Гетма янимдан!

Чўх севарам, ҳай Мамажон,

Гетма янимдан!

– деб қолгани ҳеч ёдимдан чиқмайди!

Одамлар эса бир зум сукут сақлаб туришди-да, бирдан қарсак чалишиб жўр ҳолда:

– *Чўх севарам, ҳай Мамажон,*

Гетма янимдан!

Чўх севарам, ҳай Мамажон,

Гетма янимдан!

– деб такрорлай бошлашди.

Мамажон ака аввал ерга қараганча бироз жим ўтирди-да, сўнг бирдан ўрнидан ирғиб турди, забт билан чопонини ечиб ёнида ўтирган Рашид акага ирғитди-да, даврага тушиб ўйнай кетди. Одамлар эса бундан завқланиб:

– *Чўх севарам, ҳай Мамажон,*

Гетма янимдан!

– деб қайта-қайта айтиб қарсак чалишарди. Мана бу байт, кишиларнинг қарсаклари чамамда Мамажон акага қанот бахш қилаётган эди. Унинг оёғи кал-

талиги ҳам билинмай қушдек учади. У кўкрагини кериб, қўлларини бургут қанотидек ёзиб даврада чарх уради.

У чарчагунча рақс тушди, сўнг одамларнинг завқланиб олқишлаганига қарамай, «Бўлди, бўлди...» деб, юзидаги терни артиб, жойига ўтирди.

Сайид ака ирғиб туриб даврага чиқдию дурра билан Рашид аканинг елкасига бир урди:

– Ўтираверасизми, туринг-да, энди!

– Ҳа қани, бир битингиз тўкилсин! – деб қийқирди бошқалар.

Рашид ака дастлаб нозланиб ўтирди, аммо Сайид ака яна дуррани кўтариши билан ирғиб турди. Чопонини ечиб ўрнига ташлади.

– Ўлсин тентак ўлсин,

Ярашмаса ўлсин!

Бу Мусулмонқул аканинг овози эди, шу ерда ҳам ўртоғини мазах қилади-я! Ана Рашид ака ҳам ўзини тентакка солиб, гўё ярашмаган қилиқлар қилиб, алпанг-далпанг ўйнаб турдию бирдан ўзи айтиб, ўзи ўйнай бошлади:

– *Рам-рам жуфтай, шиқиллама шиқ,*

Рам-рам жуфтай, шиқиллама шиқ.

Мусулмонқул ака энди патнис олиб, кимдир узатган чўп билан патнисни ҳамма жўр бўлиб айта бошлаган мусикага мослаб ура кетди. Рашид ака эса эшилиб, тўлғаниб шундай чиройли рақсга тушардики...

Сайид ака эса даврада юриб қарсак чалиб қўшилмаганларни дўрсиллатиб солиб қолади...

Нихоят даврага Сайид аканинг ўзи чиқди:

Мени бургамни сўйдилар, – дейиши билан ҳамма хайкириб қўшилди:

Жон бургам, азамат бургам!

Сайид ака ўзининг қўшиғига махлиё бўлиб, енгил ўйнаб даврани бир айланиб чиқади-да, бироз тўхталиб қўшиқни давом этди:

– *Етмиш қадоғ гўшт қилди,*

Олтмиш қадоғ мой қилди.

Жўралар бор овоз билан жўр бўлишди:

– *Жон бургам, азамат бургам!*

Жон бургам, азамат бургам!

Сайид ака ўйнаб келиб, дадамга муқом қилди:

– *Хафа бўлманг Полвон ака,*

Калла-пойчаси сизга!

Йигитлар «хой», деб қийқириб юборишдию яна жўр бўлишди:

Жон бургам, азамат бургам!

Жон бургам, азамат бургам!

Дадам пойгакда кулиб ўтирарди. Бир пайт Сайид ака мени ҳам илиб кетди:

– *Хафа бўлманг Қуддусвой,*

Ичак-чавоғи сизга!

Йигитлар бир қийқириб олишиб яна жўр бўлишди:

Жон бургам, азамат бургам!

Жон бургам, азамат бургам!

Сайид ака даврани чарх уриб айланаркан, ўзича қўшиққа қўшмоқчи бўлган одами ёнига бориб муқом қилади-да, унга ҳам бурганинг бир парчасини ҳадя этиб кетади.

– Кичкинагина бургадан қирқ одамга етадиган гўшт топганини қаранг, бирига ҳадя қилганини бошқасига аралаштириб юбормайди-я! – деб кулди дадам.

Деразалардан, эшикдан Ширин, опаларим, Зумрад, Эркин опалар, қизлар, аёллар ҳам қизиқиб томоша қилишаётганди.

Йигитларнинг завқ-шавқи авжига чиқади.

Эрмат муаллим эртага якшанба — дам олиш деган куни опамнинг фотиҳа тўйи бўлди. Итнинг чираниб хуришидан, кимнингдир дарвоза қоқиб:

— Акача! Акача! — деб чақираётганидан уйғониб кетдим у ташқарига отилдим. Мендан илгари дадам туриб дарвозахонага борган экан, у мени кўриб:

— Итингни боғла, ошпаз келди, — деди.

— Олапар! — дейишим билан зир югуриб дарвозага даф қилаётган итим қисиниб, ғингшиб норози бир ҳолда олдимга келди, мен яна дарвозахонага югуриб бормасин деб чақириб-чақириб оғилга эргаштириб кетдим. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Хали тонг отмаган, аммо ойдин осмонда юлдузлар чарақлаб турибди, хаво намхуш, этни жунжиктиради. Итни боғлаб қайтсам аллақачон Сайид ака ҳам етиб келибди, кеча мен мактабдалигимда у ошхонамининг яқинидан катта қозонга мўлжаллаб ерўчоқ қазиб қозон қўйиб кетган экан, ҳозир ўчоққа ўтин қалаётган эди, у билан қўл бериб кўришдим. Дадам билан гаплашиб турган ошпаз менга қараб:

— Укача, укача, о-о-ота-аш йўқ, (ошпаз кучаниб-чираниб, бақувват бўйнининг томирлари бўртиб дудуқланиб, жуда қийналиб гапирарди, у дадамдан пастроқ бўлсаям елкалари кенг, чайир одам эди, у кафтини чаккасига босиб давом этди) уя-я-я-с-с-си-ин.

Мен нима деганига тушунмадим, хайрон бўлиб дадамга қарагандим, дадам кулиб:

— Маҳкам амакинг хали қуёш чиққани йўқ — эрта, укача ухлайверсин деяпти.

— Уйида тўй бўладию унинг уйқуси келармиди? — деди Сайид ака аланга олиб гуриллаб ётган оловга ўтин ташлар экан.

— Шуни айт, — деди дадам ёғ бидонни олов яқинига қўяр экан, пахта ёғи тўнглаб қолибди.

— Тоға, куёвингиз аскарликдан таътилга келса тўйга рухсат берасизми, ё хизматни тугатиб келишини кутасизми? — деди Сайид ака бидонни оловга янада яқинроқ қўйиб.

— Қўрамиз Сайидвой, Исожон тоға билан маслаҳатлашаман.

Маҳкам ошпаз ошхонадан кеча қўшнилариимиз йиғилиб тўғраб қўйган сабзини саватга солиб қўтариб чиқди, у дадамга қараб:

— Ак-аккача, қан-қанч-қанч бир-бир-инч... — деди кучаниб шакар томири ўйнаб чиқиб.

Мен унинг гапини тушунмадим, дадам эса бироз ўйланиб деди:

— Қуда томондан ўттиз одам келса, бизнинг оғайнилар бўлиб олтмиш кишига етар-ов, Сайидвой.

— Ха, олтмиш кишига етади.

— Келолмайдиган бир-икки қарияларга ҳам уза-тамиз, қўни-қўшни, оёқ ости бор, бир пуд дамласак бўлар-а?!

— Бир килони беш кишига мўлжалласак етиб ортиб ҳам қолади, тоға.

— Етмагандан ортгани яхши, — деди дадам. Сўнг ошпазга қорамалдоғи билан бир кўрсатди. Ошпаз эса маъқуллади.

Тонг ёришганда меҳмонлар бирин-сирин кела бошлашди...

* * *

Бугун паға-паға лайлакқор ёғяпти. Бирам чиройли. Иссиққина кийиниб, дадам кураб очиб қўйган йўлакдан кўчага чиқиб олдим, кўчада одам кам юрганидан йўл очилмаган, ахён-ахёнда одамларнинг излари кўзга ташланади, паға-паға қор телпагим-

га, пальтомга қўнади, худди кулоғимга бир нарса шивирлаётган ажиб сас чиқаради, атроф шу сасга кулоқ солиб жим бўлиб қолган, муюлишга етганда дарвозадан чиқиб жадаллаб келаётган Қўлдошга кўзим тушди, у бир зумда менга етиб олди.

– Қорнинг ёғишини! Зўр-а! – деди у завқланиб, – дарсдан кейин тепага чиқасанми?

Мактабимиздан сал нарида қадимги Тупрокқўрғон қалъаси ўрнида тепалик бор эди. Қор ёққан пайтлари бу жой болага тўлиб кетади, биров чанада, биров эса портфелига ўтириб олиб учади, бошқалари қорбўрон ўйнайди, оппок қорга йиқилиб думалаш ҳам маза!

– Ха, албатта, – дедим.

Мактабимиз долонига кириб борсак синфимиз эшиги олдида Калима турибди.

– Оҳо, иккаланг ҳам Қорбобо бўлиб қолибсан-ку, – деди у.

Синфга кирмокчи эдик, йўлимизни тўсди.

– Қани орқага! Иккаланг ҳам қорингни қоқиб кел-чи!

Дастлаб Эрмат муаллим мудир келиб одоб партасига ўтқазиб кетган икки қизчани унча хушламай юрди, аммо аста-секин уларни мақтай бошлади, айниқса, Калиманинг хуснихатини бизга намуна қилиб қайта-қайта кўрсатди. Уч-тўрт кун бўлдики, Калимани синфбоши қилиб қўйди. У синфдаги тозалик, тартиб-интизомга жавоб беради. У ишга астойдил киришди. Шунинг учун ҳам бизни орқага қайтаряпти. Мен индамай бурилаётган эдим, Қўлдош пальтомнинг ёқасига қўнган қордан озгина олдию «Хўп бўлади!» деб бирдан Калимага яқинлашиб костюмчаси ёқасининг орқасини кўтариб қор ташлаб юборди. Калима «вей-й» деб бўйнини ичига тортган эди, қор ичига тушди шекилли, эгилиб-букилиб қолди, Қўлдош иккаламиз ура қочдик. Калима ҳам

орқамиздан озгина югурди, сўнг тўхтаб муштини дўлайтириб:

– Шошмай турсанг, келасан-у икковинг, дарсдан кейин кўрасан!

Кула-кула ташқарига чиқиб кийимларимизни қоқиб Эрмат муаллим келишини пойлаб турдик-да, у киши кўриниши билан салом бериб орқасидан синфга кирдик. Жойимизга ўтаётганимизда Калима муаллимга сездирмай яна иккимизга муштини дўлайтирди, Баҳри ҳам дугонасига қўшилиб мушт кўрсатди.

– Оҳо, дугонасининг ёнини оляпти, – деб кулиб Қўлдошни туртдим.

Қўлдош менга қараганда чаккон, тез югуради, ёзда боғимизнинг орқасидаги ажриқзорда Мухаммад ака иккимизни кураштирганда у мени йиқитиб қўйди, ўшанда менга жуда алам қилган, то Қўлдошни йиқитмагунча қайта-қайта курашишни истардим, аммо акаси «Бўлди энди, бошқа сафар курашасизлар», деб йўл бермаганди. Бугун унинг Калимага эмин-эркин ҳазиллаша олганига жуда ҳавасим келди, негадир Қўлдошга қўшилиб мен ҳам ура қочдим. Қўлдош биқинимга туртди, бурилиб орқага қарадим.

– Дарс тугаши билан чиқамизу қочамиз, Калиманг менга ета олмайди, сен ҳам тез югур-да, лапшаймасдан, – деди Қўлдош шу ҳақда ўйлаб ўтирганимни билгандек.

– Хўп.

– Агар югура олмасанг, портфелингни менга берасан!

Шу пайт Эрмат муаллимнинг:

– Хомуш, – деб тахтага бўр билан ургани эшитилди.

Муаллимнинг кўзойнаги тагидан бизга қараб турганини кўриб сергак тортдим.

– Қуддус Мусожон жа қўшнинг билан чойхонага келган одамдек ҳангома қилиб ўтирибсанми? Қани, китоб-дафтарингни олиб бу ёққа кел-чи!

Юрагим шиф этиб кетди.

«Нима қиларкин? – деб ўйладим. – Адаб парта ҳам йўқ, мени тахта ёнига чакириб роса уриш-са керак. Қўлдош шу гапини танаффусда айтса ҳам бўларди. Гапирган у-ку, мен балога қоладиган бўлдим».

Муаллим иккинчи партада ўтирган қиз билан Шарофатга қараб:

– Шарофат, сен Достон билан ўтирасан. Сен эса Аломатнинг ёнига... – деди.

Муаллимнинг ортиқча уришмаганидан севиниб иккинчи парта олдига етдим, Шарофат норози қиёфада бўлса ҳам секин ўрнидан турди, дафтар-китобини олиб Достоннинг ёнига ўтди.

Лўппи юзли, бети оппоқ, ёноғи оч қизил, кўзи қўнғир-қора бу қизчага қиё боққан эдим, у ҳам менга қараётган экан, кўзларимиз тўқнашди, у қизариб кетди.

Қараётганимни муаллим сезиб қолмасин, деб ўйладиму дарҳол нигоҳимни тахтага бурдим. Бу қизча билан ёнма-ён ўтириш аллақандай ёқимли эди.

...Муаллим бизни озод қўйиши билан гуриллаб ташқарига отилдик, Калима ҳаммадан илгари чиқиб шундай эшик олдида пойлаб турган экан, Қўлдош уни сезиб қолдию чап бериб қочди, қор энди май-далаб ёға бошлаганди. Калима Қўлдошни қувиб ета олмаслигига кўзи етиб бирдан менга яқинлашдию қўлидаги қорни ёкамдан ичимга ташлаб юборди, мен унга қаршилиқ кўрсатаман деб, сирғаниб йиқилиб тушдим, бу Калимага қўл келдию юзимга қор ишқай бошлади, ёрдамга Қўлдош етиб келиб Калиманинг қўлидан тортди, Калимага Баҳри қўшилди, йиқилиб-туриб бир-биримизни қорга белардик, кул-

ганча, кийқирганча! Бир пайт қарасам Шарофат билан Аломат Достон билан Нарзиқулни кувиб юрибди, яна бир қанча болалар, юкори синфдагилар ҳам бир-бирларига қор отиб қувлаб, йиқилишиб-йиқитишиб ўйнашмоқда, мактаб ҳовлиси ажиб бир томоша жойга айланган эди. Калима юзимга қор ишқаганидан юзим ловиллаб ёнади, ана у Қўлдошни қувлаб юрибди, мен бир чангал қор олдим-да, Калима билан Қўлдошга қараб кулиб турган Баҳрига сездирмай яқинлашиб юзига қор ишқай кетдим, у калласини олиб қочаман деб йиқилиб тушди, энди боплаб юзига қор ишқаб қолдим, аммо Калима калхатдек учиб етиб келдию иккиси менга ташланишди...

Шу кунни завқ-хузурдан энтикиб-хансираб, юзимиз чўғдек қизариб-терлаб қанчалар маза қилганимизни бир-биримизга айта олмай ғоят зўр шодлик ила уйга қайтдик.

Ана шундай хурсанд бўлиб келган куним кечкурун бир кўнгилсиз воқеа рўй берди. Танчада ўтириб дарс тайёрлаётган эдим, танча устидаги қизил қаламга кўзим тушиб қолди, мендан илгари дарс тайёрлаган Умри опам эсидан чиқариб қолдирган бўлса керак, уни қўлимга олдим уйланиб қолдим. Эрмат муаллим ана шунақа қалам билан дафтаримизга баҳо кўяди, дадам эса дафтарларимни тез-тез текшириб туради, «тўрт», айниқса «беш» баҳоларни кўрса жуда севинади, мени мактаб Зухра опамга ўрнак қилиб кўрсатади. Шунини ўйлаб ўтирдиму қизил қаламни олиб арифметика дафтаримга ўқитувчиникига ўхшатишга ҳаракат қилиб бир неча «беш» кўйиб чикдим, арифметикадан кўпроқ тўрт олар эдим. Кечкурун эса дадам дафтарларимни кўра туриб бу ясама «беш»ларга қараб ўйланиб қолди, сўнг амалларни ўзи ҳисоблаб чикди, яна ўйланиб қолди, сўнг Умри опамга кўрсатиб:

– Шу Эрмат муаллимнинг имзосими? – деди.

Умри опам дафтарни, баҳони диққат билан кўздан кечириб, бошқа баҳолар билан солиштириб:

– Йўқ, – деди.

– Ўзинг қўйиб олдингми? – деди дадам менга аччиқланиб қараб.

Ичимдан зил кетдим, қилғилиғим фош бўлганидан уялиб ўзимни қўярга жой топа олмай қолдим, оғиз очишга қурбим етмади.

– Ха, ўзи қўйиб олган, – деди Зухра опам ҳам дафтарга тикилиб қараб.

– Мунақа кўзбўямачиликни қайдан ўргандинг, Маъбуджон! – деди дадам олдимга дафтарни суриб ташлар экан.

Мен бошимни кўтара олмай йиғлаб юбордим.

– Ёлғон баҳо билан мени хурсанд қилмоқчи бўлдингми? Яна кўз ёши тўкасан-а!

Мени ҳеч ким, ҳатто аям ҳам овутмади, индамай дадамнинг танбеҳига кулоқ солиб ўтирди.

– Минбаъд бу нағмани такрорлама!..

Мен пушаймон бўлиб йиғладим...

Саодат опам:

– Юр бу ёққа, – деб дафтар-китобларимни йиғиштириб кичик уйга олиб кирди. Арифметикадан янги дафтар тутдик.

8

Қалин қор эриб-эриб ер сатҳида юпқагина қолган бир пайтда, ҳаво бирдан совиб майдалаб қор ёға бошлади.

– Оббо, қиш яна қаҳрига олди, шекилли, – деди аям деразадан ташқарига қараб.

У кўрпани кўтариб оташ қисқич билан танчадаги кулни титиб чўғ юзини очиб юборди. Оёғимдан иссиқ ўтиб кўтарилиброк ўтирдим.

– Энди киш хар қанча қахрига олгани билан кун тез илиб кетади, бугун 24 январь, қантар оғди, ахир, – деди дадам ташқарига қараб. – Бир чўпон айни шунақа пайтда яйловга қўй ҳайдаб кетган экан, кечга томон бўралаб қор ёғиб берибди. Бундан хавотир олган онаси қўшниси қозоқ аёлга:

– Ўғлим қўйларини узоққа ҳайдаб кетган эди, яна яйловда қолиб қўйлари билан музлаб қолмасмикан-а, ҳаво айнияпти десам ҳам қулоқ солмади-да, – дебди.

Қозоқлар фаслларнинг табиатини, об-хавонинг сирларини яхши билишади. Қозоқ аёл қўшнисини тинчлантирибди:

– Энди яйловда тунаб қор босиб қолсаям ўғлингга ҳам, қўйларингга ҳам ҳеч бало қилмайди, энди қантар оғди.

Дарҳақиқат, бир кундан кейин чўпон қўйларини ҳайдаб омон-эсон кириб келибди.

Бугун бозор бўлгани учун аям билан дадам сандалда ўтириб бемалол гаплашишмоқда. Опаларим ошхонада маккани сўтасидан ажратиб бодрок қовуришяпти. Шу маҳал эшик қия очилиб Шириннинг юзи кўринди, у оқ жун рўмол билан юзи атрофини ўраб олганидан лўппи юзи янада бўртиброк кўринади, у ичкарига кирмасдан бош суққанча салом берди.

Дадам билан аям алик олишди.

– Кел, ўзинг келдингми? – деди аям.

– Ичкарига кир, – деди дадам.

Ширин ичкарига кирмади.

Эшик туткичини тутганча менга ялингансимон боқиб:

– Қуддус, ўйнайсанми хи-хи?.. – деди.

Мен дадамга бир қараб «Йўқ, ўйнамайман, дарс қилишим керак», деб жавоб бермоқчи бўлдим. Дадам эса худди шундай дейишимни билгандек:

– Келиним зерикиб қолибди-да, майли бор, ўйнай қолинглар, дарсингни кейин қиларсан, – деди.

Бу менга ёқиб тушди, дархол кийиниб ташкарига чиқдим.

– Ҳовузга борамизми? – дедим Ширинга қараб.

– Ҳовузнинг музи ёрилиб кетган, хи-хи, – деди у. – Кеча Қўлдош билан Муҳаммад Кулолтепага сув сепиб қўйганди. Борайлик, музлаган бўлса сирпанамиз.

– Юр, кетдик.

Айвонга етганда мен унинг қўлидан ушлаб олдим, у тўхтаб қулоғимга оғзини яқин олиб келиб сирли гапни айтаётгандек:

– Қуддус, мени сенга бешиккerti қилишган экан! – деди қизариб.

У менга шунчалар яқин келдики, иссиқ нафаси қулоғимга, юзимга урилиб баданим ғалати жимирлаб кетдию Ширинни кучоқлаб олдим.

У аввалига юзи чўғдек қизариб индамади, кейин эса:

– Қўй, Нозик опам кўриб қолади, – деди кучоғимдан бўшаб.

– Мактабга ҳар куни бирга кетамиз-а?

– Қачон? Эртаданми?

– Йўқ, ёзда!

– Ҳа.

Билдимки, уйдагилар бугун унинг менга бешиккerti қилишгани ҳақида гапиришган бўлишса, шу янгиликни етказиш учун дархол бизникига чоп-қиллаган.

Яна қўл ушлашганча Кулолтепага қараб кетдик...

* * *

Эрмат муаллим йиллик баҳоларимизни эшиттирди. Калима, Баҳри, Аломат ҳаммасидан «беш». Менга арифметикадан «тўрт», Қўлдошга эса «уч» чиқибди.

Муаллим берган қоғозни дадамга қўл қўйдириш учун олиб келганимда опам унга тикилиб:

– Ўзимам билувдим, сенга арифметикадан «тўрт» чиқишини. Майли янаги йили «беш» оласан, – деди. – Душанбада лагерга кетасан.

Бир кун илгари Саодат опам мени лагерга ёздириб келибди.

Аям:

– Лагери нимаси? Қўй, кўз олдимизда ўйнаб юргани яхши! – деса ҳам кўнмади.

– Ҳеч биримиз лагерга бормаганмиз. Қуддус борсин, – деди.

Дадам ҳам шунга кўнди.

Душанба куни саҳар пайти Саодат опам кийимлариму керакли жиҳозларимни халтага солиб мени колхоз идораси олдига олиб борди. У ерда кўп болалар орасида синфдошим Достонни кўриб қолдим, бир гала болалар билан Хотам аканинг доим ярқиратиб ювиб юрадиган юк машинасига чиқдику ҳамма билан хайр-хўшлашиб жўнадик.

Биринчи бор уйимиздан узоққа кетаётганим учунми кўнглим бўшашиб ғалати бўлсам ҳам ўзимни қўлга олдим-да, қўлини кўтариб менга қараб турган Саодат опамга дадил боқиб қўл силкиб хайрлашдим.

Қуёш чарақлаб чиқиб кетганда Увобга етдик. Шохлари жудаям тарвақайлаб ўсган катта-катта тўрт туп ёнғоқ тагига симкатлар қатор қилиб қўйилган эди. Биринчи чинор остига Достон иккимиз ёнма-ён жойлашдик. Қўрпасой бўйидаги бу жойнинг ҳавоси салқин эди. Ҳамма ёқ баланд тоғлар билан ўралган, атрофдаги дарахтлар бир-бирига айқашиб ўсган. Тоғлар этаги, сой бўйи қалин ўт-ўланлар билан қопланган.

Эрталаб қуёш чикмасдан карнай овози янграйди. Уйғонамиз. Жойимизни йиғиштириб, текислаб қўямизу саф бўлиб югурамиз, бадантарбия бошланади. Сўнг нонушта. Кейин гоҳида ён-атрофга саёҳат қиламиз. Ёки турли ўйинлар ўйнаймиз. Менга, айникса, «Байроқ» ўйини ёқиб қолди. Достон

иккимиз бир гурухдан, рақиб байроғини олиб ҳеч кимга тутқич бермай ўз ҳудудимизга ўта билишимиз керак. Агар рақиб сенга қўл тегизса жойингда қотиб қоласан, токи гуруҳингдаги бола келиб сени қутқазиб кетмагунча. Достон бир, мен икки бор рақиб байроғини олиб ўтдик. Биз ютдик. Роса қийқирдик. Ўйиндан кейин ювиниб тушлик қиламиз, кейин ухлаймиз. Бунақа тартибга ўрганмаганимиз учунми, гоҳида қорним очиқади, аммо чидайман. Тушдан кейин Кўрпасойда чўмиламиз...

Лагердан қайтсам боғимиздаги дарахтлар, ўт-ўланлар мен кетгандагига қараганда анча ўсибди. Аям билан дадам «Оҳо, семирибсанми?» деб эркалаб кўришишди. Саодат опам:

– Анча қорайибди! – деб мени қучди.

Ўша куни тушга яқин ҳовуз бўйидан машинанинг бибиллаган сигнали эшитилди. Югуриб чиқсам тошбақага ўхшаган машинадан акам тушяпти. Оппок, оҳори тўкилмаган костюм акамга қуйиб қўйгандек ярашган, аямга ўхшаб кетадиган юзи оқарган, қопқора сочи орқага силлиқ таралган. Мендан ҳам аввал машина ёнига аям югуриб етиб борди, опаларим, қўшнилари ҳам чиқишди.

Акам аям қучоғидан зўрға бўшаб, сўнг қўшнилари, мен, опаларим билан бирма-бир кўришди, Саодат опам жомадонни кўтариб ҳовлига қараб юрди, акамдан пул олган ҳайдовчи машинасини тезгина ҳайдаб, машинани томоша қилиб олишимизга ҳам имкон бермай жўнаб кетди.

Акам олти ойдан бери келолмаган эди, ахир Москва узоқ. У ҳаммамизга совға-салом олиб келибди, менга чиройли жемпер берди, севиниб дарҳол кийиб кўрдим. Ҳовлимиз хурсандчиликка тўлди.

Яна ўқиш бошланган пайти эди, мен мактабга кетишга шайланиб турганимда Хайри опа юзи гулгул очилиб кириб келди, тандирга олов ёқаётган Саодат опам ура қочиб кичик уйга кириб кетди. Хайри опа унинг орқасидан кулиб қараб аямга томон қучоқ очиб бораркан:

– Балонгни олай Холжамол, суюнчи беринг, суюнчи, куёвингиз келди!

Эҳа, поччам келибди-да! Энди тўй бўларкан, деб ўйладим қучоклашиб кўришаётган Хайри опа билан аямга қарай-қарай дарвоза томон юрарканман.

9

Мен мактабдан дафтаримга «2 октябрь, шанба» деб ёзиб келган куним кечқурун Саодат опамнинг киз мажлиси бўлди. Опамнинг уч-тўрт дугонаси катта уйга кигизлар солиб, кўрпачалар тўшашди, деворларга палаклар қоқиб устидан опамнинг ҳамма янги кўйлакларини илишди. Шундан кейин уйимиз жуда чиройли бўлиб кетди.

Ҳовлимизнинг ўртасида гулхан ёқилди.

Гуруҳ-гуруҳ қизлар келиб «Қани кўйлакларни кўрайлик» деб уйга киришиб бир дам ўтиришар, кўйлакларни санаб, шоҳи, ғижим рўмолларни макташиб гулхан ёнига келишарди.

Мен ўртоқларим билан гулхан ёнида ўйин бошланишини бетоқатлик билан кутиб, тоғорадаги чўғга доирасини қиздираётган Амин чилдирмачи билан дуторини диринглатаётган Али қилпилламанинг шундай яқинида турардим.

Ниҳоят, доиранинг «ғижбанги» юракни титрата бошлади. Даврага бир қора қиз чиқиб, қулочини ёзганича ўйнаб, қизлар тўдасига яқинлашди-да, бир-

дан олдинроқда турган нозиккина Зумрад опани ушлаб даврага тортиб чиқди.

– «Тановор»га чалинг, – деди у дуторчига, кўлидан чикиб кетмоқчи бўлиб, юлкинаётган кизни маҳкам тутиб. Қора киз Зумрад опани аста қўйиб юборди. У эса ўртада бироз эгилиб турди-да, сўнг аста-аста бошини кўтармай гавдасини ажойиб тўлгантириб раксга тушиб кетди. Энди ашулани кўпчилик кизлар жўр бўлиб айтишмоқда эди:

*Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим тутгай сени.
Кўз ёшим, кўз ёшим,
Дарё бўлиб
Балиқлари ютгай сени.*

Рўмолга ўраниб олган Саодат опам катта уйнинг деразаси олдида турганди, мени имлаб чақириб қолди, югуриб бордим.

– Ма, бу рўмолчани Зумрад опангга бер, – деб қўлимга шохи рўмолча тутқазди. Мен ўртоқларимнинг орасидан ёриб ўтиб Зумрад опага рўмолчани тутқаздим. У боғланган рўмолчалар билан тўлган билакларини енгил ҳаракатлантириб рўмолчани олди, майин товуш билан:

– Раҳмат, Қуддусжон! – деди.

Шунда кўзим унинг тимқора кўзлари билан тўқнашдию мен кизариб кетдим. Қизик, қандайдир бир орзиқтирувчи ҳис юрагимни живиллатиб, мени ҳаяжонга солиб қўйганди.

*Узоқдан келадур,
Шаршаранинг оввозаси.
Номуносиб ёрни деб,
Бўлдим дунё оввораси.*

Қизларнинг хасратли товуши, мусика ноласи, ўртада рақсга тушаётган Зумрад опамнинг оёқларини худди боғлаб қўйилгандек жуфтлаб, мусикага мослаб босиши, қўлларининг илондек тўлғаниши, юрагимни эзгилаб, мени йиғлагудек ҳолга солди.

*Номуносиб ёрни деб, ҳайй...
Бўлдим дунё оввораси.*

Атрофга қарасам бошқалар ҳам жимгина ўтириб қолишибди. Бир пайт қийқириқлардан ўзимга келдим. Қарасам Зумрад опа даврадан чиқиб кетган, ўртага бекасам тўн, этик кийган, фақат кўзларини очиқ қолдириб, рўмол билан ўраб, устидан дўппи бостириб олган қизча «йигит» бўлиб, тўр парда ёпинган қиз билан жудаям шўх куй мақомида рақсга тушардилар. Бу машҳур «Келин ва қуёв» рақси эди. Ҳамма қийқириб қарсак чаларди. Ўйинкулги қанча қизиқ бўлмасин, барибир уйқудан зўр келолмади. Қизлар мажлисини охиригача кўролмай, кичик уйдаги катга ётиб донг қотибман.

Эрталаб уйқудан туриб ховлига чиққанимда, ўчоқнинг олдида Нозик опам билан Тухфа хола қозон-товоқ ювишар, Зухра ва Умри опам кечаги гулхандан қолган кул аралаш чўғни хокандоз билан катта қозон осилган ўчоққа таширдилар. Ширин ҳам шу ерда ўралашиб юрибди.

— Ҳа, уйқучи, ана шунақа ухлаб қолаверсанг, бугун кечаси Саодат опангни «олабўжи» ўғирлаб кетиб қолади, — деди менга Нозик опа.

Бизни қўрқитишмоқчи бўлишганда доим: «Олабўжига бериб юбораман» дейишади.

— Қўй, бола бечорани қийнаб нима қиласан? Қара, кўзлари ғилтиллаб кетяпти, — Тухфа хола Нозик опани уришиб берди. Шу пайт катта уйдан аям хомуш бўлиб чиқиб келди. Тухфа холага қараб:

– Уҳ-ҳ... Юрагимнинг бир томони ўпирилиб кетаётгандек!..

– О, Холжамолой! Минг қилса ҳам қиз бола – киши боласи! Нима қиласиз, чидайсиз-да. Ана булардан ўргилсин, – Тухфа хола мени кўрсатди, – кўнглингизни ҳам, уйингизни ҳам тўлдиради.

Мен аямнинг, Тухфа холанинг гапларидан, Нозик опанинг ҳазилидан опамни ҳов поччамникига олиб кетишларини сеза бошладим. Наҳотки, опам бизни ташлаб бегона жойларга кетиб қолса!

Кечгача опам уйда кўринмади. Кечқурун бизникига қишлоқ йигитлари, қўшниларибиз йиғилишди. Ҳамма кимларнидир кутиб олишга тараддудланарди. Маслаҳат куни келишиб олинганига биноан биров ошпазга қарашар, биров самовар қайнатар, биров кўча эшигимиз олдида ўтин ташиб гулхан ёқишга тайёргарлик кўрарди.

Бир вақт узокдан карнай-сурнай товуши ва шодон қичқириклар эшитила бошлади. Одамлар: «Куёвнавкар келяпти, куёвнавкар келяпти», – дейишиб, чаққон қимирлаб қолишди. Қийқирик садолари борган сари яқинлашиб келар, ҳамма севадиган «ёр-ёр ёрингман» қўшиғи аниқ эшитилмоқда эди:

*Томда товук ётади, ёр-ёр-ёрингман,
Оёғи шомда қотади, ёр-ёр-ёрингман.*

Қўшиқнинг охири қичқириклар остида қўмилиб кетди.

Ҳамма қатори мен ҳам кўчага югурдим. Эшигимизнинг олдида гулхан ёнмоқда. Кўчадан бир гуррос йигитлар келишарди, уларнинг олдида белига шохи қийқ боғлаб олган хипча қоматли йигит карнай-сурнай куйига ва қўш доира гижбангига қушдек енгил ракс тушар, ҳар замонда қўлларини қанотдек ёзиб дўстлари томон учиб келиб, «ҳа-ҳа-а» деб қичқиради, шунда йигитларнинг қичқириклари ҳамма ерни тутиб

кетади. Йигитлар шу зайлда анча ўйин қилишгандан сўнг Исожон тоғанинг таклифи билан йўл-йўл бекасам тўн кийган поччамнинг атрофини ўраб, уйга қараб юришди. Ҳамма у йигитни кўришга ҳаракат қиларди-ю, ҳеч ким аниқ кўролмасди. Йигитлар уйга киришди. Уларга аввал палов, сўнг қатикли ош тортилди. Юз хил ширинлик, сомса, қатламалар узатилиб фотиҳа ўқилгач, куёв томон йигитлари ташқарига чиқиб уйнинг эшиги олдида туриб олишди. Бизнинг қишлоқ йигитлари ҳам уларга қўшилишди.

– Қани куёвтўра, поёндозни босиб юрсинлар, – деган товушлар эшитилди. Мен пойандоз ҳақида эшитган бўлсам-да, ҳеч кўрмагандим, супага чиқиб, қизиқиш билан кузата бошладим.

– Тўхта! Босма куёв! – деб барваста бир йигит остонага чиқиб туриб олди. – Йигитлар, поёндозни қирқиб қўйишибди-ку! Қирқилган поёндозни оғим-қизлар тортишади. Қиз тарафнинг йигитларини кучи етмаса, ўзимизга қўйиб берсин!

У кимдир ушлаб турган пойандозни зарб билан тортиб олиб, ҳовлига улоқтирди. Ҳаммаёғи қирқилган атлас мато менинг олдимга келиб тушди.

– Ҳа, йигитлар жудаям қийналмасин, деб озгина қирқиб қўйишган-да, – деб кулди Абдусалом тоғам.

– Айтдик-ку, сизларнинг кучингиз етмаса ўзимизга қўйиб беринглар, – деди остонада қаққайиб турган йигит.

– Абдусалом ака, поёндоз тортишга бизнинг кучимиз ҳам етар, росманасидан қўйинглар-да, энди! – деди Сайид ака норози бўлиб.

Янги, қирқилмаган поёндозни олиб келиб қўйишга мажбур бўлишди.

– Куёв, ана энди босинг, – деган товуш эшитилди. Куёв босдим, босмадим мен кўролмадим. Бирдан йигитлар гуриллаб пойандозни тортиб кетишди. Қаердандир Амин чилдирмачи пайдо бўлиб қолиб,

супага чиқиб олди-да, гумбурлатиб доирасини чала кетди. Шунча йигитлар бир тўп бўлиб ўртадаги пойандозга ёпишиб қолишгандек, ҳовлининг ҳали у томонига, ҳали бу томонига силжишар, оёқларнинг тапир-тупуридан ер ларзага келади, тўпдан «Ҳой йигит, қўлингизга хушёр бўлинг, поёндоз билан қўшиб суғуриб олмай!», «Ўзлари хушёр бўлсинлар!», «Ким у пичоқ солаётган номард?» деган қичқириқлар эшитилди. Тортишув қизиб борар, Амин чилдирмачи ҳам авжига чиқади.

Бир маҳал, бояги остонада туриб олган йигитнинг:

«Қани йигитлар, менга қараю, ҳа-ҳа-ҳа...», деган ҳайқириғи эшитилди. Тўп кўча томонга қараб силжиб кета бошлади.

...Анчадан сўнг бизнинг қишлоқ йигитлари бўшашиб қайтиб келишди. Улар яхши бирлашиб тортишмагани учун бир-бирини қойиб, Сайид акам тортишиб олган бир парча пойандозни тумор қиламиз, деб бўлишди.

Босим ака енгига қараб кулади. Унинг кўйлагининг бир енги йўқ эди, кимдир пойандоз деб ўйлаб тортиб кетибди. Мусулмонқул аканинг кўйлагида тугма деган қолмабди.

Шундан сўнг мен ҳали уйда, ҳали ўчоқбошида ўралашиб юрдим. Ҳануз Саодат опам келмаганди. Кимдандир опам Нозик опамларникида эканини эшитиб қолдим, унинг олдига бордим. Опам битта дугонаси билан Нозик опамларнинг меҳмонхонасида экан. Ширин ҳам шу ерда.

Мен аста ёнига бориб ўтирдим-да, енгидан секин тортиб:

– Опа, кетмайсиз-а? – деб кўзларига тик боқиб, ёлвориб сўрадим. Опамнинг «Кетмайман, айланай Маъбуджон, кетмайман. Уйимизни, сени ташлаб қаёққа бораман?» дейишини кутардим. Аммо у менга сўзсиз мўлтираб термилди, кўзи жикқа ёшга

тўлди, кипригидан узилган бир неча томчи ёш юзидан юмалаб, менинг юзимга томди. Уни маҳкам кучоқлаб йиғладим.

– Хеч қаёққа кетмайсиз, опагон! Кетмайсиз! Кетмайман денг! Опамнинг тиззасига юзимни суртиб ёлворардим. У мени бағрига босиб хўнграб юборди.

Йиғидан бўшашиб, опамнинг кучоғида ухлаб қолибман...

Кўзимни очганимда, опамнинг кучоғида эмас, тўшакда ухлаб ётардим. Бу ҳол менга жудаям алам қилди, уйга қараб югурдим. Чопиб борар эканман, хаёлимда опам уйда бирор иш билан шуғулланиб юргандек туюлди.

Катта уйга кирдим, кечагина безакли турган уйда ҳозир ҳеч нарса йўқ эди. Кичик уйдаги темир катда эса дадам ухлаб ётарди. Уйда бошқа ҳеч ким йўқ! Ҳовлида ҳам... Ошхонада ҳам... Ҳаммаёқ хувиллаб қолганди! Ҳамма, ҳамма, ҳатто опам ҳам мени алдаб кетганди. Бу мен учун чидаб бўлмас хўрлик эди!!!

Супага ўтириб, димсиз, эзилиб-эзилиб йиғладим. Йиғлаган сарим йиғлагим келар, кўз ёшларимни сира ҳам тўхтата олмасдим...

10

Эргалаб уйғонганимда кўчадан опаларимнинг, қўшни аёлларнинг товушлари, жўнаб кетаётган машинанинг гуриллаши эшитилди, ниҳоят улар – олдинда аям, орқада икки опам ҳовлига киришди. Саодат опам йўқ эди! Мен ўрнимдан турмадим, салом ҳам бермадим, истиқболларига югурмадим ҳам! Қовоқ солиб жимгина ўтиравердим, аям: «Ҳа ўғлим, қорнинг очдими?» – деди-ю жавоб кутиб ўтирмай, кичик уйга кириб кетди. У ҳамон кечагидек ғамгин эди, унинг орқасидан кўринган оқ шоҳи кўйлакка қараб юрагим «жиз» этиб кетди. Саодат опамнинг

кўйлаги! Дарров Зухра опам илиб олибди. Каттагина тугунни бошига кўйиб олган Зухра опам ўтди, тўйга қатнашганидан ўзида йўқ хурсанд, қадам бошишлари жуда енгил! Аямнинг камзулини билагига ташлаб олган Умри опамгина менга эътибор берди:

– Оҳо, ўтиришларини... Қовоқлари ҳам бир ботмондан бўлиб кетибдию! Айб ўзингда, ухлаб қолдинг, бўлмаса сен ҳам борардинг. Эҳ, Маъбуд, тўй роса қизиди-да! Ҳа, кўй хафа бўлма! Келинчак кўргани сени ҳам олиб борамиз, кани тур!

Умри опам қўлимдан тортди, туришим билан қучиб, эркалаб пешонамдан ўпди, у шунда Саодат опамга жудаям ўхшаб кетди. Саодат опамдан ҳам киши кўнглини юмшатадиган ажиб бир меҳр туяр, у мени бағрига босганда шу ҳис таъсирида ийиб кетардим, лекин шундай бир меҳр тафти Умри опамда ҳам борлигини сира ҳам сезмаган эканман. Назаримда Умри опам ўзгариб, бошқача бўлиб қолганди. Илгарилари арзимаган нарса устида у билан уришиб қолиб зорланардим:

– Ая, Умрингизни қаранг!..

Аям: «Нима гап?» – деганда, Умри опам ўзини хотиржам тутиб, усталик билан бор айбни менинг устимга ағдариб қўяди, шунда бир алашим икки бўлади, пайт пойлаб, уни кесак билан тарсиллатиб тушириб ура қочаман!

Ҳозир эса: «Умри опам яхши экан, энди сира ҳам урмайман!» деб ўйладим.

Умри опам билан бундоқ иноқ бўлиб олганимнинг эртаси куни поччамникида қолган Тухфа холам қайтиб келгач, аямнинг қулфи дили очилиб кетди, дарсдан кейин опамникига бораётганимизда, мени ҳафсала билан кийинтириб ҳам қўйди.

Икки опам билан ташқарига чиқсак, кўчада бизни Зумрад опа кутиб турибди. У опамникига ўхшаш (бу кўйлакни опам иккаласи бирга тиктиришган,

бирга кийиб юришарди) оппоқ шоҳи кўйлак кийган. Мен унга бир неча бор қараб кўйдим: бир гал кўзларимиз тўқнашиб қолаёзди; дарҳол юзимни четга бурдим, лекин ним назарда ҳам унинг кўзлари ажиб ёлқинланиб кетганини кўриб улгурдим.

Йўл бўйи ўзимни Зумрад опанинг олдида қандай тутишни билмай қийналиб бордим. Умри опам «Мана бу поччамнинг уйи», деб яқинда бўялганидан ярақлаб турган ҳаворанг дарвозани кўрсатганда анча енгил тортдим. Ҳовлига кирдик, нима иш биландир машғул бўлиб юрган опам бизни кўриши билан тезда ичкариги уйга ўтиб кетди: бироздан кейин тўр ёпинчиғини ёпиниб истиқболимизга чиқди. Йўлда «Саодат опам мени кўрган заҳоти йиғлаб юборади, кейин бағрига босиб, юз-кўзимдан ўпади», деб ўйлагандим, унинг аввал бошқаларга эътибор берганлиги қўлтиғимдан тарвузни туширди – тумшайдим, фақат мени ҳам катталардек кўриб, чап қўли билан милдиروقли рўмолчани юзига тортиб, ўнг қўлини кўксига қўйганча уч бор саломга эгилгандан кейингина гинахонлигим тарқаб кетди, маҳлиё бўлиб опамни кузата бошладим, рўмолчасидаги милдиروقлар милдираб, бозбанду зебигардондаги, баргаку тиллақошдаги шокилалар шилдираб, сирли бир садо чикарди. Аям бу безакларни қанчалар елиб-югуриб мисгару заргарларга ялиниб-ёлвориб тайёрлатган, камларини эса ўзининг бисотидан кўшиб бутлаган. У ўшанда: «Келинчак келинчакдек кийинса-да, бу нима, ҳозиргилар худди кўрикқига ўхшаб, узун оқ кўйлак киядиган бўлди?!» – деганди. Мен ана шу аям мактаган безакларнинг аллақандай сеҳрли қудрати бордек лол бўлиб турардим.

Нихоят, опам юзини тўсган рўмолчани туширди, у жудаям очилиб кетганди, ҳаяжонданми, чехрасида ажиб бир қизиллик жилваланар, ҳаракатлари охиста, сипо, ҳаёли, гўё жуда ҳам уяладиган бир одами

қаршисида тургандек! У мени қучиб пешонамдан ўпди, атиру шоҳи матолар ҳиди чунонам аралашиб кетган эдики...

...Уйга қайтишим билан сўри томон шошилдим, у ердаги шолча устига чалқанча ётиб, хаёлга чўмдим: ана Зумрад опа! Унинг юзи сутдек оқ, қопқора қошлари камондек эгилган, қора бахмалдек киприклари кўтарилганда кўзлари ажиб йилтиллаб кетадию кишини алланечук ҳолга солади, алҳол мен уни худди опамга ўхшаб келинчаклик либоси кийган киёфада тасаввур қилдим. У шунчалар гўзал бўлиб кетгандики... Мен уни аниқ кўриб турдим, юзи қизарганини ҳам, милдир-милдир терлаганини ҳам! Ёнида эса йўл-йўл бекасам тўн кийиб мен турибман, бўйим ҳам у билан тенглашган!

Шу тобда Ширинни менга тегишга кўндиришим шунчаки ўйин учун айтилган, деб ҳисоблардим. Зумрад опа ҳақида ширин хаёллар сурарканман: «Ширинга шундай девдим-ку», деган мулоҳазага ҳам бормасдим. Мабодо қачондир уйлансам, Зумрад опа менга тегармикан, деб ўйлардим. Аммо опамнинг тўйидан икки йил ўтгандан сўнг бир куни уни ошкор қилиб қўйдиму дилимдаги эзгу ҳис дарз кетди.

11

10 сентябрь. Жума. Мактабдан келсам, ҳовлидаги супада тоғам билан дадам суҳбатлашиб ўтиришибди, сўрига яқинлашмай, берироқда гапга қулоқ солдим. Абдусалом тоғам билан дадамнинг суҳбатини четроқда туриб кузатсангиз хайрон қоласиз, жуда кизик: дадам бир гапни айтса, тоғам маъқуллаб айнан шу гапни ёки бир-икки сўз қўшиб, кучайтириб такрорлайди, худди катта ашула айтаётган икки ҳофизга ўхшашади, улар! Мана ҳозир қайси бир сайлдаги кураш ҳақида гап кетаяпти.

Дадам: Бир вақт бизнинг ферма мудир Баротвой чиқиб қолдилар талабгор бўлиб!

Тоғам: Ҳа, талабгор бўлиб!

Дадам: Бўй ҳам уч саржин бор!

Тоғам: Уч саржин бор!

Дадам: Боядан бери ҳеч ким уdda қилолмаётган полвонни икки силтовдаёк рангини ўчирди!

Тоғам: Ҳа-а... рангини ўчирди!

Дадам: Одамларга жон кирди-ку!

Тоғам: Ҳа, жон кирди!

Дадам: «Ҳой Баротвой! Қўй ётигининг кучини кўрсатиб қўй!» – деб бақирдиши.

Тоғам: Бақирдиши!

Дадам: Бир пайт Баротвой шерланиб кетиб, юз эллик қадоқча келадиган барзангини даст кўтариб, ерга урди, денг!

Тоғам: Йўғ-ей!

Дадам: Назаримда ер қимирлаб кетгандек бўлди.

Тоғам: Вой-й... Ер қимирлаб кетди, денг!

Дадам: Бўлди қийқирик!

Тоғам: Бўлди қийқирик!

Энди мен кўзга кўриндим. Икковлари ҳам бирдай саломимга алик олишди, сўнг дадам тоғамга деди:

– Қуддус ҳам йигит бўлиб қолди, янаги йил сизнинг бригадангизга чиқиб ишлайверади. Лўлилардан ўзингиз эҳтиёт қиласиз-да!

– Оҳо, қани бу ёққа кел-чи!

Тоғам мени ёнига ўтказди. У жуда кизик одам, иккимиз жуда иноқмиз, қишда дадамнинг улфатлари йиғилишади. Абдусалом тоғам ўртага чиқиб, илгаридан солиб қўйилган кўрпача устига чўзилиб ётади, инқиллайди, мен кириб келиб унинг олди-га чўкка тушиб ўтираман, хол-ахвол сўраб, афтига қараганча анқайиб қоламан: «Ийе, Карим почча, бурнингиз ҳам пачоқ бўп кетибдию! Чайқовчилик

қилмасангиз ўласизми?» – дейишим билан қаҳқаҳа жаранглайди, тоғам қотиб-қотиб кулади. Аксари йиғилишларда Карим поччамнинг ўзи ҳам ўтирган бўлади, у қизариб: «Оббо, курғурлар-ей!» – деб қўяди. Карим иоччам – холамнинг эри, у бир юртга чайқовчилик қилиб боргану ҳалокатга учраган, оғир жароҳатланган ҳолда уйига қайтиб келган. Мен уни кўргани борганман, лекин юқоридагича гап айтмаганман, буни дадамнинг улфатлари ўйлаб чиқаришган, мен улар кулсин деб, ўзимни актёрдек тутиб шу гапни кайтараман! Дастлаб бу ролни бажаргани қийналиб юрдим, кейин жуда уста бўлиб кетдим. Авваллари шу тўрт оғиз гап ҳамқишлоқларимизни нега бунча кулдиришини тушунмасдим, кейин-кейин билдимки, бу гап Карим поччамнинг ташқи қиёфаси устидан кулиш эмас, балки чайқовчилигига урилган зарба экан. Шундай томошалар кўрсатиш туфайли тоғам билан эмин-эркин ҳазиллашаман.

У кулганча гап котди:

– Лўлилардан кўрқадиган бўлсангиз, ишга чиқишидан аввал Қуддусни уйлантириб қўя қолинг!

– Ўзимам шу Ойша ямоқчини олиб берсамми, деб юрибман!

– Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа... Тўғри ўйлабсиз. Ойша ҳам эри ўлиб, қийналиб қолган.

– Шундай, кейин маҳси тикиб, буни боқаверади ҳам!

– Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа... маҳси тикиб буни боқаверади.

– Уни олмайман, – дедим қатъий.

Икковлари ҳам «Э-ҳа», деб юборишди. Сўнг тоғам менга эгилиб секин кулоғимга: «Бўлмаса, кимни оласан?» – деди. Алҳол Зумрад опани кўз олдимга келтирдиму юзим ловуллаш бошлади, мен яхши билардимки, улар ҳазил қилишяпти, менга Ойша ямоқчини олиб беришмайди, айтганим билан Зумрад опа ҳам дарҳол меники бўлиб қолмайди.

Тоғам елкамни силар, меҳрибонлик билан:

– Дадангга айта олмасанг, менга айтавер, – дегач эса негадир эриб кетдиму сирымни фош қилиб кўйдим – оёғим билан ер чизиб секин:

– Зумрад опани! – деб юборганимни билмай қолдим.

– Ким? Зумрад! – тоғам бирдан қахқаха урди.

– Оббо, Қуддусжон-ей! Ҳа-ха...

– Қайси Зумрад? Анави Саодатнинг тутинган синглисими?

– Ўша-да, Мусожон ака, ўша! Жиззахда ягона у! Куралай кўзининг ўзи дунё, Мусожон ака! Йигитман дегани борки, унга шайдо! Воҳай ўғлингизнинг диди чакана эмас. Паризоднинг кизини олармиш-а! Воҳай!

Дадам негадир ух тортиб юборди, ғалати хавотирланиш билан менга қаради, кўзи мендаю хаёли бутунлай бошқа ёқда. Тоғам эса бир менга, бир дадамга қараб:

– СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР! – дедию Паризод ҳақида ҳикоя қила бошлади, менинг этим жимирлаб сеҳрлангандек тек қотиб тингладим бу воқеани...

12

...Кечаси-ку кечаси, ҳатто кундузи ҳам биров оралашга юраги бетламайдиган ваҳимали тўқайзорга Даврон кун ботиши олдидан кириб боряпти. Даврон – Ровотликнинг манаман деган йигити. Икки елкасига иккитадан тўрт одам ўтирса сиғадиган, кўкраги тоғдек виқорли, у кун бўйи хардамхаёллик билан юрадию кеч кириши билан ҳеч кимнинг гапига кулоқ солмай тўқай оралаб кетади, сахар чоғи эса бир аҳволда қайтади, корайган, ориқлаган! Аста-секин ҳеч ким билан гаплашмай қўяди, ҳатто ёлғиз онаси билан ҳам! Бир гал тўқайга кириб кетганча ўн кун йўқ бўлиб кетади. Ўн биринчи куни сахармардонда уйга кириб келиб, чопонга ўралган бир нарсани онасига тутқазади:

– Аяжон! У менинг... мен... – дейдию гурс этиб йиқилади.

Бечора Рузвон кампир чопонни очса, ошпоқ пахтадек чақалоқ – кизалоқ ётганмиш! У кампирга мўлтираб термилармиш-у, йиғламасмиш! Ўғлига қараса, Даврон аллақачон тилдан қолибди. Эссиз, йигитнинг умри...

Тоғам ҳикоя қияпти, унинг ҳикоясини эса шундай кўз олдимга келтирдим...

...Қоп-қоронғи тўқайзор. Осмонга қўлини чўзганча Даврон тек қотиб турибди. Бирдан чакин чакнади, тўқайзор устида ёрқин шуъла пайдо бўлиб, шу нур тасмаси билан Давроннинг олдига сутдек оқ, яп-яланғоч пари тушиб келади, унинг юзига қараб, чехрасидан ёғилган нурга Давроннинг кўзи тиниб кетади-ю, аммо парининг қўлидан тутиб олади. Пари ялинади:

– Эй инсон! Мен осмону фалакдан тушган париман. Қўлимни қўйиб юбор! Йўқса ўз бошингга бало сотиб оласан!

– Эй, ҳусни малоҳати билан қоронғу жаҳонимни ёритган Пари! Мен ошиқу шайдонг бўлиб қолдим! Ўлсам-ўламанки, сени қўйиб юбормайман!

– Эй, марду майдон йигит! Менга ҳам бир бало бўлди. Аммо қўй, гуноҳи азимга ботмайлик. Бу гуноҳнинг захми ёмон!

– Гуноҳим – муҳаббатим!

– Пушаймон бўлмайсанми?

– Жоним муҳаббатимга садқа!

– Унда ўзингдан кўр, бегим! – дебдию Пари Давроннинг қучоғига отилибди.

Давроннинг тўқайга кириб кетишининг сабаби шул экан, орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтганда фарзанд дунёга келибди. Бундан қахрланган парилар фарзанд туғилган кuni ерга тушишибди-да, чақалоқни Давронга тутқазиб, Парининг ўзини осмону фалакка олиб чиқиб кетишибди.

Рузвон кампир чакалокка Паризод деб ном қўйиб, оқ ювиб, оқ тарайди. Аммо Паризод ўн уч ёшга тўлар-тўлмас бутун кишлоқ бошига кўз кўриб, кулок эшитмаган фалокат ёғилибди: ҳамма уйқусизлик касалига мубтало бўлибди: жами эркак: «Ох, Паризод», – деб хотинига тескари қараб ётаркан, эрларини Паризоддан рашик килиб аёл зотининг эси оғибди, бўз йигитнинг бари: «Мен Паризоддан бошқани олмайман!» деса, қизлар ўзларига йигитлар қиё боқмай қўйганидан алам чекишаркан. Паризод деб хотинини қўймоқчи бўлган неча, хотини устига бўлса ҳам уни олмоқчи бўлган неча? Рузвон кампир бу балолардан қандай қутулсамикан, деб гаранг. Кошки эди, йигитларнинг кўнгли айниса деб, Паризодга исқирт кийимлар кийдириб, юзига қоракуя суртиб қўяркап. Аммо қизнинг юзидаги қоракуя бир зумда сингиб кетаркану яна ойдек жамоли ҳаммани йўлдан оздираверар экан. Одамлар тирикчилик йўлидан озибди: ҳеч ким мол-ҳоли, экин-тикинига қарамасмиш!

Бир куни кишлоқнинг бир четидан: «Мен уни ўлдираман!» деган ҳайкириқ эшитилибди. Одамлар қараса дадам – Мусожон полвон қўшоғиз милтиғини қўлига олиб, Рузвон кампирникига келаётганмиш. Ҳамма унинг орқасидан эргашибди. Дадам кампирнинг ҳовлисига бостириб кирибдию шартта Паризодни отибди. Паризод қонига бўялиб йиқилибди. «Паризод ўлди!» – деб оҳ урибди бутун кишлоқ. Шу куниёқ ҳамма ўзига келибди, мол-ҳолига, экин-тикинию уй-жойига яна ҳам темиртирноқлик билан қарай бошлабди. Паризод эса ўлмабди, уни тунда парилар келиб даволашган экан. Кейин одамлар дадамга ялиниб: «Энди Паризод билан ишимиз бўлмайди, фақат уни ўлдирманг, Мусожон!» – дебди. Шундан кейин Рузвон кампир Паризодни Рўзикул тракторчига тезгина узатиб, тинчиган экан, Зумрад опа ана шу Паризоднинг қизимиш.

– Ўшанда отган ўкинғиз елкасига теккан экан, – деб ҳикоясини якунлади тоғам.

– Абдусаломжон, биласан-ку, қандай отишимни! Ўшанда унинг нақ юрагини кўзлаб, энди тепкини босаётгандим, бирдан ўша сен бир дунё деган қуралай кўзига қараб қолибман, кўзлари худди эндигина туғилган кийик боласининг кўзларидек жовдираб: «Менда нима гуноҳ?» – деб турарди. Кейин эса нилни кўтариб юбордим. Берди ҳам хотини билан ажрашиб, Паризодга уйланмоқчи бўлгани менга жуда алам қилган эди-да! Ҳа, майли ўтган ишга саловат! Аммо бу ёғи қизиқ бўлди-ку!

– Ҳа, энди тўйга тайёргарлик кўраверинг, совчи – ўзим.

– Ҳим... унда раис билан қуда-андачилик қиларканмиз-да! – деди дадам мийиғида кулиб.

– Қанақасига! – хайрон бўлди тоғам.

– Биласан, Орзиқулнинг фарзанди йўқ. Хотини билан ажрашмоқчи. Буни устига қаердан ҳам қурғур Паризодни кўриб қолибдию юрагидан урибди.

– Ўзи Паризодни жуда ёш турмушга беришган экан-да! Ҳали ҳам қиз боладек. Қизи билан бирга юрса опа-сингиллар, дейсиз. Рўзи ўлгандан бери бирор гап чиққанини билмайман. Раис ҳам хотини билан ажрашса, Паризодни никоҳига олса нима кўркадиган жойи бор?

– Ҳамма ҳам сендек фикр қилмайди-да! Раис – каттикқўл. Ўзига анча душман орттиряпти. Душманлари ана шу нозик жойидан фойдаланиб, ўч олиш пайида бўлишади. Одамлар оёғи билан эмас, оғзи билан юришади, Орзиқул икки марта кутубхонага кирганми-йўқми, аллақачон Паризод билан юради, деб гап чиқарибди. Янги котиб раиснинг мафкураси бузуқ дермиш. Мен айтдимки, бўлмаса уйланақол. Кеча раис мени четга олиб: «Мусожон ака, Рузвон кампир билан жуда созмишсизлар, бир гаплашсангиз!» – деди. Кўряпсанки, иш жиддий. Аммо, гишт қолипдан кўчганга ўхшайди.

Тоғам билан дадам мени унутиб қўйишди, бир пайт тоғам менга қаради:

– Эйй... хим... Майли боравер, даданг билан ўзим гаплашаман, бу ёғи беш бўлади!

Мен ўрнимдан турдим-да, тўғри сўрига қараб юрдим. Назаримда Зумрад опа афсонавий парига айланиб бораётган эди. Ҳа, мен ана шундай кўнгил қўйиб қолган эдим. Парига, паризодга!

Орадан уч кун ўтгандан кейин Зумрад опани Чилла мачит олдида кўрганимда ҳам ана шундай хаёлда эдим. Гўё, у осмондан қанот қоқиб тушгандек, оқ шойи кўйлаги шамолда ҳилпираб, уни ердан кўтариб юргандек! Ахир, калиш кийган оёқлари ҳар замонда бир кўзга ташланар, назаримда оёғи бир ерга тегиб, бир ерга тегмай менга яқинлашар эди. Ана шундай яқинимга келиб, негадир жим туриб қолди: этаги тиззаларимни силаб қўйяпти, мен эса бош кўтариб унга қарай олмайман, қарай олмайман!

Шу пайт юмшоқ бир қўл қулоғимни маҳкам сиқди. Бир зумда хушимга келдим.

– Сен қолувдингми, менга осилмаган!? Яна шунака дейсанми?

Зумрад опа бор кучи билан қулоғимни бураб юқорига тортди. Йиғлаб юборишимга сал қолди, лекин озгина чидаб турдим-да, кейин бир силтаниб қўлидан чиқиб қочдим, у эса орқамдан пўписа қилди:

– Ҳа сени, шошмай тур! Яна бир гап эшитсам, нақ тилингни қирқиб оламан!

Мен шармандаларча қочиб борардим: барча ўй-хаёлларим, гўзал тасаввурларим чил-чил бўлган эди. Энди Зумрад опа ҳам пари эмасди! Ўзим-чи, ўзим ғирт аҳмоқ эканман! Бу лўли қизни иккинчи бор хаёлимга келтирмайман, унинг онаси ёмон аёл! Раисни йўлдан урган!

Хаётнинг мен учун қизғи қолмаган, ҳеч ишга қўлим бормайди.

Бу гап қишлоғимизга жуда тез ёйилди, кўринган одам мени «Ҳа, Зумраднинг куёви!» деб мазах қилади. Алам аралаш ғазаб билан ҳаммадан ўзимни четга олиб юраман. Бу азоблар мени бирданига бола хаёлларидан озод қилиб, кўзимни очиб қўйгандек эди, болалигимнинг хаёл пардаси йиртилиб, ҳаётга бутунлай бошқача кўз билан қарай бошладим. Абгор ошиқлигим ҳақидаги гаилар синфимиз ўқувчиларига етмаслигини жудаям истардим, лекин синфдошларимнинг шивирлашиб-шивирлашиб, мени кўрсатиб кулишларидан бу гап уларга ҳам етгани маълум бўлди. Танаффусга чиққанимизда биринчи партада ўтирган Баҳри билан Калима секин ёнимга келди-да, қикирлашиб: «Куёв!» деб қочиб кетишди. Нима қилишимни билмасдим, яхшиям ўқитувчимиз танаффусда ҳам бизни бўш қўймайди, ҳаммамизни қўл ушлаттириб, «Кулча нон» ўйнатади. Паришон ҳолда ўйинда иштирок этарканман, ўқитувчим мени ёнига чақирди:

– Қуддус, нега рангинг сарғайиб кетди, мазанг йўқми?

Ўзимни қаерга яширишни билмай юрганымда унинг бундай меҳрибона савол бериши юрагимни бўшаштириб юборди, кўзимдан ёш чиқиб кетди.

– Ийе, ҳақиқатан ҳам тобинг йўққа ўхшайди. Сумкангни олиб уйга бор, даданг дўхтирга кўрсатсин.

Бирданига ҳамма менга меҳрибон бўлиб қолди, боягина калака қилаётган Калима билан Баҳри энди сумкага китоб-дафтарларимни солиб беришди, мен худди оғир жангдан қайтаётган аскарга ўхшаб ҳорғинлик, маъюслик билан уйга кетдим.

Уйда ҳамманинг диққати менда: аям супага сув сепиб, кўрпача тўшаб берди, бошимни боғлаб ётибман, опаларим ҳали қаймоқ, ҳали ширин чой олиб

келишади, аям ёнимга келиб, афтимга тикилганча ўтириб-ўтириб кетади. Мен эса кўзларимни юмиб оламан.

У ўзича гапириб: «Нима бало, сариқ бўлиб қолдимикан-а?» – дейди. Мен эса салкингина жойда хузур қилиб ётиб: «Касал бўлиш қандай яхши экан-а?» деб ўйлайман. Касаллигим сабабми, Зумрад опага ошиқлигим ҳақидаги гаплар ҳам ҳеч кимнинг ёдига келмасди, бости-бости бўлиб кетган ҳисоби эди!

Эртаси куни дадам мени отга мингаштириб дўхтирга олиб борди. Дўхтир бир қанча дорилар ёзиб берди. Уларни қайтишда дадам дорихонадан сотиб олди, мен бу дориларнинг ширинини ичиб, аччиқларини ҳеч кимга сездирмай ташлаб юбораман.

Аям нукул: «Бу бола сарикка чалинган-у, дўхтир билмаяпти, муштдек боланинг ҳам асаби бўшашадими?» – деб сачратқоқи қайнатиб, унинг сувига чўмилтиради.

Орадан уч кун ўтгач, тушдан кейин синфдошларим – Бахри, Калима, Қўлдош, Достонлар мени кўргани келишди. Супада «Ўқиш китоби»ни ўқиб ётгандим, уларни ҳеч кутмагандим, ўзимни йўқотиб қўйганимдан синфдошларимни супага таклиф ҳам қилмай гарангсиб турардим, ноўнғай ҳолдан аям қутқазди.

– Вой, ўғлимнинг ўртоқларидан ўргилай, касал кўргани келсаларинг... – дея супанинг тўрт томонига кўрпача тўшади, дўстларимни жойга таклиф қилди.

Калима атрофга назар ташлаб ўтираркан: «Вой, боғларинг жуда чиройли экан-а!» деди. Мен унинг гапидан қувониб кетдим. Шаҳарда турадиган бу қизчага ҳовлимиз ёқмаса керак деган хавотирда эдим. Аям патнисга солиб келган кора, сариқ анжир, ҳусайни узумдан синфдошларим мақтаб ейишди. Ка-

лимага, айниқса, сариқ анжир ёқиб қолди. Абгор ошиқлигим ҳақида гап очишмади. Қўнглим хотир-жам бўлди, чунки яна эслаб қолиб суриштиришса-я, деган хавотирим бор эди.

— Қуддус, муаллим тайинлаб юборди, биз ўтаётган дарсларни сен мустақил ўқиб боришинг керак экан, — деб Калима шундай яқинимга келиб олди-да, китобдан ўтган дарсларни белгилаб бера бошлади. Ўртоқларимга сездирмай унинг юзига назар ташладим: сутдек оппоқ чехрасига кимдир сиёҳ сачратиб юборгандек лаби остига, ёноғига, қошларининг ўртасига майда-майда холлар сочилган, худди бодомқовоқлари юқорига бир туртиб, қошларининг ўртасини эгиб қўйгандек! У ўзини ўқитувчимиздек тутиб, янги дарсларни менга уқтиради, баъзан момикдек юмшоқ қўллари билан қўлимни ушлаб ҳам қўяди, унинг ранги зарра ўзгармайди, мен эса кизариб кетаман.

Нихоят ўртоқларим туришди. Қизиқ, шу кундан бошлаб Калимани зимдан кузатиб юрадиган, тоза кийинишга, унга ўхшаб чиройли ёзишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдим, назаримда у ҳам менга ўзини яқин олаётгандек!

Шундай қилиб, ёзги таътил ҳам бошланди. Бу йилги таътил вақтида лагерга бора олмайман. Ахир мен лагерга кетсам, подага молни ким қўшади? Қўйу бузоқларга ким ўт ташийди? Эҳ-ҳе, қишлоқдаги ўзбекнинг иши қўп-да! Шаҳардагиларга маза! Холламникига борганда кўрганман: уларнинг моли йўқ, кафтдек ерларига кўкату гулдан бўлак экин экишмайди, кечқурун соат еттига яқин ишдан қайтишадияу маза қилиб чой ичиб, телевизор қўришади. Бизникида иш қайнайди. Дадам сахар ишга кетиб, кечқурун, баъзан эса йиғинга бориб ярим тунда қайтади, опаларим дала шийпонида ётиб ишлашади, ҳозирча биргина мен далага чиқмайман. Бундан далага

чиққан ҳам яхши! Сахармардон кўзимни ишқалаб-ишқалаб туриб, пода кўшгани югураман, поччамнинг, кўшниларнинг сигирларини ҳам кўшиб ҳайдайман, сўнг уйга қайтиб, тезда нонушта қиламан-да, кулранг ханги йўрғамни эгарлаб ўтга жўнайман. Зухра опам билан Умри опам икки линг¹ ўт ўриб эшакка ортиб беришади, эшакни миниб уйга қайтаман. Иссиқ авжига чиққан айни туш палласидагина бир-икки соат болаларга кўшилиб ҳовуз бўйида яшринмачоқ ўйнайман. Катта чуқурга бориб чўмиламан, баъзан эса кадрдон сўримда гоҳ китоб ўқиб, гоҳ ухлаб, гоҳ хаёл сураман. Негадир илгаригидек Ширин билан бирга ўйнагим келмайди, унинг менга ҳайрон бўлиб қараб турганини сезганимда, тезгина бурилиб бошқа ёққа кетиб қоламан. Калима ҳақида ширин хаёллар суришимга ҳалақит беришини истамайман: «Калима нима қилаётганикан, шу топда?» деб ўйладим катта ариққа чўмилгани кетаётиб. Албатта, у менга ўхшаб ўт ташиб юрмагандир! Ахир отаси дўхтир, онаси – ўқитувчи. У лагерга боради, бу аниқ. Алҳол негадир Зумрад опа ёдимга тушди.

Эҳ, бу катталарга тенг бўлиш осон эмас экан. Агар мен катта бўлганимда Зумрад опа мени бундай беписандлик билан қулоғимдан чўзиб, худди мушукни ҳайдагандек ҳайдамас эди! Ахир бу катталар бола кўксига ҳам ғоят нозик, ғоят эзгу, самимий, покиза қалб уриб турганини билишармикан? Йўқ! Билишмайди! Бўлмаса Зумрад опа мени бунчалик шарманда қилмас эди. Бу катталар керак бўлганда бизни худди мушукдек суйишади, эркалашади, керак бўлмаганда эса қулоғимиздан чўзиб четга чиқариб қўйишади, кўзлари мўлтираб турган бу бола ҳам одам эди-ку, деб ўйлашмайди. Бу катталар фақат ўзларини ўйлашади, ўзларини кўришади. Биз эса боламиз – мушукмиз!

¹ *Линг* – боғ (шева).

Ўзимча ана шундай ўй-хаёлларга ботиб, изтироб чекаётганимда болалик онларим тугаётган эди.

Шундай бўлса-да, мен ҳамон кўп тақиқлардан қутула олмадим. Барча тақиқларни камситиш деб тушунардим, менга барча катталардек муносабатда бўлишини истардим. Аммо буни катталар тушунишмасди. Мен ҳам бу истагимни тушунтириш йўлини тополмай қийналардим.

Ҳамон болари гулдан гулга қўниб шира йиғганидек мен ҳам одамлардан ақлимга, вужудимга, руҳимга куч йиғардим, энди менга кўп нарса аёндек туюлади. Аммо боланинг куч-қуввати, руҳий имкони, сирли дунёсини тўла англаш анча мушкул. Чунки ҳар бир инсонда болалик ўзига хос бир тарзда кечади. Кимнингдир болалиги аччиқ кечар, кимникидир ширин ўтар, ҳа бахтлими, бахтсизми, ҳар кимнинг ўз болалиги бор.

ИНСОН КАМОЛОТИДА БОЛАЛИККА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ. Бу даврда менинг чаппар уриб ўйнагим келади, жўшқин давраларга ўзимни ураман. Яшринмачок, сувбекинмачок, қувлашмачокда ҳеч кимга тутқич бермасам дейман, пўстакдан бир парча олиниб тагига танга ёхуд қўрғошин бўлаги ёпиштириб тепиладиган жунтепки тепишда ҳаммадан кўп тепишни, чиллак ўйнаб ҳаммани ютишни истайман. Жунтепкининг оёкни чалкаштириб тепиладиган нури усулини Қўлдошдан яхши ўйнайман, чиллакда эса мудом унга ютқизаман. Бир гал алам қилганидан эски костюмимни тескари қилиб енгини кийиб этагидан ушлаганча Қўлдош ураётган чиллакни ҳаводаёқ тутиб оламан деб, унга жуда яқин келиб қолибман, Қўлдош урган чиллак шундай ёноғимга тарсиллаб тегиб костюм этагига тушди; ёноғим қонаб оғриётганига қарамай чиллакни илиб олганимдан хурсанд эдим, ахир энди чиллакни мен ураман-да! Қўлдош эса рўмолчаси билан ёноғимдаги қонни ариб:

– Агар шундай қилсанг, иккинчи бор сен билан чиллак ўйнамайман. Ахир кўзингга тегса нима бўларди?! – деди.

Энди менинг дунём кенгайди – узумзор, мўъжаз ҳовли, соя-салқин ҳовуз бўйи, зилол сувли ҳовуз, Бешариқнинг катта чуқури, дала ва ниҳоят мактаб, синфхонам, акам, опаларим, ота-онам, кўни-қўш-нилару хешларим...

Энди уларга ўтгиз нафар синфдошларим қўшилди. Шунча бола сивадиган торгина синфхона мен учун жуда кенг дунё эди. Шу синф-дунёда не бир воқеалар кечмади?! Бу дунё менга жуда азиз, жуда... Ана Қўлдош, Калима, Достон, Аломат, Баҳри, Нарзикул... Уларнинг ҳар бирининг ўзи бир дунё! Болалигим билан бахтлиман, бу бахт менга умрим охиригача татир. Болалигимнинг аччиқ-чучук хотиралари кечагина кечгандек... Улар умрим кучига қувват беради.

...Ўртоқларим силга чалинган Ғайбуллани четга чиқариб қўйишаётганда унга жуда-жуда ачиниб кетаман, сўнг уни уйга таклиф этаман, аям «Нега сил болани етаклаб келдинг, ахир касали сенга ҳам юқади» деб, бошқаларнинг аясига ўхшаб уришмайди. Найнов, икки юзи кип-қизил, ёноғида майда қизил томирчалари бўртган, бароқ қош, озғин бу боланинг кулфи дили очилиб кетади. У менга турли ўйинчоқлар ясаб беради, қаердандир қасқон топиб келиб, эчки терисини ошлаб теридаги жунни битта қолдирмай юлиб ташлади-да, ёғоч елимни қизитиб эритиб терини қасқонга тортди (қасқоннинг сим шилдиروқлари ҳам бор эди). Сўнг устига коса бостириб офтобга қўйди. Бир кундан сўнг чилдирма тайёр бўлди. Болаларнинг ҳавасини келтириб роса чалдик. Чилдирмани чалиб кўриш иштиёқида болалар бизга қўшилиб кетишди, ҳамма Ғайбулланинг силлигини унутгандек эди. Ғайбулла жуда севинди, севинганидан йўтали тутиб қолди, четга чиқиб жуда кўп йўталди, туфла-

ди, қарасам туфуги қон аралаш... У туфугини калини билан тупрок суриб кўмиб, биз билан хайрлашиб уйига қараб юрди, юзи жуда ҳам қизариб кетганди. Кетаркан бизга мамнун қараб тезгина уйига қараб юрди. Биз эса букчайганча йўталаётган Файбуллага ачиниб қараб қолдик. Эртаси куни эса унинг қазо қилганини эшитдик, ўртоқларим унинг тириклигида камситишгани учун пушаймон бўлгандек ғамгин бош эгишди, мен болаларга:

– Фотиҳага борамиз, – дедим.

– Қандоқ бўларкин, ахир болалар фотиҳага боришмайди, – деди Қўлдош.

– Хайдаб чиқаришмас! Энди биз ҳам бола эмасмиз! – дедим жониқиб.

– Борамиз, бормасак Файбулланинг олдида қарздордек бўлиб қоламиз, – деди Достон.

Ҳамма уйига кириб кўчалик кийимини кийиб чиқди. Умримизда биринчи марта фотиҳага бордик... Файбулланинг дарвозаси ёнида чопон кийиб, белбоғ боғлаб тахта ўриндиқларда қатор бўлиб ўтирган ўн чоғли одам бирин-кетин кириб борганимизда бизга аввал хайрон бўлиб қарашди, сўнг алоҳида ҳурмат билан ўринларидан туришди.

– Ўртоқлари! Ҳа, булар ҳам катта бўлиб қолишди! – деди Исожон тоға, сўнг овозини баралла қўйиб Қуръон тиловат қилди. У бизнинг фотиҳага келганимиздан фахрланаётган эди, чамамда...

Эҳ болалигим, болалигим! Бўйлаким лолақизғалдоқ... Гўдаклигим – унинг кўсаги. Болалигимда бу кўсак алвон-алвон ёниб очилади. Минг афсуски, гултожибарглари қондек қизариб тезгина тўзғийди, болалик ҳам шундай – ўтади, кетади...

Ширин кизғалдоқ кўсакчасини юлиб менга қараб кулиб қўяди...

Боғдан аямнинг овози келади:

– Хой, Тохир-Зухралар! Исмалоқ қани?

Оббо, исмалоқ тергани келганимиз эсдан чиқай дебди. Ирғиб турдигу қўл ушлашиб қирга қараб югурдик...

Қаршимиздан кўзимизга қирмизи борлиқ урилди. Бўйлаким чўғ, чўғ! Чўғдек яшнаб бир текис очилган лолақизғалдоқлар ҳали-замон алангаланиб қирни ёндириб юбораётгандек!

Бир маҳал Ширин кўзлари чакнаганча қорамалдоғи билан ишора қилди. У томонга қарадиму лол бўлиб қолдим: қирмизи нафис кўйлак кийган Зумрад опа қўлини икки ёнига ёзиб, йўғон икки ўрим сочи оғирлик қилаётгандек бошини орқага ташлаб гир айланарди, гир айланарди... Қирмизи кўйлагининг этагию енглари ҳилпираб, ҳилпираб алангаланади! Қирга лолақизғалдоқлар эмас, балким Зумрад опанинг ҳилолдек қомати, бошини орқага ташлаб айланганида янада бўртиб кўринадиган кўкраклари, ҳилиираган кўйлаги ўт қўйиб алвон-алвон ёндириб юбораётгандек!

Мен Шириннинг қўлидан маҳкам тутганча донг қотдим!

1983 йил, Фарғона.



ЎСМИРЛИК

Учинчи китоб

Ана-мана дегунча олтинчи синфни ҳам битириб қўйибман: ҳамма билан хайр-хўшлашиб уйга қайтдим; кўча тупроғининг исиб қолганини сезиб, ялангоёқ юргим келди – шартга туфлимни ечдим; пайпоқларимни унинг ичига солиб, туфли ипларини бир-бирига боғладим-да, елкамга ташлаб олдим; шимимнинг пойчасини тиззамгача шимардим. Шу аҳволда юрганимни кўрган кишининг кулиши турган гап! Лекин баъзан куюшқондан чиқиш ҳам фойдалими, деб ўйлайман: қаранг, иссиққина тупроқни кечиб юриш қандай маза!

Кўчани эгаллаб, ўзимга ўзим эркаланиб, гоҳ сўлга, гоҳ ўнгга қараб юриб тупроқ кечиб борар эканман, қаршимдан Зумрад опа чиқиб қолиши мумкинлиги сира хаёлимга келмаган эди. Минг афсуски, у атлас кўйлакда товланиб, шундай рўпарамда турарди. Бир ёққа бурилиб ура қочай десам бурим¹, туфлимни кийиб олай десам ҳолим йўқ – жойимда музтар қотдим.

Зумрад опа эса орадан ҳеч гап ўтмагандек қўл бериб кўришди:

– Ҳа севгилим, қалайсиз?

Оғзини кафти билан беркитиб турди-ю, бўлмади – қулоғимга зилол булоқнинг шарқираши эшитилгандек туюлди; бу товуш шундай ёқимли эдики, юрагимдаги танглик ўрнини илиқ ҳаяжон эгаллади; хусни ойдек балқиган Зумрад опанинг чехрасига бир дақиқа тикилиб қолдим; у эса бетимдан чимчиб қўйди, сўнг ярақлаган туфлисини қўлига олиб, тупроқ кечди:

¹ Бурилиш деган маънони беради (шева).

– Оҳ-о, маза-ку! Қуддус, мана, мен ҳам сенга ўхшаб ялангоёкман! Хўш, ишқилиб, энди айниб қолганинг йўқми?

Мен ер чизиб, индамай туравердим. У яна шараклаб кулди.

– Айниб қолсанг керак, ҳали сен шундай йигит бўласанки!..

Мен бошимни кўтардим: унинг икки бети қизариб сирли, ғалати боққанча менга тикиларди. У шу қадар чиройли бўлиб кетгандики...

Тўлин ойдек оразига ажиб бир қизиллик энган, қулоғидаги ёқут кўзли тилла зирак шу қизилликка монанд жилваланади, нафисгина бурни, ғунчадек лаби шундай жозибалики... Узунгина қора қошлари ҳуснига камондек тортилган; гажагининг олмадек қизил ёноғига қараб буралгани жамолига шўҳ эркалик бахш этади. Тимқора кўзининг оташи юракни жизиллатиб куйдиради! Унинг лаблари соҳилига ширин бир жилмайиш ёйилди.

– Қуддус! Мен сени укамдек яхши кўраман. Сен сева оласан, сен шу билан улугсан! Дунёи дунни ҳалокатдан муҳаббатгина қутқаради! Мени унутиб қўйма! Колхоз кутубхонасига бориб тур!

Мен яна лолу ҳайрон бўлиб қолдим, қарасам у қўлини силкиб-силкиб нозли ҳимралиб мендан узоқлашяпти. Ял-ял ёнган атлас кўйлак кўздан йўқолгунча термилиб қолдим: Зумрад опа қандай ажойиб қиз-а! Мен бўлсам...

Зумрад опа! Юрагимни илк бор ағдар-тўнтар қилган у эмасмиди? Уни бунча тез унута қолдим? Унутдиммикан? Ёки эсга олишни истамаганмиканман?

Ахир, ундан қочиб юардим-да! У қулоғимни чўзиб пўписа қилганда юракдаги ширину аччиқ ҳислар қоришиб кетди. Уни қизғалдоқзорда ёниб, яшнаб айланаётганини кўрганда ғалати бир ҳолга туш-

дим — донг қотдим. Сўнг яна унга махлиё бўлиб
тикилдим! Тўйи бўлгач эса уни кўролмадим...

Қизиқки, энди Калимани кўрганимда худди Зум-
рад опа ҳақида ўйлаб юрганимдагидек юрагимда
сирли бир силсила уйғониб, вужудим ёлқинланади!

2

Бешариқнинг суви лойқа бўлса ҳам муздекки-
на. Ҳамқишлоқларим қий-чув солиб чўмилишмоқда.
Йўрғамни ариқ бўйидаги толга боғлаб, тезгина ечи-
ниб, сувга калла ташладим. Сувбекинмачоқ бош-
ланди.

Сувда тутқич бермасликка интилиб, чўмила-
чўмила гезариб кетибман, жазирама иссиқ танамга
хуш ёқяпти. Йўрғам жуда ўрганиб қолган — йўлни
тўғри Абдусалом тоғамнинг даласига солаверади;
ўтни ўша ердан — ғўзалар орасидан ўраман. Шийпон
олдидан ўтаётганда Йўрғамнинг бўйнига бир хала
уриб, уни шийпонга қараб бурдим; тутнинг соясида
икки от боғлиқ турарди, бири — човқар, демак да-
дам шу ерда. Йўрғамни ариқ бўйидаги қайрағочга
боғладим-да, шийпонга қараб юрдим; ховуз бўйидаги
супада дадам Орзиқул раис билан ўтирган экан,
тоғам йўк; шийпонда усталар ишлашяпти.

— Оҳ-о, бизнинг ем-хашак бригадиримиз келиб
қолди-ку! — деди дадам ҳазиллашиб. Улар билан
кўришдим. Раиснинг менга алоҳида бир меҳр билан
қараганини сездим; кейин улар ўз гаплари билан
овора бўлишди.

— Орзиқул, хирмонда адолат ўрната олмаган во-
лий жамиятда адолатли сулук тузолмагай. Колхо-
зимизда бир муддат ишлаб яхши-ёмонни ўзингиз
англаб олдингиз. Шу халқнинг топган бир чўпини
ҳам кўз қорачиғидек асрайдиган одам омбор мудир
бўлмагунча колхознинг бири икки бўлмайди.

– Хўш, сизнингча омборга кимни қўйсак дуруст? – деди раис дадамга синчиклаб қараб.

– Уста Файзи акани!

– Йўғ-эй! – деди ёнбошлаб ўтирган раис кулимсираб. – Ахир, Уста аканинг ўзига яраша иши бор!

– Ишини шогирдлари ҳам уддалайверишади. Лекин омборга ундан ҳалолроқ одамни топиш қийин.

Раис ерга тикилиб қолди, анча жимликдан сўнг:

– Майли чақиринг-чи, бир гаплашайлик, – деди.

Дадам менга буюрди:

– Бор, Уста бобонгни чақир!

Шийпон ичига кирганимда Уста бобо терлаб-пишиб тоқчани суваётган экан, раис чақираётганини айтишим билан пақирдаги сувга қўлини ювиб, юзига сачраган лойларга эътибор бермай супага қараб юрди. Дадам ўрнидан туриб у кишини кўрпачага таклиф этди, лекин Уста бобо шолчанинг бир четини қайириб омонатгина ўтирди; раис ёстикни четга суриб чордана қурди; мен ҳам жойимга – супа ёнидаги ёғоч ўриндикка ўрнашиб олдим.

Раис Уста бободан ҳол-аҳвол сўрагач, мақсадга қўчди:

– Уста ака, биз маслаҳатлашиб, сизни омбор мудириликка қўймоқчимиз. Шунга нима дейсиз?

– Эй, барака топгур, ҳазиллашманг, – деди Уста бобо кулиб. – Ҳеч бир ёруғ жаҳонда устадан омбор мудири чиққанми? А, Полвон?!

У аввал дадамга, сўнг раисга қаради.

– Уста ака, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қоляпти. Бунақа лой ишлари энди сизга оғирлик қилади, – деди дадам.

– Эйи, Полвон, қарилик панд бериб, бирор ишни уддалай олмадикми? Ёки меҳнатзада бўлиб қолди, деб ўйлаяпсизми?

– Йўқ, Уста ака, сизнинг меҳнатзадалигингиз – бошқаларнинг меҳнатсеварлиги!

– Энди омборни бир тартибга солиб берасиз деб ўйловдик-да! – деди раис кескинроқ оҳангда.

Уста бобо соқолини силаганча ерга боқиб ўй суриб қолдию бироздан кейин шикаста овозда деди:

– Орзукул, Полвон, барака топгурлар, мен бир кўнгли бўш устаман. Бу омбор деган жой борки, у ерга худонинг махлуқи – каламуш ин қўяди. Унинг тишини синдириб, мен бечора омбор мудирини бўла олармиканман?

Уста бобо кўпроқ дадамга қараб сўзлаяпти, уни омбор мудирини қилиш ҳақидаги гап дадамдан чиққанини сезяпти, шекилли.

Дадам мийиғида кулиб қўйди:

– Уста ака, хавотир олманг, биз ҳам каламушларни қирадиган дори излаб юрибмиз.

– Шундаймикин-а?! – Уста бобо яна дадам билан раисга бир-бир қараб қўйди. – Қандай бўларкин? Устадан омбор мудирини чиқармикин?

– Жуда яхши бўлади! – деди дадам ишонч билан.

– Ҳа, қани, Малҳам билан маслаҳатлашай-чи?

– Яшанг, Уста ака, бу бошқа гап! – деди дадам қувониб.

Уста бобо шийпонга кириб кетди. Раис дадамга хайрон бўлиб қаради.

– Уста ака ҳали бир аниқ жавоб бергани йўғ-у, нега қувонасиз?

– Келинойимни эркалаб «Малҳам» дейди: «Малҳам билан маслаҳатлашайлик!» дедими, кўнгани шу!

– Бироқ Уста аканинг ёш болага ўхшаб қаёқдаги каламушларни гапиргани менга ёқмади, сиз ҳам у кишига қўшилиб...

– Оббо, Орзикул-эй! Уста жуда чукур гапирди. «Сиз икковингиз ҳам омборни кемириб ётган одамларга шерик бўлсангиз, мени мудирлигим қаерга борарди!» деди. Мен эса: «Иккимиз ана шу каламушларнинг додини бермоқчимиз», дедим. У шундан кейин ўйланиб қолди, чамаси омбордаги найранглар унинг ҳам жиғига теккан.

– Ёпирай, Уста хали шундай маънили гап айтди-ми? Тавба, юраверган эканмиз-да, беш йил ўқиб олий маълумотли бўлдик деб!

Дадам яна мийиғида кулиб қўйди:

– Энди хотиржам бўлинг, омбор ишончли қўлда! Уста ака шундай боплаб тартибга соладики... Орзикул, агар волий бир ҳалол одамни қўлласа, минг ҳалол етишади, биргина бузук қўлланса, бутун жамият булғаланади.

...Уста бобо ўзи қизик одам. Бир куни Бешариқ ёқалаб кетган сўқмоқдан уйга қайтаётсам, шундай ариқ бўйида белбоғини ерга тўшаб, намоз ўқиётган уста Файзи бобони кўриб қолдим; унинг олдини кесмай орқадан ўтсам ҳам бўлар эди, лекин ариқ олдида ётган бир калтакни олдим-да, Уста бобонинг белбоғидан анча берига кўндаланг қўйиб, олдини кесиб ўтдим – намоз ўқиётган одам олдидан шундай қилиб ўтиш кераклигини дадам ўргатган. Уста бобо мени калтак қўйиб ўтаётганимни сезмади, орқамга қайтдим, таёқни қимирлатиб қўйдим, шоядки, Уста бобо кўриб қолса, Уста бобо эса мени кўрмагандек узоқларга тикилганча қўлини фотиҳага очганча лаби қимирлар эди.



Алхол қаршимдан дадам чиқиб қолди, қўлимни олиб сиқиб кулимсираб турди, кулимсираш кенг юзига ёйилганча Уста бобога қаради, ихлос билан салом берди.

Уста бобо белбоғини йиғиштириб, алик олди.

– Уста бобо, кўрдингизми, бизнинг ўғилни, намозингизни бузмасдан ўтганини!

– Йўқ.

– Ия, калтак қўйиб ўтганини кўрмадингизми?

– Йўқ, кўролмадим.

– Ажабо...

– Бир куни бир мўйсафид намоз ўқиётган экан, иттифоқо олдидан яп-яланғоч жувон кесиб ўтибди. Шунда мўйсафид ғазабланиб дебди:

«Эй беҳаё, намозимни буздинг!»

«Эйи, сен Аллоҳимга муножот қилаётганмидинг?»

«Ҳа».

«Муножот этаётиб мени кўрдингми?»

«Ҳа».

«Хим... Мен ҳам меърожга шошаётган эдим».

«Ия, Аллоҳим ҳузурига шундай беибо ҳолда борурмисан?»

«Ҳа, мен меърожга онадан қандай туғилган бўлсам, шу ҳолда, ҳалол-покиза руҳда бораётган эдим, Аллоҳим ишқи мени шунчалар маст қилгандики, сени кўрмабман. Сен эса гапириб юбординг. Мен эмас, балки сен муножотимни буздинг. Сенинг муножотинг эса ёлғон экан».

Аёл шундай дебдию кўздан йўқолибди.

– Намозхонни Аллоҳимнинг ўзи синамокчи бўлган экан-да, – деганди ўшанда дадам...

– Хўп, қани юринг энди кўрикка борайлик.

– Кетдик, – деб ўрнидан турди раис.

Уларнинг орқасидан мен ҳам ишимга жўнадим.

Орадан икки кун ўтгач, кечкурун дадам Уста бобо билан раисни бошлаб келди; йиғилишдан кейин: «Бизникида чой ича қолайлик!» дебди.

Косалар йиғиштирилгач, раис боғимизга, осмонга қараб:

– Нак жаннатнинг ўзида яшайсиз-да, Мусо ака! – деди.

Раиснинг ҳар бир гапига, ҳаракатларига разм солиб ўзининг ўктам тутишига ҳавасим келди; кўри-нишидан унча хушсурат бўлмаса-да, унинг оқиш чеҳраси, дадил гапиришлари ёқимли эди.

– Хўш, Уста ака, омборни қачон қабул қилиб оласиз? – деди у.

– Тўра кемшик омборда йўқ донни қачон жойига қўйса, ўшанда!

– Анча етмайдими?

– Йигирма тонна.

– Ўҳ-ў!

– Орзиқул, Полвон, агар бир дона кам бўлса ҳам қабул қилмайман!

– Яшанг, ана шунақа ҳалол одам билан ишласанг! – деди раис мароқ билан.

– Эй, Орзиқулжон, – деди Уста бобо маҳзунлик билан. – Бир китобда ўқигандим...

«Бир китобда ўқигандим!» Уста бобонинг китоб ўқиганини ҳеч кўрмаганман, кейин мактабда айтишардики, бунақа чолларнинг бари саводсиз.

– Унда ёзишларича, хусну малоҳатда тенгсиз Юсуф деган йигит бор экан, – деб гапида давом этди Уста бобо. – Иттифоқо, у сой бўйида турган эди, зилол сув бетида бир дона нақш олма қалқиб-қалқиб оқиб келаверди.

Юсуф олмани ушлаб олди-ю, ҳеч нафсини тийиб туролмади, карсиллатиб бир-икки тишлаб ярмини еб қўйди; сўнгра қилмишини ўйлаб пушаймон бўлди: ахир бу олма кимники? Бировнинг мева-

сини сўрамай олиб ейиш инсофданми? Ё алҳазар, нафсини тия олмай наҳот шунча гуноҳга ботса? Йигитнинг ичи ёниб кетди; қандай бўлмасин олма эгасини топиб узримни айтай деб, қўлида ярми тишланган олмани ушлаганча сой бўйлаб оқимга карши юрди; юриб-юриб ниҳоят турли мевалар ҳил-хил пишиб ётган бир бокқа етди; сой бўйидаги бир туп олма дарахти шода-шода мева солиб, шохлари сувга ларзон-ларзон эгилган эди. Йигит қўлидаги олма шу дарахтдан эканлигига ишонч ҳосил қилгач, тор кўчани айланиб ўтиб, боғ эгасининг эшигини қокди. Эшикдан ғоят хушсурат, оппоқ соқолли, юзидан нур ёғилиб турган бир чол чиқди. Йигит хижолатдан бошини кўтара олмай салом берди, сўнг қўлидаги олмани кўрсатиб деди:

– Эй, отахон! Мен хом сут эмган бандадан хатолик ўтди. Ана шу олмангиз сувда оқиб кетаётган экан, ушлаб, сўрамай-нетмай ярмини еб қўйибман. Энди мен сизнинг олдингизда ҳам гуноҳкор, ҳам қарздор бўлиб қолдим. Айтинг-чи, отахон, мен қарзимни қандай узиб, гуноҳимни қандай ювай?

Чол соқолини силаганча йигитга бошдан-оёқ разм солди, ўйланиб деди:

- Эй ўғлим, бу жуда оғир масала-ку!
- Олмангизнинг нархи қанча туради, отахон?
- Жуда қиммат!
- Нархини айтинг, етса молим, етмаса жоним.
- Молингиз ҳам, жонингиз ҳам етмайди, йигит!
- Бўлмаса, қарзимни узганча уйингизда хизматингизни қилай.
- Унда ҳам узолмайсиз.
- Йўкса, шарт қўйинг, бажарай!
- Шарт?! Хим... шартми? Ҳар қандай шарт қўйсам ҳам бажарасизми?
- Эгам ҳаққи, бажараман.

– Бўлмаса, менинг бир қизим бор, исми – Абкор. Унинг оёғи шол, кўзи кўр, қулоғи кар. Абкорга уйланасиз, шарт – шу!

Юсуф шартга кўнди, олманинг қолган ярмини чолга узатган эди, чол йигитнинг қўлини меҳрибонлик кўрғазиб ушлади:

– Қолган ярми текин, ея қолинг, ош бўлсин!

Воқеани эшитгач Юсуфнинг ота-онаси ҳам розилик беришди, тўй бошланди. Йигит гўшангага кирдию хайратдан қотиб қолди: чимилдиқда ой деса ойдан ойдин, кун деса кундан ёруғ бир соҳибжамол эгилиб салом бериб турганмиш. Юсуф қўли билан юзини тўсиб, гўшангадан чиқиб кетди; отасига, ўртада турган одамларга: «Бу менга айтилган қиз эмас!» – деди. Югуриб қизнинг отасини чақириб келишди. Чол Юсуфга хафахонлик билан боқди:

– Юсуфбой ўғлим, Абкорни маҳрамликка шартга биноан қабул қилдингизми?

– Шундай, таксир.

– Сиз менинг қизимни илгари кўрган эдингизми?

– Йўқ, отахон!

– Шундай экан, лафзингизда туринг, шу қизим сизники!

– Ахир сиз, заифамнинг кўзи ожиз, оёғи шол, қулоғи кар деган эдингиз-ку!

– Тўғри, лекин кўзи ожиз деганим нопокларнинг юзига боқмаган деганим, оёғи йўқ деганим, осто-на ҳатлаб ташқарига чиқмаган деганим, қулоғи кар деганим, ёмон сўз, нотўғри гап эшитмаган деганим эрди, ўғлим!

Юсуф лом-мим деёлмай қолди. Икки ҳалол-пок ёш ширин-шакар турмуш қуришди. Йиллар ўтиб Абкордан туғилган ўғил тўрт ёшида беқиёс истеъдод намоён этди. Шунда Абкор: «Отаси агар олманинг ярмини еб қўймаганида эди, ўғлим ўз қобилият-кучини уч ёшдаёқ зоҳир этган бўлар эди!» – деган

экан. Ана, Орзикул ука, энди бизнинг ҳалоллигимиз қайга борарди?!

Уста бобо қўл силтаб қўйди; мен эса унинг ҳикояси таъсирига чўмиб ўтирардим, ўзимча сўрамай-нетмай бировнинг ҳатто яримта ҳам олмасини емаслик, Юсуфдек ҳалол бўлиш ҳақида хаёл сурардим; шунда Калима мени...

Уста бобо ўрнидан туришга чоғланди, раисга қарасам, бояги ўктамлигию фармонбардорлиги йўқолиб, Уста бобога ғалати ўйчанлик билан тикилиб ўтирибди: ҳикоя унга ҳам таъсир этган кўринади.

– Иложи бўлса, бошбухликка Чўлпон акани олиб келинглар, Орзикул, Полвон! – деди Уста бобо кетатуриб.

Дадам у кишини кузатиб қайтганда раис:

– Тавба, Уста акани кўрсам, ўзимча сергак тортадиган бўлиб қолибман. Шу ҳозир ҳам бизни боплаб кетди-ёв?!

– Ҳа, бошбух билан бир олмани бўлиб еб, сизлар ҳалоллик даъво қилмасаларинг дуруст эди, деди қурғур уста!

– Фақат шундай деган бўлса яхшику-я. Калтакнинг бир учини шахсан менга теккизди шекилли, Мусожон ака, шу киши билан гаплашаётганда, подшонинг оёғига ип боғлаб қўйган вазирдек оёғимга ип боғлаб қўйинг!

– Ақлли гап айтган эканман, нега ипни тортасан деб юборманг яна!

Иккаласи мирикиб кулишди.

Кечқурун чойхона тарафдан карнай-сурнай товушлари эшитилиб қолди. Ўша томонга югурдим. Қўлдош ҳам етиб келибди. Чойхона яқинидаги майдонга иккита юк машинасининг орқасини бир-бирига тўғрилаб, ён тахталарини тушириб, устига гилам тўшашган. Бу – кўчма сахна, катта чироқлар билан

ёритилган. Чойхонадаги чорпояда раис, дадам, янги бошбух — Чўлпон амаки, бир аёл, яна бир неча нотаниш кишилар ўтиришибди. Хамма ўзига қулай жойга ўрнашиб оляпти. Қўлдош иккимиз саҳнанинг шундай яқинига ўтиришган болалар олдига чордана қурдик. Чорпоядаги аёл ҳаммадан аввал машина бортига чиқиб қўлини кўксига қўйганча таъзим қилди, сўнг машшоқларни чорлади: «Дилхирож» янгради, оч яшил, нафис қўйлак кийган олти раққоса бедана юриш қилиб бир-бир саҳнага чиқишдию нозик харакатлар билан рақсга туша кетишди. Рақс тугади, қарсақлар янгради. Аёл яна саҳнага қўтарилди, бир зум жим туриб қолди, сўнг муҳим бир гапни эълон қилаётгандек, қаддини ростлаб баланд овоз билан деди:

— Навбат Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоққа!

Еру кўк гулдурос қарсақлардан титраб кетди, ўрта бўйли, қорача бир киши саҳнага дўмбиллаб чиқди. Қарсақлар тиниб, мусиқа товушга ён берганда у бирданига ҳайкириб юборди:

— Ҳайй... ҳаййй...

Бу шундай ширали, кишининг қалбини зириллатадиган ҳайқирик эдики...

— Дўст! — қийқирди халойиқ.

— Дўстлар, ҳеч ким менингдек ёридан айрулмасин!

— Отангга раҳмат! — деди Рашид ака. — Қўшиқни нақ авжидан олади-я!

Ҳофиз шунчалар ёниб, шунчалар куйиб куйладики, юрагим ғалати жизиллаб, беихтиёр қўшилиб куйлагим келди, лекин атрофдагилардан тортинаман.

У бир неча жуфт қўшиқ айтди, кейин пешонасидаги терларини артиб, секин юра бошлади; саҳнага яна бир киши чиқди, тевааракдан: «Орифхон ака!»

деган овозлар эшитилди. Бошқарувчи аёл Маъмуржон акани тўхтатди:

– Ҳа, Маъмуржон ака, йўл бўлсин, эски машинадек шиқиллаб қаёққа боряпсиз?

– Эйи, Маҳаббатхон, яхшимисиз, бу Жиззахда Хамид Олимжон номли колхоз бор экан, шу колхоз аъзолари қўриқ очишибди. Бориб бир жуфт қўшиқ айтиб берай!

– Қўшиқни қаерда айтасиз?

– Саҳнада!

– Саҳна қаерда бўлади?

– Клубда!

– Ҳа, баракалла, энди ўзингизга келдингиз. У колхозда клуб бўлмаса, даканг хўрозга ўхшаб қичқириб келаверасизми: «Клуб йўқ-ку, клуб йўқ-ку, қўқ-ку; қўқ-ку!» деб!

Қаҳқаҳа кўтарилди. Ҳамма кулиб саҳна ёнига курси қўйиб ўтирган раисга, унинг ёнидаги фаолларга қаради. Раис изза бўлдими, ўрнидан туриб кетди. Саҳнада эса гапини Орифхон ака улади:

– Ҳой, Маҳаббатхон, Маъмуржон акамни жудаям камситманг, даканг хўроз деб. Бу кишим клубсиз колхозларда ашула айтиб ўрганиб қолганлар бойўғлига ўхшаб: «Хўқ-ку, хўқ-ку, ободонлик йўқ-ку, йўқ-ку», деб!

– Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа...

– Ҳой Маҳаббатхон, мен бу ёққа келаётганда манави Орифхон ҳофизни жаззахлик, ҳар қалай йўлни яхши билар, деб етаклаб келаётувдим, бунини қарангки, бедана бўлиб сайраб юборди: «Колхозимиз кўп қоқоқ, кўп қоқоқ», деб!

– Ҳа-ҳа...

– Ўзи бу колхозликлар беданадек сайрашга ўрганиб қолишган экан, мана бугун ҳосилот – Мусо ака сув босган далани кўрсатиб сайрапти: «Ботқоқоқ, ботқоқоқ», деб!

– Ха-ха...

– Йўлни кўрсат десам, Орифхоннинг сайрашини каранг: «Кўчамиз асфальтланмаган, йўлимиз – сув-арик, сув-арик», деб!

– Ха-ха...

– Хой Маъмуржон ака, бас килайлик, йўкса бу аскияни эшитиб раис – Орзикул ака қочган бедана-дек бўйнини қисиб сайраб юбормасин: «Иш чатоқ, иш чатоқ», деб!

– Хой Орифхон, ҳамқишлоғингизнингки сайрашига тушунмасангиз қанақа чулчут беданасиз? Мана у киши нима деб сайраяпти: «Кет қолоқ, кет қолоқ, (қўлини икки ёнига ёзиб) нет қолоқ!»

Одамлар кийкириб юборишди.

– Хейй!

Кўп кулганимиздан кўзларимиз ёшланди. Қўлдош иккимиз: «Аския, аския!» деб жон-жаҳдимиз билан қарсак чалдик, катталар эса: «Етар энди, ялла бўлсин!» дейишди. Шу ерда ҳам улар билан орамизда дарз бор: уларга ўйин, қўшиқ, бизларга эса аския ёқади.

Концерт охирлади: сахнага раис, унинг орқасидан тўн, белбоғ кўтарган дадам чиқишди. Маъмуржон акага тўн кийгизишди, биз эса роса қарсак чалдик. Бир пайт раис қўлини кўтарди:

– Хомуш, ўртоклар, хомуш!

Ҳамма жимиб қолди.

– Маъмуржон ака, Орифхон ака, ҳурматли санъаткорлар! Сизларнинг куй-қўшиқларингиз ғайратимизга ғайрат қўшади. Колхозимиз бу йил иқтисодий қолоқликдан чиқиб қолди. Ҳозир ободончилик учун сарфласа бўладиган пулимиз ҳам бор. Кузда планни бажариш тўйимизга сизларни таклиф этамиз. Ўшанда росмана клубда концерт берасизлар, қишлоғимизга асфальтланган кўчалардан кириб келасизлар.

Пастдагилар қарсак чалиб юборишди.

– Мен кимга ишониб бу гапларни айтяпман! Сизларга! Қани айтинг-чи, наҳотки, хашар қилиб битта клуб қуролмасак? Қирқ беш кунда Катта Фарғона каналини қазган, Фарҳод тўғонини қурган халқимиз, наҳот арзимас бир клубни қура олмайди?! Нима дейсиз, ўртоқлар?!

– Қурамиз, қурамиз! – дея гуриллади колхозчилар.

– Битганда Маъмуржон ака ҳам келаман деб ваъда берсин, – деб кичкирди Сайид ака.

– Эшитяпсизми, Маъмуржон ака! Бизнинг халқимиздек заҳматкаш халқ дунёда кам бўлса керак! Ўзбек ҳаммадан ҳам кўра меҳнатга белини маҳкамроқ боғлаган. Унинг қўлига кетмон бер, қаддини кўтар! Ана ўшанда кўрасиз унинг ғайратини. Заҳматкаш ўзбек календарнинг қизил куни нима билмайди, экади, кўкартиради, қуради – яратади! Олти ойдан кейин келинг, қишлоғимизни танитай қоласиз. Фақат сизлардан бир илтимос, ҳалиги аскияни бошқа жойда айтмай туринглар, агар ваъдамизнинг устидан чиқа олмасак, кейин ўзларинг биласизлар!

Қарсақлар гулдиради...

Мен уйга қайтиб супадаги жойимга чўзилдим. Осмондаги юлдузлар жуда ёрқин, яқин қўринади. Кўз олдимдан ҳайқириб қўшиқ айтаётган Маъмуржон ака, нафис, озода кийинган раққосалар нари кетмайди: беғубор кулги қулоғим остида жаранглайди, буларнинг бари менда покиза, кўтаринки ҳислар уйғотади. Тунда қизиқ туш кўрдим: Калима худди кечаги раққосаларникига ўхшаш оч яшил кўйлақда сахнага чиқиб қўшиқ айтаётганмиш, одамлар тинмай қарсақ чалишармиш, концертни олиб бораётган Муҳаббат опа: «Жуда яхши овозинг бор экан, сени олиб кетамиз!» дебди. Мен бир даста гул кўтариб сахнага чиқибман, у эса гулимни олмай раққосаларга қўшилиб юрибди. Қўлимда гул билан

сахна ўртасида тентираб қолдим, юрагим аламдан сиркираб кетди.

Эрталаб уйғонган захотим тушим ёдимга келди: «Бу туш-да, Калима лагерда-ку!» деб ўзимга тасалли бердим. Тушга яқин ўт олиб қайтаётсам, чойхона олдиди одам кўп, гуриллаб қазийдиган трактор ишляпти, у анча жойни чуқурлаб, тупроғини юмшатиб ташлабди. Раис ҳам шу ерда экан, унинг Мусулмонқул акага: «Сен сув очиб келиб, чуқурни тўлдир, лойни трактор қоради» деганини эшитиб қолдим.

Эртаси куни сахарда молларни подага қўшгач, далага бормай, токзорнинг ичидан ўт ўрдим-да, чойхонага югурдим.

Бу ерда иш қизиб кетган эди. Трактор лой чиқариб, ҳар жой-ҳар жойга уймоқда, одамлар эса шимларини тиззаларига шимариб лой уюмларини тегиб пишитишмоқда, ўнтача хом гишт қуядиган ёғоч қолиплар тайёр. Раис ҳам енг шимариб қолипни лой билан тўлдирмоқчи эди, дадам унга ҳазиллашди:

– Ҳой Орзиқул, сиз гишт қуймоқчисиз, қолипни кўтара оласизми, ўзи?

Раис:

– Нима деяпсиз? Толиблигимизда пул етмай мардикор бўлиб роса гишт қуйганмиз.

– Ҳа, унда майли, бошлаб беринг!

Алҳол раиснинг кўзи менга тушдию кулиб қичкирди:

– Ҳой куёв, бормисан?! – деди.

Ҳамма қаҳқаҳа отиб кулди. Баданимга ловиллаб иссиқ югурди, секин сирғалиб қочиб қолмоқчи эдим, у яна: «Нега қараб турибсан, чоп, ховуздан бир челақ сув олиб кел!» деб қолди.

Хижолатли ҳолдан тезроқ қутулиш учун бўш челақни олиб ховузга югурдим: қаердандир пайдо бўлиб қолган Қўлдош, Нарзиқул, Достон, яна бирикки болалар менга эргашишди. Қолипларни ювиш

учун сув етказиб бериш бизнинг зиммамизга тушиб қолди. Ким «Сув!» деса бир-биримиздан ўзиб югурамиз.

Сайид, Мусулмонқул ва Рашид акалар жуда жадал ишлашяпти. Биздан уч-тўрт ёш катта бўлган Шариф ака уларга қарашмоқчи бўлиб қолипга лой солаётган эди, Мусулмонқул ака:

– Ҳей, олашақшақнинг тагидан тухумини олган! Бизга халақит берма! – деди.

Уларни кузатиб турган дадам:

– Мусулмонбой, шундай яхши лой пиштадиган йигитни нега қувасан? Қара, кўрасан ҳозир унинг ишини! – деб Шариф акага лойни қандай пишитиш кераклигини тушунтириб берди. Шариф ака шимини шимариб лойни тепа кетди. Уч оғайнилар эса кулиб-кулиб уни ўз сафларига қўшиб олдилар. Шу кундан бошлаб, ҳамма дастидан дод дейдиган Шариф ака дадамнинг «Яхши, яхши» усули таъсирида яхши болага айланиб қолди.

Кечга бориб раис Уста бободан сўради:

– Уста ака, хом гиштдан қилинган иморат неча йил чидайди?

– Бинонинг чидаши қаровига боғлиқ, мана бизнинг уйлар қурилганига икки юз йилдан ошган!

– Яхши, яхши, – деди раис ўйланиб. – Бугун гишт қанчага етаркин?

– Ўн мингдан ошади, – деди дадам.

– Унда керакли гиштин бир ҳафтага қолмай қуйиб бўларканмиз-да! Гувала икки ҳафта қуриса, уч кунда девор кўтарсак, уч кунда сувоқ... Ҳимм... биродарлар, клубни худди Фарғона каналидек қирқ беш кунда бемалол ишга туширсак бўларкан-а! Нима дейсизлар?! – деди раис кўтаринкилик билан сўзлаб.

– Албатта, – деди Рашид ака.

– Насиб этса! – деди дадам.

Қишлоғимизда иш ана шундай қизиб кетди: бир ёқда клуб қуриляпти, бир томонда тракторлар гуриллаб, кўчаларни тўғрилаб, шағал ёйиб асфальтлашмоқда, яна бир қанча кишилар хонадонларга сув ғулбаси ўтказишяпти. Ҳамма хурсанд, ҳамма кўтаринки кайфиятда! Мен ҳам болаларга қўшилиб иш қизиётган жойда бўлишга улгураман: хашарчиларга сув, чалоб, хонадонлар пиширган турли овқатларни етказаман: аямга ҳам тутқич бермай қўйганман, у кулиб: «Ҳа, бизнинг бобожонга кўпнинг ишини буюрса оёғи олти, қўли етти бўлади!» дейди. Тўғри, мен негадир ўзимга тегишли ишлардан кўра бошқаларнинг юмушларига қарашишни яхши кўраман. Алҳол кўпчилик ишига озгина бўлса ҳам хисса қўшаётганимдан хурсанд холда тинмай елиб-югураман. Шу кўйи таътил кунлари қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолдим.

3

Нихоят ўқиш бошланди. Биринчи қўнғироқ танта-наси тугаши билан эшигига «7-а» деб ёзиб қўйилган, полу парталари бўялиб, яраклаб турган кадрдон синфимизга отилиб кирдик. Ҳамма чуғурлашади, бир-бирига гап бермай сўзлашади. Калиманинг сабри чидамай ўқитувчи ўрнига бориб, «тап» этиб стол юзига бир туширди:

– Жим, болалар, жим!

Қийинчилик билан бўлса-да, жимишдик, ахир Калима – синфбоши. У хиёл тўлишиб, оқариб, янаям чиройли бўлиб кетибди, тикилиб турганимда кўзимиз тўқнашиб қолди, юрагим хаприкди, мен уни соғинган эдим, қани эди бир-биримизга ана шундай узоқ тикилиб турсак, йўқ, у негадир тезда кўзини олиб қочдию:

– Куддус, бугун сен навбатчи бўласан! – деди.

Ўрнимдан турдим:

– Менинг фамилиям кейинроқда-ку?!

– Вай!.. – Калима бирдан бўйнини ичига тортиб кулди, қизарди, секин деди: – Товушининг дўриллаганини... кишига ўхшаб қолибсан!

Ёзда бизникига меҳмон бўлиб келган Ханифа холам ҳам саломимга алик олиб худди Калимадек ҳайрон қолган эди...

– Нега бунақа десам, кекирдагингнинг олмаси бундай бўртибди, – деди ўзининг кекирдаги терисини чўзиб. Дарров кекирдагимни силадим. У чиндан ҳам бўртган эди.

Синфдошларим Калиманинг гапини унча яхши англашмади.

– Бугун навбатчи бўлсанг жон демайсанми, ҳамма ёқ тоза! – деди Қўлдош. Дарвоқе, Қўлдошнинг гапи тўғри! Шу пайт эшик очилиб, Умар Зуфар кириб келди.

Дарслар байрамона кайфиятда жуда тез ўтиб кетдию тарбиявий соат бошланди. Раҳбаримиз – Муроджон Ҳасан ҳамма қатори мендан ҳам таътилда ўкиган китобларимни сўраб қолди. Мен илгаридан тайёрлаб қўйган рўйхатимни узатдим.

– Оҳо, юзта! Бальзак бўл кет-эй! – деди Муроджон ака қош чимириб.

Болаларнинг ҳайрати ошиб: «Ўхў!» деб юборишди; олдинги партада ўтирган Калима ҳам менга қайрилиб қаради: ёз бўйи ҳашару бошқа юмушлардан бўшашим билан китобга ёпишар эканман, синфдошларимни, биринчи навбатда Калимани ана шундай тонг қолдиришни ўйлаган эдим; алҳол шу истагим рўёбга чиққанидан ичимда севинаётган бўлсам-да, ташимда: «Менга юзта китоб чўт эмас!» дегандек бепарво тутяпман, ўзимни! Дарвоқе, дастлаб бор-йўғи синфдошларимни ҳайрон қолдириш

учун китоб ўқишга киришган бўлсам, кейин эса мутолаага жуда қизиқиб кетиб, қалингина китобларни бир-икки кунда ўқиб қўярдим.

– Қани бирортасини айтиб бер-чи? – деди Муроджон ака.

У ҳақиқатан ҳам шунча китоб ўқиганманми ёки шунчаки рўйхат тузиб келганманми – шунини аниқламоқчи.

Нимани айтсам экан? Қайси қизиқроқ эди? «Фарҳоду Ширин»ними?..

– «Фарҳоду Ширин», Навоий достони.

– Болаларга мосроғидан айтсанг яхши бўларди-да, – деди ўқитувчим.

...Китоб ўқишда ҳам ажримчилик! Китобларни нега катталарга, болаларга деб ажратишади-я? Яхшиям уйда дадам билан аям нима ўқиётганим билан ишлари бўлмайди. Мактабимиз кутубхоначиси Назира опа ҳам ёшимизга қараб китоб беради, яна ҳар бир китобнинг мазмунини айттириб қўриб қабул қилиб олади: яхши ўқимаган бўлсак қайтариб беради. Шунинг учун ҳам колхоз кутубхонасига бораман. Қирқ беш кунда битган колхоз клубида янги кутубхона ҳам бор. Биринчи марта у ерга борганимда дераза олдида турган аёлни қўриб таққа тўхтаб қолдим: у худди Зумрад опамнинг ўзи, фақат озгина тўла! Мен Паризод опани кўча-қўйда, тўй-маъракада бир неча бор кўрган эдим, аммо яқин бўлиб гаплашмагандим. Тоғамнинг гаплари ёдимга тушди: «Қизи билан бирга юрса опа-сингиллар дейсиз!» Паризод опа менга қаради:

– Киравер, очиқ.

Бир хил бўлиб кетдим: кўзлари ҳам Зумрад опаникидек – тимқора. Фақат мулоғим, дардли боқади, гўё: «На қилайки, Пари қизи бўлсам-да одамлар орасида юрибман!» деяётгандек.

– Мусожон аканинг ўғли, қани кел, – деди у менга синовчан, маъноли қараб. Бу нигоҳи билан у: «Сенинг қизимга ошиқ бўлганингни эшитганман» деяётгандек эди.

Мен қизариб бош ирғадим. У шундай ёқимли жилмайдики, кўзлари яшнаб кетди:

– Ишқилиб, мени дадангга ўхшаб отиб қўймайсанми? Отмайсан-а?! Ахир мен Зумраднинг онаси бўламан-ку!

Ерга боқиб, бош қашладим. У эса кулиб, мени кўлтиқлаб олди, димоғимга райҳон ҳиди урилди; китоб жавонлари олдига етаклади:

– Қани, китоб оласанми?

Паризод опа қанақа китоб олсам ҳам индамайди. Яна бир куни кутубхонага борсам, раис ҳам шу ерда экан. Паризод опа қизариб кетганча бир бурчакка сиқилиб турибди: мени кўриб севиниб кетди, дарҳол столи ёнига келди.

– Ха, Мусожон акамнинг хашак бригадири, китоб ўқишга ҳам вақт топаркансан-да! – деди раис кўлини узатиб.

Жуда тажрибали китобхонлардек жавонлардаги китобларни анча титдим...

Ўқитувчим хаёлга толиб қолганимни кўрдию деди:

– Майли, гапира қол!

Аввал тутилиброқ, сўзларим унча қовушмай баён қила бошладим, сўнг баданим ғалати жимирлаб, кўзларимни деразага тикиб сўзлай кетдим.

Ана, Фарҳод ўқияпти, машаққат билан ҳунар эгаллаяпти, ўн ёшида у ўрганмаган ҳунар қолмади. Худди ўзим ҳақимда гапираётгандек эдим, ахир, Фарҳоддек ҳунар ўрганаман деб рўзғордаги ҳамма ишларни уйдлашга уриндим. Айниқса, молларнинг арқонини курмак усулида боғлашни ўрганганим уйда менинг обрўйимни ошириб юборди. Қўйу сир шу усулда боғланса, бўғилиб қолмайди; курмак

қилиб боғлашни мену дадам биламиз, дадам уйда йўқлигида аям, опаларим менга ялинишади; ранда-лашни ҳам қотирамай, теша, кетмонга соп керак бўлса қўшнилари мендан илтимос қилишади; хаёлим-дан шулар ўтапти-ю, дostonни сўзлаяпман.

Вояга етган Фарҳод ойнаи жаҳонда Ширинни кўриб қолди, кўриб қолдию ҳушидан кетиб йиқилди.

Ана, Фарҳод Ширинни излаб, савдогарлар билан кемада кетяпти, у қароқчилар ҳужумини мардона қайтарди; ниҳоят, Ширин юртига – Арманистонга етиб келди, Шириннинг тоққа сув чиқариш ҳақидаги орзусини рўёбга чиқаришга бел боғлади; у тошларни сариёғдек кесиб, одамларни йиллаб қийнаган ишни қисқа вақтда адо этди. Мард йигит эл оғирини ана шундай енгил қилади! Фарҳоднинг доврўғини эшитиб, Ширин у ишлаётган жойга келади; Фарҳод Ширинни кўрдию яна ҳушидан кетиб йиқилди! Фарҳод тоққа сув чиқарди ва Ширин висолига етди. Ана, Фарҳод душман – Хусрав қўшинларини тоғдан тош отиб, тор-мор этди. Аммо, жодугар кампир пайт пойлаб Фарҳод ёнига келди, Ширин номидан бир гул узатди; Фарҳод уни хидладию тинмай аксириб, бошини тошларга уриб ҳушидан кетди.

– Фарҳод ҳалок бўлди... ҳалок бўлди...

Бу сўзларни такрорлай туриб кўзимдан ёш чиқиб кетди, сўнг югуриб бориб жойимга ўтириб олдим. Қулоғимга болаларнинг: «Яна айт, яна айтақол!» деган товушлари эшитилади. Калима ҳам менга қараб-қараб қўйяпти, мен эса: «Унга қарамаслигим керак, яна Фарҳоддек ҳушимдан кетиб қолмай!» деб ўйлайман, кейин ўқитувчимиз янги синфком сайлаш кераклигини айтди, ҳамма болалар чуғуллашиб мени кўрсатишди, сайлашди, ўқитувчимизнинг айтишича Калиманинг бошқа ишлари кўп эмиш.

Шу куни мен синфдан биринчи бўлиб отилиб чиқдим узимга ҳеч кимни етиштирмай, ёлғиз уйга

кайтдим: нахот Калима дostonни фақат унинг учун айтганимни тушунмаса?! Балки тушунар?! Лекин мен фақат бадий китоб ўқишда эмас, балки ўқишда, озодалиқда, одобда ҳам унга тенглашишим керак. Шундагина мен унга муносиб бўламан. Ўзим кирчир юрсам, ёмон ўқисам, итнинг кейинги оёғидек судралсам, у мени қандай яхши кўриши мумкин?!

Апил-тапил чой ичиб, бир-иккита китобларимни олдим-да, сўрига томон юрдим: ўт ўриш вақтигача бир-икки соат дарс тайёрлайман. Дарсни-ку уйда ҳам тайёрлайверсам бўлади, лекин ҳозир ёлғиз қолиб ўй сургим келяпти: қандай қилиб Калимадек яхши ўқисам бўлади? Ўтган йили ўқиш якунланаётганда тўрт фандан «тўрт» олганлигим учун Муроджон ака куйиниб дашном берди: «Агар сидкидилдан ўқиса, Қуддус ҳамма фандан ҳам «беш» олиши мумкин! Лекин у дангасами, ишёқмасми ҳеч тушунмайман! Нима ҳалақит бераркин унга?!» Раҳбаримизнинг шу дашноми сабаб бўлдию ўзим ҳақимда кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим; ҳозир ҳам ўзимни, қилмишларимни элақдан ўтказиб ўтирибман.

Ҳа, менга нимадир ҳалақит беради? Дангасаман десам, баъзан бир ишни жуда катта қизиқиш билан бошлайман-у, тез совиб қоламан, совидимми, қайта киришишим қийин; кўпинча, қандай бошлаган бўлсам шундай қолиб кетади – бу менинг ёмон камчилигим! Афсуски, илгарироқ бу камчилигим борлигини англаб етмаганман, йўқса уни тузатиш учун қайғурган бўлардим; бошқалар ҳам шу камчилигим борлигини билиб, менга айтишмаган; шу сабаб фазилатларим билан бирга ёмон одатларимни ҳам орқалаб, ўнқир-чўнқир кўчаларда елиб-югураверганман.

Бир куни бизникига аям билан дадам акамга келин қилиш умидида юрган қиз – Эркин опам келиб қолди. У катталар билан сўрашиб бўлгач, беихтиёр шундай дедим:

– Эркин опа, бизникига келадиган йўлни йўқотиб қўйдингизми? Қўринмайсиз?!

Аям билан дадамнинг кўзлари ёниб кетди. Эркин опам кетгач: «Тавба, худди биров ўргатиб қўйгандек шундай деса-я!» дея хайрон қолиб, фахрланиб гапириб юришди. Ақл сотишга, катталарнинг ёқасини ушлатадиган гаплар топишга, кишиларнинг эътиборини қозонишга уриниш касаллиги шундан пайдо бўлган. Ишқилиб, ҳамма мени яхши бола дейишини истайман. Бунинг учун, аввало, кўринган кишига келиштириб салом бераман; агар қўлида оғир юки бўлса дарҳол ёрдамлашаман. Оркаворотдан: «Мусожон полвоннинг ўғли кўп яхши бола бўпти-да, барака топгур!» деб юрганларини ўзим ҳам бир неча бор эшитганман.

Мактовни ҳам хуш кўраман, биров мактаб қўйса, йиқилиб қолгунимча ишлашим мумкин. Клуб битгандан сўнг, айти саратонда Карим поччам сомон майдалашга қарашиб юборсин, деб аямдан мени сўраб қолди. Ювошлигим, мўминлигим туфайли у мени ҳар хил ишларга сўраб туради, баъзан ярим кечада узумини аравага ортиб бозорга олиб бораман, гоҳида аллақандай юкларини вокзалга чиқариб қўяман.

Хуллас, ўша куни кўчага сомон уйиб, ўртага қозик қокдик. Учта эшакни бир-бирига матаб, ўзимнинг Йўрғамни миниб эшакларни ҳайдай бошладим. Дастлаб, қўни-қўшни болалари ҳам қарашишди, лекин қуёш забтига олгач, ҳамма уй-уйига қочиб кетди. Бир менгина эшакларни ҳайдаяпман; сомон эшаклар оёғи остида вижиллайди, бошимдан офтоб ўтиб, терлагаи баданимга сомон қипиқлари ёпишиб чунонам қичитадики, кўнглим беҳузур бўлади. Йўрғамнинг ҳам жонига тегди шекилли, сомон устидан чиқиб, уйга қараб бир неча марта йўргалаб қолди, зўрға тўхтатдим. Карим поччам йўлини топди: уйидан

узун аркон олиб чиқиб Йўрғамни бўйнидан боғлади-да арконнинг иккинчи учини ўртадаги қозикқа маҳкамлади:

– Яша, Қуддус! Нақ қаҳрамон бўладиган боласан-да, қара, ҳамма кетиб қолсаям, сен чидаяпсан!

Бу гап матонатимни ошириб юборади, менинг аҳмоқлигим ҳам шу бўлса керак. У қандай йўл билан бўлса-да, сомонни майдалаб олмоқчи, сомон эса кун қизиган пайтда яхши майдаланади: мана, эшаклар бир зайлда айланяпти, мен уларни халачўп билан бир зайлда савалайман. Карим поччам четлашган сомонларни бешшаха билан эшакларнинг оёғи тагига ташлайди-да, ўзини сада соясига уради; эшакларнинг юриши қийинлашади, қўлимдан халачўп тушиб кетай деса ҳам чидайман. Поччамнинг куйиб-пишаётганига сабаб бор: қишда бир қоп сомонни ўн сўмдан пуллайди.

Шу куни кечга яқин уйга бордим у иситмалаб ётиб қолдим, бошим ёрилиб кетай дейди, аямга: «Бошимни қисинг!» дейман. У эса йиғлаб, бошимни қўллари орасига олиб сикади, шунда бироз ором олгандек бўламан. Аям йиғи аралаш сўзлайди:

– Вой, болажоним-эй! Бошинг оғриса шартта эшакдан тушиб келавермайсанми? Оҳ, тавба, ювошлик ҳам бир мусибат, оғир мусибат экан! Иккинчи марта сени бировнинг ишига юборсам... Қуриб кетсин иши!

Қизик, унинг ўзи жавоб берган эди-ку, бор, қарашгин деб! Энди кўзёш тўкишини қаранг! Чамамда, фақат менинггина эмас, балки у ўзининг кўнгилчанлиги учун ҳам азият чекаётган эди.

Мен иситма аралаш: «Сираям ювош бўлмайман, ҳа, ювошликдан кўра, ерга урса кўкка сапчийдиган пирча, қашшангча бўлганим минг бор яхши!» дер эдим ўзимга ўзим. Кейин доктор келди, укол қилди, алаҳлай-алаҳлай ухлабман. Ўн кунча уйда ётдим, роса китоб ўқидим.

Ювош бўлмаслик хусусидаги қароримга бугун яна бир аҳд қўшилди: ҳамма фандан «беш»га ўқишим керак! Етар энди шунча дангасалик қилганим!

4

Оҳо, соат етти ярим! Апил-тапил кийиниб, портфелимни олиб ташқарига отилдим. Ичкаридан аям куйманиб қолди:

– Қуддус, бола бўлмай кетгур! Қачон сен ҳам одамга ўхшаб, нарсаларингни йиғиштириб кетасан-а?!

Қўлдошга қарамай тезгина жўнадим, чунки Калима билан худди аҳдлашиб олгандек ҳар куни муюлишда кўришиб қоламиз, кейин гаплашиб мактабга бирга кетамиз, буни Қўлдошдан сир тутаман.

Иссиққина кун эди. Ҳаводан қандайдир гулларнинг ҳиди келади. Ана у! Муюлишдан оппоқ шоҳи кўйлак кийиб намоён бўлди. Юрагимга илиқ ҳаяжон югурди, қўлини сиқиб кўришдим. У эса қўлимни кўйиб юбормай афтимга кулиб қаради:

– Бу енгни ким шимаради?

Уфф... Шошилганимдан чап енгни билаккача шимарибман-у, ўнг енгим шундай қолганча келаверибман.

– Сен-да, Калима!

– Ёқмай қолсин, ҳа, майли.

Калима портфелини ерга қўйди-да, жуда яқинимга келиб енгимни шимара бошлади. Юзимга иссиқ нафаси урилди: шундай бир меҳрибонлик, майинлик, ихлос билан енгимни шимарардики... Мен эса ажиб бир ҳаяжондан ўзимни йўқотиб турардим. Унинг енгил табасум ёйилган лўппи юзи менга шундай яқин эдики...

– Сенга теккан қизнинг шўри қуриркан, худди ёш боладек кийинтириб қўйиш керак. Эрталаб шошмай, Хайруллага ўхшаб у ёқ-бу ёғингга қараб чиқсанг бўлмайдими?!

Калима чап енгимни ҳам қайта шимарди, икки енгимнинг бир-бирига мослигини кузатди, билакларимни сийпалаб қўйди. Алҳол у:

– Вай, ўлай! – деганча ўзини орқага ташлаб, портфелини қўтарди.

Шундай ёнимиздан Муроджон ака ўтиб кетаётган эди. Иккаламиз ҳам бир гуноҳ иш устида қўлга тушиб қолгандек ўзимизни йўқотган ҳолда салом бердик. Муроджон ака алиқ олиб, маъноли бир қараш қилиб ўтиб кетди; бу қарашидан нимадир унга ёқмаётганлиги билиниб турарди; бўлмаса, қалам қошлари хафақон бир ҳолда чимирилмас эди.

Муроджон ака сочини қирдириб, қалампир дўппи кийиб олибди, бу унинг бироз чўзиқ юзига покизалик бахш этган, қалам қошлари, кучли бир қувват билан ёниб турадиган қўй кўзлари шунчалар ҳаракатчанки... У дарсда жон куйдириб, янги мавзунини тушунтирар экан, қош-кўзлари, бутун вужуди у киши билан қўшилиб сўзлайди. Муроджон ака нима ўйлаётганимни билиб туради; бирор қилигим ёкмаса, бошқаларга ўхшаб уришиб ўтирмайди, шундай бир қарайди, тамом.

Бир гал волейбол ўйнаётган эдик, тўпни қабул қилиш учун жон куйдириб сакраётсам, Муроджон ака: «Нега сакрайсан? Аввал тўпга қара, мўлжал олиб кейин ўйна-да!» – деди хафақон оҳангда. Бирдан миям тиниқлашди, бундай қарасам, тўғри ўзимга келаётган тўпни қабул қилиш учун ҳам сакрайверарканман, мўлжал олиб кейин ўйнаса осон бўларкан.

– Дарс тайёрлаганмисан, биринчи соат Муроджон аканинг дарси.

Калиманинг овози хаёлимни бўлди.

– Кечагина мендан сўраганди-ку, бугун сўрамас!

– Тайёрламабсан-да!

– Ҳа.

– Кўрасан, муаллим сендан сўрайди, мени айтди дерсан...

...Дарс бошланди. Муроджон ака синфга енгил назар ташлаб чиқиб деди:

– Ҳамма бор-а?! Яхши. Қани, Қуддусвой, тахта ёнига чиқинг-чи!

Калима ялт этиб менга қаради. Мен индамай тахта ёнига чиқдим. Муаллимнинг саволларига хотирада қолганини айтиб жавоб бераман, деб ўйладим. Аммо муаллим яна мени танг ахволга қўйди.

– Хўш, сен масалани ишлаб кўрсата қол!

Энди ёлғон гапиришга ўтдим:

– Муаллим, масала анча қийин экан, ишлолмадим.

– Йўғ-ей! Қаерини тушунмадинг?

Мен жавоб беролмадим.

Ўқитувчи хафа бўлганча ўйланиб, бўшашган бир ҳолда туриб қолди: мен бир ҳол бўлиб, ичим эзилди: эҳ, телевизорга ёпишиб олиб, кино кўрмай, шу масалани ишлаб қўйсам бўларди-ку!

– Қани, Хайрулла сен чиқ-чи!

Муроджон ака менга ўтир ҳам демади, тахта олдида ноқулай қаққайиб қолдим.

Оппоқ, енги калта қўйлак кийган Хайрулла дафтарини олиб сиполик билан бир-бир юриб тахта ёнига чиқди. Мен четга сурилиб, унга жой бердим. У чап қошини кўтариб (худди ўқитувчимизга ўхшаб) кўкрагини керганча масала шартини ўқиди:

«Шимол томондан эсаётган шамол 600 Н куч билан вазни 500 кг бўлган туяга, худди шу куч билан эса вазни 20 кг бўлган эчкига урилди». Шунда «Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр!» мақоли тўғри бўладими?

Хайрулла тахтани тақиллатиб ёза бошлади:

– Шамол кучи – $F_{ш} = 600 \text{ Н}$, туя вазни – $m_t = 500 \text{ кг}$, эчкининг вазни – $m_э = 20 \text{ кг}$.

Ньютоннинг иккинчи қонуни формуласи:

$$F = m \cdot a; \text{ бунда } a = \frac{F}{m}$$

$$\text{Туя олган тезланиш: } a_1 = \frac{F_m}{m_1} = \frac{600 \text{ Н}}{500 \text{ кг}} = 1,2 \text{ м/сек.}$$

$$\text{Эчки олган тезланиш: } a_2 = \frac{F_m}{m_2} = \frac{600 \text{ Н}}{200 \text{ кг}} = 30 \text{ м/сек.}$$

Демак, туя ва эчкининг шамол таъсирида олган тезланишларидан кўришиб турибдики, «Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр» таъбири тўғри айтилган экан.

Муроджон аканинг кўзлари чакнаб хурсанд бўлиб кетди:

– Бунда бошқа таъсир кучларини ҳисобга олганимиз йўқ, шундайми?!

– Шундай, – деб маъқуллади Хайрулла.

– Ўзбек халқи: «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр!» деб бундан камида икки-уч минг йиллар илгари айтган. Демак халқимиз бундан икки-уч минг йил илгариёқ Ньютоннинг иккинчи қонунини боплаб таърифлаб қўйган экан-да! Ҳа, халқ ана шундай доно. Биз шундай халқ фарзанди эканмиз, шунга яраша иш тутишимиз зарур. Аммо Қуддусга ўхшаганлар ялқовлик қилиб, ўзини ўзи алдаб юрса, ҳеч қачон бу халққа лойиқ фарзанд бўла олмайди. Ўтиринглар!

Шу куни ўқитувчи бизни тарбиявий соатга олиб қолди. Муроджон ака тахта ёнига бориб ўйланиб қолди, сўнг хомушлик билан деди:

– Қани дафтарларингни олинглар-чи! Мен тест саволлари ёздираман, Сиз жавоб бериб, балларни ўзингиз ҳисоблайсиз.

Синфда жонланиш пайдо бўлди. Муаллим бундай тест машқларини тез-тез ўтказиб туради, бу бизга жуда ёқади.

– Ўз ҳаётингиздан мамнунмисиз?

Оҳо, бу сафар бошқачароғи, шекилли.

– Ёзинг!

1. *Бошқалар сизга қараганда яхши кийинадими?*

(Хайрулланинг туфлисини ярақлатиб, шимининг киррасини пичоқ тифидек қилиб, жингалак сочини силлиқ тараб юришига қизлар ҳавас билан қараб гапиришганини ўзим кўп эшитганман. Мен унга ўхшаб кийинишга ҳаракат қиламан-у, бир-икки кундан кейин яна ўз ҳолимга тушиб қоламан, жавоб бердим – «Ҳа».)

2. *Ўз уйингизда эмас, балки бошқа уйда яшашни хоҳлайсизми?*

(Бунга жавобим: «Йўқ».)

3. *Сиз бир бор бўлса ҳам бошқа бир синфдошингиз ўрнида бўлишни истайсизми?*

(Бу саволга ҳам жавобим: «Ҳа». Қизлар Хайруллани кўпроқ яхши кўришади. Ҳатто баъзилари унга хат ҳам ёзишган).

4. *Ўз ўқишингиздан мамнунмисиз?*

(«Йўқ». Калимага ўхшаб ҳаммасини «беш»га ўқимайман-у!)

5. *Бошқачароқ мактабда ўқишни хоҳлайсизми?*

(«Йўқ».)

6. *Ўз синфдош ўртоқингиз билан келишиб ўқий оласизми?*

(Кўпчилиги билан келиша олмайман – «Йўқ».)

7. *Сиз ўртоқларингиз билан яхши алоқадамисиз?*

(«Йўқ», тунов куни Қўлдош билан, аввал эса Одил билан уришиб қолгандим.)

8. *Ўз кундалик ҳаётингиздан қониқасизми?*

(«Йўқ», нимадир доим менга етишмайди.)

9. *Ташқи қиёфангиз ўзингизга ёқадими?*

(«Йўқ». Менинг юзим кулча юз, мен эса юзимни Хайрулланикига ўхшаб чўзиқроқ, чиройли бўлишини истайман, бўйим ҳам ўртача, аслида новча бўлишни орзу қиламан.)

10. *Яхши ухлайсизми?*

(«Ҳа».)

11. *Тез ҳайрон бўлиб, тез жаҳлингиз чиқадими?*
(«Йўқ».)

12. *Фаол ҳаёт кечирिशни истайсизми?*
(«Ҳа, ҳамма ишнинг тез битишини истайман».)

13. *Жаҳлдан тез тушиб, ўзингизни овута биласизми?*

(«Йўқ».)

14. *Тақдир сизга кулиб боқмаган, деб ўйлайсизми?*
(«Йўқ».)

– Қани энди йиққан балларингизни ҳисобланг. Биринчидан тўртинчигача бўлган саволларга берилган «Йўқ» жавоби учун бир баллдан, бешинчидан ўн биринчигача, шунингдек ўн учинчи саволларга берилган «Ҳа» жавоблари учун бир баллдан ҳисобланг! Хўш, қанча балл йиғибсиз?

Балларни ҳисобладим. Эҳе, меники бор-йўғи уч балл бўлибди. Бу балки, яхшидир!

Ўқитувчи бироз жим тургач, сўради:

– Хўш, Хайрулла сеники неча балл экан?

Хайрулла шошмай ўрнидан турди, яна бир дафтарига қараб деди:

– Тўққиз.

– Хўш... Яхши. Диққат қилинг, тўққиз ва ундан юқори балл йиққан ўқувчилар. Ўз ҳаётингиздан мамнун бўлиб яшаяпсиз. Яшаш йўлини, асосан, тўғри танлагансиз. Шу йўлдан оғинмай билимингизга билим, ҳунарингизга ҳунар, яхшилигингизга яхшилик қўшсангиз бахтли яшайсиз. Аммо манманликка берилманг, яшаш тарзингизда баъзи бир ўзгартирадиган жойлар бор. Ўз қилиқ, ҳаракатларингизга диққат қилсангиз, камчиликларни ўзингиз англаб оласиз. Уларни тезда яхши томонларга ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

– Калима, сеники-чи?

Калима ўрнидан туриб, чап қоши устига осилиб тушган сочини тўғрилади-да:

– Олти, – деди.

– Ҳмм... Олти. Дикқат қилинг, тўртдан етти баллгача йиққан ўқувчилар! Сиз ҳам ўз ҳаётингиздан мамнунсиз. Ўқишингиз ҳам дуруст. Аммо яшаш тарзингизда ўзгартириш керак бўлган анча ҳолатлар бор. Сиз ана шу ҳолатларни ўзгартирсангиз, шубҳасиз ўзингизга бахтли келажак яратасиз.

Калима ўзича мамнун бўлиб ўтирди.

– Қуддус, сеники-чи?

Муроджон ака мендан сўрамаяпти, деб тургандим, ўзи!

– Меники уч балл!

Баъзи синфдошларим пиқиллашди.

– Ҳмм... уч ва ундан кам балл олганлар! Сиз ҳақли равишда ўз ҳаётингиздан мамнун эмассиз. Яшаш тарзингизда, ўзингизни тутишингизда ўзгартириладиган ҳолатлар кўп! Уларни сиз бемалол ўзгартиришингиз мумкин. Шунда сизда ҳаётингиздан мамнунлик пайдо бўлади!

Ҳақиқатан ҳам тўғри. Мана, Қуддус, агар сен хоҳласанг ҳамма фанларни «аёло»га ўзлаштиришинг мумкин. Ўзинг ҳам бир неча марта ҳамма фанни бу йил «аёло»га ўқийман, деб ваъда бергансан, аммо шу пайтгача ваъдангнинг устидан чикканинг йўқ. Танангдаги ялқовликни енга олмаяпсан! Одам бундай ўзини кўлга олиши керак.

Виждоннинг овози жуда секин эшитилади. Ўзингнинг ана шундай ички овозингни яхши эшитмасанг, ўзингга ўзинг қаттиқ овоз чиқариб такрорла: «Ҳей, Қуддус! Ялқовликни ташла! Бугун бари дарсларингни чалакам-чатти эмас, балки кўнглинг тўладиган даражада қилиб тайёрла! Яхши биламан-ку деганингга ҳам ишонма. Такрорла! Ҳеч бир ишни палапартиш қилма! Ичингда ҳам, ташингда ҳам тартиб-интизом бўлсин!» Ана шундай деб такрорлаб, ўзингга ўзинг овоз чиқариб буйруқ бериб кўр-чи!

Бу сўзлар қандайдир алам, аччиқ аралаш сингиб, теримдан ўтаётган эди.

Мактабдан қайтаётганимизда Калиманинг: «Қуддус, ўзи сен бир нарсага тез қизиқасан-у, ҳаммасини чала ташлаб тез совийсан», – дейиши эт-этимдан ўтиб кетди. Эҳ, ҳали қараб турунлар деб тиш қайрадим. Шундан бошлаб вужудимда қандайдир уйғоқлик пайдо бўлди. Уйга боришим билан ўзимга ўзим дедим: «Қуддус, нарсаларингни жой-жойига қўй! Баракалла, энди уст-бошингни алмаштир! (Бажардим.) Баракалла! Энди мол-қўйларга хашак ташлаб кел! (Бажардим.) Ҳа, баракалла! Энди овқатланиб, дарсга ўтир!» (Бажардим.)

Ўзингга қарши ўзинг курашиш ҳам осон эмас экан. Баъзан озгина дарс тайёрлашим билан ниманидир баҳона қилиб туриб кетгим, қолганини кечқурун тайёрларман-да дегим келади, ялқов бир ҳис танамни бўшаштириб қўяди. Шунда яна ўзимга буйруқ бераман: «Тўхта, ўтир! Ҳаммасини тугатиб кейин турсан!»

Кейин эса дарс тайёрлашга қизиқиб кетиб, вақт қандай ўтганини ҳам билмай қолдим.

Юрагимга қандайдир ўзига ишонишдек қатъий бир туйғу оқиб кирди; буни эрталаб Калимага айтаман. Калима, сен ҳам менинг устимдан кулолмайсан! Аяжон, энди мен саранжом-саришта йигит бўламан!

5

Пешонаси яраклаган, узунчоқ юзли, кирра бурун ўқитувчи – Умар Зуфар бир дафтару синф журнаlines кўтариб, қисқа-қисқа йўталиб кириб келди. Саломлашиб қўлидагиларни стол устига қўйди; тахтага бир қараб, тоза артилганини, бўр, латта борлигини (у шунга кўп эътибор беради) кўрдию кўнгли жойига тушиб, уйга берилган вазифани сўради.

Ана, ҳаммадан илгари Нарзикул қўл кўтаряпти, мен тайёр бўлсам-да, қўл кўтармадим. Синфимизда ҳар фан ўқитувчининг ўз меҳр қўйган ўқувчиси бор; математиканинг ишқибози – Нарзикул. У бошқа фанлардан «уч» олсаям, математикаси – «беш». Калласи катта, дўнгпешона бу синфдошим математика дарси бошланиши олдидан ручкасини тишлаганча мисол ечаётган, бирор-бир қизга ёрдамлашаётган ёки кўчиришга дафтарини бермай ялинтираётган бўлади; шундай пайтда у жуда гердайиб, ўзини худди ўқитувчидан ҳам зўр биладигандек тутадик, бу ҳол ғашимни келтиради. Унга Калима, Баҳри, яна бирикки синфдошим ялинмайди, холос. Мана, Умар Зуфар ҳозир ҳам севимли ўқувчиси – Нарзикулни чақирди. Нарзикул бўрни уч бармоғи билан ушлаганча ўқитувчига тақлид қилиб, тахтани тақиллатиб ёзяпти; энди мен янги дарс бошлангунча хаёлларим билан банд бўлиб ўтираверишим мумкин.

Алгебра жуда мавҳум фан (шу сўзни дарсида кўп ишлатгани учун ҳам Умар Зуфарнинг лақаби мавҳум бўлиб қолган)! Мана, энг содда мисолни олайлик: бир номаълумли тенглама, маълумларини бир томонга, номаълумларини иккинчи томонга ўтказамиз, бунда ишоралар ўзгаради; ўхшаш ҳадларни қисқартирамиз, ихчамлаймиз, номаълумини топамиз, натижа эса нўл! Алгебранинг нима кераги бор? Ҳаётда ҳамма нарсаси худди тенгламадагидек нўлга тенглигини кўрсатиш учунми? Умар Зуфарга математиканинг нимаси ёқиб қолган? У асли тарихчи экан-у, математикани математиклардан яхши биларкан, лекин дипломинг йўқ, деб математикадан дарс беришмабди: кейин у математика факультетини сиртдан тугатибди. Юқори синф ўқувчилари унга шундай тўртлик бағишлаган:

*Геометрия ранг-баранг,
Альфа бурчагига қаранг.
Тарихдан кечиб Зуфар,
Синусни ечар аранг!*

Нарзикул мисолни ечиб бўлибди.

Муаллим:

– Ҳамма шундай ечганми? Саволлар йўқми?

Нима учун ўзимни қийнаётган саволларни ўқитувчидан сўрамаслигим керак? Шартта ўрнимдан турдим:

– Ҳозир Нарзикул ечган масаланинг нима кераги бор?

Ўқитувчи ўйланиб қолди, математика даҳоси – Нарзикул ҳам елка учирди.

– Ха, сен татбиғини сўраяпсан-да, – деди ўқитувчи. – Хўш, нима дейсан, Нарзикул?

У яна елка учирди.

– Болалар, бир олим математика фанлар шоҳи деса, иккинчи бир олим математика фанлар хизматкори дейди. Мен кўпроқ иккинчи фикрга қўшиламан. Масалан, бир номаълумли тенглама кимёдан миқдори номаълум бўлган бир моддани топишда қўл келиши мумкин...

Ўқитувчининг кейинги гаплари унча қулоғимга кирмади.

Геометрия дарсидаги бир воқеа сабаб бўлдию математикага қарашим бутунлай ўзгариб кетди...

Олтинчи сентябрь. Учинчи соат. Биология.

Муроджон Ҳасан синфга номаълум бир киши билан кириб келди.

– Болалар, биологиядан сизларга ўртоқ Қосим Нодир дарс ўтади. Хўп, домла, сизга муваффақият!

Раҳбаримиз гапни қисқа қилиб чиқиб кетди.

Биз бир зумда янги ўқитувчининг хитой туфли-сидан тортиб силлиқ тарзда орқага таралган қора

сочию бароқ қошигача кузатиб чикдик: ўзига бино қўйгани шундай маълум! Шунинг учунми, бир кўришдаёқ у ҳақда менда нохуш таассурот иайдо бўлди: у тик турганча қошларининг қоқ ўртасига кўрсаткич бармоғини тираб ўйланиб қолди, сўнг:

– Так, болалар, айтинглари-чи, сизлар ёзги каникул пайтида қанақа ўсимликлару ҳайвонларни кўрдингиз? Хўш, ким гапиради? Қани, сен!

Ўртароқдаги иартада ўтирган қорагина, кулча юзли Достон турди.

– Хўш, гапир-чи!

– Ғўзани кўрдим.

Хамма кулиб юборди. Калима луқма ташлади:

– Кўрган ўсимлигини қара-ю! Ҳали роса жонингга ҳам тегади!

– Жим, болалар! Тўғри, гулхайридошлар оиласи вакили – ғўза. Ҳайвонлардан-чи?

– ...

– Ҳайвонлардан одамни кўрмадингми?

Достон ҳайрон бўлиб, атрофга – синфдошларимга қаради.

– Нега ҳайрон бўласан? Одам ҳайвон эмасми?

– ...

– Ўтган йили зоологиядан сут эмизувчиларни ўтмаганмисизлар?

– Ўтганмиз, – бирдек жавоб беришди синфдошларим.

– Одам ана шу сут эмизувчиларнинг энг юксак вакили. Ўқитувчиларинг айтмаган экан-да! Ўтир, сен жингалак соч, каллани сал ишлатиш керак! Хуллас, бу йил энг ривожланган ҳайвон – одамнинг анатомияси ва физиологиясини ўрганамиз.

Янги дарс шундай бошланди.

Ўқитувчи журнал кўтариб, синфдан чиқиши билан Қўлдош тахта олдига бориб, қошлари орасига кўрсаткич бармоғини тираганча туриб қолди;

қотиб-қотиб кулдиқ. Бу кулги ўқитувчининг менга ёқмаганлиги туфайли юрагимда ҳосил бўлган хираликни тарқатиб юборди. Қосим Нодир бошқаларга ҳам ёқмабди.

Еттинчи сентябрь. Иккинчи соат. Рус тили.

Офтобда кўп юрганидан қорайиш ўрнига қизарган, олтинранг сочи ўғил болачасига қирқилган, чўзиқ юзли, кўк кўз, арвоққина ўқитувчимиз Ольга Михайловна Филиппованинг менга муносабати галати; у берилган вазифани сўраяпти-ю, қўлимни ҳар қанча баланд кўтарсам ҳам сезмаётганга олади ўзини; ана, у бир-икки ўқувчидан кейингина мени тахта олди-га чорлади: чикдиму сўрамасидан ҳам шариллатиб шеърни ёддан айта кетдим; у эса ярмига етмасимдан тўхтатди, талаффузга эътибор бериб қайта айтишимни сўради, бир-икки айтишим билан тўхтатиб, талаффузимни тўғрилади; билиб турибман, атайлаб шундай қияпти, адашиб кетсин, деяпти; йўқса, талаффузга эътибор бер, дермиди? Ахир, мендан олдинги ўқувчиларнинг ҳеч қайсисидан талаффуз-ни суриштирмаганди-да! У эса мудом мен билан ўчакишади, яхши тайёрлаб келиб «беш» олган кунимнинг эртасига атайлаб мендан сўрайди, баҳо олмаган йигирма беш бола оғзига мум солиб ўтирса ҳам! Кеча сўраган эди деб дарс тайёрлаб келмаган бўлсам, шартта «икки»ни босади. Кеча «беш» олганим билан иши ҳам йўқ! Бугун ҳам кеча «беш» олганимга қарамай эзғилаб сўраяпти, бир амаллаб «икки» босса!

– Қуддус, сен талаффуз қилишни Калимадан ўрган, ўтир, баҳонг «тўрт», – деди у журналга эгилиб.

Юрагим сиркираб кетди: қаранг, мени келиб-келиб шаҳарда яшайдиган Калима билан тенглаштиряпти.

Дарсдан кейин Калима русча талаффузни ўргатмоқчи бўлди; бу менга хуш ёқди; синфда Калима иккимиздан ташқари Қўлдош билан Баҳри ҳам қолишди. Калима ўзини худди Ольга Михайловнадек тутиб менга ўргата бошлади.

– Ё дечи, ы, ы...

– Ий, ий, ий...

– Иймас, ы,ы. Уф-ф... ы, ы, мыло!

– Мийло, мийло...

– Уф-ф... Қанақасан ўзи?! – У куйиниб қулоғимдан чўзди.

Мен эса пайт пойлаб турдим-да, портфелимни олиб ура кочдим; ҳовлига чиқсам орқамдан Калима югуриб келяпти, унинг йўлини Қўлдош тўсган эди, Қўлдошни ҳам қувиб кетди, менинг орқамдан эса Баҳри югурди. Қувлашмачоқ қизик, шавқли эди. Мана, Калима менга етиб олиб, қўлимдан тутди, энди қулоғимга қўл чўзаётган эди, қўлидан чиқиб кочдим, кейин у шундай рўпарасига келиб қолган Қўлдошни қувлади. Тўртовлон худди қорбўрон ўйнаганимиздек қувалашиб, яйраб, кула-кула чорраҳага етиб келдик, ҳеч ажрашгимиз келмаса-да хайрлашдик. Калима мушт кўрсатиб, ёлғондакам пўписа қилганча биздан узоқлашди, Баҳридаги портфелини олди.

– Юр, Мўлкаллик ариқ бўйидан кетайлик, гап бор, – дедим Қўлдошга.

Шундай деб қўйдим-у, нима гап айтишни билмайман. Сирли бир гапни унга гапиргим келган эди, лекин секин ариқ бўйлаб кетарканман, ўша сирли гапни унга айта олмаслигимни ҳис қилдим.

– Қани гапир, нима гап айтмоқчи эдинг? – деди Қўлдош.

– Ўзим, шундай... Калима билан Баҳри яхши кизлар-а? – дедим чайналиб.

– Шуми, айтмоқчи бўлган гапинг?

– Ҳа.

Қўлдош менга ғалати синчковлик билан қараб колди:

– Гапнинг ростини айт, сен Калимани яхши кўрасан-а?

– Йўқ! Ким айтди сенга?

Юзим ловиллаб кетди, қизиқ бир аросатда қолиб Қўлдошга термилдим.

– Биламан-да!

– Бекор айтибсан!

– Эйи, шундай билиниб туради-ку! Дарсда ҳам, кўча-кўйда ҳам ҳеч ундан кўз узмайсан.

– Ҳеч-да!

– Хей, манавини! Бунча яширмасанг? Яхши кўрсанг, яхши кўраман, деявергин-да! Мана, мен Баҳрини яхши кўраман!

Хайрон бўлиб Қўлдошга боқдим: наҳотки, ички сирни шундай осонгина айтиб бўлса? Йўқ, у мени синомокчи! Қувлашмачоқ ўйнаётганимизда Баҳри чарчаб, бир четга чиқиб турди, Калима мени қувлаётганда Қўлдош атайлаб унинг олдида чарх урди, шунда Калима мени кўйиб Қўлдошни қувалай кетди; шунда мен юрагимга ғалати ғашлик соя солса ҳам туткич бермай, балиқдек билтанглаб қочаётган Қўлдошни, қушдек енгил югураётган Калимани қузатиб турдим.

Алҳол Қўлдошнинг ўзига хужум қилдим:

– Сен Калимани яхши кўрасан-у, ўзингни Баҳрини ёқтиргандек кўрсатишга уриняпсан?

– Йўқ! – деди у шоша-пиша. – Мен биров ёқтирган кизни сираям яхши кўрмайман?!

– Уни ҳеч ким яхши кўраётгани йўқ-ку!

– Барибир мен Баҳрини ёктираман, керак бўлса бу ҳақда унинг ўзига ҳам айтишим мумкин.

– Йўғ-эй!

– Ана, кўрасан!

Ишқилиб, Қўлдошнинг Баҳрига ошиқлиги рост бўлсин-да!

Узоқ вақт жим кетдик. Кейин эса ҳар иккала мизнинг ҳам нималар ҳақдадир гаплашгимиз, сирлашгимиз келаётган бўлса-да, йўлимиз ажраладиган жойга – қассоб дўкони ёнига етганда истамайгина хайрлашдик.

Мен эса хаёлан Қўлдош билан уйимизгача бирга кетдим, у билан баҳслашдим: наҳотки, юрагингни зирқиратаётган сирни шундай осонгина ошкор қилиб бўлса?! Мен ҳам Калимани ёктиришим ҳақида очиқ-ойдин гапирсаммикан? Йўқ, йўқ!

Саккизинчи сентябрь. Биринчи соат. Геометрия.

Калимага кеча Қўлдош билан у ҳақда гаплашганимизни сезиб қолмадимикан дегандек бир неча бор қараб қўйдим, бир сафар хатто кўзларимиз тўкнашиб қолди: кўзлари шўх-шаддод, нурланади, тикилиб турганим учунми тилини чиқариб мазах қилди-да, олдига қаради, ҳеч гапдан хабари йўқ, яхши! Қўлдош айтиб қўймасмикан?!

– Қани, масалани ишладингми?!

Олдимга Умар Зуфар келганини сезмай қолибман, дарҳол дафтаримни очдим. Ўқитувчи диққат билан қараб турди, мийиғида кулиб узоқлашди.

– Калима! – деди у тахта яқинига бориб қўлига бўр оларкан.

Калима ўрнидан турди.

– Калима икки қирғоқ орасидаги энг яқин масофани шундай топибди. Нарзикул ҳам. Ҳеч кўприкдан ўтганмисан?


– Дўнг кўприкдан ўтганман.

Синфдошларим кулиб юборишди.

– Жим!

– Хўш, мана анҳор ёки ариқ, – ўқитувчи тахтага ариқ ёки анҳорни билдирувчи икки чизик тортди. – Кўприк қирғоққа тик ўтказиладими ёки қийшиқ?

Муаллим икки қирғоқни бирлаштирувчи чизик чизди.



– Тик! – деди Калима тилини чиқариб кулиб.

– Бўлмаса масалада нега қийшиқ ўтказдинг. Ахир кўприкни қирғоққа қийшиқ солишмайди-ку! Бунга фақат Қуддус Мусонинггина ақли етибди. Масалани у тўғри ечган! Нарзиқулвой ҳам кўприкни қийшиқ солганлар!

Кутилмаган мактовдан қизардим; ҳамма бурилиб менга қараган эди-да! Бир аҳволда ўтиришимни Калима ўзича каррандаликка йўйди шекилли, яна тилини чиқариб мазах қилди. Қисқа йўлни тоиганим Умар Зуфарга жуда ёқиб кетди; лекин, ўзимда ҳам ғалати ўзгариш сездим; энди масала ечишга қизиқиб кетиб, китобдаги бор масалаларни илгаридан ечиб чиқишга киришдим; масалаларни ечар эканман, турли теоремаю формулаларни ўрганишга мажбур эдим; шу билан алгебрага ҳам қизиқиб кетдим, математика – чексиз мушоҳада манбаи, у мавҳумликдан, номаълумликдан аниқлик яратадиган ажойиб фан! Уни завқ-шавқ билан ўрганияпман, айниқса, масаланинг ечими китобнинг охирги варақ-

ларидаги жавобига тўғри чикқанда жуда севинаман. Масала ечиш эса миямни тиниклаштиргандек бўлади; ўзимча ўйладим: ҳар қандай фаннинг бизга ёқиш-ёқмаслиги унинг кафолатини олган ўқитувчига боғлиқ экан-да!

6

Ўн тўртинчи сентябрь. Тўртинчи соат. Физика.

Муроджон Ҳасан синфга фақат журнални кўтариб кирди. Унинг одати шунақа; ўтилган дарсни сўраётганда ҳам, янги дарсни ўтаётганда ҳам ҳеч нарсага қарамайди, бошқа ўқитувчиларимиз адашиб қолмаслик учун тез-тез дафтарларига кўз ташлаб турадилар, тарих ўқитувчимиз эса дафтарга ёзиб ҳам ўтирмайди; китобни чизиб-чизиб келади-да, шунга қараб гапириб беради. Мен Муроджон ака қандай адашиб кетмас экан-а, деб ҳайрон қоламан. Шу фикр миямга келиб қолдию ўйладим; қани, секин китобга қараб кўрай-чи, у адашиб кетмаётганми-кан, китобда қандай ёзилган бўлса шундай гапираётганми-кан?

У янги мавзунини бошлаган эди, портфелимдан физика дарслигини олдим, парта тагига қўйиб, секин очдим: қизиқ, ўқитувчим китобда қандай ёзилган бўлса, шундай гапираётгани йўқ, инерция кучи ҳақида китобда иккита шарни мисол қилиб олинган, ўқитувчим эса бизга тушунарли, қизиқарли бўлсин деб футбол тўпини мисол этиб гапиряпти; мен жуда эҳтиёткорлик билан иш тутаяётган эдим; лекин, Муроджон ака бирдан менга тикилиб қолди; сўнг бўрни тахта гардишига аччиқ билан қўйиб, худди бир дўстидан хафа бўлаяётгандек, ҳазинлик билан деди:

– Қуддусвой, биз жуда қўп синовлардан ўтганмиз!

Мен хижолатдан ўзимни кўярга жой топа олмасдим, айниқса, унинг дўстона оҳангда гапиргани жон-жонимдан ўтиб кетди; қайта уришса, партанинг тагидан китобни тортиб олиб бошимга бир туширса яхши эди! Тавба, у менинг текширмоқчи бўлганимни қандай билдийкин-а?

Бутун синф менга қараб турарди, мен эса ўрнимдан туришимни ҳам, ўтираверишимни ҳам билмасдим. Ўқитувчим бошқа ҳеч нарса демади, яна дарсни келган жойидан давом эттираверди.

Қўнғироқ бўлиши билан Муроджон ака хайрлашиб чиқиб кетди: у доим дарс вақтида ҳамма ишга улгурадию қўнғироқ бўлиши билан бизни бўш қўяди, Нодир муаллимга ўхшаб: «Танаффусда кўчириб оласизлар», деб чиқиб кетмайди.

– Нима қилаётгандинг? – деди Калима олдимга югуриб келиб.

Мен индамадим. Партамнинг тагига қараётган эди, қўймадим. У аччиғланиб пешонамга бир чертдию ура қочди. Орқасидан қувиб ўтирмадим. Муроджон акани хафа қилиб қўйганим учун ўз-ўзимни янирдим, келиб-келиб Муроджон акани текширмоқчи бўлдим-а! У киши қандай яхши дарс ўтади. Қани эди, бошқа ўқитувчиларимиз ҳам унга ўхшаб тушунтирса. Ахир, физикадан ҳамма «тўртбеш»га ўқийди.

Достон биология дарсида: «Ғўзани кўрдим», деганда, Калима: «Ҳали роса жонингга ҳам тегади!» деб тўғри айтган экан. Тўртинчи октябрь куни пахта теримига жалб этилганлигимизни эълон қилишди: ҳар қайсимиз ўзимиз яшайдиган жойдаги бригадага чиқишимиз керак. Менга қолса, Калима қаерда пахта терса ўша ерда бўлишни истардим. Калима Бахри билан ёшлар бригадасига ёзилишди. Биламан, у ёққа бориб пахта теришимга аям билан

дадам рухсат беришмайди, тоғамнинг бригадасига қатнаб, кечкурун молларга ўт олиб келишим керак.

Чўзиб-чўзиб чалинаётган машина сигналидан уйғониб кетдим: бошланди, пахта терими авжига чиқиши билан бутун қишлоқни ана шунақа машина сигнали уйғотади. Совуқдан жунжикиб, супадан пастга тушдим: тонг ёришмаганди, осмонда юлдузлар чарақлаган, хўрозларнинг қичқириши, итларнинг безовта хургани эшитилади; ўчоқ бошидан аланга кўзга ташланди, аям бечора чой қайнатяпти, юз-қўлимни ювдим-да, Йўрғамни эгарлаб қўйдим, сигирни подага қўшиб, ўшанақасига далага кетаман.

Подадан узоқлашганимда ҳам ҳали тонг ёришмаганди, юлдузларга, атрофимдан истар-истамас чекинаётган қоронғуликка қарадиму дадамнинг қўрқинчли бир ҳикояси ёдимга тушди.

...Атроф бундан ҳам қоп-қоронғи бўлган пайтда қўшни Тоқчилик қишлоғидан Ҳалима деган бир қиз далага йўл олибди. У ҳар куни дугоналаридан илгари келиб, тонг ёришгунча юз кило пахта териб қўяркан, тушдан кейин юз кило – жами икки юз кило пахта тераркан. Жуда ҳам эрта келган куни ҳали бир этак ҳам пахта термаган эканки, орқасидан ғўзаларнинг шитирлагани эшитилибди. Илкис бурилиб қараса икки бўри тиш қайраб турганмиш! Бўри! Даҳшатдан қизнинг қони увушиб қолибди, қимирламай бўрига тикилиб тураверибди! Бир маҳал эсига чўнтагида гугурт борлиги тушибди. У эшитган эканки, бўри оловдан қўрқади, деб. Аввал терган пахтасига ўт қўйибди, кейин ўтга кийимларини бир-бир ташлай бошлабди. Ахир, атрофда ёнадиган бошқа нарса йўқ экан-да! Бўри эса ҳеч нари кетмабди, кўзлари олов нурида янада даҳшатлироқ ёлқинланармиш. Лаънати бўри жуда оч бўлган-да! Қиз бечора ҳамма кийимларини ёқиб бўлса ҳам тонг отмабди...

Эрталаб далага етиб келган теримчилар даҳшатдан қотишибди: шўрлик қизнинг ғажилган калласи, суягию этик кийган икки оёғи қолибди!

Халачўпни маҳкам ушлаб атрофга қарайман, ёнган кўз кўринмайди, тонг ёриша бошлаган, эшагим ҳам ўз оҳангига йўрғалаяпти, халачўп билан бўйнига туширдим, у жадаллашди; негадир дадам ана шу ҳикояни ҳар йили пахта терими бошланганда бир бор айтади. Опаларим дамани ичига ютиб эшитишади. Ҳикоя таъсирида, айниқса, Зухра опам бир ҳолга тушади, у пахта теришни бирам яхши кўрадики...

Саккиз гектарли майдонга етганимда кимдир пахтазорга шўнғиб юрганини кўрдим! У ҳар замонда бир бош кўтаради-да, терган пахтасини кўйлагининг орқасига жадал жойлаб, яна энгашади; йўл-йўл сатин кўйлагидан танидим, у — Зухра опам; йигирма кило пахта кетадиган бу кўйлакни аямга тиктириб олган, бошқаларга ўхшаб лунгига термайди, лунгига бор-йўғи ўн килоча пахта сиғади, тўлган сари иплари белингни қийиб, оғритади; тўлган лунгини бўшатишга ҳам қанча вақт кетади: опам буларнинг барисини ҳисоблаб, енгсиз, ёқасиз, кенг кўйлакда пахта теришни ўйлаб топган.

Кўйлакнинг этагини икки энлик қайтариб тикиб орасидан ингичка пилик ўтказган, кўйлакни кияди-да, пиликни тортиб белига боғлаб олади; тераётган пахтасини ёқа ўрнидаги учбурчак тешикдан шипиллатиб ичига ташлаб кетаверади.

Опамдан ўрганиб теримчи қизларнинг кўпи шунақа кўйлак тиктиришган. Лекин ҳеч ким Зухра опамга етказиб пахта тера олмайди; у кунига уч юз килога яқинлаштиради, бошқалар эса ҳар қанча уринишмасин, юз эллик килодан зўрға ўтказишади. Зухра опамнинг рангли сурати журналда ҳам чиққан; ўтган йили ўн етти тонна пахта терганди, бу йил эса

18 тоннага етказаман, деб куйиб-пишяпти. Дадам: «Эл қатори тераверсанг-чи кизим, ўзингни кийнаб яна касал бўлиб колмагин!» деб уришса-да, қулоқ солмайди; дадам Умри опамга ҳам тайинлаган: «Овқатланишига, дам олишига кўз-қулоқ бўлиб тургин!» Аммо Зухра опам Умри опамни ҳам доғда колдиради. Ана у бўридан ҳам кўркмай кўр сахардаёк теримга тушибди; кўйлаги тўлиб икки этак пахтани ерга тўкиб улгурибди ҳам.

Йўрғамни четроққа боғлаб, этак боғлаб борганимда ҳисобчи Тоштемир ака теримчиларни қаторга тушираётганди.

– Хой Зухра, қани бу ёққа кел! Оралаб роса яйрабсан-да, саккиз гектарда пахта қоладими ўзи?!

Зухра опам келгунча ҳам бош кўтармай терди. Ҳисобчи пахта тўлдирилган кўйлакка, ердаги пахта-ларга қараб деди:

– Оҳо, бугун ғайратинг зўр-ку! Эллик кило тайёр дегин! Муғомбирай, шабнам аралаш оғиргина келади, дейсан-да. Ўнидан икки кило қайтараман.

– Хечам-да! Биринчи терим-ку, ярим кило ҳам қайтармайсиз!

– Ха, қўлинг дард кўрмасин. Қанийди сенга ўхшаган ўнта теримчи бўлса! Ўқувчиларни чиқариб ўтирмасдик, – деди Тоштемир ака бир-бирига қаратиб қўйилган икки вергулга ўхшаш мўйловини силаб. – Эҳа, мана сенга ёрдамчи ҳам келди, бугун тўрт юзга етадими, дейман?!

– Йўк, Қуддус алоҳида топширади, унинг ҳам нормаси бор!

– Эйи, сизларни пахтага чиқаришяптими?

Бош қимирлатиб маъқулладим. Тоштемир ака, Зухра опам билан кўришдим.

– Ҳа, яхши, кел бўлмаса, эгатга опангнинг ёнидан туш! Зухра опангнинг бир томонида сен, бир томонида Умри опанг бўлса қулоғим тинчийди.

Зухра опам кулди:

– Менга тўрт қатор ташланг!

– Ҳа, ҳўп!

Зухра опам тўрт қаторни териб юрса ҳам озлик қилади, шекилли, қўшниларининг қаторларидаги пахтани ҳам ямлаб кетади, шунинг учун ҳамма унинг ёнидан тушмайман, деб зориллайди.

Умри опам билан кўришиб, нон, узум солинган тугунни унга узатдим, у тугунни Зухра опам ечиб қўйган пахта қўйлак олдиға қўйди-да, Тоштемир акаға:

– Олинг, нон есангиз! – деди.

– Раҳмат, ўзларинг энглар.

Зухра опам қаторға ўтиб теримға тушиб кетганди, орқада қолмасин деганми, мени қаторимни ҳам териб боряпти. Тоштемир ака хирмон жойини тозалаб, нарироқда турган уч ёғоч орасига ўрнатилган йигирма килолик тарозига Зухра опамнинг пахта қўйлагини илиб тортди.

– Зухра, йигирма кило, розимисан?

Зухра опам бош кўтариб:

– Майли, – деди-да, яна энгашди.

– Омин, илоҳим баракасини берсин! – Тоштемир ака қўйлакдаги пахтани тозаланган ерга тўқди.

Тоштемир ака айтганча бор экан, ҳали ҳам пахтадан шабнам кўтарилмабди, ушлашим билан қўлимға нам тегди, енгимға барглардан шудринг тўкилди. Зухра опамға ўхшаб, икки қўллаб илдам теришға ҳаракат қиялман. Умри опам, унинг дугоналари мендан бир неча қадам илгарилашган, Зухра опам эса ҳаммадан олдинда. Хирмон тарафдан ловуллаган аланға кўзға ташланди, Тоштемир ака чой қайнатиш учун бакка олов ёқди, шекилли. Ахир, теримчилар ҳали нонушта қилишгани йўқ-да!

Ҳамма ўз қаторида эгилганча олдинға қараб териб кетяпти, худди душман мудофаа чизигиға қараб

писиб бораётган жангчиларга ўхшайди; шитир-шитирлашлар, баъзиларнинг секингина гаплашаётгани эшитилади, тонг ҳавоси мусаффо, ёқимли.

– Қандимой, тонгги концерт қачон бошланади, – деди Умри опам бош кўтариб.

– Мурватини бурамасанг қандай айтади?! – деди Нозик опа.

– Ҳа-ҳа...

Қизларнинг кулгиси жаранглаб кетди.

– Батареянг тугаб қолдими, Қандимой! – Зухра опамнинг товуши эшитилди.

– Симингни Зухранинг тилига улаб қўй, беток ҳам айтаверасан! – деди кимдир.

– Ҳа-ҳа...

Кулги босилар-босилмас қўнғироқдек овоз секин янграй бошлади; овоз Умри опамдан сал нарироқдан келяпти.

– *Кўз тикдим, мен чигитга,
Момик бўлади, дедим.*

Карасам, пахта терганча бош кўтармай куйлаётган бу қиз Саодат опамнинг қиз мажлисида «Тановар»ни айтганлардан бири, қора қош қиз экан.

– *Кўнгил қўйдим йигитга,
Ошиқ бўлади, дедим.*

– Ҳа, жо-он!

– Тилингнинг балдоғидан! – олқишлашади қизлар.

– *Кўз ёшимла сугордим-у,
Чигитим гўза бўлди.*

Қандим опа энди овозини баралла қўйиб авжига чиқди:

– *Юрак қўримни тикдим
Йигитим ўзга бўлди!
Юрак қўримни тикдим
Йигитим ўзга бўлди!
Йигитим ўзга бўлди!*

Қандим опа қўшиқни такрор айтаётганда аста-секин ҳамма унга жўр бўлди. Пахтазор жарангдор, ширали овозлардан янграб кетди...

– Нонуштага-ов!

Хирмондан Тоштемир аканинг товуши эшитилганда мен ҳам бир этак пахта териб қўйгандим, опаларимга эргашиб, этакни кўтарганча хирмонга юрдим.

Зухра опамнинг пахтаси йигирма кило, Умри опамники ўн беш, меники етти кило чиқди. Нонуштага ўтирдик, ҳамма топганини ўртага ташлади, бизнинг узум талаш бўлиб кетди: Умри опам катта сирли тунука чойнакка чой дамлаб келди.

Нонушта қилиб, эгатларга тушганимизда қуёш бир қулоч кўтарилган эди. Биринчи теримлиги учун ғўзада пахталар ғуж-ғуж, чанокдаги пахтани беш панжам билан маҳкам ушлаб тортаман, чаноғида қолса, Тоштемир ака орқага қайтариб, тозалаб теришга мажбур қилади. Мен ўтган йили бир қўлим билан ғўзани ушлаб, иккинчи қўлим билан чаноклардаги пахтани тераётгандим, Зухра опам кулиб: «Ќўзани ушлаб турмасанг ҳам қочиб кетмайди, икки қўллаб тер! Мана бундай қилиб!» – деди. Шундан бери икки қўллаб теришга анча ўрганиб қолганман, лекин барибир Зухра опамдек кўп тера олмайман; алхол менинг ҳам ўшанака қўйлагим бўлса кўп терардим, деб ўйладим, барибир шу этак билан ҳам унга етишга ҳаракат қилмоқчи бўлдим, бош кўтармай тера кетдим; бир этак тўлгунча бир марта ҳам бош кўтармайман, аммо этакнинг тўлиши ҳам осон эмас, белим симиллаб оғриси ҳам чидайман; ниҳоят этак тўлди, қаддимни ростлагандим, белим зириллаб, бошим айланиб кетди; белимни ушлаб энгашиб қолдим, шу ҳолда бироз тургач, қўрқиб тикландим, бу сафар унча қийналмадим; тўлган этак оёқларим

орасига осилиб жўякдан юришимга халақит берар,
иплари эса белимга ботаётган эди; шартта ечдиму
этак устига ўтирдим, хиёл ором олгандек бўлдим;
Қандим опанинг овози анча узоқдан эшитиляпти.

– Бошингни қуйи солма,
Сўзимни огир олма,
Пахтани териб бўлмасанг,
Жонингга ором қайда!

Қўшиқни худди менга атаб айтаётгандек: ха,
пахта терими тугамай мактаб қайда, китоблар қайда!
Эсиз, эндигина ўқишга қизиқиб кетаётган эдим-а!
Бирдан зерикарли ҳаёт бошланди: тонг отмасдан
тураман, подани қўшиб далага етиб бораман, нор-
мани бажариш учун куйиб-пишаман, агар нормани
бажармасам, кечқурун Нодир муаллимдан эшитади-
ганимни эшитаман; куёш ботаётган пайтда опаларим
ҳам ўт ўришимга қарашиб юборишади, ўтни эшак-
ка ортиб уйга жўнайман; ювиниб, овқатланганимча
ётиш вақти бўлади, жойимга «шилқ» этиб тушаману
қотиб ухлаб, қайси ёним билан ётган бўлсам, шу
ёним билан тураман; чамаси ўринда ағдарилишимга
ҳам ҳолим етмайди. Ҳа, шунақа. Қачон мактаб очи-
лишини билмайман. Хайр, дарсликларим, китобла-
рим! Хайр, Калима! Сен унча зерикмасанг керак-а!
Ахир, Баҳри билан биргасан. Маза қилиб гаплашиб,
пахта тераверасан! Бундан ташқари, сен нормани
бажармасанг ҳам уришишмайди: бу қиз шаҳарлик,
пахта теришни яхши ўрганмаган, дейишади. Менинг
ёнимда Қўлдош бўлганда эди, сен билан Баҳри
ҳақида гаплашиб юрардик. Бахтга қарши у ҳам йўқ.
Жўравой аканинг бригадасида қолган.

– Ўзбек чигит экади,
Жонини қўшиб тикади...
Агар жони етмаса,
Боласин қўшиб тикади!

Қўшиқнинг ҳазин оҳангида ўйладим: Калиманинг ҳам бели оғриётганмикан?

– Бу нима ўтириш?

Чўчиб тушдим, қаршимда Нодир муаллим турарди, оёғида янги кирза этик, бошида шляпа, қўлида хивчин! Ирғиб туриб салом бердим.

– Энди етти кило пахта терибсан-у, ўтиришингни қара! Нормани бажара олмай, кечқурун йиғлаб юрмагин!

У хипчин билан этигига чирт-чирт уриб узоқлашди.

Келиб-келиб бизнинг бригадага Нодир муаллим вакил бўлганини! Уф-ф, менга тирғалавериб, роса жонимга тегса керак!

Лунгидаги пахтани тўкиб, қайтадан боғладим.

Шу куни эллик кило пахта тердим, мендан катта ўқувчилар ҳам шунча пахта теришганди. Нодир муаллим «Сизлардан кичкина бўлса ҳам шунча пахта терибди, раҳмат! Унинг нормаси қирқ кило!» демади. Ўтган йили нормани бажарганимда Муроджон ака шундай деган, нормамни қирқ килога тушириб қўйганди. Нодир муаллим эса парвойи фалак, ҳисобчи билан нималарнидир гаплашиб турибди. Мен ўт ўргани кетдим.

7

Йигирма кундирки, шу ахвол: дала – пахта – ўт – уй. Йигирма биринчи куни машина сигнали кулоқни қоматга келтирса ҳам ҳеч қўзимни очолмадим, кўрпага ўралиб ётавердим. Қизик, аямнинг «Қўяверинг!» деганини тушимда кўргандек бўлдим,

кейин яна қаттиқ ухлаб қолдим; бир маҳал кимдир қўлимни силаётгандек туюлди; пахта тераётганимда пахтасиз қолган чаноклар қўлимни тирнайверганидан, совуқ туша бошлаганидан бармоқларим, кафтимнинг уст териси торс-торс ёрилиб кетганди, кечқурун вазелин суртганимда роса ачишди.

Қўзимни очсам, тепамда аям қўлимни силаб ўтирибди, қўзлари ёшланган, нега йиғлаяпти, дадам уришдимикан? Унинг аччиғи ёмон, нега подани қўшмади, нега далага бормади, нега ўт олиб келмади, деб аямни уришган бўлса-я?! Қуёш ҳам тик келиб қолибди. Фалокат босиб шунча ухлабман-да!

– Ая, сигир подадан қолдими?

– Йўқ, даданг ҳайдаб кетди.

– Сизни уришдими?

– Йўқ, нега уришади?

Аям бирдан мени кучоклаб, йиғлаб юборди:

– Тирикчилик курсин, болажоним! Чарчадингми?

Вақтли турмаганимга ҳам пушаймон едим. Аям қўз ёшларини артиб:

– Тур, бобожон, ювингин! Чой ичамиз, қуймоқ пишириб қўйдим, кейин дам оласан! – деди.

Пушаймонлигим бир зумда йўқолди, бугун дам оламан, қандай маза!

Мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ўз оҳангимда юрибман, боғни айланиб чиқдим; қора анжирдан олиб бир-бирига ишқаб едим, роса мазали, сапсарик бўлиб етилиб пишган бир бош ҳусайни узиб, сўримга қараб юрдим. Агар чарчамаган бўлсам, уйқум келмаса, ҳар қандай шароитда ҳам китоб ўқийверишим мумкин, хотиржам пайтим бутун вужудим билан китоб ичига кириб кетаман. Сўридаги шолчани икки қават қилиб солиб, қўлтиққа қисиб олган китобимни – «Орзигул»ни ўқир эканман, кизиқ бир одат пайдо бўлганини пайқаб қолдим, сатрларни ўқияпман-у, қўз олдимга Орзигул ўрнига

Калима келади. Сувонхон ўрнини Қуддусвой эгаллайди: Қуддусвой (Сувонхон) энди йигирма ёшга чиқди. Бир куни хужрада ухлаб қолибди. Оқшомдан кейин бир гулюзли дилбар унинг тушига кирибди. Сочини майдалаб ўриб, шойи шалварини кийиб, зар рўмолини бошига желвагай ўраб, чап биқинини ушлаб, Қуддусвойнинг вақтини хушлаб, бармоғини тишлаб, салом бериб, Қуддусвой қошига келди. Қуддусвойнинг ақлини олди. Шунда Қуддусвой: «Сен кимсан, бемахалда йўқладинг, нима арзинг бор?» дейди. Шунда Калима бир байт айтади:

*«Мен нозли кирганман сенинг тушингга,
Мен муносиб сенинг қордай тўшингга».*

Китоб ўқийвериб бўйним оғриб қолди, турдим-да, майдон орқали уйга йўл олдим. Ўрик тагида боғлиқ турган Йўрғам мени кўриб ханграб юборди, қорнини ичига тортиб-тортиб; худди хўрлик, алам жуда ўтиб кетгандек! Унинг ана шундай ичига тортиб ханграши кулоғимга ўтириб қолган, йўқолганда ханграшини эшитиб, қаердалигини топиб бораман. Унга бир челақ сув бериб, олдига ўт ташларканман:

– Сен шўрликка Олмакўзникидек тоштабла қайда? Бир охурингда сув, бир охурингда ўт, бир охурингда ем қайда? Менда эса олтин сопли тозиёна¹ қайда?! – дедим.

Йўрғам шунисига ҳам шукр, дегандек иштаха билан ғумайни чайнай бошлади.

Ховлида дадам билан раисни кўрди му Орзикул амакига Сувонхондек дасти алиф лом қилиб – қўлимни кўксимга қўйиб эгилиб салом бердим. Раис мийиғида кулиб алик олди, дадам эса саломлашишимдаги ўзгаришни сезмай:

¹ Қамчи.

– Куддусвой ҳам режага бир тонна улуш қўшди-да, раис бобоси! – деди.

– Йўғ-эй! Яшанг, ота ўғил!

– Режа тўлганда дурустрок мукофотга илинтирасиз-да!

– Албатта, ўша гап гаи!

Раис менга қараб кўз қисди, қизариб кетдим: яна Зумрад опага ишора қияпти; дадам иккиси кулиб юборди, сўнг шошиб туришган шекилли, тезгина чикиб кетишди.

Хаёлларим, китобим билан яшаган бир куним жуда тез ўтиб кетди. Эртасига сахарда яна далага етиб бордим. Пахтазорнинг файзи кетган – ғўзаларда иржиқ кўсаклар қолган, уларни чувиб оламиз; илгаригидек эллик кило териш қайда, ўн беш, йигирма кило терсак ҳам катта гап. Тушга якин Нодир муаллим мени хирмон олдида кўриб қолиб:

– Хой, тўхта! Так, кеча нега келмадинг? – деди.

Дафъатан берилган бу саволга нима деб жавоб беришимни билмай қолдим; у хипчинини чирсиллатиб уриб менга яқинлашди, ғўё ҳозир хипчин билан этигимни уряпман, лекин шу хипчин билан сени солиб қолишим мумкин, дегандек.

– Нега куйдирган калладек тиржайяпсан, так, жавоб бер!

Супадаги қўлсават устида сўйилган қўчқоримизнинг куйган калласи! Юқори лаблари тортилиб қолган – тиржайган. Унга кўзим тушганда ирганиб калламни четга бургандим... Наҳот мен ўша каллага ўхшасам?!

– Так, нима, гунг бўп қолдингми? Сен учун мен гап эшитишим керакми?

– Домлажон, болани кўп ғадабламанг, ювинган, йигирма кунда бир кун дам олган-да! Қаранг, қўллари оппоқ бўлиб қолибди!

Ялт этиб Тоштемир акага қарадим, унинг юз-кўзи кулиб турарди.

– Иннайкейин, домлажон, бунга Зухра опаси кеча ўн беш кило пахта ўтказган.

– Эйи, шунақами? Так! Кеча прогул ҳисобланмаганими?

– Кеча айтиб қўймоқчи эдим, ўзингиз билан кўриша олмадик.

Қойил, Зухра опамга! Укажонимнинг домласи уришмасин деб менга пахта ўтказиб қўйибди. Умри опам ҳам ўтказар эди-я, унинг ўзи нормасини зўрға бажарган бўлса керак! Раҳмат, Зухра опагинам!

Подир муаллим этиги қўнжисига зарб билан хипчин урди:

– Так! Бугун кеча дам олганингни ҳам ҳиссасини чиқар!

Оёғим оғирлашиб пахтазорга йўл олдим; қачон қутуламиз бу сафарбарликдан? Қачон мактабимиз очилади?

* * *

Ёмғиру қорда кўсак, пахта териш жонга тегиб кетди; бошимга клёнка ёпинчиқ ёпиниб оламан, кирза этикдан нам ўтиб, пайтаваларим ҳўл бўлиб қолади; охири аям сахтиён маҳсисиний берди, этикнинг ичидан кияман; колхозимиз бажарган, лекин вилоятга ҳисса қўшишимиз керак экан; ҳар бир ўқувчи йигирма кило пахта териши лозим, аммо ҳеч ким нормасини бажара олмайди; биздан бўлмаган ишни бўлдиришимизни талаб этишади; беш-олти кило пахта деб кунларимиз тутаб қуяди. Мактабимизни катталар очиполмади, мактабимизни табиат очди – йигирма тўртинчи декабрь куни эрталаб туриб ташқарига чиқсам, ҳаммаёқ оппок, тизза бўйи қор!

Йигирма олтинчи декабрь.

Мактабни шунчалар соғинган эдимки... Калима-ни ҳам!

Дарс бошланишидан бир соатча илгари синфга кириб борсам, Калима, Баҳри, Қўлдош, Достон, Нарзикул, яна уч-тўрт нафар синфдошим гурунглашиб ўтиришарди. Улар мендан ҳам илгари келишибди. Калима ўқитувчи столи олдида туриб, болаларга нима ҳақладир гапираётган экан, унинг бўйи анча ўсибди, мени кўриб кулиб юборди.

– Бўрини йўкласанг, кулоғи кўринади! – деди у ўзини катталардек тутиб. – Ҳозир сени гапириб турувдик.

Биринчи у билан, сўнг бошқалар билан кўришдим-да, иккинчи партага – жойимга ўтирдим.

– Қуддус, сен тўртинчи «А» синф болаларига етакчисан. Майлими? Мана, Нарзикул тўртинчи «Б» синфга.

Нарзикул Калиманинг эътиборига сазовор бўлгани учун ўзида йўк хурсанд – оғзи кулоғида! Дарвоқе, Калима – йиғин раиси.

– Ўқиган китобларингни айтиб юрасан-да! – деди Қўлдош кулиб.

– Майлими, мунча, ўйланасан? – Калима бетокатланди.

– Сукут – ризолик аломати! – деди Достон.

– Дарсдан кейин қоласан-а?!

Калимага розилик бермай бўладими?!

Шундан кейин Калима ёшлар бригадасида кеч-қурунлари шахмат-шашка ўйнаб, кинолар кўриб, маза қилиб пахта терганларини гапириб берди.

Қўнғироқ чалинди. Синфга одатдагидек секинроқ юриб Муроджон ака кириб келди. Ўрнимиздан туриб саломлашгач:

– Нихоят, пахтадан қутулдиларинг, – деди у столга журнални қўйиб тик туриб стул суянчилигини ушлаганча. – Болалар, ўқиш дастурини бажариш учун етти соатдан ўқишга тўғри келади. Анча қийналасизлар, бироқ на илож!

У синфга бир назар ташлади, шу қарашда ҳамма борлигини билиб олди; агар бирор ўқувчи йўқлигини жойига қараб сезса, дарҳол: «Фалончи қаёқда?» дер эди. У ўтган дарсларимизни қисқа такрорлади-да, янги мавзунини бошлади. Унинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, синфнинг бурчагидан осилиб тушаётган ўргимчакни кўриб қолдим. Нодир муаллимдан илгари бизга дарс берган Ботир Йўлчи муаллимнинг гапи эсимга тушди: «Ўргимчак нега тепадан тўп этиб тушиб кетмайди? Нимагадир осилгандек секин тушади? Ўргимчакнинг оғзида шундай сўлак беиз борки, ундан ип чиқади. Бу ип ишлаб чиқилган захотиёқ қота бошлайди, ўргимчак ана шу ипга осилиб ҳар қанча баландликдан ҳам бемалол тушаверади». Қани эди, одам ҳам оғзидан ип чиқара олса! Кейин сира ҳам йиқилмас эди-да! Ўтган йили марварид тутдан япроқ сидира туриб, йиқилиб тушгандим. Қўлим тирсагимдан синиб, роса тўрт ой азоб чеккандим. Ўшанда менинг оғзимда ҳам ўргимчакникидек сўлак беиз бўлиб, арқон ишлаб чиқараверганимда, унга осилиб қолаверардим. Жуда қизиқ бўларди-да! Одам самолётдан ҳам парашютсиз, оғзидан чиққан арқонга осилиб тушиб кетаверарди; бу хаёлий манзарани кўз олдимга келтирдиму кулгим қистади, ўргимчакка орқа ўгириб турган ўқитувчим номимни атаб чақирди:

– Қуддусвой!

Ўрнимдан турдим.

– Ҳеч ўргимчакни кўрмаганмисан?

Тавба, ўргимчакка қараётганимни Муроджон ака қайдан билиб қолдйкин?

– Одам мунақа бўлмайди-да! Мен шунча тушунтиряпман-у, сенинг кулофингга бир сўз ҳам киргани йўқ, миянгга шамол ғувиллаяпти!

Мулзам бўлдим, чиндан ҳам у киши мавзуни шунчалар жон куйдириб тушунтирардики, мен қаёқдаги бўлмағур хаёллар билан овора бўлиб ўтирибман.

– Ўтир, – деди Муроджон ака хафа бўлиб.

Ўтирдим, энди у кишининг дарсида сира ҳам диққатимни бўлмайман!

* * *

Йигирма саккизинчи декабрь. Учинчи соат. Биология.

– Так, Достонбой! Бу ёкқа чиқ-чи! Бир Дальтон билан Минделларнинг авра-астарини ағдар-чи! – деди Нодир муаллим стулга ялпайиб ўтирганча.

Синф жонланди. Чунки Достоннинг бироз тутилиб гапириши, китобдаги гаплар ўрнига ўзича баъзи қизиқ сўзларни қўшиб юбориши мудом кулгимизни кистатади, ана, гап бошлади:

– Фаламис буржуй олимлари Дальтон билан Миндель аммамнинг бузоғига (бу икки сўз ўқитувчини; у ўтган дарсда шундай деганди) ўхшаб ўйлашади.

– Аммангнинг бузоғи ўйлайдими? – деди Калима. Ҳамма кулиб юборди.

– Так, жим! Давом эт!

Достон давом этди:

– Аммамнинг бузоғи ҳам ўқиса улардан яхши билади.

Яна мириқиб кулдик.

– Так, жим! Ўша олимлар нима депти?

– Одамнинг ота-онаси қанақа бўлса, боласи ҳам худди шунга ўхшаган бўлармиш! Бу нотўғри-да, мана Тоҳир, дадасига ҳам, аясига ҳам ўхшамайди.

Кула-кула қотиб қолдик. Фақат Тоҳир кизариб, нокулай аҳволга тушди: унинг дадаси кетиб қолган, аяси ҳақида турли гаплар юради...

– Так, – Нодир муаллим ҳам ўзини кулишдан зўрға тўхтатиб, жавобни хулосалай бошлади, – тирик организмлар ривожда ирсий фактор асосий роль ўйнайди, ташқи фактор эса иккинчи даражалидир, дейишади. Бу эса қандайдир илоҳий куч билан боғлашдир. Бунга қарши олимларимиз Лисенко бошчилигида ташқи муҳит ҳал қилувчи роль ўйнашини исботлашяпти...

Нодир муаллим гапга тушиб кетди; унинг ода-ти шунақа, биз икки-уч оғиз гапиришимиз билан шартта бўлиб ўзи давом эттираверади; шунда мен бўғилиб кетаман. Муроджон ака эса индамай жавобимизни тинглайди, фикримизни яқунлаганимиздан кейингина: «Ўртоқларинг тўғри жавоб бердими?» деб сўрайди, болалар ҳам тўлдиришгач, ўзи яқунлайди.

Нодир муаллим эса...

Мана, у янги мавзуни ҳам бошлаб юборди, ўсимлигу хайвонлар ҳамда одамларни худо яратмаганини гапиряпти, ўзича исботлаяпти: «Дин, дин пешволари тараққиётга тўсқинлик қилишди, агар эскилик, дин ҳалақит бермаганда ҳозир гўштни про-биркада етиштираётган бўлардик».

Энди ўқитувчининг гапларини эшитмас, фақат қулоғим остида унинг гап оҳанги тебранар, мен эса унинг фикридан келиб чиқаётган хаёлларим уммонида сузаётган эдим: ҳа, тушундим, бизнинг жудаям яхши яшамаётганимизга эскилик ҳалақит беряпти...

– Эскилик бизга ҳалақит беради, – дедим Қўлдошга мактабдан қайтаётганимизда.

– Қанақа эскилик?

– Эскиликни билмайсанми ҳали?

– Билсанг айт, нима?

- Эскилик – эскилик-да!
- Сен Калимани яхши кўриб юравериб, чиндан ҳам тентак бўлиб қолибсан!
- Сен ҳам эскилик тарафдори!
- Хей, сендақа янгилик тарафдоридан ўргилдим, қани кел курашамиз!
- Бўпти, сен – эскилик, мен – янгилик!
- Хўп!

Портфелларни қор устига отдик-да, олиша кетдик. Мен – янгиликка жон-жаҳдим билан тиришяпман, кўпинча ундан йиқилиб юардим, аммо бу сафар бўш келмаслигим керак! Ахир, гоя учун курашяпман! Минг афсуски, мен янгиликни Қўлдош эскилик фақат йиқитибгина қолмай, оғзи-бурнимни ҳам роса қорга ишқади... Кейин эса Нодир муаллимни янада ёмон кўриб қолдим.

Худо борми ё йўқ? Бу ҳақда ўйлаш, худди ажининг бор ёки йўқлиги хусусида бош қотиришимга ўхшаб кетади; баъзан кичик уйдаги катда ёлғиз ётганимда хаёл суриб деворнинг оқ бўёғи кўчган жойларга тикилиб қоламан: бу қорайган жойларнинг баъзилари менга айиқ, бошқалари тулки, бўри, ит, ҳатто оғзидан ўт сочаётган аждаҳо суратини эслатади, баъзилари эса жуда ваҳимали шаклда! Бу ажининг сурати бўлса керак дейману яна ўйлайман: бари бўлмаган гап! Етар ажинадан шунча кўрққаним! Ахир, шу пайтгача уни бир марта ҳам кўрмадим, бирор кишига зарар етказганини билмайман: отимни атаб бир бор ҳам чақирмади, оғзимни ҳам қийшайтирмади. Эргаш тентакка ўхшаб ҳам, бошқа бир кўрқинчли шаклда ҳам кўринмади. Демак, у йўқ экан-да! Шундай хаёллар билан юрганимда бир куни кечки овқатдан кейин дадамдан «Худо борми, ё йўқми?» деб сўрадим. Опаларим жуда нозик савол бердингку, дегандек бир менга, бир дадамга қараб жим

ўтириб қолишди. Дадам ўйланиб-ўйланиб мийиғида кулди.

– Қоп-қоронғи кечада бир шўрлик қўлига фонуc кўтариб, ниманидир қидириб юрганмиш,– деди у менга бир қараб қўйиб. «Хай, бу чакалакзорда нимагни йўқотиб қўйдинг», – деб сўрабди йўловчи. «Офтобни излаб юрибман» – дебди фонуc кўтарган киши. «Эй шўрлик, қийин аҳволда қолибсан-ку! Бу юришда икки дунёда ҳам офтобни тополмайсан. Ахир, офтоб чакалакзорда нима қилади? Офтоб ҳов анави кенгликда. Қаддингни тикла, ботқоққа ботиб оёғинг лой бўлибди. Оёғингдаги лойни то-зала, қушдек енгил бўласан. Қалпоғингни отиб юбор, бошингни сиқиб, кўзингни тўсиб қўйибди. Энг зарури манави фонусингни ташла. Сени у тўғри йўлдан адаштирибди. Шундай қилсанг, офтобни топасан!»

Йўловчи шундай дебдию кўздан йўқолибди.

Фонуc кўтарган киши ҳайрон бўлибди. Лекин йўловчининг айтганига қулоқ тутибди. Оёғини лойдан тозаллаган экан, қушдек енгил бўлибди, сўнг қалпоғини отиб юборибди, фонусни ташлабди. Шунда бутун вужудида ажиб бир сеҳрли енгиллигу кучқудрат сезибди, қараса қаршисидаги дарахтлар орасидан бир тутам нур тушиб турганмиш. Шу нурга интилиб, чакалакзор орасида машаққат чекиб юрган экан, ўша томондан офтоб чиқиб келаётган эмиш... Хўш, қани болаларим, айтинглар-чи, чакалакзор, оёққа илашган ботқоқ лойи, қалпоқ, фонуc нима? Дарахтлар орасидан кўринган бир тутам нуру фонуc кўтарган киши излаётган офтоб нима?

Биз бир-биримизга қараб, ўйланиб қолдик, аммо ҳеч биримиздан садо чикмади. Дадам узоқ кутиб ўтирмай, саволларига ўзи жавоб бера бошлади:

– Чакалакзор ҳаром-харишнинг фарқига бормай зулукка айланиб яшаётган одам макони, оёққа

илашган ботқоқ лойлари – вужудга, рухга ёпишган ифлосликлар, калпок – хур фикрга тўғон бўлган тор манфаатпарастлик, тез орада ўчиб қоладиган фонус – алдоқчи дунё, дарахтлар орасидан тушган бир тутам нур – илм, офтоб – мутлақ ҳақиқат, ҳақ олами.

Болаларим, алҳол худо борми, йўқми деб сўраб ўтиргандан кўра, руҳингизни покиза тутиб, ақлли, ахлоқ-одобли бўлиб, илм олаверинглар-чи, чакалакдаги одам офтобни топгандек Аллоҳимни ҳам англаб етасизлар.

Унча яхши тушуниб етмаган бўлсам-да, бош ирғадим. Кейинчалик дадамнинг гапларини тез-тез ёдлаб турдим, ақллилик, покизалигу ахлоқ-одобда ўзим англаганимча юксакликка кўтарилишга интилиб юрдим; бир гал дадам Калимага тенглашиш учун ҳаракат қилаётганимни сезиб шундай деганми-кан, деб ҳам ўйладим. Лекин, Калимани кечаю кундуз ўйлаб юрганимни дадам қандай билсин? Лекин нима бўлса ҳам дадамнинг гапи бугунги интилишимга мос эди. Шу туфайлими, кейинги пайтда мени бир ҳис беҳаловат қилади: мактабдаги нимаики иш бўлса, ҳаммасига аралашишни, иложи борича бошида туришни истайман; бунга аниқ бир режа ёки йўл билан эмас, балки бутун вужудим билан интиламан. Темир-терсак ҳақида гап юрдими, албатта, ҳаммадан кўп йиғишим керак; эшак аравамизни қўшиб, гараж олдида уйилиб ётган металломни ортиб келиш ғояси ҳам мендан чиққан, кейин Калима билан Баҳри ҳам қўшилишди. Шунчалик кўп темир-терсак ортиб келибмизки, синфимиз режаси ошиб-тошиб кетди, роса мақтов эшитдик; лекин орадан икки-уч кун ўтмай, тракторчилар машина билан келишиб, анча темирларни қайтариб олиб кетишди, қолгани ҳам бизга етиб-ортади, деди Зумрад опа.

Бадий хаваскорлар Янги йил байрамига интермедия кўйишмоқчими, иштирок этишим керак, менга куён ролини беришди; тоғам билан дадамнинг жўраларига томоша кўрсатавериб уста бўлиб кетган эмасманми, дастлабки репетициялардаёқ ўзимни кўрсатдим.

Устачиликда ҳам ҳеч кимдан орқада қолишни истамайман, уста Соли муаллим айниқса лобзикда яхши ишлашим учун «беш» кўяди; у мактабдаги бир стенд учун нақш қирқишга икки-уч бола билан кўшиб мени ҳам алоҳида ишлашга ажратиб олаётган эди, Қўлдош:

– Вой-бўй, қайси бир ишга улгурасан, – деди лабини буриб.

У бошқача, жамоат ишларини унча хоҳламайди; бадий хаваскорликка эса Калима билан Баҳри борлиги учун қатнашяпти.

Ҳар томонлама комилликка интилиш энг кучли томоннинг зўрайишига салбий таъсир қилмайдими? Ўсган кучларингнинг учини қирқиб, ўсмаганлари билан тенглаштириб қўймайдими? Менинг кучли томоним борми, ўзи? Мен бу саволларга на уйдан, на мактабдан жавоб топа олмасдим. Қайси томоннинг кучли эканлигини билмагунча ҳар тарафлама ривожланаверган, ҳамма соҳада биринчи бўлишга интилаврган яхши эмасми? Бу фикрлар менда, балки дуч келган китобни ўқийвериш оқибатида туғилаётгандир! Лекин ўша пайтда бари интилишларимнинг чўққисида жилмайиб у – Калима турар эди.

9

Янги йил байрамидан кейин бор-йўғи икки кун дам олдиғу яна ўқиш бошланди.

Январь ойи тугар-тугамас қор бутунлай эриб кетди. Осмоннинг ҳали у, ҳали бу бурчида булут пайдо бўладию на ёмғир, на қор ёғмайди. Дадам ташвишда: «Йил қурғоқчилик келадиганга ўхшайди!»

Йигирма тўққизинчи январь куни мактабдан қайтаётиб, мен, Қўлдош, Достон учлар иттифоки туздик, қиёматлик дўст бўлишга онт ичдик. Достон бизга юрагини ёрди; у саккизинчи синфдаги Лолани яхши кўраркан, хайрон қолдим; ўзимча сочи тўзғиган, қорачагина бу қизнинг нимасини ёктираркин, деб ўйладим; назаримда фақат Калимадек қизни яхши кўриш мумкин эди. Қўлдош эса ўзининг мухаббати ҳақида гапириб кетди, Калимани яхши кўришимни ҳам айтди; мен ўзим ҳеч нарса демадим, Қўлдошнинг гапини инкор ҳам қилмадим.

– Шундай лаллайиб юраверамизми? Қизларнинг ўзларига айтайлик ёктиришимизни! – деди Қўлдош.

Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, Достон ҳам.

– Бўлмаса, биринчи бўлиб мен айтаман! – деди Қўлдош бизни яна хайрон қолдириб.

– Нима деб айтасан? – сўрадим мен.

– Айтавераман-да, сени яхши кўраман, дейман!

– Айтгандан кўра хат ёзсанг бўлмайдими? – деди Достон.

– Нима деб ёзаман?

– Яхши кўришингни-да!

– Бўлмаса, сен ёзиб бер! – деди Қўлдош менга.

Мен ўйланиб қолдим; сўнг учаламиз Достонларнинг уйи олдидаги кунда устида ўтириб узок маслаҳатлашиб турдик. Ниҳоят, келишдик: мен Қўлдош номидан хат ёзаман, Қўлдош кўчиради, хатни Баҳрига Достон беради; хашар йўли билан Қўлдошнинг яхши кўришини Баҳрига билдирамиз!

Кечкурун кичик уйга қамалиб олиб мактуб ёзишга киришдим. Қўлдошнинг номидан Баҳрига хат битиш жуда қийин бўлди, лекин мен мабодо Калимага хат ёзсам, қандай ёзардим, деган фикрни миямдан ўтказишим билан юрагим аллақандай сеҳрли бир туйғудан тўлқинланиб кетдию енгил ёза бошладим.

«Қимматли синфдошим Баҳри! Шу тобда мен дераза ёнида ўтириб, шапкамни стол устига қўйиб (Қўлдош соябонли шапка кийиб юрарди-да!), сенга мактуб битмоқдаман...»

Эртаси куни, келишганимиздек, мактабга жуда вақтли бордик, синфда учаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Достон мактубни овоз чиқариб ўқиди, сўнг жуда зўр, деб мактади. Қўлдош дарҳол кўчиришга ўтирди. Сўнг мактуб бериш режасини туздик. Мен Достонни навбатчи этиб тайинлайман. У катта танаффус пайтида ҳаммани синфдан чиқариб юборади-да, кейин бирор нарсани баҳона қилиб, масалан китоб-дафтарларингни тўғрилаб қўй деб Баҳрини чакирадию хат беради.

Калима билан Баҳри кейинги пайтда гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолишгани сабабли Муроджон ака уларни бошқа-бошқа партага ўтказган. Баҳри энди ўрта катордан биринчи партада, мендан олдинда, синфда қолган Рихси исмли киз билан, Калима эса биринчи катордаги биринчи партада Зубайда билан ўтиради.

Нихоят, катта танаффусга қўнғироқ чалинди. Зуфар муаллим хайрлашиб чиқиши билан ҳамма ташқарига югурди. Достон синфдошларимни тезроқ чиқишга ундамоқда, Баҳри эса тахтадаги масалани кўчирмоқда, «Тез бўл!» деб қистаган Калимага: «Бора-вер, сени ўзим топаман!» деб жавоб бериб юборди. Айни муддао бўлди-да, йўкса уларни бир-биридан ажратиш қийин эди. Достонга қўзимни қисиб имо қилдиму Баҳрини менга караб турганини кўриб қолиб, хижолатдан тезда коридорга чиқиб, эшикни ёпдим-да, қоровуллаб турдим. Бир пайт Достон чиқди, ранги бироз бўзарган, лекин хурсанд.

– Иш битди, Қўлдош кани?

Ховлига югурдик. Қўлдош бизни спорт майдонида кутиб турганди.

– Хўш, қалай? – деди у бетоқатланиб.

Достон эса товонларини бир-бирига уриб, қаддини ростлаб рапорт берди:

– Жаноб Қўлдош! Хат бериш операцияси муваффақиятли бажарилди!

– Ҳазилни қўй, бундай тўғри гапирсанг-чи? – Қўлдош тутакди.

– Қуддус чикиб кетгач, шартта Баҳрининг олдида бордим-да, дафтари устига хатни қўйдим, у шундай қизариб кетдики...

– Хатни олдим, ишқилиб? – деб сўрадим.

– Эшик олдида етганимда қарасам, секин хатга қўлини чўзаётган экан.

– Хатга тезроқ жавоб ёз, демабсан-да!

– Бунча ичикмасанг, Қўлдош, ёзади-да! – дедим. – Яша, Достон!

Севинч, аллақандай ғурур оғушида кириб борганимизда синфда болалар кўп эди. Баҳри хаёл суриб ўтирибди, танаффусга чикмаган кўринади, у менга: «Сизлардан шуни кутмовдим!» дегандек ғалати тикилиб қўйди.

Баҳридан орқада ўтирганим учун унинг ҳар бир ҳаракатини бемалол кузатяпман. Нодир муаллим ўтилган мавзунини бошлаганда Баҳри менга таниш қоғозни қўлига олди, чамаси, хатга яна бир бор кўз ташламоқчи эди, мана, у мактубни парта тагига қўйганча ўқияпти: у ўқишга шунчалар берилиб кетдики, бошида қора бургутдек пайдо бўлган Нодир муаллимни пайқамади! Ўқитувчи ўлжага – Баҳрининг қўлидаги хатга ташланганда, дод деб юборай дедим. Баҳри ўзини орқага ташлади, юзининг бир томонига кўзим тушди – докадек оқариб кетган! Кўзларини катта-катта очиб, мисқирганча¹ хат ўқиётган ўқитувчига, орқага – бизга қарадию бирдан бағрини партага берганча йиғлаб юборди.

¹ Мисқирмоқ – мазах қилиб кулмоқ.

Бир пайт Қўлдош бургутга ҳамла қилган жўжадек ўзини ўқитувчига отди – хатни юлиб олмоқчи бўлди. Ўқитувчи эса янада кучлироқ мисқирганча хат тутган чап қўлини баландроқ кўтарди, иккинчи қўли билан Қўлдошнинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди. Қўлдош шундай ёнимга йиқилди, сапчиб туриб яна Нодир муаллимга отилмоқчи эди, мен уни маҳкам ушлаб қолдим, ўйладим: унинг уришга ҳаққи йўк! Мен эса ювошлик қилмаслигим керак!

– Бировнинг хатини ўқишга нима ҳаққингиз бор?!

– О-ҳо, синфкомнинг шашти ёмон-ку! Ҳай, ҳай, шаштингдан туш! Яна мени судга бериб юрма!

Энди у очикдан-очик масхара қилишга ўтди, бу эса менинг суяк-суягимдан ўтиб кетди; аччиғимдан сўз тополмай унга тикиламан. Мен тополмаган гапни Достон топган эди:

– Яхшиликча хатни қайтариб беринг!

– Эй, сен мишиқи ҳам бормисан? Вой, кўрқиб кетдим-эй! Хей, сенларни ўша... – Нодир муаллимнинг жазаваси тутди. – Мен сенларни мактабдан ҳайдатиб юбораман! Ҳали сенлар нонни нанна деб юрибсанлар! Хим... Мурод акага айтдим: «Бунақа бўшлик қилманг!» деб. Мана ўқувчилар билан дўстона муносабатда бўлиш оқибати! Фикрни ривожлантириш самараси! Ҳали бурни оқиб юрган бола, севги изҳор қилиб хат ёзса-я!? Қани тарбия?! Бор, раҳбарингни чақир!

Нарзикул ташқарига учди.

– Бор, директорни чақир!

Яна кимдир коридорга қараб югурди. Ҳамма нима гаплигини билмай ҳайрон.

Қўлдош қўлимда типирчилаб кичқирди:

– Севишни ҳеч ким ман қилолмайди-ку. Нега сиз...

– Хе, севмай ўл!

Нодир муаллим учиб келиб Қўлдошнинг юзига яна тарсаки тортди, кейин лабини қимтиб турган Достоннинг олдига бориб:

– Кимни сўқяпсан! – деб ҳансираганча Достоннинг бўйниданғижимлаб, бошини партага бир-икки урди, шу пайт Калима югуриб бориб Нодир муаллимнинг қўлидан ушлади:

– Урманг! Уришга ҳаққингиз йўқ!

Нодир муаллимнинг қўли ҳавода қотди. Синфга раҳбаримиз билан директор – Эмин Маҳкам, икки синфдошимиз киришди. Синфдошларим оёққа қалқишди. Нодир муаллим Эмин Маҳкамнинг истиқболига юрди, дархол ҳовуридан тушди:

– Мурод ака, булар билан ана шунақа юмшоқ муомала қилаверсангиз ҳаммаси ўқишни ташлаб, Лайли-Мажнун бўлиб сахрога чикиб кетишади!

– Нима гап, ўзи? – деди Эмин Маҳкам бир қошини қўтарганча.

– Манави зумраша, – Нодир муаллим Қўлдошни кўрсатди, – севги изҳор қилиб Баҳрига хат ёзибди! Бечора қизча йиғлайвериб, шишиб кетди. Мана бу иккиси эса Қўлдошнинг ёнини олиб, мен билан адибади айтишяпти! Тарбиясизлар! Мана, Мажнуннинг хати! – Нодир муаллим худди бир жосуснинг буюмини қўлга туширгандек гердайиб хатни узатаркан қўшиб қўйди: – Учаласини ҳам мактабдан ҳайдаш керак!

– Ўтиринглар! – деди Эмин Маҳкам хатга қисқа назар ташлаб.

Ҳамма жой-жойига ўтирдию Баҳри яна йиғлаб юборди. Раҳбаримиз хаёлга чўмганча индамай турарди. Эмин Маҳкам унга қараб қўйди, сўнг Нодир муаллимга:

– Сиз дарсни давом эттираверинг! Булар билан ўзимиз гаплашамиз, – деб худди учаламиз тил бириктириб хат ёзганимизни билгандек бизни йўлак томон имлади.

Директорнинг кабинетида Эмин Маҳкам билан Муроджон ака негадир индамай анча вақт бир-бирларига қараб туришди; мен энди роса кўргилигимизни кўрамиз, деб ўйлагандим. Лекин улар бизга озгина панд-насихат қилишгач, қўнғироқ чалиниши билан жавоб бериб юборишди, ҳатто бўлган воқеани тузукроқ суриштиришмади ҳам!

Нодир муаллимга нисбатан сўнмас бир нафрат билан синфга қараб юрдик.

* * *

Иккинчи февраль. Учинчи соат. Тарих.

Мен тарихга жуда қизикаман, уйга берилган вазифани бажара туриб, дарсликдан бош кўтара олмай қоламан: кейин нима бўлганикин, деб ўқийвераман.

Алҳол Эмин муаллим рус қўзғолончисининг номини эсдан чиқариб қўйди.

– Пистил, – деб юбордим мен.

– Ҳа, Пистил! – деганча давом этиб кетди у суюниб.

Эмин муаллимга савол бердим:

– Муаллим, жиззахликлар ҳам 1916 йилда қўзғолон кўтаришган-ку, нега бу ҳақда дарс ўтмаймиз?

– Ҳа, бу қўзғолон шу ерда, ўзимизда бўлган-да! Уни алоҳида, тўғарақда ўрганамиз.

Ўқитувчининг жавобидан қониқмадим.

– Менинг бобом ҳам қўзғолончи бўлган. Мирзаёр мингбоши билан Рукин деган ҳокимни ўлдиришган, – деди Қўлдош.

– Кейин бобонгни осишган-а? – деб қўшилди Достон.

Синфдошларимиз бизга ҳайрон бўлиб қараб ўтиришибди, бу гапларни қаёқдан билишади, дегандек!

Қўнғироқ жиринглади. Ҳамма ўқитувчининг орқасидан ташқарига шошилди, лекин негадир Баҳри

менга қараб-қараб қўйиб, жойида қимирламай турибди. Нигоҳи шундай беозор эдики...

Мен тарс-тарс юриб ўтиб кетмоқчи бўлдим, аммо у оҳиста билагимдан ушлаб, ҳалимдек юмшоқлик билан деди:

– Қуддус, мен сенга нима ёмонлик қилувдим!

Баҳрининг узун киприкли шаҳло кўзларида ёш филтиллагандек эди, кўкраги кўтарилиб тушиб, нозик бурун парраклари пирпираётганини кўриб, кўнглим бузилди, ҳозир йиғлаб юбормаса эди деб қўрқдим: уфф, қаердан ҳам мен аҳмоқ синфдошларимга: «Баҳрига гапирманглар, яккамохов бўлиб қолсин!» дедим. Эҳ, жудаям ошириб юборганга ўхшайман. У қандай ажойиб, маъсума қиз экан-а! Ахир, Баҳрида нима айб? Барига Нодир муаллим айбдор-ку!

Баҳри бирдан қўлини тортдию ташқарига отилди. Шу куни қарорни биринчи бўлиб ўзим буздим – Баҳрига гапирдим!

* * *

Саккизинчи февраль. Тўрттинчи соат. Яна Нодир муаллимнинг дарси.

Қўлдош яхши ўқийди, аммо бир гунгга айланиб қолса борми? Бир гал Ольга Михайловна унинг гунглигига чидай олмай йиғлаб юборган! Хат воқеасидан кейин биология дарсида бирдан гунг бўлиб қолади. Бугун Нодир муаллим уни тахта олдига чақирди, Қўлдош ўрнидан турди-ю, лекин чиқмади. Нодир муаллим журналга нималарнидир ёзиб ўтирганча Қўлдошни тахта ёнига чиқди, деб ўйлаб деди:

– Қани, ўтган дарсни гапир-чи!

Жавоб бўлмагач, бошини кўтарди, ўзини худди комик артистдек тутиб, у ёқ-бу ёққа алангла-

ди, ўқувчилар кулиб юборишди. Нодир муаллим кулги остида ўзига ярашмаган тарзда лапанглаб Қўлдошнинг олдига борди, чор-атрофини кузатди:

– Так, партага ёпишиб қолмадингми?

Синфдошларим яна кулишди. Мен эса Қўлдошга тикиламан, худди осмонни қора булут босгандек, юзи аччиқдан қорайиб, тундлашиб кетган.

Нодир муаллим масхарабозликни давом эттиряпти. Қўлдошнинг феълини яхши билганим учун қўрқиб турибман, бирор кори ҳол рўй бермаса?!

Нодир муаллим Қўлдошнинг билагидан тутиб:

– Бу ёкка чик-чи! Так, ё шол бўлиб қолдингми? – деди.

Қўлдошнинг юзида чакмоқ чакнади: Нодир муаллимнинг қўлини силтаб ташлади, бирдан кўкрагидан итариб юборди, Нодир муаллим тисарилиб кетди. Қўлдош шартта портфелини кўтариб, югурганча синфдан чиқди.

Нодир муаллим нима қилишини билмай гангиб қолди, беўхшов жилмайди: қошлари ўртасига бармоғини босиб: «Так, так», деб олди; сўнг қўл силтади:

– Псих, псих! Так, бу синфга бари психлар йиғилган!

Нодир муаллим тахтага нималарнидир чизиб тушунтиряпти, лекин ҳеч кимнинг миясига дарс кираётгани йўқ! Мен ўқитувчига қараб турдим, бирдан миямга бир фикр келди; Нодир муаллимга сездирмай ёза бошладим. Нодир муаллим синфдан чиқиши билан бақирдим:

– Болалар, тўхтанглар! Гап бор!

– Нима дейдилар, синфком жаноби олийлари! – Калима ўрнидан турди. Баҳрини хафа қилганим учун шундай личинг билан гапиряпти. Мен унга эътибор бермай ёзганимни ўқидим:

«Хурматли ўртоқ директор Эмин Маҳкам!

Нодир муаллим бизга жуда кўпол муомалада бўлади. Ўқувчиларни уради. Ўқувчи Қўлдош Мирза унинг дастидан мактабдан кетиб қолди. Бизга бундай ўқитувчи дарс ўтмасин! Йўкса, дарсга ҳаммамиз келмаймиз. Еттинчи «А» синф ўқувчилари».

Калима югуриб олдимга келди:

– Жуда зўр! Ҳозир ўқитувчилар буфетда чой ичиб ўтиришгандир! Менга бер, шартта директорнинг хонасига қўйиб чиқаман.

У хатни қўлимдан юлиб олдию ташқарига отилди, орқасидан йўлакка чиққанимда у директор кабинетига кириб кетаётган эди: режам бунчалик тез амалга ошишини кутмагандим, синфдошларим билан маслаҳатлашмоқчи эдим, аммо Калима...

10

Бўлар иш бўлди-ю, кўчада ҳам, уйда ҳам ўйлаганим ўйлаган: Эмин Маҳкам хатни олади, «Нима гап, ўқувчилар ўқитувчининг устидан шикоят ёзиб юришибдими?! Бу қандай кўрнамаклик?! Кимнинг дастхати? Қуддусникими? Ҳа, бари номаъкулчиликни шу бошлаган. Ошиқ-маъшуқлик хатини ҳам у битган. Бул кишим яна синфкоммишлар! Ўргилдим. Чақир бу ёққа! Отасини ҳам чақиринглар! Бола эмас, бало тарбия қилибди!» дейди. Бошланади хунрезлик!

Аммо орадан бир-икки кун ўтса ҳам ҳеч кимни чақиринмаяпти. Сирли сукунат ҳукм сурмоқда. Қўлдошникига Муроджон ака борибди. Дадаси: «Агар ўша аблах Нодир муаллим дарс берар экан, ўғлим мактабга қадамини босмайди», дебди. Нодир муаллимни бир-икки кўрдим: жиғибийрон, саломимга алик олмади. Демак, хат директорга етган, индамай қўя қолинглар, деган.

Бугун биринчи соат Нодир муаллимнинг дарси. На илож, биз хат ёзганмиз, дарс ўтманг деб чиқариб юбора олмасак! Қайси йўл билан бўлса-да Қўлдош учун Нодир муаллимдан ўч олишни истайман. Ахир у бизни бутун мактаб ўқувчилари олдида шарманда қилди. Бу фикр навбатчи тайинлаётганимда ҳам, синфнинг дарсга тайёргарлигини кўздан кечираётганимда ҳам хаёлимдан кетмади.

— Курсини тўғрилаб қўй! — дедим Достонга.

У курсини кўтарган эди, бир оёғи тушиб кетди. Курси оёғини тўғрилайётган Достонга қараб ўйланиб қолдим: «Тўхта!» дедим. Унинг ҳайрон бўлишига қарамай курсини олдим-да, полга бир уриб иккинчи оёғини ҳам синдирдим, сўнг иккисини ҳам жуфтлаб, ўтиришга мослаб, стол ёнига қўйдим. Қарасам, Достон кулганча мени кузатиб турибди, демак тушунибди; бош бармоғини кўрсатиб, жилмайяптими, унга ҳам маъқул!

Иккимиз ҳам ҳеч нарсани билмагандек жойимизга бориб ўтирдик. Ахир, қўнғироқ чалинганига анча бўлган, Нодир муаллим кечикаётган эди.

Жойимда турибману ўзимча тасаввур қиялман; ҳозир Нодир муаллим кириб келади, истар-истамас саломлашиб, таппа ташлаб курсига ўтиради! Шунда... Ичимдан қуйилиб келаётган кулгини зўрға босиб турардим.

Эшик очилди, ана... қай кўз билан кўрайки, журналнинг бир четидан ушлаганча, зипиллаб Муроджон ака кириб келди. Ҳар гал дархол курсига ўтирмайдиган раҳбаримиз бу сафар ҳорғин ҳолда саломлашиб, ўзини курсига ташлади. Ҳамма ўтирдию мен ўтиролмасдим, олдинги партада қотиб турган Достон «эй...» деб қолди. Курсининг икки оёғи майишиб кетди, раҳбаримиз бутунлай йиқилиб тушмай, ўзини ўнглаб олди, синиқ курсига қараб: «Тавба, кўп оғир эмасдик-ку!» деганича секин юриб

Достоннинг рўпарасига келди, раҳбаримиз хиёл қўлини кўтарган эди, Достон ўқдек учиб келиб, юзимга тарсаки тортиб юборди. Воқеа шундай тез рўй бердики...

Раҳбаримиз қотиб-қотиб кулди, синфдошларим ҳам. Мен эса юзимни ишқаб кулишимни ҳам кул-маслигимни ҳам билмай ноилож жилмаярдим.

— Ана, жазо эгасини топди! — деди кулгисини зўрға босиб раҳбаримиз. — Яхшимас, синфком, ўқитувчига суиқасд уюштириш ўрнига болаларни тартибга чакириш керак. Мана, Қўлдош биологиядан умуман жавоб бермабди. Шундай бўлаверса синфда қолиши мумкин! Ўзи қани? Бугун ҳам келмадими?

Раҳбаримиз негадир паришонроқ кўринади. Буни мен ҳар доимги одатларига мос келмаган ҳаракатларидан билдим. Қўнғироқ чалинди-ю, у ҳали уйга вазифа бериб ултургани йўқ. Ҳар гал у қўнғироқ чалиниши билан дарсини тугатиб чиқиб кетарди. Муаллим вазифасини айтиб доска олдига бориб туриб қолди.

— Болалар, бугундан бошлаб... — дедию гапнинг қолган қисмини айтайми, айтмайми, дегандек мулоҳазага бориб тўхтади: бу ҳолни сездирмаслик учун столдаги журнални олди, сўнг секин деди:

— Бугундан бошлаб сизларга биологиядан Ботир Йўлчибой дарс ўтади!

Болалар «Ур-ра!» деб юборишди. Ботир акани жуда яхши кўрардик.

— Нодир муаллим-чи? — дедим мен гарчи унинг бизга дарс ўтмаслигидан энг кўп севинсам-да.

— Бошқа синфларга киради, — деди раҳбаримиз енгил ух тортиб. Унинг бу ух тортишидан билдимки, Нодир муаллимни бизнинг синфга кирмайдиган қилиш раҳбаримизга енгил бўлмаган.

— Олтинчи соатда физика ўрнига биология ўтасизлар, хайр!

— Хайр!

Муаллим чакқон юриб синфдан чиқиб кетди.

Уйга боришим билан янгиликни Қўлдошга етказиш учун кетаётган эдим, ҳовуз бўйида Ширинни кўриб қолдим, унинг бўйи анча чўзилган, энди сочини ўзига ярашадиган бир алфозда иккита қилиб ўрган, бирини олдига ташлаганча қўли билан ўйнаб менга сирли кулиб қараб турарди, беихтиёр қўл узатдим, у қўлимни кўйиб юбормай ушлаб турди, мен унинг олдида ўзимни гуноҳкордек ҳис қилиб кўзимни олиб қочдим.

– Баҳрига хат ёзаётганимда, биратўла ўзингнинг номингдан Калимага ҳам хат ёза қолмабсан-да, севги изҳор қилиб! – деди аразлаган оҳангда қўлимни кўйиб юбориб.

Мен аввалига индамадим, сўнг аччиғим чикди:

– Сенга ёзсам қандай бўларди?

– Менга ёзишинг шарт эмас-ку!

У бешиккерт қилинганимизни эслатаётганди, чамамда. Кейинги пайтда у билан жуда кам кўришардим, истасам хоҳлаган пайтимизда кўришишимиз, ёлғиз қолиб гаплашишимиз мумкин, аммо буни истамас эдим, ҳозир ҳам гапни қисқа қилиб жўнаб қолдим, сезяпман, орқамдан хайрон бўлиб боқяпти...

Қўлдош эртаси куниданоқ дарсга қатнай бошлади. Унинг келгани яхши бўлди. Ахир, саккизинчи февраль куни саккизинчи «А» билан футбол ўйнашимиз керак.

Жамоани марказга бошлаб югуриб кетаётиб ўйладим: бундан бир йил илгари синфдошларим мени футболга қўшишмасди; бу менга жуда алам қилди, кейин эса: «Сен дарвозада турақол» дейишди. Дарвозада турарканман юрагим типирчилар, рақиб яқинлашганда бирдан отилиб чиқиб тўпни ушлаб олганимни ўзим ҳам билмай қолардим, баъзан

эса ўзимни аямай рақиб оёғи тагига ташлаб тўпни эгаллардим; бу синфдошларимизга ёкиб қолди, бир гал саккизинчи синфда ўқийдиган Саъдулланинг: «Агар Қуддус дарвозада турмаса еттинчига тўртта гол урардим!» деганини эшитиб қолдим, ўқитувчилар ҳам дарвозада яхши туришимни гапира бошлашди; мактовлардан талтая бошладим, саккизинчи синф билан ўйнаётганда иккита гол ўтказиб юбордим, бунга ўзимга жуда ишониб кетиб олдинга чиқиб кетишим сабаб бўлди, олдинга чиқиб кетганимни сезиб қолган рақиб ўйинчиси анча узоқдан дарвозани мўлжалга олган эди. Хар қанча чираниб орқага ташланмай тўпни ушлаб қололмадим, синфдошларимнинг ҳафсаласи пир бўлди, сўнг ўрнимга Худойназарни қўйишди. Кейин мен тўп сотиб олдим-да, хар куни Қўлдош билан машқ қила бошладим; у жуда яхши ўйнайди, тўп оёғига теккач, унча-бунча бола унга етиша олмайди. Футболни шундай яхши ўргандимки, синфимиз болалари жамоага бош бўласан, деб туриб олишди. Мен рози бўлдим. Пул йиғиб бир хил – яшил футбол қўйлаги сотиб олдик.

Марказга етиб, сафимизни тўғрилаб олишимиз билан кичқирдим:

– Саккизинчи «А» футболчиларига...

– Салом!

Рақиб томондан ҳам овоз келди:

– Еттинчи «А» футболчиларига...

– Салом!

Ўйин бошланди. Жамоа бошлиғи Беркин калондимоғлик билан тўпни Салимга ташлади, Салим эса тезда унга қайтариб, ўзи олдинга ўтди. Беркин олифталиқ билан Қўлдошни алдаб, қўйиб берса ҳаммани ҳам алдаб ўтадиган шашти бордек олдинга интиляпти. Кулча юзи, қора қошлари қизариб юрадиган, ёноқлари қиз боланикига ўхшаб кетадиган бу бола дастлаб менга ёқар эди, кейинчалиқ ўпкасини

қўлтиқлаб юришларини кўриб ундан кўнглим қолди. Ана Салим бўш жойга ўтиб олибди, химоячиларимиз эса уни назардан қочиришган. Беркин тўпни унга оширсан керак деб ўйладиму жон-жаҳдим билан ўша томонга югурдим, лекин Беркин Салимнинг: «Оширсанг-чи!» деб қичқирганига эътибор бермай, Достонни ҳам алдаб ўтмоқчи бўлди, Достон эса ундан тўпни олиб қўйдию Қўлдошга узатди. Қўлдош эса менга, Салим Беркин тўпни унга узатмагани учун аччиғланиб, бўшашиб турган экан, бир зумда алдаб ўтдим. Шу пайт қулоғимга Калиманинг овози чалинди:

— Қуддус, Қуддус!

Калиманинг номимни айтиб қичқиргани шундай шиддатимни ошириб юбордики, ўзимда қанот пайдо бўлгандек ҳис этдим: орқама-кетин икки ўйинчини алдаб ўтдим, марказдан рақибимизнинг химоя чизигига яқинлашдим, биялпман, чап қанотда Қўлдош ўқдек учиб келяпти. Мен уни кўрмаганга олдим: худди Беркинга ўхшаб ёлғиз ўзим ҳаммани алдаб ўтиб, тепмоқчи бўлгандек дарвозага яқинлашавердим; биринчи химоячи менга қараб ташланиши биланок тўпни Қўлдошга чиқардим, у эса тўхтатмай тепди, худди ўзим тепгандек севиниб кетдим. Ахир, югуриб келаётган Қўлдошнинг ўнг оёғига тўп жуда ўнғай келган эди-да! Бундай пайтда тепиш кучи икки марта ошиб кетади! Гол бўлишини юрагим сезиб турарди! Лекин дарвозабон ўзини чап бурчакка отиб, тўпни қайтарди: қарасам, тўп шундай дарвоза чизиги яқинидаги ерга тегиб сакради, тепай десам, ўнғай эмас, бир сакраб калла урдиму тўп билан қўшилиб ўзим ҳам тўрга ўралашиб қолдим.

— Го-о-о-ол!

Қичкириқларни эшитиб, ўрнимдан ирғиб турганча марказга югурдим. Қўлдош, яна бир неча ко-

мандадошларим кафтимга уриб табриклашди-да, яна жой-жойларига боришди.

– Яша, Қуддус!

Синфдошларим сакраб-сакраб кичкиришади. Энди Калиманинг товушини ажрата олмасдим, лекин кўз қири ташлаб, унинг ирғишлаётганини кўриб қолдим, томирларимга қувват окиб киргандек бўлди.

Беркин химоячиларни уришиб, марказий химоячининг ўрнини ўзи эгаллади:

– Бор, олдинда ўйна!

Энди Беркин оёғига тўп тегиши билан ҳаволатиб теияпти, керак бўлса эгаллаб оласан, дегандек. Иккинчи таймда Салим Беркиннинг ана шундай ҳаволатиб тепган тўпини қийинчилик билан калла уриб шеригининг оёғига ташлаб берди, шериги эса бўш жойга чиққан Салимга узатди, Салим ёлғиз қолган Достонни алдаб ўтди, дарвозабон билан яккама-якка қолдию...

Эсиз! Ҳисоб тенглашди. Беркиннинг севинишини кўрсангиз! Ўйинни марказдан бошлаётганимизда Салимга писанда қилди:

– Кўрдингми? Энди тўпни шундай етказиб беравераман!

Беркин энди ҳаддидан ошаётган эди; уни алдаб ўтмоқчи бўлган синфдошимизга қўполлик қилади, киши билмас дуч келган жойига тепиб олади, елкаси билан суриб юборади; бўйим унга қараганда пастлиги учун баъзан баҳса ютқизиб қўйяпман, бунинг устига унинг ўзини сурбетларча тутиши аччиғимни чиқаради, Қўлдош ҳам бўшашган. Беркин унинг оёғига тепиб юборди.

Қўлдош бироз оқсаб югуриб, химоячимиз узатган тўпни менга етказиш учун қулай вазият кутяпти; мени эса Беркин таъкиб қилмоқда, бир қадам ҳам олдимдан силжимайди. Қўлдошга ўнг қўлимни кўтардим, гўё тўпни ўнгга ташла, дегандек. Сўнг

ўннга югурмокка шайланиб, бир-икки кадам ташладиму Беркиннинг ўша ёққа югураётганини кўриб, шартта тўхтадим, бор кучим билан марказга интилдим. Қўлдош хийламни ўнг қўлимни кўтарганимдаёқ англаб етганди, тўпни тўппа-тўғри ўртага чиқарди, бир зумда химоя чизигини кесиб ўтдим, лекин олдимда икки химоячи бор, оркамдан ҳарсиллаб Беркин югуриб келяпти. У ёнимга ўтиб шундай қўпол ҳаракат қилдики, қўллари юзимга тегиб кетди, аччиғим чикиб тўпни босиб тўхтатдим, Беркин югуриб олдимга ўтиб менга қараши билан тўпни тўғри юзига қараб тепдим! Мен шундай қилиб аламимни олмокчи эдим; у буни кутмаган эканми, тўпни шартта қўли билан уриб юборса бўладими?!

Ҳакамнинг ҳуштаги чуриллади. Ишқибозларимиз хурсандчиликдан қичқириб юборишди. Ахир, ўйин тугашига жуда оз вақт қолганда ўн бир метрлик жарима берилган эди-да!

Беркин жаҳлдан кўкарганча менга қаради, агар ҳозир ҳакам бўлмаганда тан олмасди, қўлим беихтиёр тегиб кетди, деб фирромлик қиларди. Ҳозир у ноилож эди, ўйланиб қолиб, дарвозага ўзи турмокчи бўлди, лекин муаллим бунга йўл қўймади.

Ана, Қўлдош орқага тисланди. Илоҳим, қийшиқ тепиб юбормасин-да! Юзимни четга буриб турдим.

– Го-о-ол!

Қарасам Қўлдош икки қўлини мушт қилганча кўтариб, силкитиб оқсоқланмай югуриб келяпти, уни маҳкам кучоқлаб олдим.

Иккинчи гол кайфиятимни шундай кўтариб юбордики, чарчоқни унутдим, синфдошларим ҳам шундай аҳволда шекилли, бирдан ўйинимиз қовушиб кетди. Беркин энди бизнинг дарвоза томонда югуриб юрибди, тўп уриб ҳисобни тенглаштирмокчи. Бу мен учун яхши, қолган химоячиларни алдаб ўтишимга осон. Бир пайт чап томондан Достон

ракибларимизни бирма-бир алдаб ўтиб, марказга яқинлашиб қолганини кўрдиму ўнг канотдаги Қўлдошга ишора қилдим – у олдинга интилди. Достон яхши алдайдию дарвозага аниқ тепа олмайди; мана у Салимни ҳам алдаб ўтди, қаёқдасизлар, дегандек хуноб бўлиб бизга қаради, чарчабди шекилли, якинроқ деб менга узата қолди; математика дахоси ҳам хужумга етиб келибди, у орқамда, унинг зарбаси жуда кучли, унга ишора қилдим, қаршимда ракибнинг икки ўйинчиси бор, холос. Қўлдошга оширишга шайлангандек тутдиму бир ҳимоячини алдаб ўтдим. Хеч қачон ўзимда шунчалар ишончли куч хис қилмаган эдим. Синфдошларим кичкиришмоқда:

– Ур, Қуддус!

Худди дарвозага тепаётгандек ўнг оёғимни қаттиқ силтадиму қаршимдаги ҳимоячи тепди деб ўйлаб тўхташи билан тўпни ерга маҳкам босиб ўзим четга қочдим, орқамдан шайланиб келган Нарзиқул бор кучи билан тепди; аммо тўп дарвоза тўсинига тегиб, яна оёғим тагига келиб тушди, мен эса хеч қандай тайёргарликсиз тепдим, тўп ҳали ўзини ўнглаб олмаган дарвозабоннинг бути орасидан ўтиб тўрга урилганини кўрдиму севинчимдан ўзимизнинг ўйинчилар томонга бор кучим билан югурдим.

Ох, қандай зўр! Тепганим хато бўлмади! Қани эди ҳозир Калиманинг олдига югуриб бора олсам! Уялмасдан у мени севинчидан кучиб олармиди?!

Ўйин тугади: ҳисоб учу бир – ғалаба қилдик!

Четга чиқишим билан Калима, Баҳри, синфдошларим ўраб олишди. Калима хурсандлигидан қулоғимни чўзди.

Биздан нарида кийинаётган Беркин дарғазаб бўлиб деди:

– Калимаой, кўп севиनावерманг! Янаги сафар синфдошларингизнинг ҳар бирига биттадан тўп уриб бераман!

Калима ҳам бўш келмади:

– Сиз аввал футбол билан волейболнинг фарқига бориб олинг!

Синфдошларим қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

Беркин негадир ўзи ҳам кулиб, Калимага ғалати қараш қилди. Шунда менинг юрагим адоватли бир оғриқдан зирқираб кетди. Беркиннинг Калимага мурожаат этгани, ғалати қараши ғашимни келтирди. Унга жавобан Калима тилини чиқариб калака қилганда, анча енгил тортдим. Беркин энди бошқача хужумга ўтди:

– Оббо, Мажнунлар-эй! «Шапкамни дераза олдига олиб қўйиб»...

Унинг синфдошлари қаҳ-қаҳ отишди. Баҳри билан Қўлдош қизариб кетишди. Калима эса аҳамият берма, дегандек Баҳрининг қўлидан тугтиб биздан узоқлашди. Беркин мазах қилишда давом этарди:

– Қўлдошвой! Яхшиси, юрагимни дераза олдига қўйиб, деб ёзсанг, яхши бўларди-да!

Саккизинчи «А» атайлаб бор товуши билан куляпти, ютқиқиз аламидан чиқмоқчи. Улар билан тенг келиб ўтиришни истамай тезгина кийиниб, уйга жўнадик.

Кўтаринки кайфият билан ҳовлига кириб яна севиндим: оғилнинг ёнида дадам билан раиснинг оти боғлиқ турибди. Ечиниб, апил-тапил чой ичиб катта уйга кирдим. Улар негадир саломимга ҳар ғалгидек алоҳида эътибор билан алик олишмади: чамаси, зарур гаплари бор, жим ўтирдим. Биринчи бўлиб жимликни Орзикул раис бузди:

– Бу қандай гап? Ахир, мен Паризодга уйландим-ку!

– Ана шу маҳаббатингиз бошқаларга қўл келди, хотинингизни ишга солишди, сизни ахлоқсизликда айблашди. Бошқалар четда қолиб, диндорларни амалга кўтаряпти деб ёзишди.

Мен ўйланиб қолдим: оҳо, севган бечорага фақат бизнинг мактабда эмас, балки колхозда ҳам қийин экан-да! Хўш, қулоқ солай-чи? Буёғи нима бўларкин?!

– Нафси ўпкон Солига ўхшагандан, кўпнинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган уста Файзи акага ўхшаш диндор минг марта афзал эмасми?!

– Тавба, бошқаларнинг бундан минг марта оғир қилмишлари, ҳатто, жинойтлари ҳам хаспўшлаб кетиларди. Юз ёзишса ҳам тузук текширишмайди. Давлат, халқ ишига жонини бериб ишлаётган ҳалол бир кишини арзимаган бир айб билан оёғини осмондан қилишади!

– Кўп куйинманг, Мусожон ака! Мен аскарман, қаерга юборишмасин, иш услубим шу – ким ҳалол бўлса қанотимга оламан, ҳаромхўр битта қолса ҳам уни йўқ қилмагунча курашавераман! Ўйлашяптики, Саройлик – оғир жой, ўз-ўзидан қуриб кетади, деб! Қўрамиз ким қуриркин! Саройликлар билан гаплашиб кўрдим, ўзаро жуда иттифок, темиртирнок халқ экан.

– Сизни-ку уриб юбориша олишмади, яна раис бўлиб кетяпсиз. Эсиз, аммо бу ерда кўп яхши ишлар бошловдик-да!

– Солининг инсофи бўлса, яхши ишни ташлаб қўймас!

– Шу йигитнинг юзида фариштаси йўқ-да! Хай, билмадим-ов!

– Райижроқўм раислигида ҳали уни сўрайди, ҳали буни... Фалончига фалон нарса олиб беринг дейди, мен айтганига қулоқ солмадим. Сўнг ишимизга тормоз қилишга уринди. Қурилиш материалларидан сиқди, планлаштиришга тўғаноқ солмоқчи бўлди. Биз эса чап бериб кетавердик.

– Колхозимизда раис роса томоша кўрсатса керак ҳали.

– Кўнгилни кенг қилинг, Мусожон ака. Ишларимизни бир амаллаб охирига етказиш зарур!

Раис кўп ўтирмади, ош дамланган бўлишига карамай кетди. Унинг бошқа колхозга кетаётганига мен ҳам ачиндим. Ахир, унга жуда ўрганиб қолгандик-да! Менимча у жуда яхши одам эди! Янги раис қанақа одам! Нега дадам ташвишланяпти?

Орадан бир ҳафта ўтгач, дадам Уста бобони чақиртириб келди. Қоронғи тушиб қолган эди.

Аям катта уйга дастурхон тузаб қўйган экан. Мен чойнакни кўтариб келиб, дадамнинг ёнида ўтирганча қайтариб, биринчи пиёла чойни Уста бобога узатган эдим, у киши:

– Олдини ўзингиз ичинг, ўғлим! – деди.

Дадам: «Мени уятга қолдирдинг-а, сенга ўргатган эдим-ку!» дегандек бошини сарак-сарак қилиб менга қаради. Мен дарҳол хатоимни тўғриладим. Дадам мен узатган пиёлани олиб дастурхон четига қўйди-да, гап бошлади:

– Янги раисингизнинг қанақалигини бир гаплашгандаёқ билиб олгандим. Йиғилишда менга: «Колхозни ҳам роса масхара қилиб юборган экансизлар. Худопараст устани омборга қўйиб, ҳисобдон омбор мудирини сув тутишга жўнатибсизлар!» – деса бўладими?

– «Уста ака ҳар қандай ҳисобдонни йўлда қолдиради!» дедим. Мени Чўлпон ака ҳам қўллади.

– Ҳе, тавба, – деди Уста бобо тиззасига уриб. – Келганига икки кун бўлмай мени чақирди: «Шофёрни юбораман, бир қопчиқ гуруч, бир фляг асал берасиз. Каттаникига боряпман», деди. Мен индамадим, уйга келиб ётиб олдим, шофёри чақирса ҳам чиқмадим, уйда йўқ денглар, дедим. Жуда алам қилган экан-да!

– Эй, гап бу ёқда денг!

– Тўққиз жўжам бор, лекин омбордан бир дон олганим йўқ-ку! Келганига икки кун бўлмай унинг гапини қаранг! Эртасига мени чақирган эди, гапнинг пўскалласини айтиб ташладим. У бўлса: «Ха, колхозни мана шундай қилиб ўлдириб ётган экансизларда, бир қопчиқ гуруч билан омбор бўшаб қолмайди, лекин каттанинг кўнглини олсак, колхозга керакли нарса оқиб келаверади. Заргарни минг ургани, темирчининг бир ургани! Колхозни кўтариш керак!» деди.

– У ўзини кўтармоқчи, колхозни эмас! Ишбилармон одамлар четда қолиб, бурнинг қани деса, қулогини кўрсатадиганларни атрофига йиғяпти. Кейин туянинг қулогини ҳам кўрсатмай ютиб юбораётганлар унинг маслаҳатчиси. Биз Орзикул билан жамоани улардан зўрға тозаловдик.

– Ха, шуни айтинг!

– Бир йилда қарзларимиздан қутилувдик, ўтган йили эса миллион фойда олдик. Хозир менга ёпишяпти! Хоҳ яхши, хоҳ ёмон ишингдан қийиқ топиб тураверса, ишлаш оғир! Мен ҳам уларга халақит беряпман. Ўзимча ўйлаб юрувдимки, тўғри ишласам бўлди-да, райкому обкомдан ёки ижрокўмдан оғайни орттиришнинг нима кераги бор. Хато ўйларканман, катта амалдорлардан ҳам оғайни орттириб қўйиш керак экан. Икки кун бурун туманнинг котиби Юрий Хасановга бориб Солининг нотўғри йўл тутаетганини айтган эдим: «Қўйинг, унақа майда гапларни, бечора жон куйдириб ишляпти!» деди. Кейин раисга айтган шекилли, мен билан саломлашгиси ҳам келмайди. Кеча энди ҳосилот шўроси бўлмайди, агроном бор деб менинг штатимни қисқартирди, ишга тайинлагани ҳам йўқ. Фақат йиғилишга бориб ўтириш эриш туюларкан.

– Аттанг, сиз билан Чўлпон акага ишонардик!

– Чамаси, котиб билан келишиб, Чўлпон акани ҳам туманга кўтариб юбормоқ пайида! Сен жон куйдириб, эл ҳовлисини тозалаб супурасан. Солига ўхшаш «катта» яна ахлат сочади.

– Унда бизам халта-хуржунни йиғиштираверар эканмиз-да!

– Йўқ, Уста ака! Ҳар қанча кийин бўлса ҳам ишлайсиз! Мен шунинг учун сизни чақиртирдим. Сиз билан Чўлпон акага тегинадиган бўлса, шартта юқорига бораман. У ерда бирга жанг қилган оғайним бор. Тушундингизми? Уни сиз ҳам биласиз-ку!

– Косибнинг ўғлими?

– Ўша! Сизлар ҳақда унга гапирсам бўлади. Лекин ўзимнинг ғавғомни кўтариб боргани ор қиламан.

– Эй, қўйсангиз-чи!

– На илож?! Лекин Уста ака, ерни жуда яхши кўраман! Ҳозирча хуморимни мана шу токзорда босиб тураман. Кейинчалик кўраверамиз.

– Орзикулнинг олдига бора қолмайсизми?

– Ўз элимни ташлаб, бошқа элга қандай бораман.

Чой қуйишни ҳам унутиб хаёлга чўмдим: эҳ, янги раис қандай мунофиқ одам-а?!

* * *

Биринчи чоракда фақат рус тилидан «тўрт» олдим, иккинчи чоракда эса ваъдамнинг устидан чиқиб ҳамма фанларни «беш»га ўзлаштирдим, учинчи чоракда ҳам бирорта «тўрт»им йўқ. Раҳбаримиз айтган эдики, инсон мудом ўзидаги фазилатларни бойитиб, ўзгаларнинг яхши томонларидан ўрнак олиши лозим. Мана, мен ўзимдаги ювошликни енгиб боряпман. Энди мени ҳеч ким илгаригидек қўйдек ювош бола демайди. Кеча эса мен ўзимнинг анча

қўрқоқлигимни билиб қолдим. Раҳбаримиз бизни Ўрдага саёҳатга олиб чиққан эди. Ҳаммамиз атрофига мусулмон ёишт (дадам тўрт томони тенг, япалок ёиштни шундай деб атайди) ётқизилган ҳовуз олдиға ёиғилдик. Ҳовузнинг суви жуда тубиға тушиб кетган, кип-қизил рангда эди.

– Муаллим, нега ҳовузнинг суви қизил? – деди Калима.

– Болалар, бундан юз ёилча илгари бутун Жиззах халқи ана шу ўрдада яшаган, – деди Муроджон ака. – Атрофи девор билан ўралган. Девор калинлиги икки от арава сиғадиган кенгликда бўлган. Ана шу ёўлдан кўпроқ отлик аскарлар юриб, ҳар икки юз-уч юз метрдаги минораларда турган соқчилар билан алоқа боғлаган. Деворнинг ташқи томонида данданалар – душманға ўқ узадиган тирқишлар бўлган. Қалъанинг чор атрофидаги чуқур хандақлар қишин-ёзин сувға тўлиб турган. Жиззах қалъаси жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, унча-бунча душман ололмаган. Русиянинг чор аскарлари жуда қийинчилик билан қўлга киритгач, Жиззахни ҳимоя қилган бўз ёигитларнинг бошини кестириб, манави ҳовузға ташлашган. Шу бўйи ҳовузнинг суви қон тусиға кириб қолган...

Муроджон муаллим ҳикоя қилаяптию, менинг баданим жимирлаб кетди, кўзимға қўли боғланган бир ёигитнинг бўйниға пичоқ тортишганда қон отилгани аниқ кўринди. Бошимни бир силкигандим, бу даҳшатли манзара ёўқолди. Ҳовузға ирганиб қараётгандим, кимдир мени итариб юбордию қичқирганимни билмай қолдим. Ҳамма менға қаради, муаллим ҳикоясини тўхтатиб, олдимға югуриб келди: Қўлдош ҳазиллашиб мени итариб юбориб, яна ўзи ушлаб қолган эди.

– Нима бўлди, Қуддус?! – деб сўради хавотирланиб у.

Мен индамадим.

– Қўлдош уни ховузга итариб юбормоқчи эди, кўрқиб кетди! – деди Калима.

Муаллим Қўлдошга корамалдоғини силкиб пўписа қилди.

Муаллим нари кетгач, Қўлдош:

– Тоза қуёнюрак экансан-ку! Ҳазиллашувдим, шунча бақирасанми? – деди хафа бўлиб. – Қаранглар, ранги қандай оқариб кетди, кўрқок!

Менга Қўлдошнинг гапи алам қилди.

Шундан кейин қоп-қоронғи кечалари ёлғиз юриб, ҳатто ваҳимали қабристонларга кириб, кўрқиш ҳиссимни енга бошладим! Қабристондан ўтаётганда этим жимирлаб кетса ҳам, бутун баданимдаги туклар тиккайиб, сочим ғувва кўтарилса ҳам, мен кўрқмаслигим керак, дея қайта-қайта такрорлаб, қўлимдаги калтакни маҳкам чангаллаб борардим. Дастлабки кунлари қабристондан ўтгунча баданимни совуқ тер босиб, анча маҳалгача ўзимга келмай юрсам, кейинчалик ҳеч сесканмайдиган бўлиб бордим.

11

Дарс тугагач, уйга қайтмоқчи бўлган эдим, Калима:

– Қуддус, сен ёшлар хонасига киргин, иш бор! – деб қолди.

Хонада бир-икки болалар, Зумрад опа ўтиришар, Калима саккизинчи «А»даги Салимнинг шундай ёнига ўтириб олиб нималарнидир тушунтирарди. Табиийки, бу ҳол менга ёқмади, уларга бир қарадимугап бошладим:

– Зумрад опа, «операция», «маршрут» деган сўзлар ёқмаяпти-да!

Ҳамма менга қаради.

– Нимаси ёқмаяпти? – деди Зумрад опа.

– Ҳамма вақт унга бир нарсa ёқмай юради ўзи! – деди Калима.

Кулишди. Мен Калимага тикилиб қолдим, қай маънода тикилганимни ўзим ҳам билмайман, лекин Калима негадир Салимдан сал нари сурилди:

– Қани айт-чи, нега ёқмаяпти?

– Ишларимиз ўйинга ўхшаб қоляпти. Назаримда, бола бўлганингдан кейин чучмал гапиргин-да, сенга катталардек сўзлашни ким қўйибди, дейишаётгандек!

Калима кулди:

– Вой, манавини, ким сенга чучмал гапиргин деяпти?

– «Операция», «маршрут» сўзларини ким ўйлаб чиқарган бўлса – ўша!

– Вой, тавба!

– Ҳа, гапингга энди тушундим. «Оқ олтин» операцияси ёки маршрути эмас пахта терими дейиш маъкул, демокчисан-да! – деди Зумрад опа.

– Ҳа-да! – деб юбордим хурсанд бўлганимдан.

– Гапинг тўғрику-я, лекин операция, маршрутлар юқоридан белгиланади-да! – деди Зумрад опа.

«Кўрдингми, сен шуни ҳам билмайсан!» дегандек бош қимирлатди Калима. Фикримни ҳар ҳолда Зумрад опа қўллаганидан хурсанд эдим. Салим билан Калима нима қилаётганини билмоқчи бўлиб, уларнинг олдидаги қоғозга энгашдим.

– Қаёқдаги гапларни топиб юргунча мана бу расмларнинг тагига шеър ёзиб бер! – деди Калима.

– Ҳа, уларга қарашиб юбор! – деди Зумрад опа.

Мен қиска-қиска шеърлар тўқиб юрардим, лекин буни ҳеч ким билмасди; Калима машқларимдан бир-иккитасини кўриб қолган.

– Шеър битишга устасан-ку!

– Оҳ-о, Қуддусвой, ҳали шеър ҳам ёзасанми? – деди Зумрад опа эрка оҳангда.

Юрагим ғалати тўлқинланиб кетди, Салим чизган расмга қарадим: бир ўқувчи кўлига носқовок ушлаб турибди:

– Бу ким? – дедим бир Салимга, бир Калимага қараб.

– Нос чекаётган ўқувчи-да! – деди Калима.

Қўп ўйланиб ўтирмадим, бир варақ қоғоз олдим-да, тўрт мисра шеър ёзиб, Калимага узатдим. Калима ўкиди:

*Ўртоқ Беркин Исоқул,
Нос кайфини суравер!
Вақтинг бекор ўтказиб,
Салтанг отиб юравер!*

– Қойил, жуда бошлабсан! – Калима чапак чалиб юборди.

– Ўҳ-ў, зўр шоир экансан-у! – деди Зумрад опа кўзлари яшнаб. Калима яқинимга келиб пешонамга бир чертди:

– Ўлма! Калланг ишлайди!

– Беркин Исоқул ким? – деб сўради Зумрад опа.

– Биз билан ўқийди, – деди Салим норозирок оҳангда.

– Беркин унинг оғайниси-да!

– Нос чекадимми? – деб сўради Зумрад опа.

– Нос ҳам чекади, яхши ўқимай салтанг отиб ҳам юради! Жуда расмга мос шеър бўлди, тагига ёзиб қўямиз, – деди Калима.

Деворий газетани тайёрлаб, долон деворига илиб кетдик.

Ошхонада чой ичиб, кичик уйга кирсам, дадамнинг ёлғиз ўзи хаёлга чўмганча ёнбошлаб ётибди, бир пайтлар унга беролмаган саволларимга жавоб оладиган пайт келди, деб ўйладим. Секин ёнига чўкиб, тиззасини ушладим:

– Дада, Орзикул амакини нега бошқа колхозга ўтказиб юборишди?

– А? – дадам сергак тортди, менга анча қараб туриб, малол келгандек деди: – Ҳимм... сен ҳамма нарсани билиб юришинг керак-да, а?... Раҳбарлар лозим кўришди. На илож, энди колхозимиз пешонасига Орзикулдақа раис битмайди!

– Нега бўлмаса ўша раҳбарларга бизнинг раисга тегманг демадиларинг ё кўрқдиларингми?

– Колхоз ишига жуда қизиқасан-да, шу раис бўладиган шаштинг борми, дейман!

Дадамнинг бундай дейишидан яна илҳомланиб кетдим, ўйладимки, ҳамқишлоқларим – қўй оғзидан чўп олмайдиган одамлар!

– Бунча ювош бўлмасаларинг! Ўша раҳбарлар олиб келган раисни олдиларингга солиб қувмайсизларми?! Мана, Нодир муаллим деган қўпол ўқитувчи бизга дарс бермасин, деб ҳайдатдик! Сизлар бўлса... Токай ким нима деса, хўп деб, елка қисасизлар!

Дадамнинг юзига қон тепди, менга тикилиб, нимадир демоқчи бўлди, билиб турибман, ичига ютди, сўнг эса мисқириб кулиб, бирдан кулоғимга чертиб юборди:

– Бор, тошингни тер, зумраша!

Дадамнинг бунақа муомалада бўлишини сира кутмагандим, бундан кўра юзимга қарсиллатиб қўйиб юборганда, минг марта афзал эди. Ирғиб турдим у боққа югуриб кетдим, кўксимни сиқиб, бўғзимга тикилаётган хўрлик кўзимдан ёш бўлиб оқди: дадам

мени жуда ёмон кўради! Йўкса, мундай жеркимас эди. Мени одам ўрнида кўриб гаплашгиси келмади, мушукка ўхшатиб кулоғимга чертиб юборди!

Эх, агар мен дадамнинг ўрнида бўлганимда ўзим билардим! Ўша раҳбарларига кўрсатиб қўярдим. Кейин... иккинчи бор бизнинг колхозга дуч келган ялмоғизни раис қилиб жўнатишмасди!

Хаво булут бўлганидан ҳаммаёқ кулранг кўри-нади. Кўмилиб, дўппайиб-дўппайиб ётган тоқлар орасидан ўтиб, сўрига бордим. Сада, бошқа дарахт-лар барг чиқармаганидан сокин гўшам ҳам файз-сиз. Сўрига ўтириб, наъматакнинг, деворнинг тагини кўздан кечира бошладим; бу жойларда майсалар бошқа ерларга қараганда аввалроқ ниш уради, ана, ҳар жой-ҳар жойда бугдойиклар униб чиқибди. Оҳо, бойчечак! Ўрнимдан туриб девор тагига бордим, гунчасини очмай, эгилиб турибди, бойчечакжон! Ас-салому алайкум, бойчечакжон! Омонлик! Эртага Ка-лимани бир хурсанд қиладиган бўлдим-да!

* * *

Портфелимни эҳтиётлик билан кўтариб кетяпман; ахир, унда бойчечак бор! Калимага аталган бойчечак-гимни яшириб боряпман, уни ҳамма кўришини ис-тамайман! Ўтган йили Калима қандай севинган эди: «Биринчи кўришим! Боғимизни шунча излаб топа олмайман, аямнинг айтишича, бойчечак шаҳарда ўсмасмиш!»

Калима! У синфда ёлғиз ўзи, бойчечак олиб келишимни билгандек! Шартта портфелимни очдим у затдим. У эса кўзлари қувончдан порлаб, юзи ял-ял ёниб бойчечакни олди. У шунчалар хурсандки... Ана, у бойчечакни авайлаб силаяпти. Бойчечакни эмас, гўё менинг сочимни силаётгандек...

Синф эшигини очдиму Калимага кўзим тушди. Лекин у ёлғиз эмасди; орқадаги партада ўтириб қоғозга ўралган ниманидир кўздан кечиряпти, ёнида Нарзикул тик турибди – маликага куллуқ қилаётган кулдек иршайиб.

– Бу нима, Нарзикул?

– Шафтолиқоқи.

– Мунча яхши, бизда мунақа қоқи йўқ, – деб Калима шафтолиқоқини чайнай бошлади.

Бу ҳол менга ёкмади, энди Нарзикул қолувди Калимага ёпишмаган! Қўлдош-ку ўзини Баҳрини яхши кўрганга солади-ю, бир кўзи мудом Калимада! Синфимиздаги бари ўғил болалар Калиманинг атрофида гирдикапалак, ҳаммаси ўзини яхши кўрсатишга ҳаракат қилади. Беркин-чи?! Тўққизинчи, ҳатто, ўнинчи синф болалари ҳам Калиманинг атрофида айланишади. Бир қизга минг ошиқ! Мен эса Калима-ни ҳаммадан қизғанаман, унга хушомад қилганларни жеркиб ташлашни истайман. Калима эса мундай қилмайди, қайта атрофидаги хушомадгўйлар билан, Нарзикул билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб гаплашаверади. Хушомадлар унга жуда хуш ёкса керак-да! Майли. Мен эсам... Мен унга аталган бойчечакни бермайман! Портфелимда сўлиб, куриб кета қолсин!

Қовоғимни уйганча қискагина саломлашиб жойимга ўтирдим. Калима менга бир қараб қўйдию яна шафтолиқоқи билан овора бўлди...

Танаффус пайтида долонга чиксам, яна бир дилхиралик. Деворий газетанинг ҳажвий расм ва шеър ёзилган қисмини йиртиб кетишибди. Зумрад опанинг хонасига кирсам, Калима ҳам шу ерда экан, Зумрад опага мендан илгари хабар етказибди.

– Вой, аҳмоқлар-эй! – деди Зумрад опа ачи-ниб. – Йиртилганча коридорда осиглиқ турса, яхши эмас. Ҳозир олиб келишади.

Салим газетани кўтариб келиб, стол устига ташлади.

Бугун деворий газетани ҳамма ўқийди, ҳажв қилинганлар, айниқса, Беркиннинг роса шармандаси чиқади, деб кутгандим. Уларнинг ўрнига эса биз шарманда бўлиб ўтирибмиз-ку, йиртилган газетага тикилиб. Қизик, Зумрад опа ҳам, Калима ҳам ортиқча ташвишланаётгани йўқ! Ахир, газетани шу ҳажв қилинганлардан бири йиртган-да! Балки, Беркиннинг ишидир?! Салим секин унга шипшитган, Беркин эса ҳаммадан олдин келиб газетани йиртиб кетган. Ҳозир у ҳаммангни боладимми, деб роса қувонаётгандир. Эҳ, Зумрад опанинг ўрнида бўлганимда Беркиннинг шармандасини чиқарар эдим. Ана ўшанда кўрардим Беркиннинг севинганини!

Зумрад опа эса газетани қайта чиқариб, ҳамма мактабдалигида илиш керак, деб ўтирибди, уни Калима ҳам ёқлади.

Еттинчи соат биология эди. Ботир Йўлчибой муаллим Калима билан мендан иссиқхона ишига бироз ёрдамлашинглар, деб илтимос қилди. Мен ичимда Калима билан қолаётганимдан севинган бўлсам-да, ташимда билдирмадим: ковоғимни солиб жиддий юрдим. У ерда иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди; портфелимни бир четга қўйдим, Калимага эътибор бермай, ўқитувчи келгунга қадар бекор ўтирмай, янги олиб келинган тупроқдаги ажриқ, ғумай томирларини тера бошладим. Билиб турибман: Калима менинг ўзим билан ўзим овора эканлигимдан ҳайрон. Ажаб бўлсин! Мен унга эътибор бермайман, унинг хушомадгўйлари тўлиб ётибди! Энди керак бўлса ўзи...

– Ҳей, Қуддус, нима қиялсан? – деб хаёлимни бўлди у, – ахир бу илдишлар тупроқда чириб ўғит бўлади-ку! Сен уларни териб ташлаяпсан!

– Бу илдишлар икки дунёда ҳам чиримайди!

– Ҳо, билагон-эй, Ботир ака ботаника дарсида нима девди?

Калима мен йиққан илдизларни олиб, яна тупроққа ташламоқчи бўлиб турган эди, Ботир ака келиб қолди.

– Яхши, мен сизлардан шу тупроқдаги ажрик, ғумайларни теришиб юборинглар деб илтимос қилмоқчи эдим.

Калима мулзам бўлиб, илдизларни ушлаганча туриб қолди.

– Қуриган ўсимликларнинг илдизи ўғит бўлади, деган эдингиз-ку?!

– Ҳаммаси ҳам ўғит бўлавермайди. Мана бу ғумай, ажриклар илдизидан кўпаяди.

– Қирқ йил лайлак инида ётган ғумай: «Бир ёним намга тегса бас!» – деркан, – дедим дадамнинг гапи ёдимга тушиб.

– Тўғри, – деб кулди муаллим, сўнг Калимага қаради: – Қўлингдагини анави бурчакка ташлаб кела қол!

Ботир ака пиджагини ечиб, устундаги михга илди, олдимга келиб, яшикка ўтирди-да, томирларни тера бошлади. Бизга Калима ҳам қўшилди.

– Калимаой, ўсимликлар ана шунақа қизик. Ҳар бири ўзига яраша бир олам. Велвиячия деган ўсимликнинг барги юз йил яшайди, Тиёншонда ўсадиган қарағайларнинг барги қарийб ўттиз йил қуримайди. Қулай шароитда ғумай билан ажрикнинг илдизи минг йил ҳам яшайверади. Мен ўғит бўлади деганда пояси, илдизи билан кўпаймайдиган ўсимликларни назарда тутгандим.

– Муаллим, бойчечак ҳам ажойиб-а! – деди Калима.

– Ҳа, албатта, у – кўклам жарчиси.

– Мен бойчечакни ҳеч кўрмагандим, – деди бидирлаб Калима, – ўтган йили Қуддус олиб келувди, би-

рам чиройли эканки... Китобим орасида сақлаяпман. Лекин, «Ботаника»даги расмга ўхшамайди, кейин, кейин... китобда ёзилгандек, гули оч яшил-сарик эмас, сап-сарик!

– Ҳа, баъзан муаллифлар ҳам хато қилишади.

Мен берган бойчечакни шундай эъзозлаётган экан-у, мен арзимаган нарса деб ундан хафа бўлиб юрибман.

Мен суҳбатга аралашмадим, лекин Калима:

– Ҳозир бойчечак очилганмикан-а? – деб менга қаради, гўё бу йил менга бойчечак олиб келмадинг-ку дегандек.

Мен иссиқхона деразаси раҳидаги сумкамни шартта очиб: «Мана, бойчечак!» – деб Калимага узатдим. У севинганидан турган жойида бир сакраб бойчечакни олдию муаллимга юзланди.

– Қаранг, сап-сарик...

... Калима қандай яхши қиз!

Суҳбатга берилиб, иш қандай тугаганини билмай қолдик. Чиқаётганда, энди Калимани кузатиб қўяман, мириқиб гаплашамиз деб ўйлагандим, аммо дарвоза олдида янги велосипедини кўз-кўз қилгандек, бир оёғини ерга қўйиб, бир оёғини велосипеддан олмай Беркин турарди. Чамаси, бизнинг чиқишимизни кутган. У кеча уни ҳажв қилиб шеър ёзганим ҳақида гап очса керак деб ўйладим; ахир, оғайниси бор гапни етказгандир! Аммо у менга эътибор ҳам бермай, Калимага деди:

– Юр, велосипедда обориб қўяман!

– Ўзим ҳайдасам... – Калима Беркинга гапиряптию менга олазarak боқади.

Беркинбойда жон қолдими?!

– Майли, – деб велосипедини тутқазди-да, ўзи Калиманинг портфелини олди, менга: «Кўрдингми, Калима билан қандай қадрдонман, сен ҳам юрибсанда!» дегандек қаради.

Калима велосипедга минаркан менга:

– Хайр, Қуддус! – деди.

Шахт билан уйга жўнадим.

12

Ховлига кирдим у тонг қотдим! Портфелимни супада қолдирганча боққа югурдим. Қай кўз билан кўрайки, у ерда гуриллаб бульдозер ишляпти! Тупроқ аралаш сурилган тоқлар, дарахтлар ҳар ер-ҳар ерда уюм-уюм! Қадрдон сўрим, наъматагу юз ёшли сада ҳам тупроққа қоришган! Менинг бутун дунём, ўй-хаёлларим, ширин хотираларим хазинасига бомба тушиб, титиб юборган эди!

Сариқ бульдозер кучаниб-кучаниб тоқларни сурмокда. Бузилган девор орқасидан одамларнинг товуши эшитилляпти, ўша ёққа чопдим; у ерда беш-олти нафар одамни, Уста бобони кўрдим, дадам от миниб турган юзи чўтир бир кишига аччиқ-аччиқ гапиряпти:

– Қанча аламингиз бўлса ўзимдан олавермайсизми, Соливой! Тоқда нима гуноҳ! Боғда нима гуноҳ?!

– Ҳосилотман деб юраверган экансиз-да, Мусо ака! Давлатнинг сиёсатини тушунасизми, ўзи? Ҳозир тоқ ҳам, боғ ҳам керак эмас. Пахта керак, пахта! – деди чўтир киши мисқирганча эгарга қийшиқ ўтириб.

Мен шундай отнинг яқинига бориб қолдим, илгари Орзикул амаким миниб юрадиган саманни таниб, янги раис шу одам бўлса керак, девдим – тўғри экан.

– Сиёсат! Уни сизга ўхшаган сиёсатга кўр-кўрона ёпишиб оладиганлар шарманда қилади!

– Оғзингизга қараб гапиринг, катта деб ҳурмат қилганимга ўзингиздан кетманг!

– Сендан ҳурмат тилагунча, гадойдан тилла тилайман!

– Сенсираманг! Мен қонунга мувофиқ иш тутяпман, колхозда ишламайсиз – ишчисиз, қонуний етти сотих ерингизни қолдириб, ортиқчасини бузаямиз.

– Қонунни пеш қилма. Сен ўзингга қарши борган одамга ўзингни кўрсатиб қўймоқчисан, холос!

– Ҳа-ҳа... Хоҳлаган жойингизга шикоят қилинг, шикоят қилишга ўрганиб қолгансиз!

– Билиб қўй, бу тоқлар сени кўр қилади, кўр қилади! Ҳозир ҳам кўр бўлибсан-ку! Энди сени фақат етаклаб юришлари қолибди!

– Ўзингиздан кетманг!

– Кўрлигингни мард бўлсанг, йиғилишда ўзинг айт, кўрман, колхозни уdda қила олмаяпман, мени бўшатишлар, дегин!

– Валақламанг!

– Валақлаш – сенинг касбинг. Беш йил рай-ижроқўм раиси бўлиб валақлашдан бошқа нима каромат кўрсатдинг! Отанг бечора бекор суюнган экан: «Ол, давр ўғлим Соли бойваччада кетди – Москвага етишига озгина қолди, яшасин!» – деб.

Атрофдагилар ботинмайгина кулишди.

– Соли бойвачча деманг мени, Соли Собит денг, – деди раис ғалати бўшашиб.

– Қани айт-чи, савоб учун лоақал битта кўприк қурдингми? Йўқ! Қайта боғзорларни йўқ қилдинг, тегирмонларни тўхтатдинг. Энди, бир кафт ун учун эл дўконга қараб, жўжадек оғзини очиб ўтиради!

– Эй, бу одам сиёсатни тушунмайдиган жуда ғалча экан-у, – деб раис атрофдагиларга қаради.

– Ғалча деб сени айтса бўлади, – деди дадам бўйин томирлари бўртиб. – Ғалча бўлмасанг, мана бу боғни буздирмай, колхозга олиб бериш мумкин эди-ку! Мачитни буздирмай, музей қилса бўлмасмиди?

...Кўз олдимга Чилла мачит келди – баланд-баланд устунли айвони, шу айвоннинг бир четидаги

минора ичида айланма зиналар бор. Қўлдош билан шу зиналардан мезанага чиқиб атрофни томоша ҳам қилганмиз. Кичкиналигимда мачитнинг ҳовли, айвони мудом супурилиб-сидирилиб, яраклаб турганини кўрардик. Кейинчалик мачитнинг ҳовлисию айвон супаси, томини ҳам ўт босиб кетди. Қўлдош билан хувиллаган, шифти баланд кенг хонасига бойўғли кўргани кирардик. Нимқоронғиликда, меҳробнинг ўйилган бир бурчагидан чиқиб турган синчга кўзларини чақчайтирганча кўниб ўтирган бойўғлига қанча кесак отсак ҳам теккизолмай, қайтиб чиқардик. У кесакдан бошини шундай эпчиллик билан олиб қочардики... Алҳол Соли бойваччанинг ола-кула кўзлари ана шу бойўғлининг кўзларини эслатиб юборди, уккиқўз... У мачитни буздирган эди.

– Қўйиб берса мачитда аллақачон музейга қўйса бўладиган сендақа одамлар йиғилишиб элни бузасанлар. Сахармардонлаб Аллоҳ деб қичқириб, одамларни уйқудан қолдирасан! Ҳа-ҳа... – раис жилпанглаб кулди.

– Аллоҳга тил теккизманг, – деди шу пайтгача гапга аралашмай турган Уста бобо.

– Эй Уста ака, сўфи: «Аллоҳу акбар – Аллоҳ улуғдир!» деганда, бу кишим: «Аллоҳ улуғ бўлса, ҳар ишдан огоҳ!» деб ўйлаб, олган пораларидан қўрқадилар!

– Ҳаддингиздан ошманг! – деди раис от жилловини силтаб.

– Ҳа, сўфи Аллоҳу акбар деганда, бу имонсизнинг эсига ўз келинининг қўйнига киргани тушади!

– Бас! – раис жилловни силтаб тортиб, гўё дадамни от билан бостириб кетмоқчи бўлгандек саманга устма-уст қамчи босди. Саман эса жойида депсинганча кишнаб юборди. Алҳол қандай қилиб қўлимга калтак илиниб қолганини билмайман, фақат у билан қулочкашлаб раисни тушир-

ганимни, от эса пишқириб, олдинги оёқларини кўтарганча устидаги раисни ирғитиб ташлаб, ура қочганини, одамлар «Хой-хой!» деб қолишганини, раис ўрнидан туриб, белини ушлаганча афтини бужмайтираётганини биламан; бир пайт кулоғим шанғиллаб, кўзимдан ўт чақнаб кетди, Уста бобо дадамнинг кўлини ушлади.

– Урманг болани! – Уста бобо мени ўзининг панасига олди. – Уйга бор! – деди.

Мен дод солиб йиғламадим, кўзимдан катра ёш чиққани йўқ; секин нари кетар эканман, дилим шунчалар хира эдики...

Хамма нарса: дарахтлари ҳар жой-ҳар жойда уйилиб ётган боғимиз, янги раис, ҳатто, дадам ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетди! Ошхонадан туриб янги раисни қарғаётган аямнинг товуши ҳам кулоғимга ёқмади, супада ётган портфелимга қараб, яна кўнглим бузилди: Беркин билан апоқ-чапоқ бўлиб, велосипед миниб кетган Калимани ёдимга солди; бир-биридан ёқимсиз ўйлар юрагимни эза бошлади! Хеч ерга сиғмай қолдим! Сўнг... сўнг юрагимни қисаётган ўй-хаёллару одамларнинг ҳаммасидан воз кечиб, уйдан кетгим келди! Қайсидир китобда ўқиган эдим: бир бола уйдан қочиб кетади; кейин эса қорни очганда онаси ёпган иссиқ-иссиқ нонларни эслаб, қочганига пушаймон ейди! Мен сираям пушаймон бўлмайман! Қайта дадам: «Эсиз, Қуддусни бекор урибман, ахир у менинг ёнимни олиб раисни отдан йиқитган эди-ку!» дейди. Калима ҳам пушаймон бўлади: «Эҳ Қуддус, бекор кетиб қолибди-да! Беркин ёмон, мирқуруқ, олифта бола экан. Мен у билан энди сира ҳам гаплашмайман!»

Аҳдим қатъий, кетаман! Аммо қаёққа? Китобдаги бола шаҳарни кезиб-кезиб охири бир чойхоначиникдан паноҳ топган эди. Бўлди...

Портфелни кўтариб кичик уйга кирдим, бир четга қўйиб, формамни ечмай устидан пальтомни кийдим; ахир, кечқурун совуқ тушади! Оёғимга эскироқ бўлса ҳам кирза этигимни илдим-да, ҳеч кимга сездирмай кўчага чиқиб жўнадим. Бирдан ўзимни қушдек енгил ҳис қилдим. Ўзим ўзимга хўжайинман, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Бошим оққан томонга кетаман, қўнғлимга нима хуш келса, шуни қиламан! Биров молга ўт юл ҳам демайди. Пахта тер ҳам демайди!

Таниш кўчалардан жуда тез юриб ўтдим, худди биров олдимдан чиқиб: «Қаёққа қочиб кетяпсан?» деб маҳкам ушлаб олаётгандек. Бахтимга мени яхши танийдиган ҳеч кимни учратмадим. Бекатга чиқишим билан Ўзи ўнглаб, Бешкувурнинг автобуси келиб қолди: унга чиқиб, ўн дақиқага қолмай янги шаҳарга етиб бордим. Сангзор дарёсининг кўприги олдидаги бекатда тушдим. Энди бу ёғи осон! Тоғ оралаб ўтган йўлдан ярим соатча юриб, Самарқандга элтадиган темир йўл изига тушиб олдим: холамникига келганимда ана шу тоғлар орасига кириб кетадиган темир йўлдан паровозлар Самарқандга боришини жуда яхши билганман.

Икки рельс орасидан чиқмай кетяпман, бир текис одимлашимга шпалларнинг ердан баландроқ ётқизилгани халақит беради, шунинг учун икки шпал орасини мўлжаллаб қадам ташлайман: издан чиқмай кетяпман, кетяпман...

Самарқандда мени олийжаноб чойхоначи кутмоқда. Шопмўйлов, бароқ қош, буғдойранг киши. Оқ халат кийиб, патнис кўтарган, у худди эски шаҳардаги Усмон чойхоначига ўхшаб кетади: ширинсўзликнинг,

олийжанобликнинг, бағрикенгликнинг илохий намунаси! Шунинг учун мен унга топиниб боряпман, топиниб! Унинг ҳузурига етиб олсам бас!

Ана, у мени туғишгандан ҳам зиёд кўриб, қучок очиб қаршилади:

– Кел, ўғлим – Қуддусжон! Уйдан кетиб қолдингми? Хечкиси йўқ. Мен билан чойхонада ишлай-верасан, иккимиз чойхўрга чой, ошхўрга ош ташиймиз. Мана бу иссиққина хона сенга. Ишинг битгач, маза қилиб китоб ўқиб ётаверасан!

У мени чорпоядаги хонтахта ёнига ўтқазиб, олдимга бир пиёла нишолда, иссиқ нон, бир ликопча парварда қўяди. Нонга энди қўл узатган эдим...

Аллақандай чинқириқдан чўчиб тушдим, илкис бурилиб орқамга қарасам, паровоз жуда яқин келиб қолибди, бир сакраб йўлдан пастга тушдим; паровоз хансираб-пишқириб, така-тум, така-тумлаб кўп вагонларни судраб ўтди: орқасидан: «Эҳ, қани эди, бир сакраб вагонга чиқиб олсам, манзилга тезроқ етардим!» деб орзу қилдим, аммо паровоз жуда тез кетиб борарди, чиқиб олишнинг ҳеч иложи йўқ. Майли, пиёда юриб чарчасам ҳам, қийналсам ҳам кетавераман, кетавераман... Охири манзилга – олийжаноб чойхоначим ҳузурига етарман-да!

Паровозларга жуда кўп марта йўл бўшатиб беришга тўғри келди; Самарқандга кетаётганлари орқасидан мудом армон билан қарасам, Жиззахга қайтаётганларига шунчаки кўз ташлаб: «Тавба, Жиззахда нима бор экан-а?!» деб хайрон бўламан; кейин яна темир излар орасида ёлғиз қоламан, темир йўл эса чексиз, чексиз ўрлайди...Темир йўлга тушиб олганимда манзилимга тез фурсатда етиб қолаётгандек эдим-ку! Нега энди у мунча узоқлашиб кетди?! Бу фикр оёғимга тош оса бошлайди, лекин орқага йўл йўқ! Орқага қайтишни сираям ўйламаслигим ке-

рак, деб ўзимни зўрлайман, шунда боғдаги воқеа, Калиманинг Беркин билан кетиши ёдимга келади. Ана, гавдасига шундай ёпишган, енги калта чет эл қўйлагию янги шим кийган Беркин Калиманинг орқасидан югуриб кетяпти: мунақа кийимларни мактабда кийиш мумкин эмас дейишса ҳам, у кийиб келаверади! Ўзини кўрсатмоқчи бўлади-да! Ана, Калима хурсанд бўлиб Беркиннинг велосипедини ҳайдаб юрибди.

Яна қоним қайнади, чарчоқни унутдим; орқага йўл йўқ, олға, олға!

Темир йўл гоҳ дарё ёқалаб, гоҳ тоғ ёнбағирлаб, гоҳ қишлоқлар яқинидан чексиз, чексиз ўрлайди, охири кўринмайди...

Бир пайт чексиз темир йўл бошидан менга сокин боқаётган куёшга кўзим тушиб қолдию бўшашиб кетдим: куёш жуда ғариб эди, нур сочаётгани ҳам билинмайди, худди менга ачиниб: «Эй, Қуддус! Мана мен ҳам ботяпман, ҳали-замон қоронғи тушади. Сен шўрлик нима қиласан?» деяётгандек эди. Дарвоқе, бу сарик баркашни тоғлар «хап» этиб ютиб юборадию атрофга зим-зиё тун чўқади. Сўнг нима қиламан? Манзилимга ета олмадим-ку! Қаерда тунайман? Олийжаноб чойхоначи ҳали жуда узоқда, қаерда ётишимни айтиб бера олмаса?! Уйдан чиққанимдан бери илк бор этим жунжикди, оёқларим оғирлашди, ўзимнинг аросатда қолганимни сеза бошладим.

Узоқдан бир қишлоқ кўринди, темир йўлдан чиқиб у ёққа бурилмоқчи бўлдим, лекин хаёлимга худди мен ташлаб кетаётган одамларнинг бари шу қишлоққа йиғилиб кутиб тургандек, мени масхаралаш учун шайланишаётгандек эди. Уларни сира кўргим йўқ!

Оёқларимни судраб босиб олға юравердим: нажот топилиб қолар деб атрофни кузатяпман. Бир пайт тоғ

ёнбағрида ўтлаб юрган қўй-қўзиларни кўриб қолдимۇ юрагимга илиқлик югурди. Чўпонлар тоғу тошларда, яйловларда ўтов тикиб япашади деб эшитганман. Алҳол кишлокка бориб бошпана сўрагандан кўра, чўпонлардан бир кечалик ётоқ сўраш осон эди-да! Шартга темир излар орасидан чиқиб, ўша ёққа қараб юрдим: бир кеча чўпонлар олдида ётиб қоламан-да, сахар туриб яна Самарқандга қараб жўнайман, Самарқанд, олийжаноб чойхоначи! Эҳ, уларга етиш ҳам осон эмас, шекилли! Уйдан чиққанимдан бери учинчи бор умидсизликка туша бошладим!

Ана, чўпонлар кўринишди; икки киши тоғ ёнбағридаги алоҳида ажралиб турган дўнгликда ўтирибди: уларга яқин бориб хайрон қолдим; чўпонлар деб ўйлаганларимнинг бири – мендан икки-уч ёшлар чамаси катта, новчагина, эски бушлат, эски телпак кийган, юзи чўзиқ, қорача бола, иккинчиси – мен тенги, ок-сарикдан келган, дўмбок ўсмир эди. Қўққисдан пайдо бўлганим туфайли иккиси ҳам хайрон. Қисқа салом-алиқдан сўнг, бу чўпонларнинг ўғиллари бўлса керак, муддаомни айтaveraй, оталарига етказишар деб ўйлаб, бир кечалик ётоқ сўрадим. Катта бола ўйланди, шеригига қараб, яна хаёлга чўмди, сўнг таёғи билан тоғ чўққисига ишора қилиб деди:

– Биз хов ўша юқорида ётамиз, сен у ерда совқотиб қоласан-да!

– Йўқ, совқотмайман. Эрталабгача жой берсаларинг бўлди, вақтли туриб кетаман, Самарқандга.

– Нега ҳозир кетавермай бу ёққа келдинг?

– Самарқандга кетаётган эдим, бир бола билан уришиб қолиб, автобуснинг ойинасини синдириб қўйдим. Шофёр сўкиб, мени тушириб юборди. Йўл ёқасида шунча турдим, ҳеч қанақа машина олмади, кейин бу ёққа келдим.

Калламга бу гаплар қаёқдан келиб қолди, сира билмайман, ишқилиб, гап топиб берсам бўлди деб ўйладим ўзимча. Самарқанднинг автобусига чиқканим ҳам йўқ. Бешкувургача автобусда келаётиб, билет олиш учун чўнтагимни ковлдим, аммо бир тийин ҳам пулим йўқ экан, хайрият, шофёр билет олдингми, деб сўрамади. Лип этиб тушдим темир йўлга қараб юрдим. Самарқандга пиёда бораман деб ўйладим. Алҳол ёлғон тўқиб турибман. Ҳеч ҳам ёлғон гапирмаган одам бормикан?! Мен кўпинча қилмишимнинг жазосидан кўрқиб ёлғон гапириб қўяман. Бир гал дала шийшонида ётиб ишлаётган Зухра опамнинг олдига нон, мева-чева олиб кетаётиб, чўмилгим келиб қолдию Йўрғамни Катта ариққа қараб бурдим. Мириқиб чўмилиб чиқсам, тугун йўқ; шундай янтоқнинг устига қўйган эдим, атрофга зир югуриб кидирдим – йўқ; кейин ноилож уйга қайтдим; аямнинг: «Дарров бериб келдингми?» деган саволига қисқа қилиб: «Ҳа!» деб қўя қолдим. Кечқурун уйдан ҳеч нарса бормагани учун опам даладан қайтиб келди, икки кишилашиб суриштиришган эди, жазодан кўрқиб яна бир бор алдадим: «Тоғамдан бериб юборган эдим-ку!» Аям: «Ҳа, тоғанг чўлга бирор меҳмон келиб қолган бўлса, бошқа нарса топа олмай сенинг тугунингни ечиб, меҳмонга нон қўйгандир-да! Сенга айтиш ёдидан чиққан!» деб хотиржам бўлди. Мен енгил нафас олдим, шу билан энди қутулдим, деб ўйладим. Аксиға олиб кечқурун тоғам келиб қолдию шармандам чиқди. Охири бор гапни айтдим. Аям қаттиқ ранжиб деди:

– Шундай деб қайтиб келганингда-ку, бошқа тугун қилиб берардим, ўзинг ҳам, опанг ҳам қийналмасди!

– Тугунни ит кўтариб кетган, – деб қулди тоғам.

Аямга қараб эзилиб кетдим, бечора мен учун шундай изза бўлиб ўтирардики...

Шундай хис қилганманки, одам ўзини кутиб турган жазодан қочиш, дилхираликлардан осон қутулишу мақтаниш учун ёлғон гапиради; аммо ёлғоннинг рости барибир бир кун эмас, бир кун маълум бўлади; ёлғон гапириб шармандаси чиққандан кўра, тўғриси айтиб, вақтида жазо олган минг марта яхши экан деб ўйладиму ёлғон гапирмасликка аҳд қилдим. Шундан бери кишиларнинг рост ёки ёлғон гапиришларига разм солиб юраман. Мундай ўйлаб қарасам, жуда кам одам рост гапирар экан. Карим поччам фойда чиқадиган жойида эшшагини ҳам алдайди, аям ҳам бор гапнинг тўғриси дадамга айтмайди. Қўлдош-чи? Калимани яхши кўрадию Баҳрини ёктираман, деб мени алдайди. Калимачи? Беркиннинг орқасидан мазах қиладию олдида ипакдек эшилиб, велосипедини ҳайдаб кетади! Бу ёлғончилик эмасми?

Мен ҳозир қаршимдаги икки болани алдаб, аҳдимни бузиб ўтирибман. Бу қочоқлик давримда биринчи бор ёлғон гапиришим! Балки, ҳали одамларни кўп марта алдарман. Ахир, ҳар бир учраган одамга бошимдан ўтган воқеалару ўй-хаёлларимни дастурхондек ёзиб қўя олмайман-ку! Демак, ёлғон гапириб туришга мажбур эканман.

– Нечанчи синфда ўқийсан? – деб хаёлимни бўлди дўмбоқ бола.

– Еттинчида.

– Ие, мен билан тенг экансан-да!

Бир зум жим турдик.

– Отинг нима? – деб сўради яна дўмбоқ бола.

– Қуддус.

– Меники – Новшар, уники – Ёлғаш! – У ўзидан катта боланинг номини ҳам айтар экан, бу билан унинг олдида ўзини эркин тутишини кўрсатаётган эди.

– Ҳа майли, кеч кираверсин, ётгани бизникига бора қоларсан, – деди у. Сўнг Ёлғашга қараб:

– Келинглар, бекинмачоқ ўйнаймиз! – деб ўрнидан турди.

Шу тобда юрагимга бекинмачоқ сизмаса ҳам, ноилож ўйинга қўшилдим. Новшар худди Қўлдошга ўхшаб билтанглаб югуради, эгалари чўлга кўчиб кетишган уйлар ичига яширинади. Уни топишга қийналаман. Ёлғаш ўйинга унча хушламай қатнашади, паккада туриб олиб, жон койитмасдан яширинган жойимизни айтиб беради.

Улар мен ўйлагандек чўпон болалари эмас экан, уларнинг қишлоғидагилар қўйларни навбат билан тоққа ҳайдаб боқишаркан. Бугун навбат Ёлғашларники бўлиб Новшар шунчаки бирга ўйнагани чиқибди.

13

Ўйинга берилиб, қоронғи тушганини ҳам сезмабмиз; қарасак қўйларнинг ўзи тушиб келяпти, уларни ҳайдаб пастга эндик; қишлоққа кириб бораётганда Новшар: «Бизникига юр», деса ҳам каттарок бўлгани учун Ёлғашга эргашдим. Қўйлар ҳар кунги боқувдан сўнг бўлинавериб, ўрганиб қолган экан, эгалари – аксари аёлларнинг сал бошқариши билан ҳаммаси маъраб-маъраб уйларига кириб кетди. Охири ўнтача қўй билан Ёлғашларникига етдик.

Турли рангдаги катта-катта рўмолларни ўраб олганидан боши хумдай кўринадиган қариоқ кампир Ёлғаш қўйларни кўрага қамаб бўлгунча менга эътибор бермади. Ёлғаш келиб нималардир дегач, бирдан менга қаради, бошдан-оёғимгача разм солгач, деди:

– Вой шўрим, кўчада дуч келган болани уйга етаклаб келаверасанми? У ким? Кимнинг боласи, соғми, носоғми?

Мен бир хил бўлиб кетдим.

– Ҳеч нарсa қилмайди, бир кеча ётади, холос, – деди Ёлғаш қовоғини солиб.

Менга хиёл қувват кирди.

Кампир яна жавради:

– Уфф... Ўзинг бир сағир бўлсанг, мундай си-нашта ўртоғингни бошлаб келсанг ҳам майли эди-я. Танимаган, билмаган бир шумшик болани етаклаб келиб ўтирсанг-а?!

Эҳ, ер ёрилмади, ерга кириб кетсам! Лекин на илож. Қишлоғимизда ким менга шундай дея олар эди?! Ҳозир эса бир амал қилиб эрталабгача чида-шим керак!

Кампир жавраб-жавраб охири:

– Опкир оғайнингни уйга, – деди.

Хайрият, хижолатбозликдан қутулдим, чоғи. Яхши-ям, Ёлғаш билан келибман. Кўпчиликнинг ўртасида хижолат бўлиб ўтиргандан кўра, Ёлғаш билан кам-пирнинг терговларига дош бериш осонроқ.

Айвонда турган обдастадан қўл ювдик. Кирган уйимизнинг шифтидан қиёқлари кўриниб турибди, ерга кигиз тўшалган, оқланмаган деворларнинг икки томонига палаклар илинган; тўртбурчак шаклида тўшалган чийбахмал кўрпачалардан бирига мен, би-рига Ёлғаш ўтирдик.

Ёлғаш дастурхонни очиб нон синдирди. Бир-икки тишлам нон еган ҳам эдимки, хонага кампир билан икки киши кириб келди; салом бериб ўрнимиздан турдик, иккаласи ҳам тўрга ўтишди, кампир шундай пойгакка чўкди.

Бир кўзида гули бори – Ёлғаш Ирис ака деяёт-гани одамга шундай ёмон тикиладики... Йўлчи ака дегани нимаси биландир Нодир муаллимни эслата-ди. Улар ортиқча мулозамат қилиб ўтирмай мени сўроққа тутишди, мен ёлғонларни яна такрорла-дим. Гапимга ишонишмаганини шундай юзларидан

билиб ўтирибман. Ирис ака бошини чайқади, бу эса кампирнинг юзидаги хавотир кўланкасини янада куюқлаштирди, неварасига аччиқ билан қаради.

– Ойнани синдириб қўйгани бўлмаган гап, билет-сиз автобустга чиққан, пул тўламагани учун шофёр тушириб юборган. Биламиз, пул берсанг Маккагача ҳам обкетишади! – деди Ирис ака шеригига қараб.

– Бу боланинг автобустга чиққанига ҳам шубҳам бор, – деди Йўлчи ака қўл силтаб.

Дунёга келиб, ҳеч қачон бунчалик мулзам бўлмаганман. Улар мени ҳайвонот боғидаги маймун деб ўйлашяпти, шекилли! Йўқса, манави бола бечора хижолатдан ўлар ҳолга келяпти-ку демасдан, одамни шунчалар бадном этиб баҳс қилишадими?! Танимаган, билмаган одамлар сени истаганча таҳқирлашлари мумкин экан-да! Ҳамма мени олийжаноб чойхоначи каби кучоқ очиб кутиб олади деб ўйлагандим. Алхол мени чорлаган у чойхоначининг қиёфаси ҳам ғазабимга қоришди, хира тортди. Шунчалар узоқда экан, мени чорлаб нима қиларди? Мана энди шармандам чиқиб қанақа одамларнинг гапига чидаб ўтирибман.

– Онаси ўгай бўлса керак, шаҳарга кийиб бораётган этигини қаранг, – деди кампир оёғимга қараб.

Ирис ака: Интернатдан бир ўғри бола чиққанмиш, одамларнинг уйига мана шунақа баҳоналар қилиб, мулойим супурги бўлиб кириб олармиш-да, эрталаб ҳаммаёқни шип-шийдам қилиб кетармиш!

Йўлчи ака: Кийими ҳам давлатнинг етимчалариникига ўхшайди.

Кампир: Вой шўрим!

Ирис ака: Эшитишимча, давлат ўзининг етимчаларини чет элларга шипиён қилиб юборармиш...

Энди мени ўзрига, шипиёнга чиқаришяпти. Мундай гапларни эшитиб, иссиққина жойда ухлаганимдан кўра тоғу тошда совуқда қотганим яхши эмасми? Нахотки, мен ўзимни шунчалар оёқ ости қилинишимга йўл қўйяпман? Йўқ, чидолмайман, ҳозир шартта ўрнимдан тураману: «Раҳмат-эй, сиздақа одамларга!» деб ташқарига отиламан. Сўнг уйга қараб югураман. Ахир мени уйдан ким қувибди? Мен ўзимдан, ўз кечмишларимдан қочиб бораётган эканман, шекилли! Бунинг учун ҳеч ким айбдор эмас. Қайтиб борсам, уришиб-сўкишиб бўлса-да, бағриларига олишади-ку! Таниш одамлар орасида яшашнинг ўзи ҳам бир бахтми, дейман. Ҳа, ҳозир ташқарига отиламан, ташқари эса қоронғи. Нима қилибди? Мен қоронғиликдан кўркмасликни машқ қилганман-ку! Ҳеч нарсадан кўркмайман. Чарчаб, сулайиб колсам ҳам югуравераман, югуравераман. Қадрдон темир йўл эса мени итлардан, бўрилардан асрайди! Ахир, темир излардан тез-тез паровозлар ўтиб туради-да. Янги шаҳардан у ёғи эса узоқ эмас, бир амаллаб колхоз идорасига етиб олсам бас. Кейин чопиб уйга кираману ўзимни жойимга ташлайман, парқу болишга бошимни босиб тошдек қотаман. Эртасига қаёқда эдинг деб уришишса, индамайман вассалом!

Ирис ака: Наим мелисага хабар қилсакмикан-а, Йўлчи!

...Оҳ-о, энди мелисага топширишлари қолувди!

Йўлчи ака: Яхши бўларди, кейин пушаймон қилиб юргандан кўра.

Мелисага олиб боришса, мени қамаб қўяди, сўнг суриштиради, бу бола бирор жиноят қилиб қочиб юрган бўлса керак, дейишади. Қамалганимдан мактабдагилар, ҳамқишлоқларим хабардор бўлишади. Беркинга гап топилади, кейин қандай бош кўтариб юраман?!

Ёлғашга қарадим, у ер чизиб ўтирибди: энди ўрнимдан турмоқчи бўлиб тургандим, эшик очилиб Новшар кириб келди.

– Эйи, эйи, Новшарбек, келинг! – дейишди Ирис ака билан Йўлчи ака бирдай.

– Кел, бўтам, – деди кампир сал ёришиб.

Новшар улар билан қўл бериб кўришди, билиниб турибдики, Новшарни улар мендек хўрлаша олишмайди, уни ҳурмат қилишади, йўкса мунчалик типирчилаб қолишмасди.

– Ёлғаш, меҳмонни бизникига олиб бораркансан, дадам айтди, – деди Новшар тик турганча.

Мени мелисага топширмоқчи бўлганларнинг бирдан авзойи ўзгарди: Йўлчи ака «Бу ёғи қандай бўлди?» дегандек Ирис акага қаради. Ирис аканинг кўзларида ясама севинч йилтиради:

– Оқсоқол йўқлаган эканларми, дарров бориш керак!

Ҳаммадан илгари ўрнимдан турдим, пальтомни қўлга олдим, сезяпман: кампирга жон кирди. Ёлғаш бечора ҳам енгил тортдию дарҳол бизга эргашди.

Қоронғиликда тор йўлақлардан ўтиб борар эканмиз, итлар тинмай акилларди; Новшар нималарнидир гапиряпти. Ёлғаш индамай қулоқ солиб кетяпти, чамаси, қариндошларининг менга қилган муомаласидан хижолат чекапти. Мен эса ўз ўйларим билан андармонман. Ёлғашнинг қариндошларидан қутулиб чиқиб олдим, Новшар билан Ёлғашга: «Хайр, энди, Жиззахга қайтиб кетаман!» десаму йўлга тушсаммикан? Қоронғиликдан қўрқмайманку-я, лекин роса ит кўп экан-да! Новшарнинг отаси нега чақирдийкин? Бошқалар ўғри деб гумон қилган бир болани ҳали кўрмасдан меҳмон деб улуғлаб, айттириб юборибди! У ҳам роса сўроққа тутармикан? Агар шундай қилса, шартта ўрнимдан тураману жўнайман, яхши гапирса эрталабгача қоламан.

Ўзи оловдек ёнган бир пайтимда жуда тез қабул қилган қарорим — қочиш бемаъни иш эканлигини энди англаб етдим. Темир излар орасида аросатда қолган бир пайтимда ҳам худди шундай фикр бош кўтараётганда, мен уни зўрлаб бўлса-да бо-сишга, дилимда: «Йўқ, мен тўғри қилганман, тўғри қилдим, тўғри қиляиман!» деб ўжарлик билан так-рорлаб, пушаймонликни эзиб ташлашга ҳаракат қилган эдим, энди эса қаршилик қилишга кучим етмайди.

Новшарларнинг уйи атрофдаги кулбаларга қара-ганда анча баланд, томига тунука қопланган, ҳов-лиси ёп-ёруғ экан. Ҳовлида бизни козоқ чехрали, чиройли аёл қарши олди:

— Ёлғаш, бўтам, жахшимисан? Кел, ширағим!

У биз билан қўл бериб кўришди.

— Қани, улим, ишқарига!

Жувоннинг юзи Новшарнинг юзига жуда ўхшаб кетарди. Уйда бир одам ёнбошлаб ўтирибди. Нов-шарнинг отасини обрўйига қараганда жуда басав-лат киши бўлса керак деб ўйлагандим. Лекин у ўрта бўйли, қотма, кулча юзига ихчам мўйлови жуда ярашган, кичкина бурни тўти тумшугидек қайрилган, чакқон бир киши экан. Мен билан худ-ди кадрдонлардек қуюқ саломлашди, қўлимни қўйиб юбормай, анча тикилиб қолди; унинг кўзлари шун-дай шўх йилтиллаб тураркан...

— Кимгадир тус келтиряпман-да! Жуда таниш, жуда таниш...

У қўлимни қўйиб юбориб ўйланди; бизни ўти-ришга таклиф қилиб, хондастурхон атрофига ўрна-шиб олишимиз билан дўпписини орқага суриб, ўнг чаккасини қашиди:

— Чироғим-ай, қайси қишлоқдансан?

– Равалликдан.

– Ҳамид Олимжондан? Эйи, кимди улисан?

Ёлғашларникидагиларга дадамнинг асли исмини айтмайман деб ўйлагандим, улар эса отамнинг исмини ҳам сўрашгани йўқ. Негадир Новшарнинг отаси менга ёқиб қолди, уни алдай олмайман.

– Мусожон акани.

– Мусожон акани? Мусожон, Мусожон... Мусожон полвонними?

Бош ирғаб маъқулладим. У бир сакраб тушди.

– Вай занғар-эй, бўламнинг ули экансан-ку! Айтдим-а, кимгадир ўхшатыпман деб!

У аввал тиззасига шапатилаб кулди, сўнг кафти билан елкамга шундай урдики, ёнимга ағанашимга сал қолдим.

– Вой, бўламнинг ули-эй! Қаранг-а, чорлаб чакирсам келмайдиган оғам, адашиб ўз оёғи билан кириб келса-я!

Мен ҳайрон бўлиб қолдим: шундай узоқ қишлоқдаги бир киши дадамини қайдан таниркин? Ёлғаш билан Новшар ҳам ҳайрон.

– Бир аканг Московда ўқирмиди?

– Ҳозир Самарқандда ўқийдилар.

– Ха-а... Самарқандда дегин! Тушундим, тушундим. Акангнинг орқасидан бирга кетаман деб эрғашиб чиққансан-у, у сени алдаб ташлаб кетган. Сен эса Самарқандга пиёда ҳам боравераман деб йўлга тушгансан, кейин қоронғи тушиб қолиб, бизнинг қишлоққа киргансан. Ниҳоят мана, дадангнинг бўлажони – Эшим чўпонникида ўтирибсан. Шундайми? Ростини айт!

Эшим аканинг бу гаплари бояги гумонлардан минг марта афзал эди, шу сабаб мен индамай бош эгдим.

Эшим ака шарақлаб кулиб юборди:

– Ха-ха, ха-ха... Вой занғар-эй, сен бўлса қаёқ-даги афсоналарни тўқиб юрибсан! Ха-ха, ха-ха... – Отинг нима эди? – У кулишдан тўхтади.

– Қуддус.

– Ха, Қуддус эди. Оббо, Қуддусжон-эй! Мен ҳам сендеклигимда дадамнинг орқасидан «Сиз билан қўй боққани бораман!» деб йиғлаганман. У киши алдаб-сулдаб ташлаб кетган. Мен эса опамнинг кўзини шамғалат қилганману уйдан чиқиб жўнаганман. Қани энди дадамнинг ўтовини топа олсам. Қоп-қоронғи – зимистон. Яйловда ҳўнг-ҳўнг йиғлайман. Атрофимдан аллақандай итлар югуриб ўтади. Одам зоти йўқ! Бахтимга икки ёруғ нуқта кўриниб қолди, ўша томонга юравердим. У раиснинг машинаси эди. Мени чиқариб олиб, дадамнинг ўтовига ташлаб кетди. Хамма ҳайрон, худо бир асрабди, дейди. Атрофимдан ўтиб юрган, мен ит деб ўйлаган махлуқлар бўрилар экан. Еб қўймаганини қаранг! Шу бўйи дадам мени ёнидан жилдирмади, шу бўйи қўй боқаман. Ана шунақа, Қуддусвой! Даданг бошқа ишга ўтибди деб эшитдим, ростми?

– Ха, ҳозир қурилишда ишляпти.

– Шу тинчдир-да, ўзига. Пахта чаккасига тегиб кетгандир.

Мен янги раис билан келишмаётганини, боғимизни сурдиртириб ташлатишганини айтиб ўтирмадим.

– Оббо, Қуддусвой-ей, – деб кулди Эшим ака. Кулганда шундай ҳам қисик бўлган кўзлари юмилиб қоларди. – Уста сени «ҳайда, ҳайда-ов» қилганда тўйингга борувдик. Қудрат полвон деган паст бўйли бир киши бор экан, бир аския олди, ётиб-ётиб кулибмиз. Новшарнинг тўйига даданг ҳам келган. Кураш бўлаётган эди, даданг зўр курашчи эмасми, бадани кизиб даврага яқин турганди, секин суриб ўртага чиқариб қўйдим: «Қани, Мусо полвонга та-

лабгор борми, машинални кўяман!» деб қичқирдим. Даданг: «Менга сен арвақдан бошқа ким талабгор бўларди!» деб мени даст кўтарса, денг! Бўлди кулги, бўлди кулги! Полвон акам: «Йиқилган ҳисобми ёки елкангни ерга ишқайми?» деди. «Йиқилган ҳисоб», дедим. Даврадан чиқаётгандим, одамлар: «Машинани бермайсанми?» деб қичқиришди, чўнтагимдан калитни чиқариб, дадангга узатдим. Даданг калитни одамларга кўрсатиб: «Бу маники бўлдики? Ҳалолми?» деди. Одамлар: «Ҳалол, ҳалол!» деб қичқиришди. Даданг: «Хўп, хўп!» деди-да, давра яқинида турган чечангнинг қўлидаги Новшарнинг дўпписини олиб, ичига калитни солди: «Келин, олиб қўйинг, Новшарбойга атадик!» Ана шунақа қилиб, мукофотга олган «ГАЗ-21»ни дадангга ютқазиб, яна қайтариб олганмиз. Мусожон полвон жуда зўр одам!

Дадамни Жиззахдан узоқда ҳам одамлар шунча яхши кўришар экан-у мен аҳмоқ бир шапалоқ урганига уйдан қочиб, тентираб юрибман...

– Дадангга ютқазган машинамда укам эртага Жиззахга кетади, сени ҳам бирга олади. Энди мунақа қилма. Агар Самарқандга боришни хоҳласанг, дадангдан сўраб, бизникига кел, Новшар икковингни шаҳар айлантираман. Дадангга янгиқўрғонлик Эшим ака дуойи салом айтди дейсан, хўпми? Новшар билан қиёматли оғайни тутининглар!

Новшарга, Ёлғашга қарадим, уларнинг олдида қадрим бир қарич кўтарилгандек бўлди. Новшар қўл узатди, маҳкам сикдим. Алҳол Новшарнинг онаси чинни товоқда палов кўтариб кирди.

– Эй хотин, бу ёғи кизик бўлди. Ай, бу бола тушмагур, Мусожон бўламнинг ули чиқиб қолди!

– Вай, ширағим-эй! Ота-энангда димағи шакми? – паловни дастурхон ўртасига қўйгач, кўрпачага ўтириб

сўраша кетди. Хижолатдан қизариб саволларига зўрға жавоб берардим; бу ҳолдан Эшим ака кутқазди:

– Кўрдингми ош, кўтарма бош! – ҳаммамизни паловга ундади.

Очлигим энди билинди.

Паловдан кейин чой ичиб, шашка ўйнадик. Эшим ака шашкани зўр ўйнар экан, учаламизни ҳам ютди. Сўнг учаламизга шу хонага жой тўшашди. Тош котиб ухлабман.

* * *

Машинадан идора олдида тушиб қолдим. Та-ниш кўчалар кўзимга оловдек иссиқ кўринди. Қишлоғимизда худди бир йил бўлмаганга ўхшайман, клубга, уйларга соғинч билан қарайман.

Ўовлига кирдим.

– Қуддусжон!

Ошхонадан чикиб, аям қучоқ очиб келарди. Мен катта гуноҳ қилиб қўйган боладек бошимни қуйи солиб турибман, аям юз-кўзимдан ўпди. Опаларим ҳам югуриб келишди.

Бироздан кейин ҳаммамиз катта уйда маза қилиб чой ичиб ўтирардик. Аям менинг қаёққа йўқолиб қолганимни ортиқча суриштирмади. Умри опам ўзича:

– Раисни йикитгани учун қўркиб, бирор жўраси-никига бориб ётган-да, бизга айтмай! – деди.

– Шундайми? – деди Зухра опам.

Индамадим.

Аям менга қараб кулиб-кулиб қўяди, сезиб туриб-ман, у менинг қочиб кетганимни дадамга айтмоқчи эмас. Йўқолиб қолганимни дадам ҳали билмабди, у Тошкентга кетган экан. Майли, дадам билса-би-лар уришса-уришар! Лекин энди уйимиздан сираям қочиб кетмайман.

Уйдан чиқиб, қадрдон сўрим томон юрдим, у ерда ўтириб бир хаёлларимни йиғиб олмоқчи эдим, аммо узумзорга етмасимданок, сурилган коп-қора тупрокка, қўнорилган дарахтлару тоқларга кўзим тушдию дилим хуфтон бўлди, ағдар-гўнтар чорбоғ ўртасида серрайиб туриб қолдим. Қўнорилган наъматак илдизлари орасидан бир дона бойчечак чаппар уриб менга қараб турарди, беихтиёр «Калима!» деб энтикдим у томон бир неча қадам ташладим, кўзларимдан иссиқ ёш қуйилди.

Ҳа, энди қадрдон уйимиздан ҳеч қачон қочиб кетмайман! Бу ўсмирликдаги илк хатоимдан чиқарган илк сабоғим эди...

Баъзан болаларча фикрлаш, хаёл суриш, гапириш, интилиш, қизиққонлик, ножўя хатти-ҳаракату қилиқларим ўсмирлик давримга ҳам ўтган деб ўйлайман. Ким билади, балки улар менга бир умр ҳамроҳ бўлар.

Ўсмирлик – инсон умрининг ажиб бир сирли, мураккаб, зиддиятли, фаол, вале тарқоқ, хом интилиш, чираниш, иккиланишларга бой, юрагида севги ғунчаси уйғонган ажойиб бир даври. Унинг тўлқинлари руҳимни сирли-сирли қитиқлайди...

Кекирдагим олмаси бўртиб, овозим йўғонлашгандан, муртим сабза ургандан бери вужудим қизийди, баъзан юрагим гумириб-гумириб кетади. Серзарда, бироз жаҳлдор бўлиб қолаётганимни ўзим сезмайман, аччиқ-чучук туйғуларга, бўлмағур хаёлларга бериламан (баъзан ёлғиз қолганимда ёхуд тунда уйқум қочганида миямга шу қадар бўлмағур фикрлар ҳам келадики, уларни ҳатто Қўлдошга айтишга ҳам уяламан). Бир куни Калиманинг билагига қўлим тегиб кетган эди, юрагим ғалати жимиради, у ҳам менга қизиқ бир қараш қилиб қизариб кетди, кейин эса тилини чиқариб мазах қилганча мендан узоқлашди. Қўлдош билан бу ҳақда сирлашиб:

– Қўлдош қўлим Калиманинг билагига тегиб кетган эди, ғалати ҳолга тушдим, қизларнинг билагига қўлинг тегса сен ҳам шунақа бўласанми? – дедим, у эса:

– Йўқ, – деди бепарволик билан. – Аммо Баҳрини ўйласам кайфиятим ғалати бир ширин бўлиб қолади. Қулоғим гап эшитмай, кўзим кўрмай қолади, кеча дадам: «Носқовокни олиб кел», – дебди. Носқовокни олиб келсам, дадам: «Ҳей сени... Шу билан бошингга бир урайми?» – деди. Носқовок ўрнига қайроқтошни кўтариб борибман.

Роса кулдик. Бунақа паришонхотирлик менда ҳам бўлиб туради. Баъзан эса ёқимсиз қилиқлар ҳам қилиб қўяман, бир куни уйда ҳеч ким йўқ эди, ҳовлида ўйнаётган эдик, кир ювиш учун тоғора ичига солинган опаларимнинг қўйлақларини кўриб қолдик, сўнг мен Умри опамнинг атлас қўйлагини, Қўлдош эса Зухра опамнинг қизил бахмал қўйлагини кийиб олиб қиз болаларга ўхшаб ўйнаб бир-биримизга муқом қилиб кула-кула, дарвоза очилиб дадам кириб келганини билмай қолибмиз, биринчи бўлиб Қўлдош дадамни кўриб қолдию қўйлақни ҳам ечмасдан боққа қараб қочди, орқасидан мен ҳам чопдим. Яна иккимиз эски, йиртиқ пўстакдан соқол қилиб иягимизга ёпиштириб олдик-да, Умри опам билан Кароматни кўрқитмоқчи бўлиб бирдан даҳлизга кирдик, Каромат қичкириб юборди, Умри опам кўрққанидан ҳушидан кетиб қолаёзди, кейин аям роса татигимни берди. Ножўя ҳаракатларни, уйдан қочганимни муқом хижолат бўлиб эслайман, раисни уриб отдан йиқитганимни эса тўғри деб ўйлайман. Ўсмирлигим ана шундай долғаланиб-долғаланиб туганчисига етаётган эди...



ЎСПИРИНЛИК

Тўртинчи китоб

Атиргул ғунчаси косабаргларининг чоклари сў-
килган, ана шу чоклардан мўралаган кип-қизил
гултожбарг шунчалар тоза, шунчалар жозибали-
ки... Қочоқлигим хусусида ўйлаб хомуш юрсам-да
гулга махлиё бўлиб дилтанглигим анча тарқади –
димоғимга атиргул хиди урилиб юрагим кенгайган-
дек туюлди; ҳа майли, нима бўлса бўлар, дадам хар
қанча татигимни берса ҳам чидайман-да, энди! Урса
бир-икки шапалоқ урар. Аям айтадию «Даданг сўкса
сўк оши, урса ун оши», деб. Аммо дадам уйдан
бир кеча кочиб кетганимни билганми, билмаганми?!
Бу менга қоронғу. Дадамнинг қарашидан, гапидан
ҳеч нимани билмаганга ўхшайди. Аям: «Агар айтсам
дадаси уришади!» деб ўйлаб дадамга билдирмаган
бўлиши ҳам мумкин, бироқ бир кунмас бир кун да-
дам Эшим бўласини кўради, ўшанда бари гап маъ-
лум бўлади-қолади. Аямнинг овози хаёлимни бўлди:

– Қуддус болам, дўконга бориб туз билан гугурт
олиб келгин, бир дона ҳам гугурт қолмабди-я!

Дўконга кетаётиб клуб ёнидаги йўл четида оппоқ
волга – «ГАЗ – 21» турганини кўриб қолдим, хайдов-
чиси бошқарув чамбарагига бошини қўйиб мудрамоқда,
чойхонада чорпоя яқинидаги курсида комати самоварга
ўхшаб кетадиган, кирра бурни сўппайган, мешқорин,
ғозбўйинини тик тутган бир киши гердайиб ўтирибди.
У: «Раис касал бўлиб қолганини қаранг-а!» деб шохмот
тахтасига доналарни термоқда, шохмот тахтасининг ик-
кинчи тарафида, чорпояга солинган кўрпачага чордана
қурган уста Файзи бобо эса бир неча доналарни пан-
жалари орасига олиб шошилмасдан осонгина терди-
қўйди. У ана шунақа тера билади.

– Энди иссиқ жон-да, райком бобо, – деди чор-
поянинг бир четига омонат қўниб чой қуяётган Тўра
кемшик. – Бечора кечаю кундуз далада, шамоллаган
шекилли.

– Мусо полвоннинг боғига тегма деб унга айт-
дим, – деди Уста бобо кулиб. – Ахир бу боғнинг
эгаси бор!

Назаримда Тўра кемшик алҳол мени кўриб
қолса: «Мана шу бола-да, раисни отдан йиқитган!»
деяётгандек туюлди, уларга кўп яқинлашмай секин
сирғалиб ўтиб кетмоқчи эдим, Мусулмонқул ака
чакириб қолди:

– Қуддус, бу ёққа қара, битта папирос олиб
кел-чи.

Ноилож яқинлашиб салом бердим, Уста бобогина
саломимга алик олди, котиб эса қайрилиб ҳам
қарамади, Тўра кемшик менга олайиб боқди; Мусул-
монқул акадан пул олиб дўконга жўнадим, дўкондан
чойхонага югурдим; бу ерда қизиқ бир хангома
бўладиганга ўхшайди, чорпоя қуббасига туз солин-
ган халтани илиб, шоҳмотни томоша қила бошла-
дим.

Семиз, баркаш юзли Тўра кемшик чой сузиб, чап
қўлини кўксига қўйганча эгилиб пиёлани котибга
узатди; котиб дархол қўл узатмади, фақат Уста бобо:

– Бўри ака, чойдан олинг, – дегандан кейингина
хануз қуллук қилиб турган Тўра кемшикка қарамасдан
узун панжалари билан пиёланинг теграсидан ушлаб
шоҳмот тахтаси яқинига қўйди. Шу пайт Сайид ака
келиб қолди, у овозини баралла қўйиб шундай салом-
лашдики, хатто, котиб ҳам бош қимирлатиб алик олиш-
га мажбур бўлди. Сайид ака энг сўнгиди Мусулмонқул
ака билан қўл сиқишиб кўришди-да, курсилардан би-
рини олиб шоҳмот тахтаси яқинига ўтирди.

Уста бобо соқолини тутамлаганча чуқур ўйга
толган, котиб уни шоширади:

– Қани юрсангиз-чи, бобой, – деди котиб беписандлик билан кулиб. – Агар ютказсангиз соқолингизни кириб ташлайсизми?

Котибнинг тилла тишлари совуқ яраклаб кетди, Тўра кемшик ялтоқланиб кулди, Сайид ака билан Мусулмонқул ака бир-бирига маъноли қараб қўйди. Кулиб: «Бор аро қўйсам қадам...», дея хиргойи қилганча, менсимай пиёда сураётган котиб бироздан сўнг жимиб қолди, Уста бобо эса ҳамон бир зайлда – мийиғида кулганча ўйинни давом эттирарди, котиб шоҳмот тахтаси устига эгилиб олган эди... Ниҳоят у бошини қўтарди:

– Мен анча чарчабман, шекилли. Дурустсиз-ку, – деди котиб керилиб. – Дуранг!

У яна доналарни тера бошлади, котиб ҳар қанча чиранса ҳам Уста бобо ундан олдин териб бўлиб кутиб турарди...

Иккинчи, учинчи... партия ҳам дуранг! Котиб хуноб, йиқилган курашга тўймас деганларидек, партия тугаши билан дарҳол доналарни тера бошлайди. У билмайдик, Уста бобо шоҳмот ўйнаб ҳеч кимни ютмаган, ҳатто, мени ҳам! У ким билан ўйнамасин, барибир дуранг қилади. Мен қунт қилсам шоҳмотни яхши ўйнайман-у, аммо сабрим чидамайди, бошқаларнинг ўйинларини ҳам кам томоша қиламан, бугун томоша қилмаслигим мумкин эмас, ахир Уста бобо кимсан, туман котиби билан ўйнаяпти!

Атрофда ўтирганлар Уста бобо котибга ютказиб қўйса керак, деб ўйлаяпти. Ахир котиб бутун туманни бошқараётган кимса! Ҳаммани ўтқизиб-турғизади, Уста бобонинг унга тенг келиши амримаҳол!

Томошабинлар қўпайиб қолишди, тўртинчи партия ҳам бошланди, котиб хуноби чиқиб, бўғриқиб дона сурарди. Тўра кемшик котибдан тер чиқаётганини сезиб атрофдагиларга:

– Орани очинглар, ҳаво кирсин, мунча ўраб олмасаларинг! – деди тутакиб.

Одамлар орани очиш учун ғала-ғовур қилиб турган бир пайтда котиб овозини баландлатиб:

– Шоҳх! – дегани эшитилди.

У от билан ҳам вазирга, ҳам шоҳга тушган эди, ҳамма:

– Оҳх... – деб юборди.

Мен от бирданига бу хонага қандай тушди экан, деб бош қотириб, тахтага тикилдиму хайрон қолдим, отнинг «г» йўли бир хона узайтириб ташланган эди.


Беихтиёр «Эйи!» деб юбордим. Тўра кемшик эса:

– Халақит берманглар, – деб мени четга сурди, Тўра кемшик ҳам шоҳмотни яхши билади, у нима қилиб бўлса ҳам котиб отни нотўғри юрганини сездирмасликка ҳаракат қиляпти, одамлар ҳам индамай туришибди. Наҳотки Уста бобонинг ўзи билмаса? Ёки мен адашдиммикан? Қайта-қайта қарадим. Йўқ, адашмаганман!

Уста бобо эса от нотўғри юрилгани билан иши бўлмай шоҳни олиб қочди, котиб фарзинни уриб олди. Энди котиб гавдасини тиклаб, яна хиргойи қилиб дона сура бошлади, аммо бироздан кейин яна тахта устига эгилиб қолди...

Нихоят у ранги оқарганча ўрнидан турди, бир неча юришдан кейин шоҳнинг мот бўлиши кўриниб қолган эди!

– Сизларнинг шоҳмотдан бошқа ташвишларинг йўқ-да, бобой, – деб машинасига қаради.



– Бўри ака, бошқа нима иш қилардик? Омборни ҳам топширган бўлсак! На илож? Ўзганинг олдида бош эгмаймиз. Ўзидан, фақат Ўзидангина мадад сўраймиз. Отингиз эшакка ўхшаб юрмаганда бу партия ҳам дуранг бўларди, – деди Уста бобо котибга тик қараб.

...Тавба, Уста бобо отнинг нотўғри юрганини биллиб туриб индамаган экан-да!

Котиб кимдир орқасидан куваётгандек машинаси томон тез-тез юриб кетди, унга Тўра кемшик эргашди.

– Тозни дўппи беркитади! – деди Мусулмонқул ака уларга кулиб боқиб. – Вой... Умрингизда биринчи марта енгдингиз-а, Уста бобо!

– Аммо, ютганингиз ҳам бир бўлдию кейинги гапингиз ҳам, – деди Сайид ака, – ўлдирдингиз! Кутубхонага хира пашша бўлиб юрувди, шу билан изи қурир!

Мен тушунмадим. Аммо бу гап тагидаги гап менга эртаси кунга аён бўлди; китобларимни топширгани кутубхонага бордим, Зумрад опа онасининг ўрнида ишларди; ичкарига кирсам, кимдир Зумрад опага гапиряпти. Кирганимни сезмади. Бу котиб эди. У Зумрад опага еб қўйгудек тикилиб, устига бостириб боряпти, мен ўзимни жавон ортига олдим. Зумрад опа эса қисиниб орқасига тисарилди, у эса қах-қах урди; шу ҳолатида у худди эртақларда тасвирланган девга ўхшар эди.

Мен жавондаги китоблар орасидан уларни кўриб турибман.

– Сен меникисан! Ҳа-ҳа..

– Йўқ! Йўқ!

– Нима, нима? Таранг қияптиларми? Менга-я!

– Йўқ, йўқ!

– Ха-ха, ха-ха... Бир оғиз гапим билан сон минг аёл оёғим остига ётади. Сен ҳам...

– Уялмайсизми, отам қатори одам!

– Ха-ха! Меники бўласан, меники... Эрингни бугуноқ думини тугаман!

– Ўлсам ҳам рози эмасман! Фахри ака, қайдасиз?!

– Ўлмайсан...

Дев Зумрад опани бирдан кучоқлади.

– Вой дод! Фахри ака!

Остонада Тўра кемшик пайдо бўлди.

– Хўжайин, яна... Яна... Гап кўпаймасин! – деди тутилиб-тутилиб.

Дев Зумрад опани кучоғидан бўшатмай:

– Эшикни орқасидан ёп! – деб қўли билан Зумрад опанинг оғзини бекитди. Кемшик: «Бўри ака, одамлар эшитяпти!» деб чиқиб кетди, мени кўрмади. Дев Зумрад опанинг кийимларини юлқий бошлади...

– Зумрад опамни қўйворинг! – мен отилиб чиқиб иккиси орасига кирдиму бор кучим билан девни итара бошладим, унинг семиз, терлаган совук қорнига қўлим тиралди. Дев чўчиб тушдию бирдан қалқиди, кўзининг пахтаси чиқди, нимадир демоққа оғиз очди-ю, овози чиқмади. Зумрад опа орқамга ўтиб елкамни маҳкам ушлаб олганча дир-дир тит-тарди:

– Ифлос! Ярамас!!!

У стол устида турган чойнакни девга қараб отди; чойнак девнинг кўкрагига тегиб полга тушдию чилчил синди.

Зумрад опа қўлимдан маҳкам ушлаб олганча ташқарига отилди, тарақлаб очилган эшик Тўра кемшикнинг пешонасига тегди, шу ҳолда Зумрад опаникигача бирга югуриб бордик...

Кўчадан уйга қараб боряпман-у, ҳеч нарсани кўрмайман, эшитмайман, ҳовлига кириб, уйга бурилмай, тўғри сўримга қараб юрдим, майли вайрон бўлса-да, унинг ўрнидаги тупроққа ўтириб хаёлимни

йиғиб оламан, ҳозир ҳеч кимни кўргим келмайди, ҳеч ким билан гаплашишни ҳам хоҳламайман!

Аммо садага яқинлашганимда сада танасига бошини қўйиб турган дадамни кўриб қолдим: бирдан ўзимга келиб, секин бузилган девор орқасига ўтдим; дадам сададан бошини кўтарди, негадир елкаси силкиниб-силкиниб қўйди, у овозини қўйиб ўзига-ўзи гапира бошлади:

– Отажоним, васиятингизни адо қилолмадим, ғафлатда қолдим. Токларингизни асрай олмадим, кўпориб ташлашди! Аблах Соли биларди-я сизнинг васият қилганингизни... Билиб туриб шундай қилди-я, имонсиз! Жон томирига болта урай, деди-да! Эҳ номард! Дадам раҳматли олмазор, нашвати-зор, анорзор, ўрикзорни шундайича колхозга берган эди-ку! Биргина узумзорни ўзимизга олиб қолганди. Сенга токзор керак бўлса колхозга олиб бермай-санми, бузмасдан! Ҳар бир новдасини қиз боланинг сочидек қилиб ўзим тараб, парваришлаб берардим. Эл ерди-ку, ахир!

Соли, Аллоҳимнинг сенга атаган балоси бор! Бу дунёдаги минг бир расволикларинг учун охиратнинг буюк азоби бор!

Отажоним, бир токингизнинг новдаси минг ток бўлади. Бир донасига ҳам зарар етказмай олиб қўйдим.

Дадам уйга қараб кетди. Энди бояги можаролар анча илгари кўрилган тушдек хаёлимдан кўтарилди, фикри зикримни дадамнинг гаплари эгаллади: бобом токларни яхши парвариш қил, деб васият қилган экан-да! Шунинг учун уларни кўз қорачиғидек асраркан-да! Эҳ, юраги шунчалар эзилаётган экан-у, мен аҳмоқ бир шапалоқ урди, деб шунча тантираб юрибман!

...Ўша мен, Уста бобога ўхшаб кетарди, деб эслайдиган бобом Собир оқсоқолни катта бобом Бердиёр фикрчи энг катта бобом Сайидбекнинг Бухоро-

да танишлари кўп бўлган, улар билан борди-келди хануз давом этаётгани учун болалигидаёқ Бухорода ўқитган, мадрасани битириб Бухорода қозикалон кўлида мунший бўлиб ишлаган. Бердиёр фикрчи (у ҳам Бухородаги мадрасани битирган, ғоят мулоҳазали, билимдон одам бўлгани учун шундай лақаб олган) бетоб бўлиб қолгач, ўттиз ёшида Жиззахга қайтиб келиб, бобомнинг мулкини бошқаради. У узоқ вақт Бухорода яшаган, жуда тартибли, покиза, иш кўзини биладиган бўлганлиги учун Бердиёр фикрчининг Раваллиқ элидаги мулкини тез тартибга олади; ерларини қайтадан ўзгартириб алоҳида нашватизор, токзор, олмазор, ўрикзор, анорзор барпо қилади-ки, бу боғларнинг таърифи бутун воҳага тарқалиб, Бухоро амиригача етади; амир Жиззахга келганида унинг боғида етишган нашватилардан татиб кўриб таҳсин айтади, сўнг уни Жиззах беклигига – ободончиликка, бозорларда адолат билан иш кўрилишига масъул – оксокол этиб тайинлайди. Бобом човкар отини миниб, елка чарми орасига танга қўйиб тикилган тозиёнасини кифтига ташлаб гузарларни, бозорларни кезаркан, агарким бирор киши кўчага ахлат тўккан бўлса, қўшнилариининг гувоҳлигида у кишини чакириб залварли тозиёнаси билан елкасига қарсиллатиб ураркан, харидор ҳақиға хиёнат қилганларни ҳам шундай жазоларкан. Бобом ёши ўттиз бешга етганда Раваллиқ элидаги Раҳмон додхонинг қизи Зайнаб онамга уйланади. Зайнаб онамдан етти ўғил икки қиз туғилади. Шукр, Давр, Уриш, Қўниш, Мурод амакиларим, дадамни Бухородаги мадрасаларда ўқитади. Акрам амаким ёш бўлгани учун Жиззахда Собиржон домлада таҳсил олади. Бобом каттагина бино қурдириб бу бинога маҳалла аёлларини йиғиб тўн тикдириб, бозордаги тўртта дўконида соттиради, шунинг учун уни тўнфуруш ҳам дейишади.

Дадам – Мусо полвон анча эрка бўлган. Ана у дўстлари билан ярим тунда Раваллик кўчасидан чанг-тўзон кўтариб, итларнинг акиллашини авжига чиқариб човкар отида елдек учиб бормокда. Дўстлари отларини ҳар қанча қамчиласа-да унга етиша олмайди. Улар қий-чув кўтариб човкар от кетидан нақшинкор дарвоза олдидаги кенгроқ жойга тўхташди. Дарвоза олдидаги супачада ҳассасини ушлаб оппоқ кийинган Зайнаб онам ўтирибди. Отидан сакраб тушган дадам:

– Ая, қачон қўясиз шу одатингизни? Ахир ўлма-сам келаман-ку! – дейди.

– Гапингни ел учирсин!

Зайнаб онам отдан тушган иккинчи ўғлига юзланади:

– Қўнишвой, ёв келяптими?

– Йўқ энажон, ассалому алайкум.

– Ваалайкум. Бўлмаса, нега ярим тунда эл тинчлигини бузасиз?

– Отларимиз олиб кочди.

– Шунаками? Қани берироқ келинг-чи!

– Хўп энажон!

У қўлини кўксига қўйиб бувимга яқинлашади. Бувим ҳассаси билан унинг елкасига бир уради. У кочади:

– Энажон менмас, Уриш бошлади!

У оти жоловини ушлаб турган укасини кўрсатади, Уриш эса:

– Йўқ, менмас, Мусо! – дейди.

Бувим дадамни урмайди.

Дадам эса бувимни даст кўтариб уйга олиб кириб кетади.

Бир куни тунда дадам уйга беш одамни бошлаб келади, ҳовлида турган аямга «меҳмонхонага жой ҳозирла, меҳмон бор», дейди. Ўша куни дадам карта ўйнаб боёвутлик Асомиддин деганга бобом берган

чорбоғли уйни ютказиб қўяди, бундан хабар топган бувим жуда қиммат узугини бериб уйни қайтариб олади. Лекин дадам эртаси куни бувимнинг гапига ҳам қулоқ солмай бизни Мирза кулолнинг бўш бўлган ёзги ҳовлисига кўчиради, у бир йил ишлаб пул топиб Боёвутга боради, Асомиддиннинг уйини топади, пул бериб узукни қайтариб олади. Асомиддин ҳам қимор ўйнамай қўйган экан, у билан бориш-келишлик қадрдон бўлиб қолади. Узукни бувимга бериб шу бўйи қимор ўйнамайди. Яна ўз уйига кўчиб ўтади...

Бир куни мактабдан келсам уйда ҳеч ким йўқ экан, кичик уйдан ғоят бир ёқимли овоз чиқаётганини эшитиб тўхтаб қолдим.

– Дарё бўлиб оқмадим,
Қалам қошга боқмадим.
Омонат бу умримни,
Ёр ишқига ёқмадим.
Вой додай, шиирин жонайй...

Ҳайрон қолдим, наҳотки дадам бўлса?! Унинг қўшиқ айтганини сира эшитмагандим, фақат қиш пайтлари қироат билан ғазал ўқирди, унинг ғазал ўқиши ҳаммага, айниқса аямга ёқади, аммо қўшиқ айтиши...

Секин эшикни очдим, дадам дарҳол жимиб қолди; дадамга бирданига савол беришга тортинсам-да бу гал журъат этиб:

– Дада, яхши ашула айтаркансиз-а! – деб юбордим.

Дадам ўғрилиқ устида қўлга тушган боладек кизарди:

– Оббо, эшитиб қолдингми? Ҳим... Яхшими? Даврада айтсам бўлармикан?

– Бўлмасам-чи! – дедим шошиб.

Аммо шундан кейин дадамнинг бирор бор қўшиқ айтганини эшитмадим. Дадамнинг мен билмаган сирли томонлари қўпга ўхшайди. У мен учунгина сирли, мудом ҳайиқиб турадиган бир одам деб ўйласам, Сайид ака, кейинроқ билсам қўпчилик шу фикрда экан. Бир кун Сайид ака Мусулмонкул акага деди:

– Тавба, тоғам мени бирор оғиз ҳам сўкмаган, уришмаган, аммо ундан шундай қўрқаманки...

– Мен ҳам, – деб уни маъқуллади Мусулмонкул ака.

– У киши ичингда нима кечаётганини шундай қараб билиб туради, – деди Рашид ака. – Юсуф Чойдушга ўхшаган озгина кашмири илми ҳам бор, тикилиб қараса этим жимирлаб кетади.

Дадам очарчилик йиллари Достоннинг онаси – Бўstonой холага, олти яшар қизчасига ҳам биттадан нон бердирган (Бўstonой хола қаерда мени кўрса дадамни алқаб шуни эсига олади), ўшанда нон дўконини ишониб дадамга топширишган; у беш-олти йигитни ёнига олиб қаердандир чучукмия томирини қаздириб келиб одамларга нонга қўшиб тарқатган, қайнатиб ичишни тайинлаган; шу билан қанча одамлар жонини сақлаб қолган; у нон тарқатаётганда газетада ишлаётган бир новча ўсмир келиб индамай дадамнинг одамларга нон тарқатаётганини жимгина кузатиб турибди, қўлида чеки йўқ, нон тугагач у индамай бурилиб кетаётган экан, дадам уни тўхтатиб нон ушоқларни йиғиб ўзининг белбоғига туғиб ўсмирга берибди, ўсмирнинг кўзидан ёш чиқиб кетибди, унинг тўққиз ака-укасининг аҳволи жуда ночор экан. У ўсмир бугун Тошкентда жуда катта ишда ишлайди. Токзорни қўпориб ташлашганини унга айтса бўлади-ю, лекин дадам унга айтмайди...

Дадамнинг тупроққа тушган изларини босиб уйга қайтдим. Катта уйга кирсам, дадам дастурхон бо-

шида ўтирибди, юзида бояги дилтанглигидан зарра асар йўқ, фақат хиёл паришонлигидан ички дардини англаса бўлади; у уйга кирганимни сезмади, салом берганимдан кейингина менга қайрилиб қараб алик олди:

– Ваалайкум... Ўқиш қалай, ота ўғил?

– Яхши.

– Ишқилиб яхши ўқигин-да, мен ташвишлар билан бўлиб қандай ўқиётганингни назорат қилолмаяпман, кейин чўлга кетяпман, яна Сулаймон кетди, девлар қутулди бўлмасин, яхши ўқигин, яхши...

– Хўп.

– Ўғлим, ҳозир бориб Уста бобонг, Исожон тоғанг, Абдусаломларни эрта кечгаликка, бизникига айтиб келгин, меҳмон келаркан, дегин.

– Хўп бўлади.

Топшириқни бажаргани зипилладим.

2

Дарвозадан ичкарига кириб, қоронғиликдан ёруғликка ўтмасимдан ўзимнинг номимни эшитиб қолдиму дархол тўхтадим – қулоғим динг бўлди, аямнинг овози эди.

– Ўшанда қаёққа кетиб қолган экан, Қуддуснинг ўзи сизга ҳеч нарса демадими?

Супада мендан бошқа ҳамма ўз жойида эди, чамаси менинг келишимни кутиб овқат сузишмаган, қоронғиликдан чиқмай турдим.

– Қўявер, ишинг бўлмасин. Бу бола билан анча хушёр бўлиб гаплашиш керак, чунки унинг лашкари бор. Ана шу лашкари кўтаради-да, уни!

...Тавба, дадам уйдан кетиб қолганимни билса ҳам нега мени уришмади? Нега шу пайтгача лоақал танбех бермади?

– Бу туйнагинг худди менинг килиқларимни қай-
таряпти. Ёшим ундайлигида кўчада қаровсиз қолган
кучук борки, раҳмим келиб уйга олиб келганман,
кучукларимнинг сони ўнтага етибди. Бир куни да-
дам раҳматли бу аҳволни кўриб уришиб берди:
«Йўқот кучукларингни! Сен қанака боласан, ўзи?
Ховли кучукка тўлиб кетибди-ку, ахир!»

Дадам раҳматлига аччиқ қилиб: «Хали бу ховлига
кучукларим сиғмай қолдими? Улар сиғмаса, мен ҳам
кетаман!» деб бир кучукни кўтариб, қолганларини
эргаштириб, тўқайга қараб жўнаб қолдим. Тўқайдан
баданим тирналиб, оёғимга тиканлар кириб ўтиб
бордим, аччиқ устида оёқяланг чиқиб кетавери-
ман. Шу тўқайнинг орқасида Жолдор деган қозоқ
амакимнинг уйи бор эди, униқини қўзлаб кетиб
боряпман – кучукларимнинг бири вовуллайди, бири
фингшийди, бири тўқай оралаб кетади, бақириб-
чақириб қайтараман; шу аҳволда тўқайдан чиқиб
борганимизда қоронғи тушиб қолган эди; қорним
очиб, кўнглим айниса-да, чидайман, чидашим керак
дейман ўзимга-ўзим. Ёз куни эди, иссиқ, тинмай
чивин талайди, сўна эса финғиллаб келиб чизилла-
тиб нишини санчади, ниш жойи чунонам қичийдики,
кучугимни қўйиб қашинаман, қашина-қашина... яна
йўлимга шунча юрсак ҳам Жолдор амакимникига
етолмадик, чарчадим, сўнг ўтлар устига ётдим, ку-
чукларим атрофимга тикилиб олишди, шу зайлда
ғужанак бўлиб ухлаб қолибман.

...Бир маҳал юзимга иссиқ бир нарса тега бошла-
ди, кўз очсам, Олапар иштаҳа билан юзимни ялаёт-
ган экан; тонг отибди, қуёш эндигина кўтариляити.
Яна йўлга тушдик, минг бир азоб билан тушга яқин
Жолдор амакимникига етиб бордик. Жолдор амаки
мени бу аҳволда кўриб хайрон қолса-да, билдирмас-
ликка ҳаракат қилди, хотини Қандгул хола чайла
соясига ҳозирланган жойга таклиф қилиб, дадам-

нинг ахволини сўради, Қандгул хола кучукларимга иккита кумоч¹ни бўлиб ташлади, кучуклар ириллашиб, талашиб-тортишиб кумоч бўлакларини ея бошлашди. Менга толтовоқда коч берди. Толтовоққа атала қуйиб, атала қотгач, устига сариёғни эритиб соладиган бу таомни Қандгул хола роса бошлаб пиширади, маза қилиб туширдим.

Кечга яқин қорабайирини чоптириб дадам келиб қолди, у мени роса уришса керак деб ўйлагандим; аммо у завқ билан кулди. Унга Жолдор амаким билан Қандгул опа қўшилишди. Кейин тўққиз кучукни Жолдор амакига қолдириб, Олапарни ўзимиз билан олиб уйга қайтдик. Уйга келганимиздан кейин аям раҳматли мени уришаётган эди, дадам: «Қўй уришма, боланинг лашкари бор, лашкари кўтаради-да!» дедилар. Шу лашкар мендан Қуддусга ҳам ўтган-да!

Қанақа лашкарим борлиги, у мени қандай кўтаришини ҳеч миямга сиғдира олмадим, лекин дадам менга алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтирганидан ўзимча ғурурланиб қўйдим; кейин қочишим ҳақидаги гап дадамга етиб боргани, кўнглимни хира қилиб ётган тангликнинг бундай осонгина якун топганидан жуда севиндим, ёруғликка чиқдим; улар шарпамни сезишлари билан жимиб қолишди, келиштириб салом бериб уйга кириб кетдим, сезиб турибман, дадам билан аям бир-бирларига имо қилишганча орқамдан қараб қолишди...

3

Кечқурун йўқланганлардан аввал Орзикул амаким етиб келиб супага ҳозирланган жойга ўрнашиб ўтирди, дадам унинг қаршисига чўқди, мен аям

¹ *Кумоч* — ит учун ун гардидан хамир қилиб чўғга қўмиб пиширилади.

дамлаб берган чойни олиб келиб дадамнинг олдига қўйдим-да, супанинг бир бурчагига қўндим. Орзикул амаки хўрсиниб деди:

– Шундай қилиб чўлга кетяпман, Мусожон ака!

Дадам бироз сукут сақлаб, чойни қайтариб, Орзикул амакига бир пиёла чой узатди-да, оҳиста гап бошлади:

– Биласизми, бир лайлак бор экан, у бир куни атрофдаги қушларни чорлаб шундай дебди: «Оғайнилар, менинг уям жуда ҳам булғаниб кетди, энди бошқа ўлкага бориб, тозароқ жойга уя қўрмасам бўлмайди, шунга нима маслахат берасизлар». Қушлар: «Биз нима ҳам дердик, йўлингизни берсин!» – деб чуғурлашибди. Шунда майна: «Лайлакжон, уянгизни булғаб юборган бўксангизни ҳам ўзингиз билан олиб кетяпсизми?» – деб сўрабди. «Албатта-да», – деб жавоб берибди лайлак. Майна эса: «Дуруст, дуруст, унда оқ йўл, тез орада кўришиб қолармиз», – дебди.

Орзикул амаки дадамга тикилиб деди:

– Далвай қилиб чалғитмай, кўнглингиздагини айтаверинг!

Дадам эса қош чимирганча боғ томонга қараб турарди.

– Бўксангизни ўзингиз билан олиб кетаётган бўлсангиз, у ерда ҳам шармандангиз чиқади, демоқчисиз-да! Мусожон ака, шунчалар бераҳммисиз?!

– Аксинча, кўнглим жуда ҳам бўш!

– Кўнглингиз бўшлиғи шу бўлса, қаттиқлиғи қандай?

– Кўнглим бўшлиғи шулки, ўшанда Паризодни отиб ўлдирмадим! Уни одамларни йўлдан уриш учун бизнинг орамизга шайтон юборганини била туриб, унга раҳм қилдим. Оқибатда эл-юртни ўйлайдиган сиздек серғайрат бир йигитни ҳам этагига ўраб олди. Шунини баҳона қилиб сизни ишдан бўшатишди! Бош-

ланган бари яхши ишлар аро йўлда қолиб кетди, рахбарликни баднафс кимсалар эгаллади.

– Мусожон ака, айб Паризодда эмас, менда! Мен уни яхши кўриб қолдим, яхши кўриш – айбми!

– Эл-юртни ўйлаган одам маҳаббатидан ҳам баланд туради! Лекин сиз маҳаббатингизнинг эмас, балки шайтоннинг қули бўлдингиз! Шайтон Паризод қўли билан сизни ўйнатди!

– Мусожон ака, мен уни никоҳимга олдим-ку! Шайтонни нима қиласиз сўкиб, бари гап Девда-ку!

...Кутубхонада Дев Зумрад опани қийнаганини Сайид акага айтиб бергандим, шу бўйи котибни Дев деб атайдиган бўлиб қолишган...

– Дев, Дев... Юрагида Сулаймони йўқ одам Девга қул бўлади.

– Осон тутасиз-да, майли бир кун эмас, бир кун у билан хисоб-китоб қиламан. Зумрад бечоранинг боласи тушибди. Фахрини қаматган ҳам шу Бўри! Баъзан шайтон бош кўтариб, шу Девни шартта чавоқлаб ташла, дейди! Уф-ф... Эсим оғиб, тентак бўляпман чоғи!

– Инсон тентак бўлаётганда, қайта ўзини доно чоғлайди.

– Бундай доноликдан тентаклик ҳам афзал!

– Албатта, нафс бандаси учун доноликдан тентаклик афзал.

– Тентак бўлсак, тентакмиз-да! Мана Жиззахни бари ақлли одамларга қолдириб кетяпман-ку!

– Хафа бўлманг, афсуски, девингизни ташлаб кетаётганингиз йўқ!

– Бундай ташвишланаётган бўлсангиз мен билан чўлга юринг!

– Чўлга девингиз билан олишиш учун эмас, балки боғ қилиш учун бораман.

– Яшанг, бормисиз? Яна ким биз билан боради?

– Қани, оксоқоллар келишсин-чи.

Қош қораймасдан Исожон тоғам, уста Файзи бобо, Абдусалом тоғам, Акрам амаким бирин-сирин кириб келишди. Абдусалом тоғам Орзиқул амакини кўриб севиниб кетди:

– Ия, ия... Орзиқул ака, бормисиз? Аллоҳимнинг қудратини қарангки, ҳозиргина сизни ҳаёлимдан ўтказиб келаётгандим, қани эди, Орзиқул акам ҳам келиб қолсалару бир ҳангома қилсак, деб! Мана, сизни худонинг ўзи етказди!

– Қуллуқ, мени сийласаларинг, сизларни Аллоҳ сийласин.

– Элимизга хизмат қилган сиздек одамни эсламасдан қимни эслайлик, – деди Уста бобо.

Улар кўришиб, дастурхон атрофига ўтиришди. Чой олиб келгандан кейин мен ҳам секингина бир четга жойлашдим.

– Уста ака, эртага чорладига айтибсизми? – деб сўраб қолди Абдусалом тоғам; у негадир мийиғида кулиб турарди.

Уста бобо тоғамга синовчан назар ташлади:

– Ҳа, куёв-қудани чақиргандим.

– Ундай бўлса бари улфатларни йиғиб бораверар эканмиз-да, – деди Исожон тоғам хиёл жилмайиб.

Атрофдагилар кулиб юборишди, айниқса, Абдусалом тоғам завқ билан қулди:

– Мен ҳам шунини айтмоқчи эдим, тоға, сиз мендан тўқ экансиз!

– Уста ака, гап келганда қайнотангизникига чорладига борганингизни айтиб бера қолинг, Орзиқул ҳайрон бўляпти тушунмай, – деди дадам.

– Оббо, қаёқдаги гапларни эсга соласиз-да, полвон!

– Нима гап ўзи? Куляпсиз, мен эса ҳеч нарсага тушунмаяпман, – деди Орзиқул амаки.

– Бу шунчаки гап, Орзиқулжон, булар ҳазиллашишади-да, – деди Уста бобо рўмолчаси билан юзини артиб.

– Хўш, бир куни сизни қайнотангиз чорладига чакириб қолди, қани бошланг, – деди дадам Уста бобони гапиришга ундаб.

– Оббо полвон-ей, қўймайсиз-да, гапни Аллоҳим мулла Абдусаломга чиқарган, у киши айтиб бера қолсин!

– Қуллук, қуллук, – деди тоғам кулиб, сўнг кўзлари шўх йилтиллаганча томоғини қириб йўталиб гап бошлади:

– Уста акам йигирмага кирганда оталари «Ўғлим, кўзимнинг тириклигида орзу-хавас кўрсам, девдим. Ана меҳмонхона ёнидаги бир уй, бир дахлизни сенга атаб қурганман. Энди киши эшигини очсам», дебди. Уста акам: «Дадажон, сизнинг бир оғиз сўзингиз мен учун амри вожиб. Ўзингиз айтгансизки, устоз ҳам инсонга отадек азиз, деб. Шундай экан, бир-икки йил тўхтаб турсак», дебди.

– Ўшанда худди кўриб тургандек гапирасиз-а, мулла Абдусалом, – деди Уста бобо завқланиб кулиб.

– Ёлғон бўлса, буниси ёлғон, деб тулинг-да!

– Сизнинг гапингизни ёлғон деб бўладими, Абдусаломжон!

– Бўлмаса, эшитинг.

– Хўп, хўп.

– Нега? – деб хайрон қолибди ота бечора.

– Устозим айтадики, эр йигит то ўзи пул топиб, тўйига, уйлангандан сўнг ўзини, хотини, бир йилдан сўнг туғилажак боласини камида икки-уч йил боқишга етадиган мол-мулк тўпламагунча уйланмаслиги керак.

– Ўғлим, сени хотин, бола-чаканг билан бир умр боқадиган мол-дунём бор, Аллоҳга шукр! Аввал сени уйлантириб қўяй, кейин мол-дунё топасанг, то-паверасан, деса ҳам Уста ака кўнмабди. Шундай қилиб, Уста ака ўттиз ёшга етганда уйланган экан. Ўшанда Уста аканинг пуллари ўн мингдан ошганди, энди юз мингни қоралаб қолгандир-ов!

– Уйга сифмагани учун омборни олган эдим, коплаб ўша ёққа жойлайман, деб. Бахтга қарши омборнинг ҳам эгаси чиқиб қолди, – деди Уста бобо.

Хамма кулиб юборди.

– Сизга қандай қилиб чорладига борганларингни айт деса Уста аканинг бор тарихини гапирасиз, шекилли, – деди дадам.

– Сабр қилинг, энди чорладига келяпмиз-ку! – тоғам яна томоғини кириб, йўталиб давом этди. – Шундай қилиб, тўйдан кейин қайнотаси чорладига чақирибди. Қайнотаси раҳматли Расул ака улфатчиликни жуда жойига қўядиган одам эмасми, қўй сўйиб, дастурхонга қази-қарта, коньяк, ароқ, вино тортиб куёвжўраларни кутибди. Ниҳоят куёв билан жўралар ҳам пайдо бўлишибди. Уларга қараб Расул ака ханг-манг бўлиб қолибди, куёвжўраларнинг энг ёши соқол-мўйи мош-биринч бўлган Исожон тоға билан Мамазоҳид домла, энг қариси эса тўқсонга етган Мамараҳим махдум экан.

Чорлади ўтгандан кейин бир куни Расул ака куёвидан сўрабди: «Нега чорладига дўстларингизни олиб келмадингиз?» «Мен дўстларим билан бордим-ку!» – деб жавоб берибди Уста ака. Расул ака хайрон бўлибди.

«Жўраларим ўшаларда», дебди Уста акам. «Йўғ-эй!» – деб хайрон қолибди қайнота бечора. Унинг хайрон бўлаётганини билиб Уста ака дебди: «Дада эсимни танибманки, ўзимдан катталар билан улфатчилик қиламан! Ахир, ўз тенгқурларимдан нима-ни ўрганаман? Сўкишни, ичкиликбозликни, киморбозликни, хотинбозликними?! Ўзимдан катталардан эса илми ирфон, иш, ақл-идрок ўрганаман!»

Расул ака шу билан дим бўлибди-қўйибди. Шундан бери бечора Расул ака бизга бу воқеани айтиб: «Шу куёвимдан қўрқаманки, олдида бир ноўрин гапни айтиб қўяман, деб!» – дея мағрурланиб юрди.

– Қайноталари ҳам менинг холимга тушган эканда, Мусожон ака, – деди Орзикул амаким кулиб.

Мен ҳам энди зўр одам бўлиш учун ўзимдан катталар билан дўст тутинаман, дедим ичимда.

Ошдан кейин бир-икки пиёла чой ичишгач, биринчи бўлиб дадам гап очди:

– Хабарингиз бор, Орзикул акангиз котиб билан тақимлашиб қолди. На илож, котиб ютиб Орзикулни чўлга жўнатди. Бугун сизлардан фотиҳа олай деб келибди.

Жимлик чўкди.

– Йўлингизни берсин, Аллоҳим: «Қўриқ очган одам – жаннатидир», – деган. Сизнинг ажрингизни Аллоҳимнинг ўзи беради, бандасининг зиллати қайга борарди, – деди Исожон тоғам. – Қаддингизни кўтаринг. Талпимни еб қўйиб овга ярамай қолганманда, бўлмаса сиз билан ўзим бирга кетардим.

– Сизнинг оқ фотиҳангизнинг ўзи менга етади, – деди Орзикул амаким тоғамга мамнун бокиб, сўнг уйнинг қибласига боққанча маъюсланиб давом этди. – Халқ учун енг шимариб ишлайсан – ишинг натижасини кўриб қувонасан, эл сени қўллайди. Аммо Девга ўхшаган каттага ёқмасанг – тамом, пайингни қирқишади.

Мен шу ёшга кириб бир фикрга келдим – яхшиларнинг бирлашиши қийин экан. Дев, Соли, Тўра кемшикка ўхшаганлар-чи?! Шундай жипслашиб кетишганки... Ҳар қандай адолатли одамни ҳам сиқиб чиқариб юборишади! Яхшиларнинг бошидан тегирмон тоши юргизишади. Кейин эса яхши бечоралар ана ундоқ, мана бундоқ деб нола-фигон қилишади!

– Тўғри, элни тузмоқчи бўлганга қарши элни бузмоқчи бўлган бош кўтаради, – деди дадам. – Мусулмонларни алдаб фитна-макрга бошлаш – одам ўлдиришдан ёмон! Уларнинг бўйнида ана шундай оғир айб тоши осилган. Ҳа майли. Ўтган ишга са-

ловат. Биродарлар, Орзикулни синаш учун чўлга юборишпти. У ёлғиз йигит — ака-укаси йўқ. Агар маъкул десаларинг беш-олти йигитлар унга эргашиб борса — суянчиқ, ҳамдам бўлса! Мана мен ҳам қўпориб ташланган тоқларни олиб чўлга бораман! Жиззах чўлини сиз обод қилмасангиз, ким обод қилади?!

— Мен ҳам бораман, шу дўлиларимни олиб, — деди Абдусалом тоғам тиззасига бир уриб. — Йигитлар бу ерда без териб юришгандан кўра, чўлга боришсин, чўл бир тош йўл, қочиб кетгани йўқ.

— Орзикул ака, менга чўлдан бозорча очиб берасиз, — деди Акрам амаким. — Мева-чева етказиб тураман.

— Тўғри, бозор албатта керак, — деди дадам. — Борамиз, нима хунаримиз бўлса ўша ерда кўрсатиб обод қиламиз.

— Раҳмат оғайнилар... — Орзикул амакининг кўзи ёшлангандек эди, негадир юзини четга бурди.

— Бу ердаги ишларимиз тескари кетаркан-да энди, — деди Уста бобо ғамгин холда.

— Сизлар билан бир тан бўлсак, бунга йўл қўймасмиз, — деди Орзикул амаки.

— Аллоҳ хоҳласа, — деди дадам.

Шундан кейин Исожон тоғам қўл очиб, Орзикул амакига фотиҳа берди.

4

Баҳор анҳор бўйидан бошланади: қир-адирларда яшилликдан дом-дарак йўғ-у, Бешариқнинг кирғоқларидан майсалар тупроқни яшириб хиёл оч, покиза яшиллик намоён этиб кўзни қувонтиради; дўлана, тут, октол, қайрағоч, жийдаларнинг новдаларига куртаклар тошган, ўтган йилги ялпиз, янтоқ, шўраларнинг хаслари ҳали-замон гуркираб ўсадиган

Ўтлар остида қолиб кетишини билгандек сарғайиб, мунғайиб эгилган, лойқа сув бўғиқ шаркирайди, чумчук, чуғурчуғу турли кушлар тинмай сайрашади; мусичалар жўшиб-жўшиб ку-кулайди. Бақатеракка қўнган зоғлардан бири чўзинчоқ, қора тумшугини қайчидек очиб-ёпиб қариллайди:

– Қорр, қорр...

Кулдим: бечора, ҳар қанча қорлаганинг билан энди қор ёғмайди! Қара, ўрик новдаларини қандай гўзал, бинафша гунчалар безаган! Бу гунчалар эртаиндин оппоқ-оппоқ бўлиб очилади! Ана, артилган шишадек тоза кўкда сузиб юрган тўда-тўда оқ парку булутлар ажойиб шакллар ясаш билан овора.

Шу булутларга яқин баландликдан арқон солиб ўтаётган турналар чўзиб-чўзиб қуриллайди. Молгўзар тоғи чўққиларидаги қор кумушдек яркирайди. Бекарик бўйлаб борарканман, атрофдаги ҳар бир нарсага эътибор бераман, табиат ширин уйқудан уйғонаётган малакдек нозли тўлғонган шу дамда кўзимга ҳамма нарса гўзал кўринади, ҳатто, эгаси чўлга кўчиб кетиб, чакалакзорга айлана бошлаган боғ, қаровсиз қолган уй ҳам! Хувиллаган бу гўшанинг ичи сирларга тўлага ўхшайди.

Атрофга боқиб, табиий товушларга қулоқ тутиб, шундай тўлқинланиб кетдимки... Хайронман, нега бунча юрагим жўшяпти? Нега хаяжон танамга сифмаяпти?

Бешариқ бўйидан юриб катта йўлга чиққанимда, йўлдан кузови одамлар билан тўлган машиналар, от араваю эшак аравалар, енгилгина кийимларда товланган ёшлар боққа талпинишарди, у ёқдан карнай-сурнай товуши эшитилмоқда.

Хўжағазён боғи дарвозасидан ичкарига қадам қўйганимда қуёш эндигина бир қулочча кўтарилган эди, лекин шунга қарамай боққа талай одам йиғилган, дарвоза яқинидаги шийпон томига жойлашиб ол-

ган созандалар «Муножот»ни эзиб-эзиб чалишмоқда: куй ўзининг ҳазин оҳанги билан боққа туташ мазордаги мунгли дўппайган қабрлар олдида ўтириб марҳумларни хотирлаётганларга ҳамдардлик билдириб, боққа энди кирганларга марҳумларни эслатаётгандек...

Бобом билан бувимнинг қабри олдида бориб, дадам ўргатгандек тиловат қилдим, сўнг ҳовуз бўйига ўтдим, бу ердаги супага тўшалган кўрначаларда мўйсафидлар ўтиришибди, улар орасида дадам, тоғам, Исожон тоға ҳам бор эди. Оппоқ соқолли, барваста бир чол тоғамга китоб узатиб деди:

– Қани, Абдусаломбой, қироатни бошланг-чи!

– Мулла Муҳаммадзоҳид ака, Исожон акам бошлаб берсинлар, – деди тоғам икки қўлини кўксига қўйиб.

Дадам тез-тез эслаб, номини жуда эъзозлаб тилга оладиган домла шу одам экан-да! У жуда салобатли, сиёсатли одам эди.

– Жиян, кўз курғур хира, ўзингиз ўқийверинг, – деди мулла Муҳаммадзоҳид бобонинг ёнида ўтирган Исожон тоғам.

– Хўп.

Тоғам китобни олиб варақлади, бир бетини очиб тўхтаб қолди, ичида ўқиб олди, сўнг йўталиб овоз чиқарди:

– Ой-й-й...

– Ийе, китобда шунақа ёзилган жойи бор эканми, Абдусалом, – деди дадам.

Атрофдагилар кулишди.

– Ҳа энди, овозни созлаяпмиз-да!

*Аё гофилким, излагил ҳақни йўлин,
Асрогил сан шикъ боғинда асрор гулин.*

...Тоғамнинг овози ширали бир мусикий йўлга тушдию ғазал сўзлари мени тўлқинлантирди. Кали-

ма деб чеккан изтиробларимни, севгимни ҳеч кимга билдирмасликка тиришганимни эсладим.

*Меҳнат бирла синар эрмиш яхши қулин,
Чин ошиқнинг ондин кўнгли қолгани йўқ.*

...Ундан кўнглим қолгани йўқ! Уйдан қочиб кетиш режам шармандаларча барбод бўлганидан кейин «Иккинчи бор Калиманинг номини тилга олмайман! Уни сираям яхши кўрмайман!» деб ахд қилсам-да, ундан батамом кўнгил узолмасдим; уни кузатиб юрардим, Беркин билан апоқ-чапоқ бўлиб гаплашаётганини кўрсам дунём қоронғулашиб кетади. Ўша йили бир воқеа рўй бердию Калима деб куйиб-ёнишларим хийла таскин топди...

Бари гап Эмин Махкам домланинг донг чиқарган жисмоний тарбия ўқитувчиси Бобомурод Маннонни мактабга ишга олиб келишидан бошланди. Янги ўқитувчи ўртадан баландроқ бўйли, чайир қоматли, қўйқўз, кирра бурун, от юзли, қора сочини орқага текис тараб, ўзига жуда ярашадиган кўк спорт костюми кийиб илдам юрадиган ўрта ёш киши эди.

Бобомурод муаллим футбол майдонига чим ётқиздириб, югуриш йўлагини текислатиб, оҳак билан чиздирган эди, майдонимиз чиройли кўриниб қолди; энди дарсдан кейин ҳам бу ер гавжум; Калима, Баҳри, Саломатлар юз метрга; мен, Қўлдош, Достон узоққа югуриш; Нарзиқул ядро, диск отиш машғулотларига қатнаша бошладик; муаллимга меҳримиз тушиб қолди.

Янги ўқитувчига Мўлкалликдаги мактабдан бир ўқувчи эргашиб келди. Унинг исми Соҳиб. Эҳ, унинг келишганлигини айтмайсизми? Унинг юзи ойдек, териси нозик, ўртаси тутатишга озгина қолган қошлари қайрилма, кўзларининг оқлиги, тозалиги қорачиқларини янада қорароқ кўрсатади, корейслар-

никига ўхшаш нафис бурни ҳар тарафдан чиройли кўринади; у хиёл жилмайса юз-кўзи яшнаб шундай жозибали бўлиб кетадики...

Тавба, ўғил боланинг юзига қараб ҳеч бунақа холга тушмаган эдим, унинг чехрасида одамнинг юрагини жизиллатиб ўзига тортадиган ажиб бир жозоба бор эди. Буни унинг ўзи ҳам сезади чоғи, унга тикилиб қолсанг, қизариб кетади. Мактабга келганининг биринчи куниёқ мен у билан дўстлашиб олдим. У дарсдан кейин муаллимнинг хонасида ечиниб бўғма ёқали оқ спорт кийимини кийиб майдонга чикди. Бу кийим унга худди қуйиб қўйгандек ярашган, келишган қоматига чиппа ёпишган. Ҳатто қизлар ҳам унга ҳавас билан қараб қўйишди. У сакраб турникка осилган эди, муаллим сабоқ чўпи билан Соҳибнинг оёғига шартиллатиб бир урди.

Соҳиб турникдан ирғиб тушдию:

– Бўлди, бўлди! Тушундим! – деб, бош эгиб, таъзим қилганча йўлакка ўтиб югура кетди. Унинг қилиқлари ҳам ўзига жуда ярашади. Йўлакда югуришга тайёргарлик кўраётган Калима билан Баҳри унинг орқасидан қараб бир-бирини қучоқлаганча нимадир деб шивирлаб олишди-да, секин югура бошлашди.

– Узоққа югуришда жудаям майда ёки катта қадам ташлаш ярамайди, – деди Бобомурод муаллим мен билан Қўлдошга бурилиб. – Ўзингизни чарчатиб қўясиз, шунинг учун ўртача қадам ташлаш керак, маррага яқинлашганда эса тезликни оширасиз.

Муаллим бизга ўргатаётганда Соҳиб майдонни бир айланиб келиб нафас ростлаш машқларини бажара бошлади, унинг чиройли юзига тер тепчиган, ҳансираб нафас оларди.

Муаллим унга яқин борди-да, қорамалдоғи билан Соҳибнинг нозиккина бурнини босиб қўйиб юборди:

– Сен жинни бокс учун яралгансан! – деди. – Энди мушакларни қизитадиган машқлар бажар, ўтириб-туришдан бошла!

Бобомурод муаллим ёшлигида жуда зўр боксчи бўлган, аммо қандайдир касалга чалиниб боксга туша олмай қолган, энди бор маҳоратини Соҳибга ўргатаётган экан, шунинг учун ҳам у ота-онасига: «Бобомурод муаллим қаерда ишласа ўша ерда ўқийман», деб узоқ бўлсаям велосипеди билан бизнинг мактабга қатнай бошлади.

Ана майдонда қизил спорт кўйлаги кийган Беркин ҳам пайдо бўлди. У бокс билан шуғулланыпти. Мен югуриш машқлари тугагандан сўнг Соҳибнинг ёнига залга кираман, у жуда кўп машқ қилади, чарм қопни муштлай-муштлай терлаб кўйлаги ҳўл бўлиб кетади. Мен гоҳида унга нишонқўлқоп тутиб тураман, у чапдастлик билан уради, менга ҳам ўргатади.

У чапақай, зарбаси зўр.

Мактаб биринчилигида у биринчи жангни Беркин билан ўтказди.

Иккинчи раунд. Соҳибнинг рақиби – Беркин тинмай хужум қилади, Соҳиб эса ўзига ишонган бир ҳолда пайт пойлаяпти. Беркиннинг юзи бир неча бор очилиб қолди. Қўлим қимирлаб кетди, буни мендан сал нарида Баҳри билан турган Калима ҳам сезибди, уф-ф тортиб: «Урмайдами?!» – деб юборди. Бу гапни Соҳиб эшитиб қолди шекилли, Калимага бир қараб кўйди; сўнг Беркин устма-уст хужум қилавергач, бирдан тўхтаб, рақибининг энгагига бир туширди, сўнг гарангсиб қолган Беркинга зимдан: «Бопладимми?» – дегандек кулиб қаради, қўлларини куш қанотидек ёзиб, рақсга тушди; ҳазили шундай чиройли чикдики, кулавериб котиб қолдик, айниқса Калима яйраб кулди: «У бокс тушяптими, спектаклда ўйнаяптими!» – деди. Мен сезиб туриб-

ман: Соҳиб рақибини ўрганиб бўлди, энди шундай ҳужумга ўтадики... Ҳакам Соҳибни огоҳлантирди, сўнг икки боксчини ўртага таклиф қилиб: «Бокс!» дейиши билан ҳамма: «Воҳх», – деб юборди. Соҳиб Беркиннинг очик қолган қаншарига чапақайлаб чунонам туширдики, Беркин бироз гандираклаб турдию шилқиллаб йиқилди...

Соҳиб танаффус вақтлари синфимиз олдига келиб туради, мендан Калима ҳақида сўрайди, Калима ҳақида гапириб беришимни истайди. Беркиннинг дами ичига тушиб кетган, бошқа бола бўлса тихирлик қилиши турган гап эди, лекин Соҳибга ҳеч нарса дея олмайди, ундан кўрқади. Энди мен муҳаббатимни Калима билан Соҳибнинг муҳаббатига бўлган хайрихоҳлик ҳисларига алмаштиргандек эдим! Соҳибдан Калимани негадир Беркиндан қизғангандек қизғанмасдим. Калимадан бутунлай воз кечганимдан кўра унга хайрихоҳ бўлганим яхши! Шундай қилсам қалбим ҳувиллаб қолмайди, юрагимдаги олов ловиллаб ёнмаса-да, секин милтиллаб туради, мен ўзимни муҳаббатимни дўстликка қурбон қиладиган Гавпалдек ҳис қилардим. Ахир Соҳиб Калимани севиб қолганлигини менга очик-ойдин айтди, шу зайлда иккимиз сирдош дўстга айландик. Достон, Қўлдош ҳам Соҳиб билан иноқ бўлиб кетишди. Соҳиб уларнинг олдида Калимадан гап очмайди, иккимиз қолишимиз билан суҳбат мавзуи Калимага бориб тақалаверади. Калимани илгаригидек қуйиб-ёниб эсламайман-у, бутунлай кўнгил узолганим ҳам йўқ...

*Бу денгизга ким киргуси, ким чиққуси,
Ошиқ қуллар маъшуқидан қолгани йўқ.*

...Бу денгизга мен бутун вужудим билан шўнгидим, аммо маъшуқамга етолмадим! Мен ундан

қолишни истамайман, майли у мени яхши кўрмасин, назарига илмасин, Соҳибни ўзига тенг билсин! Мен уни ҳар куни кўриб турсам бўлгани! Аммо бир воқеа сабабли уни ҳар куни кўриб туришимга илож қолмади.

Эрталаб мактабга кираётган эдим, мактаб дарвозасидан оқ «Газ – 21» кириб келиб, ҳовлида турган директор, ўқитувчилар яқинида тўхтади. Шофёр ирғиб тушиб, машинасининг олдидан айланиб ўтди-да, орқа эшикни очди. Оҳори тўкилмаган кулранг костюм, этик, шляпа кийган Дев қовоғидан қор ёққанча машинадан тушди, бир-икки қадам юриб, белини ушлаганча ҳайкалдек қотди; ўқитувчилардан биринчи бўлиб Нодир муаллим югуриб бориб қўл узатди, энг охирида Эмин Маҳкам истамайгина яқинлашди. Дев директорнинг қўлини қўйиб юбормай деди:

– Сен бўлсанг керак бўйни йўғон директор!

Эмин Маҳкам қўлини тортиб олди, кўкрагини кериб деди:

– Бўйнимизнинг йўғонлиги бошқаларникича эмасдир, ўртоқ котиб!

– Гап қайтарасан-а, яна! Мен айтувдим-ку, болалар далага бориб ажриқ теришиб юборишсин, деб. Ҳамма жон бериб, жон олиб ётсин-у, сен бу ерда болаларни йиғиб, латифа айтиб ўтирасанми? Виждон борми, сенда!

О-ҳо, директорни шундай уришадими? Яна кимсан, Эмин Маҳкамни-я! Эмин Маҳкам асли ўзи тарихчи, талабалигида штанга кўтаришда республика чемпиони бўлган. Унинг салобатидан одам сесканади, лекин хушмуомалалигини билиб унга меҳр қўйиб қоласан. У гапираётганда кўкрагини тўлдириб нафас олиб, сўнг гапиради, мана, у ҳар галгидан ҳам кўкрагини кенгроқ кериб нафас олди:

– Йўқ, туманда виждон ҳам, уят ҳам, жиғилдон ҳам фақат биргина сизда бор!

Дев хиёл бўшашгандек бўлди:

– Сен билан кейин гаплашаман! Ҳозир болаларни шу туришда саф билан тўғри далага олиб чиқасан, ўзинг бош бўласан!

– Саф билан тўғри синфга киради, тегишли жойдан буйруқ чиқмагунча, ўқувчилар далага оёғини босмайди!

– Ҳали шунақами? Биринчи котибнинг гапи бир варақ қоғоз ўрнида ўтмайдими?

– Ўтмайди!

Муроджон ака индамай бош эгган, биляпман аччиғи чиққан, Нодир муаллим эса: «Ундай қаттиқ кетманг!» – дегандек Эмин Маҳкамни туртди, Ботир ака эса директорнинг ёнини олиб деди:

– Тўғри-да, биз маориф вазирининг буйруғи билан ишлаймиз-да!

– Кабир, – деди Дев машинага қараб.

Машинадан хўппа семиз шофёр ирғиб тушди, қўл қовуштириб котибга яқинлашди.

– Бор, маориф мудирини олиб кел! – деди котиб.

– Овора бўлманг, фақат маориф вазири буйруғига итоат қиламиз, – деди Эмин Маҳкам қатъий.

Машинасига қараб зипиллаб кетаётган ҳайдовчи тўхтаб қолди, кейин секин машинаси ёнига бориб турди.

– Яхши, эртага вазирнинг буйруғини оласан! Нега шу пайтгача ёшлар бригадаси тузмадинг?

– Бугун режалаштирганмиз.

Котиб Нодир муаллимга қараб директорга деди:

– Бригадага ўқитувчилардан Нодирни бириктириб қўйинг!

– Хўп, – деди Эмин Маҳкам истамайгина.

Котиб Нодир муаллимга қараб деди:

– Эртагаёқ иш бошла!

Нодир муаллим ўнг қўлини кўксига қўйиб эгилди:

– Хўп бўлади!

Котиб Эмин Маҳкамга аччиқ билан қаради:

– Жиззахни сенларга ўхшаган фитнесчилар орқага судраб юрган экан, майли кўрамиз!

Котиб машинасига ўтириб, қарсиллатиб эшигини ёпди. Машина мактабдан чиқиб кетиши билан директор мийиғида кулиб:

– Дарсга! – деди.

Шу кунни дарсдан кейин юқори синф ўқувчиларининг йиғилиши бўлди. Ўқувчи ёшлар бригадаси тузилди. Бригадир бўлиб Баҳри, мен эса табелчи бўлиб сайландим. Табелчиликка мени сайлашгани Нодир муаллимга ёқмади, аммо у негадир очик қаршилиқ қилмади.

Орадан бир ой ўтиб мактабимиз ўрнида хунар-техника билим юрти очилди. Биз Оққўрғонликдаги мактабга қатнай бошладик. Ҳамма: «Бўри Асом Эмин Маҳкамдан алам олиш учун шундай қилди, йўқса икки юз нафар ҳам ўқувчиси бўлмаган билим юртига минг ўқувчилик мактабни, яна Жиззахдаги биринчи ўрта мактабни бўшатиб берармиди?» – дейди. Оққўрғонликдаги мактаб Калимага узоқлиги учун шаҳардаги мактабга қатнай бошлади. Бунга мен дастлаб хурсанд бўлдим – кўрмайман ҳам, куймайман ҳам! Кейин эса жуда ҳам ўрганиб қолган бир нарсамни йўқотиб қўйгандек қийналиб юрдим, аста-секин ҳижронга кўника бошладим...

*Жонин бериб, сотгун олди севмоқликни,
Чиндур севар мавлим сани, ёлғони йўқ.*

– Отангизга раҳмат, Абдусаломбой! – деган олқишлар эшитилди.

– Мулла Мамазоҳид ака, мана бу китобни бир эшитиб кўринг-чи, бунга нима дейсиз? Абдусалом, бояги китобни бир ўқиб беринг, – деди дадам тоғамга.

– Мулла ака, шунга эътибор беринг-чи, – деб тоғам лавҳ тагидан бир китобни топиб ўқий бошлади:

– Алқисса, бир камбағал йигитнинг ҳеч иши юришмай, бири икки бўлмай қийналар эканким, бир куни бисотидаги бир қўйни сўйиб, худо йўлига бағишлади. Худонинг қудратини қарангки, ул йигитнинг иши юришиб кетди...

– Сабр қилинг, Абдусаломбой, – деди Муҳаммадзоҳид домла салмоқ билан. – Қани у китобингизни кўрайлик.

Тоғам қўшқўллаб китобни домлага узатди. Муҳаммадзоҳид домла китобнинг муқоваларини кўздан кечирди, сўнг варақлади-да, шартта икки-уч варағини йиртиб, бир неча бўлакка бўлиб, бир четга қўйди. Ҳамма қотиб қолди: домла Қуръони карим ёзувида битилган китобни йиртган эди-да!

– Биродарлар, Аллоҳим бу камбағал йигитнинг худойисини мустажоб қилмагай. Ахир айтинг-чи, бисотидаги ёлғиз қўйдан ҳам ажраган йигит қандай қилиб бой бўлиб қоларкан? Агар у бир қўйидан қўзи олиб икки қилганда, Аллоҳим иккисини тўрт қилур эди. Эскича ёзилган экан деб, ҳар қандай китобга ҳам тавоб қилаверманглар!

Даврадагилар бир ҳолда бош қимирлатиб бир-бирларига қараб қўйишди; айниқса дадам хурсанд бўлиб ўтирарди.

Мен энди боғни бир айланиб келай деб, нари юрдим.

Ҳовузнинг яқинидаги майдонда хеш-ақраболар, таниш-билишлар тўда-тўда бўлиб ўтиришибди; ҳар тўдадан икки-уч киши ўчоқ қовлаб палов пиширишга тайёргарлик кўришяпти; нарироқда нишолдапаз,

сомсапазу нўхатшўрак, хўрозканд, ровоч сотувчиларнинг иши қизиган; кабобпаз қўрадаги кабобларни зўр бериб елпиркан, завқланиб: «Кеб қолинг, барра кабоб, еганлар дармонда, емаганлар армонда!» – деб қўяди.

Ховуз бўйидаги садаларга илиб қўйилган кафаслардаги беданалар бири қўйиб, бири сайрайди:

– Вавақ, вавақ, питпилдик, питпилдик...

Созандаларнинг сози борган сари шўхроқ жаранглаб, Хўжағазён узра енгил, қувноқ куйлар қанот қоқмоқда. Майдоннинг кунчиқар томонидаги қайрағочларга илинган ҳалинчаклар атрофига ёшлар йиғилишганини кўриб, ўша ёққа юрдим, ҳалинчак учишни жуда яхши кўраман. Бўш ҳалинчакдан бирини эгалладим.

Ёнимдаги ҳалинчакда лўппи юзли, оқ-сарикдан келган, дўндик бир қиз учмоқда; унинг икки ўрим йўғон қора сочлари гоҳ арқонга чирмашар, гоҳ миқти гавдасини саваларди; ўримдан қочган сочлари шамолда тўзғиб, қизарган юзига урилар, оппок бўйинини қитиклаб завқини оширади, чамаси, у бошини хиёл орқага ташлаб, шундай ёқимли куладик... оҳ унинг кулгиси! Худди кумуш қўнғироқчаларнинг жаранги! Бу гўзал сурат, шодон ҳолат кўз олдимдан гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтади. Мен уни қаердадир кўрганга ўхшайману эслашга ҳаракат қилиб, ҳеч тополмайман; бирдан топдим: у «Сангам» фильмидаги соҳибжамол Радҳага жуда ўхшарди. Ана, кулгичлари, иягидаги чуқурчалари ҳам худди ўзи! Ёпирай, қуйиб қўйгандек ўхшайди-я!

Ҳалинчак арқонига суянганча унга тикиламан, тикиламан... учишни унутганман. Фақат пастдан таниш бир овозни эшитиб ўзимга келдим:

– Хой, Қуддус! Учмасанг, ҳалинчакни бўшатиб қўймайсанми? Ҳи, ҳи...

Қарасам, Ширин мени кузатиб турган экан, индамай арқонни силтаб тортдим. Аста-секин ҳалинчагим тезлашиб кетди, қайрағочни силкитиб баланд-баланд уча бошладим. Юқорига кўтарилиб, ўрнимдан турганимда юрагим кўтаринки бир ҳисдан тошар, ўтириб олиб пастга шўнғиганимда эса ичимда нимадир шувиллаб кетгандек бўлади...

Пастдагиларнинг «Вай, аста учса бўлмайдими?» — дегани кўрқиб ўрнига қайта завқимни келтиради. Энди юқорига кўтарилганимда, худди куёшнинг бағрига бориб тушаётгандек эдим, бу ҳол мендаги қандайдир бир парвоз ҳиссини қондиради.

...Арғамчидан тушганимда оёқларим ерда турганини сезмас, гўё ердан бир қарич кўтарилиб юргандек эдим. Ёнимдаги арғамчида учган қиз менга майингина жилмайиб қараб қўйди.

— Ҳа, Қуддус, Офтобни ҳеч кўрмаганмисан, мунча тикиласан? — Шириннинг бироз зардали, бироз кинояли овози ҳаёлимни бўлди. Қизнинг ёнида Ширин бор экан, кўрмабман. Мен каловланган бир ҳолда қизларга яқин бориб, аввал Ширин билан сўнг Офтоб билан кўришдим:

— Кўп тикилаверма, кўзинг тегади!

— Илгари кўрмаган эканман...

— Илгари кўрмаган бўлсанг, энди тўйгунча кўраверасан, Оққўрғонликдаги мактабдан бизнинг синфга қўшилди.

Мен унга тикилдим, у кўзларини олиб қочди, кизариб кетди.

Бир маҳал унинг кўзлари севинчдан порлаб, Шириннинг билагидан тортди:

— Келинчак!

Майдонга атрофини бир талай киз-жувонлар ўраб олган келинчак кириб келиб, одамларга таъзим билан салом бераётган эди. Қизлар ўша томонга шошилишди.

Келинчак! Юракни ширин туйғуларга бурковчи, нафис, пок сўз! Ўзбек келинчаги! У нақадар жозиба-ли, нақадар нафосатли! Бир қўли билан милдиरोқли рўмолчани юзига тутиб оҳиста эгилиб салом беришлари, юзининг ол-ол ёниши, нозик ҳаракатлари жуда гўзал, кишига шундай завқ берадики...

Болалигимда бу нафосатни бирор келинчакнинг яқинида туриб оғзимга қўл солганимча кузатишим мумкин эди, энди эса келинчакларнинг олдида лол қолиб, узок термилгани уяламан, шунинг учун юриб кетаётиб, узокроқдан ўғринча назар ташлайман. Нега келинчаклар шунчалик гўзал бўлипаркин-а!

Ўйлар билан бўлиб, менга таъзим қилаётган келинчакни сезмай қолибман, иккинчи марта таъзимга бош эгаётганда билиб қолдим. Э-ҳа, бу ўша, пахта теримида қўшиқ айтган қиз – Қандим опа-ку! У табелчи Тоштемир акага турмушга чиққанди. Бахтли бўлишсин!

Бироздан сўнг полвонлар кураши бошланди, сўнг дорбозчи ҳунарини кўрсатишга чиқди...

Хўжағазёндан қайтаётганимда лўппи юзли қизгина хаёлимдан ҳеч кетмас, руҳим ажиб бир сархуш ҳолда эди.

5

Тонготарда дарвоза шитоб билан тақиллади. Ховлида мендан бошқа ҳеч ким йўклиги учун кичик табақани очиб ташқарига қарадим. «Вилис» машинаси ёнида Орзиқул амаким турарди, чиқиб саломлашдим.

– Қуддус, даданг уйдами? – деди Орзиқул амаким шошилиб.

– Ҳа, уйда.

– Хайрият, тез чақир!

Кўйларга ем бериб келаётган дадамга Орзикул амаким чакираётганини айтган эдим, у кўл ювгичда кўлини ювиб сочиққа артиб ташқарига юрди.

– Мусо ака, анави кўк костюмингиз бор-ку, тез ўшани кийиб чиқинг, – деди Орзикул амаким салом-аликни қисқа қилиб.

– Тинчликми?

– Катта Самарқандга ўтаётган экан, сизни йўлга чиқиб турсин, дебди. Билишимча ўша ёққа бирга олиб кетса керак.

– Нега?

– Қолганини йўлда тушунтираман.

Дадам унга маъноли қараб қўйдию шошилиб ичкарига кирди...

Орадан уч кун ўтгандан сўнг Орзикул амакимнинг ташрифи сабабини тушуниб етдим. Дадам Самарқанддан қайтиб ечиниб уй кийимини кийиб чиққан эди ҳамки, ҳовлига Орзикул амаким кириб келди; куюқ сўрашдилар, супадаги кўрпачага ўтиришди, дастурхон ёзиш баҳонасида супадан узоқлашмай гапларини тинглардим; улар ўзаро суҳбатга шунчалар берилиб кетишгандики, менга мутлақо эътибор беришмасди, ошхонадан аям узатган чойнакни олиб келиб чойни қайтариб пиёлаларга қуйиб бердим-да, супанинг бир четига қўндим.

– Хўш, Улуғ ака сизни ўзининг ёнига таклиф қилдию «ЗИМ»да Самарқандга жўнадиларинг. Котибнинг кути ўчиб қолди. У мени четга олиб: «Тайинлаганмисан?» – деди, мен бош ирғаб жавоб бердим. Улуғ ака сизни сўраганда Бўри Асом: «Тополмадик», – деган экан. Қандай бўлмасин топасизлар дегач, кўр сахарда мени чақирди: «Акангни топиб кел, Улуғ ака сўраяпти. Кейин тайинла, майда-чуйда гапни гапириб юрмасин, ўзим ёрдам бераман!» – деди. Сизни топдим, кетдиларинг, кейин...

...Соат йигирмадан ошди, кабинетдан чикмоқчи бўлиб турган эди ҳамки, ўнг томонидаги мизда алоҳида турган, биқинида Иттифокнинг катта тугроси бор телефон каттиқ жиринглади. Улуғ Зоҳир чўчиб тушди.

«Ё пирим! Тинчликмикан? – деб ўйлади. – Марказдан бундай пайтда жуда кам телефон бўларди-ку?! Ишкилиб, Катта маст бўлмасин-да, мастлигида нима деб жавоб беришга қийналаман, ло ҳавла...»

Ўшакни кўтарди:

– Здравствуйте, Никита Сергеевич!

– Здорово Улугчик, хорошо что ты у себя. В Бухаре гроб святого Бухари имеется?

– Да, Никита Сергеевич, но он не в Бухаре, а в Самарканде (Хайрият маст эмас, ширакайф – гаплашса бўлади).

– Какая разница, Улугчик, вот один араб – мой гость, хочет навестить.

– Хорошо, Никита Сергеевич! Но одна просьба, если можно он пусть прилетает через два дня, а я там порядок навожу.

– Да, наверно сам не знаешь, где этот гроб?

– Я знаю, Никита Сергеевич!

– Тогда, ничего подобного, он послезавтра будет в Ташкенте, пусть занимается с ним, а ты прилтай сюда, важное совещание есть.

– Хорошо, Никита Сергеевич!

«Ха, Никита Сергеевич қарзини узмоқчи, – деб ўйлади Улуғ Зоҳир. – Қай бир араб ўлкасига борганда бир араб бойи Хрушчёвнинг тантиқ ўғлига жуда қиммат араби от совға қилган. Шу бойвачча Москвага келган, деб эшитгандим, У Бухорони кўргиси келиб қолгандир. Аммо нега Имом Бухорийнинг қабрини зиёрат қилмоқчи? Ё у шўродан қочиб у томонга ўтиб кетган ўзбекларданмикан? Майли, ким бўлса ҳам келганда кўрармиз. Исмоил ал-Бухорий! Эҳ, у Имом Бухорийни қандай билмасин?!»

...Чакалоқ чинқириб йиғлади, аммо кўзлари нурни яхши сезмаётган эди, кейинроқ Исмоилнинг кўзи мутлақо кўрмай қўйди. Шунда онаизор: «Эй Аллоҳим, ўзинг мадад бер, менинг ўғлим илми, фозил инсон бўлиши керак. Фақат ўзингдан сўрайманки, унинг кўзи очилсин!» – дея тинмай илтижо қилди – топинди, ҳар куни тонготарда кўкрак сутидан ўғлининг кўзига томизди; онаизорнинг илтижолари Аллоҳга етди – бир неча йиллар ўтиб Исмоилнинг кўзи очилди. У беш ёшида Қуръони карим хофизи бўлди. Улуғ мадрасаларда таълим олди. Бутун кудратини Қуръони карим илми, ҳадисларни тасниф этишга сарфлади. Бутун дунё унинг китобларини чанқоқлик билан ўқийди – кўзига суртади.

Улуғ Зоҳир араб ёзувини дўрустгина билгани учун Имом Бухорийнинг дадам берган ҳадис китобларини қониб ўқийди, ўз ҳаёт сулугини шу пурмаъно ўғитлар нури билан ёритишга интилади, яширин! Бухорийнинг бир ҳадиси ҳеч ёдидан чиқмайди: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй парвардигор, мени қабр ва ўт азобидан, ҳаёту мамот ҳамда Масих Дажжол фитнасидан сақлағил, деб сенга илтижо қилғаймен!» – дер эдилар». Улуғ Зоҳир неча йилдирки, шул нурли қалқон билан не бир балолардан, не бир фитналардан қутулиб республикани бошқариб келмоқда...

Индинга меҳмон келса, Бухорий қабри хароб холда-ку! Улуғ Зоҳир Челақка борганда кўр сахарда ҳеч кимга сездирмай ғарибгина мақбарани зиёрат қилди, атрофида одам бўйи шўралар ўсиб ётганини, деворлари ёрилиб, таги нураганини кўриб ичи ачиди; сўнг вилоят котибига ортиқча гап қилмай таъмирлаб қўйишни буюрди. Ҳозир ҳам шу аҳволдадир. Менга қолса, мақбаранинг ҳамма ёғига мармар коплатиб ярақлатиб қўяман, бироқ меҳмон бир кун-

га келиб-кетар, уни обод қилсам, мачитларда кино кўрсатаётганлар устимдан ёзишмасмикан? Ахир, Никита Сергеевични ҳам боғлаб бериб қўйгани йўқ. Барибир бироз тартибга солиб қўйган яхши. Москвага учиндан илгари бориб келаман.

У Вазирлар Кенгаши раисига топшириқ берди, Жиззахга сим қокди: «Мусо акани топинглар, йўлга чиқиб турсин!»

Улуғ Зоҳир йўл бўйи дадамдан унинг ахволи, Жиззахдаги, чўлдаги ишлар, котиб ҳақида суриштиради. Челаққа яқинлашганда эса Хрушчёв билан телефондаги суҳбатни гапириб беради.

– Мусо ака, домладан сўрасам Имом Бухорий ҳақида сизчалик билмас экан, шунинг учун бугун шу ерда қолсангиз, ёзувларни ўқиб, изоҳлаб берсангиз. Эртага меҳмон келганда яна домлалар қизариб ўтиришмасин. Мен ҳозир орқага қайтаман, Москвага учишим керак, – деди Улуғ Зоҳир.

– Маъқул, Улуғжон, маъқул.

...Биринчи котиб – Ашир Мансурнинг ўзи бу ердаги ишга бош-қош, бироқ Имом Бухорий макбараси атрофидаги ўтлар ҳали ўриб бўлинмаган, киришдаги ажриқларни беш-олти одам чопяпти.

– Бу аҳволда эртага улгурмайсизлар-ку, ўрток Ашир Мансур! – деди Улуғ Зоҳир.

– Ҳозир яна одамлар келади, албатта улгурамиз, – деди котиб.

– Қаранг, агар бизни шарманда қилсангиз, партия билетингиз билан жавоб берасиз!

– Ўлсам ўламанки, сизни подводит қилмайман, Улуғ ака!

Зиёратга кирдилар. Қайтиб чиқишгач, Улуғ Зоҳир биринчини бир четга олиб қорамалдоғини нуқиб-нуқиб унга нималардир деди – узоқ гапирди. Сўнг тезгина жўнаб кетди.

Меҳмонни атайлаб кечиктириб, йўл хавфли, деб Самарқандгача поездда, буёғига енгил машинада олиб келишди. Бу ерга электр симлари тортилмагани учун иккита тракторни тариллатиб чироқларини ёкиб қўйишди. Кучли ёруғликда мақбара ажиб бир сирли кўринар, кундузи билиниши мумкин бўлган айбларини яширган эди. Ана меҳмон машинадан тушди. У бошдан-оёқ оппоқ кийимли, ўртадан баландроқ бўйли, қорамағиздаи келган бир киши эди. У қарши олган одамлар билан сўрашмасданам мақбарага қарадию бирдан эгилиб қуллук қилиб тиз чўкди, мақбара остонасигача шиддат билан тиззалаб борди, остонага бағрини бериб тавоб қилди, дахмага тушганда эса қабрни қучганча қабртошни ўпиб изиллаб йиғлади – бўзлади, бўзлади... Дахма керосин чироғу шамлар билан ёритилган эди, у йиғлаганча қабртошдаги ёзувларни диққат билан ўқиди, яна изиллаб йиғлади...

Дахмага меҳмон билан бирга кирган биринчи, домла, ўрис тилмоч, дадам сукут сақлаб туришади. Ниҳоят у бошини кўтариб кўз ёшларини артади, тилмочга қараб нимадир дейди, тилмоч биринчига қараб таржима қилади:

– Меҳмон айтяптики, бу ернинг эгасидан илтимос, буюк устознинг дахмасини менга берсин, самолёт билан олиб кетаман. Ўрнига шу дахма оғирлигининг икки баробарида тилло бераман.

Биринчи бир зум ўйланиб қолиб жавоб берди:

– Меҳмон хафа бўлмасин, бу дахма халқнинг ноёб ёдгорлиги. У халқники, уни ҳеч кимга бера олмаймиз. Бу ерда ўзимиз яқинда катта зиёратгоҳ кураимиз.

Тилмоч таржима қилади, араб яна нимадир дейди, тилмоч таржима қилади.

– Буюк устознинг қайси бир китобларини билурсизлар? Уларни мактабда ўқитишадими?

Биринчи нима дейишини билмай бир тилмочга, бир домлага боқади, домла эса дадамга имлайди. Шунда дадам арабча жавоб беради. Меҳмон ялт этиб дадамга қарайди, ташқарига чиққанда ҳам дадамни қўлтиқлаб олиб Исмоил ал-Бухорийнинг асарлари ҳақида анча мусоҳаба қилади. Охири дадамни кучиб хайрлашади, зиёфатга ҳам ўтирмай жўнаб кетади...

– Улуғнинг сиз ҳақингизда фикри яхши, – деди дадам ҳикоясини якунлаб.

– Сиз мақтовни келиштиргандирсиз-да, – деди Орзикул амаким енгил хўрсиниб. У дадамдан бир шу гапни кутиб интиқ бўлгани билиниб турарди.

Дадам сирли кулиб қўйди.

* * *

Синфга илдам кириб келган Муроджон ака одатдагидек журнални столнинг бир четига ташлади-да, тик турганча менга қараб қолди, кейин кулиб юборди, ўзини тўхтата олмай мириқиб кулди.

Синфдошларим эса ҳайрон, қўшилиб кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билмай!! Ўзим эса яна нима гап бўлдийкин, деб хавотирланиб турдим.

– Қуддус, шу раис бечорани отдан йиқитганингдан бери ҳеч ўзини ўнғара олмаяпти!

Синфдошларим энди қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди, менинг ҳам қўнғлимдан ғубор тарқаб енгил тортидим.

...Раисни отдан йиқитганимдан кейин, орадан ўн кунча ўтгач, Муроджон ака мени милицияхонага олиб борди; ориқ, ранги заҳил бир киши мени тергай бошлади:

– Раисни ур, деб сенга даданг ўргатдимиз? Отанг: «Раисни урсанг, сен ҳали ёш боласан, сенга ҳеч ким ҳеч нарсa дея олмайди», деб ўргатган-а!

– Йўқ.

– Мени лақиллатма, бўлмаса сен шундай катта одамни уриб отдан йиқитармидинг?! Даданг ўргатган-да. Мана қоғоз, ручка, мен айтиб тураман, сен ёзасан, ёз!... Ёз куни раис – Соли боғимизни буздирмоқчи бўлди...

Мен иккиланиб, бир терговчига, бир Муроджон акага қарадим. Муроджон ака бошини ҳам қилиб ўтирибди, истар-истамас ёза бошладим.

– Ўзини ҳам, ёз, отини ҳам савалайсан, деди, ёз.

– Дадам ундай дегани йўқ-ку!

– Ёзавер, сенга ҳам, дадангга ҳам ҳеч нарса бўлмайди, озгина жарима тўлайсизлар, холос, – деди терговчи тилёғламалик билан.

– Нима қиласиз болани чалғитиб?! Қуддус, воқеа қандай бўлган бўлса, шундай ёз! Бир сўз ҳам қўшма, – деди Муроджон ака аччиқланиб.

– Домла, мен сизни кузатиб ўтириш учун чақирганман, тергов қилаётганимда аралашиш учун эмас! Бир обрўли рахбар бунинг ифвогар отасию ўзи туфайли умуртқасидан лат еб тўшакда ётиб қолган. Раисдан кечирим сўраш ўрнига бунинг отаси раис устидан тухмат, бўхтонлар тарқатиб юрибди! Мен бу болани ҳозироқ қаматиб қўйишим мумкин!

– Ука, дўқ-пўписа қилмасдан, қўрқитмасдан, қонун йўли билан иш кўраверинг! Шунинг учун ҳам қонунчилигимизда ўқувчи ўқитувчи иштирокида тергов қилинсин, деб ёзиб қўйилган!

– Жа қонунни яхши биларкансиз, керак бўлса ҳозироқ прокурордан санкция олиб қамаб қўяман бу жипирикни!

– Ука, яна бир бор айтаман, қонун йўли билан иш тутинг, аммо қўрқитманг! Ё бошлиғингизга кирайми?

Терговчининг бирдан дами ичига тушиб кетди. Кейин мен бўлган воқеани батафсил ёзиб, терговчининг саволларига жавоб бердим.

Йўлда келаётганимизда Муроджон ака гапириб берди:

– Дадангни Улуғ ака бирга Самарқандга олиб кетганини эшитиб раису котибнинг юраги ёрилган, «Бизни фош қилиб ташласа нима бўлади?» деб. Шунинг учун боғларингни қайтиб беришди. Энди сенга ҳам, дадангга ҳам бир ёмонлик қилишолмайди, фақат дадангнинг тилини қисиб олишмоқчи!

Орадан шунча гаплар ўтган экан-у, дадам менга бир оғиз ҳам гапирмабди-да!

Шу бўйи мени терговга бошқа чақиришмади. Муроджон ака ҳозир шунга ишора қилаётган эди. У гапида давом этди:

– Қуддус, бугун раис сенга мени элчи қилиб юборди. Даданг билан кўпчилик чўлга кетиб, қишлоқдаги бригадада одам кам қолибди. Шунинг учун сен шу бригадага ишга чиқа қол. (Ўқувчи ёшлар бригадасида ишлаётганимга икки ҳафта бўлмай аввал Тўра кемшик билан, кейин эса Нодир муаллим билан келиша олмай қолдим. Тўра кемшик омбор мудирликдан ишдан олиниб ўрнига яна Уста бобо қўйилган. Тўра кемшик ёшлар бригадасига маслаҳатчи қилиб жўнатилган эди. Экишга ер тайёрлаётганимиз учун кечаси дала шийпонида ётиб қолардик. Бир кун кечаси аллақандай шовурдан уйғониб кетдим. Бош кўтариб қарасам Тўра кемшик озик-овқатлар турадиган хонадан пақирни авайлаб олиб чиқяпти. Ўрнимдан ирғиб туриб олдига бордим:

– Ҳа амаки тинчликми?

Тўлиной шийпоннинг айвонини ёритиб турарди.

– Отни суғоришни унутибман. Шунга...

Пақир тўла эди, энгашиб ҳидладим – димоғимга пахта мойининг ҳиди урилди:

– Отни мой билан суғорасизми?

– Ия, сув деб ўйлабман.

– Сув ховузда, бўш пақир ўчоқ бошида!

Тўра кемшик ноилож пақирни ичкарига олиб кириб қўйди. Шундан кейин озиқ-овқат турадиган хонани қулфлаб юрадиган бўлдим.

Иш ҳақи ёзаётганда эса Нодир муаллим билан келиша олмадик. У табелга ишламаган тўрт одамни қўшиб ёзишимни сўради: «Бари бригадир посира билан кун кўради!» – деди. Мен кўнмадим. Кейин муаллим тўнини тескари кийиб олди. Мени табелчиликдан бўшатмоқчи бўлди, аммо Эмин муаллим бунга рози бўлмади. Энди Нодир муаллим раисни ишга солган кўринади.) Иннайкейин, у ерга Зумрад опанг бригадир бўлди. Нодир муаллимнинг билан ўзим гаплашаман.

...Дадам чўлга, мен ёшлар бригадасига кетганимиздан кейин аям молларга қарашга қийналиб қолганди. Қишлоқдаги бригадада ишласам унга ёрдам бераман. Э-ха, Зумрад опам бригадир бўлибдида! У билан Дев ҳақида қишлоқда гап кўпайиб кетган эди. Унинг дўконда ишлаётган эри – Фахри акани жуда катта камомад қилгани учун саккиз йилга қамаб юборишди. Бунда Девнинг қўли бор дейишади. Зумрад опа Девга сира ён бермаётган эмиш. Энди қандай, бригадир бўлиб қолибди?! У билан ишлаш менга қизиқ туюлди. Мен рози бўлдим.

Ўтган гал Муроджон ака дарсга кирганда Зумрад опанинг хўжаликка ишга ўтганини айтиб (лекин, бригадир бўлганини айтмаганди) шундай деганди:

– Болалар, Зумрад опаларингнинг хонасидаги «Ёшлик» кутубхонасини саккизинчи синф ўқувчиларига бердик. Сизлар эса олган китобларингни ўз вақтида топширинглар. Яхшигина кутубхона, шу тарқаб кетмасин!

Зумрад опа ўзи яхши кўрган китобларни қайлардандир йиғиб жамоатчилик кутубхонаси ташкил қилганди, биз бу ерга бориб янги чиққан китоб-

лардан олардик, суҳбатлашиб ўтирардик. Айниқса, Зумрад опа бўлса суҳбатимиз кизирди.

– Кутубхонага Офтоб қараркан-а, муаллим, – деди кутубхонага тез-тез бориб турадиган Баҳри. У янги китобларни жону дили билан ўқир, кўпинча менга гапириб берарди.

– Ҳа, Офтоб Зиёвиддин кизи бу кутубхонани бошқаради.

Сўнг домла дарс бошлади...

...Офтоб! Унинг номини эшитишим билан юрагимга ажиб бир илиқлик югурди, жилмайиб турганча менга қараётгани кўз олдимга келди! Эҳ, уни илгари кўрганимда Калимага ошиқу беқарор бўлиб, ўзимни қийнаб, шармандаи шармисор ҳолга тушмасмидим. Мен ҳар қанча яширмай, Калимани севишимни Қўлдош билиб олибди, ундан кейин бошқалар... Хатто Умри опам ҳам Калимага ишора қилиб ҳазиллашди: «Шу қизчани ўзим олиб бераман, сенга!» деб.

Ошиқу беқарорлигимни ҳамма билди-ю, Калиманинг ўзи сезмади. Шунча унга тикилиб қарашимдан, бойчечаклар териб келишимдан ҳам билмади! Балки сезса ҳам атайлаб шундай қилаётгандир. Мен ўзимни у севган киши билан дўстлашиб овутмоқчи бўляпман-у, аммо ҳар гал уни кўрганимда ғалати бўлиб кетаман, дўстимга ҳавас билан қарайман-у, ичим эзилади, аммо Калима ҳеч нарсани билмагандек ҳазил-ҳузул билан гапирганда кўнглим хиёл ёришиб, аччиқ ҳислар унут бўлгандек туюлади, гоҳида сирли бир қараб қўяди, шунда бу қиз севишимни билади, деб ўйлайман. Ҳа, сезади, сезади-ю, сезса ҳам назар-писанд қилмай ўзини дўстимга бахш этди. Уларнинг яқинлиги энди кўпчиликка ошкор бўлиб қолди: бирга кинога тушишибди... У бошқалар билан апоқчапоқ юрибди-ю, мен Офтоб ҳақида ўйлашнинг ўзиёқ муҳаббатга хиёнат деб, қийналиб-ўртанаман. Нега-

дир кейинги кунларда Офтобни тез-тез ўйлайдиган, унинг ширмойнондек чехрасини хиёл жилмайдиганда кулгичлари чуқурлашиб, чиройли иягида ҳам чуқурча пайдо бўлган ҳолда кўз олдимга келтирадиган бўлиб қолдим. Лекин барибир, Калима севгига хиёнат қилди, мен эса бундай қилмаслигим керак, деган бир ўй мени жиловлаб туради.

Хар куни қизлар билан волейбол ўйнаймиз. Қўлдош ҳам, мен ҳам волейболни яхши ўйнай олмасдик, қизлар уйига қайтгандан сўнг ҳам иккимиз қолиб анча машқ қиламиз, хар қалай энди қўлимиз келишиб қолди, туш уришни ҳам ўрганиб олдик.

Эрталаб спорт майдончамизни кесиб ўтиб, мактабга кираётгандим, доира бўлиб волейбол ўйнаётган ўқувчилар орасидаги Офтобга кўзим тушди. У дугонасининг елкаси оша менга қараб турарди. Юрагим ғалати бўлиб кетди.

– Офтоб, тўпга қарасанг-чи, нима, Қуддусни кўрмаганмисан! – деган товуш эшитилди. У бирдан қизариб, ўзига ташланган тўпни тезда уриб юбориб:

– Ўл, Беркин, мен Ширин дугонамга қараяпман, – деди.

Дарвоқе, Ширин билан бирга келаётгандик. У кулиб менга секин деди:

– О, Офтоб дугонам бугун жуда очилиб кетибдими! Ҳи, хи...

Мактабга кирдик. Дарс бошланганда волейбол ўйнаётган Офтобнинг чехраси кўз ўнгимдан нари кетмади. Калиманинг ўрнига қарадим: у йўқ эди. Калиманинг чехрасини кўз олдимга келтирмоқчи бўлдим, аммо сиймоси назаримда негадир хиралашиб қолгандек! Офтобни ўйлашим билан ярқ этиб офтобдек жилваланиб турган гўзал чехра кўз олдимга келди... менга нима бўляпти, ўзи?..

Танаффус. Ташқарига отилиб чиқмоқчи бўлдим, хаёлимда Офтоб бояги жойда тўп ўйнаётгандек эди.

Синфдан чиқишим билан долон деворига суяниб
Ширин билан қўл ушлашиб турган Офтобни кўрдим,
у менга бир қараб қўйдию Ширинга нимадир деди,
гапини эшитмадим, аммо кўнглим шундай сизди: у
мен ҳақимда гапирди. Шартта уларга яқинлашдим,
унга қўл узатишим билан дув қизариб кетди, кафти
юмшоқ, иссиқ эди, қўлини қўйиб юбормагунимча
тортиб олмади.

– Мен ҳақимда нималар деяпсиз, Офтобой! – де-
йишим билан яна дув қизариб, кафти билан оғзини
беркитди:

– Вай ўлай, эшитиб қолдингизми?

– Ҳа энди, жирафа эмасман-ку!

– Эрталаб уни жуда уялтиришди-да, Қуддус, хи,
хи... – деди Ширин кулганча шошиб, дугонасини
ноўнғай ҳолатдан қутқазиш учун, сўнг менга ғалати,
сирли қараб қўйди.

Бир бор севгида мағлубиятга учраш, иккинчи
бир ҳолда одамнинг жасоратини ошириб юборади,
шекилли, тап тортмай дедим:

– Уялтирганича борми, ахир!

– Ия, Қуддус, киз болага шунақа дейдими одам, –
Ширин қорамалдоғи билан пўписа қилганча, дугона-
сини қўлтиқлаб сал нари кетди.

Мен елка учуриб атрофга қарадим: болалари-
мизга бир нарса бўлганми, ўзи? Кулгили бир ҳол:
ўғил болаларимиз саккизинчи синф эшиги олдида
қалдирғочдек тизилиб олишибди.

Достонбой Қўлдошга қараб, ўзича берилиб шеър
ўқияпти:

– Қўлимдаги пиёла,
Ичи тўла гул, лола.
Нари тулинг, эй бола,
Уялади қиз бола!

У шеърини Қўлдошга қараб айтаяпти-ю, Лола долонда туриб, безовталаниб, ўзини қўярга жой тополмайди, қизаради, нима қилишини билмай Ширинга яқинлашиб бармоғини ўйнайди. Тавба, у жуда очилиб кетибди! Ўнинчи синф ўқувчиларининг бириккиси бизнинг синф эшигидан мўралаб-мўралаб қўйишади. Ичкарида Баҳри билан Саломат нима ҳақдадир қизғин гаплашиб ўтиришибди.

Бир гуруҳ болаларимиз эса саккизинчи синф қизлари билан волейбол ўйнашяпти-ю, тўп билан ишлари йўқ. Ҳадеб қизларга гап отишади, қизлар ҳам «Боринглар-эй!» – деб синфга кириб кетмасдан кулишиб тўп ўйнашади, ора-сирада болалар орасидан ўзларига ёқадиганига сездирмасдан қараб қўйишади.

Офтоб Ширин билан гаплашиб туриб менга бирикки қараб қўйди, мен унга ҳазиллашгим келди-да, туйқусдан миямга келган жумлани қисқа ўйлаб Ширин билан Офтобнинг яқинида Лолага гап отиб турган Достонга дедим:

- Достон, бир топишмоқ айтсам, топасанми?
- Қани айт-чи?
- Қизаради, оқаради, жилмаяди, кулмайди, топчи, ким?

Достон бир менга, бир Офтобга қаради, ортиқча иккиланмай деди:

- Оsonу топишмоғинг, ахир бу Офтоб-да!

Йигит-қизлар қийқириб юборишди.

Офтоб эса югурганча синфига кириб кетди.

Қўнғироқ жиринглади, кулгили ҳолга «вергул» қўйилди.

6

Якшанба куни эрталаб Достон: «Ишга чиқасанми?» – деб чақириб келди. Дадам Зумрад опанинг бригадасида ишлашимга қаршилик қилмади, қайта:

«Сенинг шу ерда бўлганинг яхши, мол-ҳолга қараб турасан», – деди. Мен ҳафсала билан теваляб, эговляб, керосин суртиб қўйган кетмонимни олиб далага отландим. Достон билан кетмонни ярақлатиш соз бўлиши хусусида мудом мусобақалашамиз.

Тор кўчалардан ўтиб далага чиқиб олдик. Бригаданинг шундай кишлокқа яқин саккиз гектарлик майдонида Сайид ака, Мусулмонқул ака, Зумрад опа ва бир қанча аёллар, уларнинг орасида Ширинга ҳам қўзим тушиб қолди, саф тортишиб ер текислашаётган эди.

Бизни кўриб Зумрад опа бир зум тўхтади:

– О! Қаранглар, Достон кимни бошлаб келяпти!

Зумрад опанинг чехраси ёришиб мен билан қўл бериб кўришди.

– Ҳа энди, куёв келгандан кейин сиз суюнмай, ким суюнсин! – деди Сайид ака.

Хамма қаҳқаҳа урди, ўзим ҳам, Зумрад опа ҳам.

– Шундай куёвинг бўлса, севинмай бўладими, қаранг бўйи мендан ўсиб кетибди. Дадасига ўхшаган полвон бўлади, шекилли!

– Ҳа-да, от ўрнини той босади-да, – деди Мусулмонқул ака.

– Хўп, бу ерда одам кўп, сизлар нариги чуқурни текислай қолинглар, қани юринглар, – деб Зумрад опа бизни аъзолардан анча наридаги чуқурроқ жой олдиға олиб боргач, ўзи ҳам менинг шундай ёнимга тушиб кетмон ура кетди.

– Қуддусжон, шу ҳафта чигит экиб олсак, марра бизники. Кўряпсанми, одам оз! Сени, Мусулмонқул акани ҳам, яна уч-тўрт эркакни раисга айттириб олиб келдим. Ким билади, бу йил қандай бўларкин? Ишқилиб шармандам чиқмаса?!

Шу зайлда Достон борлигини ҳам унутиб, иккимиз суҳбатга берилиб кетдик.

– Бригадирликка сизни Дев қўйдими?

– Ия, нима деяпсан? У аблахни ўша куни сен билан қочиб чиққанимиздан бери тасдиқ пайти кўрдим, холос! Ҳар кўрганда кўзини ўйиб олсам дейман!

– Ким билади, одамлар шундай деб ўйлашяпти!

– Йўғ-ей. Ахир мени бу ишга тумандан Тама-ра опа йўлланма билан жўнатди, ёшлар бригадаси бўлади, деб. Тўғрисини айтсам, Қуддус, билмайман, сен мени тушунасанми, йўқми, бир катта иш қилгим келади, шунинг учун ҳам рози бўлдим, кейин бригадир бўлиб ишласанг, далага катталар қўп келади, улардан эрингнинг гуноҳини сўраб оласан, дейишди. Шунинг учун қайнотам ҳам рози бўлди. Кеча радиодан анави аблах котиб бор-ку...

– Ўша Девми?!

– Ҳа, Дев-да, бизнинг бригадани мактаб гапирибди, экишга тайёр, деб. Еримизнинг ярми ҳам тайёр бўлгани йўқ эди. Кейин раис уялиб тракторни бизнинг бригадага ташлади, тайёр бўлмаган шу ер қолди, холос. Эртага бу ерга ҳам мола босамиз, шу билан тайёр!

– Ишқилиб Дев ёрдам бериб турибди экан-да!

– Йўқ! Раис ёрдам берди. Лекин илгаригидек ўзларини жуда осмон фаҳмлашмайди, даданг Тошкентга бориб, Улуғ аканинг олдига кириб келгандан бери сояларидан кўркадиган бўлиб қолишган. Мен билан ҳам жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилишади, ўгай бўлса ҳам Орзиқул раиснинг қизи ахир, дейишса керак-да! Орзиқул амаким мени ҳам ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлди, мен қўнмадим. Қайнона-қайнотамнинг олдидан бир қадам ҳам жилмайман, дедим. Бу гап уларга маъқул бўлди. Орзиқул амаким мен ҳақимда раисга ҳам, ўша Девга ҳам жуда каттиқ гапирибди, шармандаларингни чиқариб юбораман, дебди!

– Улар Орзиқул амакидан ҳайиқишадими?

– Билмадим, лекин энди менга ҳеч ким тегажовғлик қилаётгани йўқ. Орзиқул амаким бригадамизга тез-тез келиб, нима иш қилиш кераклигини айтиб турибди. Ана шунақа гаплар, Қуддусжон!

– Муроджон ака, тунов кун сизни, ташкил қилган кутубхонангизни мақтаб гапирди. Мени сизнинг бригадангизга чиқиб ишлашимни ҳам Муроджон ака илтимос қилди.

– Сени раисга мен айтганман. Муроджон ака яхши одам. Аммо анави Подирдан худо сақласин!

– Ҳозир у ҳам анча паштидан тушиб қолган, болаларга ҳам илгаригидек қўполлик қилмайди.

– Каттага ялтоқланиб юради, Эмин ака нима қияпти?

– Мактабни барибир ўз жойига қайтариш, тиклаш учун югуриб юрганмиш.

– Дев туманда турса бунга йўл қўймайди-ёв!

– Эмин домла ҳам бўш келмайди.

Гап-гап билан бўлиб трактор хайдаганда ҳосил бўлган чуқурни текислаб қўйганимизни ҳам билмай қолибмиз. Учаламиз бошқа майдонга ўтиб ишлаётган аъзолар томон юрдик.

– Қуддус таътилда Сайид ака билан сув тутасан, Достон Мусулмон ака билан.

– Мен ҳам Қуддуслар билан сув тута қолай, – деди Достон кетмонини елкасига ташлаб.

– Йўқ, кўрдингми ўзи бригадада эркак оз. Ахир кечаси ҳам далада ётиб қолинмаса бўлмайди. Шунинг учун кундуз кунга ёнларингга биттадан аёллардан ҳам бераман. Кейин биз камида беш жойдан сув олишимиз керак, ўшанда ўн кунга қолмай биринчи сувдан чиқарар эканмиз. Достон, Мусулмонқул аканг билан ишлашни хоҳламасанг, Мўмин бобонгнинг олдига бора қол! Бу ерга Нарзиқулни жўнатамиз.

– Қуддус билан бирга ишласак девдим-да!

– Айтдим-у эркаклар кам деб. Мусо амаким хам бари эркакни чўлга олиб кетиб қолди-да!

Зумрад опа менга кулиб қараб қўйди. Кейин у кетмонини Сайид акага бериб, маълумот топширгани идорага кетди.

Қуёш ботишига яқин уйга қайтаётганимизда нимасинидир излаб орқада қолган Ширин кулиб:

– Қуддус, кетиб қолма, бир ўзим кўрқаман, – деди.

Мен уни бироз кутиб турдим, Нарзикул аъзолар билан гаплашиб анча нари кетибди. Ширин келавермагач, унга яқин бордим, у менга ғалати шўх назар билан қараб-қараб этигини ечиб қайта кийди:

– Вайй... пайтавам уйилиб қолиб, оёғим чақа бўлибди, юрсам оғрияпти.

– Бўлмаса кўтариб кета қолай!

– Сенинг кўтарадиганинг бошқа!

– Ким экан?

– Ўзинг яхши биласан-ку, Офтобой-да!

Унинг номини эшитишим билан юрагимга бир иссиқлик югурди.

– Айланиб, атрофидан кетолмай қолдинг-ку!

Мен индамадим.

– Мени эсламайсан ҳам!

Мен яна индамадим.

– Қўлимдан тортвор-чи!

Узатиб турган қўлини маҳкам ушлаб тортдим.

– Войй... – деганча сўлқиллаб туриб шундай яқинимга келиб қолди.

– Жинни! Шундай қаттиқ тортасанми? – у нозли зарда билан қўлини тортиб олиб елкамга бир урди. – Кичкиналигимдагидек янтоққа йикитиб юборардинг, жинни!

...Болалигимизда боғнинг бир четидаги сада тагида Ширин билан «келин-куёв» ўйнардик. Мен келинни кўтариб чимилдикқа олиб кираман деб,

янтоқ устига йикитиб юбордим, у бағиллаб йиғлади, анжир бериб зўрға овутдим. Ширин шунга ишора қилганди...

- Яна йикитворайми?
- Энди кучинг етмайди!
- Шунақами?

Бехосдан у кўкрагимдан итариб юборди, орқамда кетмон турган экан, унинг дастасига тўқнашиб йиқилишимга сал қолди. Ўзимни ўнглаб олдимда, ура қочган Ширинни қувиб, икки билагидан маҳкам сиқиб бир-икки силкидим, бошидан рўмоли тушиб, сочлари тўзғиди. У бошини орқага ташлаганча кикирлаб куларди.

- Бўлди, бўлди, Қуддус!

Унинг юзи қизариб кетган, антикиб нафас олар, сўлқиллаб кучсизгина юлқинар эди. У шу найтда жудаям чиройли бўлиб кетганди...

Бир маҳал у:

– Қўйвор жинни, биров кўриб қолади! – деди сирли бир оҳангда.

Қўлларим бўшашиди. Кейин иккимиз нарсаларни йиғиштириб, кетмонларни елкага ташлаганча, йўл бўйи ширингина суҳбатлашиб кетдик. Мен ундан бир неча бор Офтоб хақида суриштирдим, агар рози бўлса чақиргин, бизнинг бригадада ишласин, дедим. У: «Уф-ф... Яна Офтоб! Жа ўкчангдан уриб қолибди-да! Майли, гаплашиб кўраман», – деди.

У елкамга бир урди, мен жавоб қайтармадим. Уйи олдига келганда кўзи шўх йилтиллаб бир зум менга тикилиб турди, сўнг бўйинини ичига тортиб секин пиқиллаб кулиб юборди:

- Хайр, тушинга Офтобой кирсин!
- Мен бармоғим билан пўписа қилдим.
- У югургилаб уйига кириб кетди.

Шу кеча тушимга Офтоб эмас, Ширин кирди. У ўша болалигидек ҳолда эмиш-у мен ҳозирги ёшим-

да эмишман, уни бемалол кўтариб юрган эмишман. Бир пайт чимилдикка кўтариб кирибман...

Хижолатли бир ҳолда аллақандай шовур-шувурни эшитиб уйғониб кетдим. Ўзи шунақа, сал шовурга ҳам уйғониб кетаман. Бу одат менга дадамдан юққан бўлса керак. Тушимни эслаб кулдим – Ширин тушмагур-ей...

Катта бўлиб колганим учун кичик уйдаги сим катда бир ўзим ухлайман. Хона ёришмаган эди, туриб чироқни ёқиб стол устидаги соатга қарасам тўрт ярим бўлибди. Бугун эрта туриш керак эди, ташқаридан аямнинг овози эшитилди:

– Умри, дарвоза олдини, ҳовлини ўзинг супир!

Тонгда унинг овози алоҳида жаранглаб таралади.

Кийиниб, ташқарига чиқсам ҳамма ёқ чароғон, Зухра опам ҳовлига сув сепяпти. Умри опам дадам боғлаб берган катта супургини олиб ташқарига чиқяпти. Муздеккина тонг ҳавосидан этим жунжикди, ювиниб ошхонага кирсам димоғимга ҳид урилди. Газўчоқ ёнида турган аям Каромат узатган чўзмани кичик қозондаги доғланган ёқга ташлади, жаз-буз авжига чикди.

– Бу бешинчиси, яна иккита пиширсангиз еттита бўлади, – деди Каромат супрадан яна битта чўзмани оларкан.

Аям бош ирғади, сўнг қозондаги чўзмани капгир билан ағдараркан менга қараб:

– Отажон, сен дадангнинг олдида бор, – деди.

Аям товоққа солган чўзмадан бирини ушатиб маза қилиб егим келса-да нафсимни тийиб боққа қараб юрдим.

Сайисхонанинг чироғи ёқилган, қўйлар охурдан бош кўтармай кумирлатиб-кумирлатиб ем емоқда. Дадам аллақачон молларнинг тагини тозалаб гўнгини уйиб бўлибди. Атроф ёришгач мен бу гўнгни ғалтак билан дадам қазиган чуқурга ташиб устига тупрок

тортаман, ҳозир эса дадамга қарашишим керак. Дадам ёнғоқнинг тагидан кичик чуқурча қазиди-да, кетмонни бир четга қўйиб ёнғоқ шохидан калта арқонни олиб узатиб:

– Қора қўчқорни ушлаб чиқ, – деди, сўнг қайишига осилган қиндан пичоғини чиқариб Акрам амаким берган қайроқтошга обдан чархлади.

Семириб думбаси осилган қора қўчқорнинг бўйнига арқон ташлаб охурга қараб интилишига қарамай етаклаб чиқдим; у менга куч бермай маъраб қўра томон судраётган эди, дадам арқонни қўлимдан олиб қўйни ёнғоқ тагига тортиб келди-да, оёғидан кўтариб йикитдию бир зумда тўрт оёғини жуфтлаб сиқиб боғлади; пичоқни бир четга қўйиб нималарнидир пичирлаб ўқиди, у фотиҳага қўл кўтарганда мен ҳам юзимга қўл тортдим; дадам илдам туриб бошини бир кўтариб, бир ерга ураётган қўчқорнинг бўйинини чуқурчага тўғриладию бўғзига пичоқ тортди; қўчқор маърашга ҳам улгурмай бўғзидан тизиллаб қон отилди, қўчқорга ичим ачиди, дадам кекирдагини охиригача кесмай қўчқорнинг қорнидан тиззаси билан босиб турди; қўй шундай сўйилса қонидаги инс-жинслар тамом оқиб чиқаркан, кейин безларини ҳам битта қолдирмай териш керак экан, дадам ҳар гал қўй сўяётганда шуни таъкидлайди...

У қўчқор гўштини тенг уч бўлакка ажратди, бир қисмини етти қўшнига бўлади, мен уларни тарқатиб чиқаман, бир қисмини қозонга солиб, бир қисмини қариндошларга тарқатамиз; шу пайт Каромат тоғора, товоқларни олиб келиб ёнғоқ тагига қўйдию тескари қараганча зипиллаб орқасига қайтди – у қўй сўйилишини ёмон кўради...

Дадам ихлос билан овозини баралла қўйиб Қуръон туширди, биз ҳам қўшилиб фотиҳа ўқиганимиздан кейин дастурхонга тахлаб қўйилган чўзмани синдириб бўлақларга бўлди, бир бўлакдан едик.

– Болаларим, бугун қурбон ҳайити арафаси. Яна дадам қурбонликка қўй сўйди, деб гапириб юрманглар, шундан ҳам бир ғалва чиқаришмасин, ахир тақиқлашган, – деди дадам оғир хўрсиниб.

– Аллоҳимдан тўқкиз туя қарз бўлдингиз! – деди аям кулиб.

Агар хўрсиниб «уф-ф» тортсак, дадам шундай дерди, аям алҳол шу гапини ўзига эслатаётганди.

– Ҳа-я, тавба қилдим, тавба, – деди дадам. – Хўш, нега қурбон ҳайитини байрам қиламиз, биласизларми?

– Йўқ, – дея жавоб берди ҳаммамиз учун Каромат.

Дадам ён-атрофга қараб, гўё бошқалар эшитиб қолмасин, дегандек бир хавотирда ҳикоя қила бошлади.

– Иттифоқо Иброҳим алайҳиссаломга Аллоҳдан: эй Иброҳим, сен мени суядиган, бўлсанг, энг суядиганингни шу йўлга қурбон айла, деган ваҳий келибди.

«Менинг энг суядиганим – ўғлим! – деб ўйлади Иброҳим алайҳиссалом. – Ўғлимни қурбон қилишим лозим!»

Шунда шайтон васваса солди:

– Эй Иброҳим, наҳот ўғлингни қурбон қилсанг? Яхшиси бир жониворни сўя қол, Аллоҳнинг билиб ўтирибдими?

– Қани эди, Аллоҳим менинг жонимни сўраса, мен ҳеч қийналмай жонимни берур эдим, аммо Аллоҳим энг суйганим – ўғлимни қурбон қилишимни сўраяпти, – деб пичоғини қайраб ўғлини ёнига чорлади.

Шайтоининг Иброҳим алайҳиссаломга кучи етмагач отасининг ёнига бораётган ўғли Исроилнинг дилига васваса солди:

– Сен отангнинг ёнига борма, у сени Аллоҳ йўлига сўймокчи! Сен қоч, қочиб кет!

Ўғли эса шайтонга:

– Отам мени Аллоҳ йўлига қурбон қилмоқчи бўлибдими, мен отамнинг гапини икки қилмайман, марҳамат қурбон қилсин, – деб отасининг ёнига бориб бўйнини тутди.

Иброҳим алайҳиссалом ҳеч иккиланмай ғоят дами ўткир пичоқни ўғлининг бўғзига тортди. Аммо пичоқ ўтмади, яна тортди, ўтмади. Иброҳим алайҳиссалом яна пичоқни қайраётган эди, Аллоҳдан ваҳий келди:

– Эй Иброҳим, садоқатингга балли! Ўғлингни қўй, қурбонликка бир қора қўчқор сўйгил!

Иброҳим куллуқ қилиб қора қўчқор сўйди. Шундан бери қурбонлик ҳайити расм бўлган. Арафа шанбага тўғри келди, эртага ҳайит – якшанба. Ҳайитга чиқсаларинг ўқитувчиларинг уришолмайди.

Болаларим, сизлар яхши билмайсизлар, биз исломни қабул қилгуниimizга қадар ота-боболаримиз Зардуштнинг оташпарастлик йўлига эътимод қилган. Ислом кириб келаётган бир пайтда оташпараст жангариларининг пинҳоний маркази Жиззахда бўлган. Улар уч юз йилдан ошиқ ўз эътимодлари йўлида курашишган. Жиззахлик Ҳайдар ибн Ковус араблар хизматида бўлиб халифаликнинг бош қўмондони даражасига кўтарилганда ҳам ўз эътимоди йўлида курашган. Шу йўлда қурбон бўлган. Келин-куёвнинг гулхандан айланиб ўтиши расми ҳам ўтмиш эътиқодимизнинг кичик бир шуъласи. Ота-боболаримиз йиллар мобайнида юрагида сақлаб келишган. Қурбон ҳайити ҳам эзгу байрам. Ҳар қанча тақиқлашмасин, у халқ юрагида яшайди. Эртага ҳайитга чиқинглар!

Дадам ҳаммамизга уч сўмдан ҳайитлик улашди.

* * *

Бугун ҳайит. Қўлдош тонготардаёқ қизил, сарик, кўкка бўялган ўнтача тухум солинган пақирини

кўтариб бизникига етиб келди. У тухум уриштиришга ишқибоз. Уриштирадиган тухумларини саралаб, баъзиларини халтачаларда осиб қўйиб бир ойдан бери тайёрлаб юрганди. У тухумларни танлаб олиб пойнагини юқорига, учини пастга қилиб мантиқозонга терди-да секин қайнатди. Бешта тухумни эса пойнагини тешиб ичидагини шприц билан тортиб олди; ўрнига яна шприц билан қайнатиб суюлтирилган кўрғошин солди, тешиқни тухум оқи билан бекитиб билинмайдиган қилди. У ўтган йили ҳайитда ана шунақа қилвирай қилган тухуми катталар қўлига тушганда Сайид ака қутқариб қолганди. Аммо у барибир қилвирай қилишни ташламади. Мен ҳар қанча ҳаракат қилмай тухумларни бунақа тайёрлай олмайман, уриштиришга ҳам уста эмасман, ютқазиб қўяман. Шунинг учун яхшиси Қўлдошга қараша қоламан. У ҳайитда тухум уриштириб хумори босилмагунча томоша билан иши бўлмайди.

Бугун ҳам Сайил жойга бориб гавжум оломон орасидан ўтиб тухум уриштиришаётган жойга ўтдик. Қўлдош ишга тушиб кетди. У рақибларининг тухумларини олиб тишига уриб-уриб кўриб:

– О, зўрга ўхшайди, кўришмасдан уриштирамай-мизми? – деди.

– Майли, – деди сариқ сепкилли бола.

У Қўлдошнинг иккита тухумини ютиб олди, сўнг эса Қўлдош қилвирай тухумини ишга солиб бешта тухумининг учини пачақлаб ютиб олдию бошқа жойга ўтди. Бу ерда ҳам унинг ошиғи олчи! Қўлдошга худо бериб қолди. У бир соатга бормай бир пақир тухум ютди. Қўйиб берсам кечгача ҳам тухум уриштираверади, Қўлдошни қўлидан тортиб тухум уриштирувчилар орасидан зўрга четга олиб чиққан ҳам эдимки, шундай қаршимиздан иккиси ҳам саккиз тепки хонатлас кийган Офтоб билан Ширин чиқиб қолди, иккиси ҳам сочини қирқ кокил қилиб ўрган,

бошида кизагию гумбази кўк-яшил, қизил гуллари яшнаган ироқи дўппи. Оқ шоҳию турли атлас кўйлакларда товланган бўйқизлар орасида ҳар икиси ял-ял ёниб, алоҳида кўзга ташланади. Ширин иккимизга ҳам шўҳ назар ташлади, мен Офтобга қараган эдим, кўзларимиз тўқнашиб қолди. Унинг кўзлари шунчалар тимқораки! Ҳазратнинг кўзинг не бало қаро бўлубтир, дегани шу бўлса керак-да!

У бир зумгина тикилиб турди-ю, сўнг кўзини олиб қочди.

Қўлдош ҳам анқайиб:

– Вай, қизлар очилиб кетибдими? – деди секин.

– Хи-хи, ўла Қўлдош яна қилвирай қилиб бечораларни қон қақшатибсан-да! Шунча тухум ютибсан, ҳайитлик бермайсанми? – деди Ширин.

Офтоб: «Бунақа деб одамни уялтирма!» – деган-дек Шириннинг қўлидан тортди.

– Ха майли, тухумларингни пуллаб ол, кейин ҳайитлик берарсан, – деди Ширин дугонаси билан нари кетаркан. Улар анча нари кетганда Офтоб менга қиялаб қараб қўйганига кўзим тушдию юрагимга ғалати бир илиқлик югурди.

Қўлдош билан тухумларни пуллаб пақирни нишолда сотаётган тоғасининг пештахтасига қўйдик-да, томошага шошилдик. Мен тақиқланган ўйинлардан қўчқор уриштиришни ёмон кўраман, икки томонга тисланиб сўнг югуриб келиб шохлашадиган қўчқорларнинг бурнидан қон оққанча меровланиб қолганини кўрганда ичим ачиб кетади, шунинг учун бу ердан тезроқ узоқлашамиз. Қўлдош хўроз уриштириш томошасини яхши кўради, баъзан ўзига ёққан хўрозга пул ҳам тикади; кейин ит уриштиришадиган жойга ўтамиз. Бу ўйинларнинг ҳаммаси тақиқланган

бўлгани учун баъзан милиционерлар келиб қувиб юборишади. Хар сафар ана шундай томошаларни берилиб кўрардик, бу гал мен Қўлдошга:

– Юр, қизларни топайлик, – дедим.

У аввалига қўл силтаб:

– Эй-й, уларни бошингга урасанми? – деди-ю, сўнг хўроз уриштираётганлар томонга бораётганимизда:

– Майли юр, Баҳрини ҳам учратиб қолармиз, – деди.

Сайил жойда янги кийимлари ўзига ярашган бўйқизлар, ўсмирлар, ўспиринлар кўп эди, аммо қизларни топишимиз қийин бўлмади, музқаймоқ сотиладиган жойга ўтган эдик, навбатда турган Офтоб билан Ширинни кўриб қолдик. Ширин яна ҳазиллашди:

– Охо, чўнтакларинг дўппайиб қолибди-ю!

Офтоб эса яна негадир қизариб кетди.

Қизларни иккитадан музқаймоқ билан сийладик. Сўнг ҳалинчаклар осилган садалар томонга ўтдик. Навбатда туриб бир ҳалинчакни Офтобга, иккинчисини Ширинга ушлаб бердик. Сўнг мен Офтобнинг, Қўлдош Шириннинг ҳалинчагининг ҳаволаб олишига ёрдам бердик. Офтоб юзида ҳаё, ажиб бир қизиллик жилваланганча тортинибгина ироқи дўпписини менга узатди, мен уни эҳтиётлаб ушладим (дўпписидан ажиб хид тараларди), у эпчиллик билан арғамчига чиқди. Мен арғамчининг бир томонидан ушлаб тик турган Офтобни ҳали у, ҳали бу томонга учирай эканман, баъзан Офтоб кўкрагимга урилади, шунда у дув қизариб кетади.

– Ўзим! Ўзим!.. – деди қулогимга сирли шивирлаб.

Ҳалинчак ҳаволаб олгач арғамчини қўйиб юбордим, Офтобнинг ўзи ўтириб-туриб арғамчини тез-

латади, шунда шамол хонатлас кўйлагини ҳилпира-тиб сипта қоматини қучоқлар, қоп-қора сочларини ўйноқлар эди.

Бу сафар ҳайит жуда гаштли ўтди, жуда гашт-ли...

7

Оппок-оппок гуллаган олмазор... Чаппар урган гуллар орасидан оппок шоҳи кўйлагининг енглари ҳилпираганча Офтоб менга қараб қучоқ очиб елаёт-ган эмиш. Мен унга қараб кўкрагимни кераман-у, кўлларимни кўтара олмайман...

Юрагим ғалати тўлғонар эди. Қизик, нега бунақа туш кўрдим? Нега Офтоб югуриб келяптию нега мен кўлимни кўтариб унга бағримни оча олмаяпман?

Ҳали опаларим ухлаб ётишганди, аям эса, аллақачон туриб ошхонада ёмирляпти, хафсала билан ювиниб келдим-да, кийиниб, ошхонага кирдим, аям молларга қарагани чиқибди, дадам аллақачон ишга жўнаб кетибди, ундан қолган чойдан бир-икки пиёла ичдим-да, портфелимни олиб мактабга жўнадим, хаёлимда кимдир мени у ерда кутиб тургандек!

Кўчада ҳеч ким йўқ. Ҳали қуёш чикмаган. Ҳаво шунчалар тоза эдики... Бу шаффоф ҳаводан нафас оларканман, бутун вужудим яйраб кетди, ўз-ўзимдан тўлқинлана бошладим. Қайси бир хонадондаги радиодан тонгдаги сокинликда тиниқ, қўнғирокдек бир овоз, ширали мусика янгради:

– Баланд тоғлар, баланд тоғлар,

Орзуимдек баланд тоғлар.

Бу қўшиқнинг мусикаси юрагимда кўзғалган тўлқинларга мос бир оҳанг эдики, бу янада завқимни оширади. Қаршимда оппок-оппок бўлиб қад кўтарган

уйлар оша этаги ям-яшил тоғлар ястаниб ётади. Мен гоҳ бу манзарага боқиб, гоҳ аллақандай сирли хаёлларга чулганиб мактабга етиб борганимда қоровул Парда амаки эндигина мактаб эшигини очаётган экан, мени кўриб хайрон қолди:

– Ий-е, мунча эрта келдинг, навбатчимисан?

– Ҳа, навбатчиман, – дедиму тезгина синфимизга кириб кета қолдим; ҳозир лаззатли ҳисларимга ҳеч ким халакит беришини истамас эдим; ўзим англаб етолмаган хаёллар билан бўлиб синфда қанча ўтирганимни билмайман, бир маҳал долондан енгил қадам товушлари эшитилиб қолди, фаррошлар бўлса керак, аммо қадам ташлаши енгил; долонга чиқдим у хаёл суриб секин келаётган қизни кўриб:

– Офтоб! – деб юборганимни билмай қолдим.

У ўзини хиёл орқага ташлаб тўхтаб қолди.

– Вой, Қуддус ака, нега бунча эрта келдингиз?

– Ўзим. Сен-чи?

– Мен ҳам ўзим.

Сўнг у билан бирга синфга кириб бордик. У портфелини ўзининг партаси тортмасига қўйди, мен эса ўқитувчи курсисига ўтирдим, нимадир дейиш керак, аммо нима дейишимни билмайман, Офтобга қарасам у нигоҳимга мойил бир боқиш билан жавоб беради-ю, сўнг кўзини тезда бошқа ёққа олиб қочади, портфелидан дафтар-китобларни олиб варақлайди, бир маҳал у китобдан кўзини бир бор-гина узиб қараб деди:

– Тунов куни мени жуда уялтирдингиз?

– Нега?

– Мен сизга топишмоқми?

– Сиз – топишмоқсиз.

– Ҳеч-да! – у терс бурилди. – Энди бошқа айтманг, ҳамма топишмоғингизни айтиб уялтиряпти.

– Хўп.

У жим бўлиб қолди, бироздан сўнг деди:

– Қуддус ака, сиз Калимани яхши кўргансиз-а?

Бундай калтис савол беришини сира кутмаган эканман, нима деб жавоб беришимни билмай каловландим, аммо бундан бир йил илгари менга шундай савол беришса жавоб қайтара олмаган бўлардим, алҳол кулдим:

– Уни яхши кўрган биргина мен бўлмаганман!

– Ҳозир ҳам яхши кўрасизми?

– Йўқ!

– Ёмон кўрасизми?

– Ҳа.

– Нимага?

– Билмайман.

– Бошқа билан юраётгани учунми?

– Шундай бўлса керак.

– Барибир уни яхши кўраркансиз.

– Йўқ.

– Уни айтишим билан бир хил бўлдингиз.

– Ёмон кўрганимдан.

– Ҳмм...

– Офтоб, сиздан бир илтимос, шу Калима ҳақида мендан бошқа сўраманг!

Офтоб бирдан қизариб кетди:

– Узр! Хафа бўлдингизми?

– Хафа бўлганим йўқ.

– Мен билмабман!

– Қанақа китоб ўқияпсиз?

– «Одам бўлиш қийин»ни.

– Одам бўлиш қийин эканми?

– Йигитлар яхши бўлса осон экан.

– Қизлар-чи?

– Қизлар ўзи яхши бўлади.

– Ҳаммаси ҳамми?

– Ҳаммаси!

– Йигитларнинг ҳаммаси ҳам ёмонми?

- Ҳаммаси!
- Демак мен...
- Йўқ, йўқ, сиз... яхшисиз!

Офтобнинг кўзи андишали, ҳаёли бир нигоҳ билан ёндию дув қизариб кетди, менинг юрагимга эса иссиқ ҳаяжон куйилди.

- Йўқ, мен ёмонман.
- Ёмонлигингизни билганим йўқ!
- Билиб қоларсиз.

Ташқаридан фаррошларнинг овозлари эшитилди. Биз синфда бир-икки болалар пайдо бўлгунча шу зайлда гаплашиб ўтирдик. Бу ғоят завқли эди!

Эртаси куни эса Достонни ҳам эргаштириб келдим. У Офтобга илиқ муносабатимни сезиб қолибди: «Ана шу сенга жуда мос қиз! Нима қиласан калондимоғ Калимани!» – деди севиниб. Кейин мен эрталаб суҳбатлашганимизни айтиб бердим. Эртага мен ҳам бирга келаман, сизлар ичкарида гаплашиб ўтираверасизлар, мен ўқувчиларни мактабга қўймай тураман, деди. Одатда навбатчи ўқувчи болаларни мактабга киритмай туради, ифлос қилиб юборасизлар, деб. Дарс бошланишига ўн дақиқа қолгандагина киришга рухсат этади, унгача болалар ховлида туришлари керак.

Тавба, Офтобга эртага ҳам вақтли келинг демасамда ҳаммадан эрта келди. Достон ўқувчиларни киритмай тургани учун роса мириқиб суҳбатлашдик. Бир неча кун шундай давом этди.

Бир куни мактабдан қайтаётганимизда Достон:

- Ўзи унга яхши кўришингни айтдингми, – деди.
- Йўқ.
- Ия, нимани гаплашиб ўтирибсизлар шунча кундан бери?
- Ўзимиз...
- Ия, жинни, мундай айтиб икромини олмайсанми? Яна бошқаси илиб кетмасин! Анави Беркин

билишимча унинг орқасидан тилини осилтириб югуриб юрибди!

Юрагимга бир оғрик кирди; ха, кеча Беркин кутубхонага кириб шохмот ўйнаб ўтирганди, у Офтоб билан гаплашиб юрганимизни кўра-била туриб унинг орқасидан юрибдими? Ундан ҳар нарсани кутса бўлади. Бир ҳисобдан Офтоб бирдан Беркинга розилик берса-ю, кейин менга «тўғри, сиз билан гаплашиб ўтирардик, аммо сиз ҳеч нарсa деганингиз йўқ-ку», деса-чи! Йўқ, мен эртагаёқ бор гапни тўкиб сочаман!

8

Кечаси билан Офтобга севгимни қандай изҳор этсамикан... деб ўйлаб чиқдим. Хат ёзсам осонга ўхшайди. Аммо Баҳрига хат ёзганимиздаги машмашаларни эслаб яхшиси шундай айтаман, деган қарорга келдим; эрталаб вақтли бораман, Достон яна болаларни киритмай туради, мен дилимни очиб соламан. «Мен сизни яхши кўраман», — дейман. Йўқ! Бу жуда оддий. Яхшиси: «Мен сизни севаман!»— дейман. Аммо, назаримда бор гапни айтиб олгунимча қўнғироқ чалиниб қолаётгандек туюлаверди. Ўзи бор-йўғи уч оғиз сўз, аммо уни айтишга жуда узоқ вақт керак бўлаётгандек! Яхшиси дарсдан кейин кутубхонага кираман-да, ҳамма кетгандан кейин унга дилимни очаман!

Ҳа, бас, етар! Мен унга юрагимни изҳор этишим керак, яна овораи сарсон бўлмай! Агар Калимага ҳам бор гапни айтганимда эҳтимол у боксчини мендан афзал кўрмасмиди?! Эй ошиқлар хомийси Ҳазрати Хизр ўзинг мадад бер!

...Кечагина олган китобларимдан бирини қўлтиқлаб, кутубхона томон жўнадим. Эшикни очишим билан стол олдида китоб варақлаб турган Офтобга

кўзим тушди. У одатдагидек, бошини бир томонга хиёл эгиб, майингина жилмайиб:

– Келинг, яхшимисиз? – деди.

Унинг шундай ҳолатда саломлашишини жуда ёқтираман. У жилмайганда кулча юзига хиёл қизиллик югуриб, коп-қора кўзларида шундай ажиб нур йилтилладики... Бугун у билан ёлғиз суҳбатлашишимга ҳалақит берадиган шохмот ошиқларию бошқа бекорчилар йўқ экан.

– Дарров ўқиб бўлдингизми? – деди у қўлимдаги китобни кўриб.

– Ҳа, жудаям қизиқ экан, яна худди шу кунги кечинмаларимга ўхшаб кетаркан.

У жим бўлиб қолди. Анча маҳал индамай туравердим. Билипман, у индамаганимга ўзини ноўнғай сезяпти.

– Нимага гапирмайсиз? Эйи, ўтирмайсизми? – деди у қўлидаги китобни ёпиб курсига ўтираркан.

– Хайрият, сиздан олдин гапирмасликка ичимда қасам ичиб тургандим, – деб унинг қаршисидаги курсига чўкдим.

У кулди. Орага яна жимлик чўкди.

У деразадан ташқарига қараб, ниманидир кузатаётгандек эди, аммо кўзлари унинг ўйлаётганлигини айтиб турибди.

Юрагимни орзиқтирувчи бир ҳис-хаяжон ўртай бошлади. Унга айтмоқчи бўлиб кечаси билан ўйлаган гапларим энди менга эришдек туюла бошлади. Ахир унга розимни айтишим билан: «Ҳа... Куддус ака, мен ҳам сизни яхши кўраман!» – дермиди?! Икки дунёда ҳам у шундай демаса керак! Шу чокда бир ёзувчининг гапи эсимга тушиб қолди: «Эҳ, сизларнинг бу кишлоқ кизларига ишингиз тушмабди! Шоирлар ўргатган ишқда мағрурлик ҳам уларга ўтмайди. Улар севгиларини юракда ўлдириб юбо-

ришни удалай оладилар-у, аммо севги изҳор қилиб, мағрур йигитларнинг оёғига бош урмайдилар!»

– Сиз кўп китоб ўқийсиз-а, – хаёлимни бўлди у, – ҳаётда ҳеч китобларда ёзилгандек бўлмайди-ку?! Боплаб тўқишса керак-а?!

Мен ўйланиб қолдим, эҳ, бу қиз китобдаги ҳаётни ҳам, ишқни ҳам тан олмайди, шекилли, унинг саволига жавоб излаб, жавонларга териб қўйилган том-том асарларга қарадим: Навоий, Машраб, Қодирий...

– Қаранг, қаршингизда қанча буюк ёзувчиларнинг том-том китоблари, – жавонларни кўрсатдим. – Наҳотки, бари ёзувчилар ҳам бизни алдашган бўлса! Наҳотки ҳамма китоблар тўқилган бўлса!

У менга термилиб қолди, гапим тугаши билан дераза томонга қараб олди. На фикримни қувватлади, на эътироз билдирди.

– Ўқиган китобингизни нимаси қизиқ экан? – деразадан кўзини олмай сўради.

– Биласизми, шу бир йигит бир қизни ёктириб қоларкан. Қизнинг кўнглини билмоқчи бўлиб, кунига унинг олдига борар экан-у, аммо ишқи ҳақида кизга бирор оғиз гапиролмай қайтаркан. Шундай қилиб йигит юрагини очолмай қийналиб юаркан.

– Э, юраксиз йигит экан, мен бўлсам шартта айтардим, қўярдим, – деди у менга шўх назар ташлаб. Бояги ўйчанлигидан унда асар қолмаганди.

Мен эса:

– Агар, у йигит мен бўлсаму қиз сиз бўлсангиз, мен шартта айтсам, сиз... – деб юборганимни билмай қолдим.

У гапимни оғзимда қолдириб:

– Бу – агарда, аслида бундай бўлмайди-да, – у зўраки кула бошлади. – Қўйинг шунақа гапларни! Янги китоб оласизми?

Энди «тутдим» деганимда, ҳазил билан қутулиб кетаётганидан шошиб қолдим, беихтиёр товушим титраб кетди.

– Офтоб рости... Мен сизни севаман.

Мен хаяжон қуршовида Офтобга боқдим. У кўзини мендан олиб қочиб бошини маъюс эгди, юзи лоладек кизариб кетди. Бир зумдан сўнг бошини кўтара олмай, оҳиста:

– Қуддус ака, шунақа гапларнинг нима кераги бор, – деди маъюсланиб. У мени тушунаётганини, бу гаплар ортиқчалигини айтмоқчидек эди.

Шу пайт дераза олдидан кимдир йўталиб ўтди. Офтоб гапидан тўхтаб, ялт этиб ўша томонга қаради, у бирдан жиддий қиёфага кириб, стол устидаги қизил муковали дафтарни варақлай бошлади:

– Қуддус ака, нима қиласиз мени қийнаб, ахир сиз Калима опани яхши кўрасиз-ку!

Юрагимга кимдир муздек сув сепиб юборгандек бўлди. Мен ҳеч ҳам бундай гапни кутмаган эдим, у кизарганча дафтар варақлаб ўтирарди. Ўрнимдан шартта туриб, «Кечиринг», дедиму чиқиб кетдим.

Кутубхона эшиги олдида Беркин билан Салимга дуч келдим.

– Ха, йигит, бу ерга серкатнов бўлиб қолдилар? – деди Беркин.

– Эй, оҳанрабоси бор-да, бетти, – шеригининг биқинига туртди Салим.

Иккаласи қийқириб кулишди. Бу хангома Офтобга бемалол эшитилиб турарди. Иккисига аччиқ билан қараб қўйдим-у, индамадим.

Бир ҳафта ўз ёғимга ўзим коврилиб юрдим. Калимани эсдан чикардим-ку, уни ҳам унутарман. Аммо уни ёддан чиқариш, юракдан қувиш мумкин эмасдек эди. Мен Офтобни эсга соладиган китобларни ҳам топшириб қутулмоқчи бўлдим, лекин кутуб-

хонага ҳеч оғим тортмайди, у мендан нафратланади, у мени ёмон кўради.

Охири бир куни журъат билан кутубхонага кирдим. Бахтимга бу сафар ҳам Офтобнинг ёлғиз ўзи экан. Мен ерга боққанимча олдига бордим-да, китобларни стол устига қўйдим:

– Китобларингиз, Офтоб! Мени кечиринг! Сизга бахт тилайман!

Бутун вужудим билан айтган бу сўзларим титраб шивирлагандек секин чиқди. Орқамга қайтдим.

– Қуддус ака!..

Эшикдан чиқиб кетишга бир қадам қолганда, илтижоли янграган товуш тўлқинидан қалқиб тушиб, чиқиб кетишимни ҳам, чиқмаслигимни ҳам билмай қолдим. Ўгирилиб қарасам Офтоб ниманидир айтишга оғиз жуфтлагандек мен томонга талпиниб турар, киприкларидан узилган ёш томчилари юзидан думалаб лабларига томарди:

– Мен...

Кўзларимиз тўқнашганда, у қўли билан юзини тўсиб стулга ўтириб олди.

Мен беихтиёр у томонга бир неча қадам ташладим:

– Офтоб!..

У йиғларди, гавдаси силкинганидан елкаси оша олдига тушиб турган бир ўрим сочи титрарди. Шу тобда уни кучиб овутгим, титроқ сочларини силаб қўйгим келарди...

Мудом мени ғам-кулфатга солиб ётган бир дарддан холис бўлгандек, юрагим енгил тортган, шунчалар бахтиёр эдимки... Севинчимни ҳеч ичимга сиғдира олмасдим. Мактабдан қайтибоқ велосипедимни миниб чиқиб кетдим, ишга бормадим, велосипедни қишлоқ кўчаларидан учуриб ҳайдаб, Офтобларнинг уйи олдидан секинроқ ўтдим, деразадан унга қўзим тушгандек бўлди, бу ҳаяжонимни янада

оширди, сўнг анҳор бўйига учирдим, велосипедни садага суяб ям-яшил ажриқ устига чалқанча ётдим, димоғимга буркираб жийда гулининг ҳиди урилди: бу мастлигимга мастлик қўшди!

Ширин хаёллар осмонида учардим, учардим... Бир неча кун шундай маст-аластликда юрдим, сўнг кўнглимда бир тўқлик пайдо бўлдию вужудимга куч ёғилди, бу куч танамга сиғмас, қандайдир буюк бир иш кўрсатгим, ҳаммани хайрон қолдиргим келади, аммо кучни қайга сарфлашни билмайман! Тош кўтарадиган полвондек бақувват бўлгим келиб қолди, бир пудлик тош кўтара бошладим, баланд отиб елкам билан уришни ўргандим, мускулларим тортишиб тошдек қота бошлади.

Боғдаги икки хашаки тут орасига темир ғулба қўйиб турник ясадим, эрталаб, кечқурун тинмай машқ қиламан, кейин ғулбадан яна битта топиб Сайид ака билан сув тутаетган пайкалимиздаги икки тут орасига ҳам ўрнатдим. Уста бобо ўргатганидек нукул ўзимдан катталар билан дўстлашишга интиламан. Сайид ака, Мусулмон ака, Рашид акалар билан иноқ бўлиб кетганман, уларнинг гап-сўзларини тинглаб, ўзларини тутишларига қараб улардек мардона юришга ҳаракат қиламан, алҳол Сайид акага турникда қандай ўйнашимни кўрсатиб қўйгим келди, бир неча машқларни бажариб ташладим.

– Ў-хў, қойил! – деди, лекин негадир ортиқча хайрон бўлмади. Темир ғулбанинг тутга маҳкам ўрнатилганлигини текширди; ғулбага қайта-қайта осилиб кўрди. Кейин турник тагига бориб, атрофга бир аланглаб олдию этигини, қўйлагини ечди, Сайид аканинг елкаси чорпахил, кўкрак мускуллари бўртиб-бўртиб чиққан, ичига урган қорнининг бўртмалари уч қатор, худди цирк гимнастикачилариникига ўхшаш гавдаси одамнинг ҳавасини келтиради.

У бир сакраб турникка осилди, шундай чакқонлик билан машқлар бажара бошладики, мен кўзимга ишонмай қолдим; у бажараётган машқлар мен телевизорда кўрган мохир гимнастикачиларникидан заррача қолишмасди: у шунча машқ бажараяптию бирон марта оёғини турникка теккизмади, тутларни силкитиб бор бўйи билан айлана бошлади, кейин ўзини осмонга отиб юбордию хавода бир айланиб оёғини жуфтлаганча тап этиб ерга қўнди.

Кимдир орқамдан қарсак чалиб юборди:

– Офарин! Офарин!!!

Ўгирилиб қарасам, Зумрад опа! У Сайид акага ҳавас билан қараб турибди:

– Ё тавба, шунақа зўр экансиз-у, бу ерда нима қилиб юрибсиз? Шаҳарга бориб циркда ишламайсизми?

– Энди, армияда ўрганганмиз-да, Зумрадой!

Сайид ака рўмолчасига терини артиб, шошиб кийина бошлади. Зумрад опа ҳамон унга қараб турарди, кейин: «Сувга эҳтиёт бўлинглар, турник ўйнаб, урдириб юборманглар!» – деди-да, Мўмин амакининг чайласи томон кетди, Сайид ака унинг орқасидан қараб қолди.

Мен турникда беш-олтитагина машқни бажариб мақтанмоқчи бўлганимдан уялиб кетдим, ўша кундан бошлаб Сайид акадан энг оғир машқларни ўрганишга киришдим. У ҳам эринмай қунт билан ўргатарди. Баъзан икковимиз қуюқ кўк чойдан ичиб, суҳбатлашамиз, у армияда хизмат қилиб юрганида Света исмли бир рус қизни севиб қолганини, дастлаб у қиз Ўзбекистонга келишга қўнмай, уйланиб қўйгандан сўнг розилик билдириб хат ёзгани ҳақида ғалати бир маъюслик, завқ ила ҳикоя қилади, кейин бирдан узоқ-узоқларга боққанча дейди:

– Ўшанда Света иккимиз кўзда ёш билан шу қўшиқни куйлаганмиз.

Светлана:

*Миленький ты мой,
Возьми меня с собой
Там в краю далёком,
Буду тебе женой.
(Оҳ, менинг азизим!
Ўша олис ўлкага,
Олиб кетсанг-чи, мени.
Суюкли хотин бўлиб,
Бахтга буркайин сени.)*

У майин, ҳасратли бир овозда куйларкан, мен
кишини ғамгин орзиқтирувчи бир ҳолга тушаман.

Сайид:

*Милая моя,
Взял бы я тебя,
Там в краю далёком,
Есть у меня жена.
(Эҳ, менинг азизам!
Афсус, ўша ўлкага,
Олиб кетолмам сени.
Чунки, ўша ўлкада,
Хотиним бордир мени.)*

Светлана:

*Миленький ты мой,
Возьми меня с собой,
Там в краю далёком,
Буду тебе сестрой!
(Оҳ, менинг азизим!
Ўша олис ўлкага,
Майли, олиб кет мени.
Ҳеч бўлмаса, сингилдек,
Суйиб юрайин сени.)*

Қўшиқнинг таъсирига берилиб мен ҳам узоқларга – Сайид ака тикилаётган томонларга бокаман. Сайид ака кўкрагини тўлдириб нафас олиб давом этди:

*Милая моя,
Взял бы я тебя,
Там краю далёком,
Есть у меня сестра!
(Эҳ, менинг азизам!
Ўша олис ўлкага,
Олиб кетолмам сени.
Афсус, ўша ўлкада,
Синглим ҳам бордир мени!)*

Сайид аканинг сочларини шабада тўзғитар, у эса кўкрагини кўтариб ҳеч нарсага эътибор бермай борган сари овозини баралла қўйиб куйларди.

Светлана:

*Миленький ты мой,
Возьми меня с собой,
Там в краю далёком,
Буду тебе чужой.
(Оҳ, менинг азизим!
Ўша олис ўлкага,
Олиб кетсанг-чи, мени,
Ҳеч бўлмаса бегона,
Бўлиб севардим сени.)*

Сайид:

*Милая моя,
Взял бы я тебя,
Там в краю далёком,
Чужая мне не нужна.
(Эҳ, менинг азизам!*

*Ўша олис ўлкага,
Олиб кетолмам сени.
Ўша олис ўлкада,
Ёт бўлиб суйма мени!)*

У кейинги сатрларни қайта-қайта такрорлар экан кўзларидан ёш чиқиб кетди.

– Армиядан озод бўлганимдан сўнг Света билан шу қўшиқни айтиб хайрлашдик!

У кўз ёшларини кафтига артиб, ўйлаганча деди:

– Тавба, Зумрад нимаси биландир шу қизга ўхшайди. Қуддус, ёш бўлсанг ҳам сенинг дидинг жуда баланд-а, Зумрадни яхши кўриб қолгансан-а, – деди ҳамон узоқлардан кўз узмай.

– Сиз ҳам Зумрад опани ёктирасиз-а, – дедим.

– Ёктирганимдан не фойда?

– Зумрад опа боя сизга жуда бошқача қаради!

– Қарайверади-да! Уч болали батракни у бошига урадими? Менга кўз очиб кўрганим – Тўтининг жони соғ бўлсин. Зумрад мени жек¹ кўради, тунов кунги эсингдами?

...Сайид ака сувни пеш-пешларга тўғрилаб қўйганимиздан сўнг:

– Қуддус сен сувга қараб тургин, мен отизга бориб, икки жўяк бодринг чопилмай қолган эди, шуни чопиб қўяй, – деб пайкалнинг этагига энди.

Мен сув уриб кетмадимикин, деб пеш-пешларни кўздан кечираётган эдим, Зумрад опа келиб қолдию Сайид акани сўради.

– Пайкалнинг этагига сув қандай бораётганини кўргани кетувди, – дедим саломлашиб.

– Нега алдайсан? Отизига кетди, деб тўғриси айтивер!

Мен индамадим.

– Қани отизини бир кўрай-чи?

¹ Жек – ёмон.

Зумрад опа пайкалнинг этагига қараб энди, мен ҳам ноилож эргашдим.

Борсак Сайид ака енг шимариб, оёқяланг бўлиб бодринг жўякларини чоиаётган экан, Зумрад опани кўриб пешонасидаги терни сидириб ташлаб:

– Келинг бригад, – деди.

Зумрад опа яшнаб, гуллаб ётган бодрингларни кўздан кечириб:

– Сайид ака, қани эди ғўзани ҳам шундай яшнатиб қўйсангиз, – деди.

– Ғўзамиз бундан яхши бўлса яхшики, ёмон эмас.

– Сайид ака, келинг яхшиси шу отизингизни қўйинг, ундан олаётган даромадингизни пахтадан олайлик. Мана, бригадир бўлсам ҳам менинг отизим йўқ-ку!

– Энди бригад, сизнинг отизингиз бўлмаса посирангиз¹ бордир! Бизнинг ҳалол посирамиз шу – томорқа.

– Қанақа посира? Посира Эгам бригад билан қўшилиб ўлган!

– Посира ҳеч қачон йўқ бўлмайди, усиз катталар қандай кун кўради?!

– Сиз мени шунақа муттаҳам деб ўйлайсизми?

– Йўқ ундай деб ўйлаётганим йўқ, посира илгаридан бўлиб келган-ку, уни сиз ўйлаб топибсизми?

– Бригадир бўлганимдан бери сиз ўзи мени кўролмайсиз. Эгам аканинг ўрнига бригадир бўлишни хоҳлаган бўлсангиз керак, раис мени қўйиб қўйгандан кейин дард-аламингиз ичингизда қолган, шекилли. Шунинг учун ғўзага яхши қарамай қачон бўлса отизингизда ишлайсиз? Шунинг учун мен ҳам сизни жек кўраман!

– Бригадлингиз ўзингизга буюрсин!

¹ *Посира* – бригадирнинг ишламайдиган одам номига ёзиб ўғринча оладиган пули.

– Йўқ, керак бўлса ҳозир ҳам бўшатиб бераман шу амални!

– Яна айтаман, бригадлингингиз бошингизда ордона қолсин!

– Бўлмаса нега тўғри ишламайсиз?

– Ишлаган менча бўлар-да, Зумрад!

– Барибир, чин кўнгилдан ишлаётганингиз йўқ!

Сайид ака бошини ушлаб туриб қолди.

Зумрад опанинг дўппича чамбарак қилиб боғланган икки ўрим сочи олдига тушди, у сочларини галма-гал орқага ташлаб нари кетди...

– Зумрад опанинг аччиғи чиққанди-да, ўшанда!

– Қизиксан-а, Қуддус! Мен жонимотин ишласам-у, зимдан панд беряпсан дейди-я, уялмай!

Шу билан бошқа Зумрад опа ҳақида гаплашмадик.

У:

– Тур, турник ўйнаймиз! – дедию яна этиги, кўйлагини ечиб ташлади.

У энди менга ҳам навбат бермай аламини турник ўйнашдан олаётгандек тутларни силкитиб ўйнай кетди.

У тушгач мен ҳам турникка осилдим. Мен ҳам энди анча эпчил ўйнайман, буни синфдошларим хали яхши билишмасди. Иттифоқо жисмоний тарбия дарсида Бобомурод муаллим мени турникка таклиф қилди; у баъзи ўртоқларим беш-олти мартадан кўп осила олмаганидан хафа эди, турникка осилаётганимда журнал билан елкамга уриб:

– Сенинг ҳам жомадонинг оғирлашиб қолганми, Қуддус! – деди.

Синфдошларим қаҳ-қаҳа отишди. Бу эса менинг иззат-нафсимга тегди, аччиқланиб турникка сакрадим, бир тортилиб айландиму худди Сайид акага ўхшаб эпчиллик билан машқ бажара кетдим. Бахрининг: «Вой, Қуддус! Йиқилиб кетасан!» –

деганига ҳам қулоқ солмадим, ичимда: «Эҳ, қани эди, Офтоб ҳам шу ерда бўлса!» – деб ўйладим; қаторасига тўққиз машқни бажарсам ҳам ўзимни қушдек енгил сезардим, ниҳоят, турникни икки қўллаб ушлаб, бор бўйим билан айланиб, ўзимни ҳавога отдим:

– Вайй... – деб қийқириб юборишди қизлар. Бир ўмбалоқ ошиб, икки оёғимни жуфтлаб дик этиб ерга қўндим.

– Эй, қойил! Спорт устаси бўлиб қолган экансан-у, билмабмиз, – деди муаллим.

Мен худди шуни кутгандим, камтарлик билан кулиб яна сафга турдим.

Танаффус пайтида Баҳри, Ширин, Офтоб учаласи менга қараб-қараб ниманидир гаплашишяпти, билдим: турникда ўйнаб, қойил қилганимни Офтобга гапиришяпти; ана у менга яқин келиб:

– Менга ҳам ўйнаб кўрсатинг, майлими! – деди.

– Майли, – деб стадион тарафга юрдим, улар эргашишди...

Дарсдан кейин Офтоб билан узоқ гаплашиб қолиб кетдик, кўчаларни бирга айланиб уни уйига кузатиб қўйдим.

Кечқурун ярим тунгача ўтириб дарс тайёрладим. Илгари мен жуда яхши ўқиб, ўзимни Калимага кўрсатиб қўйиш учун аччиқ алам аралаш ҳамма фандан аъло ўқишга ҳаракат қилган бўлсам, энди эса хотиржам бир ҳолда дарс тайёрлайман, кўз ўнгимга Офтоб келса енгил ҳаяжон қуршовида қоламан, худди у менинг дарс тайёрлашларимга ғойибдан ёрдам бераётгандек! Бу йил ҳамма фандан аълога ўзлаштиришим аниқ бўлиб қолганди! Ўзимга ўзим: «Раҳмат сенга, Офтоб!» – деб қўяман.

Муроджон аканинг, Ботир аканинг гапиришига ҳавасим келади, мен эса тутилиб-тутилиб, инқиллаб гапираман. Машқ қилсам равон сўзлармиканман?

Ахир турникда ҳам дастлаб ўзимни зўрға кўтарардим, тортилишга ҳам қийналардим, машқ қилиб, турникда яхши ўйнайдиган бўлдим-ку! Нутқимни ўзгартира олсам керак деб ўйладиму бунга қатъий киришдим. Китобни ўқиб, унга қарамасдан, инқилламасдан гапиришни машқ қила бошладим, тўхталмай, текис гапиргунча қайта-қайта такрорладим. Бир ой шу зайлда шуғулландим; бир куни ўқитувчимиз Эмин ака: «Қуддус, сен ўтган мавзунини гапириб бера қол», – деди. Неча дарсдан бери шундай дейишини кутиб юрардим, худди ўқитувчига ўхшаб қизиқарли бўлиши учун ўзимга ўзим саволлар бериб гапира бошладим.

Эмин ака жим ўтириб қолди, болалар ҳам, бу мени янада илҳомлантириб юборди...

– Буни қара-я, нутқининг раванлигини! Гапнинг очиғи, мен ўзим бунчалик гапира олмайман.

Теримга сиғмай севиндим...

Нимага қатъий киришмай, қийналиб бўлса ҳам урдасидан чиқардим! Гоҳида баъзи ишларим чала-ярим қолиб кетади, уларни охирига етказишга қийналаман. Саъдуллага эргашиб рубоб чалишни ўргана бошладим, мен ҳар бир пардага неча марта уришни ёзиб чиқиб тинмай тинғиллатсам-да, яхши ўргана олмадим, Саъдулла эса чалишни ўзлаштириб олди. Офтоб «Роҳат» куйига ўйнашини билиб, зўр бериб шу куйни ўргана бошладим; бир гал синфда дарсдан кейин рубоб чалиб ўтирсам, Баҳри келиб қолди, кулиб: «Бу чалишингга Офтоб ўйнай олмаса керак!» – деди. Мен барибир беш-олти куйни ўрганиб олдим. Гоҳида хумор қилганда ўзимча тинғиллатиб ўтираман.

Кимё, физикага жуда қизиқиб кетдим, кейин бу фанлардан дарсликдан ташқари бошқа китобларни ҳам ўқий бошладим. «Кимёдан ўқиш китоби»ни мутотлаа қилдиму ўзимни янги бир кимёвий ходисани кашф этадигандек ҳис қила бошладим.

Интилишларимнинг қатъийлигига Муроджон ака сабаб. У бир куни бизга муҳим янгиликни хабар қилаётгандек овози хиёл титраб, тўлқинли бир оҳангда деди:

– Дўстларим, сиз ана шу ажиб даврга – ўспиринликка қадам қўйдингиз. Шу пайтгача хаёлингиз кўп кўчаларда кезди. Биз қўлдан келганча яхши йўлга бошқардик. Аммо сиз ўзингизни худди биз учун, мактаб, ота-онангиз учун ўқиётгандек тутдингиз. Ўқиш ўзингиз учун зарур эканлигини англаб этадиган вақтингиз келди.

Энди хаёлларингиз кўчасидан аниқ бир муюлишга бурилиngu олға интилинг! Бу даврда олган билим-қўникмангиз бақавли тошга ўйилган нақшдек абадулабад сизга хизмат қилади.

Қўрқманг, иккиланманг! Ақл, юрак билан иш тутинг, адашмайсиз!

Сизлар билан старт чизигида Ўзбекистоннинг икки миллион ўспирини терилиб турибди! Марафонча югуришга шаймисиз?! Аросатда қолиб, бир умр пушаймон бўлманг! Касбни ўспиринликда танлангу ёшликда нақшланг!

Шу кунлари мен ким бўлиш ҳақида ўйлай бошладим: шоир бўлсам керак! Ахир шеърим газетада чиққан-ку! Аммо физика, кимёга ҳам қизиқиб қолдим, шу соҳада олим бўлгим ҳам йўқ эмасди. Муроджон акага маслаҳат солмоқчи бўлдим-у, аммо бир воқеа сабабли фикрим тамом ўзгариб кетди.

Офтобни дарвозаси олдида зўрға тўхтатиб қолдим.
У гўё мени сезмагандек ўтиб кетмоқчи бўлди.

– Офтобой, тинчликми, чақирсам ҳам қарамайсиз?

– Эшитмай қолибман, узр!

Мен хайрон бўлдим: «Нега бунақа муомала?!
Хафа кўринадими?»

– Сизни ким хафа қилди, Офтоб?

– Сиз?

– Мен?!

– Ха, сиз!

– Қандай қилиб?

– Қорангизни кўрсатмай қўйдингиз.

Мен ҳар кунгидек эрта келолмайман, чунки далада
ётаман, сахар туриб пайкалга таралган сувни кўздан
кечираман, дарсдан кейин турли машғулотларга қат-
нашаман, Офтобга кам кўриниб уни хафа қилиб
қўйибман-да!

– Кечирасиз, мен...

У яна ковоғини солди.

– Қўйинг... Зумрад опангизнинг олдида чопа
қолинг!

– Йўқ, бугун сизнинг олдингизда қоламан.

– Эртага Зумрад опангизнинг олдида чопасиз,
шундайми?

– Нега Зумрад опанинг олдида чопарканман?

– Ким билади? Унга ишга ўтдингизу ўзингиз
билан ўзингиз овора бўлиб қолдингиз?

– Уни ҳафтада бир кўраманми, йўқми?! Ахир
Сайид ака билан сув тутяпман-ку! Сиз ҳам Зумрад
опа бригадасига ишга чиқа қолсангиз-чи!

– Қанийди. Аммо аям касал, мен аямга қарашишим
керак.

– Бугун кинога кирсак.

– Овқат пиширишим керак...

– Юринг, ҳали вақт эрта-ку!

Офтоб қаршилик қилмади. Борсак, кундузи бўлгани учун одам камрок экан. Илгари бу ерда у билан «Сангам»ни уч марта бирга кўргандик. Дастлаб бироз гаплашиб ўтирдиг-у, кейин кинога кизиқиб кетдик. Немислар билан биргаликда ишланган фильм экан...

Одил Обод қишлоғида туғилиб ўсганидан му- дом фахрланиб юради. У устози Ўктам Ориф раҳбарлигида тиб олими бўлиб танилди. Олмония- да ишлаб, илмий тажрибалар ўтказди, ўн йил қиш- лоғидан узоқда яшади.

Оппоқ қўйлак кийган, ингичка иякли, қайрилган қора қош, кирра бурун, қоп-қора, жингалак соч- лари елкасига патила-патила бўлиб тушиб ётибди, кўкраги кенг, қарашлари мардона.

Ана у немис врачлари даврасида ўтирибди. Уларни оғзига қаратиб, ўзбек халқининг мисли кўрил- маган меҳнаткашлиги, болажонлиги, меҳмондўстли- ги, ажойиб одатлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаяпти, сўзлаяпти...

Фигурали учиш бўйича собиқ жаҳон чемпиони, шифокор, соҳибжамол Кристина Фридрих киприк қокмай Одилга тикилади. У шунчалар офатижон- ки...

Одил немис халқининг озодалиги, ишгирлиги, сўзида қатъий туришининг шайдоси. Кристинадек соҳибжамолни жонидан ҳам ортиқ севиб қолган. Кристина уни севади! Ана улар қўлтиклашиб, не- мисларнинг ноклар пишиб ётган кўчасида юришиб- ди. Кристина ўзбек атласидан қоматига ёпиштириб қўйлак кийган. Улар бир-бирига шундай моски... Иккисига кўча олдидаги курсичада ўтирган кампир хавас билан тикилади. Одил ноклардан бирини уш- лаб Кристинага кўрсатади.

Кампир: «Тўхтаб туринглар, мен ҳозир!» – деб ичкарига кириб кетади. Бир зумда бир тақсимча тилладек ялтираб турган нокдан олиб чиқади:

– Нокдан енглар, сизларга бирам ҳавасим келдики...

Кристина бошини орқага ташлаб қаҳ-қаҳлаб кулиб юборади:

– Бувижон, бу мен – Кристина, танимаяпсизми?

– Вой, сени қара-ю, бу қанақа осийлик экан, дебман!

Кристинанинг ота-онаси ниҳоят уларнинг турмуш қуришларига рози бўлишган. Немис одати бўйича икки ёш бир йил бир-бирларини синашади. Шундан сўнггина никоҳни қайд этишади. Бир йил ўтаётган бўлса-да, уларнинг муҳаббати оташдек алангалайди...

Икки ёш Ўзбекистонга йўл олади! Ана Одилни тўрт ўртоғи кутиб олди, зиёфат бошланиб кетди; уларнинг уч нафари шунчалар семирганки, қоринларига катта ёстиқ боғлаб олгандек, бўйинлари бурила олмай қолган, пишиллаб-ҳансираб овқат ейишмоқда, ора-сира хўриллатиб чой ичишади; пиёлаларни тўлдириб-тўлдириб арок сипқоришади. Одилнинг кўнгли беҳузур бўлади, хижолат тортиб Кристинага қарайди.

– Тунов куни учовимиз Сангзор ресторанига бориб тўрт яшик пиво, бешта арок ичиб, йигирмата сомса, йигирмата кабоб ебмиз денг! Ҳа-ха..

– Ҳа-ха...

Одил ўйланиб қолади:

«Ё тавба, булар умрида арок, пиво, кабоб кўрганми ўзи?! Қачондан бери молга ўхшаб егани-ичганидан мактанадиган бўлиб қолишди? Ахир илгари давраларда қизиқ хангомалар, ибратли гаплар, чиройли аскиялар айтилмасмиди?! Буларга озмунча янгилик айтмоқчи эдимми?! Тўртталаси ҳам маст бўлиб

алжирашга, қайсидир аёл билан айш қилганини сўзлашга ўтди!»

Кристинага ялтокланишади, коньяк ичиришмоқчи. Одил хафа бўлиб қарагач, индамай қолишади.

Даврага яна икки киши кўшилади. Бирининг юзи қизариб-кўкариб бужмайган, елкаси чўкиб, қадди сўлиган бир йигит. Унга қараб Одилнинг юраги ачишиб кетди: «Ё тавба, Асад полвонми, вой-бўй тамом бўлибди-ю бечора!» Ана арокни кўриши билан ютиниб, тез ўтирди-да, бир пиёлани тўлдириб симирди. Унинг устидан роса кулишди. Иккинчи киши ёши етмишга етган, оппоқ чўққи соқоли ўзига жуда ярашган, ўрта бўйдан баландроқ чиройли одам эди. Кристина ҳам унга ҳавас билан қаради. Одилнинг кўнгли хиёл ёришди:

– Хайрият ичларингда биргина бўлса ҳам Иброҳим акамдек нуроний киши қолибди, – деди Одил.

«Нуроний» сўзини эшитиши билан ҳамма қаҳқаҳа отди. Бир-бирларига гал бермай сўзлай кетишди...

Иттифоқо уч дўсти билан Самарқандга боришибди. Иккита ароқ олиб чойхонага киришибди. Ёнларидаги стол атрофида икки аёл болалари билан ўтиришган экан, улар Иброҳим акага қараб-қараб қўйишибди; бир-бирларига «Жуда нуроний одам экан-а, беш вақт намозини канда қилмаса керак, шунинг учун нури юзига урган чоғи» дейишибди. Бир пайт пиёлаларига тўлдириб-тўлдириб ароқ қўйишибди. Икки аёл ҳали ҳам Иброҳим акани кузатиб туришган экан, Иброҳим ака ҳам арокни шартга кўтариб юборса:

– Вой-бўй, Нуронийни худо уриб қўйди! – деб юборибди аёллардан бири.

– Нуронийни худо урди, ха-ха...

– Ҳа-ҳа! Нуронийни худо урди, ха-ха...

Яна қаҳқаҳа жаранглади. Ачинарли қаҳқаҳа...

Кутиб олиш зиёфатида Одил шундай сиқилди. Эртаси куни ҳам қаерга бормасин, кимникида чой ичмасин, шу хил манзарага дуч келаверди. Биргина оддий ошпаз бўлиб ишлайдиган дўсти Озодгина Одилнинг куюнишларини тушуниб етади. У Боғишамолдаги дўсти билан Кристинани меҳмон қилади.

«Ўзбекистонга нима бўлди ўзи?» – деб баъзида ўйланади Одил. – Не-не йигитлар ароққа қоврилиб адойи тамом бўлишган, жигарлари қовраган; яқин қариндош-уруғлар қиз бериб, қиз олишаверишганидан турли ирсий касалликлар кўпайган, йигит-қизлар жуда ҳам майдалашиб кетишган. Жаҳолат авжига чиққан: ер таллашиб бир йигит акасини чопиб ташлабди, раҳбарлар иложи борича амалидан фойдаланиб бойишга ружу қўйган.

Касалхоналарга одам кириб бўлмайди; элнинг боласи ўлиб ётибди, шифокор бемор ҳисобига еб-ичиш, бойиш пайида. Прокурор, милиция, суд қўлига тушган одамни қароқчидек шилиш билан машғул; назорат органлари кўзини порахўрлик кўр қилган; амалдорлар ҳаммаси бир-бирини қўллаб-қувватлайди, ўртада халққа қийин! Фахш, ичкиликбозлик, порахўрлик, жаҳолат, маърифатсизлик ботқоқига ботилган. Исрофгарчилик авжига чиққан тўйлар... Отарчию яллачи, фоҳишаларни кистир-кистирлар, чўнтак базмлари тўйдирган... Бачкана қўшиқлар, фахшона рақслар... Катта харажат қилиб тўй қилади-ю, боласи бечоранинг дарс тайёрлашга столи, тўртта китоби йўқ. У мурғак қаровсиз. Тарбияга муҳтож бўлиб ўз холича яшайди!

Нахотки халқ шунчалик ачинарли бир ҳолга тушиб қолаётгани ҳеч кимни ташвишлантирмаса?! Нахотки, туман раҳбари фақатгина минг хил найранг билан ишлаб чиқариш режаларини тўлдирса?! Бошқа ижтимоий ҳолга у жавоб бермайдими?! Бу

хусусда у қайғуришни бошламаса, бошқа ҳеч қайси раҳбарнинг ҳаёлига келмайди!

Халқи шармандали бир аҳволга тушиб қолганини Кристинага қандай айтади? «Эй жафокаш ўзбек! Кўзингни оч. Сенга нима бўлди! Ўзингни билимсизлик ёнига қовурма!» деб ҳайкиргиси келади?! У ўз ёнига ўзи қоврилаётганда Кристина кириб келади:

– Ўзбекни мустабид мафкура шу ҳолга солган. Барибир бизга қараганда одамларингиз ўртасида меҳроқибат кучли!

Минг йиллар мобайнида халққа сингган ҳалоллик, тўғрисўзлик барбод бўлибди. Энди халқни динга қайтариб ҳам уни тўғри йўлга, хидоятга бошқариб бўлмайди, у энди ҳеч нарсасига ишонмайди.

Иттифоко, туман каттаси ичбуруғ бўлиб қолади. Врачлар зир юрган. Ҳеч ким уни даволай олмаётган эмиш. Одилга ялиниб келишади. У «катта» хузурига борди. Бемор икки ҳафтадан бери ётган, ҳеч бир дори унга дармон бўлмаган, уни Тошкентга олиб борайлик дейишса кўнмасмиш.

Одил касалнинг аҳволи хусусида бир фикрга келди; кейин ҳамманинг чиқиб туришини сўради, «катта»га юзланди:

– Мен сизни даволайман! Лекин фақат бир илтимосим бор. Хорижда, шаҳарда ишлаш жуда жонимга тегди. Менга шу ердан иш берсангиз, ҳамюртларимга хизмат қилсам!

– Эй, бош устига, мени даволанг, бу падарлаънати дўхтирларнинг барисини ҳайдайман. Булар бир амаллаб мени Тошкентга олиб боришсаю ичакчавоғимни кесиб, адоёи тамом қилишса!

Одил муолажага киришди, четдан олиб келган дорисидан ичирди. «Катта» ярим соатга етмай зир югуришдан тўхтади, жони ором олди.

Эртаси куни бош врач ишдан олиниб, ўрнига Одил тайинланди. Кристина ҳам қишлоқда қолди.

Одил халқ қисматидаги маънавий ўпирилиш хусусида куюниб, эзилиб гапирди.

Улар кечаю кундуз ишлаб кўплаб беморларни ўлимдан олиб қолишди; ҳар бир йиғинда жон куйдириб гапиришди, маърифат тарқатишди, ўзларини ҳалол-покиза тутишди, камбағал, амалдор демай ҳаммага бирдек жон куйдиришди. Одил халқ тарбияси билан шуғуллана бошлади, одамларни ҳалол, тўғрисуз, покиза бўлишга дин, жаҳаннам азоблари билан кўрkitиб эмас, балки бор гапни айтиб ҳидоятга чақирди, олмон ҳаётидан мисоллар келтирди.

Туманда Одилнинг обрўйи ошиб кетди. Ҳамма унинг олдида келади. Одил оддий одамларни ҳимоя қилиб прокурорга, милицияга тинчлик бермасди. Туман «катта»сига «Одил ҳаммага яхши кўриниб сизнинг ўрнингизни олмокчи», деб шипшитишади. «Катта» чўчиб тушади. Одилни пора билан қўлга тушириш режаси тузилади. Беморга бўёқли пул бериб: «Қандай бўлмасин ушлат, кейин олмасаям ташлаб чиқавер», — деб тайинлашади. Бемор Одилнинг олдида киради-ю, Одил билан Кристинага қараб туриб фикридан айниб қолади, беҳуш ҳолда касалхонага ётганида иккаласи кечалари келиб хабар олгани ёдига тушади. Уларнинг пора олмаслигини бутун туман билади, шундай одамни қаматиб юборсам, кейин халқ олдида маломатга қолмайманми? Энди бир дўхтирга ёлчиганимизда нега мен бу аҳмоқларнинг гапига кира қолдим, секин қайтиб эшикка чиқсам милиция тўсади, кейин нега тухмат қилдинг деб ўзимни қамашади», — деб ўйлаб орқа томондан чиқдию тўғри Тошкентга жўнади. Республиканинг катта амалдори олдида кириб Одилга уюштирилаётган тухматни айтиб беради, бўёқ сепилган пулни кўрсатади.

Тўрт милиция ходими пулни берган бўлса керак деб, Одилнинг кабинетига бостириб кириша-

дию на беморни, на пулни топиша олмай шарманда бўлишади. Одилни Тошкентга чақиришади, йўлда машинасининг балонлари чикиб кетади!.. Одил касалхонада, Крестинанинг қўлида жон беради».

Хона ёришди. Кино тугаган эди. Офтобнинг ранги бўзариб кетган, кўзидан ёш оқарди:

– Яхшига юрим йўқ, эсиз... Қани эди бизда ҳам шунақа доктор бўлса, сариқ бўлган укам ўлмасмиди! Мен ҳам ёлғиз қолмасмидим.

Мен индамадим. Бир пайт у менинг қўлимни секин ушлаб:

– Сиз шунақа шифокор бўлмайсизми? – деди.

Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб турган эдим.

– Бўламан, – дедим ҳеч иккиланмай. – Сиз-чи?

– Мен ҳеч бўлмаса ҳамширалик қиларман, – деди, сўнг кулиб қўшиб қўйди. – Сизга!

Мен унинг қўлини сиқдим.

10

Шифокор бўлиш ҳақидаги фикр энди менинг бутун ўй-хаёлимни эгаллаб олди. Тиббиёт институтига кириш учун қайси фанлардан имтиҳон бўлишини сўраб билдим: зўр бериб ана шу фанлардан тайёрлана бошладим; ўзи кимё, физика, биологияга шундай ҳам қизиқаман, энди эса бу фанлардан ҳатто мактаб дастуридан чикиб олий мактаблар дарсликларини, бу фанлар ҳақидаги бошқа китобларни топиб ўқиб ўргана бошладим. Олий мактаб дарсликларини ўқиб мактаб мавзуларини жуда осон ўрганадиган бўлиб қолдим, тиббиёт ҳақидаги рисолачаларни жон-дилим билан ўқийман, уларни йиғиб қўяман.

Шифокор бўлишга интилиш қатида яна бир орзуим, ҳеч кимга айтмайдиган, юрагимнинг энг тўрига яшириб юрган бир ниятим ҳам бор эди. Мен худди кинодагидек кечаю кундуз югуриб, халқ

муҳаббатини қозониб, сўнг бошлиқ бўлишни истар эдим. Шунинг учун ҳам дадам дўстлари билан суҳбатлашган давраларда яхши раҳбар ҳақида гап кетса, жон-дилим билан қулоқ солиб ҳофизамга жойлаб олардим, кейин узоқ хаёллар суриб, мен раҳбар бўлсам, ана шунақа элни ўйлайдиган раҳбар бўламан, деб орзу-ҳавас қилардим. Аммо бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасдим, муҳаббатимни сир тутганимдек бу ниятимни ҳам пинҳон сақлар эдим.

Аммо, ҳокимликка интилиш нияти бир мендагина борми, деб ўйлаб, ўйимни яшириб юрсам ўтган куни бирга ишга кетаётганимизда Достон ҳам оғзидан гуллаб қолди:

– Мен катта одам бўлишим керак, – деди у кетмонини елкасига ташларкан.

– Қанақа катта одам бўласан? – дедим мен.

– Ишқилиб, қанақа бўлсаям катта одам-да!

– Бригадирми ё мактаб директорими?

– Йўқ, ҳар куни уйдан машина олиб кетиб, машина олиб келиб қўядиган катта бўламан.

– Дев бўларкансан-да?

– Девинг нимаси?

Мен унга Дев – нафс қули эканини тушунтириб ўтирмадим.

– Раисми?

– Раис бўлсамам, ишқилиб ўзимнинг хайдовчим бўлади, қаёққа олиб бориб кел десам ўша ёққа олиб бориб келади.

– Биргина хайдовчи, машина учун раис бўлишни хоҳлайсанми?

– Йўқ. Одамларни ҳам ишлатаман, лекин қаттиқ ишлатмайман, кейин шунга яраша ҳақ бердираман. Кейин мени ҳамма мактаб, нима десам ҳам айтганимни қилади.

Мен индамадим, ўзимнинг ниятим ҳақида гапириб ўтирмадим.

– Сен дўхтир бўласан-а? – деди Достон қўлим-даги рисолачага қараб.

Қўлимга тиббиёт ҳақида қанақа китоб тушса, эринмай ўқиб чиқаман-да, кейин жавонга тахлаб қўяман. Бугун ҳам сув тараб бўлгандан кейин ўқийман, деб сариқ касали ҳақидаги рисолачани олган эдим. Чунки бу касаллик кишлоғимизда жуда кўпаяётган эди.

Ўн гектарлик ерга етганда Достон ўнга бурилиб кетди. Даламизга етиб борганимда Сайид ака кетмонини елкасига ташлаб пайкал оралаб юрган экан, мени кўриб дарҳол олдимга келди:

– Қуддусжон, бодрингга сув очгандим. Бир хабар олиб келай. Сен жўякларга қараб чиқ, яна сув уриб кетмасин. Келганимдан кейин беш гектарга беш-беш оламин.

У шундай деб кетмонини елкасига ташлаб жадал кетди. Мен сув таралган жўякларни бирма-бир кўздан кечириётганимда Зумрад опа келиб қолди.

– Сайид аканг қани? – деди у мен билан қўл бериб сўрашаркан. Унинг юзидан қандайдир жонсарақлик, асабийлик сезилиб турарди. Агар ҳозир Сайид аканинг отизга кетганини айтсам у тутакиб кетади.

– Ҳозир келади, юринг чой ичинг.

– Яна отизини суғоргани кетгандир! Хах, шу бодрингини чопиб ташлаб қутилмасам!

Зумрад опа шитоб билан отиз томонга юрди:

– Мен унга кеча айтгандим, беш гектарликка сув олинлар, чанқабди, деб!

– Тўхтанг, нима қиласиз? Сайид ака ҳозир келади. Беш гектарликка сув оламин, деб тургандик, Зумрад опа! Иссиқ вақти эмас, кечки салқинда оламин, бўлмаса гул ташлаб юборади.

Аммо у тўхтамади, зарда билан қўл силтади:

– Сен аралашма, Қуддус!

Бирор кор-хол рўй бермасин деб мен ҳам Зумрад опага эргашдим.

У жадал юрганча гувраниб борарди:

– У атайлаб менга тўсқинлик қияпти. Ўтган куни радиодан қирқ беш центнердан ҳосил берамиз, деб гапирсам, нима қиласиз бўлмаган гапни гапириб, ўттиз беш центнердан берсак ҳам дўппини осмонга отаверинг, деб мен билан уришиб кетди. Раис эса бу ердан олтмиш центнердан ҳам ҳосил олса бўлади, деяпти!

Радио-газетадан номи тушмай қолди, сувни вақтида олмай ғўзаларнинг ҳосилини тўкиб бир шарманда қилай, деб ўйлаяпти!

– Қўйсангиз-чи, Зумрад опа! Сайид ака ҳеч қачон бунақа деб ўйламайди!

– Ҳамма биринчи сувдан чиқариб бўлди, бу эса ҳамон судралиб юрибди.

– Сувсамаган ерга сув олсак ғовлаб кетади-да! Нима ғўзани ғовлатиб силос қиламизми? Қаранг, бизнинг ғўзалар қандай бир текис ўсган, бошқаларникига ўхшаб пайкалнинг боши белга уриб, охири бир қарич бўлиб қолгани йўқ.

– Бу Сайид аканг ўзини оқлаш учун ўйлаб чиқарган баҳона, ўзи қачон қарасам отизда! Буни қандай тушуниш керак? Котиб келиб мени сиқади! Бунинг парвойи палак!

«Ғўзанинг сувсаганини Сайид ака сиздан ҳам, котибингиздан ҳам минг марта яхшироқ билади. Ахир ўтган йили шу ердан қирқ центнердан ҳосил олган-ку! Унинг ўзига қўйиб беринглар», – дегим келди. Аммо айтолмадим. Алҳол Зумрад опанинг қулоғига гап кирмасди. У шитоб билан отиз томон юриб борар, мен унга зўрға етишардим. Зумрад опа зарда билан пешонасидаги терни сидириб ташлади. Шунда мен унинг елкалари терлаб, кўйлаги ҳўл бўлганини кўрдим. Пешонасига боғланган икки ўрим сочлари тушиб кетди, у сочларини қайта пешонасига боғлаб ўтирмай, орқага силтаб ташлаб кетаверди.

Сайид ака отиз бошида экан, Зумрад опани кўриб кетмонини ерга қўйиб, белини ушлаганча туриб қолди:

– Келинг, бригад!

– Зумрад опа унга қараб қўлини пахса қилганча бақирди:

– Ҳей бригадир ўлиб, бригадирсиз қол!

Сайид аканинг ранги бўзарди:

– Ёмон ният қилманг, бригад!

– Шу бодрингнингни чопиб ташласам қутуламанми?

Қачон қарасам...

Зумрад опа кетмонни олиб, гуллаб, найчалаб ётган бодринг палакларини чопа бошлади. Мен югуриб бориб зўрға қўлидан кетмонни тортиб олдим, у уч-тўрт бодрингнингни чопиб улгурган эди. Қўрқиб Сайид акага қарадим, унинг ранги қум оқарган, пешонасидан тер бодраб чиққан; биламан унинг қаттиқ аччиғи чиқса шу ҳолга тушади.

– Ҳой бригадир! Ҳозир шу кетмон билан бўйнингнингни сапчадек узиб ташлайман! Мен билан ҳазиллашма!

– Сенга неча марта айтдим, биринчи сувдан чиқар, деб! Мана бу ғўзага қара!..

Озгина ерда сув қўллаб қолибди, дори қўп тушганми, икки-уч туп ғўза қурибди.

– Ғўза қуригунча, боланг ўлса бўлмайдим, Сайид ака!

У Сайид акани бирдан сенлашга ўтиб олганди. Сайид ака қўлидаги кетмонни бир четга улоқтириб юборди:

– Эй, тўқол! Болага тил тегизма! – у камаридаги қинга қўлини олиб борди. – Агар яна бир марта боламга тил тегизадиган бўлсанг нақ ичак-чавоғингнингни ағдариб ташлайман!

Сайид ака Зумрад опанинг устига бостириб бора бошлади. Мен унинг йўлини тўсдим.

– Қўйвор, Қуддус! Қани қўл теккизиб кўрсинчи!

Зумрад опа тап тортмай жойида тураверди.

— Қаерга қачон сув тутишни мен сендан яхши биламан! Сен менга осилавермасдан, унинг ўрнига бизнинг иш ҳақимизни тўғрилаб бер! Уч ойдан бери бир сўм пул олдикми?

— Оласанлар шу пулингни, мунча ховлиқмасанг!

— Болаларни нима қилай? Ейман, ичаман, кияман, деб турибди! Бир челақ бодринг сотсам, уйга нимча гўшт олиб келаман!

— Пулинг йўқ бўлса айтмайсанми? Чўнтагимдан бўлса ҳам бериб турардим.

— Мен сенинг ҳаром пулингга зор эмасман!

— Сенинг колхоз сувини ўғирлаб суғориб топган пулинг ҳалолми?

— Пешона тери билан топганим ҳалол!

— Яхшилиқни билмаган! Яна мен бунга энг кўп ойлик ёзибман-а!

— Меҳнатимга ёзясан. Ахир мен шанба, бозор нима билмасам, кечасию кундузи ишласам!

Мен иккиси ўртасида ҳанг-манг бўлиб, уришиб кетмаса, деб қўриқиб турардим.

— Кечаю кундуз бодрингга қараяпман дегин!

— Хой Зумрад, кўп қонимни қайнатма, лекин!

— Мана шу икки кунда биринчи сувдан чиқармасанг, кейин мен сен билан гаплашаман!

Зумрад опа терс-терс юриб кетди.

Сайид ака кесилган палакдан бирини олиб эзгилаб унинг орқасидан отди. Кейин пешонасини ушлаб ўтириб қолди. Алҳол унга гап ёқмайди; кетмонни олиб бодрингга сув тўғрилаб, Сайид акага қараб-қараб турдим; бундай вақтда унинг бир ўзини ташлаб кетиш инсофдан эмас, ахир! Сайид ака ўрнидан турди, қўли билан атрофни пайпаслади, чамаси кетмонни излаяпти!

— Сайид ака, кетмон менда, — дедим.

У кетмонни олиб, бодринг жўякларига кираётган сувни ўзи яна бир кўздан кечириб чиқди; сўнг беш гектарликка кетдик.

Сув тараш одамни шошириб қўяди, беш-бешлардаги сув гоҳида тараб улгуролмагандан уриб кетиши мумкин; аммо Сайид ака шундай устаки, бир марта қоғоз босиб сув тараган жўягидан ҳеч қачон сув урмайди; бугун эса бир неча жўяклардан сув урди, лекин Сайид ака аста-секин ўзига келдию аввалгидек яна жон-жаҳди билан сув тарашга киришиб кетди, яна мен қоғоз ташиб, беш-бешга сув очиб зўрға улгураман, қош қорайгунча беш гектарликка сув тараб бўлди.

Саккиз гектарлик майдон бошига чайла, чайланинг олдида супа қурганмиз, супанинг ёнига икки йиғма кат қўйганмиз. Чайлада туш пайти, супада кечқурун дам оламиз. Сайид ака беш-бешларни яна бир кўздан кечиргунча мен чой қайнатиб, супага дастурхон ёзиб турдим.

Кун ботган. Далада осмон гумбаз шаклида кўринади. Ҳали ой чиқмаган. Кўкда юлдузлар шундай чарақлайдики...

Сайид ака ҳамон ўйчан бир холда келиб, фонуснинг пилигини пастлатиб қўйди-да, супага чиқди.

– Опангга тунов куни дашном берган эдим, шу оғир ботган чоғи, – деди Сайид ака чойдан босиб-босиб хўплар экан.

– Нима деб дашном берувдингиз?

– Бир ҳафтача бўлди, кечга томон маккажўхоризор олдидан ўтаётгандим, маккажўхорилар панасида турган котибнинг «Вилис»ини кўриб қолдим. Ўзи кутубхонага серқатнов бўлиб қолганидан шубҳага тушиб юрардим, атай бостириб бордим. Қарасам ўша Девнинг ўзи хайдовчи ўрнида ўтириб олган, Зумрад олдинги ўриндикда, қизариб-бўзарган, котиб ушлаб турган қўлини зўр бериб тортиб олмоқчи бўлади.

Қаттиқ йўталгандим, иккаласининг ҳам капалаги учиб кетди, мен эса бўзрайиб туравердим. Котиб:

– Ҳа йигит, ишинг борми? – деди.

– Бу ерга сув очдим, машинани олинг, йўкса ботиб қолади, – дедим қаҳр билан.

Зумрад машинадан ирғиб тушиб қолди. Дев эса тутақиб, менга олайиб қараб машинага газ берди.

– Яхши келиб қолдингиз, анави аблаҳ... – деди опанг тутилиб-тутилиб, ўзини мусичаю бегуноҳдек кўрсатиб.

Мен Девдан ололмаган алаимни ҳам ундан олдим:

– Зумрад, билиб қўй, эринг қамалиб ётибди. Қари қайнота-қайнонам уйда ўтирибди, кўчада билган ишимни қиламан деб қишлоғимизга иснод келтирадиган бўлсанг, мен сени соғ қўймайман!

– Ҳмм... Мусо ака чўлга кетиб ўрнига сиз қолдингизми? – деди.

– Ҳа, мен қолдим, – дедим.

– Хўш, иснод келтирсам, нима қилардингиз?

– Ўзим биламан нима қилишни?

– Ҳмм... Сиз билан юрсам-чи? – деса, нима дейишни билмай бақа бўлиб қолибман.

– Демак, сиз билан юрсам қишлоққа иснод келмайди, шундайми?

– Мен, соғ олма тагига тушмайди, дейишимни биламан, «Вой аблаҳ, ҳали мен касал олма бўлиб қолибманми?» – дея кесак паррон қилиб кетди, бир йиғлайди, бир кесак отади. Зўрға тинчитибман.

– Зумрад опа сиз ўйлаганчалик эмас, – дедим мен.

– Сен нимани биласан, Қуддус! Бўлмаса нега машинасига чиқиб юрибди? Эй, тариғи пишганнинг товуғи бўлгинг келади, Девнинг тариғи мўл-да!

Мен нима дейишимни билмай жим қолдим.

Кечкурун Сайид ака эшакка бир коп бодринг ортиб шахардаги бозорга жўнади, ўша ерда ётиб сахарда кўтара пуллаб келади. Мен юлдузларни томоша қилиб ётгандим, машина овози эшитилди. Пахтазор ёнидан чироқларини ёкиб, шитоб билан юриб келган машина кимнидир тушириб, тезда орқасига қайтди. Пуштадан кимдир шахдам юриб келмоқда. Фонус ёруғида Зумрад опа кўринди. Рўмолини елкасига ташлаб олган, сочлари тўзғиган.

– Сайид ака уйга кетганди, ҳозир... – дедим тутилиб.

– Кўрдим... Бозорга кетяпти. Қуддус, бир пиёла чой бер, – деди Зумрад опа Сайид аканинг йиғма катига ўтириб. У чойни ютоқиб ича бошлади.

Ёлғон гапирганимдан хижолат бўлиб, у узатган пиёлани ҳам ололмай анграйиб қолибман.

У пиёлани ерга қўйдию ўрнидан туриб мени кучоқлаб йиғлаб юборди. Димоғимга урилган аёл кишининг ажиб бўйидан ўзимни йўқотиб, нима қилишимни билмай қотиб турардим, у эса ҳамон мени маҳкам қучиб йиғлаганча юз-кўзимдан ўпар, кўз ёшларини юзимга артарди...

– Қуддус, сен яхши боласан, сен...

Фонуснинг хира ёруғида унинг сочлари тўзғиб кетганини, у эса эътибор бермаётганини сездим.

Кейин у мени тезда кучоғидан бўшатди:

– Кечирасан Қуддус!.. Кўнглим бўшаб кетди!

Ўтирдик. У яна жойига, мен қаршисидаги йиғма катга... Пайкал томонда нимадир шитирлаб кетди, ит бўлса керак деб ўйлаб у ёққа қарамадим.

– Қуддус, негадир дардимни сенга айтгим келяпти, сенга... – у яна жим қолиб, сўнг яна менга бир қиссани сўзлаб бера бошлади.

– Уйимиздаги меҳмонхонанинг шипига осиб қўйиладиган бўз жилдли бир китоб бор эди. Ёшлигимда мен унинг қўлёзма эканлигини билмас эдим. Кейинчалик аям арабча ёзувни ўргатгандан кейин, сарғиш хитойи қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган қўлёзма эканини англадим. Дастлаб уни аям ўқиб берди, кейин ўзим ўқий бошладим. Дадамнинг бобоси – Юсуф Чойдушдан қолган бу қўлёзма Робийа қиссаси жуда ҳам қизиқ эди. Мен соҳибжамол Робийага ошиқу шайдо бўлиб қолдим, бу қиссани ўқисам, Робийа шундай ёнимга келади, ёнимда юради, соҳибжамолнинг анбари димоғимга урилгандек бўлади, Робийа...

Оҳ, у шунчалар соҳибжамолки... У кундузи кўчага чиқса, қамчиндек-қамчиндек сочлари ҳавони тўлқинлантириб борлиқни исёнга келтиради, ойдек юзини кўриб қуёш хира тортади, жамоли васфидан гуллар чаппар уриб очилиб кетади, булбуллар, жамики қушлар жўшиб-жўшиб сайрай бошлайди, дарёлар шарқираб куйлаб юборади. У тунда ташқарига чиқса ой куяди – дунёни ғала-ғовур босади, юлдузлар унинг пойига йиқиламан деб, осмонда ёниб адо бўлади...

Жиззахнинг подшоҳи Мирзамухаммаднинг ўнг қўл вазири – Искандархўжанинг қизи Робийа ана шундай соҳибжамол. У болалигида ўфил болача кийиниб олиб қишлоқ болалари билан қўшилиб ўйнайди, бу туткич бермас, чакқон, эпчил, чиройли бола ҳаммани ҳайрон қолдириб кўздан ғойиб бўлади. У болалар билан ўйнаб юриб чавандозликда, қиличбозликда тенги йўқ бўлиб етишди. У юзига қорақуя суртиб, жулдур кийимини кийиб чиқди. У ўзини зарбдан олиб қочиш, эпчиллик билан алдовчи ҳаракатлар қилиб, қилич санчишга шу қадар моҳир эдики, бирор йигит бундай ижрони удда қила олмас, бир ўзи тўрт-беш йигитни ҳам доғда қолдириб

кетеди. У гоҳида ич-ичидан қўйилиб келган сатрларни кашталарининг бир четига тикиб ёзади. У байтларни ўқиган киши ҳассос юрак дардига шерик бўлади. У тиккан кашталарга боққан кишининг дунёси ёришиб кетади. Ота-она қизларининг жамолини одамлар кўзидан яшириб юрар эдилар, Робийа ҳам ўз хуснижамолидан истиҳола қилиб, ҳадеб кўзга кўринмаслик пайида бўлади. Юзига никоб тутиб юради.

Иттифоқо у юзига никоб тутиб, бир қўлига шам, бир қўлига бир челақ сув кўтариб йўлга тушади, уни бу ҳолда кўрган кишилар саволга тутишади:

- Эй йигит, челақдаги сувни қайга олиб боряпсан?
- Дўзахни ўчиргани!
- Ё алҳазар! Аммо қўлингдаги шам нимага керак?
- Жаннатни ёндираман!

– Астаффуруллоҳ! Аллоҳимнинг хоҳиши билан яратилган дўзаху жаннатга тил теккизган бундай кофир, бенамознинг жазоси ўлим!

Оломон ҳайқиради, қўлига тушган нарса билан Робийани тошбўрон қилади. Аммо отилган тош Робийага тегмас эмиш, сўнг оломон ичидан бири:

– Бир хислат борки, Аллоҳга ширк келтирган бу дуррайчани тошбўрон қила олмаяпмиз! Қани муддаосини сўрайлик-чи. Хўш, нечун сен дўзахни ўчириб, жаннатни ёндирмоқчисан, эй йигит! – дебди.

– Хўш, сиз қачонгача дўзахдан кўрқибгина Аллоҳимга маҳаббат қўясиз!

Оломон жим бўлиб қолибди.

– Сиз қачонгача жаннатдаги роҳат-фароғат учун Аллоҳга меҳр қўясиз?!

Оломон яна жим.

– Эй халойик, дўзахдан кўрқиб Аллоҳни яхши кўрмайлик! Эй халойик, жаннатдаги фароғат деб, Аллоҳга меҳр қўймайлик! Аллоҳни Аллоҳ бўлгани учун севайлик!

Оломон орасида тош-кесак тутиб турган ҳар киши ўзини ўзи уриб кетибди, дод-фарёд солиб Робийянинг оёғига йиқилибди:

– Авлиё экансиз, билмабмиз пирим! Кўзимизни очдингиз, эй пири Қуддус!

Унинг бутун вужуди, қалбининг энг тубидан шундай бир ишқий туйғу балкиб турардики...

Аям бу китобни ўқиб бердию менинг вужудим ёнди, китоб шунчалар қизиқ эдики, уни ҳижжалаб ўзим ўқий бошладим, кўзларим хира тортиб қолса-да, ўқийвердим. Баъзан аям уришади, бўлди қил, – дейди, мен эса ўқийман, ўқийман. Кейин Зумрад опа жўшиб ғазал ўқий бошлади:

*Дил афғоним сенга етсин, лайли чоғи моҳтобимсан,
Дил афғоним сенга етсин, наҳор чоғи офтобимсан.
Ўзингнинг ишқингда кўйдим, менга маҳшар даркор эмас,
Ўзингнинг ишқингда ёндим, менга кавсар даркор эмас.*

Робийа ишқда ёниб ғазал ўқишга шу қадар берилиб кетадики, бошидан кулоҳини, юзидан ниқобини олганини сезмай қолди. Унинг офтобдек жамолига кўзи тушган оломон ҳушидан кетиб йиқилди. Робийа бир маҳал қарасаки, оломон юзтубан йиқилиб ётибди. У шошиб кулоҳини, ниқобини кийиб уйига жўнайди. Оломон ўзига келиб қарайдики, авлиё йигит – дарвиш йўқ! Йиғилганлар дод-фарёд солиб, тўрт тарафга югуриб қолишди – уларнинг қалбига дарвиш йигит ўт ёкиб кетган эди!

Гап подшоҳга етиб борди. Подшоҳ дарвишни ер тагидан бўлса-да, топишга амр этибди. Халқни чин мағфиратга чақираётган бу соҳибжамол дарвиш йигит ҳақидаги миш-миш, афсоналар авжига чиқибди, ҳеч ким уни подшоҳга тутиб бермас экан.

Шу орада Жиззахга ёғий ёғилади. Қалия қалъаси қамалда қолиб, подшоҳнинг холи танг бўлади. Подшоҳ Мирзамухаммаднинг Жаъфар исмли ўғли бўлиб, ўн тўққиз ёшга тўлган бу йигит жуда келишган, баҳодир эди. Отасининг танг аҳволини кўриб, шоҳзоданинг қони қайнайди, ёнига беш юз нафар йигит олиб қалъадан чиқиб душманга қарши жангга ташланади. Шоҳзоданинг йигитлари дастлаб душманни гангитиб қўйишади, аммо жуда кўп бўлган душман қалъанинг бошқа дарвозалари олдида турган қўшинни шоҳзода ҳужум қилган томонга ташлайдию Жаъфарнинг йигитларини қуршаб олади, энди шоҳзоданинг асир тушиши аниқ бўлиб қолади; шу маҳал Қалиянинг шарқий дарвозасидан қиличдек хипча қомат бир чавандоз отилиб чиқадию Жаъфарни қуршаб турган душман устига от солади; у қиличбозликда шунчалар моҳир эдики, ҳаш-паш дегунча ўн-ўн беш душманни маҳв этади, у душман ғуж бўлган жойга от солиб, бир зумда душман сафини тумтарақай қилиб юборади, бундан руҳланган шоҳзода йигитлари ҳам душманни савашга тушишади, шоҳзода: «Қорабайир минган бу йигит ким бўлди?» — деб қараса йигит юзига ниқоб тортиб олган. Қош қорайишига яқин шоҳзода йигитлари ёлиб бир кайфиятда қалъага қайтишади; ҳамма хурсанд, шод, қалъага киргач, қорабайирли чавандозни излаб қолишади, аммо у ғойиб бўлган эди. «Човқар от вазирнинг қорабайирига ўхшайди!» Бундай зотдор от бизда фақат вазир Искандархўжада бор, дейди кимдир.

Эртаси куни ҳам шу ҳол такрорланади. Энди қиличбоз йигит бўрил от миниб олганди, яна душманнинг юзлаб ўлиги қалъа олдида чўзилиб қолади, шоҳзода яна ёлиб қайтади. Учинчи куни ниқобли

қиличбоз саман отда пайдо бўлади, бешинчи куни кашқа отда, олтинчи куни оқ отда майдонга чиқади. Оҳ, бу Жиззахнинг жонон қорабайирлари чакмоқдек учади, душман орасидан қил ўтгудек жойлардан суриб ўтиб кетади, ўзига ҳам, чавандозга ҳам тиф теккизмайди. Энди душман ниқобли чавандоз пайдо бўлиши билан жанг майдонини ташлаб қоча бошлайди, ҳеч кимнинг унга рўбарў келишга юраги бетламайди; ўнинчи куни душман тонг пайти қалъа атрофидаги ўтовларини бузиб қочиб қолади. Аммо сахар чоғи пайдо бўлган ниқобли чавандоз душман ортидан қувмайди – яна кўздан ғойиб бўлади; карнай-сурнай, ноғора чалиниб ғалаба байрам қилинади. Мирзамухаммад ниқобли чавандозга бўйи баробар тилло атаганини эълон қилади, аммо қиличбоз йўқ эди. Бу «йигит»нинг Робийа эканини ҳеч ким билмайди; вазирдан суриштиришса кимдир «Шохзода айтди!» деб ҳар куни вазирникига келиб, отларни алмаштириб турган. Кечқурун уйда суҳбат қуриб ўтиришганда вазир: «Тавба, ким экан у қиличбоз? Нега тиллони олмайди? У ахир мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатди!» деса, «Отажон! У тўғри йўл тутяпти! АХИР МЕН ЮРТИМГА КАТТА ХИЗМАТ КЎРСАТДИМ, МЕНГА МУКОФОТ БЕРИНГ ДЕЙИШ МАРД ЙИГИТНИНГ ИШИ ЭМАС! ВАТАНГА БЕМИННАТ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШАРТ!» – дейди қизи. «Ғапинг тўғри», – дейди отаси.

Қирқ кечаю қирқ кундуз тўю томоша, хурсандчилик қилинаётган бир пайтда яна соҳибжамол дарвиш пайдо бўлиб қолади, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда яна одамларни мағфиратга чорлай бошлайди. Бир гал Робийа дарвишча кийиниб, юзига ниқоб тортиб ваъз ўқиётганда Жаъфар майдонга бостириб кирадю дарвиш йигит қочолмай қолади; оломон дарвиш

йигит учун жонини беришга ҳам тайёр эди, аммо каршисида эл севган шоҳзода тургани учун иложсиз қотиб қолади. Шоҳзода эса тўғри дарвиш йигитнинг устига бостириб боради: «Сенми эл тинчлигини бузиб, найранг кўрсатаётган!» – деб қиличи билан бир уриб кулоҳини учуриб юборади; Робийа бирдан ўзига келади, шоҳзодани кўриб бир зум хаёлга чўмади – у жанг майдонида шоҳзодага бир неча бор кўзи тушиб юрагида сирли бир силсила уйғонган эди; бироқ у шоҳзода олдида мағлуб нотавон ҳолда эмас, балки бир ғолиб руҳ билан кўринишни хоҳларди, шундай туйғу юрагида бош кўтарадию ўзини қўлга олади: «Шоҳзода, қуролсиз одамнинг устидан кулиш, уни банди қилиш – марднинг иши эмас!» – деди овозини дўриллатиб виқор билан; шунда шоҳзода отдан тушиб, навқаридан бирининг қиличини олиб, ўзининг қиличини Робийага отибди. Шоҳзода дарвишнинг қилич сермашларидан, алдаш усуллари-дан дарҳол англабдики, бу ниқобли дарвиш – ўша қиличбоз! Бироқ ўн кун мобайнида юзлаб душманни нобуд қилган, ўзига эса тиф тегизмаган қиличбоз негадир ҳозир жуда суст қилич сермаётган эди. Шунда шоҳзода жангни тўхтатмоқчи бўлиб: «Эй йигит, мен сени билдим, сен ўша ниқобли қиличбозсан! Сенинг гуноҳингдан кечдим! Сени шоҳ инъоми кутяпти, юр биз билан» – дебди, «Йўқ, йўқ, мен у эмасман!» – дебди Робийа шахт билан қилич уриштириб, аммо у хиёл гангиб қолади, жанг учун эмас, балки ваъзхонлик учун мўлжалланган ниқобини унча маҳкамламаган экан, шоҳзода уни қилич билан уриб тушириб юборибди, шунда Робийанинг қамчиндек-қамчиндек ўрилган қирқ кокили елкаси узра сочилиб кетибди, кундай равшан юзига қараб шоҳзоданинг кўзи қамашибди, Робийа шартта қочиб қолмоқчи экан, шоҳзода унинг икки билагидан маҳкам уш-

лаб олибди, одамлар нима гаплигини англагунча отига ўнгариб, шоҳнинг ҳузурига олиб борибдию бор гапни подшоҳга айтиб берибди; шоҳ Робийанинг ҳуснижамолини кўриб донг қотибди, ақлу ҳушидан айрилиб нима қиларини билмай қалтираб қолибди; анчадан сўнг эса ўзига келиб: «Яхшиси қиз махсус зиндонда турсин, нима қилишни кейин ўйлаб кўрармиз!» дебди ўзини зўрға қўлга олиб. «Шоҳ амри вожиб!» дебди Робийа итоатгўйлик билан. Қизни олиб чиқиб кетибдилар, отаси билан ёлғиз қолгач, шоҳзода шашқатор кўз ёши тўкиб, Робийани севиб қолганини, уйланса фақат шунга уйланишини айтибди. Шоҳ: «Бу қиз бошимга бало бўлади, шекилли! Мана ўғлимни йўлдан урибди. Ўғлим унга ошиқу шайдо. Шоҳу шоҳзода ошиқу шайдо бўлдим, ўлди деяверинг. Аёл уни хоҳлаган йўриғига ўйнатади. Яна бу қизнинг жодуси борга ўхшайди. Шунча душманга бас келадими, жодуси бўлмаса? Ҳа, у жодугар! Агар жодугар бўлмаса, эркакча кийиниб ваъзхонлик қиладими? Вазирим нега шундай чиройли қизи бўлиб, у қизини менинг ҳарамимга олиб келиб бермади? Эҳтимол, вазирнинг қизиман, деб алдаётгандир. Вазир агар шундай чиройли қизи бўлганда аллақачон шоҳга тортиқ қиларди». Шоҳ шу хаёлга борибдию шоҳзодани яхши гапириб чиқариб юборибди: орқасидан жаллодни чорлаб, қизни эрталабга қолдирмай тинчит, деб қўлига амр тутқазибди. Эрталаб шоҳзода сўраса ўз жонига қасд қилди дейсан, деб тайинлабди; жаллод амрни олиб зиндонга кирса, зиндон Робийанинг жамоли нуридан кундузгидек ёришиб турганмиш. Робийага қараб жаллоднинг кўнгли суст кетибди; барибир у ўлади-ю, ундан кўра бир кўнгилхушлик қилиб қолай, деб Робийага ташланибди; Робийа эса эпчиллик билан ханжарни тортиб олиб жаллоднинг кўкрагига санчибди; жон бераётган жаллоднинг

қўлидан шоҳнинг амрини олиб ўқиб, ҳуши беҳуш бўлиб ўтириб қолибди. Аллоҳим белгилаган куниим битибди чоғи, энди фурсат ўтмай изҳоримни ёзиб қолай, деб ханжарнинг учи билан қон томирини кесибди, ундан оққан қон билан панжасини бўяб зиндон деворига байтлар ёза бошлабди, у қони тугаб ҳолдан кетгунча ёзибди, зиндон туробига секин бош қўйиб ойдек балқиб жон берибди, жони чиққандан сўнг ҳам жамоли нури билан атрофни ёритиб турибди; шоҳзода тонгда безовта бўлиб уйқудан турибди, қулоғига Робийа шундай шивирлаган экан:

*Кўзингни оч, эй дилбандим, мени ишқинг адо қилди,
Қонимни сўриб зулукдек қонсиз танам адо қилди,
Фоний дунёга сизмадим, боқий дунё шайдо қилди,
Ўликлар ичинда бир дарвиш Робий қизни пайдо қилди.*

Шоҳзода зиндонга югуриб борибди, жонсиз ётган Робийани кўриб, пешонасига уриб йиғлабди: «Сенинг жонингга мен аблаҳ зомин бўлдим!» деб бўзлабди, бўзлабди... зиндон деворидаги байтларни ўқиб, эзилиб-эзилиб йиғлабди, сўнг Робийанинг совиб қотиб қолган панжаларидан ханжарни зўрға ажратиб олиб, ўзини тилка-пора қилиб ташлабди, Робийанинг ёнига йиқилиб жон берибди.

...Қўш тобут чиққан юртдан файз-барака кетибди...

Қуддус, биласанми, қиссани ўқиб гоҳида хаёлга ботиб қолардим. Жаъфардек бир соҳибжамол йигит мени, албатта топиб келади; тўғри у замон бошқа эди Жаъфар билан Робийа энди бир-бирини топганда висолга мушарраф бўлмай қазо қилдилар; аммо менинг шаҳзодам билан бахтли ҳаёт кечири-

шимга ҳеч ким монелик қилмайди, биз албатта бахтли яшаймиз, бахтли яшаймиз... Баъзан юзи Сайид акангникига ўхшаган шахзода кўзимга аниқ кўриниб кетади: у суворасининг енги, этакларини шамолда учириб чўл томондан от қўйиб келади; мен пешвоз чиқаман, у худди Жаъфар Робийани отига ўнгариб олгандек мени ҳам отига миндириб оладию иккимиз отда қуюндек учиб кетамиз, учиб кетамиз...

Бир куни ўчоқ бошида, аям идишларни қўл билан юваётган жойда ўтириб хаёл суриб қолибману:

– Шахзода келади-я! – деб юборибман.

– Қанақа шахзода?! – деди аям ҳайрон қолиб.

– Жаъфарга ўхшаган шахзода-да!

– Қайси Жаъфар?

– Робийани яхши кўриб қолган шахзода бор-ку!

Аям қўлидаги чинни чойнакни қўйиб ўйланиб қолди.

– Ҳа-я! – деди, – Жаъфаринг ким экан, дебман.

У тўнқарилган қозонни пайпаслаб кўриб ўрнидан турди:

– Ҳа, Жаъфарга ўхшаган шахзода келади, келади... Бу ёққа кара!

– Лаббай, – деб яқинига бордим.

Алҳол мени маҳкам қучоқлаб олиб бетимга нимадир шуваб ташлади:

– Шахзодани кутаётган оғзингга...

Мен ура қочиб қолдим, аям бошлаб юзимга қорақуя суртиб ташлабди.

– Эрсираб қолибсан, сен қиз! Шу сени Чилгаш тентакка бериб юбормасам!

Аямнинг ҳазили сабаб бўлдим, ишқилиб, осмондан ерга тушдим, энди шахзода ҳақида кам ўйлайдиган бўлдим...

Аям фақат ўзининг покизалиги билангина элнинг оғзига этак тутиб келган.

Дадам ўлгандан кейин у мени деб эр қилмади. Эҳе, ошиқ бўлган сон мингта эди. Бири совчи юборади, бири йўлини пойлайди, бири нималарнидир баҳона қилиб дарвозани тақиллатади, аммо бир эркакни остона ҳатлатиб уйга киритмайди. Орзикул амаки ҳар қанча қилса ҳам, ялинса ҳам никоҳ қилиб олмагунча яқинига йўлатмади, йўлатмади...

Болалигимда ҳамма мени яхши кўрарди: эркак ҳам, аёл ҳам. Катта бўлганим сари мени кўпроқ эркаклар яхши кўрадиган бўлишди; аёлларнинг баъзилари жуда меҳр билан ўзларига яқин олиб кўришишса, баъзилари аллақандай ҳасад билан қарашади. Қизлигимда менга ошиқ бўлмаган йигит йўқ эди. (Фонуснинг хира ёруғида унинг хиёл жилмайгани сезилди.) Лекин ҳеч қайсисига ризолик сездирмаганман. Аям айтгандики, чин ўзбек қизи бирор йигит унга севги изҳор қилсаям, ҳеч қачон мен ҳам сени яхши кўраман, деб дарҳол лаққа тушмайди, агар йигитнинг севгиси чин бўлса рад қилсанг ҳам сендан кечмайди, агар йигит шунчаки яхши кўрган бўлса, қиз лақиллаб қолаверади, номи булғанади. Йигитга нима? Бошқасини топади! Эркакники хархара, аёлники масхара! Қиз севгисини қанча сездирмаса, шунча юксакка кўтарилади.

Қуддус, сен роса кўп китоб ўқийсан-а? Эҳ-х, бу китобларда аёллар ҳақида қандай яхши гапларни ёзишган. Аёл – жамиятнинг қутб юлдузи! Аёл – жамики гўзаллик маъбудаси!.. Уларни ўқиб ҳар бир эркак сенинг қадрингга етадигандек, ҳамма эркак сени ҳимоя қиладигандек, сени авайлаб-асрайдигандек, доим сен билан хушмуомалада бўладигандек туюларди. Мен шундай бўлиши керак, деб ўйлардим.

Аммо аслида бутунлай бошқача экан. Тўғри мени кўрган ҳар қандай эркак бирданига бошқача бўлиб

қолади – у ёғ-бу ёғини тўғрилайди. Бир кун бир йигит шартга оёғим тагига ўзини ташласа юрагим ёрилиб кетай деди. Оёғинг тагида ўлай сохибжамолим, деб кўкрагига урди. Мен ура қочиб кутулдим. Хар кўринган эркак менга қандайдир илтифот, хушомад билан гапира бошлайди. Кейин эса сал қўйиб берсанг, сени қўғирчоқ қилиб ўйнатишга ҳаракат қилади, бирпасда севги изҳор қилишдан ҳам уялмайди, осмондаги ойни, бари юлдузларни узиб олиб бераман, деб лоф уришдан ҳам ўзини тия олмайди. Шунинг учунми, жуда ёшлигимданок уларнинг тилёғламаликларини кўрганимданми, уларни ёмон кўриб қолгандим. Яна ўзига айтиб ўтирмагин-куя, негадир ўзимдан катта бўлсаям, шу Сайид акангни ёқтирар эдим. Кўрсам негадир юрагим жизиллаб кетарди. Билмайман, мағрур юришиними, мени кўрганда тикилиб-тикилиб индамай ўтиб кетишиними, ишқилиб ёқтирар эдим. Ҳатто тўйи бўлаётганда, қани эди шу Тўти опанинг ўрнида мен бўлиб қолсам деб ҳам ўйлаганман, кейин эса алаимдан бир четга чиқиб роса йиғлаганман... Кейин билсам у ҳам асаби танг, гердайган йигит экан!

Эҳе, бу йигитларнинг сон-мингтаси менга хат ёзишган. Бирортасининг хати юрагимни жизиллатмаган, барисини ёқиб юборганман. Бу ҳол негадир аччиғимни чиқара бошлади. Қани эди бирор йигитни яхши кўролсам! Сайид акангни эсласам негадир янада жаҳлим чиқиб кетади. Иттифоқо қишлоқда сен ҳақингда гап тарқалиб кетди: Қуддуснинг севгилиси, деб қизлар мени роса мазах қилишди. Шу пайтда ўзинг дуч келиб қолдинг, кейин...

...Мудом аччиқ алам билан эслайдиган бу ҳолатимни алҳол ортиқча эҳтироссиз кўз олдимга келтирдим, ўшанда ўтсиз ўртаниб, ўтинсиз тутаб юрган Зумрад опага менинг замзамам ортиқча бўлган!

– Қуддус бу болалик-да! Мен бу қилиғингни эсласам аввал роса аччигим чиқар эди, кейин эса маза қилиб куладиган бўлдим, кейин эса сени кўргим, гаплашгим келарди... Девдан қутқарганингни эслаб сендан миннатдор бўлганман, – деди Зумрад опа худди кўнглимдан ўтаётганини билгандек.

Мен жилмайиб Зумрад опага қарадим, қоронғиликда ҳам унинг гўзал чехрасини кўргандек бўлдим. У қўлимни ушлаб сиқиб қўйди. Юрагимга илиқ хаяжон қуйилди. У яна гапида давом этди.

– Энг хунук йигитга тегаман, деб айтгандим-ку. Совчилар келаверса, қайсисининг ўғли хунуқроқ экан, дейман ўзимча. Кейин рад жавобини бераман. Аммо совчилар шундай келиб-кетавермас экан, уларнинг ҳар бирини бирор-бир баҳона билан қайтариш ҳам осон эмас экан. Кейин кимнинг хонадонидан совчи келиб, рад жавоб олиб кетса ўша биз билан душманлашиб қоларкан, кўчада ўша хонадондагилар мени кўришса тесқари қараб ўтишади, салом берсам алик олишмайди. Ҳатто қуруқ қайтган совчилардан бири: «Қизи ўзига ишонмас экан», – деб гап тарқатибди! Бунини эшитиб аям роса хуноб бўлиб йиғлади, менинг юрак-юрагимдан ўтиб кетди, энди кимдан келса ҳам тегаман, дедим.

Шу орада Очил баққол амакининг ўғли Фахри акадан совчи келиб қолди. Мен ўйлаб ўтирмай розилик бердим. Фахри ака кутубхонадан келаётганимда йўлимга чиқиб юрар эди, чиройлигина, бақувват йигит. Нима бўлса бўлар, дедим. Дастлаб мен уни севиб қолганга ўхшадим. Унинг ота-онаси ҳам, ўзи ҳам мени еру кўкка ишонмайди. Олти ойча шундай яхши яшадик. Аммо олти ойдан кейин юрагимда унга нисбатан ҳеч нарса қолмади, ҳеч нарса! Йўқ мен уни севишим керак, деб ўзимни мажбур қилардим, унга ўзимни севадигандек қилиб кўрсатардим, аммо юрагимда ҳеч нарса йўқ эди.

Қалбим етим бўлиб қолди! Бир йилдан сўнг эса у камалиб кетди. Гапнинг очиги бунга дастлаб бир ҳисоби яхши бўлди, деб ўйладим, ўзимни мажбурлаш меъдамга тегиб кетганди.

У узоқ жимиб қолди. У пайпаслаб қўлимни ушлади, негадир қўли титраб эди.

– Қуддус, энди сен мени яхши кўрмайсанми? Сен ҳам мени ташлаб кетдингми?! Мен итти...

У йиғлаб ўрнидан турди, мен ҳам туришим билан мени маҳкам кучоклаб, юзимга кўз ёшларини томизиб ютоқиб ўпа бошлади.

– Мени куч, Қуддус! Мени яхши кўрасан-а?

Унинг бутун вужуди дир-дир қалтирар эди...

У анча маҳал жим ўтириб қолди, сўнг яна ҳазин овозда гап бошлади.

– Эркак шундай бир ит бўларканки, эрга тегсанг ҳам тинч қўймас экан. Қўйиб берсам, Сайид аканг ҳам менга осилади. Анави Девнинг эса бугун бошини ёриб келяпман. (У бир зум тўхтаб қолди.) Кеча кечқурун у мени «Эринг Фахрининг ишини гаплашиб бераман», – деб чақирди. Бир пайт машинада ҳайдовчи билан Сангзор бўйидаги бир бинога бордик, бу дача экан. Кирган кенг хонамиздаги столга дастурхон тузаб қўйилган, юрагим шигф этиб кетди. Эртақлардаги аёлларни ҳушидан кетказиб номусига тажовуз қилгани ёдимга тушди. Тунов куни маккажўҳоризор олдиға машинасини ўзи ҳайдаб келиб ҳам жуда бошимни оғритган эди. Мен шартта орқамга қайтмоқчи бўлиб эшикка қараб бирикки қадам ташлаган эдим, у югуриб келиб эшикни қулфлаб олди. «Қачонгача таранг қиласан, а? Бугун ё меники бўласан, ё шу ердан ўлигинг чиқади», – деди гердайиб. Менинг жоним чиқиб кетди.

«Шунақами ҳали», – дедиму югуриб стол олдиға бориб, қўлимга илинган нарсани Девга отавер-

дим, отавердим, ароқ, коньяк, шампан шишалари гоҳ деворга, гоҳ уйнинг деразалари, ойналарига тегиб синаверди. Дераза олдида кимнингдир: «Нима гап? Милицияга хабар қилиш керак!» – дегани эшитилди. Дев мени маҳкам кучоклаб олмоқчи эди, столдаги графинни олиб бор кучим билан унинг бошига солдим у ўша овоз келган тарафдаги деразага бориб бақирдим, отилдим, дераза панжараси бор экан, яна: «Кутқаринглар!» – деб бақирдим. Дев бир маҳал бошидан оққан қонни сочиқ билан артиб эшикни очди. «Йўқол, қанжик!» – деб сўқди. Мен эшикдан ура қочиб чиқиб бу томонга қараб югурдим, югурдим, бир маҳал орқамдан машина сигнал берди. Қарасам Девнинг «Волга»си, ичида ўзи йўқ.

Кабир: «Жон синглим, юринг олиб бориб ташлайман. Бу хўжайин ана шунақа ит экан, эртага мен ҳам у билан ишламайман», – деди.

Мен яна бир зум ўйлаб турдим машинасига чиқдим. «Зўр жувон экансиз, қуллуқ сизга! Мен боя машинага индамай чиқиб борганингизда шундай чиройли аёлни худо уриб қўйган экан, деб ўйловдим», – деди у. Мен индамадим. Шийпонга шу аҳволда боролмай тўғри бу ерга келдим!

Зумрад опа «ух» тортди:

– Қуддус, чарчадим. Орзу амакига айтай десам, мен учун жанжал қўтаришидан ор қиламан. Юрагим безовта, безовта... ҳеч тинчимайди, ҳеч...

– Мана бу жойда ёта қолинг, – деб унга ўзимнинг жойимни ҳозирлаб бердим. У «ух» тортиб жойимга ёнбошлади...

Катталар ташвишларига шерик бўлиб ўспиринлигим шундай ўтаётган эди. Ўспиринлик – инсон умрининг ғоят серзавқ, мароқли, шундай гўзал фас-

ли эканки... Бу ҳақда мен кейинчалик кўп ўйлаб кўриб шундай фикрга келдим.

Ўспиринлигимда мен болалик хаёлларидан, катталар ҳаётига аралашиб «қовун тушириб» қўйишларимдан, ўсмирликдаги серзардаликларимдан қутулгандек эдим. Юрагимдаги қизиш, гумириб-гумириб қўйиш фасл топган, фақат сирли-сирли китикланади; ҳамма, ҳамма — атрофдаги одамлар ҳам, жамики борлиқ менга яхши, гўзал туюлади. Энди турли тақиқлар ҳам камайган эди.

Ўспириннинг юраги бўздек оқ, олийжаноб, эзгу! У нақадар ишонувчан, кўнгли, қўли очиқ. Қалби бамисли бўз ер. Эккан уруғингиз тез ниш уради. Шунинг учун ҳам ўзбек ўспирин болани бўзбола, ўспирин қизни бўйқиз дейди. Ўспиринни яхши йўлга ҳам, ёмон йўлга ҳам бошқариш осон кечади.

Бир куни кечқурун кинохонада қандай кино кетаётганини билиш учун у ерга бордим. Бозорбоши болаларини кўриб қолдим. Улар билан мен бозорга узум олиб борганимизда танишган эдим: дадам узумни сотиб бўлгунча айланиб юриб қовун бозори олдидан чиқиб қолдим; у ердаги уюм-уюм қовунлардан беридаги девор соясига шолча, кўрпача солинган жойда уч бола гурвой қовунни тиликлаб еяётган эдилар, уларга ҳавасим келиб қараб қолдим. Шунда болалардан бири — найнов, кирғийбурун бола қовун ейишга таклиф қилди, кўярда-қўймай бир тилик қовунни узатиб кўрпачага таклиф қилди. Мен ноилож ўтириб гурвой қовундан маза қилиб едим. Найновнинг исми Бакир, дўмбоқ, кулгич юзлисиники Баҳодир, пакана, лўппи юзли боланинг исми эса Шокир экан.

– Ол, тортинма, буни сотиб олганимиз йўқ, Бакир шимо қилган, – деди Баҳодир хиринглаб кулганча.

Шокир билан Баҳодир қовунчини гапга солиб овора қилишибди. Бакир каттагина гурвойни ўғирлабди. Бозорбоши болалари безори табиатлилиги, ўғрифёъллиги, пишиқлиги билан машхур. Бакир шолча, кўрпача ёзиб, товоқ, пичоқ қўйиб қовун сотиб олиб еяётганларга хизмат қилади, у хизмат ҳақи олмай, қовунпўчоқ учунгина бу ишни бажаради, пўчоқ билан уйидаги мол, қўйларни боқади. У кўпроқ қовун емоқчи бўлганларни жойга таклиф қилади, тарвуз емоқчи бўлганларни эса иложи борида бошқаларга ўтказади. Чунки тарвуз пўчоғи молга юкмайди. Баҳодир билан Шокир кўзага сув солиб: «Муздек сув» деб бақиришганча сув сотишади. Бакирнинг хизматида пул тушмайди. Баъзан у Шокирни ёки Баҳодирни ўзининг ўрнига қолдириб кўзасини олиб бир айланиб сув сотиб пул ишлаб олади. Баҳодир билан Шокир Бакирга сўзсиз итоат этишади...

Бакир бақувват бир йигитга айланибди, Баҳодир билан Шокирнинг эса бўйи анча ўсган. Мен уларни кинохона ёнидаги музқаймоқхонага таклиф қилиб музқаймоқ билан сийладим, улар эса мени чиптасиз кинога олиб киришди. Назоратчига қараб Бакир кўз қисиб қўйганди, мени ҳам индамай ўтказиб юборди. Орқадаги бўш жойларга ўтирдик. Уларнинг фильм билан ишлари ҳам йўқ эди, кинохонанинг турли бурчакларида изғишди, мен улар нима қилаётган экан, деб ҳаёлим бўлиниб-бўлиниб уруш ҳақидаги кинони кўргандек ҳам бўлмадим.

Кино тугаб чироқ ёнгач Шокир Бакирга қараб секин деди:

– Ўлжа бор!

Бакир атрофга аланглади:

– Қани?

Шокир хиёл гандираклаб кетаётган ўрта яшар бир кишига ишора қилди.

– Фирт маст. Қўлидаги соати зўр. Пули ҳам бўлса керак. Кундузи бодринг сотаётганди, – деди Баҳодир.

Бакир у одамдан кўзини узмасди.

– Агар у тумандан келган бўлса бозордаги меҳмонхонада ётади, – деди Шокир.

– Меҳмонхонага боғ ичидан ўтиб боради, боғ қоронғи, – деди Баҳодир.

Бакир ҳамон индамай маст одамни кузатарди, кейин у менинг қўлимдан ушлаб олди.

Хамма кинохонадан чиқиб тарқалиб кетаётганди, маст одам боққа қараб юрди. Бакир менинг қўлимни қўйиб юбормай боққа қараб судради:

– Югур биз олдидан чиқамиз, сизлар орқадан. Оғайничалиш, сен манави одам пулимни олиб қўйди, деб йиғлайсан, сенлар ишингни биласанлар. Тамом!

У қўлимдан силтаб тортиб боққа қараб югурди, мен ноилож унга қўшилиб югурдим. Боғ четидан анча олдинга югуриб ўтиб қоронғи жойда пойлаб турдик. Ёмон бир иш қилаётганимиздан юрагим та-ка-пука!

– Қўрқма, сен айтганимни қайтарсанг бўлди, бу ёғини менга қўйиб бер.

У мени аллақачон бу ишга қўшиб қўйганди, мендан қўшиласанми, деб сўрамади ҳам. Балки у менинг индамаётганим учун шундай қилаётгандир, аммо у менинг: «Тўхтанглар, мен сенларга қўшилмайман», – дейишимга ҳам имкон бермаётган эди. Қоронғи йўлакдан қадам товуши эшитилди. Бакир қўлимдан тортиб яширинди, мен ҳам ўзимни панага олдим, аммо йўлакдаги одам бошқа эди.

– Бошқа ёққа кетиб қолдими, занғар? – деди Бакир.

Бир пайт Шокир югуриб келди:

– Бакир, у боғ ичига кирди, чамаси захар танг қилган.

– Яхши, ўша ерда унинг жойини соламиз, худо ўзи ўнглаяпти.

У яна қўлимдан тортди.

Учовлон боғ ичкарасига югурдик, у ерда бир дарахт панасида Баҳодир у одамни кузатиб турарди.

Ана, у одам бироз гандираклаб бизга қараб юрди. Бакир чўнтагидан қўлқоп олиб кийди, пешонасини қора рўмолча билан танғиди-ю: «Кетдик!» – деб боши билан имо қилди, яна қўлимдан тортди.

Гандираклаб келаётган одам бизни илғаб бирдан тўхтаб қолди. Бакир югуриб бориб у одамнинг қўлидан ушлади.

– Кимсан? Сенга нима керак? – деди ҳалиги одам.

– Қап-катта бўлиб шу боланинг пулини тортиб олгани уялмайсизми?

– Нима? Алжирама! Мен, мен...

– Қани яхшиликча пулини қайтаринг! – деди Бакир.

– Ҳа, пулини беринг, бўлмаса мелисага олиб борамиз.

– Тух... тух...мнат ққилма! Мен морякман, – деди маст одам кўкрагини кериб. – Ҳаммангнинг онангни...

Алҳол у қулоқ-чаккасига тушган зарбадан жўяк ичига қулади. Кейин воқеа жуда тез содир бўлди. Уч оғайни унинг устига кузғундек ташланди.

Бакирнинг:

– Пулни изла, – деган овози эшитилди.

– Топдим, занғар. Чалворининг чўнтагига яшириб устидан шим кийган экан! – деди Шокир.

– Бўлинглар, лапшайманглар! Бўлдимиз?

– Бўлди, – деди Баҳодир хансираб.

– Сурдик, тез!

Маст одам инқиллаб сўкинарди:

– Ўғрилар! Онангни...

Боғдан югуриб чиқиб сўнг секинлашдик, кинохона орқасидаги ёруғ жойга ўтдик. Шокир чорда-на куриб ўтириб ўртага қайирма пичокни, Баҳодир занжирли соатни ва пулни ташлади. Бакир дарҳол пулни санади: эллик беш сўм. Кейин пул бўлинди, менга беш сўм беришди, олмаганимга қўйишмади.

– Яна, овзингдан гулласанг, қараб қўй! – деб пўписа қилди Бакир менга.

Улар мени кейин ҳам тинч қўйишмади.

Дадамга, Муроджон акага айтай десам шармандам чиқишидан қўрқаман.

Охири бир куни Бакирга:

– Мен ўқишим керак, – дедим.

– Ўқишим керак! Ўзи ҳаётингга «уч» олганмисан?

– Фақат бешга ўқийман.

– «Фақат бешга ўқийман»миш, вой ўламан! –

Бакир қорнини ушлаб қулди.

– Тескари бешдир-да!

Бошқалар унга қўшилишди.

– Ишонмайсизлар-а!

– Хўп ишондик, майли ўқи, одам бўл, ўшанда бизга ёрдам берасан, аммо сичқон инига тушди, гулдир-гуп. Кези келганда барибир сени чақирамиз. Тутун қайтармайсан.

Улар қўлга тушишди, аммо мени сотишмади. Шундай қилиб ўғриларга қўшилиб кетишимга оз қолди...

Бу менинг кўнгли бўшлиқ туфайли ўспиринлигимда йўл қўйган энг катта хатоим эди. Албатта, бу ёмонлигимдан кўз юма олмайман, ҳаммага яхшилик қилгим келади. Мана, шундай ёнимдаги катда ширингина ухлаб ётган Зумрад опа ҳақида ҳам: «Қандай қилсам унинг ҳаёти изига тушиб кетаркану у ўзини бахтли ҳис қиларкан», – деб ўйлардим. У бечора уйкусида ҳам тинч ётолмайди, баъзан алаҳсираб нималардир деб гапиреди, сўнг

хўрсиниқ, йиғига ўхшаш бир овоз чиқаради, жим бўлиб қолади, кейин яна алаҳлайди. Бечора Зумрад опа! Мен ҳам, Сайид ака ҳам у ҳақда қаёқдаги бўлмағур хаёлларга бориб, унга осон тутиб юрибмиз. У қанчалар бокира. Маънили, қалби гўзал эканлигини мен бугунги суҳбатдан кейингина билдим. Бу гапларни хотиржам ўтирганимизда Сайид акага ҳам айтиб бераман. Шунда у ҳам Зумрад опа ҳақида ёмон фикрга боргани учун пушаймон ейди.

Зумрад опа яна алаҳсираб хўрсинди. Эҳ, бечора, қанчалар қийналяпти, изтироб чекяпти. Соҳибжамол бўлиш билангина аёл бахтли бўлавермас экан-да! Ҳусн бахтсизликка ҳам сабаб бўлади. Аммо Зумрад опада нима гуноҳ? Айби унинг гўзал бўлганими?

Шулар ҳақида ўйлаб ухлолмай ётдим, кейин кўзим илинди. Туш кўрибман. Тушимда ёнимда ётган Зумрад опанинг юзи атрофга нур таратиб, ҳамма ёқни ёритиб юборганмиш, юзи куёшдек нур таратаётганмишу у «Мен Робийаман, Робийаман!» деб ҳайқирар эмиш.

Эрта уйғондим, Зумрад опа аллақачон кетиб қолибди. Тутлар орасидаги йўлдан Сайид ака билан Мусулмонқул аканинг овози эшитилди.

– Ассалому алайкум, маршал. Ҳа, жуда каллайи саҳарлаб...

– Ваалайкум...

– Бозор қандай?

– Бозорга бир қоп бодринг олиб бориб, олибсотарга кўтарага бериб келяпман. Арзимас пул бўлди.

– Ҳа, бозор тут пишиғи, денг.

– Ўтириб майдалаб сотсам қўлим пул кўргандай бўларди-я. Манави Зумрад дод-вой қилиб юрмасин, дедим-да! Ўзимиз ёмон ўргатиб қўйганмиз. Мана Россияда ишчи ҳам, деҳқон ҳам якшанба куни дам олади.

– Россия – Россия. Ўзбекистон – Ўзбекистон.

– Мен яна бир қоп бодринг олиб бораман, бола-ларга кийим олиш керак.

– Тезроқ бора қол!

Сайид ака шошиб келди, эшакдан тушмай деди:

– Қуддус, сен сувга ўзинг қарайсан-да, мен бир қоп бодринг сотиб рўзғорга у-бу нарса олиб келай. У эшагини қичаб ҳайдади.

Мен чой қайнатиб турган эдим, беш гектарлик олдида шовкин-сурон солиб гапираётганларини эшитиб қолдим.

Нима гап экан, деб шошилиб у томонга борсам, дала ўртасида йўл устида эшак аравага сомон ортган Мўмин амаки, унинг ёнида пешонасини оқ бинт билан танғиб, устидан шляпасини бостириб кийган Дев турибди. «Волга»нинг ичида ҳайдовчиси кўринмайди, Девнинг ўзи ҳайдаб келибди, чоғи. Нариги картада сув тутаётган Мусулмонкул ака ҳам шовкин-суронни эшитиб етиб келибди.

– Ҳамма жон бериб жон оляптию сен сомон сотиб савдогарлик қияпсанми, бобой! – деди Дев.

– Том сувашга олиб келяпман, сотмайман, – деди Мўмин амаки.

– А, бу сомон колхозники, бир сиқими қолмай фермага бориши керак!

Сўнг Дев икки томони тут экилган йўлдан келаётган Зумрад опага қараб, захархандалик билан деди:

– Бригадир пешингача ухласа, албатта колхоз мулки талон-тарож бўлади-да!

Зумрад опа индамай биз билан саломлашди-ю Девга қарамади ҳам, Мўмин амакига:

– Раисдан қоғоз ёздириб кейин олсангиз бўлмай-дими шу сомонни, амаки, – деди.

– Қизим, ахир мен бир ҳафтадан бери ерда қолганларини йиғиб олдим-у, шунга ҳам қоғоз ке-

ракми? – деди Мўмин амаки ҳайрон бўлиб атрофдагиларга қараб.

– Керак! Колхознинг нинасига ҳам рухсатсиз тегилмайди. Бу бригадага бари ўзбошимча, қайсар, каллоблар йиғилган экан. Мана бу қартада сув уриб, бари бир эгатдан оқиб ётибди, ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳойнаҳой, ҳаммаси бозорга жўнаб қолган бўлса керак.

Зумрад опа менга қаради. Мен индамай беш гектарликка қараб юра бошладим.

– Мен раисга айтаман, ишласа ишласин, бўлмаса ҳаммасини, бригадирни ҳам қўшиб ҳайдаб юбориш керак!

У шундай деб сомонли аравага яқинлашдию чўнтагидан тутатқич олиб, алангалатиб сомонга тутди. Қуруқ сомон бир зумда ловиллаб ёниб кетди.

– Ҳой, райком. Ҳой райком!..

Мўмин амаки аравага яқинлашгунча алангадан эшак хуркиб, аравани олиб қочди. Қотиб қолдим; ҳозир арава ёниб кетади, кейин эшак ҳам! Қарасам, Мусулмонкул ака арава томон югуриб боряпти, мен ҳам бор кучим билан ўша томонга югурдим, қулоғимга Зумрад опанинг «Садқаи одам кет!» – дегани, жўнаб кетаётган машина товуши эшитилди. Мен арава олдига етиб борганимда Мусулмонкул ака эшакнинг айилини қирқиб аравадан бўшатиб олганди, аланга эса бутун аравани ўраганди.

– Қуддус, орқа четандаги арконни қирқиб юбор!

Мусулмонкул ака менга пичоқ узатди. Мен тушундиму югуриб бориб орасидан сочим, қошим жиз этиб куйганига қарамай, четанга маҳкамланган арконни қирқа бошладим.

– Бўлдингми, бўлдингми! – деб шоширди Мусулмонкул ака.

– Бўлди, – дедим ниҳоят.

Мусулмонкул ака шотилар орасига кириб, аравани олдинга тортди, сомон орқага силжиши билан шотиларни кўтариб юборди, алангаланган сомон ерга

тушишга якин яна шотини олдинга судраган эди, бари сомон лўп этиб ерга тушди; аравани четга судради, тутаган четан аравага тупроқ сепиб ўчира бошлади. Сомон эса ловиллаб ёнарди.

Мўмин амаки:

– Вай баччағар, вай баччағар! Хайрият сизлар бор экансизлар, йўқса эшак ҳам, араваям ёниб кетарди-я! – деди аравани айланиб.

Мен кетмонимни кўтариб беш гектарликка кетаётган Зумрад опанинг орқасидан югурдим. Борсам чиндан ҳам сув уриб кетибди. Хайрон қолдим, Сайид ака дам ташлаган жой ҳеч қачон урмаган эди! Шунда дам ташланган жойдаги нам тупроққа тушган нотаниш, катта туфли изига кўзим тушди; жавраб жўякка тупроқ ташлаётган Зумрад опанинг кўлидан кетмонни олмоқчи эдим, қизариб, терлаб кетган Зумрад опа аччиқ билан кетмон дастасини менга итариб юбордию йўлга қараб бир чимирилиб олди, сўнг зипиллаб ўша томонга юра бошлади.

– Оббо! – деб юбордим.

Саккиз гектарлик бошида эшакка бир қоп бодринг ортган Сайид ака кўринган эди.

Шошилиб нам тупроқдан ташлай бошладим; ишқилиб иккаласи яна уришиб қолмаса! Аксига олиб сув мен ташлаётган лойни ўжарлик билан ювиб кетарди, бир даста ғумай, шўрани чопиб, сув урган жойга босиб қўйдиму кўчага қараб югурдим. Зумрад опа бора солиб эшакдаги қопни ариққа ағдариб юборди, Сайид ака:

– Ҳой Зумрад, бола-чақамнинг ризқини қийма! – деганига ҳам қарамай қоп оғзини ечишга ҳаракат қила бошлади.

– Бола-чақанг билан қирилиб кетмайсанми? Қачон қарасам менга гап теккизасан, отизингдан бери келмайсан!

– Хой Зумрад...

– Боланг ўлиб, бебола қол!

Мен қотиб қолдим, Сайид ака пичоғини шартта кинидан чиқарди:

– Мен сенга боламга тил теккизма деганман-а!

У бирдан ўзини Зумрад опага отди. Зумрад опа қочмоқчи бўлди-ю, ғўзага тўкнашиб йиқилди, тез ўрнидан турди, аммо Сайид ака уни қучоқлаб олди. Зумрад опанинг фарёди ҳамма ёқни тутиб кетди:

– Аяжон! Аяжон! Ая!!!

Сайид ака қулочкашлаб пичоқни Зумрад опага урди, Зумрад опа додлаб юборди, жон ҳолатда Сайид аканинг қўлидан чиқиб қочмоқчи бўлди-ю, яна йиқилди, Сайид ака пичоқни кўтарганча унинг устига отилиб босиб олдию пичоқни урди, урди...

– Аяжон! – Зумрад опанинг овози энди секин эшитилди.

Мен додлаб юбордим:

– Сайид ака, тегманг!

Пичоқли қўлига ёпишдим; юзимга иссиқ нимадир шариллаб томди, Сайид ака силтаб мени отиб юборди.

– Мусулмонқул ака! Тез келинглар! Тез!!!

Сайид акага кучим етмай қолди, унинг тагида Зумрад опа ҳиқиллайди, инқиллайди... Бир пайт Сайид ака ўрнидан турди. Зумрад опа юзтубан ётар, ўнг биқинидан, атлас кўйлагининг пичоқ кесган жойларидан билқиллаб-билқиллаб қон қайнаб чиқарди, Сайид ака пичоқни отиб юборди, пешонасини ушлаб нари кетди.

Мўмин амаки билан Мусулмонқул ака югуриб келишди.

– Нима қилиб қўйдинг бечорани, хай жаллод! – Мўмин амаки йиғлаб Зумрад опани кўтариб олди, энди унинг овози чиқмасди, у «шилқ» этиб бошини Мўмин амакининг елкасига қўйди. Мўмин амаки Зумрад опани ўтлар устига чалқанча ётқизди,

кўлларида қон оқиб кетди. Зумрад опанинг ҳамма ёғи қонга бўялган, кўзини бемажол очиб-юмарди. Мусулмонқул ака аравага югурди.

– Ҳах номард Сайид! – Мўмин амаки кўз ёшини оқизиб Зумрад опанинг қон қайнаб чиқаётган жойларига белбоғини босиб тўхтатмоқчи бўлар, аммо қон тўхтамасди.

– Ай Зумрад! Зумрад! Нима қилиб қўйдим!

Сайид ака пешонасига тарсиллатиб уриб гувранарди. У бирдан Зумрад опанинг устига ўзини ташлаб бўқирди:

– Ўлма Зумрад! Ўлма! Мен сени яхши кўраман!!!

– Мўмин амаки билан зўрға уни тортиб олди. Сайид ака Зумрад опанинг пойига тиз чўқди. Зумрад опанинг кекирдаги тез-тез бориб кела бошлади. Оёқ-қўли титрадию жимиб қолди.

– Бериб қўйдик! Бериб қўйдик! – Мўмин амаки аянчли фарёд чекди.

Мен додлаб юбордим:

– Зумрад опа! Опажон!

Зумрад опанинг гўзал юзи қонга бўялган, тилини тишлаган, кўзлари катта-катта очилиб, осмонга боққанча қотиб қолган. Мўмин амаки бошини сарак-сарак қилганча юзидан оқиб соқолига томаётган кўз ёшларига эътибор бермай Зумрад опанинг юзини силаб кўзини ёпмоқчи бўлар, аммо қалин, қора қайрилма нозаклар куч бермасди...

– Ох бечора Зумрад! Кўзи очик кетди! – Мўмин амаки изиллаб йиғлаганча Зумрад опанинг бошини оҳиста гўзалар устига қўйди.

– Ундай деманг, Мўмин амаки! Зумрад! Яхшиси мени ўлдириңлар, одамлар! – Сайид ака кўкрагига уриб оламни бузарди. Унга, қонига бўялиб ётган Зумрад опага қарадиму бирдан ичимдан нимадир узилгандек бўлди, кўз олдим қоронғилашиб қолди...



ИЛК ЁШЛИК

Бешинчи китоб

Юзимга сепилган муздек сувдан кўз очдим. Шундай Зумрад опанинг пойига – ғўзалар устига йиқилибман. Мусулмонкул ака бошимни кўтариб юзимга сув сепарди. Бу даҳшатли воқеа тушимда рўй бердим, ўнгимдами?! Нима қиларимни билолмасдим! Ана, мен севган ғўзал хилқат қип-қизил қонига бўялиб ётибди! Хайхот, Сайид ака уни шундай кўз ўнгимда чавоқлаб ташлади! Наҳотки у ўлди!

– Тур, унга қарама, яхшиси уйингга бор! – деди Мусулмонкул ака юзимдан оқаётган сувни рўмолчасига артиб.

Оҳ, мен қандай уйга кета оламан?! Йўқ! Йўқ! Ғўзани ушлаб ўрнимдан тураётган эдим кўлимга шилимшиқ бир нарса илашди, қарасам қон, кўйлагимга, шимимга ҳам қон тегибди...

Юз-қўллари, оқ кўйлаги Зумрад опанинг қонига бўялган Сайид ака бўкириб йиғлайди, унинг аянчли буришган афтига қараб ичим ачиди.

– Ай одамлар! Ахир мен чайқовчилик учун бозорга бораётганим йўқ эди-ку! Колхоз уч ойдан бери пул бермаса?! Ҳақимни ололмасам! Ахир фақат тишимнинг кирини сўриб яшамайман-ку! Бодрингни сотиб, болаларимга бир кило гўшт олиб келаман, дегандим. Ай! Календарда бу кун қизил билан ёзилган-ку! Наҳотки, қизил ёзилган кунда ҳам бозорга боролмасам?! Ахир мен қул эмасман-ку?! (У пешонасига тарсиллатиб уриб, бошини чайқаганча йиғларди.)

– Ай Зумрад, нима қилиб кўйдинг?! Сен қопни ағдармаганингда мен сенга тегинармидим! Ай, Зумрад!

Мен бир мўъжиза рўй бериб Зумрад опам тири-
либ ўрнидан туриб кетади, деб телбаларча ўйлардим;
ўлди деган фикрни ҳеч ақлимга сиғдира олмасдим.

Каердандир дуд-дудлаб кўча чангитиб милиция
машинаси етиб келди, икки бақувват милицио-
нер йигит машинадан тушиб, Зумрад опанинг бо-
шида бўзлаб турган Сайид акага ташланди, икки
қўлини орқага қайириб кишан солишди. Сайид ака
қаршилиқ қилмади, қон суркалган юзидан шашқатор
кўз ёшлари оқди:

– Ай, Мўмин ака! Мусулмонкул ака, тил борми
сизларда?! Гапирсангиз-чи, тил борми сизларда! Зум-
рад ўзи қилди бари ишни! Мен уни ўлдирмасдим.
Йўқ, мен ҳеч қаёққа кетмайман, гуноҳ менда бўлса,
шу ерда кўкрагимдан шартта отиб ташлашсин!

Сайид ака бир силтаниб, икки милиционерни чир-
пирак қилиб ташлади:

– Қуддус, сен айт! Ҳаммасини кўриб турувдинг-ку!

Мен тилдан қолгандек бир ҳолда эдим, оғзимни
очолмадим.

Милиционер шерикларини чақирди:

– Йигитлар, аввал бу аблаҳни машинага қамайлик!

Зумрад опанинг бошига бориб турган икки
милиционер югуриб келишди, орқага тисланаёт-
ган Сайид акани маҳкам ушлаб, тиззалари билан
никтаб, даричалар ўрнига темир панжара ўрнатилган
машинанинг орқа эшигидан итариб киритиб, қамаб
қўйишди. Милиционерлардан бири Сайид ака отиб
юборган ничокни олиб қоғозга ўради, иккинчиси
Зумрад опани суратга тушира бошлади. Шу тобда
қишлоқ томондан оёқяланг, бошяланг, сочлари ша-
молда тўзғиганча югуриб келаётган Паризод опага
кўзим тушди, ана у:

– Онанг ўлсин, қизим! Сени нима қилиб қўйишди!
Вай жаллод Сайид, қонхўр Сайид! – дея қарс уриб,
қарс уриб ўзини Зумрад опанинг устига ташлади:

– Бригадир бўлишингга кўнган онанг ўлсин, қизим!
Қизийм!

Унинг овози бутун дунёни тутиб кетди, юрагим-ни зириллатиб юборди.

Мусулмонқул ака уни турғизмоқчи бўлди, аммо Мўмин амаки тўхтатди:

– Қўй, тегма!

Фарёд чекканча қизининг юз-кўзидан ўпаётган Паризод опанинг юзи қонга бўялди...

* * *

Дев ёнидаги Соли раис, Тўра кемшик ва яна аллакимларга ҳали у, ҳали бу ишни буюради; унинг буйруқларига лаббай, деб жавоб бериб дарҳол қайгадир зипиллаб кетишади.

Дев: «Туманнинг пешқадам аёлини сўнгги йўлга оддийгина қилиб кузатиб бўлмайди, катта митинг ўтказамиз!» – деб туриб олди. Орзиқул амаки унинг гапини беписандлик билан эшитди, дадамга қаради. Дадам ўйланиб қолди, сўнг дарвоза олдида курсиларда ўтирган одамлар орасидаги Исожон тоғамга бокди, секин унинг ёнига бориб энгашиб қулоғига шивирлади. Исожон тоғам хиёл ўйланиб турди-да қулоғини тутган дадамга нимадир деди. Дадам бош кимирлатиб маъқуллади, секин орқасига қайтди. У бир Девга, бир Орзиқул амакимга қараб:

– Анбар ҳовлига қўйилгач, жанозадан олдин ўтказсангиз бўлади.

– Аммо юзини очиб қўясизлар.

Дадам бошини сарак-сарак қилди:

– Йўқ, мактула оқлик кийгач очилмайди!

– Ахир у коммунист бўлмаса ҳам фаол эди. Гул қўйиб, гулчамбарлар билан ўраймиз, газеталардан суратчилар келади...

– Йўқ! Гулчамбарни қабрига қўяверасизлар! – деди дадам қатъий оҳангда.

– Ахир у...

Дадам жаҳл билан Девнинг гапини бўлди:

– Кераги йўқ бунақа ҳашамнинг!

Дев норози ҳолда нари кетди.

Шу пайт Уста бобо уйдан чиқиб ҳовлидагиларга қараб деди:

– Мақтулани сувга олишади, яқинлари кириб видолашинглар!

Қариндошларига эргашиб ичкарига кирдим. Ахир унга мендан яқин одам борми?!

Ана у, юзи янаям оқариб кетган. У жуда юксак-юксакларга тикилиб ётибди.

Зумрад опанинг ёнида қора рўмол ўраб олган Саодат опам изиллаб йиғлаб ўтирибди, Тухфа хола, Нозик опа...

Зумрад опанинг чап ёнбошидаги Паризод опанинг фарёди юрагимни эзгилади...

– Ётсам ётигим, турсам суянчиғим эдинг-ку! Сени ўлдиргунча мен бетавфикни ўлдирса бўлмасмиди?! Сенсиз қандай яшайман қизим! Зумраад...

Ичимда нимадир қотиб қолганга ўхшайди, кўзимга ёш келмайди, ҳовлига чикдик. Устига чўғдек қип-қизил бахмал, паранжи, чачвон ёпилган тобут пешайвон яқинига қўйилди. Унинг ортидан эркаклар саф-саф бўлиб турдилар. Парда билан тўсиб қўйилган томондан эшитилаётган аёлларнинг дод-фарёди тинди.

Дев кўкрагини кериб, юзига ғамгин тус бериб тобут ёнига чикди, хўрсиниб деди:

– Биродарлар!

Аёл – жамиятнинг қутб юлдузи! Шунинг учун уни раҳбарлик ишларига дадил қўтариш лозим! Аммо афсуски, уй-рўзгор, бола-чақа, майда-чуйда юмуш ҳамон аёл зиммасида. Бу унинг руҳига таъсир этиб бидъатга берилишига олиб келяпти. Кўпчилик

бунга панжа орасидан қараб аёлни юқори лавозимларга кўтаришга эътибор бермаяпти. Бу чидаб бўлмайдиган ҳол!

Биз эса партия чакириғига лаббай деб жавоб бериб Зумраддек оташқалб аёлни раҳбарликка дадил кўтардик. У дунёда биринчилардан бўлиб пахта териш машинасини бошқариши керак эди. Аммо, минг афсуски, Зумрад Нурхон, Турсунойлар каби бидъат қўлида курбон бўлди!

Зумрад! Биз сенга касамёд қилиб айтамизки, сен бошлаган улуг ишни давом эттирамиз. Сен жисман орамизда йўқ бўлганинг билан сенинг буюк ишинг яшаб қолади! Туманимиздан юзлаб Зумрадлар етишиб чиқади!

Алвидо Зумрад! Алвидо! Алвидо!

У тобутга қараб уч бор бошини эгиб кўтариб атрофдагиларга қарадию тисланиб жойига турди.

Девнинг гапини ҳам ҳайратланган, ҳам нафратланган бир ҳолда тингладим.

Исожон тоға олдинга ўтиши билан одамлар сафландилар. Мен Орзикул амаким ёнида турдим. Исожон тоға қисқагина амримаъруф қилдию қиблага юзланди. Жаноза ўқилди...

Кўтарилган тобутнинг ичидан шуъла – нур тарқалиб қизил духоба ловиллаб ёняпти, ёняпти!!!

Жудолик захри менга жуда кеч билинди, энди Зумрад опани бошқа кўролмаслигим эсга тушиши билан кўзимга тирқираб ёш қуйилаверади, ҳеч жойга сиғмайман.

2

Зумрад опанинг худойиси ўтган куни кечга томон фотиҳачилар камайиб қолишди. Қуёш ботгач Орзикул амаким, Уста бобо, Абдусалом тоғаму Ра-

шид, Мусулмонкул акалар Паризод опанинг катта уйига киришди. Қўлдош билан чой олиб кирдикда, дастурхонга қўйиб пойгакдаги жойга чордана курдик. Ош тортилди.

Товоқлар йиғиштириб олингандан кейин Исожон тоға оғир хўрсиниб деди:

– Биродарлар, Муҳаммад алайҳиссаломдан сўрабдиларки: «Қандай одам дунёдаги энг кучли одамдир?»

Муҳаммад алайҳиссалом жавоб берибдилар:

– Жаҳли чиққанда жаҳлини боса олган одам!

– Ҳа, йигит сабр, вазминликда ҳазрат Аюбдек бўлмоғи дуруст! Сайид бечора жаҳолатнинг қурбони бўлган, эвоҳ...

– Ҳамма фалокатни ана шу Дев бошлаган, – деди Рашид ака ўйчан ҳолда.

– Қандай қилиб? – деди Орзикул амаки шошиб.

– Дев кўр саҳарда келиб, саккиз гектарлик ернинг сувини урдириб юборган, кейин Дев Зумрадга манависини қара, бозорга колхоз сомонини сотгани олиб кетяпти, деб Мўмин акамнинг аравадаги сомонига ўт қўйган. Мана, саккиз гектарликдаги сув ҳам уриб кетибди, сувчи йўқ деб, уришиб-уришиб жўнаб кетган, айна шу пайт бодринг ортиб Сайид чиқиб қолган. Ёниб турган Зумрад бечора шартта бодрингни ариққа ағдариб ташлаган. Сайид биласизки, қизиққон, бунга чидолмаган!

– Шу ювиқсиз зинчиқ келдию тумандан ҳам, қишлоғимиздан ҳам файз-барака кўтарилди, – деди уста Файзи бобо.

– Бари ишни бошлаган ўзи, – деди Абдусалом тоғам. – Уялмай жанозада ваъз айтиб, ўзини оқламоқчи бўлганига ўлайми? Мунофиқ!

– Мен ҳам шу одамни жуда ёмон кўраман! – деди Мусулмонкул ака.

Орзикул амаким кизариб-унниқиб жим ўтирибди, Зумрад опага каттиқ қайғургани шундай билиниб турибди.

– Бу Девнинг дастлабки ўйинлари, катталарини кейин кўрасизлар, – деди у.

– У бирортаси билан ўчакишса борми, тамом, йўқ қилмай қўймайди, – деб қўшилди Абдусалом тоғам. – Мана, Эминжонни йўкотаман, деб мактабни йўқ қилди. Колхозимизни текширтиравериб Орзикулни касал қилиб ташлади. Охири Орзикул чўлга кетди. Зумраднинг эрини қаматди, ўзини эса жувонмарг қилди.

Исожон тоға бир йўталиб деди:

– Агарким, яхшилик қилсангиз ўзингизга яхшилик қиласиз, агарким ўзгаларга ёмонлик қилсангиз, билингки, ўзингизга ёмонлик қиласиз. **ЎЗИНГГА РАВО КЎРМАГАН ЁМОНЛИКНИ ЎЗГАГА РАВО КЎРМАГИЛ! ХАЁТНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ ШУЛ!**

Орага жимлик чўкди.

– Нега унинг қилмишларини била туриб ишдан олишмайди? – деди Рашид ака. – Аллоҳнинг ўзи жазолайди, деб кутиб ўтиравериш керакми?

– Уни ишдан олиш осон эмас. Ўтган йили республикада биринчи бўлиб пахта режасини бажарди. Шундай бўлса-да, Девни ишдан олди, деган гап чиқиши мумкинми? – деди дадам узоқларга боққанча.

– Барра, гап бу ёқда! Шунинг учун у планга ёпишиб олган, – деди Мусулмонкул ака бош чайқанча Рашид акага қараб.

– Қандай қилиб бажарганини яхши биламиз, – деб қўшилди Орзикул амаки.

– Камида йигирма фоизини қўшиб ёзгандиров, – деди Абдусалом тоғам.

– Режага бундай кўр-кўрона ёпишиб олиш бир кун эмас бир кун албатта бошларига бало бўлади, бешак. Фақат режа билан элнинг қорнини тўйдираман, юртни фаровон қиламан деган қуловуз – волий минг бор адашади! – деди Исожон тоға хўрсиниб.

– Тўғри, план бажариш билан у айбини ёпаяпти. Яна биласизми, жамики алмашлаб экиладиган беда, ғалла ўрнигаям пахта экдирган, – деди Орзиқул амаким.

– Ғалла, чорва режасини сўрамай қўйишди-да, – деди Рашид ака.

Дадам негадир ўйланиб қолди.

– Беш-олти йилдан кейин ернинг тупроғи адоий тамом бўлишини ўйламайди, бу тўравой, – деди Уста бобо.

– Уста акам жуда тўғри қайғуряпти. Жиззахнинг тупроғидака тупроқ бутун дунёда йўқ, – деди дадам.

– Ҳа, бунақа бой, ҳосилдор тупроқ бутун дунёда йўқ. Қандай қилиб бой бўлиб қолди, Мусожон, шуни бир гапириб беринг, – деди Исожон тоғам гапни бошқа ёққа буришга интилиб.

– Ҳа, шундан гапиринг, ўзи юраклар сиқилиб ҳам кетди, бироз ёзилайлик, – деди Мусулмонқул ака дадамга қараб.

– Айтиб бера қолинг, тун узун, – деди Орзиқул амаким.

Даврадагилар хангоматалаб кайфиятда эдилар.

– Тупроқнинг қандай бой бўлиб қолганини полвон гапириб беради, мен сизларга кечмишимдан бир хикоя айтмоқчи эдим...

– Бемалол гапираверинг, шошаётган жойимиз йўқ-ку, – деди Орзиқул амаки, – шошиб-шошиб шу ҳолга келдик!

Исожон тоғам ўрнига ўрнашиброк ўтириб олди, енгил ух тортди-да, кейин бошлади:

– Инсон асли бир ота-онадан тарқалган. Нух пайғамбарнинг уч ўғлони бўлган, тўнғичининг исми Ёфас бўлиб, бутун дунёдаги энг қадимги уруғлардан саналмиш турк ана шул Зотнинг насл-насабидир. Ўртанча ўғли Сомдан жамики араб, ажам тарқаган. Учинчи ўғли Хом бўлиб, барча ҳиндистонликлар унинг аждодларидир. Чуқурроқ фикр қилсангиз, Ер юзидаги барча элларнинг томири бир!

– Тўғри, – деди дадам чуқур хўрсиниб.

– Ҳа-я, бир насроний сиғинаётиб «Омин, омин!» дея кўкрагига ураётганини кўриб хайрон қолганман, тавба, – деди Мусулмонкул ака.

– Исожон тоға, омин сўзининг маъниси нима ўзи? – деди Рашид ака.

– «Омин» қадимий жухудча сўз бўлиб, «Худо борлигига бешак ишондим, тамом вассалом», деган маънони билдиради. Мана, эътибор қилинг, иуддан тортиб, насроний мусулмон ҳам эзгу дуосини омин сўзи билан якунлайди! Бу бари диннинг илдизи бир эканини кўрсатмайдими? Бу бари диннинг нияти холис эканлигини билдирмайдими? Бу жамики миллату элатнинг томири бир эканлигидан дарак бермайдими?

Исожон тоғамга дадам қўшилди:

– Биз бўлса, баъзан сен ўзбек, сен тожик, сен туркман, сен козоқ, қирғиз деб бир-биримиз билан ейишамиз! Ота-боболаримиз эса бир-бирига қандай ҳурмат билан қараган?! Нимага ўзбек ўзининг ўғлини Қирғизбой, Қозоқбой, Туркманбой, деб атаган? Нимага қозоқ, қирғиз ўғлининг отини Ўзбек қўйган? Бу бирликка интилиш эмасми? Ана шундай туркий бирлик ҳар қалбда садо берган Туркистонни парча-парча қилиб ташлашди. Парча-парча!

– Ким? Ким? – деди Исожон тоғам ўзига ўзи савол бериб. – Туркистонни хомталаш қилмоқчи бўлганлар! Чор Россияси! Чор Россияси инглиздан олдин отни қамчилаб, хон, амирларимиз бурнидан нарини кўра олмаётганидан фойдаланиб, Туркистонни босиб олишга шошилди (Исожон тоғам негадир менга қараб бир зум хаёл суриб қолдию, сўнг яна давом этди). Минг тўққиз юз ўн иккинчи йили Қуддусдек бўз бола эдим. Кучга тўлганман. Мирзиё қоридан таълим олдим. Куръони каримни ёдлаб, ҳадис, шариатни ўрганиб мусоҳабаларда пешлик қила бошладим. Энди Жиззах менга тор келиб қолди. Аллоҳ субутийини – сифатларини севардим, унинг энг буюғи ИЛМ – ДУНЁНИ АНГЛАМОҚ МЕНИ ШАЙДО ЭТГАН, БУ ЙЎЛДА ЖОН ТИКИБ ИРФОН ИСТАРДИМ, ИРФОН...

Субҳи содиқда, аввало, ота-онамдан, сўнгра Мирзиё қоридан фотиҳа олиб йўлга тушдим. Мўлжалим Бухородаги Мир Араб мадрасаси эди. Мадрасани кўрганда этим ғалати жимирлади, ўймакор нақшли дарвозанинг очиқ тавақасидан кириб борарканман мени илгари кўп эшитган мударрисларимнинг руҳи ичкарига тортиб кетаётгандек эди. Мударрис – оппоқ соқоли, оқарган қалин қошлари, кулранг салласи юзига сирли бир нуронийлик бахш этган Абдуллоҳ ҳожи қўйкўзлари билан сокингина боқиб бир оғиз ҳам гапирмай мадрасага қабул қилди, мутавалли мадраса мачити ёнидаги торгина лавҳ олдида бир талай китоблар турган хужрага ёлғиз ўзимни жойлаштирди, хонтахта устига битта нон, кўзачада сув қолдирди; сўнг ҳожатхонага олиб бориб: «Шу жойни тозалаб турасан!» – деганида хўрлигим келди. Ахир мен Жиззахдан бадбўй ҳожатхонани тозалайман, деб мадрасага келмадим-ку! Бу нима камситиш? Наҳотки ҳожатхона тозалашга мендан бўлак малай топилмаса?!

Хужрамга қайтиб кирдиму дафтар-китобимни йиғиштириб чиқиб кетмоқчи эдим, қаёқдандир бир овоз келди:

– ТЎХТА! САБР ҚИЛ! ИРОДА, ИЛМ САБРДАН КУЧ ОЛАДИ!

Орқамга ўгирилиб қарадим, ҳеч ким йўқ эди! Ғойибдан келган бу овоз ҳақида ўйга толдим. Сўнг барибир нарсаларимни йиғиштириб хужрадан чиқиб кетдим. Бозорга бориб ҳамёнимдаги саккиз тилла танганинг бирини кумушга айлантириб палов едим, босиб-босиб чой ичиб пулини тўлай деб ҳамён қовласам етти тилла танга ҳам, кумуш танга ҳам йўқ! Бозорда бола-чақаси билан чуғурлашиб садақа сўраётган лўлилар орасидан ўтаётиб уларга раҳмим келдию тўхтаб бир кумуш танга садақа берган эдим, ўшанда тунаб кетишган экан. Палов, чой пули эвазига чойхонада бир кун хизмат қилдим.

Нима қилсам экан? Қаерга борсам, деб ўйлаб Бухоро кўчаларида сарсон кезиб юриб бир қаландархона олдидан чиқиб қолдим. Мен қаландархона деб ўйлаган жой Абдурахмон шайхнинг хонақоҳи экан. Кўринишидан пирсиёнга ўхшаган, соч-соқоли патила-патила бўлиб ўсган, бақувват муридга бошпана сўраб мурожаат этгандим, у:

– Сунниймисан? – деди.

– Аллоҳга шукр, суннийман. Ўзингиз-чи? – дедим.

– Шиаман, – деди у.

«Абдурахмон шайх шиа мазҳабидан бўлса керак», – деб ўйладим.

– Шайхимиз сунний, – деди мурид ўйимни англаб етгандек. – Хайрон қолма, пиримизнинг шиа, сунний шогирдлари ҳам кўп. Агар шогирд тушаман, десанг пирим ҳузурига олиб кирай.

– Майли, – дедим.

Ички ҳовлига кирсак чиппаккина бир чол кичик мис обдастан сув қуйиб таҳорат ушатыпти. У сувнинг бир томчисини ҳам ерга тўкмай жомга оқизарди. У таҳорат олиб бўлгунча кутдик. Сўнг мурид пирига келишим сабабини айтди. У менга шундай тикилиб қарадики, этим жимирлаб кетди. Сўнг у таҳорат ушатиш жомдаги сувни менга узатиб: «Ич!» деган эди, ханг-манг бўлиб қолдим. У эса бир зум кутиб турди-ю, сўнг зарб билан сувни юзимга сепиб юборди. Сув юзимга урилиб кўкрагимга оқди, сесканиб тушдим. Мен шартта бурилиб ташқарига чиқиб кетдим. Бухоронинг жин кўчаларини кездим. Шайхнинг муомаласидан ҳеч ўзимга келолмас эдим. Бунчалар толесиз бўлмасам?! Куз кунлари эди. Этим жунжикиб бомдодгача юриб чикдим. Сўфи овозини эшитиб кичик мачитга бомдод номозини ўқигани кирдим. Номозхонлар чиқиб кетишгандан сўнг ҳам меҳробга юзланиб Аллоҳга муножот қилиб ўтиравердим. Нихоят саждамни тутатдим. Мачит мутаваллиси оппоқ соқолли хушсурат киши экан, унга илм излаб сарсону саргардон бўлиб юрганимни айтдим. У мени нонуштага таклиф қилди. Сўнг мачит яқинида Саҳобиддин исмли жуда катта шайхнинг хонақоҳи борлигини айтиб унга учрашиб кўришимни маслаҳат берди.

Саҳобиддин шайхнинг хонақоҳи обод, файзли, жуда осуда эди. Ташқи, ички ҳовлида жимжитлик. Муридлар кўринмайди. Хизматкор мени ички ҳовлига бошлаб кирди. Ҳовлида бўйи чинордек, чорпахил елкали, мошкичири соқолли, қарчиғай кўзли, истараси иссиқ одам тоққайчи билан ишқомнинг осилган шохларини қирқиб тартиб бераётган экан. Мени кўриб тоққайчини сўрига қўйди, қўл қовуштириб салом бердим, юзидан нур ёғилиб алик олиб:

– Исожон, хуш келибсан! – деса ёқамни ушлаб қолибман. Бир пайт у кишим менга яқинлашиб деди:

– Мулла Исо, илм олмоқчи бўлибсан-у, ичингдаги итни ўлдирмабсан!

Бир пайт қўлини қўтарди, елкамга қоқиб қўймоқчи шекилли, деб ўйладим, аммо шу чоқ кимдир елкамга гурзи билан ургандек кўзимдан ўт чакнаб суякларим қирсиллаб юзтубан йиқилдим ухшимдан кетдим.

Ўзимга келибоқ ўрнимдан туриб кўчага отилдим, шу югургандан югурдим, қаёққа қараб югураётганимни билмайман, бир пайт қарасам Мир Арабадаги хужрадаман. Ҳамма нарса бу ердан кетаётганимда қандай турган бўлса шундайлигича! Хонтахта устида битта нон, кичик кўзада сув. Лавҳ ёнида китоблар. Орадан жуда қисқа фурсат ўтгандек, воқеалар тушимда кечдими, ё ўнгимдами, билмас эдим!

Ўрнимдан ирғиб турдим ухжатхонага йўл олдим. Кундузи хожатхона тозалайман, тунни билан эса китоб ўқийман, ўзимдан юқори босқичдаги толибларнинг китобларини ҳам олиб ўқийман, алам билан ўқийман, аччиқ билан ўқийман. Кейин менга хожатхонада ишлаётганимнинг фарқи бўлмай қолди, тезроқ ишимни тугатиб хужрамга, китобларимга шошиламан. Мутолаага муккадан кетдим. Мантиқ, риёзат, табиат, тиббиёт, фалакиётга шу қадар берилиб кетдимки...

Сувдан ҳам кўра янги китобларга чанқоқ эдим, мутолаага киришдим, сув билан нон ҳам эсимдан чиқди, домла имтиҳон қилса тузукроқ ўқий деб ўқиганларимни дафтарга лўнда-лўнда қайд қилиб қўяман, такрорлайман, сўнг эса энг зарурларини англаб ёд оламан, эртага ейман, эртага ичарман, деб сув билан нонни ҳам эсдан чиқаришга ҳаракат қиламан. Бир кундан кейин қорним очганини ҳам,

чанқаганимни ҳам сезмай қолдим. Учинчи куни бомдод номозини ўқиб бўлиб яна ўқишга киришаман деб ўтирган ҳам эдимки, қибла томон шундай ёришиб кетиб бир овоз келди:

– СЕН ДУНЁНИ ЕНГМОҚЧИМИСАН! ХУШЁР БЎЛ! ДУНЁ СЕНИ ЕНГИБ ҚЎЙМАСИДАН АВВАЛ ЎЗИНГНИ ЕНГ!!!

Узоқ ўйландим, қибла жонибдан келган овоз ҳеч кимнинг товушига ўхшамасди! Бу гап мағзини қақишга кўп уриндим...

Эртаси куни устоз мени авсатда (авсат мадраса таълимининг адно – қуйи босқичидан юқориси) ўқийдиган муллаваччаларга кўшиб кўйди. Кейинча билсам устоз ҳожатхонада ишлатиб мендаги шуҳратпарастлик, димоғдорлик, манманликни ўлдирган экан. Сув, нон билан синаб эса нафсимни... Уч кун сув ичмаган, нон емаган бўлсам-да жисмимда шундай ғайрат қўзғолган эдики... Тамом хайрон қолдим, шундан сўнг ўқишга берилиб кетдим. Авсат босқичида ўқиётган толиблар билан суҳбат қуриб, мусоҳаба қилиб уларнинг жуда билимдон, қобил, илоҳий, дунёвий илмларга кўп чанқоқ, кенг фикрли йигитлар эканликларидан ўзимнинг ноўрин гурурга берилганимни сездим.

ИЛМ ЙЎЛИ ЧЕКСИЗ ЭДИ, МЕН ЎЗИМНИ ШУ ЧЕКСИЗЛИККА УРДИМУ ЮРАГИМ БУЮК БИР КУЧГА ТЎЛА БОШЛАДИ!

Бир жабҳасига шўнғиб, илм тубига етиб бўлмаслигини, табиат, турмуш сирларини ҳар томонлама ўрганибгина Ҳаққа, муродга етишиш мумкинлигини англадим. Мен шошар эдим, авсат гуруҳидагиларга тез орада пешлик қила бошладим. Негадир устоз менга танбеҳ бермас, бошқа толибларни обдан имтиҳон қилиб мен билан савол-жавобни жуда қисқа қиларди. Мен буни биринчи бор келганимда ҳурматсизлик қилиб кетиб қолганим сабаб қўнғлида

кудурат саклаяпти, деб тушунардим. Бу кудуратни унинг кўнглидан фақат илмга тиришқоқлигим билан чиқариб ташлашим мумкин, деб ўйладиму янада кучлироқ мутолаага берилдим. Энди мен авлиёлар тарихи, башорат, каромат, рухий таъсир, фикр ўқиш сирларини ўрганишга қизиқиб қолдим. Бир куни мадрасадаги бу хусусдаги бор китоб, қўлёзмаларни ўқиб бўлгач, устоз ҳузурига кирдим. У саломимга алик олиб менга эмас, балки уйнинг ўнг бурчагига қараб турарди, шу ҳолда сўзларди.

Бир кун... Абдурахмон шайхнинг ҳузурига бордим, икки йил хизматида бўлиб тариқатнинг нозик сирларидан бирмунча воқиф бўлдим. Сўнг шайх мени Саҳобиддин пирга йўллади. Саҳобиддин шайхнинг хизматида уч йил бўлиб, у зот жуда улф ботиний кучга эга валий эканлигини билдим. Устоз тунлари боғни ёлғиз кезади, саҳар туриб бомдодни ўқиғач, терга пишиб ўтин ёради, бизга сабоқ бериб, ҳар куни уч нафар шогирд билан яккама-якка гаплашади. У киши билан суҳбатда бўлганимдан сўнг юрагим, руҳим шундай кучга тўладики... Мен кўпроқ пиримнинг суҳбатида бўлишни истардим. Афсуски, пирим ҳузурида бўлиш узоққа чўзилмади. Пиримнинг хонақоҳда эллик нафар шогирди, узоқ-яқинда минг-минглаб мурид-мухлислари бор эрди. Бир куни шайхим бомдод номозидан сўнг муридларига: «Бугун бир азиз меҳмон келур», деди. Бу гапдан кейин ҳамма ўз ишини билиб қилиб чор атроф чиннидек тозалаб бўлинган ҳам эдики, хонақоҳга суворийлар ўровида отлиқ Амир Олимхон келганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолдим. У отдан тушибоқ устоз билан кўришдию ичкарига юрди. Кейинги пайтда устоз мени яқин олганлиги, кўпроқ хизматида бўлганлигим сабабли устоз ёнида қўл қовуштириб

турдим. Амир Олимхон қора соқоли ўзига ярашган, юзи ялтираган, мунг чўккан кўзлари ҳорғин боқадиган бир ҳолда. Шайхим Амир Олимхон саройга хизматга чорлаганда ҳам бормаган эди. Унинг ишораси билан ёнидаги икки навкар даҳлизга ўтди, у «Сен ҳам чиқ!» дегандек менга қаради, мен устозга боқдим, устознинг қарашидан ризолик маънисини ўқиғач, даҳлизга ўтдим, шайхим амирни унча хушламаслигини сездим, бирор ишқал бўй бермасин деб ҳар ишга тайёр бир ҳолда навкарлардан ҳам бериқроқда турдим. Устознинг, амирнинг гаплари менга бемалол эшитиларди.

Амир Олимхон: Тақсир, сизни арқа чорладим, бормадингиз, мана, ҳузурингизга ўзим келдим!

Шайх: Хуш келдингиз, сафо келдингиз. Уч йил сизга Ўрусияда ҳамроҳ бўлдим, баҳоли қудрат сабоқ бердим. Энди мен бир ўтинчи фақир бўлсам! Сизга ўтинчидан на фойда?!

Амир: Қани эди, ёрган ўтинингизни қалаб устига жасадимни қўйиб ёксангиз эрди! Шунда жоним ором олармиди?! Биламан ҳалқим мени яхши кўради, мен ҳам ҳалқимни...

Шайх: Сиз тахтга ўтирганингизда ҳалқни бир йил солиқдан озод қилгандан кўра шу маблағга тенг куч йиғганингизда элга минг бор фойдали бўлур эди! Буни сизга айтсам, вазиру вузароларингизга ёмон кўриндим. Сўнг этагимни йиға қолдим.

Амир: Ахир мен бундай қила олмасдим! Бобом, дадам ўрислар билан сулҳ тузганда Бухорода ўн икки мингдан зиёд навкар асрамаслик хусусида келишилган. Ташқи душманлардан ўрис қўшини ҳимоя қилур эрди.

Шайх: Сизни ташқи душмандан ҳимоя қилмоқчи бўлган душманингизга қандай ишондингиз? Сиз Питерда уч йил ўқиб душманингиз сиридан, найрангларидан воқиф эдингиз-ку! Кучни илгари айтганим-

дек буюк юртимизга, элимизга қопқон бўлган аркка эмас, балки ташқарига йиғмоқ керак эди! Керенскийдан мустақиллик ёрлиғини олганингиздан сўнг бу жуда қўл келур эрди.

Ахир, сизни қарам қилиб қўйган Ўрусия тамом бўлган эди-ку! Нахотки сиз Ўрусиянинг ўлигидан ҳам кўрқдингиз?! О, бундай имкон энди юз йилдан сўнг келурмикан! Эссиз, эссиз!!

Амир: Инглизларга чопар юбордим. Аммо афғон дўстим: «Биз инглизларни ҳайдаб чиқардик, сиз энди узун оёқларни чорлаб келишингиз қандоқ бўлур? Биз иккимиз биродармиз, Ўрусия бизни тан олиб турибди, биз Бритониёга қарши кураш бошлаганда сиз болшавойларга уруш қилсангиз, ҳар икки ислом юртимизни хароба қилиб қўймаймизми? Яхшиси бу ниятингизни орқага сурунг, ишни орқаси кўриниб қолар, сўнгра бамаслаҳат иш кўрурмиз», — деб менга икки юз аскар, етти тўп, етти фил, бир гуруҳ оркестр юборди. Бас, мен сабр қилдим!

Шайх: Амирим, бу ўз юрти эркини ўйлаб, бизни қулликда сақлашга даъват эди! Сабр қилиб тарих олдида жуда катта хатога йўл қўйдик! Ўрислар куч тўплаб олди. Улар сизга Тошкандан ўқсиз ўн битта тўп жўнатиб лақиллатмоқчи бўлганда сезган эдингиз-ку! Кўзимиз очилган эрди-ку?

Амир: Мен хом сут эмган банда бир томондан дўстим, иккинчи томондан болшавойлар гапига лаққа тушдим. Файзулла Хўжа, Муҳиддин Мансур Колесов деган ўрис болшавой билан аҳдлашиб менга уруш эълон қилганда ғолиб келдим. Ўрусиядан Ленин, Троцкий номидан Элиава, Брайдо дегани келиб менга аввалги ерларимизнинг барисини қайтариб яна эллик минг милтиқ, беш юз тўп, пулмёт, эллик миллион тилла тўлашга ваъда берди.

Шайх: Бу кўз боғлаб вақтдан ютиш ўйини эди!

Амир: Эҳ, мен буни жуда кеч онгладим.

Шайх: Болшавойлар Файзулла Хўжага паноҳ бериб сизга қайрамоқда. Яқин фурсатда у болшавойлар билан бирлашиб Бухорога от қўйса ажаб эрмас!

Амир: Билурмен... У Тошкандга келди.

Шайх: Демак, қонли жанг яқин.

Амир: Пирим, сиз кароматгўй валийсиз, айтингиз, на бўлғай?

Шайх: Амирим, киёмат қойим қўпғай!

Амир: Астафируллоҳ!

Шайх: Душманингиз осмондан айропланлари, ердан тўпларию пулмётлари билан ажал ўқлари ёғдирур! Қўлингиз баланд келади деб айта олмайман!

Иккиси ҳам жим бўлиб қолишди.

Амир: Наҳот?!

Шайх: Шер қопқонга тушиб жанг қилса, албатта мағлуб бўлур!

Амир: Наҳот?!

Шайх: Эссиз, амир боболарингиз йиққан тилло-кумушлар на элга, на юртга нафи тегмай сабил қоладиган бўлди.

Амир: Наҳотки тақдири азал мени шундай шўрпешона қилиб яратган бўлса?

Шайх: Тақдири азалнинг ёқасидан ўз қўлимиз билан бўғиб қўйиб кўнглимизга таскин излаймиз. Эссиз, бу тиллолар давлат, юрт тараққийига хизмат қилганда эрди, жаҳонда Бухородан кучли давлат бўлмас эрди! Эссиз, бу тиллолар энди қўштумшук Ўрусия панжасига тушади!

Амир: Астафируллоҳ! Астафируллоҳ!!

Шайх: Минг афсус!

Амир: Нажот!

Шайх: Амирим, яна такрор айтаман, шер қопқонга тушиб жанг қилса, албатта мағлуб бўлур! Аркни тарк этинг!

Амир: Нега?

Шайх: Чунки арк қопқон! Шунча қўшин билан аркда ўтириш оқибати жуда ёмон! Ошиғич отлиқлар билан бориб Когонни эгаллаш даркор. Аскарини оташ аравада олиб келишига имкон бермангиз! Сўнгра айропланларини қўнишига мўлжалланаётган жойини аниқлангу тўпларни пистирмага қўйинг! Қўшинлари Бухорони тамом ўраб олишига йўл қўймай, душман қўшинини майда-майда қисмларга бўлиб кириб ташлаш лозим! Ахир ўрислар саҳро, чўл, тоғ, даштлар шароитини бизнинг йигитлардан яхши билишмайдику! Агар сиз шундай иш тутсангиз бутун халқнинг кайфияти кўтарилади, чор атрофдан одамлар сизга келиб қўшилиб, қўшинингизга қўшин, кучингизга куч қўшилади. Шундагина ғолиб келасиз!

Амир узоқ жим қолди.

Амир: Пирим, дуо қилинг.

Шайх ихлос билан фотиҳа берди. Амир кетиши билан ташқи ҳовлисига эллик шогирдини йиғди.

– Бўталарим, мен ўн ёшимдан бошлаб Чин, Хинддан тортиб Овропагача кездим, қаерда билимли одам бўлса унинг остонасини кўзга суртиб илм олдим. Орттирган билимимнинг сомонини ажратганимда шундай хулосага келдим:

ЮРТИНГ ЎЗГАГА ҚАРАМ БЎЛСА, ДИЛИНГ, ДИНИНГ, ЭЛИНГ ҲАМ ЎЗГАГА ҚАРАМ БЎЛАДИ! БУНДАЙ ЯШАМОҚ КЎП РУТУБАТЛИ, КЎП АЗИЯТЛИ! ЮРТИМ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ ЭЗГУ ЙЎЛИМГА АЙЛАНДИ! АММО БУ ЙЎЛДА ЎЗИМГА ЧИН ЙЎЛДОШ ТОПИШ АНЧА МУШКУЛ КЕЧДИ.

Умидим амир Олимхондан эди. АММО У ЎРУСИЯ ҲИМОЯСИГА ИШОНИБ ЖОНИНИНГ ҲАЛОВАТИНИ КЎПРОҚ ЎЙЛАЯПТИ.

Биласизми, амир Олимхоннинг саройидаги олтин-кумуш идишлар, буюмлар, булар етмаганидек, тилло эшиклар, хазинасидаги ёмбилар, тангалар бутун дунёни сотиб олишга етади. Улар амирнинг ота-боболари икки юз йилдан ортиқ вақтдан бери йиққан хазина! Олтин, кумуш тош эрур, элга ундан наф тегмаса, қўлдан кетиб ёш ўлур!

Элга фойдаси тегмаган хазинанинг нима кераги бор. Сўнг мен Файзулла Хўжадан умид қилдим. Файзулла Хўжадек бир зукко йигит билан кўп суҳбатлашиб онгладимки, болшавойлар уни тамом заҳарлаб қўйишибди, у инкилоб қиламиз деб, хатто, ўз юртига ҳам қарши бораётир! Унинг йўли кўп туманли, кўп...

Болаларим энди сиз уйингизга қайтингиз, бошингизни омон сақланг! Сиз омон бўлсангиз, мен сиз билан яшайман!

– Ҳазратим, биз сизнинг ёнингизда қоламиз! – деди шогирдлар гуриллаб.

– Йўқ, сиз юрт озодлиги учун жиходни ўз жойларингизда давом эттирмоғингиз шарт!

Ҳазрат гап қайтаришларини ёмон кўрарди. Биз уй-уйимизга қайтдик. Амир Олимхон ҳазратим йўлидан юрмади, мағлуб бўлиб қочди. Ҳазратим бир неча йигитлар билан рус аскарлари билан мардларча жанг қилиб ҳалок бўлибди.

Рус босқинчилари шундай найранглар ўйлаб топдики, минг йиллар кадрдон бўлиб яшаган қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз, тожикнинг иттифоқлиги бузилди... Сўнг Туркистонни қонга ботирди... Туркистон шунчалар қонга ботдики, бу қон бир кун киёмат кўпдирмаса деб қўрқаман!

– Бир Жиззахда тўкилган қоннинг ўзи минг қиёмат қўпдиргай! – деди дадам.

Исожон тоғам бироз жимиб қолди, ўйланиб яна давом этди:

– Жиззахга қайтдим. Йўл иотинч, от-улов кам. Бир ҳафтача йўл юриб, тонгда зўрға етиб келдим. Келсам уйимиз атрофини чапанича кийинган отлиқ йигитлар ўраб турибди, улардан берида қўни-қўшнилариимизнинг аёллари ёпинчиғини ёпиниб бош эгиб жимгина туришибди; садага сигиримиз, бир ҳўкиз боғланган, ичкаридан йиғи-сиғи овози келади, оғилимиз тепасидан қуюқ тутун кўтариляпти. Юрагим орқага тортиб кетди, ичкарига интилган эдим, йигитлардан бири йўлимни тўсди, бошқа бири эса мени таниди:

– Шу хонадон ўғли, кираверсин, – деди.

Ховлига ўтсам зираки беқасам тўн кийган, бошларига атлас белбоғ боғлаб олган беш йигит бири-бирига матаб боғланганча ўтиришибди, уларнинг тепасида қиличини яланғочлаб Раваллиқ маҳалласилик Юсуф полвон турибди, у мен билан бош ирғаб саломлашди. Дадам, Эргаш акам, қўшнилар қудукдан сув ташиб оғилга сепишяпти. Киришим билан бири-бирини кучиб айвонда турган аям, келинойимдан ажралиб синглим Асилой кучоғимга ўзини отиб:

– Акажон! – деб йиғлади. У бечоранинг бутун вужуди дир-дир титрар, қўйлаклари йиртилганини кўриб юрагимга пичоқ санчилгандек бўлди.

Дадам, Эргаш акам, аям, келинойим билан кўришиб нима гаплигини суриштирганим ҳам йўқ эдики, Юсуф полвон ташқаридаги йигитларни чақириб:

– Бу тўнғизларни Қўрғонга ҳайданглар! – деди, сўнг қиличини шарақлатиб қинига солди-да, белбоғига кистирилган қамчисини олиб ўтирганларни шартлатиб солди:

– Сенларнинг энангни... тур ҳамманг!

Шундагина уларнинг башарасига қарадим, чўққи бурун, малла! Бу башаралар ўзбекка ўхшамасди.

Ўтирганларни уриб-суриб ҳайдаб чиқишди, Юсуф полвон дадамга қараб:

– Мулла ака, сиз ҳам Қўрғонга борингиз! – дедию ташқарига қараб юрди.

Дадам пешонасини ушлаб айвон пойдеворига ўтириб қолди, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди...

Қўр сахарда кимдир дарвозани қоқади, дадам дарвозани очса, бирдан беш йигит ёпирилиб кириб қўл-оёғини танғиб, оғзига латта тикиб, дарвоза устунига боғлаб ташлашибди, тапир-тупир овозларни эшитиб уйдан бешотарни кўтариб чиққан Эргаш акамнинг бошига қўндоқ билан уришибди, бечора акам хушидан кетибди. Босқинчилар милтиқни олиб, оғилдан сигир билан новвосни олиб чиқиб ташқарига боғлашибди, аям, келинойим, синглим ҳовлига чиққани қўрқиб эшикни тамбалаб ўтиришган экан. Бир пайт дадамнинг оғзидан латтани олиб:

– Бабай, тэлла алэб чэқ! Қара Мэрзага тэлла керак, тэлла! – дебди бири ўзбекчани чайнаб гапириб.

– Менда тилла йўқ, пулим ҳам йўқ. Мана, молимни олдиларинг, яна нима керак бўлса олинг. Бола-чақамни тинч қўйинг! – дебди дадам бечора қон туфлаб.

– Қара Мэрза айтдики, сенда тэлла бар. Агар тэлла берсанг, сенга тегмайди. Ато, хатин, келэн, қэзэнгни Қара Мэрза олиб кетадэ!

Шу пайт хушига келиб, бошини кўтарган акамни айвондаги устунга боғлаб ташлашади.

Бири оғилга ўт қўяди, иккиси уйдан аёлларни ҳайдаб чиқаради, шунда дадам бор овози билан кичқиради:

– Тегманг! Тилла бераман!!!

— О бабай, яхшэ! Канэ тэллэ? — деб тилла сўраган боскинчи дарров дадамнинг қўлини ечади. Шунда дадам бор кучи билан боскинчининг оёқлари орасига тепади. У букчайиб қолади, бошқалари дадамга ёпишади. Акам, аёллар қичқириб юборишади. Шу пайт бирдан дарвоза ланг очилиб бошқа йигитлар кириб келишади...

Боскинчиларни банди қилишади...

— Борамиз! — деди дадам шашт билан ўрнидан туриб.

Қўрғонга борсак, Тупрокқўрғоннинг қон тусли ховузи бўйида курсида қора мундир устидан қалин камар, камарнинг чап томонига зулфиқор, ўнг тарафига наган таққан, юзи баркашдек, хумкалла, сочи тарашланган, чуст дўппи кийган, қоп-қора сокол-мўйлови қора юзига ярашган Қора Мирза тоғдек бўлиб виқор билан ўтирибди, орқасида қиличдек-қиличдек йигитлар саф-саф бўлиб туришибди. Ўнг томонида ўша беш банди ўтирибди, қаршисида Ёрмат бош эгиб турибди.

— Эй халойиқ! Мана бу дини, эли, юртини болшавойларга сотган мунофиқ Ёрмат хира! — бутун вужудидан ёвилаётган куч унинг овозини сиқиб, бўғиб қўяётгандек товуши бўғриқиб чиқар эди. — Эй халойиқ, менинг қай бир йигитим сизнинг уйингизни талош қилгани борди? Ё махрамингиз, ё қизингизга кўз олайтирди? Айтингиз! Кўз олдингизда калласини сапчадек узиб ташлагайман. Қўрқмангиз!

Халойиқ жим.

— Айтингиз! Мен ўз элимнинг қизини қўйнимга солиб айш сурай, молини талаб бўкай деб тоғу тошда юриб йигит тўпладимми? Йўқ! Йўқ! Мен юртимни, элимни ўрис панжасидан қутқарай деб йигит йиғдим. Олтмиш беш йилки боскинчининг ҳаром панжаси суяк-суягингизгача ботиб кетди. Олти йил илгари кўзғолон кўтариб бир ойгина ўзингизга бек бўлиб яшадингиз. Яна ўрис бошингизга не кунларни

солмади. Бугун ўриснинг ичидан путур кетган. Болшавой деган ювиксизлар ҳокимликни қўлга олиб, яна сизнинг гирибонингиздан бўғмоқчи!

Халойиқ орасида ғала-ғовур бошланди.

– Қани сўзлангиз! Сен сўзла, эй мунофиқ! – деди Ёрматга юзланиб. – Имонингни ютганлигинг рост, тилингни ҳам ютдингми, беномус! Бул нокас болшавойлари билан мени бадном қилиш учун йигитларим каби кийиниб мўлкалликдан Назирхўжанинг, жиззахликдан Шарифбойнинг уйини босишди, Тўрабойнинг қизини, ўғлини олиб қочишди. Мени босмачи, деб бадном қилмоқчи бўлди. Болшавойларнинг ҳаром тукини ялайдиган Ёрмат хира кабилар ўз отасини ўлдириб, онасини, маҳрамини, синглисини ўрисга қўшади. Бугун паранжисини ташлатади, эртага шир яланғоч қилиб кўчага чиқаради. Сиз онангизнинг, хотинингиз, опа-синглингизнинг номусини топтаб яшашларига қандай чидайсиз? Сиз бунга тоқат қиласизми? Юрагида зардаси қайнаган йигит борми орангизда?! Айтингиз?

Халойиқ жунбишга келди.

– Чидай олмаймиз! Ер ютсин уларни, Мирза полвон! – элнинг олдинчилари сафида турган Шарифбой изиллаб йиғлаб юборди.

– Эй Ёрмат хира! Сен бизни мудом беданадек пусиб яшайди, пусиб сайрайди деб ўйладингми, имонсиз? Йўқ, мана бутун Фарғона, Андижон йигитлари бирлашиб Ойимда Фарғона давлати туздилар. Унга Мадаминбек ҳокон ўлди! Азиз биродарлар, Ўш, Жалолобод кофирлардан тозаланди. Бугун-эрта Андижон илкимизга ўтгай! Бешарикдан Шермухаммадбек йигитлари билан чикди.

– Отасига раҳмат, фарғоналикларнинг! – деган кичқириқлар эшитилди.

– Хоразмда Жунайидхон бош кўтарди. Бизга илкини чўзиб турк кардошимиз Анвар пошшо Бухо-

рога келди. Юртимиздан кофирларни қувиш учун жамики мусулмонлар кўтарилганда биз жиззахликлар қўл қовуштириб ўтирамизми? Сиз нима дейсиз?

– Кофир босқинчиларни ер ютсин! Фарғона, Бухоро кўтарилганда биз гожалакка ўхшаб инимизда биқиниб ётамизми? – деди Юсуф полвон овозини баралла қўйиб.

– Йўқ! Йўқ! Биз сизга қўшиламиз! – деб хайқирди йигитлар. – Биз ҳаммамиз бирлашсак босқинчи тўнғизларни яксон этиб Туркистонни озод қиламиз!

Мен қизил казармадаги ўрис тўнғизларнинг калласини олдим. Омон қолгани сичқон ини минг танга бўлиб қочди. Энди биз Самарқандга юриш қиламиз. Йигитман деганинг менга қўшилинг! Самарқандни олиб, Бухорога бориб Анвар пошшога қўшилиб сўнг Тошкандга юрамиз.

– Борингга шукур, Мирза полвон! – деб кичкирди бир неча йигитлар.

Менинг ҳам қоним қайнади, бу гаплардан бирмунча хабардор эдим. Бунинг устига анави бандиларнинг бизга қилган ифлослиги маънисига энди етиб, чидолмай кетаётгандим. Хозирок Қора Мирзанинг йигитларига қўшилишга тайёр эдим.

– Халойиқ, бу ернинг ҳар бир қарич жойига ўрис босқинига қарши жанг қилган йигитларимизнинг қони қоришган. Менинг бобомнинг бошини шу ерда олиб, қонини шу ҳовузга оқизишган. Сизларнинг кўпчилигингизнинг оталарингизни ҳам. Бу даҳшатни кўрганлар орангизда ҳам бордир.

– Бор, бор! – деган овозлар эшитилди.

– Бир кун келиб босқинчи тўнғизларнинг қонини шу ҳовузга оқизаман, деб ният қилгандим. Шояд ниятимга етдим. Бугун бу муттаҳамларнинг орқасидан тушиб, ана, банди қилиб келдим (Қора Мирза зулфқорини қинидан чиқариб ерга санчди, сўнг йигит-

ларига имо қилиб ўрнидан турди). Қани, ло ҳавла, вало қуввата...

У шашт билан ўрнидан туриб йигитлари ҳовуз бўйига олиб бориб босиб турган бандилардан бирига яқинлашди. Банди йиғлаб жавранди:

– Мэрза, менэ ўлдэрма, сенга хэзмат қэламен, кўп сэр бэламен!

– Қўйнимга илон бўлиб кирмоқчисан-да! Ҳа-ха!

Қора Мирза кулганча бандининг бўйига зулфи-корини шиддат билан тортди, пихиллаган овоз чиқиб, қон отилди. Йигитлар тўрт бандини ҳам шундай тинчитиб жасадларини ҳовузга отишди.

Қора Мирза курсига бориб ўтириши билан Ёрмат ўзини ерга ташлаб, эмаклаб бориб Мирзанинг оёғига ёпишиб йиғлай бошлади:

– Раҳминг келсин, бола-чақам ёш, мени ўлдирма, Полвон!

Қора Мирза уни тепиб юборди:

– Болшавойларникини ялаганларнинг куни шундай битади, калима қайтар!

Ёрмат калима қайтара олмади, йигитлар уни ҳовуз бўйига олиб бориб сўйиб жасадини ҳовузга отишди. Қип-қизил сув сатҳида олти жасад чўкмай ётарди.

Шу куни Қора Мирза Жиззахга Юсуфбекни ҳоким қилиб қўйди. Мингдан зиёд йигит кўрбошига қўшилди. Қора Мирза мени таниб қолиб Бухородаги аҳволни суриштирди, сўнг:

– Мулла, сен менга бу ерда кераксан, Нуриддин ҳожи мадрасасини очасан, – деб мени Жиззахда қолдирди.

У шу кетишда Бахмалга борган, у ерда унга Маъмирбек йигитлари билан қўшилган, сўнг Ургутга бориб қўниб кўп йигит тўнлаган, ўнбоши, юзбоши, мингбошини сайлаб кўядиган қилиб кучли

қўшин тайёрлаган. Шўро минг бир хийлаларни ишга солиб қўрбошиларнинг қўшилишига имкон бермай, жухудча усулларни қўллаб Мадаминбек, Шермухаммадларни еди. Қора Мирза Самарқандни қамал қилиб турганда орқасидан отиб ўлдирилди. Анвар пошшо ҳам шу тахлит қурбон бўлди. Кучли бошлиқларсиз қолган қўшин пароканда бўлди. Ўшанда Анвар пошшонинг қўшини йигирма мингга етиб қолган экан. Жунайидхон ҳам мағлуб бўлиб чет элга кетди. О, шўронинг яширин найранглари жуда бисёр! Мана шундай буюк юрт бўлмиш Туркистонни ҳам Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон қилиб парчалаб ташлади!

Хамма унга тикилиб ўтирарди. Жимгина юрадиган Исожон тоғамнинг бу қадар тўлқинланиб гапирганини кўриб мен ҳайрон қолдим. Жимлик чўкди. Кимдир оҳ тортди, Исожон тоғам жойида бир қимирлаб давом этди:

— Турк улуғи Ёфас адолат бирла ҳукмронлик қилганда Турон шунчалар гуллаган бир диёрга айланганки, унинг гўзаллигига ҳатто жаннат рашк қилган. Чингизхоннинг ҳам, Амир Темур Кўрагоннинг ҳам, жамики турк қавмларининг ҳам илдизи унга бориб такалади. Ёфас қазо қилгач, ҳукмдорлик унинг ўғли Боқуйхонга ўтади, Боқуйхондан сўнг, тахт Кесукхоннинг ўғли Аланчахонга тегади.

Ўғизхондан Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Қўкхон, Боқихон, Денгизхон каби ўғиллар дунёга келди. Ўғизхон қариндош-уруғларига, бошқа элатларга гоҳ ҳазил, гоҳ чин маънода ном берарди, барча туркий қавмни бирлаштириб катта шон-шухрат қозонди, у. Амакисию бошқа қариндошларига уйғур деб (уйғур қўшилиш дегани), арава ясайдиган бир қавмга қонгли деб (қонгли аравали дегани), уруш пайтида катта дарахт ковагига яшириниб, шу жойда туғиб қўйган

аёли бор элатга қипчоқ деб («қипчоқ» сўзи ковакли дарахт маъносини билдиради) ном беради.

Ўғизхоннинг қавмлари Эронга ҳам етиб боргач, бу ерлик халқлар билан қўшилиб, куда-андачилик қила бошладилар. Зангу фаранглар Ўғизхонга икром бўлишди; араб, ажамлар унинг сафига қўшилишди. Ул зот етмиш йил бутун Турону Эронда халқни бало-қазолардан омон сақлаб келди. Ундан йигирма тўрт уруғ тарқалган. Орадан минг йилча ўтгач, турк ва мўғул ўртасида низо кучайиб, Элхон Денгиз ибн Ўғизхон мўғулларни тор-мор этди.

Бу хусусда бир қизиқ ривоят бор.

...Қаён қавмидан бўлган Дибун Боён деган бир баҳодир муҳорабада юриб, Шарқий Туроннинг бир четидаги ўрмонга бориб қолади. Ўрмоннинг ўртасида суви кўм-кўк бўлиб жилваланиб ётган бир кўл бор экан. Дибун мириқиб чўмилгиси келади. Йигит кўлга яқинлашаётиб, қирғоқда шир яланғоч юрган аёлларни кўрадию ўзини дарахт панасига олади. Аёлларнинг комати худди қолипда қуйилгандек бежирим, офатижон эмиш. Аёллар чуғурлашиб ўзларини сувга отишибди. Ана энди уларнинг юзлари сувда сузиб юрган нилуфардек гўзал кўринаркан, улар сув ичида туриб жунбишга келар, кўзлари сокқадек ўйнаб, юзлари лоладек қизарар эмиш. Чехраси гул-гул очилган, қаламқош, ой юзли бу қизларнинг кўзлари шунчалар шахло эканки...

Дибун хушини йўқотиб, қанча турганини билмайди.

У сувга тушиб улгурмай қирғоқда турган офатижон бир қизни кўриб қолади. Йигит яшириниб турган жойидан отилиб чиқибди-да, хурлиқони кўтариб ўзининг чодирини томон югурибди. Сувдаги аёллар кўрмай қолишибди.

Қиз «Аланқува! Аланқува!» деб зорланиб йиғлармиш. Шундан унинг номи Аланқува бўлиб қолибди.

Аланқувага уйланган Дибун оғир касал бўлиб дунёдан кўз юмибди. Аланкува шунчалар гўзал эканки, унинг хуснига боқиб тунда ой, кундузи кун тўлғонар эмиш. У соҳибжамол тунда ўз чодирда ухлаб ётганда тўйнуқдан бир даста нур тушади. Соҳибжамол Аланкува ана шу нурдан юкли бўлиб, уч ўғил туғади. Учинчи ўғли Бузунжор қаён туркларининг ғоят тадбирли, улуғ бир подшоҳларидан бўлган. Унинг невараси Қайдухон Чингизхоннинг энг катта бобосидир. Унинг Бортон баҳодир деган неварасидан Ёсуго туғилади, у Чингизхоннинг отасидир. Улар Аланкувадек шахлокўз эдилар. Шунинг учун уларни бурчиқинлар, шахло кўзлиллар ҳам дейишган.

Чингизхоннинг Жучихон, Чигатой, Уктой, Тулуйхон деган ўғиллари бўлиб, Шайбонийхоннинг авлоди Жучихонга бориб тақалади. Жучихоннинг бешинчи ўғли Шайбонийхоннинг ўнинчи авлоди – Абулхайрхондан Шох Будоғ Султон, ундан Муҳаммад Шайбонийхон туғилади. Шайбонийхоннинг чевараси Бахтиёрнинг ўғли Ҳамза Султон Хоразм қалъасига хужум қилганда Султоннинг Бийроқ Баҳодир деган мулозимини хоразмлик бир йигит ғоятда чаққон, эпчил бўлганлиги билан танг аҳволга солиб қўяди. Унга Бийроқнинг бир ўзи бас келолмайди. Бир неча баҳодирлар бирлашиб, йигитни зўрға асир олишади. У ғоят чиройли йигит эди, кейин билишсаки, у қиз бола экан. Ҳамза Султон уни беҳад севиб қолади. У қиз Султон Маҳмуд Мирзонинг Ҳасанбек Чигатой деган амирининг Латифбегим деган қизи экан. Ўртада тинчлик ўрнатилиб, икки душман томон қуда-анда бўлиб қолишади.

– Энди бу ёғини сиз давом этинг, полвон, – деди Исожон тоғам енгил хўрсиниб.

– Темур хазратларининг эвараси Абдусаид Мирзонинг авлоди Маҳмудбек Жиззахга бек эди, – деди

дадам ортиқча сукут қилиб ўтирмасдан. — Самарқанд Шайбонийхон қўлига ўтганда Бобур Мирзо Жиззахга келиб қўнади. Бек Бобуршоҳнинг талафот қўрган қўшинини ўз йигитлари билан тўлдиради.

Бобур Мирзо Гиждувон яқинидаги Зарангори қишлоғига бориб душманга ҳужум қилади. Қирғинбарот жангда Маҳмудбек ҳалок бўлади. Жонибек Султон Маҳмудбекнинг чодирига бостириб киради, бекнинг хотини ғоят соҳибжамол Моҳларойим ўз кўксига ханжар урган, мурда ёнида оқ қўйлагига Саидбек деб ёзилган икки ёш чамасидаги бир бола йиғлаб ётган эмиш. Болани Жонибекка беришади, кимлигини айтишади. Жонибек шундай ёнида турган ўғли Искандар Баҳодирхонга болани узатиб дебди:

— Ўғлинг тўртта эди, бешта бўлди. Шаҳзодадан кам кўрмагил. Бизлар душманлашиб ўтдик, улар дўстлашсин! Чақалоқнинг исми Саидбек экан.

Шундай қилиб Саидбек Искандархон хонадонида Абдуллахон билан бирга тарбия кўра бошлайди. Бека Қутлуғхоним бу норасидага алоҳида меҳр кўрғади. Саидбек Абдуллахон бақавли эгизакдек чавандозликда, қиличбозлигу адаб ва эътиқод таҳсилида бирдек сабоқ оладилар.

Искандар Баҳодирхон ўшанда Самарқанд Сўғдидаги Офаринкент шаҳрида ҳоким эди, отаси Жонибек Султон қазо қилгач Искандархон Карманага бориб отасининг ўрнини эгаллайди, Миёнқол ҳам унга тобе бўлади. Бухоро хони Абдулазизхон у дунёга рихлат қилгач, ўрнига Муҳаммадёр ўтиради. Бирок бутун Мовароуннахр ҳукмдори бўлиш орзусида юрган Абдуллахоннинг амакиси Пирмуҳаммад кўп ўтмай Бухорога кирадию Муҳаммадёрнинг ўрнини эгаллайди. Унинг бу ҳаракати Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхонни таҳликага солиб қўяди, у Тошкенту Туркистонни эгаллаб турган Наврўз Аҳмадхон — Бароқхон билан тил бириктириб катта

қўшин билан Бухорога қараб юради. Бу хабарни эшитган Пирмуҳаммад тахтни ташлаб Балхга қараб қочади, Искандархон Шибирғонга кетиб қолади.

Айни ўн саккизга тўлган Абдуллахон отасию амасининг қилмишидан орийат қилади, ташқаридан келаётган ит овозига ишора қилиб дейди:

– Душманга нахот лоақал итчалик қаршилиқ қила олмасак! Улуғларим билан ялакат бўлиб қочсам эртага эл юзига қандай қарайман?

– Черикингизнинг илки заиф, мухорабага ярай билмас, – дейди Саидбек.

– Румданми, Эронданми черик сўрасак-чи, тақсир.

– Алар сизни танимаслар, алалхусус лашкар ҳам бермагайлар.

– Не жонибга бош ур дейсиз, биродар?

– Бир лашкар душмандан енгилибдур, бундан дарғазаб шоҳ лашкарбошини сиқувга олибди. Лашкарбоши надомат билан дебди: «Найлайки, душман ҳужум қилганда отим ориқ, бунинг устига эгаржабдуқсиз, ўзимнинг эса қорним оч эрди».

– Сўзингизнинг маънисини тушунмадим.

– Черикдан хазинани аясангиз мудом у мағлуб бўлмай!

– Хазинани черикка бўлиб бер демокчимисиз?

– Йўқ, лозим кўрсангиз бир тадбир бор.

– Хўш...

– Халқинг, лашкаринг тўқ бўлса, жанг майдонини тарк этмас, – дейди Саидбек.

Икки дўст узоқ маслахатлашади.

Абдуллахон отаси шошилинича ташлаб кетган хазинани, ўзига тегишли мол, қимматбаҳо буюмларни сотдириб пулига ён-атрофдаги кишлоқлардан буғдой сотиб олиб қалъага жамғаради; сўнг элга буғдой таркатади, лашкарга қўшилаётганларга ҳақ тўлайди, отларини емлайди, қорнини тўйдириб устини бутлайди. Айни илик узилди пайт – кўкламдаги бу

химматдан эл, лашкар хўб миннатдор бўлади, лашкар билан эл бирлашади. Сўнг Абдуллахон элга мурожаат этади.

– Сизнинг зироатингиз, чорвангиз, манфаатингиз йўлида иш кўрурман. Келинглар, душманга хор бўлмайлик, уни даф қилайлик!

Миёнқол халқи мисли кўрилмаган уюшқоқлик билан мудофаага киришади. Душман яқинлашиб қолгач, Абдуллахон қалъадан чиқиб рақибнинг қоровулига тўсатдан хужум қиладию тутдек тўкади, бироқ ёвнинг катта қўшини етиб келиб, жангга киришади. Абдуллахон қалъага чекинади. Ёш хоннинг мардона ҳаракати халқнинг руҳини кўтариб юборади. Ёв бундай қаршиликка дуч келишини сира кутмаган экан. Ўн икки кун қалъани қамал қилиб ҳам душман ниятига ета олмайди, тамом ҳолдан тояди, сўнг ноилоҳ сулҳ тузиб орқага қайтади.

Бу воқеа овозаси бутун Мовароуннахрга ёйилиб, Абдуллахон номини машҳур қилиб юборди. Шайбонийларнинг одатига кўра уруғдаги энг ёши катта одам хон деб кўтарилиши керак бўлади. Шунга кўра хонлик амакиси Пирмуҳаммаднинг ҳақи эди. У Абдуллахоннинг шуҳратига ҳасад билан қарайди, жанг тарихини суриштириб, Саидбекнинг ҳам ҳиссаси борлигини билиб, икки дўстни ажратиш пайига тушади. У Абдуллахонга: «Гарчи, хонлик менинг ҳақим бўлса-да, агар сен Саидбекдан воз кечсанггина сенга бутун Мовароуннахр ҳукмдорлигини топшираман, ўзим Балхга ҳоким бўлиб қоламан. Сенинг ёнингда етти авлоди ота-боболаримизга душманлик қилиб келган бир одамнинг юриши ўта хавфлидир!» – дейди. Айғоқчилар кейин «Абдуллахон сени зимдан тинчитиб юбормоқчи», деб Саидбекка етказишади.

Саидбек шу кунийёқ юз чоғли йигитни эргаштириб она юрти Жиззахга жўнайди. У Жиззахни

ана шу озгина қўшини билан эгаллаб олади. У Тупрокқўрғон қалъасини мустаҳкамлаб, ҳунарманду савдогарни қўллаб, ариқлар чиқартириб, эл-юрт фаровонлиги йўлида тадбир кўра бошлайди. Аини саратонда хабар етадики, Янгиқўрғон томондан Жиззахга қараб қўшин келмоқда, хуфияларидан суриштирса бу Абдуллахон экан! «Хон Самарқандни қамал қилиб турган эди, нима учун бирдан Жиззахга қараб юриб қолди? Наҳотки, мени душмани Бобо Султондан ҳам хавфли деб ўйласа? Наҳотки, болаликдан бир нонни бўлиб еган дўстнинг душманга айланиши шунча осон бўлса?!»

Саидбек шу ўйларга бориб ўтирганда эшитадикки, Абдуллахон қўшинини Темур дарвозасида қолдириб, хос навкарлари бирла Жиззахга кириб келаётган эмиш!

Бек ўйланиб қолади, сўнг эса Абдуллахон кўриниши билан Жиззах дарвозасини ланг очдириб, карнай-сурнай чалдириб, курул-яроқсиз пешвоз чиқади, отидан тушиб хонга қараб юриб бораверади. Бир маҳал хон ҳам отидан тушиб, бобомга қучоғини очиб интилади. Икки дўст қучоқлашиб кўришади, сўнг Тупрокқўрғон ўрдасидаги хосхонага кириб узок суҳбатлашишади.

— Мен сизни ҳеч бир кимга алишмайман! Амакимнинг фирибини яхши биламан, — дейди Абдуллахон. — У сиздан ҳам кўра мени ўзининг хавфли рақиби ҳисоблайди, шул сабаб мени йўқ қилиш пайига тушган. Шу ҳақда сиз билан кенгашмоқчи эдим, бироқ сиз чиқиб кетибсиз.

— Сизга зарарим тегмасин, дедим-да, — дейди бек.

— Йўқ биродар, кейин билсам, сиз амакимнинг айғоқчиси найрангига учибсиз, — дейди хон.

Шундан сўнг Абдуллахон бир муддат Жиззахда қолади, Саидбек талаби билан Зарафшон сувини Булунғур орқали Сангзорга ташлайдиган Туятор-

тар каналини қаздиради. Тупрокни туяларда тортиб чиқаришгани учун ҳам канал номи Туятортар деб ном олади.

Жиззах тупроғининг ғоят унумдор бўлиши ана шу Туятортарнинг ҳақи. Чунки у жуда баланддан оқиб келгани учун ўз йўлида кўплаб маъданларни оқизиб Жиззах далаларига ёяди. Бу эса тупрокни ғоят бойитиб сув кўтарадиган ҳолга олиб келади.

Дадам Мусулмонқул ака узатган пиёлани олиб устма-уст чой хўплади.

– Худди бир қизиқ кино кўргандек маза қилдим, раҳмат, шунинг учун қанча сўғорилса ҳам еримиз ботқоқ бўлиб қолмас экан-да, – деди Орзиқул амаки.

Саидбек бобомиз зироатчиликка, боғдорчиликка жуда катта меҳр қўйган. У Жиззахда қирқ йил беклик қилган. Туятортар суви туфайли Булунғур атрофи, Жиззах шундай гуллаб-яшнаганки... Янги яратилган, ичи қизил, жуда ширин қовунни Абдуллахон номи билан аташган.

– Орзиқулжон, биродарлар, ҳар бир инсон энг камида ўзининг етти пуштини билиши керак, – деди Исожон тоғам қўлидаги пиёлани дастурхон четига қўйиб. – Бунда ҳикмат кўп!

Мусулмонқул ака сўраб қолди:

– Мусо ака, мана авлодимизнинг боши Темурнинг неварасига бориб тақалади, дедингиз. Бошқалари ким бўлган? Уларни ўзингиз биласизми?

– Бу ҳақда мен бобом мулла Ҳайдарнинг «Шажара баёни» китобидан ўқиганман, шундай қизиқ китобки... Авлодларимиз ҳар бирининг тарихини жуда холислик билан ёзган, – деди Абдусалом тоғам. – Мен ҳам ота, ҳам она томонидан Мусо поччамга боғланганман. У киши айтган ўша Саидбек Жиз-

захда қирқ йил беклик қилади, кейин беклик унинг ўғли Шоҳидбекка ўтади. Абдуллахон авлодидан пур кетгач, Шоҳидбекнинг ўғли Воҳидбек аштархонийлар даврида хизматдан кетади, аммо кейинчалик Нодир Муҳаммадга қарши исёнга қўшилиб Муҳаммадёр Оталиқнинг ишонган йигитига айланиб, қўшинида қўмондонлик қилади, исён ғалаба қилиб Абдулазизхон тахтга ўтиради. Воҳидбекнинг ўғли мулла Ҳайдар Самарқанддаги мадрасада мударрис бўлади, Мулла Ҳайдарнинг ўғли Жиззахда қозилик қилади, у киши менинг ҳам бобом. У кишининг ўғли Хўжамиёр фикрчи мунший бўлган. Унинг ўғли Оллоёрбек яна Жиззахга бек бўлади, унинг ўрис босқинига қарши курашгани тилларда дoston бўлган. Мен буни Хўжамиёр бобомизнинг «Шажара баёни» китобидан ўқиганман. Оллоёрбекнинг ўғли – Мусо аканинг оталари Собиржон оқсоқол бўлган. У кишининг Қўрғонда ички-ташқи ҳовлили каттагина уйи, Раваллиқ маҳалласида ўттиз таноб келадиган боғ ҳовлилари, уч-тўртта дўкони бўлган.

– Боболарини мен яхши биламан – деди Уста бобо. – У кишини раис ҳам дейишарди. Бир қорабайир отлари бор эди, шуни миниб узун қамчини ушлаб кўчаларни, бозор расталарини оралаб юрарди. Агар бир хонадон кўчага супуринди, ё ахлат ташлаган бўлса, хонадон эгасини чақиртирарди, кейин икки гувоҳни чақириб: «Эй биродарлар, мана бу нобакорнинг кўчани булғганини кўрдиларингми?» – дерди. Гувоҳлар кўрдик, дейишарди. Раис бува қамчи билан шартиллатиб урарди. Хонадон эгаси иккинчи бор кўчага ахлат сочмасди. Тарозига хиёнат қилганларни ҳам шундай жазоларди.

Тарих дарсида ўқимаган бу қизиқ тарихни уйга боргач кундалик дафтаримга эсимда қолганича ёзиб қўйдим.

Тушга яқин уйга қайтган дадам аямга қараб:

– Соатинг неча бўлди, кампир? – деди.

Аям соатига – уйнинг соясига қаради.

– Чоракам бир, – деди аям.

Дадам бунга қаноат қилди шекилли, пешин намозини ўқигани уйга кириб кетди.

Зухра опам ҳам, Умри опам ҳам орқама-кейин турмушга чиқишди, акам ўқишни битириб Фарғонага ишга кетган, уйда мену синглим Каромат қолганмиз, холос.

Ёлғиз қолишим билан кўз олдимга Зумрад опа кела бошлади. Баъзан кечалари қичқириб юбораман, гоҳида Сайид акадан қочиб, додлаб мени чақираётган Зумрад опа тушимга киради, бақириб юбораман, бақириб юбориб уйғониб кетаман. Зумрад опанинг жон талвасасида инграши, Паризод опанинг фарёди, Сайид аканинг «Мени ўлдиришлар!» – деб қичқираётгани қулоғимда жаранглайди, тинмай босинқирайдиган бўлиб қолдим, аям мудом менга кўз-қулоқ бўлиб туради, Исожон тоғам бир неча кун ўқиб дам солгач, руҳим тинчлангандек бўлди, аммо энди Зумрад опани бошқа кўролмаслигимни ҳис қилишим билан ичимдан бир нарса узилиб тушгандек эзиламан. Саҳар туриб мактабга бордим, ҳамма таътилга чиққан, бугун эса негадир Офтобни кўргим келиб қолди. Парда амаки билан саломлашиб ўтиб, синфимиз томон бурилган ҳам эдимки, Офтобга дуч келдим. У менга нозакларини пирпира-тиб қараб турарди, кейин кутубхонага кирдик. Мен унга бўлган фожиани бир бошидан гапириб бердим, ўзимни алланечук енгил тортгандек сездим, энди эса Офтоб йиғлар эди...

Мен унга тикилиб қолгандим, у жуда ёш қизчага ўхшаб кўринади, ўзим эса бирдан каттариб қолгандек эдим.

– Қўй йиғлама, Офтоб! Йиғлаганинг билан Зумрад опа қайтиб келармиди?! – Мен унинг қоши устига тушиб ётган сочларини сочи ўримига қўшиб қўйдим, у менга ёш тўла кўзлари билан маъюс бокди. Таътил олдидан сўнгги учрашганимизда ҳам кўзида ёш қалқиб хайрлашганди, кутубхонада кўришиб туришга ахдлашган эдик.

– Ўқидингизми, – дедим.

– Ўқидим, – деди у маъюслик билан. – Шундай ёқдики...

Китобни кўришим билан бир воқеа ёдимга тушди...

...Адабиёт ўқитувчимиз – Қосим ака вазмин кадам ташлаб кириб келди. Стол устига журнал, дафтарини қўйиб, қаққайиб туриб қолди:

– Болаларим, бугун мен одатдагидек дарс ўта олмайман! Маъзур тутурсизлар! Қодирийнинг 1926 йили чиққан китобидан ўқиганман (муаллим қаддини ростлаб чуқур нафас олди). Мен ўттиз йилдан бери юрагимда яшириб юрган сўзимни дод-фарёд солиб айтаман!

Мана бу сўзларни мен Абдулла Қодирийни ман қилганларида ёдлаб олгандим. Ўттиз йилдан бери шу сўзларни минг бор такрорлагандирман! Мана эшитинг! Бу сўзлар китобларингизда йўқ! Ҳамон уни таҳрир этишади! Ҳамон ундан кўрқишади! Юсуфбек ҳожининг бул сўзини эшитинг!

«Мен кўп умримни шу юрт тинчлиги ва фукаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноатни ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эканлигини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида бир-бирини еб-ичган ман-

сабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирған бўлсак, яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйинтириғини кийдирган бўламиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширғувчи биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати, албатта тушар ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадхун Туркистонимизни тўнғизхона қилишга ҳозирланган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқурмиз. Темур Қўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи, албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!»

Қосим ака хўрсинди, биров жим қолди...

— Шундай буюк ёзувчини халқ душманига чиқардилар! Бошқалар эмас, балки ўзимизникилар! Улуғ инсоннинг судда айтган мана бу гапларига диққат қилинг:

«Гарчи мен турли бўҳтон, шахсият ва сохталар билан... иккинчи оқланмайдурғон бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг — қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам менга энг олий бўлғон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси ғубороти, тескаричилик мақсади бўлмағон содда, виждонли йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир.

Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга

қўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман!»

Ё раб! Қодирийни шундай ўлдирдилар! Ё раб!!! Уни ўлдирдилар!

Қосим ака юрагини вижимлаб қаққайиб қотиб қолди, юзи аянчли буришиб кўзи хонасидан чиққудек олайиб кетдию гурсиллаб полга кулади! Болалар бакириб юборишди:

– Муаллим!

Мен ханг-манг бўлиб қолдим. Қосим ака чалқанча ётганча хуррак отарди.

Ботир ака синфга отилиб кирдию хуррак отмай жим бўлиб қолган Қосим аканинг кўкрагини босиб, қўйиб юбора бошлади, қора терга тушган Ботир ака кичқиарди:

– Қосим ака! Нафас олинг! Нафас...

Кейин у пешонасидан терни артиб, жим қолди.

Муроджон ака билан Ольга Филиповна югуриб киришди, Ольга Филиповна полга ўтириб, Қосим аканинг бошини кўтариб тиззасига қўйиб:

– Ой бедняга! – деганча йиғлаб юборди.

Оқ халатли мактаб доктори ҳам етиб келди. У Қосим аканинг қўлини ушлаб томирини, кейин асбобини қулоғига тикиб юрагининг уришини эшитдию бошини чайқади:

– Афсус! Афсус!

Оҳ нахот одамнинг ўлиши шундай осон бўлса?! Афсус, жуда осон экан, осон!

Синфдошларим, юқори синф йигитлари Қосим аканинг жанозасига қатнашиб, видолашдик. Шундай муаллимнинг гўри нурга тўлсин!..

«Ўткан кунлар» қўлма-қўл бўлиб кетди, энди навбат Офтобга етганди. У китобни икки марта ўқиб чиқибди.

– Наҳот, бари севишганларнинг тақдири шундай фожиа билан тугаса?! – деди Офтоб кўзига ёш олиб.

Мен нима дейишимни билмай унга тикилиб қолдим. Унинг мотамсаро, умидсиз бир нигоҳи билан нигоҳим тўқнашиб, юрагим эзилди.

4

Саккиз гектарлик майдонга борганимда ғўзаларнинг шунча тез ўсиб кетганини кўриб ҳайрон қолдим. Аммо дала менга файзсиз, руҳсиз туюлди. Орасида бир дона ҳам ўт бўлмаган бир текис ўсган ғўзаларнинг денгиздек чайқалаётганини кузата туриб майдоннинг саккиз жойида бир-биридан тенг узоқликда ғўзалардан бир қаричча баландликда қипқизил қондек ловиллаб турган гулдасталарга кўзим тушиб ёқа ушладим, юрагим жизиллаб эсладим.

Бир куни Сайид ака бозордан ярим қопчиқ бир нарса олиб келиб ерга тўкди, картошкагул экан. Чўнтагидан бир ғалтак қора ип олди. У ажиб ҳаяжонда эди. Сўнг ип тортиб бир-биридан тенг масофага – майдоннинг ўн олти жойига картошкагул экдик. Сайид ака бу ишни жуда иштиёқ билан бажарди, кафтларини бир-бирига суркаб завқ билан:

– Қуддусжон, булар гуллаганда Зумрад опанг ёқасини ушлаб бир севинади. Қойил Сайид ака, қойил, дейди. Ана кўрасан! – деди. Мен унча ишонмай, картошкагулнинг бундай гуллашини кўз олдимга келтира олмай, ипни ғалтакка ўрадим.

Ана ўша Сайид ака Зумрад опани ҳайрон қолдиришни истаган гуллар! Гўё Зумрад опанинг қонидан униб чиқиб гуллагандек эди! Беихтиёр кўзимдан ёш қуйила бошлади, бўғзимга аччиқ бир нарса тикилди!..

Ана Сайид аканинг йиғма кати ўрнида темир кат пайдо бўлибди. Меникини эса йиғиб ўраб қўйишибди.

Пайкал орасидан Мусулмонқул ака билан Беркин чиқиб келишди. Иккиси ҳам шимини тиззасигача шимариб олган, елкаларида кетмон, юзларига, қўйлаklarига лой сачраган. Кўришдик, марзага ўтирдик. Беркин бизнинг бригадага ишга чиқибди, менинг ўрнимга Мусулмонқул акага қарашиб турган экан. Рашид ака бригадир бўлибди.

— Беркин, сен энди Мўмин амакингга қарашавер, бу ёғини Қуддус иккимиз амаллаймиз.

Шу турки совуқ билан ишлаш ёқмай турганди, яхши бўлди.

Беркин юз-қўлини ювиб, шими, қўйлагини шошмасдан тозалаб, хитой туфлисини кийиб, олифталарча гердайиб «бўпти» деб қўйди-да, негадир менга ғалати қараб, сўнг жўнади.

Мусулмонқул ака:

— Хушёр бўл, яна сариқ қиз олиб қочиб кетмасин, — деди жилмайиб.

— Сариқ қизни мен олиб қочаман! — деди Беркин каррандаларча.

У тутлар орасига ўтиб кўринмай қолгач, Мусулмонқул ака кулиб деди:

— Куёв, сен камбағалга ҳам жабр бўлди — бева қолдинг.

Шундай оғир жудоликдан кейин ҳазиллашиш, кулиш Зумрад опанинг руҳига ҳурматсизликдек туюлади, шунинг учун қовоқ солдим — индамадим. Мусулмонқул акага ўхшаганлар, ҳатто, маъракада ҳам ҳазил-мутуйибасини қўймайди. Тутга илинган кетмонимни олдим, кетмоннинг юзи занглаб қолибди.

Бир бешликни кўздан кечириб чиққан ҳам эдикки, тутлар орасидаги йўлдан чанг қўтарилиб қолди, тут йўқ жойдан раиснинг «Вилиси» кўзга ташлан-

ди. Машина кўприкдан ўтиб биз томонга бурилди, секин юриб шундай яқинимизга келиб тўхтади, ундан Соли раис билан қора чарм папка қўлтиқлаган новча, арвак бир киши тушиб биз томон юра бошлашди.

– Вой-буй, комиссия келдиёв, – деди Мусулмонқул ака кетмонини бир четга қўйиб.

Улар бизга яқинлашган эдиларки, Мусулмонқул ака бирдан қаддини ростлаб қичқирди:

– Диққат, тиккайинг!

Беихтиёр мен гавдамни тикладим. Мусулмонқул ака оёқяланг, шими тиззасигача шимарилган ҳолда аскарчасига қадам ташлаб бора туриб:

– Ўтибор ўнгга! – дедию Соли раисга жуда яқин бориб оёқларини жуфтлаб бирдан тўхтади, раисга қараб кафтини чаккасига тиради, раис орқага тисланди, нотаниш кимса унинг орқасига ўтиб олди. Мен диққат билан тикилиб танидим – у мени сўроқ қилган терговчи эди.

– Ўртоқ раис! Ғўзалар қониб сув ичиб ёппасига кўсак тугяпти. Сув урган, сўлиган, куриганлари йўқ. Аммо сув керагидан икки баробар кам. Уч ойдан бери ойлик олмадик! Рапорт берувчи оддий сувчи Мусулмон Эргаш Усмон!

– Бу бригадага бари бунақалар йиғилган ўзи, Муҳиддин ака, – деди Соли раис қорамалдоғини чаккасига нуқиб.

– Ўзингизга ўхшаган, так точно! – деди Мусулмонқул ака ўша ҳолда қотиб турганча.

– Вольно! – деди Муҳиддин ака бирдан кулиб юбориб.

– Шалпайинг! – деди Мусулмонқул ака қўлини тушириб бир четга ўтаркан.

Муҳиддин ака хандон отиб кулди.

– Ҳазил-мазах қилгунча сувга қарасанг бўлмай-дими? Сув кам дейсан, тарашингни кўр. Кўп. Жил-

диратиб-жилдиратиб тараш керак, – деб дашном бера бошлади раис.

– Қуддусникидан оққандек қилиб дейсиз-да!

– Ҳа, – деб маъқуллади раис, аммо яна ҳазил қилаётганини билиб, гап тополмай «Ҳаҳ!» деганча қўлини силтади. – Мен сенга жиддий гапиряпман. Бу тарашингда сув етказиб бўладими?

– Ўртоқ бош қўмондон, жилдиратиб тарасак бошидаги ғўзалар ўсиб кетади-ю, қуйриғидагилари орқада қолади.

Муҳиддин ака завқланиб-завқланиб кулди:

– Комедия! Комедия! Нима бало бу сувчингиз қизиқчиликка ўқиганми?

– Так точно, – деди Мусулмонқул ака кўкрагини кериб.

– Ҳой маршал, кўп жигимга тегаверма, – деди Соли раис тутатиб. – Сувни бошқатдан тараб чиқ!

– Хўн!

– Маршал, айтяпман-у сенга жилдиратиб-жилдиратиб, деб!

– Хўн бўлади! – деди Мусулмонқул ака кафтини чаккасига тираб.

Муҳиддин ака папкасига уриб-уриб кулди:

– Оҳо, бу киши маршалми? Вой-дод!

– Бу кишимнинг лақаби шунақа.

– Вой ўламан, оёқяланг маршал! Ҳа-ха...

– Маршал тушундингми?

Мусулмонқул ака кафтини пешонасига тиради:

– Так точно! Сиз айтгандек қилиб кўкнорига тараб кўйдим.

Муҳиддин аканинг туси бирдан ўзгарди – жиддийлашди:

– Кўкнори?!

– Маршал, бас қил! Бу одам ҳазилингни тушунадими? Ахир Муҳиддин акам терговчи.

– Қаерга эккансизлар кўкнорини? – деди торговчи Мусулмонқул акага яқинлашиб.

– Кўкнори эккан жойимизни кўрсатар эдим-у, лойга ботиб қоласиз-да! Яхшиси уйингизни айтинг, бир қоп жўнатаман. Нима қилайлик, ойлик йўқ. Қиши билан кўкнорини эзиб ичиб айикқа ўхшаб ухлаймиз-да!

– Маршал, йиғиштир майнавозчиликни!

– Эйи... Сизга биринчи ўринда раис!

– Эй маршал!

– Анави Девга ҳам атаганим бор!

– Дев ким? – деб сўради торговчи сергак тортиб.

Раиснинг хуноби чикди:

– Эй барака топкур! Бас қил энди! Биринчи котибнинг қулоғига етса нима бўлади?

– Биринчи котибнинг лақаби Девми?

– Худди шундай, ўртоқ торговчи!

– Қойил, жуда мос келибди.

– Бас қил, маршал!

– Бўлмаса... бўлмаса икковларинг ароққа пул ташлаб кетинглар!

– Эй ўл аҳмоқ, торговчи ҳеч берадими? Олади! Ма!

Раис сарғиш кителининг ён чўнтагидан битта ўн сўмлик чиқарди-да, Мусулмонқул акага узатди, негадир менга ҳам қараб қўйди.

– Оҳо, бели букилмаган! Ҳазрат айтганлар: «Берган қўл мудом баланддур, олган қўл мудом пастдур». (Мусулмонқул ака пулни буклаб шошилмасдан чўнтагига солди-да, қоматини тиклаб бирдан қўлини пешонасига тиради, раис чўчиб тушди.) Ватанга хизмат қиламан!

– Эй маршал, энди чакагингни ўчир-да, Сайиднинг иши бўйича у ёқ-бу ёққа ўтламасдан кўрганингни айтиб бер (раис менга беписандлик билан қаради). Сен ҳам.

Энди тушундим: раис Девга тегадиган гап ай-тиб ўтиришмасин деб терговчини ўзи олиб келган. Мусулмонкул аканинг оғзини ёпмоқчи бўлиб пул берди.

– Хўш, ҳа ошна, қалайсан? – деди терговчи раис жўнаб кетгач менга қараб.

Мусулмонкул ака чаккасини қашиб кулди:

– Бу бечора ҳам бева бўлиб қолди.

– А-а?

– Ахир, бу Зумраднинг куёви эди.

– Йўғ-ей!

– Ҳа.

– Ошиғи денг, эшитгандим.

– Ҳа.

– Ҳим... Отинг Қуддус эди-я!

– Ана шу сўпок.

Саданинг соясига ўтдик. Терговчи папкасидан газета олиб тагига тўшаб ўтирди, биз унинг рўпарасига чордана қурдик. Сўнг терговчи сўрай кетди. Биз фожианинг қандай рўй бергани, ким сабабчилигини айтдик.

Ниҳоят у ўзи тўлдирган қоғозларнинг ҳар бетига имзо чектириб ўрнидан турди. Мусулмонкул ака, терговчи билан бирга Мўмин амакининг чайласига ўтдик. Чайладан бериروقдаги қоратол тагида Беркин, Нарзикул, Достон ўтиришган экан.

Мўмин амаки ёлғиз қолди дегунча ғазалларни овозини баралла қўйиб мусикий оҳангда ёд айтади. Ҳозир ҳам у чайлада ўтирганча ўзича маст бўлиб ғазал ўқимокда:

– Кўзимнинг оқи янглиг меҳрибонимдан айирдилар,
Дилимнинг қуввати руҳи равонимдан айирдилар.
Анисим, мунисим дилбанди жонимдан айирдилар,
Ҳамма обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,
Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдан.

Муҳиддин ака бир зум тинглаб турди:

– Ғазалхонлар ҳам бор экан-да, бу ерда, қойил!

У бошини сарак-сарак қилганча чайлага қараб юрди, ўрнидан турган болалар билан бош ирғаб саломлашиб ўтди, Мусулмонқул ака ҳам унга эргашди.

Болаларга у одам терговчи эканлигини айтдим.

– Сайид акани отувга ҳукм қилишармикан? – деди Достон ачиниб жойига ўрнашиброқ ўтираркан.

– Албатта отишади-да, – деди Беркин ёнига чирт этиб тупираркан. – Ўзи Сайид аканинг кўзига қон тўлиб турган экан, Зумрад опанинг ичак-чавоғини ағдариб ташлаб пичоғидаги қонни ялабди!

– Йўғ-ей, – деди Нарзикул менга қараб. – Шунақаи Қуддус?

– Ха, Қуддус ўша ерда бўлган-ку, – деди Достон.

– Мана ўзи айтсин, қонини ялади-я! – деди Беркин иягини чўзганча гапини маъқуллатиб олмоқчи бўлиб.

– Йўқ! Пичоқ урганини ўзи ҳам билмай қолди, сўнг пичоқни отиб юборди.

Беркиннинг овози ўчди. Бўлмаса аравани роса қуруқ олиб қочарди, у бунга уста – ҳамма вақт ўзининг гапини маъқуллатишга интилади. У Соҳибга тақлид қилиб юради. Соҳибнинг калта қирқилган жингала сочи ширмойнондек юзига жуда ярашади. Беркин шаҳардаги қизлар сартарошхонасига кириб, сочини жингала қилдирибди – бошига худди қоракўл қўзичоқнинг терисини ёпиштирганга ўхшаб қолган; бу унинг кирра бурунли чўзиқ юзига ярашмаган. У Калима ўқийдиган мактабга қатнаб хиралик қилиб юрган экан, Соҳиб уни Ўрдага олиб бориб роса туийбди. У раиснинг ўғли бўлсаям далага чиқиб ишлаяпти деб айтишлари учун номига бир-икки кун кўриниб, хафталаб йўқ бўлиб кетади.

Мусулмонкул ака чайладан тез қайтиб чикди:

– Сержант Қуддус, қани юр!

Мен ирғиб турдим-да, бармоқларимни жуфтлаб чаккамга тирадим:

– Есть!

Мусулмонкул ака шахдам қадам ташлаб олдимдан ўтди. Болалар орқамиздан кулиб қолишди.

5

Тонгда Мўмин амакининг овозидан уйғониб кетдим.

– *Хай-йа алал фалаҳ*
Хай-йа алал фалаҳ!
Хой мусулмонлар!
Намозга шошилинглар,
Нажотга шошилинглар!
Нажотга шошилинглар!

У азон айтяпти. Атроф ғира-шира қоронғи. Мусулмонкул ака жойини йиғибди. Пайкал оралаб кетибди, шекилли. Нега мени уйғотмабди? Чой қайнатиб туради деган бўлса керак. Осмондаги хиралаша бошлаган юлдузларга қараб бироз ётдим-да ўрнимдан турдим; тонгги салқин ҳаводан этим қунишди. Пайтавани ўраб этик қўнжига оёғимни тикқан ҳам эдимки, шилқиллаб юзимга сув сачради, сесканиб тушдим; этикни кўтарсам қўнжидан шариллаб сув окди; бу – Мусулмонкул аканинг иши! Ҳах, шошмай турсин!

Тонг бўзарди. Узоқдан далага чиқаётган қизларнинг овози эшитила бошлади. Мусулмонкул ака пайкал этагидаги тут тагига ўтираётганига кўзим тушди.

Юзимни ариқдан олиб тинитилган муздеккина сувга чайдим-да, Мусулмонкул аканинг катидаги тў-

шаклар устига бир болиш, бир ёстик қўйиб худди одам ётганга ўхшатиб кўрпа ёпиб қўйдим: кейин чой қайнатаётган жойга бориб ўчокқа ўтин қаладим.

Кўчадан Шириннинг овози эшитилди:

– Вий, ким экан шу пайтгача ухлаб ётган?

Унга бошқалари ҳам қўшилди.

– Ҳой, сув уриб кетди!

– Пешин бўлди!

Мириқиб кулдим-да, овоз чикардим:

– Мусулмонкул ака, ҳой Мусулмонкул ака! Туринг, чой қайнади!

Қизлар яна чуғурлашди.

– Вай ўлай, Мусулмонкул ака экан!

– Кап-катта одамнинг ғафлат босиб ётганини қаранг, тавбаа...

– Ҳой маршал, подъём!

Қизлар қаҳ-қаҳа отишди.

Қизлар ўтиб кетишгач, энди Мусулмонкул акани тушгача ғафлат босиб ётаркан, деб роса кулишади, деб ўйлаб турган эдим, баногоҳ кўчадан чанг кўтарилиб раиснинг машинаси тўғри Мусулмонкул аканинг кати рўпарасига келиб тўхтади. Соли раис машинадан тушиб белини ушлаганча атрофга назар ташладию катда кимдир ётганини кўриб қолди, сезиб турибман, ғазаби қайнаб кетди, мен ўзимни панага олдим, раис ариқнинг торроқ жойини излаб бу томонга ўтмоқчи бўлди, аммо тўхтаб бақирди:

– Ҳой, ғафлат босмай ўлгур Мусулмон! Тур тез, комиссия келяпти!

Катдан садо чиқмагач аччиқланди:

– Ҳой маршал! Тур деяпман! Нима бало, мастми дейман? Кеча роса тортган кўринади. Ҳозир сени...

Соли раис ариқнинг торроқ жойидан сакраб ўтиб пишқирганча бор кучи билан катни ариққа ағдармоқчи бўлди, у катни кўтарди-ю, оғир нарсани

кўтараман деб чоғланганидан ўзини тута олмай кат билан қўшилиб ариққа қулади.

Хайдовчи шошиб машинадан тушиб кийим-боши шалаббо бўлган раисни ариқдан тортиб олди, югуриб оқиб кетаётган тўшак, кўрпа, болишларни бирма-бир ушлаб қирроққа ташлади, охири катни чиқарди.

– О падар лаънати! Сув бошида ётмай кўрпа тўшаб кетганини қара! О палакат! Юр, тез хайда!

Раис шалаббо ҳолда машинага ўтирди, машина шитоб билан жойидан қўзғалди.

Тут панасида бу ҳолни кўриб туриб роса мириқиб кулдим, шу чоқ Мусулмонқул ака келиб қолди.

– Ия, тинчликми? – деди ҳўл бўлиб ётган кўрпа-тўшакларга қараб.

– Билмайман! Раис ўзидан-ўзи тутакиб кўрпа-тўшагингизни сувга улоқтирди.

– Нега?

– Билмасам.

Мусулмонқул ака ўйланиб қолди, менга ишон-қирамай боқди.

Эртаси куни «фитна» ошкор бўлиб қолгач, «Хах сеними?» – деб пўписа қилди, сўнг қотиб-қотиб кулди:

– Ҳисобни биру бир қилай депсан-да! Хали шошмай турсанг кўлимга тушасан-ку!

6

– Жўякдан юрсанг кўсаклар болдирингга урилса, шунда ҳосил зўр бўлди деяверинг дерди бечора Сайид, – деди Мусулмонқул ака майдонни оралаб чиқиб кетмонини бир четга қўяркан.

Дастурхонни ёзиб парварда, нонни қўйдим.

– Қирқ центнердан чиқадими?

– Қирқ беш деявер!

– Энди сувни тўхтатамизми бўлмаса?

– Йўқ, яна бир югуртириб оламиз.
– Яқинда дарс бошланади.
– Ҳали бир ой бор-у! Ўқишинг бошлансаям дарс-дан кейин келиб турасанми?
– Йўқ, биз битирувчи синфмиз-ку!
– Ҳа-я. Бугун қайси кун?
– Пайшанба.
– Ҳим... Пайшанба, жума, шанба, якшанба.
– Уч кун.
– Уч кунда бемалол улгурсак бўлади.
– Фақат бозор куни келмайман. Мактабга тайёр-ланишим керак.

– Яхши, бозор куни ўзим амаллайман. Туяторта-римизнинг суви бор бўлсин, бир кундаёқ бешлик-ларни лойқага тўлдиради. Нонуштадан кейин тоза-лаб чиқамиз-да, Қуддусвой.

Дастурхоннинг икки томонига – ажриқлар устига чордана қурдик.

– Тупида икки-учтадан кўсаклар ҳам очилиб қо-лади. Пахта теришга чиқасанми?

– Йўқ, чиқмаймиз. Имтиҳонга тайёргарлик кўра-миз.

– Тамом қутиларкансан-да, пахта-махтадан.

– Ўқишга ўтолсам.

– Ўтасан. Аканг ҳам ўқишга кирган-ку. Бизга ўхшаб далада чанг ютиб, лой кечиб юрмайсан. Пах-та оппоққина, юмшоққина бўлгани билан меҳнати каттиқ.

– Ўқишни битириб дўхтир бўлиб келгунингча мен чол бўлиб қоламан, мункиллаб... Ўзинг ҳолим-дан хабар олиб турасан-да!

– Ҳали ёшсиз-ку!

– Қайда? Ўн икки жонни боқаман деб жонимда жон қолмади!

Ҳа, Мусулмонқул аканинг ўн бир ўғли бор.

- Ҳасан-Ҳусанларингиз далага чиқиб қолар, энди.
- Аллоҳ хоҳласа...
- Рашид-чи?

Мусулмонқул ака қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

- У махмаданани ўқитаман!

Мусулмонқул ака супрақоқдисининг отини ўртоғининг исми билан атаган. Бўйи бир қарич бўлсаям тили буррогина. Рашид ака унга гап ўргатади – гапга солади. Рашид ака ундан сўрайди.

- Уйингдагилар неча киши?

- Ўн учта.

- Ҳа, неча ўғил, неча қиз?

- Ўн икки ўғил, бир қиз!

- Эйи, қиз ким?

- Аям.

- Аям?

- Ҳа!

– Вай ўламан, ўн бир бола тугсаям қизмиш!
Ҳа-ха...

Рашид ака қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборади, кейин дўппичасини кўтариб пул қистиради-да, қарсақ чалиб «Рам-рам жуфт»га ўйнатади. Рашидвой пул қистирилгач, муқом қилиб шунақа ўйнайдики... Ҳамма қотиб-қотиб кулади...

Нонуштадан сўнг бешликларнинг лойқасини тозалашга тушдик.

* * *

Саратон шаштидан тушиб асад кирди. Каромат заякка серқатнов бўлиб қолди, чунки...

Дадам чуқур чопиб, ажриқ томирларини битта қолдирмай териб, куйган нури ташлаб жўяк, полчалар тортган заякка аям ҳаммадан аввал рўзғор учун

зарур экинларни экади, албатта бир жўяк хандалак экишни ҳам унутмайди. Каромат биринчи тугиб, биринчи тўрлаётган хандалакнинг устига янтоқ ташлаб қўяди, беқасам тўнли хандалак сап-сарик бўлиб пишиб кўзимга яхши кўринса-да уни узмайман, ҳаммамиз хандалакни биринчи бўлиб Каромат узишини истаймиз. Хандалак дум бериши билан Каромат уни олиб чиқади-да, тўйиб-тўйиб хидлаб ҳаммага кўз-кўз қилиб юради, ниҳоят кечкурун бўлгандан сўнггина овқатдан кейин дадамга беради, дадам хандалакни сўйиб ҳаммамизга бир тиликдан улашади...

Уйғонсам Мусулмонқул ака ўрнида йўқ, тўшаклари йиғиб қўйилган. Тушунарли, полизига кетган. Беш гектарликка таралган сувни кўздан кечирдим, бешликлардан сув бир текис оқяпти, кўнглим хотиржам бўлиб Мусулмонқул аканинг чайласига қараб юрдим. Рашид ака ҳам, Мусулмонқул ака ҳам полизига таёққа тешик кўзачани илиб кўзачага одам юзини чизиб, эски чопон, эски телпак кийдириб худди одамга ўхшатиб қўриқчи ясайди, узоқдан уни одам деб ўйлаш мумкин, бир гал Рашид ака қўриқчи ўрнида ўзи қўриқчи кийимини кийиб туриб ўғриликка кирган Беркинни қўлга тушириб роса адабини берган. Мусулмонқул ака полизига эртароқ пишадиган асади, амири, таррак, жиззах гурвойи, Рашид ака эса бўрикалла, абдуллахон, оқуруғ экади.

Қуёш бир қулочча кўтарилган. Полиздан ажиб бир ёқимли хид таралади. Қовун ёрилганга ўхшайди. Мусулмонқул ака билан Рашид ака полизнинг бир четига иккиси учун бир чайла қуришган. Ўқарик ёқалаб борсам иккиси чайланинг соясига кўрпача тўшаб ўртага йўл-йўл тик дастурхон ёзиб ўтиришибди. Дастурхонда иккита патир нон, бир четида пичоқ, сигирнинг калласидек келади-ган таррак қовун. (Ўтган куни гармсел эсиб ҳаво жуда дим бўлди, сув тараганимизга уч кун бўлиб бешликлар сувга тўйиниб, сув уриб кетиш хавфи

йўқолгани учун полиздаги чайла ёнига ўтиб ётдик, бу жой очикрок бўлгани учун дим бўлмаса керак деб ўйлагандик, аммо бу ер ҳам дим экан, ҳаво нафасимни бўғади, бетоқат бўламан, Мусулмонқул ака эса негадир ўзича хурсанд.

– Айланайин асадим, кани димла, димлайвер! – дейди. – Қуддус, нега палов ширин бўлади? Гуруч димланиб нишгани учун! Ҳаво қанча димикса, қовун шунча ширин бўлиб пишади.

Гап бу ёқда экан-да, деб ўйладим. Ҳаво димикқандан димикди. Яхши ухлай олмадим. Мусулмонқул ака ҳам ҳали у ёнига, ҳали бу ёнига ағанайди. Тонготарга яқин бироз салқин тушгандек бўлди. Бир маҳал Мусулмонқул ака ирғиб турди. Шу яқиндан пакиллаган овоз эшитилганди. Мусулмонқул ака обдастадаги сувга тезгина юзини чайди-да, шитоб полизга кириб кетди. Мен ҳам унга эргашдим. У қамишлар ўсиб чиқа бошлаган пуштада тўхтади. Палаклардаги катта-кичик қовунлар орасида қорнидан тарс ёрилиб уруғлари отилиб чикқан таррак қовун яққол кўзга ташланади. Мен унинг уруғларини сидириб ташлаб узиб олдим, Мусулмонқул ака яна битта ёрилган тарракни кўтариб чикди. Сўйиб едик, тилими тилни ёрадигандек ширин эди.) Оғзимнинг суви қочди.

– Қовун есанг саҳар егин, деб бекор айтишмаган, – деб Рашид ака тарракка пичоқ тортган ҳам эдики, қовун тарсиллаб ёрилиб кетди.

– Оҳо, роса шакарга тўлибди-да, – деди у бир тиликни туя-туя қилиб қарчаб менга узатаркан.

Бу таррак ўтган кунгидан ҳам ширин эди.

Қовуннинг ярмисини еб бўлган эдикки, от-аравани ҳайдаб Мўмин амаки келиб қолди. Узиб, жўякларга ташлаб қўйилган қовунларни қопчикларга солиб, аравага юклаб бердик. Мўмин амаки билан Мусулмонқул ака бозорга олиб кетишди.

Асаднинг иккинчи ярмида қишлоғимизга шундай ажиб файз кирадики...

Вайишларда хусайни узумлар тиллодек товланади, дастурхонларни ширин-шакар қовун-тарвузлар безайди. Пахталар қийғос очилгунча тўйлар қизийди: наҳорда эл оши, кечкурунлари қиз мажлиси, никоҳ базмлари...

Бизнинг уйда ҳам тўй тараддуди бошланган. Кўкламдаёқ Эркин опани акамга унаштириб қўйган эдик. Ўрол акамнинг Фарғонадан келишини кутаётган эдик. Ниҳоят у келди. У қорайган, анча тўлишган.

— Иш ёқибди-да, зоотехникка! — деб кулди дадам у билан кучоқлашиб қўришаркан.

Эртаси куниёқ Абдурауф элликбоши кудабобомизникига бориб тўй бичиб келди, мен эшак-аравага семиз қўчқор, тўй масаллиқлари ортиб Эркин опаникига олиб бориб, белбоғ боғлаб қайтдим. Жума куни қиз мажлиси, шанба куни эса никоҳ базми, Саодат опам бош бўлиб Зухра, Умри опам, Каромат, қўшни қизлар қиз мажлисига йўл олишди, мен ҳам ўртоқларим билан бормоқчи эдим, аммо ўша куни кечкурун «Ҳаво тревогаси» эълон қилиниб, ҳамма чироғини ўчириб ўтириши, йилт этган ёруғлик кўринмаслиги шарт эканлигидан огоҳлантиришди. Бечора қизлар Эркин опамнинг уйига камалиб олиб, деразаларга қора пардалар тутиб, керосин чироқ ёқиб ўйинкулги қилишди. Ярим тунда худди киноларда уруш пайти эшиттириладиган тревоганинг ёқимсиз овози янгради. Аям бечора супада ухламай ўтирганди, хавотир олиб:

— Ишқилиб тинчлик бўлсин-да! — деди.

Хайриятки, эртаси куни тревога давом этмади. Ховлимизга стол-стуллар қўйиб дастурхон хозирланди. Ниҳоят бир гуруҳ киз-жувонлар қуршовида бошига ҳарир рўмол ташлаб олган келин келди,

кўчага гулхан ёқилди. Йўл-йўл беқасам тўн кийган Ўрол акам келинга бир даста гул узатиб қўлтиқлаб олди-да, гулхан атрофидан айлантириб даврага бошлади. Никоҳ базмида келин, қуда томондан келган қиз-жувонлару бизнинг томоннинг аёллари биринчи бор бир даврада ўтиришаётгани учун дастлаб давра қизимай турди, аммо Мамажон ака ўртага тушиши билан ҳамма қийқириб юбордию базм қизиб кетди...

Келин дугоналари, янгасию қариндошлари қуршовада катта уйга кирди.

– Ҳозир «Ололмайсиз» бошланади! – деди Каромат қувониб опаларим билан ичкарига кираркан.

Ўғил болаларга ичкарига кириш мумкин бўлмани учун Кўлдош, Достон билан тавақалари очик дераза олдини эгаллаб олдик, бу жойдан ичкари яхши кўринар эди, мен «Ололмайсиз» ҳақида кўп эшитган бўлсам-да кўрмаганман.

Ана келин уй тўридаги бурчакка ўтириб олиши билан унинг атрофини дугоналари, янгалари ўраб олишди, пойгак томонда эса опаларим, қўшни жувонлар, қизлар енг шимариб шай бўлиб туришибди. Эргаш доирачи ичкарига кириб бир четда турганча чала бошлаши билан келин томон бўлиб келган Нозик опа даврага чиқдию ўйнаб куйлай бошлади:

– *Келин келди,
Гулдек кулиб.
Сепи билан
Бир уй тўлиб.
Ололмайсиз, ҳо-ҳо,
Ололмайсиз, ҳо-ҳо!*

Биз томондан Саодат опам ўртага чиқиб, чиройли ўйнаганча жавоб берди:

– Келин келса,
Гулдек кулиб.
Сети билан
Бир уй тўлиб
Ололамиз, ҳо-ҳо,
Ололамиз, ҳо-ҳо!

У байтини қайтариб, ўйнаб бордию бирдан ўзини қарчиғайдек келин томонга урди, унинг орқасидан биз томоннинг қиз-жувонлари чуввос солганча хужумга отилишди, аммо Нозик опа бошлиқ химоячилар уларни итариб, суриб, келинга яқинлаштиришмади, биз томонлар келиннинг бошини қаший олмай бўшашиб орқага чекинишди. Бундан севинган Нозик опа яна даврага чиқиб қолибона қуйлаб:

– Ололмайсиз, ҳо-ҳо,
Ололмайсиз, ҳо-ҳо! –

деганча чарх уриб ўйнади. Биз томонликлар ярим соатча уринишса-да келиннинг бошини қаший олишмади. Бир пайт Зухра опам даврага чиқди:

Осмондаги лочинни,
Ўзим тутиб оламан.
Эркинойнинг бошини
Ўзим қашиб оламан!

Ололамиз, ҳо-ҳолаб келин томондагиларга ўзини чапга ураётгандек кўрсатиб, сўнг бирдан тўхтаб ўзини ўнг тарафга урди, бизникилар ҳайқириб юборишди. Зухра опам келинни бошини қашибдию рўмолини ҳам юлиб олибди. У севинганидан рўмолни қўлида силкитганча даврада чарх урарди. Келин томон таслим бўлди, ўртага пойандоз тўшаб акамни чорлашди. Акам секин юриб кирдию келин пойандозга оёқ қўйиши билан илдам интилиб келиннинг оёғини бошиб олди. Яна бизникилар қичқириб юборишди, оёқ

босиш ўйинида акам ютган эди. Кейин у келинни қўлтиқлаб чимилдикка қараб юрди...

Келинчакнинг чакқон юриб хизмат қилиши ўйинизга ажиб бир файз киритганди, аммо бу ҳол узокка чўзилмади, акам чилласи чиқмасданок келин оиймини Фарғонага олиб кетди. Яна уйда тўртовлон қолдик.

...Кечқурун китоб-дафтарларимни ҳозирлаш учун кичик уйга кирган эдим ҳамки, Каромат эшикни қия очганча калласини суқиб:

– Ака, дадам чақиянти, – деди.

– Қаерда? – дедим бирор иш буюрсалар керак дея малоллик ҳолатида.

– Катта уйда, – деди Каромат эшикни ёпиб.

Кирсам дадам бурчакда лавҳ орасидаги китобни варақлаб ўтирибди.

– Кел Қуддус, қани бу ёкка ўтир-чи! – деди ўйчан бир ҳолда.

Мен шундай қаршисига чўккаладим.

Дадамнинг хафалигини ҳам, хурсандлигини ҳам билиб бўлмасди, у ўйнинг бир бурчагига боққанча деди:

– Қалай, ҳали ҳам ўзингга ўзинг «беш» қўйиб юрибсанми?

«Ўша воқеа ҳамон эсидан чиқмабди-да», – деб ўйладим, болалигимда қизил қалам билан ўзимга ўзим «беш» қўйганимни эслаб.

– Хўш, ҳозир қайси фанни ўқияпсан?

– Кимёни.

– Кимёни... хмм... қани менга минерал ўғитлар ҳақида гапириб бер-чи?

– Минерал ўғитлар... Минерал ўғитлар кимёвий йўл билан олинадиган ўғитлар...

Негадир бундан икки кун илгари ўқиган бу мавзуни ёдимдан чиқариб қўйган эдим.

«Бир қараб олсам ҳаммаси ёдимга тушади», – деб ўйлаб, Кароматнинг қўлидаги «Кимё»га назар ташлагандим, буни сезган дадам бир менга, бир китобга киё бокди, юзи қизарди, сездим, хафа бўлди; у чуқур нафас олганча деди:

– Сенга ўхшаган бир толиб ўн йил мадраса тупроғини ялаб, юртига қайтаётган экан, саҳрода карвонни қароқчи талабди; толиб қароқчибошига тавалло қилибди: «Амаки, менинг халтамда олтинкумуш тугул бир танга ҳам йўқ, унда ўн йиллик билимларим – китобларим, дафтарларим бор, мени билимимдан айирмангиз, халтамни қайтариб берингиз, ўтинаман». Сардор унга қараб қах-қах уриб кулибди: «Ай махсум, дуч келган одам бир уриб тортиб оладиган илмни илмим деб юрибсанму? Ай бечора! Халтасини қайтаринглар!»

Толиб халтасини олибдию мулзам бўлиб туриб қолибди. У шу заҳотиёқ ортига қайтибди. Мадрасага бориб бор илмларни миясига жойлаб олмагунча харгиз ул даргоҳни тарк этмабди.

Қароқчи ҳам куладиган бир тахлитдаги илмдан на фойда?

Сени билимларинг ҳам чала, чала, чала...

Дадам узоқ ўйланиб қолди, сўнг эса чуқур ух тортиб титроқ бир овозда деди:

– Ўғлим, мен сен учун Аллоҳ ҳузурида кўп улўғ жазога мустаҳиқман. Шу сабабки, гоҳида ман ғофил ўзимнинг маишатимни кўзлаб, гоҳида рўзғор юмуши деб, гоҳида эл-юрт хизматида бўлиш илинжида юриб, баъзан ишёқмас, дангаса бўлиб, кўпинча ҳали улгурурман дея пайсалга солиб, жонимнинг роҳатига тўшак тўшаб сенинг тарбиянгга кўп кунт қилолмадим. Ўзидан заиф зурриёт қолдиргани учун Аллоҳдан қўрқиб энг улўғ мажбуриятлигини била туриб шундай пушаймонлик йўлини тутдим. Бари айб менда!

Аммо ўғлим мен сенга ишондим. Сен менинг ўғлим бўлсанг, яхши одам бўлишинг керак. Тўғри, мен сенга яхши амаллар бердим, эскича ёзувни ҳам ўргатдим, Қуръондан хабардор қилдим. Энди фозиллик ўз қўлингдадур. Мен сенга қори бўл ёхуд мулло бўл, шариат аҳкомини тут деб зуғум қилмайман.

Ўғлим, кўнглимда бир фарахбахш умид нури борки, мен ғофил отангни пушаймонлик азобидан ўзинг қутқарурсан. Илм йўлида шундай жиход қилурсанки, қалбим сарвари demuшларки, бир соат илм олмоқ пайида риёзат чекиш – туни билан ухламай тоат-ибодат қилгандин афзалдир.

Аллоҳимдан сўрайманки, бор умидворлигим Ўзингдан, дўст-душман наздида менинг юзимни шувут қилмассан. Сендан ўтинчим шул! Омин!

Дадам фотиҳа ўқиди.

– Ўғлим, сенинг томирингда улуғ аجدодларимизнинг қони оқади. Руҳингга эса уларнинг руҳи бирлашади. Руҳ кўзга кўринмас, шаклсиз, ҳажмсиз, рангсиз, таъмсиз шундай бир кучки... Бир инсон руҳининг яхшилик кучи иккинчи, учинчи, чексиз одамнинг шундай руҳи билан қўшилиб, қўшилиб, қўшилиб, кучайиб, кучайиб, кучайиб бораверади. Агар сен ҳалол йўл билан ўз руҳинг кучига куч қўшаверсанг, сендан, мендан аввал ўтган боболаримизнинг руҳлари билан бирлашади. ШУНДА СЕН БУЮК ҚУДРАТГА ЭГА БЎЛАСАН! Ўғлим, ўқисанг, юрак билан ўқи! Энди бор!

Дадам анча маҳал ўйга толиб шундай гапларни айтди...

«Нега дадам бундай хафакон?» – деб ўйладим дарсхопамга кириб китобларимни тоқчага терарканман. – Негача у пушаймон? «Пушаймонлик азобидан ўзинг қутқарурсан», деди. Дадам менга ишонма-

яптимиз? Йўқ, негадир ўзидан хафа бўляпти. У ишлар билан овора бўлиб менга кам эътибор бераётганини сезардим; баъзан менга бу ишни қилиб қўй деб топшириқ беради, мен эса ё ўйинга, ё китоб ўқишга қизиқиб дадамнинг топшириғини бажара олмасдим, сўнг эса «Оббо дадамдан роса гап эшитадиган бўлдим!» — дея азият чекардим. Аммо дадам ўша кунини ё уйга келмас эди, ёки топшириқ берганини ҳам эсидан чиқариб индамасди. Эртаси кунини эса дадам буюрган ишни чала-чулпа бўлса ҳам бажарардим. Дадам шуларни эслайпти, чоғи!

Мен изза бўлдим. «Қароқчи ҳам куладиган билим!» Йўқ, мен ҳаммасини қайтадан бошлайман. «Илм йўлида шундай жиход қилурсанки...» Илм олиш учун ҳам жиход қилиш керак экан-да! Мен шундай жиход қилайки... Кейин менинг рух кучим боболаримнинг рух кучи билан бирлашади!

Ўринга ётганимда ҳам узок ўйланиб уйқум қочиб кетди: кўрқоқлигимни енгиш учун кечалари кезганларим, қон-қоронғи тунда, хатто, қабристонга кириб борганим, футболга, волейболга қўшишмай қўйишганда тинмай шуғулланиб дурустгина ўйнайдиган бўлганим, турникда машқ бажаришни ўрганганларим, равон гапиришга иштирокчиларим кўз олдимдан ўтди ва англадимки,

**ҲАР ҚАНДАЙ МУШКУЛ ҲУНАРНИ ФАҚАТ
МАШҚ, МАШҚ, МАШҚ БИЛАН ЭГАЛЛАШ,
ҲАР ҚАНДАЙ ОФИР ВАЗИФАНИ ҲАМ ИНТИЛИШ,
ИНТИЛИШ, ИНТИЛИШ БИЛАНГИНА УДДА-
ЛАШ МУМКИН!**

Машқ қиламан, интиламан, ниятимга етмай қўймайман!..

... Мактаб ҳовлисида ўқувчилар тўда-тўда бўлиб туришибди, кийимлари янги, ҳамма шодон бир

қиёфада. Офтоб Ширин, Бахри, Саломатлар билан футбол майдонининг бир бурчида – дарвоза ёнида гурунглашмоқда. Офтоб бугун мендан илгари келибди, Ширин билан бирга келган бўлса керак. У оппоқ шоҳи кўйлак кийган, гул-гул очилган. Достонга:

– Юр, қизлар билан кўришайлик, – дедим.

Достон қизлар томонга назар ташлаб:

– Соғиниб қолибсан-да, оҳой, Офтоб роса очилиб кетибдими?! – деди.

Қизлар билан қўл олиб кўришдик.

– Вай, Куддус, дикторга ўхшаб қолибсанми? – деди Бахри қўлимни қўйиб юбормай.

... Эрталаб янги оқ кўйлагимни кийиб Ўрол акам Москвадан олиб келган, ўзи ҳафсала билан туғиб берган холча-холчали галстукни тақиб, кўзгуга қарай-қарай сочимни орқага тараб олган эдим.

... Менга тикилиб турган Офтоб негадир қизариб кетди.

– Кечкурун телевизорда кўраверасан! – деди Достон.

Кулишди, Офтоб яна бир бор менга қараб қўйди. Алхол Муроджон ака бизни сафга чорлади.

Шу куниёқ илм жиходига жиддий киришдим; акам ўргатганидек еттинчи синф дарсликларини топдим; ҳар бир мавзунини такрорлаб ўзимга ўзим гапириб бериб, сўнг қисқагина тарзда дафтарга қайд қилдим, бу ёзувларга назар ташлашим билан мавзу тез ёдимга келади; кўплари ёдимдан чиқиб кетган экан, такрорлаганим сари аниқ-тиниқ ёдимда қола бошлади.

Бир куни «Кимё» қандай ёдимда қолаётганини синаш учун Офтобдан китобга қараб туришни, савол беришни илтимос қилдим (кутубхонада эдик). У жон деб рози бўлди. Ахир ўзи ҳам «Кимё»дан дарс тайёрлаши керак-ку!

– Сиз гапириб берсангиз яхши тушуняпман, – деди севиниб.

Шу бўйи кечаси билан китоб ўқиб тайёрланаману эртаси куни дарсдан кейин Офтобга гапириб бераман. Кейин «Физика», «Биология», «Математика»га ўтдик; ўзимни худди ўқитувчидек тутиб Офтобга тушунтираман, баъзан бўш синфга кириб тахтага Муроджон акага ўхшатиб тақиллатиб ёзганча тушунтираман, Офтоб саволлар беради, баъзан мен билан тортишиб қолади. Бу жуда қизиқарли. Фанларни такрор-такрор ўқиб билганим сари ўзимда бир ишонч – куч пайдо бўлади. Эҳтимол менинг рух кучимга боболаримнинг рух кучи қўшилаётгандир! Юрагим кучга тўлаётганига ишонаман. Кечқурунлари уйқум келгунча ўқийман, сўнг худди ўқувчиларга дарс бериб тушунтираётгандек такрорлайман, шунда яхши эсимда қолишини билиб олдим.

Ҳар куни дарсдан кейин Офтоб билан мактабда қолиб бирга шуғулланамиз, сўнг суҳбатлашиб бирга қайтамиз. Иккимиз ҳам шунга ўрганиб қолдик, мактабдаги фаррошлар ҳам, қоровул ҳам «Дарс тайёрлашяпти», дейишадию биз билан ишлари бўлмайди.

7

Қосим аканинг ўрнига адабиёт дарси ўтаётган Махмуд ака Шерназар тўлқинланиб ҳазрат Навоийнинг муҳаббати ҳақида сўзлашяпти, у ҳазрат Навоийни жуда яхши кўради.

– Низомиддин Амир Алишер Навоий бўз болалигида ўзи ўқийдиган мактабдаги отинбибидан сабоқ оладиган соҳибжамол бир қизни севиб қолади. Алишер шу суюкли билан ҳар куни мактабга бирга бориб, бирга қайтарди (муаллим менга қиё бокқандек бўлди, у бир гал Офтоб билан бирга қайтаётганимизни кўриб

қолганди, биз ўзаро суҳбатга шу қадар берилиб кетибмизки, уни шундай рўпарамизга келгандагина сездик, хижолат бўлиб шошиб салом бердик, алҳол у бизни ҳам назарда тутиб айтаяптимикан деган хаёлга бордим).

У севганини одобли ой деб атайтиди:

*Қачон мактабда ул моҳи муадаб,
Борур, ўздин борурлар аҳли мактаб.*

Унинг севгилиси шунчалар гўзал бўлганки, бутун мактаб аҳли ҳам уни севиб қолган. Алишер ул соҳибжамол қизни авайлайди, ҳар куни уйига кузатиб қўяди, дарсда ушланиб қолса ҳам кутиб туради, жуда узоқ ушланса хат киритади:

*Муаллим қуллугига хат берурман,
Ғар озод ўлса ул сарви шакарлаб.
Навоий ашқидан то шом анжум,
Тўлар – чиққайму деб ул саъди кавкаб!*

Ул сарви шакарлабни кутиб Навоийнинг кўз ёшлари шомдаги юлдузлар каби сочиладики, у қутлуғ юлдуз чиққайму деб...

Одобли ойим синфида китоб варақлаганча мени кутади, дарсдан эрта чиқсам мен кутаман, кейин иштиёқ билан бирга дарс тайёрлаймиз, сўнг секин-секин юриб йўл бўйи гаплашиб уйга қайтамиз. Бу ҳол менга қандайдир мадад, куч беради; уйга боргач ишларни чаккон-чаққон бажараман-да дарс тайёрлашга ўтираман. Агар бирор кун Офтоб билан ана шундай бирга қайтмасам юрагим сиқилади, қўлим ҳеч ишга бормаи қолади...

Китоб-дафтарларимни йиғиштириб портфелга солдим-да, атайлаб орқада қолиб синфдан секин чиқдим, Офтоб албатта мени кутади деган ўйда кўнглим тўқ эди, аммо...

Офтобнинг синфи эшиги ланг очик, ичкарида ҳеч ким йўқ! Мактаб ҳовлисида ҳам, кўчада ҳам йўқ! Юрагим ғалати эзғиланди: «Наҳот кутмай кетиб қолган бўлса?! Балки муюлишда...»

Бир зумда муюлишга етдим, аммо у йўқ, уйимизга олиб борадиган тўғри кўчада ҳам ҳеч ким кўринмайди. Оёғимга тош боғлангандек бир ҳолда уйга қараб жўнадим – Офтоб уйига бурилиб кетадиган жойга етдим; уйи томон кўз ташлагандим, қай кўз билан кўрайки, шундай уйи яқинидаги марварид тут тагида бир йигит билан гаплашиб турибди! Қотиб қолдим! Дунём бирдан қоронғу бўлиб кетди. У мени кўриб қолди чоғи тезгина уйига кириб кетди, йигит ҳам ғойиб бўлди!

Кўзларимга ишонмасдим. У ким? Эсанкираганимдан уни аниқ кўролмадим, аммо қомати Беркинга ўхшайди?! Офтоб менга нималар деганди! Наҳот энди...

Гарангсиб нима қилишимни билмай қолдим, муюлишда анча турдим. Хозирок Офтобни чақириб «Нима гап?» деб сўрасамми? Аммо ҳеч қачон уларникига бормаганман! Кейин эса у билан келишиб олганмиз. Ҳеч ким сезмаслиги керак, гап-сўзга қолмаслигимиз зарур. Шунинг учун фақат мактабга бирга бораётганда, қайтаётганда гаплашамиз. Фақат менга сал узоқроқ бўлади, чунки бир кўчани айланиб ўтаман! Бир нарсани баҳона қилиб уйига борсамми? Йўқ...

Даҳлизга кирдим портфелимни токчага отиб аямнинг «Чой ичмайсанми?» деганига ҳам қарамай велосипедимни миниб кўчага чиқдим; гизиллатиб Офтобнинг уйи олдидан бир неча марта у ёққа-бу ёққа ўтдим, Офтоб чиқиб қолса гаплашиб оламан, деб ўйладим; энди Офтобларнинг дарвозаси олдига келганда велосипедимни етаклаб олиб секин ўтдим, у мени кўрса дарҳол чиқар деб умид қилдим, дар-

возаси берк, фақат уйларининг ўртасидаги бир хона деразасининг бир табақаси очиқ... Яна орқага қайтдим, яна... Бир гал деразанинг очиқ табақасидан хонанинг қоронғи бурчагида Офтобни кўргандек бўлдим, тўхтадим, аммо шарпа йўқолди, кўзимга шундай кўринган бўлса керак.

Осмонни кулранг булут қоплаганди. Шивалаб ёмғир ёға бошлади, сочим, кўйлагим ивиганча яна бир неча бор ўтдим, марварид тут тагига бориб кутдим, мени кўриб бирор нарсани баҳона қилиб чиқар деб кутдим, аммо у чиқмади...

Қоронғи туша бошлагач, ноилож уйга қайтдим. Кечаси ҳам уйқум келмади, ҳадеб марварид тут тагида Беркин билан гаплашиб турган Офтоб кўзимга кўринаверди, юрагим сиркиради...

Эртаси куни барвақт отланиб муюлишда бетокатланиб кутдим, ана Офтобнинг кўшниларининг болалари бирин-сирин чиқишди, аммо Офтоб кўринмасди, бунча кеч чиқмаса? Ё эрта кетиб қолдимикан? Ниҳоят у кўринди! Марварид тут олдига келганда мени кўрди, кўрдию бир зум тўхтаб, сўнг қовоғини солганча шох ташлаб юра бошлади; совуққина саломлашди, қўлини тез тортиб олиб жадал юрди.

– Офтоб, тинчликми? – деб билагидан ушлаб секин юришга ундамоқчи эдим, у:

– Ушлананг, – деб қўлини тортиб олди.

– Нима бўлди?

– Бўлари бўлди-да!

– Кеча нега мени кутмадинг?

– ...

– Беркин билан гаплашиб турувдингми?

– Нима қилибди гаплашсам? У қариндошимиз.

Сизга ўхшаб Зумрад опа билан бир тўшакда ётганим йўқ-ку!

– Нима? Қариндошимиз? Зумрад опа билан бир тўшакда ётибман?!

(Э-ҳа, гап бу ёкда экан-да! Бу «хушхабар»ни ким етказдийкин унга? Беркин қачондан бери Офтобнинг қариндоши бўлиб қолди?)

– Ким айтди сенга? Беркинми?

– Буни ҳамма биларкан-ку! Ўшанда Сайид ака келиб қолибди, бари жанжал шундан бошланибди-ю!

– Ё тавба, бу қанақа тухмат? Тўғри, Зумрад опа бир кеча қолган эди...

– Ана, тўғри экан-у!

– Тўғри, аммо мен билан бир тўшакда ётмаган.

– Аям тўғри айтган экан «Чиройли йигитга ишонма, ошиғи кўп бўлади», деб.

– Офтоб, мени ноҳақ айблаяпсан!

– Қўйинг, Қуддус ака, ўзи бўларим бўлди...

– Бу тухмат гапни анави Беркин хотинчалиш айтиб сени айнитмоқчи бўлган.

– У айтгани йўқ.

– У айтган! Шунинг учун кеча мени кутмай у билан кетгансан!

– Йўқ, илгари эшитгандим, – деди секин юриб.

– Нега бўлмаса шу гап ростми деб илгари сўрамадинг?

– Эсимдан чиқибди...

– Ёлғон!

– Ундан фақат шу гап ростми деб сўрадим.

– Рост дедими?

– Билмасам, ҳамма гапириб юрибди-ку, деди.

– Ким гапираётган экан?

– Ҳамма! Ҳамма! – Офтоб бирдан йиғлаб юборди, терс бурилиб бир чопқиллаб, сўнг жадал юрганча мактабга жўнади, мен жойимда қаққайиб қолдим...

Синфга киришим билан Достон авзойимга қараб хайрон бўлди. Мен бор гапни айтиб бердим.

– Ҳа, ўша айтгани билиниб турибди-ю, – деди Достон ўйланиб. – Биласанми, ўзи мен сенга айтмоқчи бўлиб юрувдим. Беркиннинг Офтобларнинг уйи олдида ўралашиб юрганини бир неча бор кўрдим.

– Офтоб илгари айтмаганди, қанақа қариндоши бўларкин-а?

– Офтоб унинг тоғасининг қайнисининг бўласининг кизи экан, уйларига бемалол кириб чиқаркан. Калимага қўли етмагач, Офтобни кўзлаб юрибди-ёв!

– У билан тез гаплашиб олишим керак.

– Бўпти, бугун топамиз.

Достон билан шундай келишиб олганимиздан кейин икки соат ўқиб катта танаффусга чиққан эдик, деразадан ташқарига – мактаб ховлисига қараб Беркинни кўриб қолдим:

– Достон югур! – дея ташқарига отилдим.

Мени кўриши билан Беркиннинг ранги бўзариб кетди, аммо ўзини ҳеч нарса билмаганга олиб қўл узатди. Қўлини уриб юбордим, дераза олдида бизга қараб турган Офтобни кўриб яна ғазабим қайнаб кетди.

– Эй хотинчалиш! Сен Офтобга нима дединг?

– Нима дебман?

– Ўзини гўлликка солганини қара, – деди Достон уни туртиб.

– Эй ҳез, ўзингни тентакликка солма, юр Ўрдага, ўша ёқда гаплашамиз.

(Мактабимиз яқинидаги ўша босқин пайтида вайрон бўлган Тупрокқўрғон қалъасининг қоқ ўртасида Ўрда ўрнида тепаликлар пайдо бўлган. У ер хилват. Баъзан эркакчасига гаплашмоқчи бўлган ёшлар шу ёққа чиқишади.) Унинг қўлидан маҳкам ушладим, жаҳлни босиш ҳақидаги ақидамни ҳам унутдим, Офтобнинг деразани очиб:

– Қуддус ака, менга қаранг! – деган овози эшитилди. Аммо унга эътибор бермадим.

- Юр, Ўрдага чиқамиз! – дедим қаҳр билан.
- Сени ўртоқларинг кўп, – деди у.
- Сен билан бир ўзим уришаман!
- Биз қўшилмаймиз, – деди Достон.

У ноилож қолди. Ҳозир мен Беркин билан тўй-гунча муштлашмасам хумордан чиқмасдим, тезроқ Ўрдага етишни хоҳлардим, у эса кимдир келиб қолиб ажратиб қўйишини истагандек секин қадамларди:

– Офтобни ўзи сўраб қолди: «Зумрад опа билан яхшимиди?» деб, мен бир оғиз, «Мусулмон ака бир кеча ўша ерда ётиб қолишган экан, девди», дедим холос.

– Мен сени хали Мусулмон аканинг олдига ҳам олиб бораман.

– Юр, ҳозир борамиз.

– Йўқ, кўрқаяпсанми?

Ўрдага яқинлашиб қолган эдик, мактаб кўринмай қолиши билан қулочкашлаб Беркиннинг чаккасига бир туширдим, у гандираклаб ўтириб қолди, бошидан дўпписи учиб кетди. Бор кучим билан устига ўзимни отдим, у тагимда ётиб, маҳкам ёкамдан бўғиб олди, ёнга ағдаришга ҳаракат қилаётганда бурни шундай пешонам олдига келиб қолдию мен бошимни илкис кўтариб бир калла урдим, унинг бурни қонаб кетди, аммо шу пайт қулоқ-чаккамга кимдир бир тарсаки туширди, кучли бир қўл ёкамдан ушлаб юқорига кўтара бошлади.

– Муаллим, муаллим! – деган товушлар қулоғимга элас-элас эшитилди, мен Беркиннинг ёқасини қўйиб юбориб ўрнимдан турдим. Беркиннинг бурнидан қон оқаётганди, шу пайт у чотим орасига бир тепиб қолди. Оғриқдан хиёл энгашиб атрофдаги болаларни кўриб ханг-манг бўлиб қолдим, орқамиздан шунча бола эргашиб келганини билмаган эканман, мени ушлаб турган Нодир муаллим эди, у мени қўйиб юбориб, Беркинни бир тепди:

– Бас қил, ҳайвон! Сен аҳмоқдан битирганингдан кейин ҳам қутулмайми? Рўмолчангни ол! Сен мақталган аҳмоққа нима бўлди? Отангни молини талашяпсанми? Хе ўлей, одам бўлмай! Энди сенлар учун милицияга бориб жавоб беришим қолувди! Юр қани, олдимга туш!

Директор иккимизнинг ҳам билагимиздан ушлаб силкиб-силкиб мактаб томонга етаклади. Мен бошимни эгиб индамай юрдим. Беркин рўмолчасини бурнига босиб келарди. Оппоқ қўйлагимнинг ёқаси, ён чўнтагим атрофига қон тегибди.

Атрофимизда болалар шовқинлашишади:

– Қуддус акам бир калла уриб бурнини қонатиб юборди-я!

– Беркин ака ҳам тепди-ю.

Мен ер чизиб Достонни изладим, у орқамдан келаётган экан, парво қилма дегандек қўл силтаб қўйди.

Менга ҳам ҳозир барибир эди, ишқилиб озгина бўлса ҳам Беркиннинг адабини бердим-у! Иккинчи бунақа хотинларга ўхшаб ёлғон гап ташиб юрмайди!

Энди директор ҳар қанча уришса ҳам майли! Аммо мактаб ҳовлисига кириб боришим билан ўқитувчилар, ўғил-қиз ўқувчилар турганини кўриб, уялиб кетдим. Қизлар орасида Офтобга ҳам кўзим тушди, бошимни эгиб олдим. Муаллим ўзининг кабинетига олиб кириб, уришиб-уришиб, сўнг жавоб бериб юборади, деб ўйлагандим, аммо Нодир муаллим бизни тўғри жами ўқитувчилар йиғилиб ўтирган хонага бошлаб кирди, Муроджон ака қошини чимириб қарадио дивандан туриб кетди, сўнг Беркинга боқди. Мен худди ана шундай сазойи қилишини кутмагандим. Гурунглашиб ўтирган Ольга Филиповна, Ботир Йўлчибой, Эмин Маҳкам, Зуфар муаллим бизни бу аҳволда кўришиб бирдан жим бўлиб қолишди. Директор мени суриб ўртага чиқарди:

– Мақтаган ўқувчиларингнинг аҳволини кўринглар!

– Нима гап ўзи? – деди Муроджон ака.

– Нима гап бўларди, мана сизлар осмони фалакка кўтариб юрган ўқувчиларинг отасидан қолган молними ёки қизними талашиб, Беркин билан муштлашгани Ўрдага чикибди.

– Йўғ-ей, – деб юборишди ўқитувчилар.

– Оҳо, Пушкин билан Дантесга ўхшаб дуэлга чиқишибди-да! – деди Ольга Филиповна кулиб.

Беркин менга негадир хавотир аралаш қараб қўйди, Нодир муаллим: «Хўш, нега уришгани бордиларинг?» – дейиши билан шошилиб: «Тўп ўйнаётгандик, онамдан сўкиндинг, деб менга ёпишиб кетди».

– Шунга сен бу ёққа юр, деб Ўрдага судрадингми?

– Йўқ, у Ўрдага чиқамиз деди.

– Онангни деганингга орият қилган-да Куддус! Бу сенларга ўхшаб ҳар икки гапнинг бирида онангни, деб сўкинмайди, – деди Ботир ака.

– Сен мактабда нима қилиб юрибсан, ўзи, – деди Эмин ака Беркинга.

– Ўзим...

– Илгари жонга текканинг етмасмиди, – деди Ольга Филиповна.

– Бурним қонамасин десанг, энди мактабга келма, – деди Эмин Маҳкам.

Мен Беркиннинг шумлигига қойил қолдим. У ҳозир ўртага Офтобни қўшса, Зумрад опа ҳақидаги гапларни айтса роса мағзаваси чикса керак, деб ўйловдим, Беркин эса гапни бутунлай бошқа томонга буриб юборди. Мана уни уришиб-уришиб, ҳадеб мактабда хира пашша бўлаверма, деб чиқариб юборишди.

Мени эса олиб қолишди, бошимни кўтара олмай гап эшитдим.

Ботир Йўлчибой: Мен сени бунақа енгилсан, деб ўйламовдим, Қуддус!

Зуфар домла: Шуни айтинг! Бир оғиз сўкканига ёқасидан бўғиб, муштлашиш керакми?

Нодир муаллим: Ўрдага судрашиб борганини қаранг! Аллоҳ паноҳ берсин, у ерда иккови жиккамушт бўлиб ётганини кўриб, милицияга олиб кетса, бу қайси мактабнинг ўқувчилари дейилса, бўлди шарманда денг.

Муроджон ака: Мен ҳам сени бутун мактаб ўқувчиларига ибрат қилиб кўрсатиб келаман, шундай оғир, фикрли, андишали бола деб. У сени сўкса, менга келмайсанми?

Маҳмуд ака: Макталган қиз тўйида... дегандек битираётганингда нарма чиқаряпсанми?

Ольга Филиповна: Ўзи Қуддусга тушуниб бўлмайди, бир қарасанг вазмин, бир қарасанг ерга урсанг кўкка сапчийдиган жўшқин, гоҳида хаёлпараст, паришон, гоҳида жирраки!

Ўтган куни менга атайлаб пасайтириб баҳо қўясиз деб, мен билан уришиб кетишига сал қолди.

Нодир муаллим: Онасининг ҳаққи борми, сиз билан уришиб! Тортган баҳосини қўйинглар, менга бунақа медалчининг кераги йўқ. Бор, сен отангни эргаштириб кел! Ўзи даданг билан бир гаплашмоқчи эдим.

Муроджон ака: Дадаси ҳозир йўқ.

Нодир муаллим: Бўлмаса эртага келсин! Бор йўқол!

Мактабдан ҳамма кетиб қолганди. Синфга кирсам Достон билан Офтоб гаплашиб ўтиришган экан. Мен Достонни ёнига ўтирдим.

– Яша Қуддус! Қотирдинг-да! Гавдасига қараб сени уриб қўядими, девдим. Ўзи пўкки экан-да дароз бўлгани билан.

...Далада чимзор устида бригададаги болалар билан курашдик, гавдасидан кўрқибми, ҳеч ким Беркинга талабгор бўлмади, шунда ўрнимдан турдим, мен билан менсимай курашаётган Беркинни йикитиб қўйдим.

Беркин алам қилганидан ирғиб туриб:

– Бу ҳисобмас, у чил солди! Қайта тушамиз, – деди.

Аммо Мусулмонкул ака:

– Бўлди энди, иш бошлаймиз, – деб қўймади.

Албатта бу кураш эди, Ўрдага чиқаётганда эса муштлашганда балки у зўр чиқар деб ўйлагандим, лекин қаҳрим келганидан кўзимга ҳеч нарса кўринмасди, албатта уни енгишимга ичимда бир қатъий ишонч бор эди, мускулларим таранг бўлиб тортишарди, тезроқ адабини бериб қўйгим келарди...

– Ўқитувчилар хонасидан чиқиши билан думига янтоқ қистиргандек ура қочиб қолди, Офтобга ҳам ҳеч нарса дегани йўқ. Яхши бўлди, энди иккинчи хира пашшалик қилмайди. Унинг ўзи юраги йўқ, кўрқок!

Офтоб менга фахрланибми ёки аччиқ аралашми қаради, кўпроқ фахрланишга ўхшарди чоғи. У енгил хўрсиниб қўйди:

– Менинг гапим билан шундай қилдингиз-а?! Сизни қаранг! Ўқитувчилар эшитиб, нима дейишди. Энди уларнинг кўзига қандай қарайман? Ҳаммага гап бўлиб кетади, аям эшитса мени ўлдиради! Уф-ф...

Мен ичкарида Офтоб хақида гап бўлмаганини, ўзимиз уришиб қолдик деганимизни айтдим. Офтоб енгил тортди:

– Хайрият! Мен сизнинг дарров бориб ёқасига ёпишишингизни қайдан билай?

– Ха, шунақаман, билиб қўйинг! Яна бир марта у билан гаплашаётганингизни кўрсам дабдаласини чиқараман.

– Мени нима киласиз?

– Сизни? Сизни...

– Мени Отеллодек бўғасизми?

– Шундай қилишдан ҳам тоймайди, бу жинни.

У менга сирли қарадио қизариб кетди.

– Вай-буй!

– Беркин энди Офтобга яқинлаша олмайди, ана мени айтди дерсизлар!

Мактабдан учаламиз бирга қайтдик. Достон муюлишдан бурилиб кетди; буриладиган жойга етганда Офтоб менга ажиб бир меҳр билан қараб кулди, кўзи шундай ўтли чакнадики...

8

Кичик уйга кириб курсига ўтириб олдим.

Баъзан ўзим ёлғиз қолиб ўйланиб ўтиргим келади; ҳозир Муроджон аканинг гапи ёдимга тушди: «Одам ёлғиз қолиб, ўзининг қилмишлари, қилгиликлари, ўз феъл-атвори, бошқаларнинг ўзига, ўзининг бошқаларга муносабати, яхши-ёмон ишлари ҳақида чуқур ўйлаб олиши керак! Ана шунда ҳаёт оқимида бефаҳмларча оқиб яшамасдан, аниқ бир яхши йўл излаб, шу йўлдан юришинг ёрқин маълум бўлади! Шунда одам бўласан!»

Беркин билан муштлашиб тўғри қилдимми? Муштлашмай ўқитувчимга айтишим керакмиди? Йўқ, бу латтачайнарлик! Нега ўқитувчи қўли билан бировдан алам олишим керак? Бу йигитчиликка тўғри келмайди! Демак, тўғри қилибман! Бирок ўқитувчиларимнинг гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди, ўзинг ҳақингда ҳамманинг кўз олдида аччиқ гапларни эшитиш оғир! Аммо ўқитувчиларим менга

умид қилишар экан-да! Сендан умидимиз катта эди, бу аҳволда кўча тўзитиб юрадиган бир безорига айланасан-қоласан, эсиз, дейишди куюнишиб. Демак, улар менинг зўр одам бўлишимни кутишаётган экан-да! Ўзим-чи, ўзим? Ўзим ҳам худди шу ҳақда ўйлайман-ку! Шунга интиламан-ку! Аммо мен ана шундай зўр одам бўлиш учун нима қилдим? Энди аъло ўқияпман. Спортдан ҳам унча-мунча натижага эришдим. Аммо булар назаримда жуда оз эди.

Кино... Одилнинг қатъий чехраси... кесиб-кесиб гапиришлари... Кристинанинг гўзал орази... Юрагимда жўшқин хислар уйғонди. Ахир, мен Одилдек шифокор бўлиб эл олқишини олиб, обрўли бўлишни орзу қилганман-ку!

Фақат орзу қилиб юравериш билан бир нарсага эришиш мумкинми? Йўқ! Сергак тортдим. Мушакларим курашга тушаётган пайтимдагидек таранглашди; юрагимда улуг бир куч силсиласи уйғонди! Энди тамоман бошқа одамга айландим, ўртоқларимга ҳам кам қўшиламан, Офтоб билан мактабда қолиб, бирга тайёрланамиз, жон куйдириб тушунтиришларимга жон деб кулоқ солади; ҳафтанинг ҳар бир куни, ҳар дақиқасида нима қилишим, қайси фандан қайси вақтда тайёрланишимни аниқ белгилаганман.

Сахар туриб энг оғир фан – математикадан тайёрланаман, сўнг имло луғатидан фойдаланиб сўзларни тўғри ёзишни мапқ қиламан, бадий китобларни кўп ўқиганимдан қайси сўз қандай ёзилиши шундай кўз олдимга келиб туради. Мактабга кета туриб, Офтобларнинг муюлишигача шеър, қайтишда немисча луғатни ёдлайман. Рухимда бир сафарбарлик кучи пайдо бўлган эди! Чарчамайман, балки менга дадам айтгандек боболаримнинг рух кучи ёрдам бераётгандир!

Дадам, аям доим менга шароит яратиб беришга ҳаракат қилишади, баъзи уй ишларидан ҳам озод бўлганман...

Кечкурун. Ҳали ой чиқмаган. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Бақаларнинг қуриллаши, чирилдоқларнинг чириллашини эшитиб супада намхушгина ҳаводан нафас олиб ўтириш қандай маза!

Дадам, аям, Каромат билан бирга овқатландик. Кейин эса дадам имтиҳонларга тайёргарлигим қандай бораётганини сўради. Менинг ўрнимга аям жавоб берди:

– Отажон уйга қамалиб олиб ўқигани ўқиган, қаранг ранги сарғайиб кетибди!

Дадам менга синовчан разм солди, сўнг юзида ташвишланиш аломати акс этгандек бўлди.

Мен эса тезроқ фотиҳа ўқилишини, тезроқ ёлғиз қолишни истардим. Ниҳоят фотиҳа ўқилди. Мен хонамга кирдим «Кимё»ни бошладим.

Эртаси куни эрталаб Каромат:

– Ака, дадам сизни боққа чақиряпти, – деди эшикни секин очиб. Ҳайрон қолдим. Бу вақтда дадам менга ҳеч ҳалақит бермасди.

Борсам, боғнинг тоқзорга туташган жойида бир ерток илдизининг атрофи қовланган, дадам жиққа терга ботганча тупрок устида ўтирибди.

– Ўғлим, менинг ишим кўпайиб кетди, – деди юзидаги, кўкрагидаги терларни рўмолчасига артганча. – Кунига биттадан тоқнинг илдизини очишга ёрдам берсанг, сўнг дарсингни қилаверасан.

Бу менга малол келди, аммо индамадим.

– Узум тезроқ пишса, сотсак, ўқишга боришингга яраб қолади.

Ҳа, дадам бу томонини ўйлаган экан-да!

– Ишқилиб, кўзани изламаймизми?

Дадам шарақлаб кулиб юборди.

Бир ашраф қазо куни яқинлашганини сезиб васият қилибди:

– Ўғлим, шу ертоклардан бирининг тагига бир кўза тилла кўмган эдим. Аммо, қайсисининг тагига кўмганимни унутибман, қарилик курсин. Шунинг ўзининг қовлаб топиб оларсан!

Айни жавзо экан, бари токнинг тагини қовлаб, илдизларининг тагигача очиб кўрибдики, кўза йўқ! Ноилож қайта кўмиб, ток қуриб қолмасин деб суғорибди. Ўша йили ертоклар шундай ҳосил берибдики, ўғил битиб қолибди! Ҳа, хазина бу ёқда экан-да, мен авом тушунмабман, дебди отасини алқаб.

Дадам бу ҳикояни шундай завқ-шавқ билан айтадики... У ҳар йили ертокларнинг илдизини очиб, попуқ илдизларини қирқиб сўнг бузилган деворларнинг гуваласини ташиб келиб илдиз атрофига кўмиб кейин суғоради, ертоклар шундай яшнаб кетадики... Саратонда биринчи бизнинг узум чумак уради.

Мен ноилож ишга киришдим. Ҳар куни битта ерток илдизи атрофини очиб, терга пишаман, сўнг яна ўқишга!

10

Қурбон хайити арафаси. Зумрад опаникига келаётганларнинг кети узилмайди. Мен бел боғлаб Мусулмонқул аканинг ёнида турдим. Ичкаридан Исожон тоғамнинг босиқ, ёқимли оҳангда қуръон қироат қилаётгани эшитилади. Дарвоза ланг очиб қўйилган. Дарвозахонадан бошлаб икки тарафга ғиштдан «оёқ» қилиб тахта қўйилган, тахта устига кўрпачалар тўшалган: бу қўлбола ўриндиқларда Орзиқул амаки, дадам, Абдусалом тоғам, уста Файзи бобо, Рашид ака, Мусулмонқул акаю бошқа ҳамқишлоқларимиз

ўтиришибди. Ҳар бир фотиҳачи кўриниши билан қўллари ковуштиришиб ўринларидан туришади. Қуръон ўқиётганда ўтиришиб, фотиҳачи кетаётганда яна туришади.

Кунботар томондан қисқагина чакмоқ чақнаб момақалдирок қалдирадию беихтиёр ҳамма қатори ўша ёққа қарадим. Осмоннинг авзойи бузуқ эди, у ичдан бўғриқиб келган бор қаҳр-ғазабини сочмоқчи бўлгандек Молгузар жонидан кўтарилиб келаётган куюк қора булути билан пастга шундай ковоғини солиб боқдики...

11

Дадам хавотирланиб булутларга қаради.

– Тоққа роса қуйяпти-да! – деди Уста бобо.

– Ҳая, бор булутни тоғлар тортиб олаётгандек, – деди дадам кўкдан кўзини узмай.

– Шу тахлит ёғаверса экин кечикиб кетадими, дейман, – деди Орзикул амаким.

– Ҳаром оралаган жойда шундай бўлади, мана шу ювуқсизларнинг касрига қолмасак, – деди Уста бобо «Газ-21»дан тушаётган Соли, Нодир муаллимларга қараб.

Ҳайдовчи машинани шошилиб айланиб ўтиб орқа эшикни очгандан сўнггина Дев виқор билан машинадан тушди.

– Нодирга нима бор, уларга маташиб? – деди Мусулмонкул ака.

– Билмайсанми, у директор бўлди, уларнинг думи-ку! – деб кулди Рашид ака.

Фотиҳа ўқиб чиқишаётганда Дев ҳамма билан кўришмади, фақат Орзикул амаки билан кўришиб, бир зумгина ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, сўнг юрди, унга шериклари эргашишди.

– Кўчалар ҳам асфальт бўлмай қолиб кетди, газ олиб келамиз деб қазилган чуқурлар ҳам қайта кўмиляпти, – деди Мусулмонкул ака Орзикул амакига қараб. Орзикул амаки эса индамади.

– Қишлоқдан ҳам, тумандан ҳам файз кетди, – деди Уста бобо.

– Агар шу аҳволда қолсак, сизлар индамасаларинг шартта ўзим бориб идорасидан қувиб чиқараман, – деди тоғам қизишиб.

– Ўтган йили бошқа экин ўрнига ҳам пахта экиб, бир бажариб қолди-да! Бу йил ҳамма экинни ўз ўрнига экишга мажбур бўлди. Дев пахтага, халққа қарармиди? Ўзининг котибаси билан овора, анави Ибодат манжалақининг қизи-да! Раислардан ўлпон йиғади, халқ билмайди деб ўйлайди бу ярамаслар! – деди Мусулмонкул ака қўл силтаб.

Дадам билан Орзикул амаки бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

– Халқ билан иши бўлмаса, ободончилик билан шуғулланмаса, бунақа рахбарнинг нима кераги бор? – деб Уста бобо юзини четга бурди. – Кўнгил кўчасидан чиқмай иш тутадиган рахбар ҳеч қачон халқ учун жон қуйдирмайди.

Рашид ака: Буларга аралашиб энди билияпман! Халққа қайишиб ҳалол ишлайдиган одамни яқинига яқинлаштирмайди, фақат лаганбардор, қаллоб, чайқовчиларни қўллайди. Шуларнинг маслаҳати билан амалга одам қўяди. Албатта текинга одам қўймайди, мана колхоз раислигига йигирма минг бериш керак эмиш. Гўё бу порани юқоридан кимгадир берармиш.

Мусулмонкул ака: Райкоми обкомга, обкоми марказкомга берса керак.

Уста бобо: Эшитишимча, японлар порахўрни отишар экан, шунда жамоат тозаланади. Порахўрлик гуллаган юрт албат юз тубан кетади.

Рашид ака: Давлат хўжалигига-ку ўзлари та-йинлашарди, энди колхозга ҳам фақат улар кўрсатган одамларни сайлашяпти-да! Халқ қаёқда қолди?!

Исожон тоғам: Шунинг учун ҳам халқ ичидан бирорта рахбар чиқмаяпти!

Ёлғиз қолгани учунми, ё хангома қизиганидан-микин, Исожон тоғам ташқарига чиқиб, Орзикул раиснинг ёнига чўкди.

Мусулмонқул ака: Анави райкомда инструктор бўлиб ишлаётганлар ҳам, комсомолда сиртини силаб янги-янги машина миниб юрганлар ҳам мана шу катталарнинг ўғиллари!

Рашид ака: Бир жойдан дурустрок бир амал бўшадими, дарров ўша ёққа тикишади.

Мусулмонқул ака: Ўша катталарнинг ўғиллари амалдор бўлиб олиб шу Уста бобога ўхшаган оқсоқол ҳам қабулига кирса ўрисча гапиради, тумшуғи ос-монда!

Исожон тоғам: Халқнинг тилини билмаган, ҳеч қачон халқ дилини билмайди. Ҳеч қачон халққа қайишмайди. Мана кейинги вақтда қайси камба-ғалнинг боласи бир амалга ўтирди?!

Мусулмонқул ака: Шуларни бир мундай текшир-са бўлмайдими?

Рашид ака: Текшириб бир нарсани исботлолмай-сан, уйни ҳам бировнинг номига қуришади. Маши-нани ҳам бировнинг номига сотиб олишади.

Мусулмонқул ака: Аста-секин хотинни ҳам би-ровнинг номига олишади.

Кулишди.

Мусулмонқул ака: Ҳа, улар балиқдек сип-силлиқ, ушлолмайсан! Ҳа-ха, думини ликиллатади, қочади-кетади!

Уста бобо: Халқ ҳеч қайси амалдорга ишонмай қўйди.

Исожон тоғам: Ахир қандай ишонсин, гапи бошқа, қилаётган иши бошқа! Улуғ бир йиғилишда гапирганда, эй қойил, ҳаммасини билади, жуда боплади-да, энди иш бошқача бўлади деб суюнасан, лекин ҳеч нарса ўзгармайди!

Орзиқул амаки: Хўш, нима қилиш керак?! Тумандаги бари ишни биринчи котиб қўлга олган. Прокурор ҳам, ижроқўм ҳам кунгабоқар офтобга юзини буриб ўсгандек унга қарайди.

Мусулмонқул ака: Ҳамма раҳбарларни қамаш керак! Сўнг халқ учун ишлайдиган ёшларни тарбиялаб етказиш керак! Халққа қайишадиган раҳбар керак.

Уста бобо: Халқ билан бамаслаҳат иш қилинса ҳар қандай дардга даво топилади.

– Халқ ким ўзи? Бизми? – деди тоғам.

– Ҳа, биз! – деб жавоб берди Рашид ака.

– Унда ҳеч бало бўлмас эканмиз! – деб қўл силтади тоғам.

– Нега? – деди Мусулмонқул ака.

– Туманда адолатнинг ҳукм суриши учун курашмасак, – деди тоғам қизишиб, – битта Девни олдимизга солиб қуволмасак! У бизнинг устимиздан хоҳлаганча кулса! Мен маршал бўлсам бунақа халқни чўлга сургун қилардим. Девни эса оттирардим, нақ пешонасидан «пақ» этиб! Битта юрагида ўти бор аскар бўлмаса-я, бу халқингизнинг ичида! Бечора Зумрад ҳам шуларнинг касрига жувонмарг бўлиб кетди. Унинг эрини қаматиб, ўзини бригадир қилган ким? Шу Дев-ку! Ҳаммангиз яхши биласиз-у, жим юрасиз бўйнингизни қисиб! Шуми халқингизнинг ҳоли?

Ҳаҳ, бу Аҳмад Яссавий «Авомингдан амалдоринг баттар, амалдорингдан авоминг баттар», деб бекорга ер тагига кириб кетмаган экан!

– Жиян, шошма, вақти келар, – деди Исожон тоғам салмоқлаб.

– Қачон? Биз ўлиб кетганимиздан кейинми? Жиз-
зах бутунлай шарманда бўлгандан кейинми? – деди
Абдусалом тоғам.

Орзикул амаким гапга аралашмай ер чизиб
ўтирарди.

– Билмай қолдим?! – деди дадам ўйчан бир
ҳолда.

* * *

Даҳлиздан кичик уйга кираётиб дадам билан аям
мен ҳақимда гаплашишаётганларини эшитиб қолдим
тўхтадим.

Дадам:

– Қуддуснинг директори айттириб юборган экан.

Аям:

– Нега?

– Соли раиснинг ўғли билан муштлашибди.

– Вай ўлмасам! Нега?

– Онадан сўкиндинг, деб уни урибди.

– Вай жиннивой-ей!

– Кейин билсам, аслида бошқа ниятда чакирган
экан.

– Нимага экан?

– Мактабга бир машина гишт керак бўлибди.
«Ака, шу чўлда қурилиш катта, гишт қўп, бир ма-
шина гишт ёрдам берсангиз» деганда, майли девдим.
Кеча ойлик олиб бир машина гишт сотволиб мактаб-
га борсам, келиб қолди:

– «Ийе, тўхтанг, бу ерга эмас», деб уйига тўк-
тирди. Кўнглим хира бўлди. Кейин менга: «Ту-
шунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, Қуддус
жуда яхши ўқийди, шу медалга илинтирсам, деган-
дим», деди. «Ўқиши шунга арзиса майли», десам,
«Гапнинг очиги, медалнинг бироз харажати бор,
шуни кўтарасизми?!» деса бўладими?

– Ё тавба!

– Мен: «Медаль калласида бўлгани яхши! Қўяверинг!» дедим-да келавердим. Анграйи-и-б қолаверди.

– Тўғри қилибсиз.

... Дадам шунинг учун Беркин билан муштлашганим хусусида кўп дашном бермаган экан-да! Офтобнинг гапи ҳам ёдимга тушди: «Директор Нарзикулга медаль олиб бермоқчи экан, дадаси директорга бир тележка беда олиб бориб ташлабди. Шунинг учун директор Нарзикулни мактаётган экан-да! Майли, қараб турсин, шу қилганига шундай ўқийки, имтиҳонлардан берган жавобларимни эшитиб ўзи хайрон қолсин, ўзи! Шашт билан кичик уйга кирдим.

12

Хар гал якшанба куни мактабга бормаганим учун тўйиб ухлайман. Аммо бу галги якшанба куни кўр саҳардаёқ, ҳовлида аямнинг «Эй Аллоҳим, ўзинг сақла! Ўзинг!» – деган жонсарак овозини эшитиб, уйғониб кетдим. Югуриб ташқарига чиқдим.

– Турдингми отажон, сел келаётганмиш, ҳамма йигитлар Бешкувурда, даданг ҳам ўша ёққа кетди. Эй Аллоҳим, сел бу томонга бурилса-я, Кароматни уйғотай!

Мен апил-тапил кийиниб, чой ҳам ичмай Бешкувурга жўнадим. Бешкувур кўпригига етиб бордим. Сангзорда ваҳимали оқаётган сувни кўриб хайрон қолдим, бу сув эмас, лойқа, бўтана эди. Бўтана шох-шаббаларни, ёғочларни тўлқини билан ямлаб шиддаткорона хайкириқ солиб оқмоқда. Кўприкка шох-шаббалар тиқилаётгани учун Мусулмонкул ака, Рашид ака, йигитлар окизикларни олиб ташлашяпти, аммо улгура олишмаяпти, Бешарикдаги

сув кўтарилиб боряпти. Ҳаммаёқдан балчик хиди анкийди.

Дадам кўприк устида ҳали у томонга, ҳали бу томонга югуриб йигитларга бакиради:

– Йигитлар, эҳтиёт бўлинглар, ўртага тикилмасин!

Уста бобо қўлидаги ёғочи билан кўприкка тикилаётган дарахтларни суриб юборди. Мусулмонқул ака югуриб бориб у кишининг қўлидаги ёғочни олдида, шундай кўприк лабига туриб олиб тикилаётган нарсаларни сура бошлади. Уста бобо дадамнинг олдига келиб деди:

– Полвон, кўприкни бир нарса қилмаса бўлмайди!

Дадам бир зум ўйланиб, сўнг Эмин акани чакирди:

– Укажон, сиз оҳак заводига боринг. Динамит олиб келинглар!

Эмин ака «Хўп» деб, «Победа»сини шитоб билан хайдаб кетди. Бўтана сел бешик-бешик тўлқинланиб тобора кўпаяётган эди!

Эмин ака тезда қайтиб келди, машинадан туша солиб дадамга деди:

– Полвон ака, директор динамит бермайман, фақат котиб айтса бераман, дейди.

– Дарвоқе, котибга бориш керак, – деди дадам.

– Райкомга бордим, котиб Самарқандга кетибди, – деди Эмин ака.

– Ижроқўм бордир?

– Тошкентга кетганмиш.

– Оббо, райкомда ҳеч ким борми?

– Йўқ!

Дадамнинг ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади, ёғочни ёнида турган Мусулмонқул акага бериб Эмин аканинг «Победа»сига чиқиб оҳак заводига жўнади.

Энди сел кўприкка бир тегиб, бир тегмай оқаётган эди.

– Керак вақтда кўприкни оқизмайдиям, – деди кимдир.

– Ўзоғ йили оқизиб кетувди-я, – деди яна бири.

– Ха, яна оқизмасин деб бетонни роса қуйишганда! – деди Мусулмонқул ака.

Тошлок тарафдан Рашид ака от чоптириб келдию бақирди:

– Тошлокдаги уйларга сув кириб кетяпти, оғайнилар, бир иложини қилинглар!

Кўприкнинг олдида овора бўлиб қарамаган эканман, энди сел ариқлардан тошиб, кўчаларга оқа бошлаганди.

– Абдулланинг уйи босиб қолди, – деди устибоши шалаббо бўлган киши.

– Гуваладан бўлган уйлар-да, тагига сув кетса, тамом, – деди Рашид ака отини кўприк томон буриб.

– Ҳаво шундай айниб турганини кўриб Самарқандга ўйнагани кетганини қаранг, бу ифлосни, – деди Мусулмонқул ака хуноб бўлиб. – Самарқандда ўлиб қолмас-ку, келар-ку! Ана шу Сангзорга отиб юбормасам бу ифлосни!

– Эл эгасиз қолибди, оғайнилар! – деди кимдир.

– Нега кечикишди. Яна кўплашиб боринглар, йигитлар, аблахнинг ўзи келиб кўрсин, – деди Уста бобо.

– Ўзи яшаб турган тарафга сув тошаётгани йўқ-да, унинг ҳам уйига сув кираётганини билса, атом бомба сўрасаларинг ҳам бериб юборади, – деди Рашид ака.

Бешкувур тарафдагилар Етимтокқа чиқиб олиб томоша қилишяпти. Биз – болалар, эркак-аёллар Сангзорнинг ўнг қирғоғидаги тепаликка чиқиб олдик. Сел кўпайгандан кўпайиб, юракка вахима солиб гулдурайди, бешик-бешик тўлқинларда оқиб келаётган сигир, эшакларга кўзим тушди, энди кўприкка тикилаётган дарахтларни суриб юборишнинг иложи бўлмай қолди. Сув кўприк устидан ошиб оқарди,

лекин кўприк килт этмасди. Тиқилаётган ёғочларни киргоқда туриб ёғоч билан сураётганлар орқага қочишди.

— Сув йўлни тўсиб қўймасдан келишса эди, — деди кимдир хавотир аралаш.

— Тошлоқдаги беш хонадоннинг уйи сув тагида қолди! — деди тош йўлдан югуриб келган кимса, — нахотки, сувни тўхтатиб бўлмаса!

Алҳол Эмин аканинг «Победа»си, унинг орқасидан бир юк машинаси ошиғич келиб тўхтади, дадаму бошқалар машинадан отилиб тушишди. Заводнинг портлатувчилари ҳам бирга келишибди. Дадам уларни шоширарди:

— Аввал ўртасига қўйиб олинглар!..

Улар ёғоч қутидаги динамитларни четидан сув тошаётган кўприкнинг бир неча жойларига тезда ўрнатиб, сим тортиб, югургилаб ортларига қайтишди. Одамларни четга қочишга ундашди, кўприкнинг икки киргоғидагилар ҳам орқага чекинишди.

Қулоқни қоматга келтирувчи гумбурлаш овозлари ҳамма ёқни ларзага солди. Портлаш шовқини тиниши билан сел ваҳимали гумбурлаб кўприкнинг икки четидан очилган жойга ўзини урди. Ҳамма «ур-ра» деб юборди. Эски шаҳарга, бошқа элларга сув борадиган ариқлардаги сел шитоб билан пасая борди.

Дадам пешонасини ушлаб ўтириб қолди. Уста бобо дадамнинг елкасига уриб қўйди. Яна кучли қарсиллаш, гумбурлаш товуши эшитилди.

Сел кўприкни лопиллатиб худди ўйинчоқни окизгандек окизди-кетди. Энди хавф йўқолган эди. Одамлар рухиятида бир муддат аввалги саросима ўрнида аллақандай шукроналик ҳислари аралаш бир хотиржамлик пайдо бўлмоқда эди...

Асов тўлқинлари билан ҳайқириб-пишқириб оқаётган Сангзор ваҳимаси билан ҳаммани гулгулага

солади. Уст-бошимиз шалаббо бўлса-да, икки йўл ўртасида кетишни ҳам, кетмасликни ҳам билмай, каловланардик, ана Нарзикул, Достон, Беркину Жиззахлик маҳалласининг бир тўда болалари ҳам етиб келишибди.

Дадам юзига сачраган сув аралаш лойларни рў-молчасига артиб бўтана-лойқа, бешик-бешик тўл-кинларда бир кўриниб, бир ғойиб бўлиб оқаётган дарахтлар, ёғочларга хавотирланиб қарарди. Аҳён-аҳёнда оқиб келаётган эшак, мол, қўйлар ҳам кўзга ташланади.

Эмин ака қирғоқда турганларга қараб деди:

– Кириб боришимиз билан сарикмашак директор креслосидан ирғиб турди. «Бермайман дедимми бермайман!» деди менга қараб. Полвон ака стул тиргагининг учидан ушлаб кўтариб полга бир урди, стул қасирлаб синиб кетди-ю, тиргаги қўлида қолди, Полвон ака уни кўтариб тиш қайраганча: «Бермайсанми?» деб сарикмашакка қараб бир қадам ҳам юрган эдики, директорнинг ранги қув ўчиб дағ-дағ қалтираб: «Мусо ака, майли, аммо жавобгарлиги сизнинг бўйингизда!» деди. Кейин ҳаммаси осонгина ҳал бўлди-қўйди! Ҳа-ха!..

Аста-секин одамлар тарқала бошлади. Бешқувурдан қайтаётганимизда ҳам ёмғир тўхтамади. Заргарликка етган ҳам эдикки, райком биноси томон шошиб кетаётган одамларни кўриб қолдигу биз ҳам шу томонга йўл солдик.

Борсак, бино олдида тумонат одам йиғилган: Мусулмонқул ака билан Рашид ака эшик олдида туриб олишибди; шопмўйлов милиционер Қоработир ёнидаги Девнинг ранги-қути ўчган, ҳайдовчиси машинасига биқиниб олган.

Мусулмонқул ака Девни болахонадор қилиб сўк-ди:

– Хей, сендақа котиб бўлганни... Хароми тўнғиз!..

Дев ранги бўзариб милиционерни туртди:

– Овозини ўчирсанг-чи анавини!

Қоработир Мусулмонқул акага қараб юрган эди, Рашид ака унинг йўлини тўсди.

– Эй палакат босган, агар туёғингни шиқиллатмас экансан, устинга бензин сепиб ёкиб юбораман! – деди Мусулмонқул ака бўйин томирлари шишиб, бўғрикиб.

– Обориб тикиб ташламайсанми? – деди Дев Қоработирга.

Милиционер негадир йўлини тўсиб турган Рашид акани суриб ташлашга ҳаракат қилмади.

– Ҳой, ярамас Дев! Ҳозир мен сени... – Мусулмонқул ака Девга томон отилди, бироқ уни чапдастлик билан милиционер ҳамда Рашид ака ушлаб қолишди.

– Вой, бу конхўрлардан ўзинг асра! – Дев машинасига қараб юрди.

Машина шитоб билан ўрнидан қўзғалди.

– Ҳозир вилоят котибини олиб келади, тоғажонини! – деди Рашид ака кулиб машина кўздан ғойиб бўлгач.

– Авлиёсини олиб келсаям бу аблаҳни бинога қўймайман!

– Ака, энди калитни беринг, – деб Мусулмонқул акага ёлворди қоровул.

– Ҳой, шаштингиздан қайтинг, – деди Қоработир негадир кулиб.

– Ҳозир сизни олиб бориб қамашимиз керак, жамоат тартибини бузганингиз учун. Ҳа, маршал бўлсангиз ҳам қамаймиз. Яхшиликча бу ердан тез қочиб қолинг. Бу ўзингизга ҳам, бизга ҳам яхши.

Мусулмонқул ака жойидан кимирламади.

Шу пайт Тошкент йўлидан тез келаётган узун қора машина ҳамманинг диққатини тортди, орқасидан иккита оқ «Волга» эргашган. Машиналар бурилмасдан тўғри Бешқувур томонга ўтиб кетди...

Орадан бир неча кун ўтгач, Орзикул амаким туманга котиб бўлди, Рашид акани эса колхозга раис этиб сайлашди, дадам ҳам яна қишлоққа қайтди. Бирданига кўчаларда, далаларда иш қизиб кетди, одамларнинг ҳам кайфияти чоғ!

Мактаб директорининг менга муносабати ўзгариб қолди, бир куни хонасига чақириб: «Яна даданг хафа бўлиб юрмасинлар, сенга иложи борица медалъ тўғирлаб бераман!» деди.

Мен кулиб қўйдим:

– Медалнинг калламда бўлгани дуруст!

– А! – деб қолди у.

Бир ҳафта ўтмасиданоқ Эмин акани яна директорликка қўйишди.

Имтиҳонлар бошланиб кетди.

Биринчиси – адабиётдан иншо...

Нима бўлсаям, эркин мавзуда ёзаман деб ният қилганман, олдинги партага ўтирдим. Ана, конвертни йиртишди, мавзулар тахтага ёзилди: «Ватан – остондан бошланади» деган эркин мавзунини танладим...

Дафтарга илк сатрни ёздим: «Ватан ўз уйинг остонасидан бошланади». Сўнг бироз ўйланиб қолдим, шу чоқ очиқ эшикдан менга қараб жилмайиб турган Офтобга кўзим тушди, кўзи чўғдек яшнаб менга омад тиларди. Юрагим илиқ бир ҳаяжонга тўлиб, ёза кетдим: кўкламда кўм-кўк бўлиб, кўк кимхобга ўралиб яшнайдиган тоғларимизни, лолакизғалдоқлари чўғдек ёнадиган алвон қирларни, Наврўзда эгилиб-эгилиб салом бераётган хушрўй келинларни, кўприкни портлатиб, Ватанни асраб қолган одамларимизни ёзавердим, ёзавердим.

«Ватан ўз одамлари билан гўзал» деб ёздим; ажойиб одамларимизни, уларнинг Девни қандай хайдаб солганликларини ёздим, Зумрад опани, Сайид акани эслар эканман, кўзимга ёш келиб, юрагим аччиқ аламга тўлиб ёздим...

Нихоят қайта кўчирдимۇ Маҳмуд акага узатдим. У узун столга бағрини бериб ниманидир ўқиётган экан, сезмади, ёнидаги Муроджон ака секин туртганидан сўнггина бошини оҳиста кўтарди:

– Ийе, ёзиб бўлдингми? – деди ишонқирамай, кейин иншомни варақлаб бир-бир кўздан кечира бошлади.

– Эркин мавзуда ёздингми, яхши, хатолари йўқми?

– Қани, бир кўрайлик-чи, – деди Муроджон аканинг ёнида ўтирган Эмин ака.

У кўзойнагини бурнининг учига қўндириб олиб, Маҳмуд ака узатган иншомни ўқий бошлади, озгина ўқидию бош чайқаб қўйди, кейин Муроджон акага қараб «Зўр!» – дегандек бош бармоғини кўрсатдию яна ўқишга тушди. Мен севинганча нарсаларимни йиғиштириб ташқарига чиқдим, эшик олдида турган Офтобни кўрдиму қўнглим янада ёришиб кетди.

– Табриклайман, биринчи чиқдингиз-а, – деди икки бети қизариб менга қўлини узатаркан.

– Эркин мавзуда ёздим, – дедим мен қўлини сиқиб.

– Қойил, ошиқлар номидан қизларга хат ёзиб беравериб уста бўлиб кетгансиз-да, – деди у кулиб.

– Сизга хат ёзмаганман-ку!

– Хатингизни олмас ҳам эдим-да!

У елкасини қисганча кулиб менга қаради, унинг кўзлари шундай чакнар эдики...

Мен чопиш йўлагига шиддат билан югуриб кетаётгандек эдим, ортимга қарамасдан ҳам, фақат олдинга қараб жон-жаҳдим билан югурардим, ҳа, фақат олдинга, олдинга! Олдинда эса марра! Ҳали-замон тасмани кўкрагим билан биринчи бўлиб кесиб ўтаман! Ҳа, мен маррага биринчи бўлиб етиб бораман! Етиб боришим билан ҳамма қичқириб, қарсак чалиб олқишлайди! У ерда олқиш кутмоқда! У ерда шуҳрат кутмоқда! Олқиш, шуҳрат! Узоқдан туриб

мени олдинга тортаётган куч шу олқиш, шухрат эдими? Югурувчи бир зумда маррага етиб боради. Менинг маррам эса ҳали жуда узоқда!

Ҳа, марра узоқда! Ертоқларни аллақачон қовлаб бўлганман. Баъзан бўшашганимда боғдаги икки ха-шаки тут орасига ўрнатган турнигимда ўйнайман, тош кўтараман, сўнг яна бир ғайрат, яна бир шид-дат билан имтиҳонларга тайёргарлик қўришга кири-шаман. Бу менинг илк ёшлигим шиддати эди. Илк ёшлигим шиддати селдек тошади. Сел қирғоқлардан тошмаслиги учун сафарбарлик қиламан.

Оҳ, осон эмасди бу сафарбарлик! Баъзан ҳам-масини ташлаб кўчага чиқиб кетгим келади! Аммо шунда қандайдир бир куч билан ўзимни тутиб ола-ман: «Сен зўр одам бўлишинг керак, аҳмоқлик қилма! Ўзингни қўлга ол», – деб ўзимга ўзим хитоб қиламан, белимгача совуқ сувга ювиниб баданимни сочиқ билан ишқаб артаман, руҳим тетиклашади. Яна имтиҳонларга тайёргарлик қўришга тушаман.

Навбатдаги имтиҳон бошланишидан бир кун ил-гари синфда Офтоб билан қоламин, у менга савол бериб туради, мен жавоб қайтараман, шундан кейин эса қўркмай имтиҳонга қираман. Имтиҳон билетини олмасдан илгари ўтирмасдан жавоб беришимни айта-ман. Билетни олиб тахта ёнига чиқаман, саволларга тез-тез аниқ ва лўнда жавоб бера бошлайман. Му-роджон ака: «Шошмай гапиравер!» – дейди кулиб.

Ҳар бир имтиҳонни топшириб бўлганимиздан кейин Офтоб, Қўлдош, Баҳри бирга айланамиз, музқаймоқ еймиз, кинога тушамиз. Ўйга кўтаринки кайфиятда қайтаман. Сўнг яна шиддат билан кейинги имтиҳонга тайёрлана бошлайман...

Нихоят, имтиҳонлар тугади! Ҳамма фанлардан аълога топширдим, аммо медаль ололмадим. Нодир муаллим қўйи синфдаги баҳоларимни пасайтириб медални Нарзиқулга тўғирлаб кетган экан. Май-

ли, дадам айтганидек, медалнинг калламда бўлгани яхши!

Ўқишга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни бир ҳафта ичида тайёрладим. Ҳужжатларимни Тошкент тиббиёт институтига топширадиган бўлдим.

Ниҳоят, шаҳарга жўнаб кетадиган вақтим ҳам келди. Пешинда аям палов мохорасини кайнатаётган эди. Қизи Гулнорни етаклаб Зухра опам, ўғли Илҳомжонни кўтариб Умри опам кириб келишди. Жиянларим, опаларимнинг келиши мендан ҳам кўра Кароматга байрам бўлди, дарҳол чақалокни кўтариб олди.

Ҳаммамиз супада ўтириб, гурунглашиб тушлик қилдик. Кейин кичик уйга кириб нарсаларни жомадонга жойлаётган эдим, Зухра опам билан Умри опам киришиб «Арзимаса ҳам», деб чўнтагимга пул солишди. Аям атрофимда парвона.

– Мисвокингнинг янгисини ол, – деди менга янги сочиқ узата туриб.

У яна бирор нарсам эсимдан чиқиб қолмаслигини тайинлади, жомадонимни ёпаётганимда: «Энди дадангдан фотиҳа ол», – деди хомуш бўлиб.

Жомадонимни кўтариб ховлига чиққанимда дадам супада ёнбошлаб ўтирарди; унинг ёнида Каромат китобни варақлаб Гулнорга расмларини кўрсатмокда, дадам кўзини бир нуқтага тиккан қўйи хаёл сурарди.

– Тайёр бўлдингми? – деди у гавдасини тиклаб.

– Дада, энди бир фотиҳа берсангиз, – деб супанинг бир четига қўндим. Аям, опаларим ҳам ўтиришди.

– Ўғлим, лайлакнинг кетишига ҳеч ким эътибор бермайди, аммо унинг қайтиб келишига ҳамманинг кўзи тушади. Шунинг учун, сен ўқишга ўта олсанг, кейин элга хизмат қилсанг, ишончимизни оқласанг, онанг билан менинг бошимиз осмонга етади. Сени Аллохнинг ўзи қўлласин, йигит омадингдан айирмасин!

Шундан сўнг у кўзларини юмиб олганча сидкидилдан узоқ дуои фотиҳа ўқиди.

Менга эргашиб ҳамма ўрнидан турди. Дарвозахонага етганда дадам қўлимдан ушлаб тўхтатди, мени маҳкам бағрига босиб, кўтариб ерга қўйди, аям ҳам мени кучиб ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди, юзимга кўз ёшларини томизиб, ёш аралаш чўлпиллатиб ўпа бошлади, кейин опаларим. Улар ҳам кўзларига ёш олишди. Мен ўзимни катта одамдек тутиб, Кароматнинг иягидан ушлаб эркалаб қўйдим:

– Менга қара, яхши ўқигин-а, сени ўзим ўқишга олиб кетаман, уқдингми?

У бош қимирлатиб маъқуллади.

– Ҳаммаларинг чувашиб юрманглар, поччангга айтганман, ўзи кузатиб қўяди, – деди дадам.

Опаларим Саодат опамникигача бориб кузатиб қўйишмоқчи экан, дадамнинг гапини икки қила олишмай, уйда қолишадиган бўлишди. Бу менга жуда ёқди, ахир...

Дарвоза олдида дадам қибла тарафга юзланиб яна фотиҳа берди.

Ана, улар оркамдан қараб туришибди. Опаларим, Каромат тинмай қўлини силкишар, аям эса ёшларини енгига суртарди, дадам кўкраги устига қўлларини қалаштириб қараб турибди. Кўнглим бўшашиб келаётган бўлса-да, ўзимни қўлга олиб, ортимга бурилиб-бурилиб қараб узоқлашяпман.

Муюлишга етиб, уларга яна қараб хайрлашдим. Унга бурилдим, шу заҳоти юрагим севинчдан балқиди: ўзига жудаям ярашадиган оппоқ шоҳи қўйлагини кийган Офтоб гул-гул ёниб турарди!

...Суҳбатлашиб секин юриб кетяпмиз, кетяпмиз... Нима ҳақда гаплашаётганимизни ҳам, қаёққа кетаётганимизни ҳам билмайман, билмайман... Ғалати, сеҳрлангандек ҳолда эдик, гапимиз ҳеч адо бўлмайди.

Бутун вужудим ажиб бир мусика куйида сирли-сирли жимирлайди. Муюлишлардан гоҳ ўннга, гоҳ сўлга бурилиб кўчаларни айландик. Кўзимга ҳеч ким кўринмасди, гоҳида биз билан саломлашиб ўтиб кетаётган ҳамқишлоқларимиз ҳам! Офтоб ҳам эҳтиёткорликни унутгандай эди. Кейин кўчаларни айланавердик, айланавердик... Ҳеч ажралгимиз келмасди, гўё мен бу ерга мутлақо қайтиб келмайдигандек, гўё Офтобни қайта кўрмайдигандек!.. Гоҳида Офтоб менга қараб хўрсиниб-хўрсиниб қўяди. Шу зайлда юриб қуёш ботаётганини ҳам сезмай қолдик. Бу менинг ғоят жўшқин, ғоят сирли, гўзал туйғуларга бурканган, муаттар атиргулдек ўзидан ифор таратиб турган илк ёшлигимнинг фасл топаётган куни бўлса керак.

– Қани эди, мен ҳам сизга ўхшаб ўқишга бора олсам, – деди Офтоб хомуш бўлиб.

– Нега бормас экансан?

– Дадам қўймаса керак! «Ёлғиз қизимизсан, кўз олдимизда ўқигин, шу ердаги бирор ўқув юртига кирасан», – деса керак.

– Йўқ, сени ўқишга олиб кетаман.

– Дадам қўймайди!

– Дадамга айтаман, даданг билан гаплашади!

– ...

Офтоб қўлимни маҳкам сиқиб менга қаради, ғира-ширада унинг миннатдорчилик нигоҳи билан боқиб турганини сездим.

Қоронғи эна бошлаганида клуб олдидаги хиёбонга чиқдик, бу ерни турфа хил чироқлар ёритиб турарди.

– Менга хат ёзсангиз Ширинларникига жўнатынг, хўпми, – деди Офтоб.

– Сен нима десанг шу...

– Сиз албатта ўқишга ўтишингиз керак! Туну кун Аллоҳимдан шуни сўрайман!

Шу тобда Офтоб шунчалар гўзал, шунчалар жозибали эдики... Унга тикилиб тўймасдим. Алҳол, унинг кўзига ёш қалкиди.

У менга қараб-қараб уйи томон кетди...

Офтоб кўзга кўринмай қолгандан кейингина шаҳар йўлига бурилдим, мана қишлоқдан узоқлашиб боряпман, аммо хотиралар мени қишлоққа қараб тортади; гўдаклигимдан кўз қорачигимга илк бор сурати тушган одамлар, маъсум болалик ортда қоляпти, катталар дардига шерик бўлиб яшаб, гоҳ у, гоҳ бу сўқмоққа бурилиб ўсмирлик, ўспиринлик кўчаларидан ўтдим, энди улар хотирага айланыпти, орқамга бурилиб қишлоққа қайтсам-да, энди у беғубор дамларга қайта олмайман! У беғубор, бахтиёр дамлар! Улар юрагимни севинчга буркайди, беихтиёр орқага – ўша бахтиёр дамларга қайтгим келади! Супада қуриладиган гурунглари, дўстларим билан боғларда чаппар уриб ўйнаганларимизни, ҳамқишлоқларимизни, Ширинни, мурғак онгим билан опамга озор берганларимни, Зумрад опа, Калима, Офтобни шундай хузур қилиб эслайманки, йўл бўйи улар қайта-қайта жонланиб қалбимнигина эмас, балки атрофни ҳам ёритаётгандек эди... Эҳ, булар умрим дарёсининг қайтмас тўлқинлари...

... Саодат опамникига етиб бордим, уларнинг уйи шундайгина вокзалнинг биқинида.

Дарвозани очган опам мени кўриб севиниб кетди, бағрига босиб икки юзимдан чўлпиллатиб ўпиб кўришди, дарвозахона чироғи ёруғида унинг юзи кизариб кўпчиганини сездим, у юкли эди. Поччам опамдан ҳам зиёда хурсандчилик билан кутиб олди, кучоклашиб кўришди: жиянларим Тўлқин билан Барно ухлаб қолишибди. Опам бир зумда дастурхон тузади. Поезд эрталаб саҳарда жўнар экан, поччам ўзим кузатиб қўяман деди. Сўнг бемалол гурунглашиб ўтирдик.

– Сен ҳам катта йигит бўлиб шаҳарга кетяпсан, энди яна сени қачон қўраман? – деди опам чой узатар экан, маҳзунлик билан боқиб.

– Оббо, нима, чет элга кетяптими? Мунча ваҳима қиласан, истаса ҳар ҳафта келиб туради, – деб кулди поччам.

– Шундайми? Унда яхши, келганингда аввал бизникига кирасан-а?! – деди опам чиройи очилиб.

Мен бош ирғиб маъқулладим. Сўнг поччам мен сабаб бўлиб наъматак устига қулаганини, опамни назоратга олдириб қўйганимда қийналганларини эсга олди; роса қулишдик. Поччам қулгидан ўзини зўрға тийиб:

– Саодатой, бу киши мендан пухта чиқиб қолди, – деди.

– Нсга энди? – дея сўради опам ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, бу киши жуда пухта! Ахир, укаси йўғидан топибди-ю!

Бутун танамдан ловиллаб «иситма» чиқиб кетди, ер чизиб қолдим.

1972–1996 йиллар,
Фарғона – Жиззах – Тошкент.

МУНДАРИЖА

Роман ва унинг муаллифи ҳақида дил сўзлари.....	3
Муаллифдан.....	9
Гўдаклик.....	11
Болалик.....	107
Ўсмирлик.....	185
Ўспиринлик.....	303
Илк ёшлик.....	423

Бадиий нашр

Туроб Мақсуд

ҚАЙТМАС ТЎЛҚИНЛАР

Роман

Мухаррир *Б. Худоёрова*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Л. Хинова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳиҳ *М. Якубджанова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга 2014 йил 17 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84х108^{1/32}. Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 27,3. Нашр табағи 27,38.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 14-492

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz